




ШОДМОН ОТАБЕК

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

*Тўлдирилган ва қайта ишланган
бешинчи наشري*

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016



УЎК 821.512.133-7
КБК 84(5Ў)6
Ш – 74

Масъул муҳаррирлар:

Аҳмадҷон Мелибоев, Носирҷон Тошматов

Отабек, Шодмон.

Ш – 74 Дўрмон хангомалари. Тўлдирилган ва қайта ишланган 5-нашри. – Т.: “Sharq”, 2016. – 528 б.

ISBN 978-9943-26-400-7

Азиз китобхон!

Сиз Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Рауф Парфи, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Тохир Малик, Иқбол Мирзо, Мирпўлат Мирзо каби таникли шоир ва ёзувчиларнинг асарларини суйиб ўқигансиз. Қўлингиздаги китобда ўша машҳур адиблар ҳаётида рўй берган қизиқ, кулгили ва ибратли воқеалар, хангомалар, аския, латифалар, ажойиб лутфлар қаламга олинган.

Адиблар ҳаётидан олинган ушбу битиклар миллий адабиётимизга, маънавиятимиз ва умумданиятигимизга бевосита дахлдор бўлган кадриятлардир. Айни чоғда уларни адабиётимизнинг, адабий муҳитнинг ҳазилмутойибаларга йўғрилган ўзига хос тарихи сифатида баҳолаш мумкин.

Кўпсонли китобхонларнинг тақлиф-истакларига биноан бу гал хангома қаҳрамонларининг фотосуратлари ва қисқача таржимаи ҳоллари ҳам берилаётгани ушбу ноёб китобнинг кадр қимматини янада оширади деб ўйлаймиз. Ушбу китоб адабиёт мухлислари, адабиёт муаллимлари ва филология, журналистика факультетлари талабалари учун қўшимча қўлланма сифатида хизмат қилади.

“Дўрмон хангомалари”нинг навбатдаги ўзига хос энциклопедияси Сизга манзур бўлади деб умид қиламиз.

ISBN 978-9943-26-400-7

УЎК 821.512.133-7
КБК 84(5Ў)6

© Шодмон Отабек, 2016 й.
© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2016 й.



ЛАТИФАСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ¹

Дўрмон² – ўзбек адабиётининг қутлуғ жойларидан. Бирон адиб ёки шоир, мунаққид ёки драматург йўқки, у лоақал бирор марта бу гўзал гўшага келмаган бўлсин, унинг мусаффо ҳаволаридан тўйиб-тўйиб нафас олмаган бўлсин. Адабиётимизнинг ўнлаб ёрқин асарлари шу ерда туғилган, ёзилган, ўқилган, қатта ҳаётга оқ йўл олган.

Худди шу ердаги қувноқ давраларда ёзувчилар латифалар айтишган, ўзларини бемалол қўйиб юбориб, ҳазил-мутойибага берилишган.

Шодмонбек бир неча йиллардан бери “Дўрмон ҳангомалари”ни йиғиб-ёзиб келади. Қўлингиздаги китобчада турли-туман латифалар, аскиялар, ўткир гаплар, топқирлик билан берилган жавоблар тўпланган. Уларнинг ҳаммаси биз учун қадрли ёзувчиларнинг унутилмас сиймоларини яна бир бор гавдалантиради.

Биз уларнинг ҳаммаси ўзимизга ўхшаган жонли, қувноқ, содда одамлар эканини кўрамиз ва бундан улар қалбимизга янада яқин бўлиб қолади.

Шодмонбек шу азиз ва турфа сиймолар портретини тўлдирадиган кўпгина чизгиларни излаб топибди ва муқова остига жойлапти.

Шодмонбекнинг бу қутлуғ ишига муваффақият тилайман. Агар бу ишлар учун илҳом керак бўлса, шахматдаги рақибим Шодмонбекка навбатдан ташқари ютқазиб беришга ҳам тайёрман. Майли, болафақирнинг кўнгли кўтарилсин.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони.

¹ Китобнинг иккинчи ва учинчи нашрига ёзилган сўзбоши.

² Тошкентнинг кунчиқар томонида, Қибрай туманидаги Дўрмон кишлоғи яқинида жойлашган ёзувчиларнинг ижод уйи, ижодкорлар ўртасида машҳур бўлган файзли, табаррук даргоҳ.

КУЛГУГА ЙЎҒРИЛГАН МЕРОС¹

Шодмонбекнинг “Дўрмон хангомалари” китобини зўр қизиқиш билан, бир нафасда ўқиб чиқдим. Яхши китоб бўлибди.

Бизда адабий муҳитнинг тарихи махсус ёзилмайди. “Дўрмон хангомалари” ана шу муҳит ҳақида, таниқли адиблар ва ижод бўстониغا катта умидлар билан қадам қўйган каламкашлар, айрим санъаткорлар² ҳақида ўзига хос, ёрқин таассурот қолдиради, уларнинг сиймолари беғубор кулгу, бетакрор хангома, латифалар, нозик кочиришлар, турфа лутфлар воқеасида, инсоний жозибаси билан ўқувчи кўз олдига келади.

Мен муҳит ҳақида бежиз тўхталмадим. Баликқа сув қанчалик керак бўлса, ёзувчига, санъаткорга ҳам муҳит шу қадар зарур. Буюк адабиётнинг буюк вакиллари ҳамиша адабий муҳит бағрида тобланиб, камол топганлар. Ҳазрат Навоий яшаб, ижод қилган Ҳирот муҳитини, Фурқат, Муқимий, Завқийларни етиштирган Қўқон муҳитини, Огаҳийнинг номини умрбоқий қилган Хоразм муҳитини эсланг. Муҳитнинг сеҳрли жозибаси, оҳанрабоси бўлади. Ҳамма ижодкорлар табиий, унга интилади. Французлар “Шоирлар қишлоқларда туғилиб, Парижда ўладилар”, дея бежиз айтмаганлар.

Дўрмондаги ўша машҳур арғувон тагида бўлиб ўтган ажойиб суҳбатлар, қувнок гурунглари унутиб бўларканми? Бизнинг ижодимиз ҳам ўша Дўрмон муҳитидан, у ерда яшаб, ижод қилган Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Максуд Шайхзода, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор муҳитидан нафас олиб, шаклланган. Бу муҳитдан яна Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукр Холмирзаев каби ижодкорлар ҳам баҳраманд бўлишган. Муҳитни маълум маънода бир булоққа, ижодкорни тоблайдиган қайроқтошга, кўнглидагини ёзиш имкони бўлмаганда, худди эртақдагидай, Искандарнинг шоҳи бор, дея дардини айтиб оладиган бир қудукка ўхшатиш мумкин.

Адабий муҳитни кулгусиз, қувнок гурунглрсиз тасаввур

¹ Китобнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи нашрларига ёзилган сўзбоши.

² Санъаткорлар ҳақидаги хангомаларни алоҳида чоп этиш маъқул кўринди.

қилиш қийин. Машхур, таниқли одамлар ҳақида эса ҳамиша қизиқ гаплар, хангомалар бўлади.

Улар ростдан ҳам ҳаётда содир бўлиши ёки тўқилиши, ижод қилиниши мумкин. Мухлислар, китобхонлар, одатда, бундай хангомаларга жуда ўч бўлишади. Афсуски, бизда эпистоляр, мемуар жанрлар яхши ривожланмагани боис буюк сиймоларимиз, уларнинг шахсий ҳаётлари ҳақидаги тасаввуримиз жуда ғариб.

Навоий тўғрисидаги қимматли маълумотларни Хондамир каби тарихчилар ёзиб қолдирган. Бобур эса ўзи ёзган. Ҳаёти фожиаларга, ғаройиб воқеаларга бой бўлган Машраб ҳаёти тўғрисида, ҳатто яқин ўтмишда яшаб ўтган Муқимий, Фурқатлар ҳақида ҳам жуда кам нарса биламиз. Уларнинг ҳаёти билан боғлиқ кулгили, қизиқ воқеалар, хангомалар бўлмаган дейсизми? Буларнинг ёнида юриб, Гётенинг шахсий котиби Эккерман сингари айтган ҳар бир диққатга сазовор сўзини ёзиб оладиган одам бўлмаган. Шу боис бебаҳо неъматдан, кулгуга йўғрилган қимматли меросдан бебаҳра қолганмиз. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Шодмон Отабекнинг китоби ушбу табиий эҳтиёжни маълум даражада қондиради, деб ўйлайман.

Машхур масалнавис айтганидек, мусиқанинг нозиклиги ва жозибасини ҳис этиш, тушуниш учун уни эшитадиган нозик кулоқлар ҳам керак. Қизғин суҳбат ва гурунглarda гоҳо бир лаҳзада ўтиб кетадиган нозик қочиримларни, ним табассумли ҳолатларни ҳамма ҳам бирдек илғайвермайди. Қолаверса, буни илғаш, бундан завқ олиш бошқа-ю, уни сўз маржонига териб, оҳорини тўкмай, ўша кайфиятни китобхонга “юқтира билиш” бошқа. Шодмонбекда мен ана шундай истейдод борлигини кўрдим.

Умр ўткинчи, хотира боқийдир. Ушбу китобнинг қиймати йиллар ўтгани сайин ортиб бораверади, назаримда...

“Дўрмон хангомалари” мутгасил ёзилиб, тўлдириб бориладиган ва мухлислар ҳамиша орзиқиб кутадиغان, суйиб, таллашиб тортишиб ўқийдиган китоб бўлиб қолади, деб умид қиламан. Ана шу хайрли, эзгу ишда ёзувчи укам Шодмон Отабекка омад тилайман.

Эркин ВОҲИДОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

САДРИДДИН АЙНИЙ БИР КУНИ...



Садриддин Айний 1878 йили Бухоро амирлигига қарашли Ғиждувон туманининг Соктаре қишлоғида туғилган. 1890 йилда Бухорога келиб, Мир Араб, Бадалбек, Олимхон мадрасаларида таълим олади. Ижоди шеърлар ёзишдан бошланган. Биринчи асари – “Қизил гул” 1897 йили яратилган. Адибнинг “Бухоро жаллодлари” (1922), “Одина” (1927), “Судхўрнинг ўлими” (1937) қиссалари, “Куллар” (1934), “Дохунда” романлари нашр этилган. Тўрт томлик “Эсдаликлар” (1949-1954) мемуар асари тилга тушган. Ёзувчи Давлат мукофоти ва филология фанлари доктори илмий унвонига сазовор бўлган. Асарлари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган.

Садриддин Айний 1954 йили Душанбе шаҳрида вафот этган.

Куёв ортиқча

Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшган атоқли ёзувчи эди. Замондошларининг хотирасига кўра, адиб ҳаётда ўзининг машҳур қахрамони, хасислик тимсоли Қори Ишкамбага ҳам озроқ ўхшаб кетаркан.

Кунлардан бир кун Айний домла қизини турмушга чиқаради. Тўй ихчамгина, ортиқча дабдабасиз, камтарона ўтади. Орадан кўп ўтмай қудалар томондан бир вакил келиб ёзувчи билан музокара бошлайди.

– Домла, сиз қудалар билан куёв чақирик қилмасликка келишган экансиз. Лекин куёвбола бунга рози бўлмаёпти. Ҳамма жўралари куёв чақирди қилишган экан. Улар олдида уялиб қоламан деяпти. Шунга сиз нима дейсиз?

Айний узоқ ўйлангач, ахийри ён бериб, таклифга кўнади.

– Майли, розиман. Куёвни пайғамбар сийлаган. Аммо битта шартим бор.

– Қандай шарт экан?

– Мен фақат ўнта одамга тайёргарлик кўраман, шуни айтиб кўясиз.

– Хўп бўлади, домла, бу ёғидан хотиржам бўлинг.

Нихоят, белгиланган куни куёв томондан жўралар келишади. Домланинг ўзи меҳмонларни остонада кутиб олиб, биттадан, худди қўй санагандек санаб ўтказа бошлайди. Жўралар ўн битта экан, домла келишувга биноан охирги – ортиқча меҳмонни ичкарига қўймайди. Кейин меҳмонлар ўтирган хонага кириб мундоқ қараса, куёвтўрага тайёрланган махсус жой бўш турганмиш. Маълум бўлишича, кўчада қолган йигит куёв экан.

Калиши қўлида

Айний домла маълум муддат Самарқанд Давлат дорилфунунида маъруза ўқиган эдилар. Эскича ва янгича илмларни обдон омухта қилган устознинг дарсларига қизиқиш катта бўлган.

Кунлардан бир кун устоз эрталаб ишга шошилишч жўнаб кетади. Уйда ёлғиз қизлари Холида қолади. Орадан кўп ўтмай домла уйга қайтиб келади.

– Тинчликми, отажон? – қизи хавотирланиб сўрайди.

– Тинчлик, болам, тинчлик, хавотирга хожат йўқ.

– Унда нега...

– Фаромушлик курсин, қизим. Регистонга етганимда уйда чироқнинг ёниқ қолгани эсимга тушиб қолди. Сиз ҳам ўчирмай дарсга кетиб қолсангиз, беҳуда ёниб қолмасин деб қайтиб келдим.

– Вой падаржон-эй, арзимаган электр ҳақини тежайман дебсиз-у шунча йўлни қайта босиб, калишингизни ейилишини ўйламабсиз-да!

– Анойи эмасман, қизим, – дебди домла. – Калишимни ечиб олганман. Мана, қўлимда турибди.

Хотираси мустаҳкам

Домла кексайиб қолганида ҳам хотираси мустаҳкам бўлган экан. Шоир Насрулло Даврон Самарқанд университетида ўқиб юрганида Айнийдан тезда қайтариш шарти билан 25 сўм қарз олади. Орадан кўп ўтмай уруш бошланиб, бошқа талабалар қатори у ҳам фронтга сафарбар қилинади. Омади бор экан, киргинбарот урушдан омон қайтиб келади. Иттифоқо кўчада

Айний домлани кўриб қолади. Қисқа салом-алиқдан сўнг домла дархол мақсадга кўчади.

– Насрулло! Ўша қарзинг эсингдами? Қачон қайтарасан?

– Эсимда, домла, эсимда! Маош олишим биланок қарзимни узаман.

– Ҳа, шундай қил, болам. Дардинг бўлса бўлсин, аммо қарзинг бўлмасин!

Бехуда чапак

Ўқув юртларидан бирида устод Айний билан учрашув бўлади. Учрашув самимий, жонли ўтади. Домлалар, талабалар ўзбек ва тожик адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшган машхур ёзувчи ҳақида дил сўзларини айтадилар. Ниҳоят, адибнинг ўзига сўз берилади. Соддагина, қишлоқча кийинган адиб секин юриб келиб минбарга чиқади. Шошилмай сўз бошлайди:

– Сиз каби озод, меҳнатқаш, илмга чанқоқ толиби илмлар билан учрашиб турганимдан мамнунман.

Қарсақлар янграйди.

– Мени шундай юксак мартабаларга етказган халқим олдида бир умр қарздорман.

Қарсақлар.

Шу тарика адибнинг ҳар бир сўзидан кейин қарсақ чалинаверади. Қарсақни ҳайъатда ўтирган тепакал, лунжлари осилган бир одам бошлаб берар, бошқалар тинганда ҳам у яна бироз чапак чалиб турарди.

Адиб сўзида давом этади:

– Бахтли замонда яшаб, ижод қилдим. Романлар, қиссалар ёздим.

Қарсақлар.

– Академик бўлдим.

Қарсақлар.

– Фанлар академиясига Президент бўлдим.

Қарсақлар.

Чапакни ҳамон ўша тепакал одам бошлаб берарди.

– Мен бундан ўттиз йилча бурун мана шу Регистонда юз берган тарихий воқеаларнинг тирик гувоҳиман.

Қарсақлар.

– Худди шу ерда амир мени етмиш беш таёк урдирган.

Ҳалиги тепакал одати бўйича яна чапак чалиб юборади. Бундан энсаси қотган устод ўша одамга қараб шундай дейди:

– Лекин ҳеч қачон беҳуда чапак чалмадим!
Залда гуррос кулги кўтарилади.

“Тасанно”

Айний домла шўро раҳбарларининг миллий меросга, табаррук қадамжоларга эътиборсизлиги, гоҳо шафқатсизлигидан қаттиқ азият чекиб юрган. Бу борада улар билан кўп тортишган. Кунлардан бир кун устоз Абу Али ибн Сино туғилган қишлоққа келиб, машҳур табиб дафн этилган тепаликни аниқламоқчи бўлади. Шунда бу ердаги вайроналарни кўриб тутокиб кетади. Вилоят раҳбарига иддао қилади:

– Биз минг йил аввал ўтган Ибн Синонинг хокжойини излаб юрибмиз. Ахир яқиндагина ўтган Мушфиқийнинг қабри бузиб ташланибди-ку! Бу қандоқ разолат? Ҳазрати Нуробод қабристонини бузилгани етмасмиди? Мадрасаи Хўржун қани? Ҳовузи Гавкушон қани? Саройи баррас-чи?.. Қанчадан қанча мадрасалар, мачитлар аёвсиз яқсон қилинди. Эсиз... Бухоройи шарифнинг бойқушхонадан фарқи қолмабди-ку!

Устознинг куйиниб айтган сўзларини оғриниб тинглаган раҳбар эътироз билдиради:

– Ўртоқ Садриддин Саидмуродович! Намунча ўтмишни қўмсамасангиз? Сиз ўша ўзимиз билган пролетар ёзувчисимиз сиз ёки?..

– Э, бизни пролетар ёзувчиси қилган ўша замонга “минг... тасанно”!

Устоз бу сўзни алам устида айтган, аслида ўша замонга “Минг лаънат!” демоқчи эди...

“Чужит”ни билмаса-да...

Ўтган асрнинг 30-йилларида Самарқанд шаҳрида ижодкор зиёлиларнинг йиғини бўлади. Анжуманда таниқли олимлар, раҳбарлар қатнашади. Рус олимларидан бири сюжет ва композиция масаласи юзасидан катта маъруза ўқийди. Ўрис тилида қилинган маърузадан ҳеч нарса тушунмаган Айний домла сўзга чикиб, шундай дейди.

– Муҳтарам олимимизнинг маърузаларини яхши илғай олмадим. Чужит, чужит (сюжет) дейилди, аммо мен “Дохунда” ва “Куллар” романимни чужитни билмай ёзганман.

ҒАФУР ҒУЛОМ БИР КУНИ...



Ғафур Ғулом 1903 йил, 10 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1963). Тошкент шаҳрида Қўрғонтеги маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада, рус-тузем (1916) ва “Ҳаёт” мактабларида (1918) таҳсил олган. “Динамо”, “Йигит”, “Эгалари эгаллаганда”, “Хитойдан лавхалар” (1931), “Тирик қўшиқлар” (1932), “Кўкан” (1934), “Сизга” (1935), “Чашма” (1939), “Янги шеърлар”, “Шеърлар” (1946), “Ўзбек элининг ғурури” (1949), “Шараф қўлёмаси” (1950), “Танланган асарлар”

(1956–59, 4 жилдли) шеърӣ тўплам ва дostonлари, “Жўрабўза” ҳикоялар тўплами, “Мухбир суди” (1929) пьесаси ҳамда “Нетай” (1932), “Тирилган мурда” (1935), “Ёдгор”, “Шум бола” (1938) каби қиссалар муаллифи. Асарлари асосида театр спектакллари ва кинофильмлар яратилган (“Шум бола” ва бошқа). “Отелло”, “Қирол Лир” синғари жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. 1966 йил, 10 июлда Тошкентда вафот этган. Вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2000).

Атоқли шоир ҳаёти ва ижодида қулги, ҳажвиёт, сатира ва юмор муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, насрий асарларига алоҳида жозибача, баркамоллик бахш этган ҳажвиёт беқиёс, бетакрордир. “Афанди ўлмайдиган бўлди”, “Ҳасан Кайфий” каби ҳикоялари ҳали ҳамон суйиб ўқилади. Халқона қулги, юмор билан сугорилган “Шум бола” қиссаси эса гўзал, умрбоқий асардир.

Ғафур Ғулом табиатан қувноқ, ҳазилкаш одам бўлган. Ўз даврининг машҳур қулги даргалари билан тенгма-тенг аскиялар айтишган. У қатнашган даврада албатта қаҳқаҳа, ҳазил-мутойиба янграган. Мутафаккир шоир юморнинг қудратини чуқур англаган. Қулги унинг учун шунчаки кўнгилхушлик воситаси бўлмаган. Ҳаётда дуч келган қийин, мураккаб ҳолатлардан халос бўлишда ёки жиддий алпозда айтиш қийин туюлган фикрни айтишда, айрим ижодкорларга баҳо беришда юмор, ҳазил-мутойиба шоирга асқотган. Атоқли шоир номи билан боглиқ бундай лутф –

ҳангомалар худди Афанди латифалари каби оғиздан оғизга кўчиб юради. Улар шоирнинг умрбоқий асарлари каби ҳеч қачон унутилмайди.

Уйғун қандай шоир?

Кунлардан бир кун Ғафур Ғулом шогирди Саид Аҳмад билан зиёфатнинг эртасига, “бош оғриғи” учун кимни эритсак экан, дея атрофга аланглаб туришса, узокда таниқли адабиётшунос олим, профессор Абдурахмон Саъдий кўриниб қолади.

– Бўлди, иш пишди! – дейди Ғафур Ғулом кафтини кафтига ишқаб. – Ҳозир домлани эритамиз. Билсанг керак, домла Уйғунни унча ёқтирмайди. Гапни шунга қараб олаверасан.

Салом-аликдан сўнг устоз-шогирд бири олиб, бири қўйиб Уйғунни ёмонлай бошлашади. Домла чиндан ҳам Уйғунни хушламас экан чоғи, оғзининг таноби қочиб, эриб-яйраб кетади. Сўз қотиш учун энди оғиз жуфтлаганда Ғафур Ғулом усталик билан таклиф киритади:

– Домла, суҳбатнинг чаласини ресторанда давом эттирсак нима дейсиз?

– Жуда яхши-да!

– Кетдик бўлмаса!

Ресторанда домланинг ҳисобидан роса улфатчилик қилишади. Обдон мурод ҳосил бўлгач, тебраниб-чайқалиб ташқарига чиқишади. Ғафур ака Саид Аҳмадга секин кўз қисиб, дейди:

– Умуман олганда, Уйғун ёмон шоир эмас, нима дединг, Саид Аҳмад?

– Тўғри айтасиз, устоз, ҳозир Уйғун акага етадиган шоир йўқ!

Андак ширакайф Саъдий домла тушимми-ўнгимми дея хангу манг бўлиб қолади.

Огоҳлантириб қўйди

Ғафур Ғулом тоғга яқин қишлоқдаги дам олиш уйида оиласи билан ҳордиқ чиқараётган таниқли артист дўстини йўқлаб боради. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дўсти шоирга ҳасрат қилади:

– Бу дам олиш уйининг директори жуда ғалати йигит экан.

Хотиним билан бир неча марта пана-пасткам жойларда дон олишаётганини кўриб қолдим. Ўзи инсофга келиб қолар, дея индамадим. Кеча мундоқ қарасам қизимнинг бошини айлан-тиряпти. Яна индамадим. Андишанинг отини кўрқоқ деяпти чоғи, бу шилқим. Ҳайронман, энди нима қилсам экан?

Ҳамиятсиз дўстининг бундай ланж, бетайин гапларидан эн-саси қотган шоир дангалига кўчиб, шундай “маслаҳат” беради:

– Энди ўзингга эҳтиёт бўл!

Навоийни бошлаб келди

Ғафур Ғуломнинг яқин бир оғайниси фалакнинг гардиши билан водийдаги чекка бир колхозга раис бўлиб қолади. Янги раис ҳовликиб Ғафур Ғуломни бир неча шоирлар билан учра-шувга таклиф қилади.

– Ундай бўлса устозимиз Алишер Навоийни ҳам олиб бо-раман, – дейди Ғафур ака жиддий алпозда. Умрида биронта китоб ўқимаган раис “Яхши бўларди, олиб келавер” дейди.

Хуллас, ўша – айтилган куни дала шийпонида казо-казо шоирлар билан учрашув бўлади. Раис йиғилганларга мурожаат қилади:

– Бугун машҳур шоиримиз Ғафур Ғулом ўзининг устози Алишер Навоий билан ҳузуримизга ташриф буюрдилар. Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!

Раис сўзини мухтасар қилиб, Ғафур Ғуломнинг ёнида-ги тўн кийган, ихчамгина саллали, кичкинагина чолга ишора қилади. Шунда Ғафур Ғулом ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб ку-либ юборади. Раис талмовсираб қолади.

– Эҳ, ўқимаган! – дейди шоир кулимсираб. – Ахир Навоий хазратлари бундан беш юз йил олдин яшаб ўтганлар-ку!

Раис хангу манг бўлиб қолади. Йиғилганлар кийкириб, роса қарсак чалишади.

Ғафур ака тўн кийган меҳмонни йиғилганларга таништира-ди:

– Бу киши Навоий эмас, халқимизнинг суюкли шоири Ҳабибий домла бўладилар!

– Ана холос! – дейди раис кекса шоирдан кўз узолмай. – Туришлари, кўринишлари худди Навоийнинг ўзи-я! Тавба! Одам одамга шунчалик ўхшайдими?!

Пичоқ ёқиб қолса...

Ғафур Ғуломнинг 50 йиллик юбилеи катта тантана билан нишонланади. Тошкентнинг сўлим боғларидан бирида шоирнинг кўпсонли мухлислари, яқин ёру биродарлари йиғилишади. Ҳар ким топган-тутганини ўртага чиқиб топширади.

Шоирнинг андижонлик дўстлари – булоқбошилиқ машҳур пахтакор Жўраполвон Ғойибов билан қорасувлик таниқли аскиячи Махсум Қозоқовлар ўртага чиқиб, юбилярни табриклашади ва унга махсус буюртма асосида ясалган бежирим пичоқ совға қилишади. Ғафур Ғулом ўртага чиқиб, пичоқни кинидан суғуради.

– Раҳмат, андижонлик дўстларим! – дейди шоир кулимсираб. – Зап кўнглимдагидай пичоқ экан!

Сўз устаси Абдулхай Махсум шундай гап қистиради:

– Ғафур ака! Пичоқ ёқиб қолиб, биронтаси “бир тақай” деса, тагин хўп деворманг...

Залда гуррос кулги кўтарилади.

Шоирни мот қилишди

Ғафур Ғулом сайру сайёҳатни, одамлар орасида бўлишни яхши кўрарди. Кунлардан бир кун у Фарғона водийсининг гўзал Шохимардон қишлоғига бориб қолади. Чойхонада қариялар билан гурунглашиб ўтирганида ундан сўрашади:

– Хўш, меҳмон, сўраганнинг айби йўқ, ўзлари қаердан бўладилар?

– Тошкентдан.

– Нима касб қиладилар?

– Мен... шоирман.

Мезбонлар гарчи машҳур шоирни яхши таниб туришсада, унинг ҳазилкашлигини билишгани учун бир тегажоклик килгилари келади.

– Кечирасиз, биз оми одамларга мундоқ оддийроқ қилиб тушунтириб берсангиз, шоир дегани нима иш қилади ўзи?

Ҳали-ҳамон нимкосани пайқамаётган шоир шляпасини ёнига қўйиб, астойдил гапира бошлайди:

– Хўш, буни сизларга қандоқ тушунтирсам экан? Масалан, мана бу шарқироқ сойнинг нариги томонидан бир йигит

тулпор от миниб келди дейлик, бу томондан эса парирухсор, гўзал бир киз кўза кўтариб сувга чиқади. Биз шоирлар шунақа воқеаларни шеърга солиб, икки ёшни ўзаро қовуштириб кўямиз.

– Э-ҳа-а, – кишлоқнинг “содда” одамлари меҳмонга ажаблангандек қарашади, – шуни сизларда шоир дейдиларми? Бизда буни “кўшмачи” дейишади.

Водийнинг кулгисевар, ҳазилкаш одамлари орасида ўтиргани эсига тушган шоир қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади.

Вино бўлди

Кунлардан бир кун Ғафур Ғуломнинг Бешёғочдаги уйига ёш адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов келади. У шоир ижоди ҳақида илмий иш қилаётганди. Шоир бўлажак ёш олимни ўткирроқ ичимлик олиб келиш учун дўконга юборади. Олим ўйлай-ўйлай битта коньяк ва ўша кезларда “чекушка” деб аталадиган кичкина шишачадаги ароқни олиб келади. Ароқни кўрган шоир шундай гап қотади:

– Ўзинг хам ичаркансан-да?!

Олим умуман ичмас эди, шу боис тортиниб-қимтиниб, индамай ўтираверади. Шоир бир пиёлага коньяк, иккинчисига ароқ қуйиб, секин сўрайди:

– Хўш, нега индамайсан? Бирон нима ичасанми ўзи?

Олим “йўк” дегандек секин бош чайқайди.

– Э-ҳа, вино ичармидинг?

– Ҳмм, – боёқиш олим шундай десам қутуламан деб ўйлайди.

– Э, шуни боядан бери айтмайсанми? – дейди шоир андак ажабсиниб ва пиёладаги ароқнинг устига култ-култ қилиб коньяк куяди.

– Ана энди вино бўлди, ол, ичавер!

Фарҳоднинг “Ширин”и

Арманистонда ўзбек адабиёти ўн кунлиги ўтказилаётган эди. Мезбонлар Ғафур аканинг ҳурматини жойига қуйиб, беҳад сийлашади. Энг сара шеърлари арман тилида чоп этилади. Шоир китобни кўлига олиб, нотаниш ҳарфларга тикилиб

қолади. Сўнг арманларнинг дунёга машҳур шоираси Силва Капутикянга қараб сўз қотади:

– Китобга қайси шеърларим киритилганини билолмаяпман. Менга арман қизларидан биронтасини олиб бер. У Ширин бўлади, мен Фарҳод бўламан. Умрининг охиригача шу китобни менга таржима қилиб беради.

Силвахоним ҳам ҳазилкаш экан. Гап келганда ўзбекнинг чўнг шоирини аяб ўтирмади:

– Жуда яхши таклиф. Сизга яқинда тўқсон ёшлиги нишонланган Мариэтта Шагинянни олиб берамиз. Сизларни Тошкентгача ўзим ёр-ёр айтиб кузатиб қўяман.

Ёзмаса бўлди

Ғафур Ғуллом бемаза шеърлари билан ҳаммани, айниқса, таҳририят ходимларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

– Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам ҳақи оласан?

– Кўп эмас, юз сўм атрофида, Ғафур ака.

– Агар мутлақо бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга ойига икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..

Шоири тушмагур хижолатдан бир замбил лой бўлиб қолади.

Ёмон шоир

Шеърят кечасида бир шоир минбарга чиқиб, чучмалгина, ғўр шеърини худди зўр шеърдай жўшиб-тошиб, бақириб ўқийди. Анжуманда қатнашаётган Ғафур аканинг энсаси қотиб, асабийлашади, ҳаво етишмагандай безовталанади. Рўмолчасини олиб, юз-кўзларини артади. Ёнида ўтирган ёш шоир секин энгашиб, сўрайди:

– Нима бўлди, устоз?

– Ҳеч нима! – дейди Ғафур ака минбардан кўз узмай. – Қари хотин ўзига оро бериб, пардоз-андоз қилиб, ёш қиздай ноз-карашма қилса жуда хунук кўринади, тўғримми?

– Тўғри, устоз!

– Ёмон шоир ёмон шеърини кучаниб-чираниб ўқисаям шунақа бўларкан...

Фан-техника мўъжизаси

Ғафур Ғулом ўзига хос, кутилмаган шумликлари билан ҳам машҳур бўлган. Ўша даврда “витамин” деб аталувчи таблеткалар энди расм бўлаётганди. Бир куни ижодкорларнинг катта анжуманида Ғафур ака ўша таблеткадан биттасини худди нос отгандек тилининг тагига ташлайди. Буни кўриб қолган машҳур рассом Абдулҳақ Абдуллаев қизиқсиниб сўрайди:

– Ғафур ака, бу қанақа дори? Ҳар куни уч маҳал қанда қилмай ичяпсиз?

– Бу – янги, замонавий ароқ! Билдингми? Ҳозир фан-техника ривожланиб кетган. Ароқниям таблеткасини ўйлаб топшибди. Биттасини шундоқ тил тагига ташласанг бас, маза қилиб кайф қилаверасан.

Рассомнинг ишонқирамаганини кўрган шоир яна шундай дейди:

– Мана, ўзинг биттасини синаб кўр, кайф қилмасанг мен кафил.

Умрида ичмаган, фариштасифат Абдулҳақ ака иккилана-иккилана илм-фан мўъжизаси бўлмиш “таблетка-ароқни” тилининг тагига ташлайди-ю секингина хонасига йўл олади.

Орадан кўп ўтмай рассомнинг хонасидан анжуман раҳбарининг шанғиллаган, зардали овози эшитилади:

– Ким шундай фаришта одамни йўлдан урди? Ахир ҳозир учрашув бошланади-ку! Рассомимиз ғирт маст. Мен масалани бундай қолдирмайман.

Раҳбарга Ғафур аканинг ҳазилини тушунтиришганда у қотиб-қотиб кулади.

Яраш-яраш

Ғафур Ғулом Дўрмонда Абдулла Қаҳҳор билан аразлашиб қолади. Орага совуқлик тушади, икки оксоқол ўзаро саломаликниям йиғиштириб қўйишади. Бу орада Абдулла Қаҳҳор дала ховлисида зиёфат уюштирадиган бўлади. Буни эшитган Ғафур аканинг ҳаловати йўқолади. Дардини Саид Аҳмадга айтarkan, секин сўрайди:

– Устозинг мениям чақирармикин?

– Билмадим, ҳарҳолда чақирмаса керак. Сиздан қаттиқ хафа, – дейди Саид Аҳмад тўғриси айтиб.

– Бўлмаса бундоқ қиламиз, – дейди Ғафур ака кутилмаганда, – сен бола ана бу патнисни олиб тезда олдимга туш, устозингнинг эшигига борамиз. Сен патнисни чирманда қилиб чалаверасан, мен ўйинга тушиб устозингнинг боғига кириб боравераман.

Саид Аҳмад индамай патнисни олиб, Ғафур аканинг олди-га тушади. Устознинг уйига етишганда Ғафур ака буюради.

– Чал! Чилдирмага ўхшатиб, қаттикроқ чал!

Саид Аҳмад патнисни чалади, Ғафур ака “така-тум, така-тум”га ўйнаб кетади, ярим тожикча, ярми ўзбекча ашулани хиргойи қилади:

*Қанд есанг киссамгаё
Қандалатига қарзим бор.
Шер Абдулла жоно,
Шер Абдулла жон...*

Девор тиркишидан бу ғаройиб ҳангомани кузатиб турган Абдулла Қахҳор ахийри шаштидан тушиб, дейди:

– Бўлди, бўлди, ярашдик. Бас қил энди.

Ошга олов ёқвор

Ғафур Ғулом гап-гаштакни, улфатчиликни яхши кўрарди. Кунлардан бир кун чойхонадаги ошхўрликда кайфи ошиброк қолган Ғафур ака соқийга “Дадилроқ куймайсанми?” дея танбеҳ беради. Шоирга жабр бўлишидан хавотирланиб ўтирган боёкиш соқий ийманибгина эътироз билдиради:

– Ғафур ака, энди... ошдан кейин яхши кетмайди-да.

– Шундайми? Ундай бўлса тур ўрнингдан, дарров янги ошга олов ёқвор!

Баҳонанинг зўри

Ойбек Ёзувчилар уюшмасига раислик қилган кезлар эди. Бир куни уюшмада мажлис ўтказиладиган бўлади. Ойбек ўзининг эски кадрдони, танти ва андак эркатой дўсти Ғафур Ғуломни алоҳида огоҳлантиради:

– Ғафур, бугун мажлис бўлади-я, яна кетиб қолмагин.

Мажлисни унчалик хушламайдиган Ғафур ака дарров баҳона ўйлаб топади.

- Мен... қатнашолмасам керак.
- Нега?
- Шу... десанг, бугун мазам йўқроқ.
- Нима бўлди?
- Тиззамнинг паст томони қақшаб оғрияпти..

Ойбек андак фаромушхотир одам эди, орадан бир оз вақт ўтгач, яна Ғафур Ғуломга рўпара бўлиб, қайта тайинлайди:

- Мажлис эсингдан чикмадими?
- Мажлисингда қатнашолмайман, белимдан пасти умуман ишламаяпти.

– Йўғ-э? – Ойбек дўстига хавотирланиб қарайди. – Э-э, ундай бўлса, тезроқ уйингга бориб муолажа қил!

Ойбек ҳайдовчисини чақириб, дўстини ташқаригача кузатиб кўяди.

Москвадаги гаров

Болаларнинг севимли шоири Қуддус Муҳаммадийнинг ғаройиб, ўзигагина хос одатлари бор эди. У самолётда учмасди. Ер босиб қолади деб метрога ҳам тушмасди. Кўп каватли биноларга лифтда эмас, пиёда пилдираб чикиб кетаверарди. Унинг одатларини Ғафур ака яхши биларди. Москвада бўлаётган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигига боришганда ҳамроҳларига Қуддусни метрога тушираман дейди. Улар қўлингиздан келмайди, барибир эпллолмайсиз дейишади. Ахийри гаров ўйнашади. Ғафур ака Қуддус акани метрога олиб тушолмаса икки шиша коньяк олиб беришга сўз беради.

Эртаси куни метро станциясига яқинлашганларида Қуддус ака тайсаллаб қолади. Ғафур ака унинг кўлтиғидан олиб, метро томонга чорлайди.

– Сизлар кетаверинглар, мен кейинроқ бораман, – дейди Қуддус ака.

- Нега? Юравер биз билан, – Ғафур ака қистовга олади.
- Магазинга кириб, ўғлимга шим олишим керак.
- Қайтишда оласан, мен болаларимнинг ҳаммасига шим олганман, ортиқчаси ҳам бор, биттасини сенга текинга бераман. Юрақол энди.

– Мен... жун пайпок ҳам олишим керак.

– Пайпокни ҳам ўзим бераман. Бўлди энди, юр! – Ғафур

ака шоирни кўлидан тутиб судрайди. – Тихирлик қилма энди! Муҳокамага кечикамиз!

– Э нима қиласиз одамни хит қилиб! Барибир метрога тушмайман.

– Ҳеч бўлмаса метронинг зинасига оёғингни текизиб қўй. Сени метрога тушираман деб гаров ўйнаб қўйгандим. Одамни хижолат қилма.

Куддус ака барибир кўнмайди. Ҳамроҳлар Ғафур аканинг ютқазганини айтишади ва ваъда қилинган конякни сўрашади. Сўзамол шоир гапни айлантиради:

– Шундоқ табаррук жойда ичкилик ичишга уялмайсанларми? Тошкентга борганда захри – маргингга ичишарсан!...

Улар муҳокамадан қайтишса, Куддус ака Ғафур аканинг эшиги олдида бўғирсоқ (ўзи уйдан пишириб келган – *Ш.О.*) еб турган экан. Ўрнидан туриб, Ғафур акага юзланади:

– Проводник кўшнимни кўриб қолдим. Боя шим билан пайпоқ бераман деган эдингиз. Совға қилиб кўшнимдан бервормоқчиман.

Боёқишнинг гапи оғзида қолади. Ғафур ака бошмолдоғини иккинчи, учинчи бармоқлари орасидан чиқариб кўрсатади:

– Мана шим, мана пайпоқ!..

Қайнонаси бўлмагач...

Ғафур Ғулом таҳририятларга келганда ходимлар хурсанд бўлиб кетарди. Бир куни шоир “Шарқ юлдузи” журналига ташриф буюради. Бош муҳаррирнинг бир ҳикоядан кўнгли тўлмай, боши қотиброк ўтирган эди. Ҳикоя ўша вақтларда анча “мода” бўлган зиддият – қайнона ва куёв можароси ҳақида эди.

Ғафур акадан ҳикояни кўриб беришни илтимос қилишади. Шоир кўлзмага бирров кўз ташлайди-ю хўрсиниб қўяди:

– Одам Ато дунёдаги энг бахтли инсон бўлган экан-да?

– Нега энди, Ғафур ака?

– У кишининг қайноналари бўлмаган!

Маданиятли ота

Кунлардан бир кун Ғафур Ғулом Бешёғоч бозори олдида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшин би-

лан таниқли файласуф олим Воҳид Зоҳидовни кўриб қолади. Бозор-ўчарни яхши кўрадиган аллома шоир уларни биргаликда бозор айланишга таклиф этади.

Учовлон расталарни айланиб, томоша қилишади. Ғафур ака сотувчилар билан талашиб-тортишиб савдолашишни яхши кўрарди. Кўп ўтмай шоирнинг кўлидаги халталар турли мева-чевалар билан тўлади. Бир маҳал рўпарадан машхур мусикашунос олим, академик Юнус Ражабий чиқиб қолади. Ғафур ака ёнидаги ҳамроҳларини академикка кўрсатиб, шундай хазил қилади:

– Мана, Юнус ака, мен ҳам маданиятли ота бўлиб, ўғилларимни томошага олиб чиқдим.

Аскияни хуш кўрадиган Юнус ака маза қилиб кулади. Дарҳақиқат, “ўғиллар”нинг бўйи шоирнинг елкасига ҳам етмас эди.

“Зўр” ёзувчи

Ғафур Ғуломдан бир ношудроқ ёзувчи ҳақидаги фикрини сўрашади.

- Ҳа, у жуда “зўр” ёзувчи? – дейди шоир тагдор қилиб.
- Қизик, унинг нимаси зўр, устоз?
- У камалакни икки рангда тасвирлай олади.

Ҳисобли дўст айрилмас

Бағри кенг, саховатли Ғафур аканинг дўстлари кўп эди. Москвада ҳам дўстлари бўлган. Шулардан бири – ўзбек шоирларининг асарларини русчага ағдарган машхур таржимон Лев Пенковский эди. Аллома шоир бир гал ҳадди сиғиб ундан ўттиз сўм (ўша даврдаги пул – Ш.О.) олади. Пул масаласида таржимон андак хасисроқ экан, ҳар гал Ғафур акани кўрганда қарзини қайтарармикин деб кўзларига мўлтираб тикилаверади.

Кунлардан бир куни Ғафур ака Москвага бориб, ресторанга киради. Ногоҳ кўшни столда ўтирган Лев Минаевичга кўзи тушади. Шоирнинг шўхлиги тутиб, бор овози билан хитоб қилади:

- Лёва, иди сюда!
- Да, Гафурчик! – дея таржимон югуриб келади.

– Мен сендан қанча қарз эдим?..

– Ўттиз сўм, – дейди таржимон суюниб.

– Ма, ҳозирча шуни олиб тур! – дея Ғафур ака йигирма тийинлик тангани узатади. – Энди қарзимдан йигирма тўққиз сўм саксон тийин қолди. Бизда ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. Сен қўрқма, пулинг менда қолиб кетмайди.

Ёрдамга ким муҳтож?

Ғафур ака ёш ижодкорларга жуда ғамхўр эди. Бир куни “Шарқ юлдузи” журнаliga ёш шоирнинг шеърларини ўзи олиб келади.

– Бўладиган болага ўхшайди. Шеърларини босиб чикаринглар.

– Сизни бекорга овора қилибди-да. Шеърларини ўзимизга юборса ҳам бўларди.

– Истеъдодли ёшларга ёрдам бериш керак, истеъдодсизлар ўзи ёриб ўтаверади, – дейди шоир.

Яхши муҳаррир

Бир ёзувчи нашриётга келиб, ходимлар билан узоқ вақт гаплашиб ўтиради. У кетганда бўлим муҳаррири енгил тортади:

– Хайрият, қўлёзма олиб келдимикин деб қўрққан эдим.

– Баракалла! – дейди суҳбат охирида келиб қолган Ғафур ака. – Яхши муҳаррир шундай бўлади – бировнинг ёзганига хурсанд, бировнинг – ёзмаганига! Баракалла!

Тил... шапка эмас

Таҳририятга шеърларини олиб келган шоирни ходимлар ўртага олиб, асарларининг тили ғализ, ночор эканлигини уқтиришар, шоир эса ўжарлик қилиб, танқидни тан олмас, нукул ўз фикрини маъқуллар эди.

Ногоҳ баҳс устига Ғафур ака келиб қолади. Ҳамма жим бўлиб, устознинг оғзига тикилади.

Қайсар шоир ҳамиша эски шапкасини қийшиқ кийиб юрар, ҳозир ҳам шу алпозда эди.

Ғафур ака шоирнинг шапкасига ижирғаниб қараб қўйгач, шундай дейди:

– Оғайни, шапкани қийшиқ киясизми, тескари киясизми – ихтиёрингиз. Шапка сизники. Лекин тил халқники, барака топ-кур. Унга олифтагарчилик кетмайди.

Гапи бутун

Бир куни Гафур ака Қўқонга сафар қилади. Шоир Қўқонга куёв эди, куёвни эса пайғамбар сийлаган. Гафур акани бу гал ҳам мухлислар шоду хуррамлик билан кутиб оладилар. Водийликлар меҳмонни файзли бир чойхонага таклиф этишади. Дил-тортар улфатлар даврасида шоир яйраб-яшнаб ўтиради, тинмай аския қилади. Ногоҳ ҳурматли меҳмонга хизмат қилаётганидан хурсанд бўлиб, обдастада қўлга сув қуйиш учун чоғланиб турган чойхоначига караб шоир шундай дейди:

– Битта академик шоирни деб ўзингни кўп уринтираверма! Биз ҳам эл қатори оддий одаммиз!

Чойхоначи ҳам ўқланган милтиқдек тайёр турган экан, чиройли лутф қилиб, шоири замонни қойил қолдиради.

– Академикни деб битта укадемик уринса уринибди-да, Гафур ака!

Оддий чойхоначининг ажойиб лутфидан завқланган Гафур Фулом унинг елкасини силайди:

– Баракалла, гапинг бутун, укам!

Таҳрир

Гафур Фулом топқирлиги, ҳозиржавоблиги билан ҳам машхур эди. Бир куни Ёзувчилар уюшмасида мушоира бўлади. Интеллектуал шеърлари билан машхур бўлган шоир Асқад Мухтор кейинчалик мухлислар ўртасида тилга тушган бир шеърини ўқийди:

*Икки нарса оғир кўнглимга асли,
Икки нарса учун йўқ менда бардош.
Бири – душманнинг шод қаҳқаҳаси,
Бири – дўст кўзида милтираган ёш.*

Ҳайъатда ўтирган Гафур Фулом шеърдан таъсирланиб, шундай лукма ташлайди:

– Яхши шеър ёзибсан, Асқад! Фақат “милтираган” сўзини “мўлтиллаган” сўзи билан алмаштирсанг янада таъсирлироқ чикарди.

Атокли шоирнинг таҳрири билан шеър янада очилиб кетади ва шу тузатиш билан эълон қилинади.

Бадиҳагўй

Бадиҳагўйликда Гафур акага тенглашадиган шоир йўқ. У табиати равшан, кайфияти яхши пайтларда очилиб-сочилиб кетар, гоҳо бадиҳагўйлик билан ҳаммани кулдираар эди.

Кунлардан бир кун Ёзувчилар уюшмаси ҳиммат кўрсатиб, янги йилга дастурхон ёзади. Гафур ака ўша кезлар шифохонада даволанаётган эди. Уни мошинада олиб келишади. Шоирни кўриб, ҳамма хурсанд бўлиб кетади. Базмга бирдан файз киради. Гафур ака зиёфатда ўтирганларга атаб шеър тўқий бошлайди.

Ойбек ёнида ўтирган чиройли аёлга гоҳ чой, гоҳ вино узатиб турган экан, буни кўрган Гафур ака шундай шеър ўқийди:

*Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун,
Ойбеквойим ўтирибди бағри бутун.
Кўлтигида иссиққина сулув жонон,
Бир қарашда бўйдоқлардан қочар имон.*

Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонлар ёнма – ён ўтиришарди. Ҳамасининг бўйи бир-бирига монад, пастгина эди. Ҳазил шеърда шунга ишора қилинади:

*Юртимизнинг девлари, давлатлари, совлатлари,
Телпагу қалпоқда ўсган баччажиш авлодлари,
Яшин шеру, Воҳид зўру, Иззат дароз шашқатор
Иккиси дўлдўлга минган, биттасида зулфиқор.*

Болалар шоири Темур Фаттоҳ мошина авариясида лаби, пешонаси чандиқ бўлиб, ўзи омон қолганди. Сочи йўқ боши ялтироқ эди. Гафур ака унга ҳам шеър тўқийди.

*Давра аҳли сўзларимни тинглаганда,
Темур Фаттоҳ шеърни сақлар танглайида.
Бойнинг ўғли бўлса ҳамки шу гапирсин,
Қуёш пардоз қилар унинг манглайида.*

Ва ниҳоят, Гафур Ғуломнинг садоқатли шогирди, жуда кўп асарларининг ёзилишига гувоҳ бўлган машҳур адиб Саид

Аҳмадга бағишланган ҳазил шеър ўқилганда йиғилганлар завқи тошиб, қарсақлар билан шоирни олқишлайдилар.

*Сайдаҳмаддир ҳам ёзувчи, ҳам ўстирин,
Бўйдоқликда қилар иши шўрин – бурин,
Бурнидане, кўринади Ўринбурун,
Ош келганда қошиқ солар элдан бурун.*

(Россиядаги Оренбург шаҳри ҳазил-мутойибаларда бурунга киёсланиб Ўринбурун дейиларди. Ш.О.)

Энг яхши газета

Кунлардан бир куни адабий анжуманда мухлислар Ғафур Ғуломдан сўраб қолишди:

– Устоз! Сизнингча, республикамиздаги қайси газета энг яхши?

– Қайси газетада шеърларим кўп босилса – ўша газета яхши-да! – дейди шоир.

“Камтар” экан

Ғафур Ғуломнинг Бешёғочдаги хонадони ҳамиша замонасининг таникли, машҳур кишилари билан гавжум бўлар, дилтортар, файзли суҳбатлар гоҳо тонг отгунча давом этар эди. Шундай гурунглاردан бирида мезбоннинг эски кадрдони, Риштондан келган меҳмон, Шарқ адабиётининг билимдони Боқий Насриддинов, шоирлардан Ҳабибий, Мунир Муинзода, Собир Абдулла ҳам қатнашади. Ғафур аканинг форс тилини биладиган, ўзи ҳам анча-мунча шеър машқ қилиб турадиган эски шаҳарлик бир терифуруш таниши бор эди. Иззатли меҳмонларнинг дарагини эшитиб у ҳам етиб келади. Терифурушнинг бир ёмон одати бор эди. Даврада суҳбат энди кизиганда ўринсиз савол, лукмалари билан ҳамманинг энсасини котирарди. Бу гал ҳам шундай бўлади. Шунда Ғафур ака бир шумликни кўнглига тугиб, терифурушни бошлаб лақиллатади.

– Менга каранг, таксир, – дейди шоир кутилмаганда терифурушга тик қараб. – Сизни яхши биламан, кўп ўқигансиз, билимдон, доно одамсиз. Қани ўзингиз тўғриси айтинг-чи, илмда ҳазрат Навоий зўрми ё сиз?

Кутилмаган, илмоқли саволдан терифуруш узоқ ўйланиб қолади. У ростдан ҳам ўзини Навоийга қиёслар, шу лаҳзанинг ўзи кулгили эди. Меҳмонлар ажабланиб, ўзларини кулгидан зўрға тийиб туришарди. Ниҳоят, терифуруш бир тўхтамга келди чоғи, ўзига жиддий тикилиб турган мезбонга ботинқирамай қараб, шундай дейди:

– Энди, мундоқ ўйлаб кўрсам, ҳазрат Мир Алишер Навоий илмда мендан баланд эканлар.

Ғафур ака ачитибгина киноя қилади:

– Э қойил! Анча “камтар” экансиз!

Танишув

Кунлардан бир кун Ғафур ака йўловчилар гавжум бекатда трамвай кутиб турганди. Ниҳоят, узоқ кутилган трамвай келиб тўхташи ҳамон ҳамма ўзини ичкарига уради. Орқадан бўлаётган сур-сур тўполонда Ғафур ака беихтиёр олдинда турган бир русийзабон аёлни туртиб юборади.

– Ишшак! – дейди аёл Ғафур акага ўқрайиб.

– Ғафур Гулям! – дея жавоб қилади шоир жиддий қиёфада.

– Очень рад с вами познакомиться!

Ўпка

Водийдаги меҳмондорчиликлардан бирида Ғафур ака ҳаммани оғзига қаратиб қизиқ бир воқеани жўшиб-тошиб ҳикоя қилаётган эди. Даврадаги мухлислардан бири шоирнинг гапини қайта-қайта бўлиб, ундан “Сен етим эмассан?” шеърингизни қандай ёзгансиз?” дея сўрайвериб безор қилади. Ахийри шоир ноилож гапидан тўхтайтиди ва худди бир нарсасини йўқотган одамдек ногоҳ стол остига энгашиб, ўзича бир нимани қидира бошлади. Шунда ҳалиги савол берган йигит ҳам беихтиёр стол остига энгашади.

– Нима бўлди? Нимани қидиряпсиз, Ғафур ака?

– Шу ерга бир нима тушиб кетди, яхшироқ карагин, – дейди шоир жиддий тортиб.

Мухлисга қўшилиб бошқалар ҳам стол остида ўрмалаб, “йўқолган нарсани” қидира бошлайдилар. Уввало уринишма-

син, “йўқолган нарса” топилмайди. Ҳаммининг хафсаласи пир бўлиб, шоирга саволомуз қараб қолишади.

– Ғафур ака, нима эди у нарса? – сўрайди ўша мухлис.

– У нарса сенинг ўпканг эди! – дейди шоир мухлисга тик қараб.

Шоирнинг “Ўпкангни босиб ол!” деган сабоқ-хийласини тушунган мухлис мулзам бўлиб, бошини қуйи солади.

Ғафур Ғуломнинг мошинаси

Ғафур Ғулом бир меҳмондорчиликда ёш навоийшунос олима Суйима Ғаниева уйига кечикмай бориши лозимлигини айтганда унга далда бериб, шундай дейди:

– Сен қизим, сираям хавотирланма! Кўчага шундоқ чиқсанг бўлди – мошинанг тайёр!

– Тушунмадим, Ғафур ака! Қанақасига... мошинам тайёр бўларкан?

– Сен академик шоир Ғафур Ғуломнинг мошинасида кетасан!

– Вой, қандай яхши! Мошинангиз шу ердами ўзи?

– Ҳа, шу ерда! Сен шундоқ кўчага чиқиб қўл кўтарсанг, бас, ёнингга келиб тўхтаган мошина Ғафур Ғуломники бўлади! Фақат, пулини тўласанг бўлди – истаган жойингга олиб бориб қўяди!

Мақтаниш учун ютган

Таникли таржимон ва ношир Тўлқин Алимовнинг ҳикоя қилишича, бир куни нашриётга академик шоир Ғафур Ғулом ташриф буюради. Ўшанда тушликдан эндигина қайтган ноширлар билирд ўйнашаётган эди. Бу ўйиннинг ишқибози бўлган Ғафур ака ҳам енг шимариб даврага қўшилади. Таржимон Мирзиёд Мирзоидов устозни аяб ўтирмай ютиб қўяди-ю “айби”ни ҳаспўшлаш учун шундай ҳазил қилади:

– Ўйнашингизнинг мазаси йўқ-ку, устоз?!

– Э, сен бола нима деб валдираяпсан? Биласанми мен кимлар билан билирд ўйнаганман? Керак бўлса Москвага бориб, Маяковскийни ҳам ютиб келганман!

– Мен ҳам келажакда Ғафур Ғуломни билардда ютганман деб мақтаниш учун сизни ютиб қўйдим-да!

– Баракалла! Гапинг бутун! – Ғафур ака кулимсираб, голибнинг елкасига астойдил қоқиб қўяди.

Мақтов кимга ёқмайди?

Таниқли адиблар иштирокидаги меҳмондорчиликда кекса адабиётшунос олим қадаҳ сўзида чайналиб, қалам аҳлини мақтамоқчи бўлар, аммо гаплари қовушавермас эди. Боёкиш қийналиб кетади. Шунда Ғафур Ғулом олимнинг гапини бўлиб, луқма ташлайди:

– Сут бўлмаса қатик бўлармиди, деб қўя қолмайсанми? Мақтов кимга ёқмайди? Ижодкор ҳам одам! Қулоғини орқасини қашласанг Афандининг эшагига ҳам хуш ёқади.

Эслаб юрибсанми?

Кунлардан бир куни танқидчи сифатида энди танилиб келаётган ёш мунаққид Озод Шарафиддинов бекатда трамвай кутиб турган эди, ёнига оқ “Волга” келиб тўхтади. Бу машҳур шоир Ғафур Ғуломнинг мошинаси эди. Шоирнинг тантилиги тутиб, Озод акани мошинасига чиқариб олади, кейин қаёққа кетаётганини сўрайди. Танқидчи университетга кетаётганини айтади. Ғафур ака мошинани ўша ёққа ҳайдатади. Сухбат орасида “Тузуксан-ку!” дея Озод аканинг яқинда чоп этилган бир мақоласини мақтаб қўяди. Йўл-йўлакай шоири замон олимга қандайдир бир юмуш буюради. Озод ака вақти зиқ эканини айтиб, узр сўрайди. Шунда бирдан шоирнинг энсаси қотиб, авзойи бузилади. Шартта машинани тўхтатади.

– Қани, туш мошинадан! Буёғига пиёда кетаверасан! – дейди шоир зарда билан.

Орадан кунлар ўтгач, Озод акани Ёзувчилар уюшмасида кўриб қолган Ғафур ака ҳеч нарса бўлмагандек очиқ чехра билан ҳазил қилади:

– Хўш, қалайсан энди? Ғафур акангнинг мошинасида маза қилганингни эслаб юрибсанми?

Океан суви неча пақир?

Кунлардан бир кун Ғафур Ғулом Акмал Пўлат билан хориж сафарига чиқади. Кемада Тинч океанидан сузиб кетишаётганди. Акмал ака ногоҳ сўраб қолади:

- Ғафур ака! Шу... океаннинг суви неча пақир чиқаркин, а?
- Ғафур Ғулом кутилмаган саволга пухта жавоб қайтаради:
- Пақирнинг катталиги океанча бўлса, бир пақир чиқади.

Ялангоёқ шоир

Ғафур Ғуломнинг қизи, кейинчалик ўзи ҳам адиба бўлиб етишган Олмос Ғуломова университетни битириш арафасида курсдошларига шундай дейди:

– Дадам дипломларимизни ювиб, уйда зиёфат берадиган бўлди. Ҳаммангизни уйимизга таклиф қиламан.

Академик шоирнинг уйда меҳмон бўлишни эшитган талабалар хурсанд бўлишади. 1961 йилнинг ёз кунларидан бирида улар Ғафур Ғуломнинг Арпапоя кўчасидаги уйига боришади.

Файзли хонадонда бошқа меҳмонлар, домлалар, санъаткорлар ҳам бор экан. Ёшларга алоҳида жой тайёрланган, дастурхонга турли нозу неъматлар қўйилган эди.

Шоир ёшлар ўтирган столга келиб, турфа хил ҳазил-мутойибалар билан даврани кизитади. Ғафур Ғуломнинг асарларини ўқиб, ижодига ихлос қўйиб юрган ёшлар шоирнинг хаётда оддий, самимий, хушчакчак одам эканини кўриб, хайратланадилар. Талабаларнинг домласи Турсун Собиров секин ўрнидан туриб, шундай дейди:

– XV асрда ўзбек халқи дунёга Навоийдек буюк шоирни берган бўлса, XX асрда миллатимиз дунёга Ғафур Ғуломдек улуғ шоирни берди.

Талабалар кутилмаган муқоясани ўзларича мулоҳаза қилиб, айна чоғда бу мактовга шоир қандай жавоб қиларкин дея хонадон соҳибига кизиксиниб қараб қолишади.

Шунда шоири замон мактовга шундай жавоб қилади:

– Алишер Навоий қайда-ю Ғафур Ғулом қайда! Мени Ҳазрат Навоийга қиёслаш тўғри эмас! Мана, кўриб турибсизлар, мен бир девона, ялангоёқ одамман.

Ҳазиломуз жавобдан завқланган талабалар беихтиёр шоирнинг оёқларига қарашди. Ростдан ҳам ўша лаҳзада Ғафур Ғулом ялангоёқ ҳолда турган экан.

Гонорар бўлмаса...

Ёз кунларининг бирида Ғафур Ғулом водийга сафар қилади. Ғўза парвариши авжига чиққан кунлар эди. Шоир бир колхозга бориб, далаларни айланади. Сўнг хўжалик боғида дам олади. Шоири замоннинг келганини эшитган туман газетаси муҳаррири пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Шошинч шоирнинг хузурига бориб, салом-алиқдан сўнг илтимос қилади:

– Ғафур ака! Бир келиб қопсиз, бизнинг газетамизга ҳам бир мақола ёзиб берсангиз, сиздан яхши эсдалик бўлиб қолар эди.

– Хўш, мабодо ёзиб берсам, мақоланинг қалам ҳақи қанча бўлади?

– Ғафур ака, газетамиз ўзи кичкинагина бўлса, қалам ҳақиям шунга ярашада...

– Гонорар йўқ бўлса, кичкина газетага мақола ёзадиган катта шоир ҳам йўқ! – дейди шоир.

Ҳазилдан кулишади.

Орадан икки кун ўтгач, ўша кичкина газетада шоири замоннинг каттагина мақоласи босилади.

“Казбек”ми ёки нос?

Бир куни Ғафур ака чойхонадаги даврага кириб келиб, бир чўнтагидан ўша йиллар анча машхур бўлган “Казбек” папироси, иккинчи чўнтагидан носқовоқ чиқариб, хонтахта четига қўяди.

Шунда улфатлардан бири ўзича ҳайратланган бўлиб, сўрайди:

– Ўх-хў, Ғафур ака, зўр-ку! Энди булардан қайси бирини чекасиз?

Ғафур ака беозор жилмайиб жавоб қилади:

– Ўзимиздан сал каттарок одамлар билан кўришганда, буниси яхши, – дейди у папирос кутисини кўрсатиб. Кейин

носқовокка ишора қилади: – Ўзимизга ўхшаганлар ичида мана буниси ҳам кетаверади...

Эҳтиёж

Бир даврада улфатлар турмуш қийинчиликлари, иқтисод, ҳаётий муаммолар ҳақида узоқ вақт гурунглашишади. Ғафур ака суҳбатга қўшилмай, жим ўтираверади. Фақат баҳс охирлагандагина бир оғиз гап котади:

– Бўрини инидан чиқарган нарса – эҳтиёж...

ОЙБЕК БИР КУНИ...

Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли) 1905 йил, 10 январда Тошкент шахрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1965), Ўзбекистон ФА академиги (1943). Тошкент университетининг ижтимоий фанлар факультетида (1925–27), Ленинград халқ хўжалиги институтида (1927–29) ўқиган ва оғир хасталикка чалингани сабабли яна Тошкентга қайтиб, Тошкент университетиди ўқишни тугатган (1930). “Туйғулар” (1926), “Кўнгил найлари” (1929), “Машъал” (1932) шеърӣ тўпламлари, “Дилбар – давр қизи” (1932), “Ўч” (1933), “Бахтигул ва Соғиндик” (1934), “Қаҳрамон киз” (1936), “Гулноз”, “Камончи”, “Навоий” (1937) сингари дostonлар ёзган. Насрий мероси 5 роман (“Қутлуғ қон”, 1940; “Навоий”, 1942; “Қуёш қораймас”, 1943–59; “Улуғ йўл”, 1967; “Олтин водийдан шабадалар”, 1949), 4 қисса (“Шонли йўл”, “Нур кидириб”, “Болалик хотираларим” ва “Бола Алишер”) ҳамда бир қанча хикоя ва очерклардан иборат. А.С. Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърӣ романи, М.Ю. Лермонтовнинг “Маскарад”, Мольернинг “Тартюф” драмаларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. 1968 йил 1 июлда Тошкентда вафот этган. Вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган (2001).



Ҳайратомуз воқеа

Халқимизнинг атоқли, ардоқли, заҳматкаш адиби Ойбек ҳаётда ниҳоятда бағрикенг, саховатли ва кечиримли, комил инсон бўлган. Замондошларининг гувоҳлик беришича, қатағон йиллари Ботир Файзиев деган бир танқидчи ёзувчинини шафқатсиз ва асоссиз танқид қилади. Изтироб-аламлардан қаттиқ таъсирланган адиб хасталаниб, ахийри тилдан қолади. Тақдирнинг ўйинини карангки, орадан йиллар ўтгач ўша танқидчи диссертациясига тақриз ёзиб беришни сўраб, Ойбекнинг уйига бош эгиб келади. Адиб уни кечириб, илмий ишига ижобий тақриз ёзиб беради. Бундай ҳайратомуз воқеалар адибнинг ҳаётида кўп бўлган.

Алдашини биларди

Ойбек садоқатли умр йўлдоши Зарифа хоним билан Москвада юрганида ўзбекистонлик бир таржимон уларнинг дарагини эшитиб, меҳмонхонага йўқлаб келади. Қийналиб қолганини айтиб, шоирдан қарзга пул сўрайди. Шунда Ойбек “Менда пул йўқ эди, Зарифадан сўраб кўрамиз”, дейди. Зарифа опа қайтариб бериш шарти билан таржимонга пул беради. Таржимон кетиши билан Ойбек хоҳолаб кулиб юборади. Аёли “Нега куласиз?” деб сўраса ёзувчи, “Пулнинг кайтариб бермайди энди. Бу одам илгари мени ҳам кўп алдаган”, дейди. Зарифа опа куйиниб “Пулни қайтармаса ўзимиз қийналиб қоламиз-ку! Нега шуни олдинроқ айтмадингиз?” деса, Ойбек кула-кула, “Сени алдаганини ҳам бир кўрай дедим-да!” дермиш.

Адабиёт министри

Ойбек маълум муддат Ёзувчилар уюшмасига раис бўлган, алғов-далғовли йиллар эди. Кунлардан бир куни уни Ички ишлар вазирлигига чакиртиришади.

– Нега ёзувчилар орасидаги миллатчилар ҳақида бизга ўз вақтида маълумот бериб турмайсиз? – кутилмаганда идора бошлиғи адибга зуғум кила кетади.

– Мен ёзувчиман, бунақа ишлар билан шуғулланиш менинг вазифамга кирмайди,– дея босиклик билан жавоб қайтаради раис.

Ойбек идорадан чиқаётиб, қабулхонадаги бошлиқ ёрдамчисига шундай дейди:

– Бошлиғингга айтиб қўй, у ўз соҳасида министр бўлса, мен адабиёт соҳасида министрман.

Қайси Ойбек?

Кунлардан бир кун Ойбек ёзувчилар уюшмасига келса, деворий газета атрофида одамлар тўпланиб туришган экан. Ойбек ҳам қизиксиниб, уларга яқинлашаркан, шоша-пиша сўрайди:

– Нима гап? Нимани ёзишибди?

– Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романи ҳақида ёзишибди.

– Қайси Ойбек?

Ҳамкасблар ва мухлисларнинг кулимсираб қараб қолишганини кўрган ёзувчи сергак тортиб, шундай дермиш:

– Э, дарвоқе...

Уришишмасин

Ёзувчилар уюшмасидаги йигилишда бир шоирнинг хулқи муҳокама қилинарди. Муҳокамада қатнашаётган Ғафур Ғулом куйиниб, шундай дейди:

– Бу қандай гап ахир? “Союзда” (Ёзувчилар уюшмасида) икки ёш ёзувчи ёқалашиб ўтирса?! Эшитганлар нима дейди? Энди бу жўжахўрозлар идорамизга доғ туширишмасин, уришадиган бўлишса, “союз”дан ташқарида уришишсин.

Бу гапларни индамай тинглаб ўтирган Ойбек хўрсиниб, дўстига беозоргина эътироз билдиради:

– Қўй, Ғафур, союздан ташқарида ҳам уришишмасин!

Йўлчини майиб қилманглар

Режиссёр Латиф Файзиев Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи асосида яхшигина кинофильм яратган. Бош қаҳрамон Йўлчи ролини ижро этиш учун ўттиздан ортиқ актёрлар синавдан ўтишади. Ахийри талабгорлар сараланиб-сараланиб, икки киши қолади. Улардан бири хоразмлик машҳур санъаткор, исми ҳам жисмига монанд Санъат Девонов эди. Кинодаги фаолиятини “Амирликнинг емирилиши” фильмида Шерали ролини ўйнашдан бошлаган Санъат ака ҳал қилувчи имтиҳонни топшириш учун режиссёр, Ойбек ва Зарифа опа хузурида асардан бир парчани ўйнаб кўрсатади. Шунда Ойбек тўлқинланиб, “Хоразм, Хоразм” дея хитоб қилади. Зарифа опа мана шу хоразмлик йигит ёзувчига маъқул бўлганини тушунтиргач, актёрни ролга тасдиқлашади. Фильмни суратга олиш жараёнида Ойбек бу ёқимтой, истеъдодли йигитнинг ижросини диққат билан кузатиб, кўллаб-қувватлаб туради.

Суратга олиш ишлари авжига чиқади. Сценарий бўйича Йўлчини отлиқ аскарлар хибсга олиши лозим эди. Қирқ нафар-

дан ортиқ отликлар ваҳима билан Йўлчининг устига от қўйиб келишаётганда Ойбек бирдан “Тўхтат! Тўхтат!” дея қичқириб юборади. Режиссёр Латиф ака бир лаҳза съёмкани тўхтатиб, “Нима гап? Тинчликми?” деб сўрайди. Кўзлари хаяжондан чакнаб турган Ойбек шундай жавоб қилади: “Бу сахна хавфли экан, олмай қўя қолинглар, Йўлчини майиб қилиб қўясизлар”.

Ғалати харидор

Ойбек қаҳатчилик йиллари бир куни пальто олиш учун бозорга боради. Ўзига маъкул бўлган бир пальтони танлаб, озроқ йўлига савдолашгач, пулини тўлаб, кийимни қўлига олади. Шу пайт сотувчи аёл кутилмаганда баралла йиғлаб юборади.

– Ие, нима бўлди, синглим? Нега йиғляпсиз? – ёзувчи хайрон бўлади.

– Бу пальто эримники эди, – дейди бечора аёл ҳиқиллаб. – Эрим урушда ҳалок бўлган. Болалар билан кийналиб қолиб, ноиложликдан сотишга олиб чиқувдим.

Табиатан олийжаноб ва олийҳиммат бўлган Ойбек дарҳол пальтони эгасига қайтаради.

– Ундай бўлса бунга сотманг! Табаррук экан!

Боёқиш аёл қалтироқ қўллари билан пальтони қайтариб оларкан, харидорга тўлаган пулини узатади. Шунда қоп-қора, қалин сочлари жингалак, йирик кўзлари чакнаб турувчи бу ғалати харидор аёлни лол қолдириб, шундай дейди:

– Майли, пул ўзингизда қолаверсин. Фақат пальтони ҳечам сотманг. Болаларингиз катта бўлганда кийишади.

Кўзларида ёш билан дуо қилиб қолган аёл бу ғаройиб инсоннинг мактаб дарслигида ўзлари ижодини ўрганган машхур адиб Ойбек эканини хаёлига ҳам келтирмаган.

Ёмон шоир бўлса ҳам...

Кунлардан бир кун Ойбекнинг уйига ҳаваскор қаламкаш келиб, шеърларини кўрсатаркан, маслаҳат сўрайди. Атоқли адиб машқларни варақлаб кўргач, маъқуллаб далда беради:

– Яхши, яхши! Яхши шеър ёзибсан! Кўпроқ машқ қилавер!

Ҳаваскор кетгач, шоирнинг рафикаси, ўзи ҳам дурустгина шеърлар ёзадиган Зарифа опа эрига андак иддао қилади:

– Ахир шеърлари жуда хом-ку?! Боёқишни умидвор қилиб нима зарил сизга?! Тўғриси айтиб қўя қолмайсизми?

Ойбек кулимсираб шундай жавоб қилади:

– Бекорчиликдан ёмон йўлга кириб, ёмон одам бўлгандан кўра, ўзича шеър ёзиб, ёмон шоир бўлса ҳам, яхши одам бўлиб юргани маъқул эмасми?..

Ғалати одат

Ойбекнинг ғалати бир одати бор эди. Қўлига қоғозми, гургурт чўпими тушса, бир чеккасидан тишлаб ташлайверарди. Эрининг ғалати одатини Зарифахоним Саид Аҳмадга ҳикоя қиларкан, шундай воқеани эслайди:

– Бир куни хўжайин билан кинога тушдик. Билет олиб, назоратчининг олдига бордик. Мундоқ қарасам билет йўқ. Ойбек билетни ямлаб қўйган экан. Хижолат бўлиб, қайта билет олдик.

– Ёлғон, ёлғон! – дейди Ойбек айбини тан олгиси келмай.

– Нашриёт ҳисобчиси қалам ҳақи учун ёзиб берган қоғозни кассага боргунча ғажиб қўйганингиз-чи?!

Ойбек хохолаб кулиб юборади.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР БИР КУНИ...



Абдулла Қаҳҳор 1907 йил, 17 сентябрда Қўқон шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1967). Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетини тамомлаган (1930). Унинг илк “Ой куйганда” (1924) ҳажвий шеъри Норин шилпиқ таҳаллуси остида “Муштум” журналида босилган. Ёзувчи “Бошсиз одам” (1929) ҳикоясини чоп этгач, умрининг охиригача самарали ижод қилган. Дастлабки ҳикоялар тўплами – “Олам яшаради” (1935). Шундан сўнг унинг “Ҳикоялар” (1935, 1936) тўпламлари кетма-кет нашр этилган. Бу даврда у “Сароб” (1935) романини ҳам ёзади. “Қўшчинор чироқлари” (1951) романи, “Синчалак” (1958), “Ўтмишдан эртақлар” (1965), “Муҳаббат” (1968) қиссалари ўзбек наصري таракқиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Адиб ўзининг “Шохи сўзана” (“Янги ер”, 1949–1953), “Оғриқ тишлар” (1954), “Тобутдан товуш” (1962), “Аяжонларим” (1967) сахна асарлари билан драматург сифатида ҳам танилган. А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, Н.В.Гогол, А.П.Чехов асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Абдулла Қаҳҳор 1968 йил, 25 майда Москва шаҳрида вафот этган.

Ёзувчига Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1966) берилган. Вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2000).

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор устувор йўналишга эга. Устознинг ҳазил-мутойибалари, нозик қочиримлари, ажойиб лутфлари ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги билан замондошларининг хотирасида муҳрланиб қолган.

Қопқоқни... чайиб ичишади

Кунлардан бир кун Абдулла Қаҳҳор ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафикаси Кибриё хоним унга чой куйиб узатади. Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шарақлаб пиёла-

га тушиб кетади. Мундоқ қараганда фавқулодда, айтгулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига “Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг?” дея ўшқирishi мумкин. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига кулимсираб, охишта гап қотади:

– Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик!

Ҳикояси хом экан

Абдулла Қаҳҳор республика газеталаридан бирига янги ҳикоясини беради. Асар таҳририятга маъкул бўлади. Ҳикоя саҳифага жойлаштирилаётганда кичик бир муаммо пайдо бўлади. Бўлим мудир и журъат қилиб адибга телефон қилади.

– Устоз, ҳикоянгиз саҳифага сиғмаяпти, агар рози бўлсангиз, охиридан иккита жумлани қисқартириб босардик.

– Ҳмм, шундайми?.. Унда шошмай туринглар, ҳозир ўзим бораман.

Кўп ўтмай ёзувчи таҳририятга етиб келади.

Асар кўлёмаси устида кўп ва хўп тер тўкишдан эринмайдиган, “Агар менчалик машқ қилса, маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди” дегувчи адиб таҳририят ходимига юзланиб, шундай гап қотади:

– Агар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоясидан иккита жумлани олиб ташлаш мумкин бўлса, демак ҳикоям ҳали хом экан-да! Майли, кўлёмани олиб кета қолай.

Адиб ходимнинг ҳай-ҳайлаб, ялинишига қарамай, чоп этиш учун териб қўйилган тайёр ҳикоясини олиб кетади.

Кўрқсанг айтма, айтсанг – кўрқма

Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллик юбилеи (ўтган асрнинг 1967 йили) Алишер Навоий номидаги театр биносидан нишонланган эди. Ҳайъатда ўз даврининг таникли шахслари – шоир ва ёзувчилар, қардош адабиёт вакиллари ва республика раҳбарлари савлат тўкиб ўтиришарди. Расмий маъруза ва табрик-кутловлардан сўнг таомилга биноан юбилярнинг ўзига сўз берилади. Олтмиш ёшида сийрак сочлари қордай оппок,

кўринишдан саксонни қоралагандай адиб шошилмай минбарга яқинлашади. Одатича шошилмай сўз бошлайди. Бундай пайтда ҳар қандай ёзувчи ўз нутқида албатта партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик билдирар, бунинг учун ҳеч ким уни замонасозликда айбламас, таомил – анъана шундай эди. Аммо Абдулла Қаҳҳор бошқаларга ўхшамайдиган, оқимга қарши боришдан чўчимайдиган, жасур, журъатли шахс эди. Ўшанда у тап тортмай кўнглидаги гапни дангал айтади:

– Мен партиянинг солдати эмас, унинг онгли аъзосиман!

Худди бомба портлагандек бўлади. Ҳамма жимиб қолади. “Энди буёғи нима бўлади?” деган фикр кўпчиликнинг кўнглидан ўтади. Ўша даврда партия жуда катта куч эди, амалда бутун ҳокимият ягона коммунистлар партиясининг қўлида эди, унга тил теккизишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Абдулла Қаҳҳор эса кўнглидаги гапни айтиб, бошини кундага қўйгандек бўлади. Хайриятки, ўттиз еттинчи йилларнинг даҳшатли катағони ортда қолганди. Аммо ёзувчига турли тазйиқлар бўлганини замондошлар яхши эслайдилар. Шов-шувга сабаб бўлган ўша гап эса тарих саҳифаларига мангу муҳрланиб қолади.

Қизил мафкура қулагандан кейин уни иштиёқ билан танкид қилувчилар (“Ёв кочса ботир кўпаяр” дегандек) негадир адибнинг ўша жасоратини эслайвермайдилар.

Абдулла Қаҳҳор эътиқодига, илмига амал қиладиган ШАХС эди. Адибнинг “Кўрксанг айтма, айтсанг – кўркма” деган бир ҳикматли гапи бор. Дарҳақиқат, адиб ўша гапни кўркмай айтган, айтгач эса кўркмаган эди.

Ягона мақтов

Абдулла Қаҳҳордан мақтов эшитиш адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам жуда қийин бўлган, устоз бу борада анча талабчан, “ҳасис” эди. Бир куни адиб хотини билан меҳмонга боради. Ўртага қўйилган мантидан ёзувчи бир-икки олади-ю, сўнг егиси келмай, ноилож қўлини артиб, чой ичиб ўтираверади.

Қайтишда Кибриё хоним эридан сўрайди:

– Мантидан негадир емадингиз, нима, ёкмадими?

– Ҳа, “покришка”си қалин экан, томоғимдан ўтмади. Барибир ўзингиз дуруст экансиз.

– Вой, сиз ҳам мақташни билар экансиз-ку!

– Одам бозорга олиб чиқадиган нарсасини мақтайди. Хотин ўзимники, нима учун мен уни мақташим керак?

Кибриё опанинг умр бўйи эридан эшитган ёлғиз мақтовини шу – “Ўзингиз дуруст экансиз” деган гап экан.

Жаллод... эмас, одамхўр

Ушбу машҳур латифани эшитгансиз. Афанди маҳалласидаги бир одамни аҳмоқ дегани учун қозихонада муҳокама қилинади. Қози “Қўшнингиздан узр сўранг, сиз аҳмоқ одам эмассиз денг”, дея ҳукм чиқаради. Афанди топқирлик қилиб, шундай узр сўраган экан:

“Сиз аҳмоқ, одам эмассиз!”

Худди шундай ҳангома (аммо ўша даврда ўта жиддий, қалтис масала эди) устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам бошидан ўтган. Устоз 1954 йили Ўзбекистон ёзувчилари қурултойида жуда кўп адибларнинг бошига оғир кулфатлар солган, кўпларини бегуноҳ қаматган Милчаков деган кимсани “Ўзбек адабиётининг жаллоди” дегани учун Марказқўмда муҳокама қилинади. Ўшанда Милчаков “Жаллод подшоҳ томонидан ёлланадиган одамдир, демак, мен совет ҳукуматининг ёлланган жаллоди эканман-да”, – дея Абдулла Қаҳҳорга жазо берилишини талаб қилади.

“Хўп, мен гапимни қайтариб оламан, – деган эди ўша муҳокамада Абдулла Қаҳҳор. – Сиз – Милчаков, жаллод эмас, одамхўрсиз. Одамхўрни ҳеч ким ёлламайди”.

Кўнгилга тегмайдиган нарсалар

Дўрмонда ёзувчилар ошхўрлик қилишаётган эди. Кимдир ошни мақтаб қолади:

– Ош ҳеч кўнгилга тегмайди-да!

– Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин! – дейди яна бошқа ошхўр.

Жимгина суҳбатга кулоқ солиб турган устоз Абдулла Қаҳҳор масалага янада аниқлик киритади:

– Кўнгилга тегмайдиган учта нарса бор – ош, нон ва... хотин.

Лунжига боса қолсин

Абдулла Қаҳҳорни бир куни телевизорга таклиф қилишади. Кўрсатув бошланишидан олдин ёш муҳаррир ёзувчидан сўрайди:

- Домла, фикрларингизни қоғозга тушириб келдингизми?
- Йўқ, мен қоғозсиз ҳам гапиравераман.
- Узр, бизда тартиб шундай, фикрларингизни “юқоридагилар”га тасдиқлатиб олишимиз керак.
- Ундай бўлса, айтинг, ўша “юқоридагилар”ингиз муҳрини лунжимга босиб қўя қолишсин, – дейди адиб.

Тегса... йиқилади

Абдулла Қаҳҳор бир йиғилишда хотини йиқилиб қазо қилган кекса, нимжонгина бир шоирни узоқроқдан кўриб, ёнидаги ҳамроҳидан оҳиста сўрайди:

- Бу шоир ҳали уйланмадими?
- Йўқ, унга ҳеч ким тегмаяпти.
- Тегмагани яхши, тегса... йиқилиб кетади.

Раисбон қулоқ

Дўрмондаги бир зиёфатда Абдулла Қаҳҳорнинг умр йўлдоши Кибриё опа хонтахтанинг нариги томонида ўтирган шоир Миртемирдан илтимос қилади:

– Домла, сизга яқинроқ экан, ана бу ликопчани менга берворсангиз.

Қулоғи оғирроқ бўлган Миртемир домла бу гапни эшитмайди.

Шунда Абдулла Қаҳҳор лукма ташлайди:

– Шоир “бер” деган сўзни эшитмайди. Домлангизни ўзимизга (яъни ёзувчилар уюшмасига – Ш.О.) раис қилиб қўйиш керак.

Ишқибозлик

Ойбек, Яшин ва Абдулла Қаҳҳорни футболга ишқибоз жўралари кўярда-қўймай “Пахтакор” ўйингоҳига олиб боришади.

Ўйин авжида бир футболчи тўпни зарб билан тегиб, осмону фалакка чиқаради. Ойбек домла буни кўриб, “койил”, дея секин ўрнидан туради-ю жўнаб қолади.

– Э, йўл бўлсин? Ҳали ўйин тугагани йўқ-ку?! – дейди шериги охишта енгидан тортиб.

– Кетдик! Барибир энди ҳеч ким тўпни бунчалик баландга чиқаролмайди, – дейди Ойбек домла.

Ўйин тугагач, Яшиндан “Қалай, футбол ёқдими?” деб сўрашади.

– Футболни билмадиму, аммо ана бу осма чироқлар нак уч юзу олтмиш тўртта экан, – дейди футболни томоша қилиш ўрнига чироқларни эринмай санаб чиққан Яшин домла.

Абдулла Қаҳҳордан ўйин ҳақида сўрашганда, шундай жавоб қилади:

– Мендан яхшиси Тошкентда нечта жинни бор деб сўранг. Биласизми қанчалигини? Мана шу ўйингоҳга қанча одам сиғса – шунча жинни бор.

Қуввати ортсин

Абдулла Қаҳҳор Ёзувчилар уюшмасига раислик қилган кезлар эди. Уюшмага аъзо бўлиш илинжида ариза берган, ёши ҳам ўтиброк қолган бир адабиётшунос қатнайвериб, адабий маслаҳатчиларни безор қилиб юборади. Улардан тайинлирок жавоб ололмагач, ахийри уюшма раиси ҳузурига кириб, илтимос қилади:

– Абдулла ака, ўзингиз мундоқ қўллавормасангиз бўлмайди шекилли, – дейди олим кўзлари мўлтиллаб.

– Ариза берганингизга қанча бўлди? – сўрайди адиб кутилмаганда.

– Кўп бўлди, Абдулла ака!

– Аниқроқ айтинг – қанча бўлди?

– Беш-олти йил бўлди-ёв.

– Ҳали ҳеч қанча вақт ўтмапти, кўп сиқилманг. Ариза қанча кўп сақланса, мусалласга ўхшаб шунчалик қуввати ортаверади. Яна беш-олти йил кутинг...

Абдулла Қаҳҳор уюшма аъзолигига номуносиб бу олимдан шундай деб қутулган экан.

Сиз келасиз деб...

Хоразмлик шоир Раҳим Бекниёз умрида луччак шафтолини кўрмаган экан. Кунлардан бир кун у Тошкентга йўли тушганда Абдулла Қахҳорни йўқлаб, адибнинг Дўрмондаги боғига боради. Дастурхонга кўйилган луччак шафтолини кўриб, хайрон бўлади.

– Кизик, – дейди меҳмон шафтолига тикилиб, – нега бу шафтолиларнинг туки йўқ?

Меҳмон кулимсираб, шундай жавоб қилади:

– Сиз келасиз деб, шафтолиларни Қибрайдаги сартарошхонага опчиқиб, жунини кирдириб келдим.

Эсиз пулларингиз

Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг қарори билан 1962 йили Тошкентда ёш шоир ва ёзувчиларнинг ўн кунлик семинари ўтказилади. Адабий анжуманда республиканинг турли вилоятларидан келган ёш ижодкорлар қатнашадилар. Андижондан Олимжон Холдор, Холдоржон Куронбоев, Одил Абдурахмонов, Муқимжон Ниёзов, Тўлқин Расуловлар ҳам келишганди. Улар семинар машғулотлари давом этаётган кунларнинг бирида драматург Туйғуннинг ниҳоятда бежирим муқовада ишланган чиройли китобини сотиб олишади. Китобни варақлаб туришса ёнларига атоқли адиб Абдулла Қахҳор келиб қолади.

– Қандай китоб экан? – адиб кизиксиниб сўрайди.

Ёшлар дарҳол тавозе билан китобни узатишади. Абдулла ака китобни варақлаб кўраркан, бирдан авзойи ўзгариб, пешонаси тиришади.

– Эсизгина пулларингиз?! – дейди адиб истехзо билан кулимсираб. Яхшиси бу пулга чойхонада ош қилиб еганинларда маза топардинглар!

Эр-хотиннинг уриши

Ҳар қандай оилада ҳам паст-баланд, ширин-нордон гаплар бўлиб туради. Қахҳорлар оиласи ҳам бундан мустасно эмас эди. Аммо Абдулла Қахҳорнинг беозор ҳазил-мутойибалари,

бетакрор киноя-қочиримлари бу ажойиб оилада камдан-кам ҳолатдагина бўладиган нохуш вазиятларда масалага аниқлик киритиб, англашилмовчиликни бартараф этар, лаҳзалик ғуборни булутдек тарқатиб юборар эди. Масалан, хотини гоҳо хархаша қилиб қолса, Абдулла ака шундай ҳазил билан жавоб қиларкан: “Қаерга борсам Сизни носқовоқдек белимга тугиб юрсам, она тилимни қўйиб хотин тилида гаплашсам, (эр-хотин уйда кўпинча тожик тилида гаплашишган) яна нима қилишим керак?”

Кунлардан бир куни эр-хотин ўртасида андак гап қочиб, Кибриё опа “Кетаман!” дея астойдил тўнини тесқари кийиб олибди. Аммо айтилган бу жиддий гапга Абдулла ака негадир парво қилмабди. Индамай столда ёзиб-чизиб ўтираверибди. Кибриё опа ноқулай аҳволда қолибди. Ўша қалтис гапни айтишга айтиб қўйди. Энди нима қилиш керак? Яна ёзувчининг ўзи жонига оро қиради. Узоқ сукутдан сўнг адиб столдан бош кўтариб, томоқ қиради:

– Ҳмм... Кетаман денг? Қизиқ бўлди-ку! Ширамизни сўриб олиб, пўстлоғимизни пуфлаб ташламоқчи экансиз-да?!

Бу гапни эшитган Кибриё опа беихтиёр кулиб юборади. Орадаги дилхиралик ҳам шу беғубор кулги туфайли тарқаб кетади.

Қайси тил қулайроқ?

Кунлардан бир кун Абдулла Қаҳҳорнинг садоқатли шоғирдларидан Носир Фозилов устознинг уйига боради. Адиб аёли Кибриё опа билан форс тилида ёзилган қандайдир бир китобни мутолаа қилиб ўтиришган экан. Опа қироатини жойига қўйиб ўқир, Абдулла ака эса мутаассир бўлиб тинглар, аҳён-аҳён тожикчалаб лўкма ташлаб қўяр эди. Эр-хотин уйда асосан тожик тилида сўзлашишарди.

– Абдулла ака, – дейди бир маҳал Носир ака устозга юзланиб. – Нега сиз опа билан тожикчалаб гаплашасиз-у, уришгингиз келса, бирдан ўзбекчалаб юборасиз? Нега?

– Хотин кишини ғазал тилида сўкиб бўлмайди-да, – дейди Абдулла ака қув табассум билан, – ўзбекчалаб сўкканга нима етсин!

Шўрвахўрлар

Абдулла Қаҳҳор урушнинг оғир йиллари театрда адабий эмакдош экан. Бир куни таниқли санъаткор Миршоҳид Мироқилов икковлон амаллаб озроқ гўшт топишибди-да, театр ҳовлисида овқат қиладиган бўлишибди. Абдулла ака шўрва қилишни маслаҳат берибди.

– Отам раҳматлик шўрвани унчалик хушламасди, майли, сазангиз ўлмасин,– дебди Миршоҳид ака ноилож рози бўлиб.

Овқатланиб бўлишгач, Миршоҳид ака кўнгли тўлмайдигандай дебди:

– Бу шилдир шўрва ичакка юкмади, энди бошқа бир чорасини кўрмасак бўлмайди.

– Ундай бўлса бизникига борақолайлик, – таклиф қилибди Абдулла ака. – Уйда овқат қилиб кўйишгандир.

Ўзувчининг уйига боришса, уста Абдуқаҳҳор ота ёвғон шўрва қайнатиб ўтирган экан, ноилож насибанинг бориға қаноат қилиб, яна кўчаға чиқишибди.

– Майли, мен энди уйимға борай, зора қуюкроқ овқат қилиб туришгандир,– дебди Миршоҳид ака.

Меҳмон уйига кетибди. Эртаси куни Абдулла ака бекатда турса, трамвайда ўтиб кетаётган Миршоҳид ака вагондан бошини чиқариб гап котибди:

– Абдуллажон, кеча уйимиздаям шўрва қилишган экан!

Туяқуш

Шоир Уйғун Ёзувчилар уюшмасига раис бўлган кезлар эди. Бир мажлисда Абдулла Қаҳҳор раисни танқид қила туриб шундай дейди:

– Туяқуш деган бир қуш бор. Унга учмайсанми дейишса мен туяман, учолмайман дер экан. Туя бўлсанг нега юк кўтармайсан дейишса ахир мен қушман-ку деб баҳона қиларкан. Бизнинг раисимиз ҳам худди туяқушға ўхшайди. Нега ёзмайсан десак, мен раисман дейди. Нега унда дурустрок ишламайсан десак, мен ахир шоирман дея тутун қайтаради. Хўш, энди ўзинглар айтинглар, Уйғуннинг туяқушдан нима фарқи бор?

Порахўр ким?

Абдулла Қаҳҳорнинг порахўрликни аёвсиз фош этган машхур “Тобутдан товуш” асари театрда сахналаштирилганда республика микёсида катта шов-шув бўлади. Аммо ўша даврда тўғри гап, танқид ҳаммага ҳам ёқавермас эди. Шу боис сахна ортидаги “сахна”да бошқача ўйин кетаётган эди. Ўзбекистон Компартиясининг органи бўлган отахон газета – “Совет Ўзбекистони”да “Тобутдан товуш” асари асосиз танқид қилинади. Спектакль сахнадан олиб ташланади. Шунда Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди, жасоратли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов “Ўзбекистон маданияти” газетасида танқидга танқид билан чиқиш қилиб, асарни ҳимоя қилади. Шундан кейин “Тобутдан товуш” сахнага “Сўнгги нусхалар” номи билан қайтади. Ўша баҳс-мунозаралар авж олган кунларда Абдулла Қаҳҳор университетнинг филология факультетига таклиф қилинади. Жасоратли ёзувчининг учрашувда айтган ушбу залворли сўзларини авлодлар ҳали ҳамон ҳаяжон билан эслаб юришади:

– “Тобутдан товуш” харқалай Мункарнакир гурзисидан омон қолди. Бу асарим айрим ғаламисларга ёқмаган экан, демак, отган ўким зое кетмабди. Марказкомдек нуфузли идоранинг масъул ходими олдимга келиб: “Суксуровнинг кимлигини айтинг. Унинг ишини тергов қилиб, судга оширамиз. Айтинг, ким у?” деб сўраб қолди. Фаросатни қаранг. Бадиий асар қаҳрамонини суд қилмоқчи эмиш. “Ўша порахўр сизсиз. Ўз устингиздан жиноий иш кўзғатаверинг”, дедим башарасига тик қараб. Ўзиям бир замбил лой бўлиб қолди. Ҳойнаҳой, энди у Суксуров қолиб, менинг устимдан жиноий иш кўзғаб юргандир. Ишончим комилки, мана ҳозир сизларга айтаётган гапларим ҳам тегишли идораларга етиб боради. Мен ҳақиқатни айтишдан кўрқмайман, акс холда кўлимга қалам тутмасдим.

Ёмон шеър ёзса...

Абдулла ака бирон зарур иши чикқанда кўпинча ишончли шогирди Носир Фозиловни уйига чакиртирар, шогирд ҳам хамиша астойдил устознинг мушкулини осон қилиш пайида бўлар эди. Кунлардан бир кун Абдулла ака Носир акани уйига

чорлайди. Устоз амри вожиб, Носир ака ғизиллаб табаррук хонадонга етиб келади. Ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганда Носир ака Уйғун аканинг туғилган кунида бўлиб ўтган воқеани эслаб қолади.

– Дарвоқе, кеча Уйғун аканинг туғилган куни бўлувди...

– Ҳа, кеча телефонда табриклаган эдик, – дейди Абдулла ака. – Одам кўп бўлдимми?

– Анча одам бўлди, фақат... шу... Зоҳиджон аканинг (шоир Зоҳиджон Обидов – Ш.О.) кўли сал...

– Ие, нима бўлди ўзи?

– Кўли синиб қолди.

– Э-э, чатоғ бўпти-ку. Ундай бўлса телефон қилиб кўнгил сўраб кўяйлик. Телефонини биласизми?

Носир ака Зоҳиджон аканинг телефон рақамини териб, гўшакни устозга узатади.

– Ҳа, шоир, нима бўлди?

Гўшакдан Зоҳиджон аканинг бўғик овози элас-элас эшитилиб турарди.

– Фалокат оёқ остида экан денг, шу, кўл синиб...

– Афсус, афсус, яхши бўлмапти. Нима бало, ёмон шеър ёзувдингизми?..

Телефондан шоирнинг “ағғ-ғ-ғ...” деган ғалати кулгиси эшитилади. Суҳбатни эшитиб турган Кибриё опа билан Носир ака ҳам беихтиёр кулиб юборишади.

Ҳалоллик

Абдулла ака гоҳо зериккан чоғларида дилтортар дўстлари, шогирдларини Дўрмондаги дала ҳовлисига чорлаб, гурунглашишни ёктирарди. Кунлардан бир кун устознинг хузурига таникли адиблар – Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Пиримкул Қодиров, Азиз Абдураззок, Ўткир Ҳошимовлар келишади. Улар шаркираб оқаётган арик бўйидаги сўрида устоз билан мирикиб суҳбатлашадилар. Адабиёт оламидаги янгиликлар тилга олинади. Шу маҳал дарвешфеъл шоир Толиб Йўлдош ташқаридан бир даста китобларни кўтариб келиб қолади. У Абдулла акага китобларни кўрсатиб, илтимос қилади:

– Таксир, шу китобларингизга дастхат ёзиб берсангиз.

Абдулла ака китобларни бир четга олиб, шоирни ўтиришга таклиф қилади.

– Бугун дастхат ёзиб беролмайман, – дейди Толиб акага юзланиб. – Чунки ҳозир гуноҳ иш қилдим – ичиб қўйдим. Ичсам кўлимга қалам олмайман.

Меҳмонлар устозга ҳайрат билан қараб қолишади. Абдулла ака кичик қадахчада бор-йўғи бир қултумгина мусаллас ичган эди...

Бошсизлар ҳам юришибди-ку...

Абдулла Қаҳҳор оғир бетоб бўлиб, Москвадаги касалхонада даволанаётганда адибнинг яқин шогирди, ёзувчи Шуҳрат устозни йўқлаб боради. Ўша кунларда беморнинг қорасон бўлган оёғи кесиб ташланганди. Устознинг аянчли аҳволини кўрган шогирд Кибриё опага қўшилиб йиғлаб юборади.

– Ҳа, нега мен ўлмай туриб кўз ёш тўқяпсизлар? – дейди адиб. – Битта оёққа шунчалик аза тутяпсизларми? Не-не одамлар умр бўйи бошсиз бўлса ҳам бинойидек яшаб юришибди-ку!..

Шуҳрат ака Кибриё опа билан беихтиёр кулимсираб қўйишди.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётининг энг оғир, фожиали лаҳзаларида ҳам ҳазил-мутойиба учун ўзида куч топа олган эди.

Фалакнинг гардиши

Михаил Шевердин деган ёзувчи (уни ёзувчи дейишга ҳам тил бормайди) катагон йиллари жуда кўп ижодкорларнинг ноҳақ қамалишига сабабчи бўлган. Архив ҳужжатлари ва замондошларнинг хотираларида унинг кирдикорлари исботланган. Атоқли адиб Абдулла Қодирийга тўқилган айбноманинг асосий муаллифи ҳам ана ўша манфур кимса бўлган...

Шевердиннинг ғаламисликларидан яхши хабардор бўлган Абдулла Қаҳҳор оғир бетоб бўлиб ётганида бир гапни кўп такрорларкан:

– Мен ўлимдан кўркмайман, фақат бир нарсадан, – дафн маросимимда Шевердиннинг нутқ сўзлашидан кўркаман...

Фалакнинг гардишини қарангки, Абдулла Қаҳҳорнинг дафн маросимида худди атай уюштирилгандек Шевердин нутқ сўзлайди. Марҳумнинг ўша гапидан яхши хабардор бўлган шо-гирдлари нотикнинг юзига тупуришдан зўрға ўзларини тийиб туришади.

Чораси – Юсуфжон

Гагарин космосга парвоз қилган кунлар эди. Дўрмонда ёзувчилар шу ҳақда гурунглашиб қолишади. Кимдир ҳеч ким-нинг хаёлига келмаган гапни айтади:

– Мабодо Гагарин ерга қайтиб тушолмай қолса нима бўлади? Бечора бир умр космосда қолиб кетаверадимми?

Шунда Абдулла Қаҳҳор кулимсираб шундай дейди:

– Бу дунёда ҳамма нарсанинг чораси бор. Агар Гагарин тушолмай қолса, Юсуфжонга (уддабуронлиги билан машҳур бўлган шоир Юсуфжон Ҳамдам. Ш.О.) айтаман, бир зумда ерга олиб тушиб кўяди.

Дутор нархи

Абдулла Қаҳҳор машҳур бастакор Юнус Ражабий билан кўшни эди. Бир куни улар ёзувчининг уйида гурунглашиб ўтиришганда гап айланиб дуторга тақалади.

– Ҳар бир ўзбек хонадонида чолғулардан ҳеч бўлмаганда дутор бўлиши керак, – дейди Юнус ака. – Негаки, бир куни кимдир уни чалиб, кўпчиликнинг кўнглини хушнуд қилиши мумкин.

– Тўғри айтасиз, – ҳамсухбатини қувватлайди адиб. – Мен-га ҳам битта яхши дутор керак. Ўзингиз яхшисидан топиб берасиз-да.

Ражабий рози бўлади. Орадан бир неча кун ўтгач, Абдулла ака кўшнисини учратиб, дуторни суриштириб қолади.

– Бир устада дутор бор экан, нархини суриштираман, юз сўмдан камига бўлмайди деяпти, – жавоб қилади Ражабий.

– Устаси билан биргами? – дейди Абдулла ака таажжубла-ниб.

Яхшиси эрга тегинг

Абдулла Қаҳҳор Ёзувчилар уюшмасига раис бўлган кезлар эди. Бир куни ҳаваскор қиз унга шеърларини олиб келиб кўрсатади. Раис машқларни бир-бир варақлаб кўргач, энсаси қотиб, ўйланиб қолади. Чунки шеърлар жуда заиф эди. Ҳамиша, ҳаммага, ҳаммавақт тўғри гапни айтиб юрган адиб қадди қомаги келишган, чиройли ҳаваскорга қараб шундай маслаҳат беради:

– Қизим, сиз шеър ёзишни ташланг, яхшиси эрга тегинг.

Машҳур адибдан бунақа гапни мутлақо кутмаган қиз хангу манг бўлиб қолади. Раисни ҳазиллашаётгандир деб ўйлайди. Шунда раис жиддий оҳангда яна кўшимча қилади:

– Ҳа, эрга тегинг. Шунда ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам яхши бўлади.

Орадан кўп йиллар ўтгач, ўша ҳаваскор шоира бир этак болаларнинг онаси бўлиб, ёзувчининг ҳақ эканига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ўзбекнинг сабри

Мустақилликдан илгари Ўзбекистонда яшаб ижод қилдиган айрим русийзабон ёзувчилар ҳукмрон мафкурага астойдил хизмат қилиш баробарида Москванинг Тошкентдаги кўз-кулоғи, хуфя назоратчилари эди. Абдулла Қаҳҳор уларни жинидан баттар ёмон кўрар, фикрини дангал айтгани учун ўшаларнинг душманига айланиб улгурган эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг садоқатли мухлиси, таниқли ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг ҳикоя қилишича, бир куни чойхонадаги зиёфатда навбатдаги қадахдан олдин Александр Удалов деган ёзувчи дастхат ёзилган китобини олиб, Абдулла акага узатади:

– Янги романим чиқди, Абдулла Қаҳҳорович! Сизга атаб олиб келдим.

Абдулла ака китобни жирканиб қўлига олади. Номини ўкиб, сирли кулиб қўяди. Китоб “Сабр косаси” (“Чаша терпение”) деб аталарди.

Абдулла Қаҳҳор китобни ҳафсаласиз варақлаб кўргач, эгасига қайтаради ва қадахни қўлига олиб, коса тагида нимкоса кабилида сўз айтади:

– За наше терпение. Ўзбекнинг сабри учун!

Теша тегмаган иборалар

Абдулла Қаҳҳорнинг оғзидан ёки қаламидан чиққан ҳар бир ибора мантиқан чуқур маъноли, тағдор, образли бўлар эди. У бошқа ижодкорлардан ҳам шуни талаб қиларди.

“Сўзни миҳ қилиб қоқиб, қалпоғини узиб ташла, биров суғуриб ололмасин” деган эди ёшлар билан бўлган бир суҳбатда.

Учрашувлардан бирида “Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?” деган саволга жавоб бераркан, порахўрлик тўғрисида комедия ёзаётганини айтади ва янги асари учун афоризмдай жаранглайдиган иборалар ёзиб қўйганини айтиб, улардан айримларини ўқиб беради. Сўнг, таассуф билан шундай қўшимча қилади:

– Бу гаплар ўз ҳолича ёмон эмас. Ўзимга ҳам маъқул. Лекин драматургия шундай қайсар жанрки, бу ибораларнинг қай бирини қаҳрамоннинг оғзига солсам, туфлаб ташлайди.

Эндиликда устознинг боқий адабий меросини қайта кўздан кечирарканмиз, ўша ғаройиб, теша тегмаган ибораларни ўқиб завкланамиз, уларнинг ҳали ҳамон долзарблигини кўнглимиздан ўтказиб, ёзувчининг донолигига, маҳоратига қойил қоламиз.

Мана, ўша иборалардан айрим намуналар:

“Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас!”

“Адабиёт – ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.”

“Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат, деб ўйлайди.”

“Мен бу китобни не машаққат билан, дўптимни ҳидлаб-ҳидлаб ўқидим.”

“Ҳай-ҳай, ё алҳазар... бу одамнинг оғзига олган луқмаларини унча-мунча одам оташқурак билан ушлашга ҳазар қилади.”

“Бунга ўхшаган ёзувчининг олдидан илҳом париси паранжи ёпиниб ўтади...”

“...ўқидим, лекин ҳазм қилиб бўлмайдиган асар экан. Палагда тухумга мурч сепиб берган билан уни еб бўлмайдими ку?!”

“Баъзи ёзувчига унинг асарини эшитиш учун текин қулоқ керак бўлади. Бу – унинг хотини...”

“Кейинги пайтда “маҳаллий адабиёт” пайдо бўлиб қолди. Андижон ёки Қўқонда чапак олган асар Тошкентга келганда дами чиқиб кетяпти...”

“Гап қанча яхши бўлса, у шунча қисқа бўлади.”

“Ёзувчининг маҳорати шундаки, бутун баҳорни атиги чигитдек келадиган гўра ичига қамаб бера олади.”

“Бу одам адабиётга эшикдан эмас, ўғри мушукка ўхшаб тўйнуқдан кирган.”

“Ўзи ёзолмайди, адабиётда мен ҳам борман, деб мажлисларда овоз чиқазиб туради.”

“Бу одам тўнқарилиб қолган қўнғизга ўхшайди, ўнглаб қўядиганларнинг қўлини саситади.”

“Нима учун жсарроҳга беморнинг у еридан эмас, бу еридан кес демайди. Нима учун учувчига самолётнинг у мурватини эмас, бу мурватини бура демайди, нима учун арқонда юриб дорвозга манавунақа юриш керак, деб кўрсатмайди. Адабиётни осон иш деб ўйласа керак, ҳадеб анавундоқ ёз, манавундоқ ёз деб ўргатаверади”.

“Бу асар театрни бой қилиши мумкин. Томошабиндан киришига ҳам, чиқиб кетишига ҳам пул олиш керак. Айниқса томоша тугамасдан ташлаб чиқиб кетадиганлардан ҳар қанча сўрасанг беради”.

МИРТЕМИР БИР КУНИ...



Миртемир (Турсунов Миртемир) 1910 йил 30 майда Қозоғистоннинг Туркистон туманидаги Иқон қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1971). Эски мактабда таълим олгач (1919–20), Тошкентга келиб, Алмайи номидаги намуна иш мактаби (1920–23) ва Ўзбек эрлар билим юртида таҳсил кўрган (1925–29). Илк шеърлар тўплами – “Шуълалар кўйнида” (1928) миллий ўзбек шеъриятини учун янги жанр – сочма (настрий шеър) жанрида ёзилган. “Зафар” (1929), “Қайнашларим” ва “Бонг” (1932) шеърий тўпламлари муаллифи. “Барот” (1930), “Хидир” (1932), “Дилкушо”, “Сув қизи” (1937), “Ойсанамнинг тўйида” (1938), “Кўзи” (1939) каби дostonлар ёзган. “Қорақалпоқ дафтари” (1957) туркумидан ўрин олган “Сурат” лирик киссаси эса 60–70-йилларда ўзбек шеъриятида дoston жанрига эътиборнинг кучайиши ва лирик дoston жанрининг камол топишига катта таъсир кўрсатган. А.С. Пушкин, Н.А. Некрасов, Ш. Руставели, Абай, Махтумқули ва Бердак асарларини ҳамда қирғиз халқ эпоси “Манас”ни ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1979), Бердак номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти (1977) лауреати.

1978 йил 25 январда Тошкентда вафот этган. “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби (2002).

“Ҳаваскор” шоир

Миртемир домла таҳририятларга иши тушса, ходимлар билан ниҳоятда назокат ва одоб билан мулоқотда бўларди.

Кунлардан бир кун устоз “Шарқ юлдузи” журналининг шеърият бўлимига телефон қилади. Бўлим мудири, ёш шоир Шукур Курбон илгари камроқ мулоқотда бўлгани учун отахон шоирни овозидан таний олмайди ва ботиниб сўрайди:

– Кечирасиз, мен ким билан гаплашяпман?

– Бу – мен, бўтам, ҳаваскор шоир Турсунов Миртемир...

– К-кечирасиз, домла...

Юбиляр қани?

Миртемир домланинг 50 йиллиги ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги адиблар уйида ўтказилади. Йиғилишга уюшма раҳбарлари, шоирнинг кўплаб мухлислари, қариндош-уруғлари келишади. Тадбир бошланади. Раҳбарлардан бири юбилей кечасини очик деб эълон қилади. Таомилга кўра, юбиляр саҳнада, ҳамманинг кўзига кўринадиган жойда ўтириши лозим эди. Аммо негадир юбиляр кўринмасди.

– Ийе, юбилярнинг ўзи қаёқда? – дейди тадбирни очган раҳбар атрофга аланглаб.

Шунда залнинг ҳеч кимга кўринмайдиган бир жойида қисинибгина ўтирган Миртемир домла ўтирган жойидан оғир кўзғалиб, гап қотади:

– Бошлайверинглар, мен шу ердаман...

Ҳамма ортга, Миртемирга қарайди, қарсақлар янграйди.

– Домла, чиқинг энди бу ёкка! – мажлис раиси шоирни юқорига чорлайди.

Бўйинбоғ бўлмагач

Бир куни Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшин Миртемир домлани ҳузурига чорлайди.

– Миртемир ака, Сизни шахсан Шароф Рашидовнинг (Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги раҳбари, ёзувчи – Ш.О.) ўзлари йўқляптилар. Эрталаб соат ўнда уйингизга машина

боради, тайёр бўлиб туринг. Дурустроқ кийиниб, бўйинбоғ тақиб олинг. Кейин, катта нима деса “хўп” деб тураверинг, гап қайтарманг.

– Хўп.

Эрталаб белгиланган вақтда Миртемир домла Марказқўмнинг биринчи котиби қабулхонасида ҳаяжонланиб, айти чоғда ўзи одатланмаган бўйинбоғдан андак ғашланиб ўтирар эди. Ниҳоят, уни ичкарига чорлашади. Кираётганида каттанинг ёрдамчиси шоирнинг қийшайиброқ қолган бўйинбоғини тўғрилаб қўяди.

Ёзувчидан чиққан, таникли ижодкорларнинг иззат-хурматини жойига қўядиган катта раҳбар Миртемирни салимий қаршилайди. Сухбат давомида шоир Яшиннинг маслаҳатини унутмай, катта нима деса “хўп” деб тураверади. Шароф Рашидов мийгида кулимсираб, домлани совға-саломлар билан кузатиб қўяди.

Миртемир ташқарига чиқар-чикмас томоғини ғиппа бўғиб турган бўйинбоғни ечиб ташлайди. Мошина эшигини очиб, “Ўтиринг, уйингизга олиб бориб қўяман”, дея хизматга шай турган ҳайдовчига шундай дейди:

– Бўйинбоғ бўлмагач, мошинанинг ҳам кераги йўқ, бўтам.

Миртемир домла енгил нафас олиб, кенг кўчадан уйига яёв равона бўлади.

Домла қовун туширди

Кунлардан бир кун Саид Аҳмад қаердандир юборилган юз сўмлик (ўша даврда анча баракали пул эди – Ш.О.) қалам ҳақини хотини – таникли шоира ва адиба Саида опадан қандай яширсам экан дея хаёл суриб ўтирганида уйига Миртемир домла келиб қолади. Саид Аҳмад нажот топилганидан суюниб, отахон шоирни тўрга ўтказади. Опа дастурхон ёзиб, ошхонага чиқиб кетгач, Саид Аҳмад домлага юзланиб, шундай дейди:

– Ўзингиз биласиз, домла, бу хотин зотидан ҳеч нарса ни яшириб бўлмайди. Мана шу юз сўмни олиб туринг, келиннингиз кирганда гўё сиздан қарз сўрайман. Озгина таранг қилиб, тезда қайтариш шарти билан менга қарз берган бўласиз. Келишдикми?

Шоир иккилана-иккилана пулни олиб, чўнтагига солиб кўяди. Ниҳоят, Саида опа ичкарига киргач, домла худди игна устида ўтиргандек безовталанаверади. Саид Аҳмаддан хадеганда садо чиқавермайди. Ахийри шоирнинг тоқати тугаб, ёнидаги омонатни секин чўнтагидан олиб, дастурхон четига кўяркан, жиддий алпозда танбеҳ беради:

– Саид Аҳмад! Мана, пулингни ол! Иккинчи бунақа тентаклик қилма! (Аслида бундан нордонроқ гап айтилади – Ш.О.) Хўпми?!

Сокин кўнғироқ

Кунлардан бир кун “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида шоир Миртемир билан суҳбат босилаётганди. Газета ходими Ёқуб Яқвалхўжаев (танқидчи, адиб, Оллоҳ раҳмат қилсин) ўша сонга навбатчилик қилаётганди. Домланинг ўзлари келиб, саҳифани шошилмай, синчковлик билан ўқийди. Сўнг ишонқирамай, сўрайди:

– Бўтам, шу нарса энди... ростдан ҳам чиқадими-а?

Домланинг ажиб соддалиги нашъа қилади:

– Э домла, хотиржам бўлинг, мабодо осмон узилиб ерга тушмаса, эртага чиқади бу нарса. Мана, бир соатдан кейин кўл кўямиз – тамом-вассалом! – дейди Ёқуб ака кулимсираб.

Шоир хотиржам бўлиб, уйига кетади. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтар-ўтмас ногоҳ ... осмон узилиб, ерга тушади – юкоридан расмий ахборот ҳақида (*ўша йиллар бунақа воқеа тез-тез бўлиб турарди – Ш.О.*) кўнғироқ қилишади. Зудлик билан саҳифаларга қўйилган тайёр материаллар олиб ташланади. Хуллас, Миртемир домла билан қилинган ўша суҳбат газетада чиқмай қолади.

Эрталаб катта умидлар билан газетани варақлаб, хафсаласи пир бўлган Миртемир домла таҳририятга телефон қилиб, Ёқуб акани суриштиради:

– Бўтам, ҳалиги... гавдаси девдай бир ходиминглар борку, ўша бетамизни менга чақириб беринг! Кап-катта одамни лақиллатиб... Эси паст бола экан!

Ёқуб ака шу тобда домла билан гаплашишга юраги бетламасди. “Ишга келмади деб кўя қолинг” дейди котибага ичидан зил кетиб. Орадан кўп ўтмай кечаги “гумроҳ” лигига эрталабки ёлғончилиги ҳам кўшилиб, баттар мулзам бўлади. Чун-

ки Миртемир домла эринмайдиган, хокисор одам эди, ўзлари тахририятга кириб келади. Боёкиш Ёкуб ака “бор-йўқ гуноҳи” учун қайта-қайта узр сўраб, отахон шоирни бир амаллаб тинчитади. Яқинда газетада шеърият саҳифаси уюштирилишини, домланинг янги шеърларидан намуналар берилишини айтади.

Ниҳоят, ўша ваъда қилинган кун ҳам келади. Аммо Ёкуб ака бу гал ҳам домланинг кўнглини ололмайди. Гап шундаки, ҳар сафар шоирларнинг шеърлари чоп этилганда инжиқ муаллифлар хархаша қилишарди: “Нега менинг шеърим фалон-чиникидан кейин берилади? Нима, мен ундан камманми? Ёки истейдодим мундайроқми?..”

Қизиғи шундаки, инжиқлик қиладиганларнинг аксарияти казо-казо, унвонли, мартабали ижодкорлар эди. Бош муҳаррир Лазиз Қаюмов бу хархашалардан кўп хуноб бўлар, ўша ижодкорлар шаънига андак нордон гаплар айтишдан ҳам тоймасди. Устамон муҳаррир ахийри бу муаммонинг чорасини топади:

– Гап бундай, энди ҳар бир шоир алифбо тартибида берилади. Қани, шундаям ғинг деб кўришсин-чи! – дейди ғижиниб.

Ходимлар “Хайрият, энди бизнинг ҳам қулоғимиз тинчидиган бўлди”, дея навбатдаги шеърият саҳифасида қатнашаётган шоирларнинг асарларини алифбо тартибида жойлаштириб чиқишади. Миртемир домланинг ҳам шеърлари берилаётганди. Ёкуб ака ниҳоят, мана энди домла хурсанд бўлсалар керак дея домланинг уйларига кўнғирок қилиб, корректурани ўқиб беришни илтимос қилади.

Домла келиб, саҳифани кўздан кечираркан, ногоҳ ўз шеъридан юкорида турган Барот Бойқобиловнинг исму шарифига кўзи тушиб қолади.

– Ие, бўтам, нега менинг шеърим Баротникидан кейин турибди?

– Энди, домла, биз тахририятда шоирларни алифбо тартибида беришга келишдик. Ҳалиги... жанжал, яъни тушунмовчилик бўлмасин деб...

– Ҳмм... шундайми? Демак, камина алифбо тартибида Баротдан кейин эканманми? Жудаям гўзал! Жудаям ажойиб!..

Домла шундай дея ўзларича яна бир нималарни пичирларкан, шеърининг у ёқ, бу ёғини ўчириб, тузатган бўлади. Сўнг Ёкуб акага юзланиб, охиста гап котади:

– Бўтам, мундоқ ўйлаб кўрсам, бу шеърларим сал хомроқ экан. Яхшиси, олиб кета қолай.

Домла Ёқуб аканинг хай-хайлаганига, илтижоларига ҳам қарамай, таппа-тайёр, териб кўйилган ва эрталаб дунё юзини кўриши мумкин бўлган шеърларини олиб кетади.

Миртемир домла ана шундай, аломат одам эди. Абдулла Орипов домлага бағишланган бир шеърда топиб ёзганидек, халқимизнинг ардоқли шоири Миртемир бу кўҳна дунёдан “сокин бир кўнғироқ чалиб ўтган” эдилар.

Соддалик

Миртемир домланинг хонадонида тўй бўлаётганди. Домла олдига ким келса, ҳойнаҳой пул керак бўлгандир дея олдиндан чўнтақларини ковлашга тушар, тўй харажатлари учун маблағни аямас эди.

Эшикдан меҳмонлар келганда хизматга мутасадди этилганлардан бири шоир ҳузурига чопади:

– Домла, Абдукарим Салимович ишхонасидаги ходимлари билан келишди.

Кексайганда қулоғи оғирлашиб қолган шоир дарҳол чўнтагига қўл узатиб, сўрайди:

– Хўш, унга қанча керак экан, бўтам?

Эҳтиёт шарт

Бир куни домла севимли шогирди, ёзувчи Носир Фозиловни эргаштириб, шаҳарга тушади. Бозор-ўчар қилишгач, кийим-кечак сотиладиган катта дўконга киришади. Танти шоир шогирдини сийлаб, янги костюм-шим олиб беради.

Сўнг сарупони ювиш учун уйга қайтишади.

Ноз-неъматлар муҳайё дастурхонга битта коньяк ҳам кўйилади. Носир ака азбаройи ҳаяжонданми ёки суюнганиданми, шиша қопқоғини очаётганида пичоқ тиғи сал бармоғига тегиб кетади. Жароҳатдан оқаётган қонга дарров рўмолчасини босади. Миртемир домла эса секин коньякни кўтариб, бошқа хонага қўйиб чиқади.

Носир ака тамшана-тамшана, ахийри ҳадди сиғиб, сўрайди:

– Домла, бу... ҳалигиндан киттак-қиттак олмаймизми энди?

– Йўк, бўтам, сенга бўлди!

– Нега энди?

– Ахир ҳали ичмай туриб кўлингни кесиб олдинг. Мабодо ичгудай бўлсанг, калламни ҳам кесиб олсанг керак.

“Доза” сени оширворибди

Миртемир домланинг тоби қочиб, дўхтирга боради. Дўхтир унга керакли дори-дармонларни ёзиб беради.

Домланинг кўнгил чигалини аҳён-аҳён бир қадах коньяк билан ёзиб турадиган одати бор эди. Масаланинг бу томони қандай бўлди энди дея дўхтирдан маслаҳат сўрайди. Дўхтир – ҳазилкаш, ёшгина йигит дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир антиқа чора топади.

– Ҳамма нарсанинг йўли бор, домла. Аввало, мана бу ёзилган дориларни ичасиз, кейин истасангиз, бир қадах чойга етти томчидан коньяк кўшиб ичаверинг, фақат дозасини бундан оширворманг!

Қулоғи оғирроқ бўлган шоир маслаҳатни ўзича тушунади. Орадан бир ҳафта ўтгач, ахволи оғирлашиб, яна ўша дўхтирга рўбарў бўлади. Шоирни обдан текшириб кўрган дўхтир хавотирланиб сўрайди:

– Домла, ҳалиги... мен айтган дориларни ичувдингизми?

– Ичдим, бўтам, ичдим. Бир қадах коньякка етти томчидан чой кўшиб ҳам ичиб турдим.

– Йўғ-э?! Ахир мен бунинг тескарисини айтувдим-ку, ота-хон?!

– Демак, дозасини сал оширворибмизда, бўтам. Аттанг...

Ўзбекмиз-ку!

Миртемир домла Ғафур Ғулом нашриётида ишлаб юрган кезлар эди. Бир куни нашриёт йўлагидан бир одам Миртемир домлага қараб кучоғини очиб кела бошлади. Домла ҳам кучоғини очиб кўришади. Кейин, хайрлашаётганда ҳам шу тарзда хайрлашадилар. У одам кетгач, домла ёнидагилардан сўраб қолади:

– Бу кишим ким бўлди?

– Ие, ўзингиз кучоклашиб кўришдингиз-ку? Танимадингизми?

- Йўқ, танимадим. Умримда биринчи бор кўришим.
- Қизик, унда нега...
- Узоқдан кучоқ очиб келган одамдан кимсиз деб сўраб бўладими, бўталарим! Ўзбекмиз-ку!

Ҳотамтой

Кунлардан бир кун Миртемир домла Москвага қандайдир анжуманга борадиган бўлади. Ёркиной келинойи фарзандларга совғалар олишни, пулларни ҳавога совурмасликни қатъий таъинлайди. Хуллас, домла бир дунё “заказ” билан йўлга тушади.

Москвага боргач, уни ўзбекистонлик шоирлар, Горький номидаги жаҳон адабиёти институтида ўқиётган қаламкаш ёшлар ўраб олишади.

– Сайёр, – дейди домла, – мана бу омонат пуллар сенда турсин. Кеннойинг болаларга совға-салом тайинлаган. Ишлат-ворсам кейин хижолат бўламан...

Сайёр ҳам бу қалтис масъулиятдан қочиб, тайсаллайди:

– Домлажон, ўзингиз биласиз, бу ерда ошна-оғайнилар кўп. Студентчилик... Яхшиси, ўзингизда тура турсин. Қайтишингиздан бир-икки кун олдин совғаларни олиб кўярмиз...

Дўстлар билан дийдорлашув, турли базму жамшидлар, сархуш кезлар... Шундай лаҳзаларда домланинг хотамтойлиги тутиб кетади. Совға-саломга аталган пулларни аямай совуради. Кўз очиб юмгунча бир ҳафта ҳам ўтиб кетади. Тошкентга қайтиш олдидан домла Сайёрни бир четга имлаб, шундай дейди:

– Шу... йўл паттасини ўзинг бир амаллаб тўғрилсанг... Тошкентга борганингда ортиғи билан қайтараман...

Йўлтўсарлар

Кунлардан бир кун Миртемир домла нашриётда иш юзасидан тутилиб қолиб, уйига кечроқ қайтаётганда йўлини икки ёш йигит тўсиб чиқади:

- Қани, пулдан чиқаринг, бобой!!
- Ие, буниси қандоғ бўлди, бўталарим?
- Вақтимиз зик – тез бўлинг!

– Мени танимадингларми? Ахир мен Ўзбекистон халқ шоири Миртемирман-ку!

Йигитлар бир зум саросималаниб қолишади. Кўринишдан ёши сал катгариши шеригининг кулоғига шипшийти: “Ёлғон гапиряпти, катта шоир бўлса пиёда юрармиди?”

Шоирнинг юзида кўркув эмас, афсус-ажабланишни кўрган йўлтўсарлар яна зуғум қилишади:

– Бошимизни котирма, сендака шоирларнинг кўпини кўрганмиз. Яхшиликча пулдан чиқар, акс ҳолда...

Шоир қарайдики аҳвол чатоқ, йигитларни инсофга ундаш фойдасиз.

– Ҳай майли, шунчалар қийналиб қолган бўлсаларинг, сизларга баҳоли қудрат ёрдам берай, савоб бўлар. Фақат ҳозир ёнимда пулим йўқ, уйга борайлик, ичкаридан олиб чиқиб берман.

Йўлтўсарлар анча сурбет экан, уялмай-нетмай шоирга эргашиб, уйгача келадилар.

Миртемир домла ичкаридан пул олиб чиқиб, безориларга бўлиб бераркан, ўзича насиҳат қилади:

– Иккинчи бунақа номаъқул иш қилманглар. Бу қалтис йўлдан қанча эрта қайтсанглар, ўзингларга шунча яхши бўлади.

Орадан кўп йиллар ўтади. Шоир юкоридаги воқеани деярли унутиб ҳам юборади. Кунлардан бир кун Миртемир домланинг эшигини иккита нотаниш одам тақиллатади. Ичкаридан елкасига чопон ташлаб чиққан кекса шоирни кўриб, улар негадир ўнғайсизланишади, хижолатдан ўзларини кўярга жой тополмай, типирчилаб қолишади. Маълум бўлишича, улар ўша йўлтўсар йигитлар экан.

– Домла, бизни кечиринг, ёшликда бир аҳмоқлик қилиб... Ўшанда бизга яхши сабоқ бердингиз. Сизга катта раҳмат. Бизни кечиринг...

– Тўғри йўлни топиб олибсизлар – шунинг ўзи катта гап, бўталарим. Мен хурсандман. Дарвоқе, нега остонада турибмиз? Қани, ичкарига марҳамат...

– Раҳмат, домла, бошка сафар. Энди, мана шу пулни олиб кўйинг, ўшанда берган... қарзингиз... Раҳмат сизга!

– Йўқ-йўқ, мен ўшанда сизларга ёрдам бергим келувди...

- Илтимос, ола қолинг.
- Йўқ-йўқ, олмайман!
- Шоир пулни кескин қайтаради...

Мардикор

Миртемир домла ҳовлисидаги эски тўнкаларни қаздириш учун мардикор ёлламоқчи бўлиб шаҳарга чиқади. Дуч келган бир мардикор билан гаплашиб, уйига бошлаб келади. Кўринишидан ёши анчага бориб қолган бу одамни дарров ишга солгиси келмайди. Дастурхон устида чой ичиб, суҳбатлашиб ўтиришади.

– Хўш, энди ишни кўрсатинг, – дейди мардикор туришга чоғланиб.

– Ўтирибмизда гурунглашиб, – дейди шоир хотиржам оҳангда.

– Ахир... вақт ўтяпти.

– Ҳозир овқат келади. Иш бўлса қочмас.

Мардикор бу ғалати одамга хайрон бўлиб қарайди. У шунча йил яшаб, ҳали бунақа ёлловчига йўлиқмаганди. Негадир хўжайин овқатдан кейин ҳам ишдан гап очавермайди. Мардикор яна ўзи бу ҳақда эслатишга мажбур бўлади:

– Энди ишни бошласак ҳам бўлар. Кун ҳам пешиндан оғиб қолди.

– Ҳозир, ҳозир, олдин ошни еб, бакувват бўлиб олинг, кейин кўрамиз у ёғини.

Ўзича хижолат бўлиб ўтирган мардикор ошни шошиброк ейди. Кўлини тезгина артиб, мезбонга юзланади:

– Энди иш ҳам қилайлик!

– Ҳозир, ҳозир, бир дақиқа... – шоир шундай дея ташқарига чиқиб, тезда қайтиб келади. Секин дастурхон четига пул қўяди.

– Мана бу сизнинг ҳақингиз, рози бўлинг.

– Йўқ-йўқ, ололмайман, ахир ҳеч иш қилмасдан... – дейди мардикор хайрон бўлиб.

– Суриштириб кўрсам, ўғиллар ишни бажариб қўйишибди. Сизнинг эса бир кунлик вақтингиз кетди. Шунга... олинг бунди, – шоир пулни секин мардикор томон суриб қўяди.

– Олмаيمان дедим-ку,– дейди мардикор сал қизишиб. – Мени ким деб ўйлаяпсиз?

– Агар олмасангиз... қаттиқ хафа бўламан, – дейди Миртемир домла мардикорнинг юзига жиддий тикилиб.

Мардикор ноилож пулни олиб, чўнтагига солади. Фотиҳадан сўнг мезбон меҳмонни дарвозагача эҳтиром билан кузатиб кўяди.

Иқро

Кунлардан бир кун Эркин Воҳидов Миртемир домланинг ижодхонасида ўтирган эди. Ногоҳ стол устида Пушкиннинг сувратига кўзи тушади. Негадир ҳазрат Навоийнинг суврати жавоннинг ичида, кўздан панарокда турган экан. Эркин ака ажабланиб, бунинг сабабини сўрайди.

– Бу қанақаси бўлди, домла? Ватанпарварлигингиз қаерда қолди? Ўзбекнинг даҳо шоирини бир чеккага суриб қўйибсиз?

Домла бир лаҳза сукут сақлагач, жилмайиб жавоб қилади:

– Менинг Пушкиндан уяладиган ерим йўқ, бўтам. Унинг бутун ижодини ўқиганман, ўрганганман. Кўпгина асарларини таржима ҳам қилганман. Ҳазратга қарашга эса уяламан, сабаби, у кишининг ижодини, унинг дунёсини ҳали тўла англаб етмаганман, – дейди шоир “айби”га иқро бўлиб.

Эркин ака бу гапларни таникли навоийшунос олим, бир умр ҳазратнинг ижодини ўрганган Абдуқодир Ҳайитметовга айтганда, у киши ҳам камтарлик билан “Биз ҳам ҳали ҳазрат Навоийни тўла англаб етмаганмиз!” дея жавоб берган экан.

“Ўладиган тентак йўқ”

Бир замонлар кардош республикаларда адабиёт ва санъат ҳафталикларини ўтказишдай яхши бир анъана бор эди. Ана ўша хайрли тадбирга биноан Тошкентда Қозоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги ўтаётганди. Ҳафталикнинг ёпилиш маросими ҳозирги Миллий театрда бўлади. Саҳнада таникли адиблар, давлат арбоблари ўтиришибди. Биринчи каторни Шароф Рашидов, Собит Муқонов, Комил Яшин, орқа каторни Назир Сафаров, Рамз Бобожон, Тўлепберген Қаипбергенов, Қуддус Муҳаммадий, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пулат Мўмин ва бошқа адиблар банд қилишган.

Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшин олиб боради. Нотиклар ҳафталик яхши ўтганлиги, икки халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик янада мустаҳкамланганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ниҳоят, Миртемир домлага сўз берилади. Шоир ҳафталик баҳонасида қозоқ адиблари билан юз кўришганидан мамнунлиги, Туркистон яқинидаги Иқон қишлоғида туғилганлигини айтгач, “Агар мен” деган каттагина бир шеърини ўқий бошлайди:

“Агар мен мангулик уйқуга кетар кун бирон буюм ола кетиш эрки берил қолса...”

Кўпчилик хавотирланиб қолади. Наҳотки устоз шундай анжуманда тушкунлик руҳидаги шеърини ўқиса? Нима демоқчи ўзи? Охири нима билан тугаркин?

Шоир эса бамайлихотир шеър ўқишда давом этади:

*“Не олиб кетаркинман?”
Энг аввало ҳовлидаги оқ
гулларнинг бир ҳовуч атри;
Кейин Ҳалимахоним авжсида
Навоийнинг ўша бир сатри;
Устоз Ойбек бермиш
ўша бир қалам;
Олис гурбатлардан
қайтганимда, онамнинг
қабрини тополмаганим важдан
суяк-суяқларимга сингган
ўша қирқ йиллик алам;
Суйгилимнинг тирноқ
юзидеккина сурати ҳам;
Нозим Ҳикматнинг денгиз
сувларидай мовий кўзларидаги
ўша мунг, ўша учқун,
бир сўз билан айтсам,
унинг хаёлимдаги
армонли сийрати ҳам;
Бир гужум Фарғона узуми;
Самарқанддаги йигитлик базми;
Қозоқ қимизидан бир кўза;
Тошкент денгизидан бир кўза;*

*Ҳеч бўлмаса ўша Олатов яйловида
қимиз ичган заранг коса;
Ўша унутилмас ўгринча бўса;
Оқсоқ бобо саганасидан
Ложсувард гишт синиги;
Ўлганда ҳам отини аташим ножўя
бировнинг кўзларидаги тубсиз меҳрда
киприкчаси ва тиниги;
Андижон адирларида битган
Ғўзадан бир лўппи чаноқ ҳам...
Тагин нима? Бўлди шекилли. Йўқ, онамдан
қолган ягона эсдалик – кичкина парқу болиш –
тобутимда бошимга қўйилса...*

Шеър шу зайлда давом этарди. Йиғилганлар, айниқса, катта раҳбарлар “Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да” дея юракларини ховучлаб ўтиришади. Шоир эса ҳеч нима бўлмагандек шеърнинг ўша машҳур якунини ўқийди:

“Ўлгандан кейин бирон буюм олиб кетиш эрки берилса, мен шуларнигина ола кетишни истар эдим. Лекин ҳали ўладиган тентак йўқ, гап шунда...”

Ногоҳ гулдурос қарсақлар янграйди, худди бомба портлагандек бўлади, театр биноси зириллаб кетади. Хавотирланган нигоҳларда табассум қалқади. Раҳбарлар ҳам “хайрият” дея мамнун жилмайишади. Йиғилганлар шоирни ҳеч кимникига ўхшамаган, ажойиб нутқи билан узок олқишлайдилар.

Ким замонавийроқ?

Кунлардан бир кун Миртемир домла шоир Собир Абдулла билан Янгийўлда ўтган учрашувдан уйга қайтишарди. Оқшом чўкканига анча вақт бўлган. Мошиналар қатнови ҳам сийрақлашган. Уларнинг мошинаси Тошкентга кириб келгач, Собир ака Миртемир домлага юзланиб дейди:

– Аввал мени ташлаб ўта қолсин.

– Йўқ, аввал мени ташлайди, – Миртемир домла рози бўлмайди. Икковлон шу тарика тортишиб қолишади. Шофёр боёқиш қаёққа ҳайдашни билмай иккиланади. Шунда Миртемир домла ҳайдовчига шоирона тилда тушунтира бошлайди:

– Бўтам, имтиёз менга тегишли. Собир Абдулла арузда ёзди, мен бармоқда, ҳаммабоп ва оммабоп вазнда ёзаман. Демак, мен замонавийроқман, тўғрими? Шундай бўлгач, олдин мени ташлаб қўйишинг керак.

Шоирларнинг ғаройиб тортишувидан ҳайдовчининг энсаси котади:

– Мен аруз-паруз, бармоқ-сармоқни билмайман. Икковингизни эсон-омон уй-уйларингизга элтиб қўйсам бўлди.

Барибир “замонавийроқ” шоир аввал элтиб қўйилади.

Кечиккан қаҳқаҳа

Илгари Ёзувчилар уюшмасининг йиллик ҳисобот йиғилишлари жуда қизғин ўтарди. Навбатдаги шундай йиғилишда танқидчи Салоҳиддин Мамажонов шоир Юсуф Шомансурнинг “Қора марварид” романини кескин танқид қилади. Танқидга чидолмаган шоир жавоб сўзида жуда ғалати – кулгили гап қилади:

– Мамажоновнинг менда қасди бор. Дўрмонда биллиард ўйнаб, уни ютиб қўйгандим, шунга ўчини оляпти!

Ҳамма кулиб юборади.

Қулоғи оғир Миртемир домла кулгининг боисини билолмай, аланглаб ёнидагилардан сўрайди. Унга кулгининг сабабини тушунтиришган пайтда минбарда академик Воҳид Зоҳидов гапираётганди. Кутилмаганда домла қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади:

– Оббо тентак-ей! Топган гапини қаранг!

Минбарда турган академик гапидан тўхтаб, қотиб қолади. Шунда Носир Фозилов секин ўрnidан кўзғолиб, мажлис аҳлига изоҳ беради:

– Домла Юсуф Шомансурнинг бояги гапига куляпти.

Бу галги кулги олдингисидан ҳам залворли бўлади.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА БИР КУНИ...



Мақсуд Шайхзода 1908 йил 25 октябрда Озарбайжон Республикаси, Ганжа вилоятининг Оқтош шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Боқудаги дорулмуаллиминни тугатган (1925). Даствлабки шеърый тўплами – “Лойиқ соқчи” (1932). “Ўн шеър” (1932), “Ундошларим” (1933), “Учинчи китоб” (1934), “Жумҳурият” (1935), “Ўн икки”, “Янги девон” (1937), “Кураш нечун” (1942), “Кўнгил дейдики...” (1943), “Ўн беш йилнинг дафтари” (1947), “Юрт шеърлари” (1948), “Олқишларим” (1949), “Йиллар ва йўллар” (1961), “Шеърлар” (1964) ва бошқа шеърый тўпламлари нашр этилган. “Жалолиддин Мангуберди” (1944) ва “Мирзо Улуғбек” (1961) каби драматик асарлар муаллифи. Йирик адабиётшунос (“Гениал шоир”, (1941), “Ғазал мулкининг султони”, (1966), “Тазкирачилик тарихидан”, (1968) . А.С. Пушкиннинг “Мис чавандоз”, М. Ю. Лермонтовнинг “Кавказ асири”, В. Шекспирнинг “Ҳамлет”, “Ромео ва Жульетта” трагедиялари ва сонетларини, Нозим Ҳикматнинг шеърларини, шунингдек, дунё адабиётидаги бир қанча буюк сиймоларнинг асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. 1967 йил 19 февралда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Атокли шоир Мақсуд Шайхзода ҳар қандай мураккаб, кийин-катагон замонларда ҳам одамийлиги ва олийжаноблигини сақлаб қололган, бегубор, ажойиб инсон эди. Унинг одамохунлиги ва инсоний эътиқоди куйидаги машхур, ҳикматли мисраларида ҳам яққол ифодаланган:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
“Салом” деган сўзнинг салмогин оқланг.
Ўлганда юз соат йиглаб тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.*

Шайх ака (ўзаро мулоқотларда кўпчилик уни шундай деб атади) ортиқча назокат-мулозаматларга ўрин қолдирмаслик учунми, ўзи ҳақидаги сўровларни мухта-сар қилиб, ҳамсухбатига “Ўзларидан сўрасак?” дея сами-

мий мурожаат қилар, шоирнинг ўзига хос бу ибораси адабий муҳитда, уни яқиндан билган одамлар ўртасида анча машҳур эди.

Ўзларидан сўрасак

Эмишки, нариги дунёда Мункарнакир Шайх акадан “Раббинг ким?” деб сўраса, шоир “Ўзларидан сўрасак!” деган экан. Шоирнинг бу ибораси шу қадар оммалашган эди.

Кунлардан бир кун қишлоқдаги учрашувда Шайх ака кекса отахон билан қўл олиб сўрашаркан, одатига биноан, дарҳол “Ўзларидан сўрасак?” дейди.

Умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган боёқиш отахон бу гапнинг маъзини чақолмай, бир зум гарангсиб қолади. Фақат, шоир нари кетгач, ёнидаги одамга қараб, шундай дермиш: “Мендан нимани сўрайди? Ана, раисдан сўрасин?..”

Йўлини топишди

Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода ва Саид Аҳмад ёзда Дўрмонга чиқиб, дам олишаётган экан. Ғафур Ғулом Саид Аҳмадга бир шиша вино бериб, челақка солиб совутиб қўйишни тайинлайди. Саид Аҳмад шишани ярим челақ сувга ботириб, ўзи бошқа иш билан андармон бўлади. Бир маҳал Ғафур Ғулом қўлларини ишқаб, томоғи тақиллаб, “Қани, ҳалигини олиб кел-чи!” дейди. Саид Аҳмад бориб қараса, шишанинг юпқа қопқоғи очилиб, ичига сув тўлиб қолибди. Буни кўрган устознинг роса жаҳли чиқади.

– Э ландовур, лапашанг! Ёшлигингда ҳам шунақа ношуд эдинг. Энди нима қиламиз?

Шу маҳал Шайх ака секин келиб, челақка энгашади.

– Вино неча градус эди ўзи?

– Эсимда йўқ, – дейди айбдор бўйнини қисиб.

Шайх ака челақни кўтариб, секин хўплаб кўради.

– Бу ерда камида ўн икки градус бор-ов, бемалол ичса бўлади.

Учовлон ноилож челақдаги чучмал насиба билан қаноатланишади.

Гадойнинг танбеҳи

Шайх ака ниҳоятда қўли очик, сахий, танти одам бўлган. У кишининг одамларга кўрсатган беғараз ёрдамани замондошлари ҳали ҳамон гапириб юришади. Бир умр пединститутда (*ҳозирги Низомий номидаги педагогика университети*) домлалик қилган шоир камхаржликдан қийналиброк қолган талабага йирикрок пул бериб, сигарет олиб келишни илтимос қиларкан, қайтимини олмас экан.

Урушдан кейинги қийинчилик йиллари ҳозирги Сайилгоҳ кўчасининг хиёбонга яқин жойида бир гадой ўтираркан. Шайх ака хиёбоннинг нариги томонида жойлашган Ёзувчилар уюшмасига йўли тушгудай бўлса, атай ўша гадой ўтирган томонга юриб, бечорага оз-моз пул ташлаб ўтаркан. Бу қатъий одат тусига кирган бўлиб, гадой ҳам шунга ўрганиб қолган экан.

Бир куни Шайх ака одатича ўша ердан ўта туриб гадойга яқинлашибди. Шундоқ чўнтакка қўл солсалар – пул йўк, костюмни алмаштирганларида пул бошқа кийимда қолган. Шоир андак афсусланса-да, сир бой бермай салом бериб ўтиб кетаверибди. Шунда гадой орқадан чакириб қолибди:

– Эй, биродар...

– Ҳозир пулим йўк, – дебди шоир қандайдир хижолатомуз оҳангда.

– Ишлаш керак!– дермиш гадой машҳур шоирга танбех бериб.

“Переводчи”

Адабиётга мутлақо алоқаси бўлмаган бир одам Шайх акага шундай дебди:

– Пенсияга чикқанимдан кейин переводчиклик қилмоқчиман.

Шайх ака ҳозиржавоблик билан илмоқли савол бериб, у кишини мулзам қилибди:

– Унда “перевод” деган сўзни нима деб перевод киласиз?

Ҳаваскорнинг соғлиги

Ҳовлиқмароқ бир ҳаваскор қаламкаш Мақсуд Шайхзодага шеърларини кўрсатиб, маслаҳат сўраркан, ногоҳ шундай дейди:

– Устоз, айтишларича истеъдодли шоирларнинг аксарияти касалманд ва дарвешроқ бўлар экан, шу гап ростми?

– Рост, рост, – дейди шоир ҳаваскорнинг юзига андак ажаб-синиб қараб қўйгач, – аммо хавотирланманг, сиз соппа-соғсиз!

Буйруққа истисно

Мақсуд Шайхзода Низомий номидаги педагогика институтида узоқ йиллар муаллимлик қилган. Кунлардан бир кун ректорнинг институтда дарс пайти сигарет чекишни қатъий тақиқлаш ҳақидаги буйруғи чиқади. Шайх ака узоқ вақт чекмасдан туролмас, чекканда ҳам ўша даврда энг зўр ҳисобланган “Казбек” сигаретини кетма-кет тутатар эди. Шу боис ҳалиги буйруқдан норози бўлган шоир ректорга учраб, ишдан кетишга мажбур эканлигини айтади. Домлага ҳурмати баланд бўлган ректор бу гапни эшитиб ҳайрон қолади. “Мабодо биронтаси сизни хафа қилдимиз?” деб сўрайди. Шунда шоир босиклик билан ўзининг кўп йиллик кашанда экани, шунинг учун раҳбарнинг фармонини бажара олмаслигини айтади. Ректор кулиб, хатони тузатишга ваъда беради.

Дарҳақиқат, эртаси кунни ўша буйруққа шундай ўзгартириш киритилади: “Институтда доцент Мақсуд Шайхзодадан бошқа одамларнинг сигарет чекиши қатъий тақиқланади”

Мажлис чўзилса

Шайх ака ҳамкасблари билан жуда самимий, илиқ муносабатда бўлган. Айниқса, Ойбек ва Миртемир билан жуда инोक эди. Бир куни Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлади. Йиғилиш ҳаддан зиёд чўзилиб кетгани учун кўпчилик қалам аҳли очликдан силласи қуриб, ҳолдан тояди. Ниҳоят, мажлис тугагач, Миртемир домла Шайхзоданинг олдига келиб, оҳиста сўрайди:

– Овқат масаласига қандай қарайсиз, Шайх ака?

– Тўрт кўз билан қараймиз-да! – дейди Шайх ака кўз-ойнагини тўғрилаб.

Шоирнинг завқи тошса

Афандининг жонли тимсоли бўлмиш Адҳам Ҳамдам Фарғонага келган бир гуруҳ таникли ижодкорларни уйига чорлаб, зиёфат беради. Эртаси куни театрда бўлган йиғилишда сўзга чиққан шоир Шайхзода кечаги базму жамшид таъсирида-ми, нутқининг охирида ногоҳ шундай деб юборади:

– Мана шу қадахни ҳурматли... – шундай дея мундоқ кўлига қараса, кўлида қадах эмас, ручка турганмиш, – ручканинг соғлиғи учун олишингизни сўрайман!..

...Ўша оқшом театрдаги спектакль намоёишига меҳмонлар ҳам таклиф қилинади. Томошабинлар йиғила бошлаганда Шайх ака ёнидаги одамга энгашиб, шундай дейди:

– Ана бу олдинги катордаги, ўртада ўтирган хонимни кўряпсизми? Жа-а зўр нарса экан, бай-бай-бай, ёноғидаги холини қаранг ўзига ярашганини...

Шунда у одам каттиқ томоқ кириб, хўмрайганча гапини бўлади:

– Оғзингизга қараб гапиринг, у менинг хотиним!

Шайх ака андак талмовсирайди-ю аммо бутунлай ўзини йўқотмайди. Кўзойнагини кўлига олиб, рўмолчаси билан артаркан, узрли оҳангда изох беради:

– Шу... кўзим узоқдан яхши кўрмайди-да.

Айбга буюрмайсиз

Шайх ака табиатан одамохун, самимий инсон эди. Турли таҳририятларнинг илтимосларини бажонидил бажарар, айрим калондимоғ адибларга ўхшаб журналистларни овораи сарсон қилмасди.

Ёзнинг жазирама кунларидан бирида “Гулхан” журнали ходими Наримон Орифжонов янги асар ундириш учун шоирнинг уйига боради. Кўнғироқ тугмачаси босилгач, орадан кўп ўтмай остонада эғнига фақат трусиғу бошига сомон шляпа кийган Шайх ака кўринади. Кутилмаган ҳолатдан Наримон ака хижолат бўлиб, шошиб қолади. Нима мақсадда келганини айтиш учун энди оғиз жуфтлаганда шоир узр сўраб, шундай дермиш:

– Айбга буюрмайсиз-да энди, Орифжон ўғли, бўйинбоғ тақишни унутибмиз.

Нақди яхши

Шайхзода домланинг сахийлиги, қўли очиқлигини суистеъмол қиладиган ноинсофлар ҳам йўқ эмасди. Бир шоир домладан 200 сўм (60-йилларда катта пул эди – Ш.О.) қарз олиб, вақтида қайтармай тайсаллаб юраверади. Домла ахийри қарзини ундира олишига кўзи етмай қолади. Бир куни у шоир Туроб Тўлани учратиб, хаёлида ўзича пишитиб юрган режасини айтади:

– Шундай бир иш қилсак, афандим. Агар шартимга кўнсангиз, осонгина 150 сўм ишлаб олишингиз мумкин. Фалон шоир мендан 200 сўм қарз олиб, бермай юрибди. Шу қарзни сизга 50 сўмга сотаман, розимисиз?

– Қиммат сўраяпсиз, домла, сал пастга тушинг, – дейди Туроб ака. – Миртемир домла ўша шоирга берган 500 сўмини менга атиги уч сўмга сотганди. Агар хўп десангиз, ўша қарзингизга икки сўм бераман. Ахир пулни ундиrolмай қолсам икки сўмга куяман-ку, тўғрими?

Шайхзода бир оз ўйланиб тургач, шартта қўл ташлайди:

– Бўпти, розиман! Унмайдиган 198 сўмдан нақд икки сўм яхши! Қани, пулни чиқаринг. Бир пачка “Казбек” сигарети текинга тушадиган бўлди.

Ғиёсоддаги зиёфат

Мақсуд Шайхзоданинг машҳур “Мирзо Улуғбек” спектакли пойтахтнинг Хадра майдонидаги филология факультетида муҳокама қилинади. Спектакль ҳақида турли фикр-мулоҳазалар айтилади. Муҳокамадан кейин Шайх ака таниқли танқидчи Озод Шарафиддиновни бир четга имлаб, секин қулоғига шипшийди:

– Озоджон, ҳозир Ғиёсоддага борамиз, бир маза қилайлик!

Озод ака таклифга рози бўлади. Икковлон Фурқат кўчаси бўйлаб Бешёғоч томон йўлга тушишади.

– Шайх ака, мен Дўмбиробод, Юнусобод деган жойларни биламан, аммо Ғиёсодда билмас эканман, – дейди Озод ака.

– Озгина сабр қилинг, ҳозир кўрасиз, – шоир кулимсираб кўяди.

Нихоят, манзилга етиб келишади. Маълум бўлишича, Гиёсод дегани Шайх аканинг Бешёғочдаги кадрдони Гиёсжон деган йигитнинг дўкони экан.

Зудлик билан дастурхон ёзилиб, ноз-неъматлар муҳайё қилинади. Узун-қиска шишалар ҳам пайдо бўлади. Озод ака тараддулланиб қолади.

– Шайх ака, мен бугун уйдагиларга ичмайман деб ваъда берворувдим...

– Аниқроқ қилиб айтинг – қандай ваъда берувдингиз?

– Ароқ ичмайман дегандим.

– Жуда соз! Ароқ ичмаймиз. Бети курсин, мен ҳам таъмини ёқтирмайман. Биз бугун тоза мусаллас ичамиз. Узумнинг сувидан қилинган, тоза мусаллас!

Ноинсоф бўлманг

Шайх ака Низомий номидаги пединститутда дарс берганида ҳар янги ўқув йилида рўйхат бўйича талабалар билан бирмабир танишиб чиқарди. Шунда домла исмларнинг маъносини шарҳлар, қизик-қизик гаплар айтиб, талабаларни кулдирар эди. Бир гал домла рўйхатни ўқиётиб, “Саидалихўжаева!” деди-ю талаба қизга ғалати қараб қолади. Сўнг, кутилмаганда “Бунчалик инсофсиз бўлманг-да!” деб юборади. Ҳамма бу гапдан хайрон бўлади, боёқиш талаба эса талмовсираб қолади. Домла “берди”сини айтади:

– Ҳам Саид, ҳам Али, ҳам Хўжа... Шунча номни бир ўзингиз қандок кўтариб юрибсиз? Оғирлик қилмаяптими?

Аудитория шарақлаб кулиб юборади.

ЧАРХИЙ БИР КУНИ...

Асқарали Ҳамроали ўғли Чархий 1900 йили Қўқонда туғилган. Мумтоз адабиётимизнинг асосий жанри – арузда самарали ижод қилган. Узоқ йиллар Қўқондаги Муқимий уй-музейида ишлаб, Муқимийнинг адабий меросини тўплаш ва асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшган. Шоирнинг турли йилларда “Ширин ва аччиқ”, “Шеърлар”, “Алихўжа ва Хўжаали”, “Девон” номли китоблари нашр этилган. 1957 йили Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлган.



Чархий 1979 йили Қўқонда вафот этган.

Мусалласга ўхшайди

Ўзбекистон халқ шоири Чархий домла Муқимийнинг садоқатли шогирди ва издоши, бир замонлар Рожий, Мирзо Хўқандий, Ҳамза, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор каби машҳур шоир ва адиблар билан сафдош ва дўст тутинган табаррук зот эди. Домла кўп йиллар Муқимийнинг ҳужрасида улуғ шоир чироғини ёкиб, ижодий ишлар билан шуғулланган.

Чархий домла ихчамгина бир тўплам тузиб, Тошкентдаги нашриётлардан бирига топширган эди. Кунлардан бир кун пойтахтга йўли тушиб, тўпламдан хабар олмоқчи бўлади.

– Домла, китобингиз бу йил ҳам режага кирмай қолди, хафа бўлманг, – дейди нашриёт бош муҳаррири ўзича ийманиб. – Имкони бўлди дегунча ёрдам қиламиз. Дарвоқе, шеърларингиз унғача эскириб қолмас...

– Хижолат бўлманг, – кулимсираб жавоб қилади Чархий домла, – каминанинг ёзганлари худди мусалласга ўхшайди. Қанча узоқ ётса, шунчалик қуввати ошиб бораверади.

Чарх бўлиб йигирилган

Чархий мумтоз адабиёт анъаналарини янги замонда муваффақиятли давом эттирган ижодкор эди. Унинг жуда

кўплаб ғазаллари кўшиқ қилиб куйланган. Бир анжуманда шоирнинг мухлиси домла билан танишаётиб шундай дейди:

– Мавлоно, мен сизни савлатли, катта бир одам сифатида тасаввур қилувдим. Ўзимизга ўхшаган, увокқина, кичкина одам экансиз.

Шоир бу гапга чиройли лутф билан жавоб қилади:

– Дарҳақиқат, илгари мен сиз айтгандек гавдали одам эдим, кейинчалик чарх бўлиб йигирилавериб-йигирилавериб шунақа кичкина бўлиб қолдим.

Бир кунлик актёр

Чархий уруш йиллари театрда адабий эмакдош бўлиб ишлаганди. Аксарият эркаклар фронтда, одам етишмас, спектакллар амал-тақал, зўрға қўйиларди. Театр ёпиладиган ҳолга келиб қолади. Сувоқчилик артелида ишлаган бир одам театрни оёққа турғазини учун директорликка тайинланади. Янги раҳбар зудлик билан мажлис ўтказиб, жамоани қаттиқ сиқувга олади.

– Ҳамралиев... Чархий? Ким ўзи бу киши? Нима бало, чарчимисиз? Адабий эмакдош? Нима иш қилади эмакдош дегани? Кўп бошимни қотирманг. Эртадан саҳнага чиқасиз. Тамом!

Хуллас, шунақа кўрсатма бўлади. Раҳбарнинг амри вожиб. Чархий домла эртаси куни бир спектаклда хоннинг навқари ролида саҳнага чиқади. Воқеалар ривожига кўра, актёр “Биз хоннинг шавкатли навқари” дея кўшиқ айтиб, кейин қиличини кинига солиб саҳнани тарк этиши лозим эди. Аксига олиб, Чархий домла кўшиғини бир амаллаб тугатгач, қиличини кинига солмоқчи бўлади, негадир қилич кинга солинавермайди. Уришишлари зое кетаверади. Пешонасидан тер чиқиб кетади. Шу маҳал залдан кимдир домлани таниб қолиб, лўқма ташлайди:

– Чархий домла, нима бало, ичиб олганмисиз?

Чархий домла ҳам у одамни таниб қолиб, жаҳл билан жавоб қилади:

– Нималар деб валдираяпсан? Мастмасман, кўрмаяпсанми – қиличим кинига сиғмаяпти!

Чархий домланинг артистлик “карьераси” шу билан тугайди.

Икки кишининг гўшти

Кунлардан бир кун Чархий Ҳабибий домла, мавлоно Собир Абдулла ҳамроҳлигида мавлоно Муқимий қадамжолари бўйлаб Исфара қишлоғига сафар қилишади. Зиёратчилар Муқимий бир замонлар ихлос қўйган собиқ Султонмурод мингбошининг уйида меҳмон бўлишади. Қайнатма шўрвани ичиб ўтиришганда Ҳабибий домла ёнидагиларга билинтирмай косасидаги гўштни Чархий домланинг косасига солиб қўяди. Овқатдан кейин чой ичиб ўтиришганда Собир ака ногоҳ ўрнидан туриб, Чархий домлага юзланади:

– Асқарали ака, келинг бир курашамиз. Ҳабибий домла ҳакам бўлади.

– Мулла Собиржон, – дейди Чархий домла, – менга бас келишингиз қийин. Ишонмасангиз ана, Ҳабибий домладан сўранг, чунки мен ҳозир икки кишининг гўштини еганман.

Ўғри ёрдам қилди

Чархий домла умрида бировга озор бермаган, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай яхши гапирар, ҳатто ўғрилар билан ҳам салом-аликни куюқ қилар экан. Кунлардан бир кун домла дўстларидан бири билан Қўқонда кетаётган экан. Вақт хуфтондан ошиб қолган. Шу маҳал рўпарадан чиқиб қолган бир барзанги, маст одам Чархий домланинг ҳикилдоғидан бўғиб, пул талаб қилади. Икки дўст танг аҳволда қолишади. Ёрдамга чақирай дейишса кўчада ҳеч ким кўринмайди.

Ногоҳ худди осмондан тушгандек пайдо бўлган Расул ўғри деган киши ҳалиги мастни бир уриб ерга ағдаради, сўнг тепиб-тепиб тинчитади. Кейин домладан сўрайди:

– Сизга зиён етказмадимми, домла?

– Э, йў-ўқ...

Расул ўғри Чархий домлани иззат-икром билан уйигача кузатиб қўяди.

САИД АХМАД БИР КУНИ...



Саид Ахмад (Хусанхўжаев Саидахмад) 1920 йил 10 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Тошкент рассомлик билим юртида, Тошкент педагогика институтида ўқиган (1940-1943). Биринчи хикоялар тўплами – “Тортик” (1940). Ижодининг каттагина қисми ҳажвий-юмористик хикоялар, қиссалар, комедиялардан иборат. “Эр юрак”(1942), “Фарғона хикоялари”(1848), “Чўл бургути”(1960), “Чўл окшомлари”, “Одам ва бўрон”, “Йўқотганларим ва топганларим” (1998). “Қоракўз мажнун” (2001), “Киприкда қолган тонг” (2003) каби асарлар муаллифи. “Уфқ” трилогияси (1964-74), “Жимжитлик” романи (1988), “Хандон писта” (1994), “Бир ўпичнинг баҳоси” (1993), ҳажвий тўпламлари, уч жилдли “Танланган асарлар”и (2000) нашр этилган. Адибнинг юмористик маҳорати “Келинлар кўзғолони”(1976), “Куёв” (1986) комедияларида ёрқин намоён бўлган. Фельетон жанрида ҳам самарали ижод қилган. 1950 йили “халқ душмани” сифатида қамоққа олинган. Ёвуз диктатор Сталин вафотидан сўнг озодликка чиққан.

2007 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

“Дўстлик” (1996), “Буюк хизматлари учун” (1997) орденлари билан мукофотланган.

Саид Ахмад ҳажвиётда устозлари – Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор изидан борган атоқли адибдир. Оммавийлиги жихатидан қиёсланса, “жиддий” асарларидан кўра ҳажвий ижоди устуворроқ. Устозлари каби, ўзи ҳам ҳаётда ҳазил-мутойибага мойил эди. Турли учрашув ва издиҳомларда теша тегмаган, қизик-қизик гаплар билан мухлисларни кулдириб юрарди. Бир замонлар “Телеминиатюралар театри” асосан Саид Ахмаднинг бетакрор ҳажвиёти туфайли машхур бўлган. “Келинлар кўзғолони”нинг довуғи эса (истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг ғояси ва даъвати билан яратилган комедия) океан ортигача бориб, Американи ҳам “забт этган”.

Антиқа қалин

Кунлардан бир кун Саид Аҳмад ўзбек адиблари билан яхши ҳамкорлик қилиб келаётган қозоқ адибаси Хонбиби Эсонқораевани Дўрмондаги дала ҳовлисига меҳмондорчиликка таклиф этади. Уста пазанда бўлган адиб ўзи бошлаб ош дамлайди.

Саид Аҳмад иштирок этган зиёфат, табиий, ҳазил-мутоийибасиз, қувноқ қаҳқаҳаларсиз ўтмайди.

– Хонбиби! – дейди Саид Аҳмад азиз меҳмонга юзланиб. – Ўзинг биласан, неча йилдан буён сўққабошман. Ёлғизлик ёмон бўлар экан. Менга тегиб қўя қолмайсанми?

– Вой, ахир менинг эрим бор-ку, оға?!

– Хўш, нима бўпти? Ахир сизлар икки фуқароликни ёқлаяпсизлар-ку! Икки эрлик ҳам шунга ўхшаш гап-да...

– Агар хўп десам, қалинига нима берасиз? – Хонбибининг ҳам қувлиги тутади.

– Қалинни мен эмас, сен беришинг керак.

– Нега энди? Қалинни эркак томон тўламайдими?

– Мен – халқ ёзувчиси, машҳур адибман! Шунинг ҳисобга олиб, қалинни сен берасан-да. Менга кўп нарса керак эмас – тўртта туя берсанг кифоя.

– Туяни нима қиласиз? Бу ерда боқолмайсиз-ку!

– Менга туянинг ўзи эмас, унинг гўнги керак, ана боғимга ўғит қиламан.

– Ундай бўлса, мен яхшиси сизга қалин учун тўрт қоп гўнг бера қолай!

Даврада гурр кулги кўтарилади.

Чалғитиб туради

Мухлислар бир куни Саид Аҳмаддан сўрашади:

– Устоз, айтинг-чи, нима учун учрашув-сафарларга борганда кўпинча ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан бирга борасиз?

– Бунинг муҳим сабаби бор, албатта. Аммо айтмайман.

– Илтимос, айта қолинг.

– Ҳай майли, кўймадинглар-кўймадингларда. Учрашувларга борганимда Ўткирнинг атрофини дарров кампирлар ўраб олишади. Ёш-ёш қизлар ўзимга қолади. Тушундингларми?..

Маъруза

Саид Аҳмад “Муштум” журналида ишлаб юрган кезлар эди. Бир куни бош муҳаррир Акмал Пўлат олий партия мактабидаги тадбирга таклиф этилганини, тингловчилар хузурида ўқиши учун битта маъруза ёзиб қўйиши лозимлигини айтиб, топширик беради. Саид Аҳмаднинг энсаси котади. Аммо раҳбарнинг амри вожиб – бажармаса бўлмайди. Ноилож хаёлига нима келса шуни ёзиб, маърузани бир амаллаб тайёрлаб қўяди..

Эртаси куни Акмал Пўлат вилоят рўзномалари муҳаррирлари хузурида пала-партиш ёзилган маърузани хиж-жалаб ўқиб, шарманда бўлади. Қайтиб келгач, Саид Аҳмадни исканжага олади. Аммо шу-шу унга бошқа маъруза ёздирмайди.

“Ёзувчилар” пастда

Бухоро вилоятидаги бир учрашувда жамоа хўжалиги раиси машҳур адиб Саид Аҳмадни мухлисларга “Тошкентдан келган шоир!” деб таништиради. Шунда Саид Аҳмад “шоир эмас, ёзувчиман”, дея эътироз билдиради. Раис бунга эътибор бермай, сўзида давом этаркан, яна бир карра “Шоир акамизнинг шеърларидан маза килиб эшитасизлар”, дейди. Ёзувчи ноилож яна раиснинг сўзини тузатади. Ахийри Саид Аҳмад учинчи марта эътироз билдирганда раис чидолмай, шундай дейди:

– Э-э, сиз жим тулинг, домла, “ёзувчи”лар (“юмалоқ хат ёзувчи ифвогарлар” демокчи – Ш.О.) пастда ўтиришибди.

Китоб чиқмагач...

Саид Аҳмад чойхонадаги улфатчиликда нашриёт раҳбари бўлган дўстининг вафот этганини эълон қилади. Кўпчилик бу нохуш гапдан хайрон бўлади: “Тавба, ахир кечагина туппатузук юрган эди-ку?!”

– Ажали етса кози ҳам ўлади! – дейди Саид Аҳмад эътирозга ўрин қолдирмай. – Начора, раҳматлининг умри қисқа экан!

Орадан бир кун ўтгач, ўша ўртоғи ёзувчини учратиб, астойдил иддао қилади:

– Намунча ҳазилинг совуқ?! Ҳаммага мени ўлди деб гап тарқатиб юрганмишсан!

– Ие, сен ростдан ҳам тирикмисан? – бўш келмайди ёзувчи. – Ахир, “Мен тирик бўлсам китобинг йил охиригача чиқади”, деб сўз берган эдинг-ку?! Йил тугаганига ҳам анча бўлди, лекин китобим чиқмади. Сени ўлгандирсан деб ўйлабман.

Тошкентдан эшитаверади...

Шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймон Фарғонада ишлаб юрганида Тошкентга, устоз Саид Аҳмадга тез-тез телефон қилиб, хол-аҳвол сўраб турарди. Одамлар, айникса, ҳамкасблар билан мулоқотда ўта самимий, сермулозамат бўлган шоир телефонда ҳам тўлиб-тошиб, бор овози билан, тўлқинланиб гапирарди. Кунлардан бир кун Йўлдош ака Фарғонадан устозга телефон қилади. Ногоҳ Саид Аҳмад шогирднинг баланд овозини бўлиб, шундай дейди:

– Йўлдош, трубкани қўйиб, томингга чиққин-да, Тошкентга қараб гапиравер, бемалол эшитаман!

Ўнта қоровулга татийди

Фарғоналик дилкаш адиб Йўлдош Сулаймоннинг одам-охунлиги, қувноқлиги кўпчиликка маълум ва машҳур эди. Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин бир замонлар у ҳақда шундай шеър ҳам битганди:

*Ул – Фарғона фарзанди,
Оғзида болу қанти,
Очиладир булоқлар,
Кулса Йўлдош Сулаймон,
Тетиклашар сулайгон.*

*Яхшиларга Йўлдошдир,
Меҳрибондир, юввошдир.
Ҳаттоки Дўрмон боғи
Торлик қиладир чоғи,
Болалар ўйнар гужгон,
Кулса Йўлдош Сулаймон.*

Саид Аҳмад Йўлдош ака билан ака-укадек яқин бўлишган. Устоз Йўлдош аканинг сермулозаматлиги, ҳар гапида “яхши-яхши” деб туриши, кувноқлиги, икки қаватли қилиб, бор овози билан кулишини ўзича аския қилиб юрарди. Қунлардан бир кун устоз Умарали Норматов, Ўткир Ҳошимов, Йўлдош Сулаймон ҳамроҳлигида Сўх қишлоғига боришади. Зиёфатда мириқиб гурунглашишади. Даврада обком котиби ҳам ўтирганди. Бир маҳал Саид Аҳмад ака кутилмаганда ўша раҳбарга юзланиб иддао қилиб қолади:

– Сизлар одамнинг кадрига етмайсизлар.

– Йўғ-э, биз...

– Мана шу йигитнинг бола-чақаси бор, ҳукуматдан арзимаган маош олиб, ночор яшаб юрибди, – дейди адиб Йўлдош акага ишора қилиб. – Сизларда мевачилик хўжалиги бордир?

– Бор, албатта бор... – раҳбар нимкосанинг тагига етолмай талмовсирайди.

– Ўша хўжаликларда меваларни зараркунанда қушлардан кўриқлайдиган қоровул ҳам бўлса керак?

– Албатта қоровул кўйилади. Бўлмаса, очофат қушлар меваларга қирон келтиради.

– Мана шу болани қоровулликка ёлласанглар зўр бўлади. Бир ўзи ўнта қоровулга татийди. Бир кулганда ҳаммаёқни зириллатиб юборади, чўчиб қочган қушлар қайта боғингларга кўнмайди.

Котиб котиб-котиб кулади. Унинг ёнида ўтирган Йўлдош аканинг кулгиси ҳаммадан баланд чиқади.

– Ака, сал нарироқдан кулинг, кулоғим ёрилиб кетмасин! – дейди котиб кулгидан ёшланган кўзларини ишқалаб.

Товуқнинг таъсири

Кунлардан бир кун ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида хоразмлик танги шоир Эркин Мадраҳимов (Ошик Эркин) бизни товуқ гўшти билан сийлайди. Афандинамо шоир Азиз Абдураззок гурунгни ҳазилга буриб, шундай дейди:

– Товуқ гўшти еганимдан кейин жўхудча гапиргим келиб қолади.

Саид Аҳмад гап келганда эски ҳазилкашини аяб ўтирмайди:

– Ундай эмас, хўроз қидиргим келади, дегин!

Ғаройиб кашандалар

Саид Аҳмад билан Азиз Абдураззоқ эски ҳазилкашлар. Бири иккинчиси ҳақида ичакузди латифа, ҳангомалар тўқишади, афсуски, уларнинг ҳаммасини китобга ёзиб бўлмайди. Бунақа ҳангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Ҳар икки оқсоқол ашаддий кашанда эди. Бойваччароқ оқсоқол Саид Аҳмад қимматбаҳо “Палл-Малл” чекса, камбағалроқ, дарвешфёъл Азиз ака оддийгина “Астра” билан қаноатланарди. Дўрмон боғларида бирга сайр қилиб юришганда Саид Аҳмад чўнтагидан сигарет чиқарса, Азиз ака “Битта чектиринг, ака!” дея қўлини чўзарди. Бу ҳол ҳамиша такрорланавергач, ахийри катта устознинг энсаси қотади. “Шошма, сени бир боплай!” дея кўнглига бир шумликни тугиб қўяди. Бир куни боғда айланиб юришганда Саид Аҳмад чеккиси келиб, секин ҳамроҳидан сўрайди:

– Азиз, сигаретинг борми?

Азиз ака ҳайрон бўлади. Чунки устоз ҳеч қачон ундан сигарет сўрамасди. Шу боис шоша-пиша чўнтагидан ўзининг арзон “Астра” сигаретасини чиқаради.

– Мана, олинг.

– Раҳмат, кўрдим, сигаретинг бор экан,– дейди устоз хотиржам бўлиб. – Энди ўзимниқидан чексам майлими?

Азиз ака устознинг топқирлигига қойил қолиб, қулиб юборади.

Бир ўқ билан уч қуёни уради

Эркин Воҳидов ёш шоир, эндигина машҳур бўла бошлаган кезлар эди. Кунлардан бир кун у қайсидир таҳририятдан мўмайроқ қалам ҳақи олади-ю бу пулни нимага сарфласам экан дея боши қотади. Ўйлай-ўйлай ахийри кўпни кўрган адиб Саид Аҳмаддан маслаҳат сўрайди.

– Устоз! Пул – қўлнинг кири, дейдилар! Тезроқ бирон нарса олиб қўймасам барақаси учиб кетади. Шунга...

– Мўлжалинг нима ўзи?

– Олдин мошина олсаммикин? Бошпана-ҳовли ҳам зарур. Дарвоқе, уйланиш ҳам керак, ёш ўтиб боряпти.

Устоз сигаретини астойдил тутатиб, жиддий алпозда шундай антиқа маслаҳат беради.

- Сен яхшиси, бу пулингга автобус сотиб ол!
- Ие, автобусни бошимга ураманми?
- Автобус олсанг бир ўқ билан иккита эмас, учта куённи урасан.
- Хўш, хўш?
- Мошина борган жойга автобус ҳам боради, тўғрими?
- Тўғри.
- Демак, мошинага ҳожат йўқ. Иннайкейин, автобуснинг кенг, шинам салони қайси уйдан кам?
- Тушундим.
- Иннайкейин, битта автобусга битта кондуктор аёл ҳам керак. Ана ўша кондукторга уйланиб олсанг, биратўла хотинли ҳам бўласан.

Хушёр бўлинг, Яшин ака!

Кунлардан бир кун адабий анжумандан кейин оқсоқол ёзувчилар даврасида кизгин гурунг, ҳазил-мутойиба бўлади. Булар орасида Ёзувчилар уюшмасига узок йиллар раҳбарлик қилаётган Комил Яшин, собиқ раислар – Уйғун, Абдулла Қахҳор ва Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Саид Аҳмадлар ҳам бор эди. Ўша кезларда Яшин ишдан бўшармиш, ўрнига Уйғун уюшмага раис бўлармиш деган миш-мишлар таркаганди. Даврада ҳам шу нозик масала тилга олинади. Гап келганда ҳеч кимни аяб ўтирмайдиган Саид Аҳмад кутилмаганда Уйғунга бир қараб қўйгач, шундай шеър тўкиб юборади:

*Раҳматулла Отақўзи,
Шеърятда етим қўзи.
Хушёр бўлинг, Яшин ака,
Креслонгизда икки кўзи.*

Даврада гурр кулги кўтарилади. Уйғун ака ичидан зил кетса-да, ноилож кулгига кўшилиб, “Хў, жувормак!” деб қўяди. (Уйғуннинг исму шарифи Раҳматулла Отақўзиев эди – Ш.О.)

Яхшиям эшак минмаган

Тошкентдан эллик чақирим нарида, Чимкент вилояти худудида жойлашган Турбат деган кишлокдан чиққан машхур

шоир, драматург Туроб Тўланинг олтмиш йиллиги унинг юртида ҳам кенг нишонланади. Ҳамма казо-казо адиблару артистлар Турбатга ташриф буюрадилар. Қишлоқ марказидаги гузарда ҳамқишлоқлари Туроб акани қутлаб, от миндиришади. Шоир умрида бир марта отдан йиқилиб юраги зада бўлиб қолганди. Шу боис отга ҳадиксирабгина яқинлашади. Ёнидагиларнинг кўмагида бир амаллаб эгарга ўтириб олади. Қарсақлар, табриклар янграйди. Шу маҳал шоирнинг ёнида кулимсираб турган Саид Аҳмад кутилмаганда жамоага қараб шундай хитоб қилади:

– Ўртоқлар! Ҳозир орамизда энг кучли ёзувчи мана шу кўриб турганингиз – Туроб Тўла. Чунки ҳозир у бир от кучига эга.

Йиғилганлар қийқириб кулиб юборишади. Туроб ака эса жилмайганча отнинг ёлини силаб, ҳазилга шундай кўшимча қилади:

– Яхшиям эшак минмабман!

Саволга яраша жавоб

Турли учрашув, анжуманларда устоз Саид Аҳмадга мухлислар ва китобхонлардан ҳар хил, кутилмаган саволлар тушар, ёзувчи ҳеч қачон талмовсираб қолмас, кўпинча жиддий саволларга ҳам ҳазил-мутойиба билан жавоб беришга одатланган эди. Шу билан даврага файз кирар, адиб билан мухлислар ўртасида қандайдир бир яқинлик пайдо бўларди.

Адибнинг 75 йиллиги Андижонда ҳам кенг нишонланади. Вилоят театрида ёзувчи билан мухлисларнинг учрашуви ўтказилади. Залда ўтирган бир томошабин адибга ёзма равишда шундай савол беради:

“Ҳурматли устоз! Сиз ўзингиз тошкентликсиз. Турмуш ўртоғингиз Саида опамиз эса андижонлик. Сиз опани қаерда, қандай топгансиз?”

Саид Аҳмад ўйлаб ҳам ўтирмай, дарҳол жавоб беради:

– Отанг онангни қандай топиб уйланган бўлса, мен ҳам Саидахонни шундай топиб уйланганман!

Йўлкира

Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик” романи “Шарқ юлдузи” журналида чоп этила бошлаганда тахририят ходими Юсуф Абдуллаев ёзувчининг Дўрмондаги дала ховлисига журналнинг янги сонини олиб боради. Романи босилган журнални кўриб, ёзувчи хурсанд бўлади. Чопарлик қилиб келган йигит хайрлашаётганда ғамхўрлик билан сўрайди:

– Қаерга боришинг керак, болам?

– Чилонзорга.

– Узоқдан овора бўлиб келибсан, раҳмат. Мана сенга йўлкира учун 15 сўм. (*Уша даврдаги пул бирлиги – Ш.О.*)

Юсуф суюниб йўлга тушади. Келаси гал яна журналнинг навбатдаги сонини олиб келганида ёзувчининг юқоридаги саволига шумлик билан “Кўйлик”қа боришим керак”, деб жавоб беради. Аммо устоз ҳам анойилардан эмас, чопарнинг қаерда яшашини эслаб қолган экан, йўлкирани ҳартугул бера туриб, шундай иддао қилади:

– Мана сенга яна 15 сўм! Роман босилиб бўлгунча ўша Чилонзорингда яшаб тургин!

Суюнчи ҳангомаси

Ҳабиб Саъдулла ҳикояси

Шоир Зиёвиддин Мансуров Уйчидаги Беруний номили жамоа хўжалигида раис эди. Фалакнинг гардиши билан хўжаликда пахта тайёрлаш режаси бажарилган кун Саид Аҳмад ака Наманганга келиб қолади. Хушxabарни эшитиб хурсанд бўлади. Биз шоир раисни кутлагани бордик. Оқсоқол эриб кетиб Зиёвиддинга 50 сўм суюнчи бердилар. Биз бундай удумдан беxabар эдик, суюнчи беролмадик.

Орадан ойлар ўтиб, Дўрмонда бўлганимизда Саид Аҳмад ака мастава қилиб, нонуштага чорладилар. Нонуштадан сўнг шукрона билан гапириб қолдилар:

– Ношукур бандалар қимматчилик, деб нолийди. Қани қимматчилик? Мана шундай шоҳона нонушта ҳар биримизга қирк сўмдан тушди.

– Ҳозир тўлайликми ё Наманганга борганимизда ҳисобкитоб қиламизми? – сўраб қолди Зиёвиддин.

– Майли, борганимда ҳисоб-китоб қиларсан, бу акангдан пул чиқиши қийин. Бир коса лағмон бериб, ўртасидаги фаркига яна қарздор қилиб кўяди.

Саид Аҳмад ака галдаги келганларида Зиёвиддин раисликдан бўшаб, вилоят китоб савдосига раҳбар бўлганди.

– Мен галварс бўлмасам, раисликдан бўшайдиган одамга суюнчи берармидим, кўй гўштидан мастава қилиб меҳмонга чақирармидим? – дея ўзларича иддао қилган бўлдилар.

– Ака, – деди Зиёвиддин пайровни давом эттириб, – суюнчингиз 50 сўм эди, Ҳабиб ака икковимиз ичган мастава 80 сўм, чой-пойни ҳам кўшиб 150 сўм берсам ора очиқ бўладими?

Оқсоқол ҳамон шаштидан тушгиси келмасди:

– Эсинг жойидами, болам?! Долларнинг нархи ошган, у пайтда бир доллар 30 сўм экан, ҳозир юзнинг тепасида. Ана шу ҳисобдан тўлайсан энди!..

Сен ҳам шахматчимидинг?

Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида ўтказилаётган анъанавий шахмат мусобақасига Саид Аҳмад ҳам ташриф буюради. Устоз шахматга қизиқмаса-да, мусобақа баҳонасида йиғилган қаламкаш ҳамкасблар билан бир гурунглашиб, кўнгил чигалини ёзмокчи эди. Мусобақа ҳали унчалик авж олмасдан атрофига беш-олти чоғли ҳамсуҳбатларни тўплаб, чақчақлашиб ўтиради. Аммо бу ҳол узоқ давом этмайди. Мусобақа ҳаками Маҳмуд Юнусовнинг чорлови билан ҳамсуҳбатлар биринкетин устозни тарк эта бошлайдилар. Ахийри ёнида тележурналист Фарҳод Рўзиев бир ўзи қолади. Ниҳоят, у ҳам устоздан узр сўраб, секин жойидан кўзғолаётганда Саид Аҳмаднинг астойдил жаҳли чиқади.

– Мен сени туппа-тузук одам десам, сен ҳам шахматчимидинг? Э бор-э!

Тошкентлик мардикор

Шоир Толиб Йўлдош жуда содда, хокисор одам эди. Кийиниши ҳам феълига яраша одмигина бўлган, ялтироқ либосларни хушламаган. Бир куни Толиб ака Саид Аҳмаднинг Андижонда иморат кураётганидан хабар топиб, илтимос қилади.

– Мени ҳам Андижонга олиб кет, бу ерда зерикиб кетдим, сен билан бир айланиб, ёзилиб келаман.

– Афсуски сени олиб кетолмайман,– дейди устоз.

– Нега олиб кетолмайсан? Сенга оғирлигим тушмайди, кўркма.

– Биламан, аммо сени олиб борсам икковимиз ҳам уятга қоламиз.

– Нега?

– Андижонликлар сени кўриб Саид Аҳмад курилишига Тошкентдан мардикор олиб келибди деб ўйлашади.

Толиб аканинг кўриниши дарвешона бўлса-да, ўзи ажойиб инсон эди.

Бурундан маълум

Андижонлик шоир, драматург Ҳайитбой Азимийнинг 50 йиллиги юртида нишонланаётганда Тошкентдан юбилярнинг яқин дўстлари – Саид Аҳмад ва Шухрат келишади. Саид Аҳмадга табриклаш учун сўз берилади. Одатда, нутқини ҳазил билан бошлаб, ҳазил билан тугатадиган машхур ёзувчи бу гал ҳам даврага файз киритиб, ҳаммани кулдиради.

– Ҳайитбой катта одам, катта шоир, бурни ҳам шунга яраша катта,– дея сўз бошлайди ёзувчи. – Хизматлари ҳам катта. Катта-катта раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. Шундай ҳурматли зотга Тошкентда ҳайкал ўрнатишмоқчи. Мени шундай масъулиятли ишга бошлиқ килиб қўйишди. Аммо иш давомида бир муаммо чиқиб қолди. Ҳайкалтарошларга мрамар етказиб бўлмапти. “Ахир кечагина етади деган эдинглар-ку?!” десам улар “Мрамар Азимийнинг бурнига етмаяпти”, дейишди. Ана шунақа гаплар. Бурунда гап кўп экан, буни юбилярнинг туғилган қишлоғига борганимизда онаси ҳам тасдиқлади. “Ҳайитбойни тукқанимда отаси мени “Нега бу болани тукқанингда биратўла эмас, фақат бурнини туғдинг”, деб роса исканжага олган...”

Хулласи калом, мана кўриб турибсизки, Ҳайитбойнинг кимлиги бурундан маълум эди...

Кимлиги муҳим эмас

Саид Аҳмад устози Абдулла Қаҳҳор каби ёш қалам-кашларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам бериб турарди. Кунлардан бир куни ёш ҳажвчининг қулёзмасини ўқийди. Машқлар устозга маъқул бўлади. Эринмай “Муштум” журнаliga бориб, қўлёзмани топширади.

– Анча пишиб қолибди, бўладиган болага ўхшайди, бемалол чоп этсанглар бўлади, – дейди устоз хаваскорнинг машқларини узата туриб. Орадан бир неча кун ўтгач, таҳририят ходими ёзувчининг уйига телефон қилади:

– Устоз, сиз тавсия қилган ҳажвияларни бермоқчи эдик, аммо муаллифнинг фамилияси бирон жойда ҳам ёзилмабди. Шунга бошимиз қотиб турибди.

– Мен ҳам исму шарифини сўрамабман, – дейди устоз афсусланиб. – Дарвоқе, Анжанга телефон қилиб сўраб кўрингларчи. У бола анжанликман деган эди.

Ўладиганлар бор

Узоқ йиллар раҳбарлик ишида ишлаган бир оқсоқол ёзувчи Саид Аҳмадга мақтаниб гапириб қолади:

– Ҳозир кўчаларимизнинг эскича номларини ўзгартириб, ўзимизнинг ўтиб кетган ижодкорлар ва алломаларнинг номини тикляпмиз. Ҳаммасини шунақа қилмоқчимиз!

– Ҳай-ҳай-ҳай, – дейди Саид Аҳмад кулимсираб. – Жа-а унчалик шошманглар, ҳали ўладиганлар бор!

Ёзувчининг шумлиги

Саид Аҳмаднинг 60 йиллиги вилоятларда ҳам нишонлана бошлаган кезлар эди. Устозни Бухорога таклиф этишади. Таниқли шоир Тошпўлат Аҳмад бошчилигидаги ижодкорлар машҳур ёзувчини хурсандчилик билан кутиб олишади. Ҳурматли меҳмон билан Шофирконга ташриф буюришганда райкомнинг биринчи қотиби янги қурилган мухташам биноларни кўрсатиб мақтанади:

– Мана бу райкомнинг янги биноси, униси эса янги “ЦУМ” – централний универсалний магазин. Қалай?

– Жуда зўр! – дейди устоз кўнглига бир шумликни тукканча сирли жилмайиб. – Агар малол келмаса бир таклиф айтмоқчиман.

– Айтинг, шоир ака, айтинг.

– Мана бу райкомнинг биноси нақ ЦКча бўлибди. Нариги бинони эса ЦУМ эмас, ШУМ, яъни Шофиркон универсал магазини деб аташ керак.

– Гапингизда жон бор, шоир ака,– дейди раҳбар жонланиб. Кейин мафкура котибига юзланиб топшириқ беради.– Эртагаёқ ЦУМ ўрнига ШУМ деб ёздириб қўй. Саид Аҳмад улуғ шоир. Улуғларнинг гапи гап – айтганини қилиш керак.

Бўйинбоғ ҳангомаси

Бўйинбоғ ҳангомасини – ушбу воқеанинг бевосита гувоҳи, таникли шоир Тошпўлат Аҳмад ҳикоя қилган. Тошпўлат ака ўшанда “Бухоро ҳақиқати” вилоят газетасининг бош муҳаррири эди.

Устоз Саид Аҳмад 75 ёшга кириш арафасида бир гуруҳ каламкаш дўстлари билан Бухорога ташриф буюради. Белги-ланган вақтда пойтахтдан келган азиз меҳмонларни вилоят ҳокими қабул қилади. Катта раҳбар ёзувчини табаррук ёши билан кутлар экан, унга узунгина бўйинбоғ совға қилади. Ҳамма хайрон бўлиб қолади. Вилоятнинг бош раҳбари арзимаган нарсани совға ўрнида тақдим этаётгани бир қараганда кулгили ҳам эди. Ёзувчи халқи гап келганда отасини ҳам аямайдиган қавм. Улар бири олиб, бири қўйиб, ҳоким берган матоҳни аския қила кетдилар.

– Раҳмат, ҳоким бобо, минг раҳматт! – ҳазил, аския бобида ҳар қандай одамни бир чўқишда мот қиладиган устоз чертиб-ниқтаб гапиради. – Бундай ноёб бўйинбоғни қатдан топдингиз? Анча азият чекибсизда. Ўтқир, сен бир карачи, ўзиям Американскийми дейман?

– Э-э, нималар деяпсиз, устоз! – дейди Ўтқир Ҳошимов оширмани дарҳол сезиб. – Бунақа ноёб бўйинбоғ фақат Парижда чиқади!

– Сен ҳам танимас экансан бўйинбоғ деган зормандани, – Одил Ёкубов қўшимча қилади. – Буни кўзи қисик японлар атай Саид Аҳмад ака учун тўкиб чиқаришган. Тўғрими, Носир козок?

– Эҳ, бовурларим! – дейди Носир Фозилов бўйинбоғни кўлига олиб. – Бунақа бўйинбоғни фақат Африкада негрлар боғлаб юришади. Сизга шунақаси ярашади, устоз. Кутлуғ бўлсин.

– Қани, мен ҳам бир кўрай-чи! – сатирик ёзувчи Неъмат Аминов бўйинбоғни эринмай айлангириб кўради. – Ростдан ҳам зўр экан. Узунлигини қаранг, нақ икки метрча келади. Фақат бўйинга эмас, белинғизга боғлаб юрсангиз ҳам бўлаверади. Бунақасини икки дунёда ҳам тополмайсиз.

– Гапингда жон бор, Неъмат болам. Хурсандман. Сен ҳам яқинда олтмишга кирасан. Ўшанда шу зормандани сенга совға қиламан. Бошқа совға кутма мандан. Ҳоким бовангдан икки-мизга табаррук тўёна бу...

Бу нордон, кўмма гапларни эшитиб ўтирган ҳоким ичидан зил кетиб, қизариб, бир замбил лой бўлиб қолади.

Меҳмонлар хайрлашаётганда ҳоким Тошпўлат акани бир четга тортиб, иддао қилади:

– Меҳмонларингиз андиша ҳам қилишмайди-я! Нима, мен ёмон совға бердимми?

– Ёмонмасу, лекин яхшиям эмас-да! – дея шоир тўғриси айтиди.

Эртаси куни Бухоро тумани ва Қоракўлда бўлган учрашувларда халқ, оддий китобхонлар Саид Аҳмад бошчилигидаги адибларнинг ҳурматларини қойилмақом қилиб жойига кўйишади.

Тирик ҳайкал

Саид Аҳмаднинг энг сара, ажойиб ҳикоялари ва машҳур “Уфқ” романининг асосий қаҳрамонлари фарғоналиклардир. Ёзувчи бир умр водий халқини ўз асарларида эъзозлаб, куйлаб ўтди. Шу боис ҳар гал водийда ёзувчи билан бўладиган учрашувлар жуда марокли, самимий бир руҳда ўтарди. Адибнинг 75 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳам жуда мазмунли, файзли бўлган. Шундай учрашувлардан бири Ёзёвон туманида (“Уфқ” романининг асосий қаҳрамонлари ватани – Ш.О.) ўтказилади. Ўшанда Фарғонанинг асл фарзанди, таниқли адиб ва шоир, ажойиб инсон Йўлдош Сулаймон минбарга чиқиб, шундай дейди:

– Саид Аҳмад ака Ёзёвон деган гўшани бутун дунёга танитди. Биз ундан қарздормиз. Менинг таклифим – буюк ёзувчимизга худди шу туманимизда бронза ҳайкал ўрнатиш керак!

Йиғилганлар гулдурос қарсақлар билан таклифни қўллайдилар.

Саид Аҳмад ака ўз сўзида яна теша тегмаган гап қилади:

– Ўтиборинглар, ҳурматинглар учун раҳмат, азизлар! Йўлдошали менга бронзадан ҳайкал ўрнатиш ҳақида гапирди. Оворагарчиликнинг нима ҳожати бор? Бронза деган нарса арзон эмас. Яхшиси, ўша ҳайкалнинг супасини қуринглар, ўзим тик туриб бераман.

Отахон, неча ёшдасиз?

Ёзёвон туманидаги ёзувчининг юбилейи муносабати билан ўтказилаётган бошқа бир учрашувда соқоли кўксига тушган отахон ёзувчини дуо қилади:

– Илойим менинг ёшимга етиб юринг, ўғлим! Умрингиздан барака топинг.

– Раҳмат, раҳмат! – дейди ёзувчи мамнун бўлиб ва ногоҳ сўраб қолади. – Кечирасиз, отахон, ўзингиз неча ёшга чиқдингиз?

– Худо хоҳласа 68 га кирдим, ўғлим. Сизга ҳам шундай ёшларга кириб юриш насиб этсин.

– Э-ҳа, шундай денг! – Саид Аҳмад мийиғида кулимсирайди. – Агар сизнинг ёшингизга етиб юрадиган бўлсам, бундан етти йил олдин ўлиб кетишим керак эди. Мен худо хоҳласа 75 га киряпман !

Фидойи кўчқор

Кунлардан бир кун шоир Эркин Воҳидов устоз Саид Аҳмад хамроҳлигида туғилган юрти Олтиариқ туманига ташриф буюради. Қариндош-уруғлар, мухлислар ардоқли шоирни шоду хуррам кутиб оладилар. Удумга биноан, ҳурматли меҳмоннинг оёғи тагига жонлиқ сўйиладиган бўлади. Қассоб пичоқ тортишдан олдин Эркин акага дуо қилворинг дегандек ишора қилади.

– Устозимиз турганда мен гапирсам бўлмас, – дейди шоир Саид Аҳмадга юзланиб.

Шунда Саид Аҳмад кўчқорга бир зум хайрат ва қизиқсиниш билан қараб туриб, шундай дейди:

– Эҳ кўчқорвой! Шунча халқ ўртасида буюк шоирнинг оёғи тагида қурбон бўлаётганингдан суюнмайсанми? Ревизорми, раисми, ферма мудирими пана-пастқамда сени сўйиб, кабоб қилиб юборса нима бўларди? Ҳалиям омадинг бор экан, кўчқорвой, энди зурёдларинг сени алқаб, отамиз ўзбек адабиёти равнақига жонини фидо қилган фидойи кўчқор эди, Эркин Воҳидовдек шоирнинг оёғи тагида жон берганди деб сени эслашади.

Одамлар қийқириб кулишади. Фақат бўйни йўғон бир киши (ферма мудирини бўлса керак) ўзича минғирлаб даврани тарк этади.

Кўрқоқ куёв

Тошкентдаги Санъат саройида 8 март – халқаро хотинқизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлаётганди. Саид Аҳмад кечиккани учун ичкарига киролмай қолади. Эшикда пойлоқчилик қилиб турган навбатчи мелиса аёлга уввало ялинмасин, рухсат бермайди.

– Отахон! Мумкин эмас деяпман-ку! Нега тушунмайсиз?

Шунда ёзувчи сўзамоллигини ишга солиб, навбатчини аврашга ўтади.

– Ие, нега мени отахон деяпсан? Ахир мен ўн гулидан бир гули очилмаган, эндигина етмишга борган, кетворган йигит бўлсам! Отахон дейсан! Дарвоқе, мен бу ерга ўзимга муносиб бир ёр излаб келганман.

Навбатчи ёзувчига кўзларини сузиб, ғалати қараш қилади. Кулимсираб гап қотади:

– Ундай бўлса, ўзимга уйланиб кўя қолинг!

Ёзувчи кутилмаган илтифотдан ҳанг-манг бўлиб қолади. Мундоқ разм солиб қараса, аёл бинойидеккина, сип-силлиқ, ёши ҳам нари борса қирқларга чиққан. Бева ёзувчига жуда ҳам мос.

– Бўпти, олганим бўлсин! – ёзувчи ҳам эгри козиққа эгри тўқмоқ қабилида данғалига кўчади.

– Унда... қачон совчи юборасиз? – аёл яна кўзларини сузади.

– Юбораман, қаёққа юбориш керак?

– Ички ишлар вазирлигига юборинг. Одамларингиз “Полковник Эшпўлатовага совчиликка келдик” дейишса, ичкарига қўйворишади.

Ёзувчи худди биров уни зўрлаб қопга тикаётгандек сесканиб кетади ва орқа-ўнгига қарамай кочиб қолади.

Бўрилардан фарқи...

Қашқадарёда Саид Аҳмад билан китобхонларнинг учрашуви бўлаётганди. Бир олим минбарга чиқиб, ҳаммага маълум гапларни айтиб, йиғилганларнинг энсасини қотиради.

– Бир ҳақиқатни очик айтишга тўғри келади, ўртоқлар! – дейди олим сўзида давом этаркан. – Мутахассисларнинг аниқлашича, бўрилар табиатнинг санитарлари ҳисобланади. Улар касалванд, нимжон ҳайвонларни еб, табиатни тозалаб туради. Айтиш мумкинки, танқидчилар ҳам адабиётимизнинг санитарларидир. Улар...

Гап келганда отасиниям аямайдиган Саид Аҳмад шартта олдидаги микрофонни ўзига қаратиб, шундай лукма қилади:

– Танқидчиларнинг бўрилардан битта муҳим фарқи бор. Бўрилар табиатдаги ҳайвонларнинг энг ношудини еса, социалистик реализмни қурол қилиб олган танқидчилар ёзувчиларнинг энг зўрларини нобуд қилишган...

Қабристондаги тошлар

Энг адолатли, холис танқидчи сифатида танилган олим Озод Шарафиддинов эллик ёшга кирганида дастурхон ёзиб, зиёфат беради. Табиийки, меҳмонлар мезбоннинг шаънига яхши гаплар айтиб, эзгу тилаклар билдиради.

Даврада ўтирган кекса адабиётшунос Иззат Султон ҳам сўз олиб, Озод аканинг танқидчилик фаолияти ҳақида гапираркан, шундай дейди:

– Танқидчининг асари тошга битилган ёзувдай ўчмас бўлади.

Саид Аҳмад шундай лукма қилади:

– Жуда тўғри айтдингиз. Ҳақиқатдан ҳам танқидчининг ҳар бир гапи тошга битилгандай бўлади. Ахир танқидчиларнинг дастидан Чиғатой қабристони тошга тўлиб кетди-ку!

Ўзи шопирлик қилади

“Телеминиатюралар театри” ва унда роллар ижро этадиган Эргаш Каримов машҳур бўлган йиллар эди. Интермедиялар сценарийсини асосан Саид Аҳмад ёзиб берарди. Бир куни ижодий гуруҳ машҳур адибнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Ургут туманига жўнашади. Йўл-йўлакай ресторанга кириб овқатланишади. Эргаш ака пул узатса, тавозе билан қўлини кайтаришади:

– Эргаш ака, озиб-ёзиб бир келиб қолибсиз, сиздан пул олсак уят бўлади. Яна келиб туринг!

Йўлда давом этишади. Бир жойда бензин олгани тўхташади. Ёқилғи қуядиган йигитлар ҳам машҳур актёрни таниб, хурсанд бўлишади. “Сиздан пул олмаймиз, йўлинглар беҳатар бўлсин” дея иззат-икром билан кузатиб қўйишади.

Ургутдаги учрашувлар ниҳоятда қизиқарли, марокли ўтади. Саид Аҳмад теша тегмаган, ғаройиб хазил-мутойибалари билан мухлисларни роса кулдиради. Қайтишда адиб Эргаш Каримовни бир четга секин имлаб, қулоғига шипшийди:

– Бошқа мошинага чиқиб ўтирма, ўзим сенга шопирлик қиламан!

Сўконгич мухлис

Кунлардан бир кун Саид Аҳмад шогирди Неъмат Аминов билан Бухорога сафар қилади. Улар китоб дўконига киришади. Сотувчи йигит Неъмат акага бир китобни кўрсатиб, мактайти:

– Ака, мана шу китобни олинг, ўқиб маза қиласиз. Саид Аҳмад ёзган. Энағарди боласи зўр ёзади. Ола қолинг.

Неъмат ака хижолат тортиб, сотувчининг қулоғига энгашади. Шунда устоз уни тўхтатади:

– Қўявер, Неъмат, ёмон ёзади энағар, чиқарган китоби бир пулга киммат деса нима қилардим. Юзаки, сохта хушомаддан сени ўзига якин олиб, ҳадди сиғиб айтилган сўкиш яхшироқ.

Кимдир меҳмоннинг кимлигини сотувчига шипшиган шекилли, ташқарига чиқишгач, йигит ёзувчига юзланиб узр сўрайди.

– Жон ака, ашаддий мухлиснингизман, ўзи сизни кўролмай юрган эдим, худо етказди. Бир кўчкор атаб қўйганман, пойингизга сўйиб, бир “гандир” қилмоқчиман, хўп денг.

– Мана қўрдингми? – дейди устоз Неъмат акага кулимсираб. – Қандай сўконғич, лекин суюкли ҳамюртларинг бор.

Ғаройиб таклиф

Собиқ Иттифок ёзувчиларининг курултойига Саид Аҳмад ака билан Ўткир Ҳошимов ҳам вакил бўлиб боришган экан. Устоз ва шогирд битта хонада туришади.

Оқшом чўкканда Саид Аҳмад ака шогирддан сўрайди:

– Ўткир, қанча пул олиб келгансан?

– Ҳа энди...ўзимга яраша олиб келганман.

– Яширмай айтавер, қанча?

– Тўрт минг атрофида.

– Пулингга барака киришини истайсанми?

Устознинг шумликларидан хабардор бўлган Ўткир ака ногоҳ сергак тортади.

– Пули кўпайишини ким истамайди, устоз?!

– Балли, энди эсинг кирапти. Бўлмаса гап бундоқ. Менда ҳам беш юз сўмча пул бор. Икаламизникини қўшиб тенг иккига бўлсак, икковимизнинг ҳам пулимизга барака киради.

АКРОМ ҚОДИРИЙ¹ БИР КУНИ...

Акром Қодирий ўтган асрнинг 30–50-йилларида анча таниқли ижодкор, қалами ўтқир журналист эди. Асли кўқонлик бўлган бу одам Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Адхам Ҳамдам каби адиблар билан мулоқотда бўлган, улфатчилик қилган. У билан Оҳангарон туман газетасида бирга хизмат қилган кекса журналист Мўмин Қаюмнинг гувоҳлик беришича, Акром ака ниҳоятда одамшаванда, дилкаш, ҳазилкаш, истеъдодли ижодкор бўлган. У ўтган асрнинг 30-йилларида Тошкентга келган ва 1947 йилгача “Муштум” журналида ишлаб, “Акром”, “Акром Қодирий”, “Бобо Равшан” тахаллуслари билан кўплаб шеърӣ фелъетонлар, сатирик ҳикоялар, юмористик лавҳалар ёзган. 1947 йили “Муштум” журналида унинг “Йигирма уч Исҳоқов ва бир мухбир” сарлавҳали фелъетони чоп этилиб, унда бир қатор амалдорларнинг порахўрлиги фoш этилади. Натижада ўша амалдорларнинг кўпчилиги ишдан бўшатилади. Гарчи муаллиф ҳақ бўлса-да, негадир Оҳангарон туман газетаси – “Оҳангарон ҳақиқати” газетасига масъул котиб этиб “бадарға” қилинади.

Акром ака бу ерда ҳам тинч юрмайди. Жўшқин ижодини давом эттиради, атрофига қобилиятли қаламкашларни тўплаб, ижодий муҳитни анча жонлантиради.

Ўлиб кутулди

Акром Қодирий шахсий ҳаётда рўшнолик кўрмаган, тайинли уй-жойи ҳам бўлмаган, дарвешона умр кечирган. Дўстлари раҳми келиб, унга бир бошпана тиклаб бермоқчи бўлишади. Акром Қодирий банкдан ўша даврнинг пули билан беш минг сўм миқдорида қарз олади. Аммо негадир уй ҳам қурилмайди, пул ҳам йўқ бўлиб кетади. Орадан икки йил ўтгач, банк мудирӣ Пиримкул Каримов пулни қайтаришни талаб қилади. Улфатчиликни, чойхона базмларни яхши кўрадиган Акром Қодирий ўша кезларда чойхонада яшаб юрарди. Банк мудирининг талабига жавобан шундай дейди:

– Бутун умрим Парпи аканинг чойхонасида ўтяпти, агар хоҳласанг, ўша чойхонани менинг уйим деб хужжатлаштириб кўя қол.

¹ Афсуски, Акром Қодирийнинг фотосурати топилмади. (Ш.О.)

- Йўқ, бўлмайди! – дейди мудир.
- Бўлмайдими?
- Бўлмайди!
- Кечмайсанми шу қарздан?
- Йўқ, ундан кечиб бўлмайди.
- Қандай қилсам қутуламан ўша қарздан?
- Фақат ўлсанг қутуласан.
- Ие, йўли осон экан-ку! – дейди Ақром ака жонланиб. – Бўпти, сенга эртагаёқ “Ақром Қодирий ўлган” деган справка олиб келиб бераман.

Дарҳақиқат, эртаси куни Ақром Қодирий штамп босилган ва муҳрланган справкани банк мудирига топширади. Унда Ақром Қодирий 1947 йил 22 декабрда вафот этгани қайд қилинганди. Шундан кейингина “марҳум”нинг қулоғи тинчийди.

От нега сигарет чекмайди?

Ақром ака ашаддий кашанда бўлган. Сигаретни бир-бирига улаб, кетма-кет, бамисоли паровоз янглиғ тутатганини кўрган дўстлари унга ачиниб, огоҳлантиришади:

– Сал камроқ чексанг бўлармиди? Ахир сигаретда никотин деган заҳар бор, бир грамма отни ўлдиради.

– Шунақами? – дейди Ақром ака бамайлихотир оғиз-бурнидан тутун чиқариб. – От нега сигарет чекмаслигини энди билдим.

Арвоҳ

Ақром ака туман марказига бир юмуш билан боради. Ишлари битмай, кеч қолиб кетади. Тунаш учун кўналға қидириб чойхонага борса, аксига олиб берк экан. Шунда чойхона ёнида турган юк машинаси устига чиқади-ю чопонини ёстик қилганча тош котиб ухлаб қолади.

Қоқ ярим тунда ширин туш кўриб ётган Ақром ака ўзини кимдир тебратаётганини сезиб, тушимми-хушимми дея секин бош кўтаради. Бундоқ кўзини очиб қараса, паст-баланд адирликларда елиб кетаётган мошинада ётган эмиш. Аста ўрнидан туриб, кабинани тақиллатади. Мошина тўхташ ўрнига негадир тезликни оширади.

Яна тақиллатади. Мошина ноилож тўхтади. Азбаройи қўрққанидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган ҳайдовчи ғойибдан пайдо бўлган Ақром акани кўради-ю тирақайлаб қочиб қолади. Ақром ака ерга сакраб тушиб, ҳайдовчининг кетидан лапанглаб чопади:

– Э тўхта, қаёққа кетяпсан? Ахир бу мен – Ақром акангман!

Ҳайдовчи “арвоҳ”нинг худди одамга ўхшаб гапираётганидан баттар ваҳимага тушади. Мошинадаги пахта юқидан ҳаммаёғи оппоқ бўлиб, бамисоли арвоҳнинг жонли тимсолига айланган ва тўсатдан, яна қоқ ярим тунда пайдо бўлиб қолган Ақром ака шу кўринишида ростдан ҳам жуда дахшатли эди.

Раҳбар ҳамшиша бўлгач...

Ақром ака газетада ишлаб юрганида бош муҳаррир билан яқин улфат эди. Икковлон ҳар куни ишдан кейин буфетга кириб, қиттак-қиттак отиб туришарди.

Кунлардан бир кун таҳририятнинг “летучка” деб аталмиш мажлисида муҳаррир меҳнат интизоми ҳақида гапириб, ишга ичиб келадиган бир ходимнинг пўстагини қоқа бошлайди.

Эшикка яқинроқ жойда ўтирган Ақром ака дўсти гапни қўзиб юборганидан ғашланиб, энсаси қотади. “Бўлди энди, қисқароқ қил”, дея соатига ишора қилса ҳамки муҳаррир пинагини бузмай гапираверади. Ақром ака ахийри чидолмай ўрнидан туриб кетади. Жаҳл билан бош муҳаррирнинг гапини бўлади:

– Хўвв, бас қил энди, буфет ёпилиб қолади!

Чўнтак адабиёти

Ақром Қодирӣ “Оҳангарон” газетасида ишлаб юрганида ҳаваскорларнинг паст савиядаги шеърӣ машқларини ўқиб энсаси қотарди. Бир куни шундай ҳаваскорлардан бирининг шеърларини кўздан кечираркан, унга маслаҳат беради.

– Укажон, шеърларингиз талабга жавоб бермайди, уларни босолмаймиз, яхшиси чўнтагингизда сақлаб, ошноларингизга ўқиб бериб юраверинг, гонорарини ҳам улар тўлайди. Чўнтак адабиётининг қисмати шунақа бўлади.

АДХАМ ҲАМДАМ БИР КУНИ...



Адхам Ҳамдам 1915 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таълим олган. Ижодий фаолияти 1935 йилдан бошланган. Биринчи шеърӣ тўплами “Ўғилнинг мактуби” 1937 йили нашр қилинди. 1939 йили “Шеърлар” китоби чоп этилди. Адиб сатира ва юмор жанрида самарали ижод қилди. 1970 йили “Саломат бўлинг”, 1975 йили “Қасамёд” китоблари босилди.

Адиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган.

Адхам Ҳамдам республика кулги дарғаларидан бири бўлган. Уни “Фарғона Афандиси” дейишган. Юсуфжон қизиқ “Адхам Ҳамдам борган жойида бизнинг ўрнимизни босаверади”, деган экан.

Адхам Ҳамдам 1988 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Хорижий табрик

Фарғона водийсида дилкаш, афандимижоз ёзувчи ва журналист Адхам Ҳамдамнинг номи анча машҳур бўлган. У Фарғона вилоятида, ҳамкасби Санжар Тилла эса Наманган вилояти газетасида бош муҳаррир эди. Кунлардан бир кун Санжар Тилла ҳамкасб дўстидан шундай маслаҳат сўрайди:

– Адхам, мана, яқинда газетамизнинг юбилеи бўлади. Қандай қилсак тантана яхши ўтаркин?

– Э, шунга ҳам бош қотириб юрибсанми? – дейди Адхам ака қувлик билан жилмайиб. – Москвадаги жамики хорижий элчихоналарга, бизни юбилей билан табрикланг, дея телеграмма юборасан – тамом-вассалом! Ҳаммаси зўр бўлади!

Санжар Тилла анча содда одам эди. Дўстининг ҳазилини тушунмай, марказдаги элчихоналарга эринмай телеграмма юборади. Натижада бу воқеа атрофида юкори доираларда катта шов-шув бўлади. Оқибат – юбилей қиламан деб қовун ту-

ширган бош муҳаррирни вилоят партия кўмитасига чақириб, роса пўстагини қоқишади.

Мавзуга яқин мухбир

Адҳам ака Фарғона вилоят газетасида бош муҳаррир бўлган йилларда жуда кўп урилган-сурилган, хокисор журналистларнинг бошини силаб, яхшилик қилган. Ичкилик туфайли ишдан ҳайдалган самарқандлик журналист Пиримқул Юсуповни ҳам бир амаллаб ўша даврдаги тартибга кўра обкомнинг суҳбатидан ўтказиб, қишлоқ хўжалик бўлими мудирлигига тайинлайди. Орадан кўп ўтмай, бир куни обком котиби бош муҳаррирга телефон қилади:

– Адҳамжон, ўтган ҳафтада менинг ҳузуримга суҳбатга олиб келган мухбирингиз шаҳар ўртасидаги ариқда чалқанча ётибди-ку? Бу қанақаси?

Адҳам ака дарҳол гап нимадалигини пайқайди. Қисталанг вазиятда шўрлик мухбирни ҳимоя қилиш йўлини топади:

– Турсун Қамбарович! – дейди Адҳам ака босиқлик билан. – Мухбир қаерда бўлса ҳам мавзуга яқин бўлиши керак. Мен унга ариқ-зовурлар ҳолатидан репортаж ёзиб келишни топширганман. Шу мавзунини обдан ўрганаётган бўлса керак.

Саркотиб бош муҳаррирнинг ҳозиржавоблигидан завқланиб, кулиб юборади. Мухбир эса жазодан омон қолиб, яна кўп йиллар самарали меҳнат қилади.

Аммасига ўхшаркан

Кунлардан бир кун Япониядан келган сайёҳлар Фарғона вилоятига ташриф буюришади. Вилоятнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишгач, бир жамоа хўжалигининг сўлим боғида зиёфат бўлади. Меҳмонлардан бири – кекса кампир нимадандир норози бўлади-ю юпатишлар ҳам қилмай, хархаша қила бошлайди. Арзимаган можаро катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлигини билган раҳбарлар типирчилаб қолишади. Ахийри мезбонлар сафида жимгина кулимсираб ўтирган Адҳам Ҳамдам секин кампирнинг рўпарасига келади-ю, рўмолчасини олиб, юм-юм йиғлайверади. Кампир ҳайрон бўлиб, тилмочга қарайди.

– Яхши кампир экан, худди ўлиб кетган раҳматли аммамга ўхшаркан! – дейди Адҳам ака астойдил ҳиқиллаб.

Тилмоч бу гапни таржима қилиб берганда кампир дарҳол хархашани бас қилади.

Ҳужжат керак бўлса...

Шўро ҳукуматининг ижодкор зиёлиларни катағон қилиш, камситиш сиёсати узоқ йиллар, ҳатто мустақиллик арафасига-ча давом этган. Буюк олим Ҳабиб Абдуллаевнинг ўз маблағига курдирган иморати турли баҳоналар билан бузиб ташланган. Шоир, ёзувчиларнинг меҳрибон устози, профессор Озод Шарафиддиновнинг Қибрай туманидаги дала ҳовлисининг иккинчи қавати ҳам вайрон қилинади. Одамлар яхшироқ иморат куришдан чўчиб қолишади. Шунақа тазйиқлар кучайган кезларда кўқонлик таниқли шоир Жавдат Абдулла вафот этади. Камбағал шоирнинг арзирли иморати йўқ, ота-бобосидан қолган эски кулбада камтарона умр кечирарди. Тириклигида қадр топмаган шоирнинг дафн маросими жуда тантанавор ўтади. Унда шаҳар ва вилоят раҳбарлари қатнашадилар. Марҳумни қабрга қўйиш вақтида Адҳам ака халойиққа эшиттириб шундай дейди:

– Алвидо, дўстимиз Жавдат Абдулло! Бегуноҳ одам эдингиз, гўрингиз ҳам кенг чиқибди. Мабодо у дунёда бу иморатни қайси маблағ ҳисобидан курдинг деб тиқилинч қилишса, бизга хабар қилинг. Ҳужжатини юборамиз.

“Навоийни бошлаб кел!”

Урушдан олдинги йилларда Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади. Ҳамид Олимжон комиссияга бошлиқ, Адҳам Ҳамдам эса тўй хайъати котиби эди. Самарқанд обкомининг ўша даврдаги биринчи котиби Константин Виноградов деган одам керакли ҳужжатларни ўз вақтида имзоламай, котибни анча хуноб қилади:

– Нималар деяпсан? Навоийдан бошқа зарур ишлар ҳам кўп. Бунақа гаплар билан бошимни қотирма!

Адҳам ака ишhini битиролмай, бир неча кун сарсон бўлади. Бир куни шоир Ўткир Рашидга дардини айтиб, ҳасрат қилади.

– Э-э, Адҳамжон! Ўзингиз гапга чечансиз, битта амалдорни гап билан попугини пасайтириб қўёлмайсизми?

– Дарвоқе, тўғри айтасиз!

Адҳам ака эртаси куни раҳбарнинг ҳузурига дадил кириб боради.

– Хўш, яна ўша Навоий масаласими? – дейди обком котиби энсаси қотиб.

– Ишлар чатоқ! – Адҳам ака совуқ муомаладан ўзини йўқотмайди.

– Нима гап? Очикроқ гапир, вақтим йўқ!

– Ҳозиргина Усмон Юсупов менга телефон қилди. Ҳазрат Алишер Навоий Москвадан Тошкентга келибдилар. Эртага Самарқандга ташриф буюришаркан.

– Эсинг жойидами, шоир? Навоий Москвадан Тошкентга келгунча индамай юравердингми? Самарқандга келсалар шарманда бўламиз-ку! Қани ўша ҳужжатларинг?

Адҳам ака дарҳол кўлидаги тайёр ҳужжатларни узатади. Раҳбар шоша-пиша имзо қўяркан, тайинлайди:

– Эртага менинг мошинамни олгинда, Навоийни ўзинг кутиб олиб, тўғри ҳузуримга бошлаб кел, хўпми?

– Хўп! – дейди Адҳам ака саводсиз раҳбарнинг гумроҳлигидан кулиб.

Ишонтириш усули

Бир зиёфатда Адҳам ака хайрлашаётиб мезбонга ҳасрат қилади:

– Янгангиз жуда рашкчи-да! Ўзим шафтолиқоқи бўлиб қолсам ҳам рашк қилавериш куйдиради. Мана, ҳозир ҳам уйга бориб, зиёфатда бўлдим десам ишонмайди.

– Қизик, унда... нима қилсак экан?– мезбон астойдил ачинади.

– Э-э, эшак минишнинг ҳам йўли бор,– дейди Адҳам ака мезбоннинг кулоғига сирли шивирлаб.

– Қандай йўл экан?

– Мана бу дастурхондаги ноз-неъматлардан бир тугун қилиб мошинамга ташлаб қўйинг-чи! Зора шунда янгангиз зиёфатда бўлганимга ишонса...

– Хўп бўлади.

Бир зумда мошина юкхонаси турфа ноз-неъматлар билан тўлдирилади...

Шу ерда экансиз

Адҳам ака зарур иш билан бир жойга шошиб турган эди. Шу боис юриш ман қилинганлиги ҳақида белги бўлишига карамай мошинасини тўғрига хайдатади. Шу маҳал ДАН ходимининг асабий чалинган хуштаги эшитилади.

Адҳам ака дарҳол ўзини қўлга олади. Мошинасидан шошиб тушади.

– Сизни сўраб-суриштирак шу ерда дейишди. Ош ейдиган кўлингизни бир олиб кўйайлик деб тўғри шу ёққа келавердик.

ДАН ходими ноилож қўлини чўзаркан, Фарғонанинг машхур Афандисини таниб, жилмаяди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Адҳам акани ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўяди.

Битта камчилиги бор

Вилоят раҳбарларидан бири янги мошина олган экан. У Адҳам акани туманлардан бирига бориб келиш учун таклиф қилади. Асл мақсади эса янги мошинасини бир кўрсатиб кўйиб, мақтаниш эди.

Янги мошина теп-текис асфальт йўлдан шамолдай елиб кетаётганда маданиятсиз раҳбар ярим очик деразадан ташқарига чирт-чирт этиб туфлаб боради.

Кайтишда раҳбар Адҳам акадан сўраб қолади:

– Хўш, қалай энди бизнинг янги мошина?

– Умуман олганда ёмон эмас. Фақат битта камчилиги бор экан.

– Қанақа камчилик?– раҳбарнинг қошлари асабий чимирилади.

– Олдинда ўтирган одам туфласа орқадаги одамнинг юзига сачрар экан.

Нимкоса гапни эшитган раҳбар талмовсираб қолади.

Йўлини топди

Илгари Навоий театрида бир эшик оғаси бўларкан. Гавдаси бесўнақай бу одам ниҳоятда қаттиққўл бўлиб, пайти келса, ҳатто отасини ҳам танимас, чиптасиз, таклифномасиз келган томошабинларни ичкарига йўлатмас экан. У ҳатто 1958 йили Осиё ва Африка ёзувчиларининг катта анжуманида буюк турк шоири Нозим Ҳикматни ҳам ичкарига қўймай кўп хуноб қилган экан.

Адҳам ака бир куни икки нафар ҳамроҳи билан Тошкентга келса, Навоий театрида зўр томоша бўлаётган экан. Ҳамроҳлар театрга кирамиз деб тикилинч қилишади. Чипталар сотилиб бўлинган. Нима қилиш керак? Шунда Адҳам ака бир ҳийла ўйлаб топади. Қаердандир курувчилар ишлатадиган, ғилдирак шаклидаги ғилоф ичига жойланган ўлчагич топади. Ёнига ўша ҳамроҳлардан яна иккитасини ёрдамчи қилиб олади. Театрга келишади ва ҳалиги эшик оғасининг кўз олдида устун ва эшикларнинг эни ва бўйини ўлчай бошлашади. Дафтарига маълумотларни ёзиб турган Адҳам ака бир маҳал “Юринглар, энди ичкарини ўлчаймиз!” дея бемалол ҳамроҳларини ичкарига бошлайди. Инжиқ эшик оғаси эса ғинг демай уларни ичкарига қўйворади.

Ўзи тўқиган

Адҳам ака бир куни Москвадан келган ёзувчиларга француз тилини биламан дея мақтаниб қолади. Кейин француз тилида чоп этиладиган бир журналда Париждаги иш ташлаш ҳақида ёзилган қизиқ воқеани ҳикоя қила бошлайди. Журналда ёзилишича, полиция билан иш ташловчилар ўртасида жиддий тўқнашув бўлади, кўп қон тўкилади. Оғир ярадор бўлган бир иш ташловчи аранг судралиб сув қувурига боради. Томоғини хўлламоқчи бўлиб мундоқ жўмракни бураса сув чикмайди. Шунда у хурсанд бўлиб: “Хайрият, водопроводчилар ҳам иш ташлабди!” дея жон беради.

Ҳикоядан таъсирланган машҳур рус ёзувчиси Константин Симонов кизиксиниб сўрайди:

– Бу воқеа қайси журналда босилган? Мен ҳам топиб ўқимоқчиман.

– Овора бўлиб ўтирманг, барибир тополмайсиз. Бу воқеани ўзим тўкиганман, – дейди Адҳам ака кулимсираб.

Меҳмонлар мириқиб кулишади.

Формасиз бошлиқ

Адҳам ака ҳовлисида қурилиш қилаётган эди. Темир-терсақлар омборхонасида ишлайдиган танишидан ингичка қу-вур ва арматура сўрайди. Омборчи ҳадиксираб шундай дейди:

– Беролмайман, иложим йўқ, Адҳам ака. Фалокат босиб йўлда мелиса тўхтатиб ҳужжат сўраб қолса икковимизга ҳам ёмон бўлади.

– Сен кўркмай юклайвер, у ёғини ўзим бир амаллайман.

Хуллас, таваккал дея юкни олиб, йўлга чиқишади. Акси-га олиб, ДАН постига етишганда бақалоқ мелиса ола таёғини кўтариб тўхташга ишора қилади.

– Тезроқ юр! – дейди Адҳам ака ўзи томон шошмай келаёт-ган ҳалиги бақалоққа қараб.

Мелиса чошиб келиб қалтироқ қўлларини чеккасига қўйиб “честь” беради.

– Вазият ҳақида маълумот бер! – дейди Адҳам ака овозини баландлатиб.

– Тинчлик, ҳаммаси жойида, ўртоқ бошлиқ!

– Яхши, йўлни оч! – дея “бошлиқ” жиддий оҳангда амр қилади.

Мелиса шоша-пиша ола тўсинни кўтариб, йўлни очади. Адҳам ака шошилмай силжиётган мошина кабинасидан аста бошини чиқариб, гап қотади:

– Бугун формасиз чиққанман. Майли, хушёр бўлинглар, эртага яна келаман!

Қофияли исмлар

Адҳам Ҳамдам серфарзанд, болажон одам бўлган. Фар-зандларининг тарбияси билан жиддий шуғулланар, уларнинг келажагидан астойдил умидвор эди.

– Болаларимнинг исмларини қофияли қилиб қўйганман, – дер эди Адҳам ака дўстларига ҳазиллашиб. – Фарҳод, Бехзод, Шерзод...Оллоҳ энди яна ўғил берса, отини Войдод қўямиз...

Қўлга тушган Хусанхўжаев

Машҳур адиб Саид Аҳмаднинг фамилияси Хусанхўжаев эди. Қатағон йилларининг жамики азоб-укубатларини тортган собиқ маҳбусни қамокхонада ўша фамилияси ёки кийимига ёпиштирилган тамға-рақами билан чақирришган. Шу боис ёзувчи қамокдан қутулиб чиққанидан кейин ҳам биров фамилиясини айтиб чақирса, дарров қўрқиб-қалтираб қоларкан.

Ёзувчи оқланганидан кейин бир оз озодлик гаштини сурай деб Фарғона водийсига сафар қилади. Наманганда ёру биродарлари даврасида меҳмон бўлади. Қайтишда поезд Марғилонга келиши билан вагонга бир баджаҳл, қовоғи солиқ мелиса чиқиб, бор овози билан ўшқиради:

– Хусанхўжаев ким?

– М... мен... – дейди Саид Аҳмад қўрқа-писа. “Нахотки яна камалсам?!” дея ичидан зил кетади.

– Нарсаларингизни йиғиштириб, тезда орқамдан юринг! – дея буюради мелиса.

Ёзувчи ноилож буйруққа бўйсуниб, пастга тушади. Мелиса негадир Саид Аҳмадни перронда у ёқдан-бу ёққа айлантириб юраверади. Сўраган саволларига жавоб ҳам бермайди. Ниҳоят, поезд ўрнидан қўзғалиши ҳамон худди осмондан тушгандек Адҳам ака пайдо бўлиб қолади.

– Хўш, қалай, қўлга тушдингми, Хусанхўжаев? – дейди Адҳам ака жилмайганча кафтини кафтига ишқаб.

– Ҳе, ҳазилинг қуриб кетсин! – дейди Саид Аҳмад бу найрангни ўйлаб топган дўстини койиб. – Ўтакамни ёрвординг-ку, тентак!

Маълум бўлишича, Саид Аҳмадни Намангандан кузатиб қолган ҳазилкаш дўсти Соли Отажон Адҳам акага қўнғироқ қилиб, ёзувчининг кетаётганини айтган, “Қўлингдан келса олиб қол!” дея писанда қилган экан.

Энг қисқа маъруза

Адҳам ака қаерга борса, одамлар билан дарров элакишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетар, бетакрор, ичакузди латифа, ҳангомалари билан ҳаммани кулдириб, хурсанд қилиб юрар эди. Кунлардан бир куни Сочига курортга борганида ҳам худди

шундай бўлади. Ўзимизнинг юртдошлар ва бошқа республикалардан келган қардошлар бу дилкаш инсонни бир лаҳза бўлсин хол-жонига қўйишмас, хамиша ёнларига чорлаб, суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилишар эди.

Курортнинг маданий тадбирлар ўтказадиган мутасаддиси уни Аркадий Райкинга ўхшатади. Дам олувчиларга бир томоша кўрсатишни илтимос қилади.

– Мен артист эмас, шифокорман,– дейди Адҳам ака кулимсираб. – Агар истасангиз, тиббий мавзуда маъруза ўқишим мумкин.

– Яхши бўларди, – дейди мутасадди хурсанд бўлиб. – Хўш, қандай мавзуда суҳбат ўтказмоқчисиз?

– “Сочни қандай асраш керак?” деган мавзуда суҳбат қилсак. Ҳозир бу жуда долзарб мавзу.

– Жуда соз, келишдик. Суҳбатни кечки овқатдан кейин ўтказсак бўладими?

– Бўлади.

– Унда ҳозирок эълон ёзиб қўямиз.

Эълонни ўқиган айрим юртдошлар Адҳам акага ҳам ачиhib, ҳам ишонқирамай қарашади. “Ҳазил ҳам эви биланда, Адҳам ака. Шифокор эмассиз-ку, яна шарманда бўлиб қолманг!” дея уни шаштидан қайтармоқчи бўлишади. “Хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида бўлади”, дея Адҳам ака уларни тинчлантиради.

Ниҳоят, кечки таомдан кейин ҳамма томошахонага йиғилиб, антика маърузани тинглашга тўпланишади. Адҳам ака дадил сахнага чиқиб, томошабинларга юзланади.

– Ўртоқлар! Менинг маърузам жуда қисқа бўлади, – дейди у. – Ёзиб ўтирманглар, бемалол эслаб қоласизлар. Энди суҳбатимизнинг асосий мавзуси – сочни қандай асраш ҳақида гапирмоқчиман. Агар сизлар сочингизни ҳозиргидай ҳолатда асрамқчи бўлсангиз, уни таг-туғи билан қирқиб, халтага соласиз-да, баландроқ жойга осиб қўясиз. Тамом-вассалом! Юз йилгача ўзгармай, худди ҳозиргидай сақланиб тураверади. Шу билан маърузам тамом. Саволлар бўлса марҳамат!

Завки тошган томошабинларнинг қийқирик ва гулдурос қарсақлари остида Адҳам ака ним табассум билан, бошини баланд кўтарганча сахнани шахдам тарк этади.

Оғир савол

Ўша санаторийда бир куни марказдан келган маърузачи “Совет Иттифоқида миллий масала” деган мазуда маъруза ўқийди. Охирида “Кимда қандай саволлар бор?” дея залга мурожаат қилади. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Маърузачи гапимга ҳеч ким қизикмабди ёки тушунмабди дея хижолат бўлади.

– Мавзуга дахлдор бўлмаган саволлар бўлса ҳам майли, сўрайверинглар! – дея яна залга юзланади. Шунда Адҳам ака секин ўрнидан туради.

– Агар мумкин бўлса, менда бир савол бор.

– Марҳамат, марҳамат, бемалол сўрайверинг!

– Қани айтинг-чи, шу... конфетнинг ичига повидлони қандай қилиб солиб қўйишади?

Одамлар ғалати саволдан кулиб юборишади. Маърузачи эса оддий саволга жавоб беролмай қизариб қолади.

Афанди қовун туширди

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари Ўзбекистон телевидениесига кўрсатувлар ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга бериларди. Кунлардан бир кун адабий-драматик кўрсатувлар таҳририяти ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ёзувчиларнинг давра суҳбатини уюштиради. Унда Адҳам ака ҳам иштирок этади. Уруш қатнашчиси бўлган Адҳам ака бир қуролдоши ҳақида гапираётиб, унинг фотосуратини томошабинларга кўрсатмоқчи бўлади. Ҳикоя қилиш баробарида олдидаги альбомни варақлаб, ҳадеганда қидирган суратни тополмайди. Шунда андак хуноби ошган Адҳам ака бир лаҳза ойнаи жаҳонда кўрсатилаётганини унутиб, “Қаёқда қолдийкин, даюс!” деб юборади...

“Жвачка”нинг фойдаси

“Жвачка” деган сақич эндигина юртимизда урф бўла бошлаган эди. Бир куни Адҳам ака ижодкорлар даврасида латифа айтаётиб, “жвачка” ҳақида гапириб қолади.

– Биласизларми, жағи гапдан тўхтамайдиган хотинларни тинчителишнинг осон йўли бор экан.

– Қани, эшитайлик-чи.

– Хотиним кўп гапириб безор қиларди. Уйимизга кетмакет хорижлик меҳмонлар келиб, ўша сақичдан ташлаб кетишгач, келинингиз тинчиди-қолди. “Ўша зормандага ўрганиб қолибман, адаси” дейди. “Ўрганиб қолган бўлсанг чайнайвер” дейман. Қаерда ўшанақа сақичдан кўрсам бир халтадан сотиб оладиган бўлдим. Хотиннинг ўзига сездирмай ёстиғининг остига бир қанчасини секин ташлаб қўяман. Тугаб қолса яна жавраб қолмасин дейман-да.

Эсдан чиқиб қолибди

“Муштум” журналининг 50 йиллиги Фарғона водийсида ҳам кенг нишонланган эди. “Фарғона Афандиси” бўлмиш Адҳам ака муштумчиларни гўзал Шоҳимардонга олиб боради. Меҳмонлар Ёрдон қишлоғидаги оромбахш чойхоналар, сўлим дам олиш масканларини томоша қилишади. Улар чўмилиб келгунча Адҳам ака қўлбола паловхонтўрани тайёрлаб қўядиган бўлади. Муздек сувда маза қилиб чўмилиб, иштаҳалари қарнай бўлиб келган меҳмонлар паловга кўз тикиб туришади. Бир маҳал Адҳам ака чуқур лаганда қовурилган гўштли сабзи-пиёзларни дастурхонга келтириб қўяди. Меҳмонлар ҳайрон бўлишиб, бир-бирларига қараб қолишади. Адҳам ака кулимсираб, вазиятга изох беради:

– Ошни шу ергача пишириб келдим бу ёғи эсдан чиқиб қолибди.

Қозонинглар биттами?

Кунлардан бир кун Адҳам ака бир гуруҳ нозик меҳмонларни Кувадаги колхозга бошлаб келади. Одатича, дарров меҳмонларга қизик-қизик хангомалар айтиб, кулдира бошлайди. Шу маҳал раис уни бир четга имлаб чакиради:

– Адҳам ака! Меҳмонларга қандай овқат қилайлик? Ош маъкулми ёки шўрва?

– Нима, қозонинглар биттами? – дейди Адҳам ака.

Ҳиндистонлик меҳмон

Кунлардан бир кун шоир Толиб Йўлдош Адҳам аканинг уйига меҳмон бўлиб келади. Адҳам ака меҳмонни Шохимардонга саёҳат қилдирмоқчи бўлади. Водиллик танишлар “Ҳозир Шохимардон йўли берк, ДАНчилар Қадамжойга ҳеч кимни ўтказмаяпти” дейишади. Адҳам ака “Бир иложини қилармиз” дея йўлга тушади. Қадамжого яқинлашганда Толиб аканинг бошига катта оқ сочиқни ташлаб, кўкрагига осилтириб кўяди. Кейин, шоирга тайинлайди:

– Кафтингни жуфтлаб, пешонангга қўйиб, илжайиб тураверасан, аммо чурқ этиб оғиз очма! Сен ҳиндистонлик меҳмонсан!

– Хўп! – Толиб ака Адҳам ака ўргатгандай, қўлини худди ҳиндларга ўхшаб жуфтлаб, пешонасига босганча индамай, кулимсираб тураверади. Адҳам ака эса ДАН бошлиғини “ҳиндистонлик меҳмон” олдига бошлаб келади.

– Танишиб қўйинг – бу табаррук инсон ҳиндистонлик машҳур ёзувчи Толиб ибн Йўлдош Бхатра. Шохимардон ҳақида катта тарихий роман ёзиш ниятида юртимизга ташриф буюрганлар!

ДАН бошлиғи машина ичкарасига энгашиб, қошлари ўсиқ, қоп-қора “ҳинд ёзувчиси”ни кўргач, дарҳол қўлини чеккасига қўйиб, “ҳест” беради ва “Оқ йўл!” дея азиз меҳмонларни Шохимардонга ўтказиб юборади.

МАВЛОН ИКРОМ БИР КУНИ...



Мавлон Икром 1921 йили Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган. Тошкент ва Фарғона педагогика институтларида таълим олган. 1939–1947 йиллар армия сафида бўлди, уруш қатнашчиси. 1961–1963 йиллар Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиди. Ижоди 30-йиллар охиридан бошланган. “Гулдаста”, “Кўнгил гули”, “Мовий тўлқинлар”, “Фарзанд”, “Ёшлигим қайтиб келди”, “Водий тароналари”, “Оқсой сохилларида” каби назмий ва насрий китоблари нашр этилган.

А.Блок, А.Тўқай, Тўқтағул, Я.Купала, М.Танк, Қ.Қулиев каби шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Мавлон Икром 2010 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

“Гитлер барҳайт эди”

Мавлон Икром ҳамкасблар, ёру биродарлар ўртасида ижодкорлигидан кўра, овчиликка, табиатга дахлдорлиги билан кўпроқ танилганди. Энг қизиғи – бу дахлдорлик беихтиёр кишида қандайдир кутилмаган бир завқ-шавқ, самимий кулги уйғотарди. Балки шу боисдандир, Дўрмонда овдан, ҳайвонот олаmidан гап очилгудай бўлса, ёзувчилар Мавлон Икромга ҳазил-ҳузул билан тегажўғлик қилишар, кулоғи оғиррок, аммо феъли кенг, беозор Мавлон ака “А? Нима дедингиз?” дея қайта сўрар, хаддидан ошиброқ кетган ҳазилкашларга “Спокойно, спокойно!” деб қўяр эди.

Кунлардан бир кун ёзувчиларнинг Дўрмондаги ошхонасида овқатланаётганимизда кимдир сўраб қолади:

– Мавлон ака, ҳозир қандай овнинг мавсуми?

– Ҳозир ўрдак овлаш мумкин, – Мавлон ака хотиржам оҳангда жавоб қилди.

– Барибир Мавлон ака отолмайди, – афандинамо шоир Азиз Абдураззоқ кулимсираб гурунг алангасига чўп ташлайди.

– Нега энди?

– Чунки ҳозир магазинда ўрдак сотилмайди.

Гурр кулги кўтарилади. Кимдир яна савол беради:

– Мавлон ака! Сиз йўлбарс ҳам отганмисиз?

– Отганман, – дейди Мавлон ака жиддий алпозда. – Мозандаронда. Ўшанда Гитлер барҳаёт эди.

Беихтиёр кулиб юбордик. Гитлерга нисбатан “барҳаёт” деган сўзнинг қўлланиши, яна бу сўзни ёзувчи одам айтиши гаройиб эди.

– Спокойно, спокойно, – дейди Мавлон ака ўзи ҳам кулгига кўшилиб.

– Мавлон ака, сиз тўнғиз ҳам отган бўлсангиз керак? – деб сўрайди машҳур ёзувчи Пиримқул Қодиров.

– Э, отиш ҳам гапми, мен ҳатто битта тўнғизни тириклай елкасидан миниб, нақ қулоғидан ушлаб олганман.

– Йўғ-е? – Пиримқул ака ишонқирамайди. – Ахир тўнғиз жуда югурик бўлади, шекилли. Қандай қилиб унга етволдингиз?

– Тўрт тарафини тўртта този итим тўсиб турувди-да, – Мавлон ака бўш келмайди.

– Барибир шундаям... ишониш қийин-да, Мавлон ака.

Мавлон ака қарайдикки аҳвол чатоқ. Ўйлаб ҳам ўтирмай шартта жавоб қилади:

– Тўнғиз унчалик катта эмас, энди уч ойлик бўлган эди.

Ёзувчилар қоринларини чангаллаб, кўзларидан ёш чикқунча кулишади. Қаҳқаҳани эшитиб, ошпаз Исроил капгирини кўтарганча югуриб чиқади.

Куён ови

Қаҳратон қиш кунларидан бирида ёзувчилар – Мавлон Икром, Ўлмас Умарбеков хоразмлик адиблар – Раҳим Бекниёз (Мавлон аканинг кадрдони, овчиликда ҳамкасби), Эркин Самандарларнинг чорлови билан Хоразмнинг Қорақум чўлига ов қилиш учун боришади. Асосий мақсад дам олиш, табиат кўйнида яйраш эди. Мавлон ака Эркин акани ўзига шерик қилиб олади.

– Мана бу излар куённики, Эркинжон, – дейди Мавлон ака кўзлари ўлжа илинжида оловланиб. – Юринг, шу изларни кўздан қочирмайлик.

Чамаси бир соатларча йўл юришгач, излар бир чуқур оғзига келиб тугайди.

– Куёнлар мана шу чуқурнинг ичида! – дейди Мавлон ака қўли билан чуқурга ишора қилиб. – Шу ерда пойлаб ётамиз, хушёр бўлинг, куёнлар чиқиши билан отамиз!

Икковлон милтиқларни чуқурга қаратиб узоқ пойлашади, куёнлар чиқавермайди.

– Энди тешикнинг ичига қарата ўқ узамиз, куёнлар чўчиб ташқарига сакрашади, шунда уларни отамиз!

Тешикка қарата кетма-кет ўқ узишади, куёнлар барибир чикмайди.

– Хўш, энди нима қилдик? – деб сўрайди Эркин ака хафсаласи пир бўлиб.

– Энди чуқурнинг атрофини белкурак билан қазиймиз, – дейди Мавлон ака қўлларини бир-бирига ишқалаб.

– Белкурак йўк-ку.

– Ҳов анави қорайиб турган ўтовдан олиб келасиз.

– Э менга зарил кептими? Керак бўлса ўзингиз бориб олиб келинг.

– Унда охирги чорани қўллаймиз.

– Хўш?

– Чуқурнинг оғзига олов ёқамиз, кейин чўғларини ичкарига отамиз. Куёнлар иссиққа чидолмай ўзларини ташқарига уришади, шунда уларни отиб оламиз. Сиз ўтин териб келинг.

Эркин ака меҳмоннинг сазаси ўлмасин дея ноилож бир кучок ўтин териб келади.

Чуқур оғзига катта гулхан ёқишади, чўғларини ичкарига отишади, шунда ҳам куённинг қораси кўринмайди.

Шу маҳал бир чўпон эшагини миниб келиб қолади. Саломалиқдан сўнг унга бор гапни айтишади. Чўпон қордаги изларга қараб туриб кулиб юборади.

– Бу мушукларнинг излари-ку, меҳмонлар!

Итнинг зоти қанча?

Бир гуруҳ ёзувчилар ўзбек шоиралари ижоди ҳақидаги илмий ишлари билан тилга тушган, таниқли адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг юбилей – тўйини ўтказиш учун Андижонга сафар қилишади. Учрашув, тантаналардан кейин бир жамоа хўжалигининг боғига келишади. Тунда ёзувчи Саид Аҳмаднинг уйқуси қочади. Бедор ётавериш ахийри жо-

нига тегади. Мундоқ қараса, шериклари маза қилиб ухлашяпти. Кўнглига бир шумликни тугиб, секин ўрнидан туради ва шоша-пиша Носир Фозиловни туртиб уйғотади.

– Ҳмм... нима дейсиз? – Носир ака кўзларини уқалаб, норози оҳангда сўрайди.

– Туркистонда ҳозир қазининг килоси неча сўм? Билмайсанми?

– Э боринг-э! – Носир ака қўл силтаб яна ўрнига чўзилади.

Саид Аҳмад ширин туш кўриб ётган шоир Эркин Воҳидовни уйғотади:

– Ҳа, тинчликми? – Эркин ака чўчиб уйғонади.

– Клара Цеткин қайси йили туғилган эди?

Эркин ака бемаврид ҳазилга жавобан секин мийиғида кулиб қўя қолади.

Безовталиқ гали овчи Мавлон Икромга келади.

– Мавлон, Мавлон! Итларнинг неча хил зоти бўлади? Бундоқ ўзимча санаб кўрсам ўттиз саккиздан ошмаяпти-ку?! – дейди Саид Аҳмад гўё оламшумул муаммо ҳақида гапиргандек хайрон бўлиб.

Мавлон ака шошилмай ўрнидан туради. Бамайлихотир юзқўлини ювгач, астойдил чордона қуриб ўтиради ва мароқ билан итларнинг зотини санашга тушади. Орадан кўп ўтмай Саид Аҳмад берган саволидан минг карра пушаймон бўлиб, эснай бошлайди ва ёнбошлаган кўйи донг қотиб ухлаб қолади. Мавлон ака эса завқ-шавқ билан тонг отгунча итларнинг зотини санашда давом этади.

ВОСИТ САЪДУЛЛА БИР КУНИ...



Восит Саъдулла 1914 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1940 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини тугатган, мактабларда ишлаган, Андижон давлат педагогика институтида адабиётдан дарс берган.

Илк шеърлар тўплами 1939 йили “Тонг” номи билан нашр қилинган.

“Фарғона чашмалари” (1962), “Жўр” (1964), “Девон” каби шеъррий тўпламлар, “Янги тўй”, “Ирода” (Султон Жўра билан ҳамкорликда), “Хуросон юлдузи” (1972) каби драмалар муаллифи. Унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилган.

Восит Саъдулла 1987 йили вафот этган.

Шоирнинг тутун қайтаргани

Андижонлик заҳматкаш шоир Восит Саъдулланинг ҳазил-мутойибалари, лутфлари ўзига хос, тагдор эди. Кунлардан бир кун Ғафур Ғулом “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси таҳририятида ходимлар билан гурунглашиб ўтирган эди, хонага ашаддий кашанда Восит ака сигаретини бурқситиб кириб қолади.

– Ҳа, Восит, хали ҳам тутаб юрибсанми? – дейди Ғафур ака Восит аканинг тажанглигига ҳам ишора қилиб.

– Ҳа, ёнаётганлар менинг тутунимда яхшироқ кўринади, – дея тагдор жавоб қилади Восит ака.

Чангитмай ўтинг

Андижон вилоят ёзувчилар уюшмасининг бир йиғилишида уюшмага узок муддат раҳбарлик қилган шоир кутилмаганда Восит Саъдуллага иддао қилиб қолади:

– Восит ака, сиз жуда ҳам иззатталаб одамсиз. Нима, сизга энди ҳар қадамда икки букилиб таъзим қилишимиз керакми? Ахир устоз Абдулла Қахҳор ҳам бир мақоласида: “Мабодо кўчада уч-тўрт қария турганини кўрсангиз, саломлашинг-у ишингиз зарур бўлса, олдинга ўтиб кетаверинг”, – деган-ку!

Раҳматли Восит аканинг бунга жавобан айтган ўша машҳур гапини андижонлик ижодкорлар ҳали-ҳануз завқ билан эслаб юришади:

– Майли, укажон, олдинга ўтсангиз бемалол ўтиб кетаверинг, – деган экан ўшанда Восит ака, – фақат чангитмай ўтингда!

Раҳматли шоир нимани назарда тутганини Андижон адабий муҳитидан хабардор бўлганлар яхши тушунишган.

Эзма билан аҳмоқ

– Раҳматли шоир Восит Саъдулла пединститутда бизга адабиётдан дарс ўтарди, – дейди Ўзбекистон Халқ шоири Тўлан Низом. – Гоҳо теша тегмаган, қизиқ-қизиқ гаплар билан бизни кулдирарди. Бир куни дарс пайти орқа қаторда ўтирган талабалардан бири домланинг маърузасига кулоқ солмай, шериги билан гаплашиб ўтиради. Восит ака бир дам гапидан тўхтаб, ўша талабага синчков тикилиб тураркан, шундай дейди:

– Битта эзма гапираётганда бошқа аҳмоқ уни эшитиши керак!

Ким қаерда яшайди?

Бир куни меҳмондорчиликда танишлардан бири сўраб қолади:

– Восит ака, сиз Ғани Холматовичнинг кўчасида турасизми?

Шоир негадир саволга жавоб беравермайди. Шунда савол яна такрорланади. Тажангроқ Восит ака иддао билан жавоб қилади:

– Ғани Холматовичинг менинг кўчамда яшайди, билдингми энди?!

Исм

Восит ака институтда ишлаб юрган кезлари ўғил кўради. Ҳамкасблардан бири уни фарзанд билан табриклар, сўрайди:

- Ўғилчанинг исми нима бўлди?
- Исмини Нозим деб қўйдик.
- Ие, ғалати-ку! Шунақаям исм бўладими?
- Нима, Нозим эмас, лозим деб қўяйми?

Кўнгли сезган

Кунлардан бир кун Восит ака ғазалхон шоир Улфат (Имомиддин Қосимов) домланинг уйига телефон қилиб, “Тезда “Оталар чойхонаси”га етиб келинг, муҳим иш бор” дейди. Отахон дарҳол айтилган жойга етиб боради. Шоирлар худди узок вақтгача дийдорлашмаган кадрдонлардек кучоқлашиб кўришадилар.

– Тинликми ўзи, Воситжон? – деб сўрайди отахон.

– Тинчлик, домла, тинчлик, – дейди Восит ака отахоннинг кўзларига алланечук соғинч билан тикилиб. – Ҳаммамиз бу беш кунлик фоний дунёда меҳмонмиз. Оллоҳ қачон омонатини олади – фақат ўзига аён. Кеча архивимдаги фотосуратларни варақлар кўрсам, сиз билан ҳеч расмга тушмаган эканмиз. Ҳечдан кўра кеч, ҳозир суратхонага бориб расмга тушамиз. Тарих учун керак.

Оқсоқол шоирлар суратхонага бориб расмга тушадилар.

– Пулини мен тўлайман, расмни сиз келиб оласиз, – дейди Восит ака.

Орадан уч кун ўтгач, Восит ака Оллоҳга омонатини топширади.

ТОЛИБ ЙЎЛДОШ БИР КУНИ...

Толиб Йўлдош 1919 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетида таълим олган. Турли йилларда шоирнинг “Чол ва бўри”, “Ошиқ кўнгил”, “Шўхсизширинсиз”, “Кўнгил деганлари”, “Ёкуттой – ёқимтой”, “Бобоёнғок” каби кўплаб китоблари нашр қилинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Толиб Йўлдош 2002 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.



Бола қаердан бўлади?

Уруш йиллари Толиб Йўлдош ҳам эл қатори моддий жиҳатдан қийналиб яшаган. Кунлардан бир кун дўстларининг маслаҳати билан Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги раҳбари Усмон Юсупов ҳузурига ёрдам сўраб боради. Ночор аҳволда яшаётганини очиқ тушунтиради:

– Уйимиз йўқ, эр-хотин ижарада турамыз. Ҳатто тузукрок кўрпа-тўшагимиз ҳам йўқ. Торгина хужрада танчанинг четида ётамыз.

– Болалардан нечта? – деб сўрайди раҳбар.

– Мен сизга тушимни айтяпманми, ота! – (ҳалқ Усмон Юсуповни ҳурмат қилиб, “Ота” деб атади – Ш.О.) дангалчи шоир тажангланиб гапиради. – Танчанинг четида бола бўладими?

Ота беихтиёр кулиб юборади.

Пули бор экан

Кунлардан бир кун Толиб ака газетада босилган шеърларига озроқ қалам ҳақи олади. Пулни пайпоғининг ичига яшириб, хурсанд ҳолда кетаётса, олдидан йўлтўсарлар чиқиб қолади.

– Қани, пулдан чиқар!

– Пул йўқ менда.

– Бошни қотирма, яхшиликча чиқар!

– Йўк дедим-ку, мана ишонмасанглар, тинтиб кўринглар. Йўлтўсарлар шоирни тинтув қилиб, пулни топишолмайди.
– Э-э, башарасини қара, шунақа ипирискида пул бўлармиди? – дейди йўлтўсарлардан бири ижирғаниб. Дарҳақиқат, кошлари ўсик, эски, япаски шапкасини бостириб кийган Толиб ака кўринишдан шоирга эмас, бозордаги мардикорга ўхшарди. Ана шу кўриниши қўл келай деганда шоирнинг афандилиги тутиб қолади.

Йўлтўсарлар қўл силтаб, нари кетишади. Шоирга уларнинг гапи алам қилади. Ногоҳ ғурури жунбишга келади. Хуштак чалиб, йўлтўсарларни ёнига чакиради. Энгашиб, пайпоғининг ичидан яширган пулни намоёйишкорона чиқаради.

– Хўш, мана бу нима?

– Пул.

– Хўш, бизда ҳам пул бўларканми? – дейди гердайиб.

– Бўлар экан!

Йўлтўсарлар шоирнинг кўлидаги пулни юлқиб олишади.

Толиб ака ана шундай содда, хокисор, дарвешфеъл одам эди.

Яхшилик

Толиб Йўлдошнинг янги китобига шоир Сайёр муҳаррир экан. Китоб босилиб чиққач, Толиб ака муҳаррирга миннатдорчилик билдиргиси келиб, нашриётга боради.

– Раҳмат, Сайёр, мана, китобимни чиқардинг, – дейди муҳаррирнинг елкасига қўл ташлаб. – Энди мен ҳам сенга бир яхшилик килиб қўймоқчиман. Мабодо бирон жойда ичиб-нетиб (*йигитчиликда бўлади!*), қизил шапкаларнинг кўлига тушсанг, тўғри Чилонзордаги хушёрхонага ҳайданг, деявер. Негаки, у ердагиларнинг ҳаммаси менинг эски кадрдонларим! Бир оғиз мени айтди десанг, дарров қўйворишади.

“Номери” ўтмади

Толиб ака кўп қаватли уйда шоир Азиз Абдураззоқ билан қўшни эди. Кунлардан бир кун у Азиз аканинг олдида чиқиб, илтимос қилади.

– Ҳозир пастдаги дўкондан ароқ олиб чиқмоқчиман. Костюмингни бериб тур, кўринишимни ўзгартириб тушмасам бўлмайди, юқоридан хотиним кўриб қолса хархаша қилади.

Азиз ака “хўп” дейди. Орадан кўп ўтмай йўлакдан тўс-тўполон, шовқин эшитилади. Азиз ака ноилож пастга тушиб, мундоқ қараса, Толиб аканинг хотини масхарабозга ўхшаб бошига қоғоз кути кийиб олган бир киши билан жиққамушт бўлиб тортишаётганмиш. Ниҳоят, ниқоб йиртилгач, не кўз билан кўрсинки, қаршисида Толиб ака худди айб иш қилиб қўйган болакайдек бошини қуйи солиб турганмиш. Боёқиш, хотиним таниб қолмасин дея дўкондан ароқ олиб чиқаётганда бошига қоғоз кути кийиб олган, аммо шунда ҳам номери ўтмаган экан...

Патта текширувчи

Трамвайнинг тебранишидан кўзи илинай деб қолган бир ҳаваскор шоир кондукторнинг дўқ-пўписасидан сергак тортади.

– Қани, билет олмаганлар яна борми? Чаққон-чаққон кимирланглар! Билети йўқлар жарима тўлайди! Йўлни тўсма, ҳой бола!

Бу товушлар негадир шоирга танишдек туюлади. Ниҳоят, текширувчи билан юзма-юз бўлганда не кўз билан кўрсинки, қаршисида билагига қизил тасма боғлаб олган, қошлари ўсик шоир Толиб Йўлдош хансираб турарди. Азбаройи “вазифа”сига берилиб кетганидан терлаб-пишиб кетганди.

– Ие, Толиб акамисиз?

– Жимм! – Толиб ака бармоғини лабига босиб, ҳаваскорнинг қулоғига шипшийди. – Индамай тушиб кетавер. Мана, пул яримтага етиб қолди...

Бола-чақам шоир эмас

Толиб аканинг ҳам ўзига яраша ихлос қўйган мухлислари бор эди. Шулардан бири – юнусободлик ёш муаллим шоирни уйига чорлаб, яхшилаб меҳмон қилади. Катта, шинам боғини айлантириб, томоша қилдиради. Кейин, болохонага олиб чиқади. У ерда шифтга юздан ортиқ кази осиб қўйилган

экан. Мезбон қазиларни кўриб меҳмоннинг кўзи ўйнаб кетса керак, деб ўйлайди. Аммо Толиб ака – назари тўқ одам, парво қилмайди. Зиёфат тугаб, хайрлашишаётганда мезбон меҳмонга қоғозга ўроғлиқ бир нарса узатади.

– Бу нима? – деб сўрайди Толиб ака бароқ қошларини асабий чимириб.

– Қазии, бола-чақалар билан баҳам кўрарсиз.

– Раҳмат, керак эмас! – меҳмон кескин қўл силтайди.

– Нега? – мезбон хайрон бўлади.

– Сен мени шоир деб сийладинг шекилли, тўғрими?

– Ҳа энди...

– Балли. Илтифотинг учун раҳмат, окоси. Энди бола-чақамни ҳам сийлашинг шарт эмас. Бола-чақам шоир эмас!

Жинни бўлиб қоларди

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” деган комедияси ўз даврида жуда машхур бўлган. Шоир Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилиб юрган кезлар туну кун ўша пьесанинг хаёли билан яшаган. Шундай кунларнинг бирида нашриёт жойлашган қаватда рўпарасидан Толиб Йўлдош чиқиб қолади. Салом-алиқдан сўнг Эркин ака андаккина дарвешфеъл, соддадил шоирдан сўраб қолади:

– Толиб ака, мабодо бир кило олтин топиб олсангиз нима қилардингиз?

Толиб ака ўйлаб ҳам ўтирмай, дангал жавоб беради:

– Жинни бўлиб қолардим, ха-ха, жинни бўлиб қолардим.

Ана ўша гап туртки бўлдими, Эркин ака пьеса қахрамони Мўминни “жинни” қилиб тасвирлайди. Ҳангоманинг қизиғи кейинроқ чиқади. “Олтин девор” эл оғзига тушиб, доврўғи етти иқлимга етади, комедия айрим хорижий мамлакатларда ҳам кўйилади. Толиб ака Эркин акани яна нашриётда учратиб, ҳақини талаб қилади:

– Ўша гапимнинг гонорарини қачон берасан?

– Э, гонорари тайёр, Толиб ака, ўзим сизни тополмай юрган эдим, – дейди Эркин ака кулиб ва чўнтагидан бир даста пул чиқариб, ўша лукма – турткининг ҳақини бериб юборади.

Шунча пулни нима қиламан?

Толиб ака кўпроқ тўртликлар ёзар, ахён-ахёнда чиқадиган китоблари ҳам юпқагина бўларди. Бориға қаноат қилиб яшашига ўрганган, хокисоргина одам эди. Дарвоқе, Эркин Воҳидов унга атаб шундай шеър бағишлаган:

*Шеърнинг сози тўрт сатр,
Тўрт ажойиб, зўр сатр.
Шоир одам ўзини
Тўрт сатрда кўрсатур.*

Шоир олтмиш ёшга кирганда Саид Аҳмад унга шундай дейди:

– Толиб, мана, олтмишдан ошдинг. Сен ҳам одамларга ўхшаб энди каттароқ китоб чиқаргин. Уюшма раиси Сарвар Азимовга учраб, ёрдам сўрасанг йўқ демайди. Ҳеч бўлмаганда икки томлик асарларингни чоп эттир. Яқинда тўй қилмоқчисан, кўлинг пул кўради.

– Хўш, ўша икки томликка қанча пул беради?

– Тахминан йигирма минг (Ўша даврда беш минг сўмга янги “Жигули” мошинасини олиш мумкин эди – Ш.О.) сўм оласан.

– Ўх-хўў, кўпку! – дейди Толиб ака ҳайратланиб. – Шунча пулни нима қиламан?..

Гул ўрнига темир-терсакми?

Ёзувчилар уюшмасидаги йиғилишда бир шоир сўзга чиқиб, ёшлар ижодини танқид қилиб қолади:

– Ҳозир техника, космос асрида яшайпмиз. Биз шеърларимизда кўпроқ мана шу прогрессни куйлашимиз керак. Гул, булбул ҳақида шеър ёзадиган замонлар ўтиб кетди. Умуман, шеърятдан гулни олиб ташлаш керак!

Йиғилишга раислик қилаётган Пиримкул Қодиров мажлис аҳлига юзланиб сўрайди:

– Қани, яна ким гапиради? Толиб ака, балки сиз гапирарсиз?

– Мен ниманиям гапираман? – дейди Толиб ака.

– Сиз доимо жўяли гапирасиз, илтимос, олдинги нотикнинг гапига муносабат билдирсангиз!

Толиб ака ноилож ўрнидан туриб, олдинги нотикқа бир караб кўйгач, шошилмай гап бошлайди:

– Буни каранглар, техника асрида поэзиядан гулни олиб ташлаш керак эмиш. Техника нима ўзи? Темирдан бўладиган нарса-да? Ана ўша техникани деб шеърятдан гулни олиб ташласак нима бўлади? Йигитлар яхши кўрган қизига гул ўрнига бир уюм темир-терсак совға қиладими?

Залда гурр кулги кўтарилади.

Қошингдан айланай

Толиб аканинг ўсиқ қошини назарда тутган Неъмат Аминов “Бунақа одамдан ёмонлик чикмайди” деб кўярди.

Толиб акага кимки маъкул келиб қолса, “Кўзингдан айланай!” дейдиган одати бор эди. Бир куни у афандисифат шоир Азиз Абдураззоқ билан узоқ гурунглашиб қолади. Хайрлашаётганда одатича “Кўзингдан айланай!” дейди. Шунда Азиз ака ҳам ҳозиржавоблик билан “Қошингдан айланай!” дея жавоб қилади.

Толиб ака ҳузур қилиб кулади.

Совун

Кунлардан бир кун Толиб ака катта сумкасига шишаларни тўлдириб, нашриётга кириб келади.

– Нималарни кўтариб юрибсиз, Толиб ака? – дейди нашриёт ходими Жаҳонгир Пирмуҳаммедов сумкага ишора қилиб.

– Бу савил шишаларни топшириб, ўрнига кир совун олмоқчи эдим. Аксига олиб дўкон берк экан. Зерикмай деб олдинга чиқувдим.

– Вой-бўй...Шишалар бир дунё-ку? Шунча кир совунни нима қиласиз?

– Нима қилардим, хотинга бераман-да. Менинг ҳам совунимга бир кир ювиб кўрсин-чи!..

ЭРКИН ВОҲИДОВ БИР КУНИ...

Эркин Воҳидов Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида 1936 йил 28 декабрда туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини 1960 йили тамомлаган.



Биринчи шеърий тўплами – “Тонг нафаси” 1961 йили чоп этилган. “Қўшиқларим сизга”(1962), “Юрак ва ақл” (1963), “Менинг юлдузим” (1964), “Нидо”, “Ёшлик девони” (1968) каби шеърлар китоби шоир номини машҳур қилди. “Ойжамол” либреттоси (1970), “Олтин девор” (1970) комедияси узоқ йиллар республика театрларида қўйилди. Шоирнинг ўзбек адабиёти равнақиға қўшган салмоқли ҳиссаси юксак даражада эътироф этилган. Эркин Воҳидов “Ўзбекистон Халқ шоири” (1987), “Ўзбекистон Қаҳрамони” (1996) унвонлари ва “Буюк хизматлари учун” ордени (1999) билан тақдирланган.

Эркин Воҳидовнинг бир жилдлик “Муҳаббат” (1976) ва икки жилдлик сайланма асарлари (“Муҳаббатнома”, “Садоқатнома”, 1986) ўз вақтида адабиёт оламида катта воқеа бўлди.

Мустақиллик йиллари шоир янада баракали ижод қилди. “Ўзбегим” (2006) – бир томлик асарлари, “Табассум”, “Орзули дунё” (2012), “Дил тубиға чўккан лаҳзалар” (2013), “Сўз латофати” китоблари тилға тушди.

Эркин Воҳидов И. Гёте, С. Есенин, Л. Украинка, А. Блок, Р.Ҳамзатов асарларини катта маҳорат билан ўзбек тилиға таржима қилган.

Истеъдодли одам қандай юмушға қўл урмасин, ҳар қандай ишни қойилмақом қилиб удалайди. Шу боис кўпчилик истеъдодли ижодкорларда юмор ҳисси, ҳазил-мутойибаға мойиллик кучли бўлади. Элнинг суюк ва буюк шоири Эркин Воҳидов ижодида ҳажвиёт муҳим ўрин тутади.

Шоирнинг ғаройиб ҳазиллари, бетакрор, мўлжалга бехато урувчи ажойиб лутфлари, нозик, теран қочиримлари беихтиёр кишида завқ-шавқ уйғотади, кўнгилга ёруғлик олиб киради, айна чоғда адабий муҳит ҳақида ёрқин тасаввур беради. Ушбу беғубор ҳазил – хангомалар атоқли ва ардоқли шоир сиймосини китобхон кўнглига янада яқин қилади.

Қизиқувчан бола

Ўзбекда бўладиган бола бошидан маълум деган нақл бор. Халкимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов болалик чоғларида жуда идрокли, ақлли, қизиқувчан бўлган. Ҳар қадамда “Бу нима?”, “У нима”, “Нега бунақа?” дея савол бера-вериб, катталарни безор қилган.

Бўлажак шоирнинг сержаҳл, тажанг бир амакиси бор эди. Ўша одам бир куни уйга гўшт олиб келади. Кичкинтой Эркин дарҳол амакисини сўроққа тутди:

– Бу нима?

– Гўшт.

– Қанақа гўшт?

– Кўй гўшти.

– Уни нима қиламиз?

– Овқат қиламиз?

– Қанақа овқат?

– Уфф! Ош қиламиз, ош! Бор энди, кўп бошимни қотирма!

Болакай яна қайта-қайта сўрайвергач, безор бўлган амаки кўлидаги гўштни жаҳл билан деворга уради.

– Э бўлди-да энди, тирранча!

“Тирранча” шундаям бўш келмайди:

– Амаки, гўштни деворга ёпадими?..

Амаки беихтиёр кулиб юборади.

Кўппакнинг маъноси

Эркин ака болалигида кўппакнинг ит эканлигини билмас экан. Тоғасининг бир ўртоғини ҳамма “мулла ака” деб аташса-да, ортидан “кўппак кори” дейишар, бу лақабни болакай корининг исми деб ўйларкан.

Бир куни ўша қори тоғани йўқлаб келади. Ёш Эркин тоғасининг меҳмонга кетганини айтиб, тавозе билан муллани ичкарига таклиф этади, “Чой ичиб тулинг, тоғам келиб қоладилар” дея илтифот қилади. Боланинг одобидан мулланинг чеҳраси ёришади, қўл очиб дуо қилади. Тоғангизга менинг келганимни айтиб қўйинг дея хайрлашаркан, ногоҳ “Дарвоқе, мени танидингиз-а?” деб сўраб қолади. Шунда болакай оқсоқолга ҳурматини кўрсатиб, эхтиром билан “Ҳа, сизни яхши танийман, Сиз – Кўппак қори акаси!” дея бурро жавоб қилади.

Шунда қорининг авзойи ўзгаради, жаҳл билан болани сўкишга тушади. Бу ҳам етмагандек, ҳассасини олиб, хезланади. Гуноҳсиз боёқиш ура қочиб, ҳовлига ўзини уради, эшикни ичкаридан беркитиб, калтакдан зўрға қутулади. Кўппакнинг маъносини эса бир умр эслаб қолади.

Талабанинг ҳазиллари

Эркин Воҳидов ижодида ҳижвиётга мойиллик талабалик давридаги машқларида ҳам яққол намоён бўла бошлаган эди. Бу ижод намуналари даставвал университет деворий газетасида чоп этиларди.

Талабаларга тилшунослик илмидан сабоқ берган таниқли олим Ёқуб Ғуломовга бағишланган ҳазил шеъри ҳам тилга тушганди. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Тиливузда вотти-вотти,
Аста-секин йўқолвотти.*

Адабиётда типиклик масаласи бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, нотиқлиги илмидан кучлироқ бўлган профессор Лазиз Қаюмовга бағишланган ҳазилдаги айрим рамзий ишоралар (“қизил кўзойнак”, “дурбин”) мўлжалга беҳато теккан ва мухлисларда завқ-шавқ уйғотган эди.

*Шеър деганнинг тури кўп,
Туйғу бўлса хўпу хўп.
Йўқса шеър эпик бўлур,
Қизил кўзойнак тақиб,
Дурбин орқали боқиб,
Кўрганнинг типик бўлур.*

Пародия

Пародия адабиётда мухлислар севиб ўқийдиган, қийин жанр. Бу жанрда қойиллатиб ижод қиладиганлар кўп эмас. Эркин ака ижоди давомида ҳазил шеърларни кўп ёзган бўлса-да, пародияга камроқ қўл урган. Шуниси қизиқки, унинг биринчи пародияси ҳали чоп этилмасдан олдиноқ машҳур бўлиб кетган, кўлма-кўл ўқилган. Шоирнинг ўзи бу воқеани шундай эслайди:

– Бир куни шоир Сайёрнинг “Мана мен Лермонтов ёшига етдим, бир шоир умрини яшадим чиндан. Шеърят кўкида тик парвоз этдим, парвозим баланддир учкур лочиндан” деб бошладиган шеърини ўқиб қолдим. Хаёлимда бир нима ярқ этди-ю шундай пародия қоғозга тушди:

*“Мана мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан.”
Қанча қоғозларнинг бошига етдим,
Ва лекин Лермонтов чиқмади мендан.*

*Дўстларим, ортиқча камтарлик нега,
Келажак ўн йилни кўрдим олдиндан.
Вақт келар, етарман Пушкин ёшига,
Ўшанда Пушкин ҳам чиқмайди мендан.*

Пародияни Сайёрнинг ўзига ўқиб бердим. Раҳматли кўп оккўнгил, самимий одам эди. Хурсанд бўлди. Пародияни ўзи таҳририятларга обориб, чоп эттирди...

Чумчуқларга маза-да

Кунлардан бир кун Эркин Воҳидов тоби қочиб, шифохонага тушади. Дўхтирлар унга ўт пуфагида тош борлигини, жарроҳлик амалиёти лозимлигини айтишади. Шоир ўз ёғига ўзи коврилиб, хомуш-паришон ўтирган пайтда хонага даволовчи дўхтир кириб келади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ногоҳ илтимос килади:

– Эркин ака, биронта янги ёзган шеърларингиздан ўқиб беролмайсизми? Машҳур шоирнинг ўзидан шеър эшитиш бошқача бўлади-да!

Эркин аканинг кўнглига ўша тобда шеър сиғмасди, албатта. Шоир нима десам экан дея ташқарига хомуш тикилиб қолади. Шу лаҳза деразага иккита чумчуқ учиб келиб кўнади ва шўх-шўх чирқиллашга тушади.

– Шеър тайёр! – дейди шоир кулимсираб.

– Қани, қани, эшитайлик.

Эркин ака бир чумчуққа, бир дўхтирга қараб қўйгач, шундай шеър тўқийди:

*Чумчуқлар деразада,
Чумчуқларга маза-да.
Оғрийдиган боши йўқ,
Ўт қопида тоши йўқ.*

Тарқатишдан олдин

Таниқли ношир Тўлқин Рустамов бадий адабиёт нашриётига директор бўлган кезлар эди. Кунлардан бир кун у шеърият бўлими билан шошилинич мажлис ўтказмоқчи бўлади. Аммо ходимлар жойидан топилмайди. Директор тутоқиб кетади.

– Қидиринглар! Ернинг тагидан бўлса ҳам ходимларни топинглар!

Котиба хонама-хона юриб, яна ҳеч кимни тополмайди. Шу лаҳза бўлим мудирини Эркин Воҳидовнинг ўзи келиб қолади. Директор уни астойдил койиб кетади:

– Эркинжон! Бу қандоқ гап ахир?! Мажлис ўтказайлик десак ҳеч ким йўқ! Шеърият бўлимини умуман тарқатвориш керак!

– Шеърият бўлимини тарқатиш мумкин эмас! – дейди Эркин ака кулимсираб.

– Нега энди? – директорнинг баттар жаҳли чиқади. Столга муштлаб, дағдаға қилади. – Мана кўрасиз, барибир тарқатвораман!

– Тарқатишдан олдин уларни бир жойга тўплаш керакда! – дейди Эркин ака жилмайиб. Шунда сержаҳл директор ҳам кулиб юборади.

Дўстлик

Эркин Воҳидов Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига директор бўлган кезлар эди. Бир даврада вилоятдан келган шоир қадах кўтариб, шундай дейди:

– Биз Эркин Воҳидов билан қалин дўстмиз!

– Тўғри, биз сиз билан дўстмиз, – дея жавоб қилади Эркин ака кулимсираб, – чунки сиз бизга шеър олиб келмайсиз-да.

Муҳаррир қисмати

Асарини “Бўлмайди!” деб қайтарсангиз биронта ижодкорга ёкмайсиз. Муҳаррирлик чекига тушганлар бунини яхши билишади. Эркин ака ҳам бундай қисматдан бенасиб қолмаган. Дарвоқе, ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган бир шеърхонликда унинг ўзи бу ҳақда шундай ҳазил шеър ўқиганди. Хотирам панд бермаса, унда шундай мисралар бор эди:

Муҳаммад Раҳмон,

Рустам Раҳмон,

Расул Раҳмон,

Ҳаммаси тайёр менга

Отмоққа палахмон.

Чунки мен муҳаррирман.

Холид Ризо,

Ихтиёр Ризо,

Ҳамроқул Ризо,

Ва ҳатто

Москвалик Николай Доризо –

Мендан норизо.

Чунки мен муҳаррирман...

Бу шеър ҳеч каерда эълон қилинмаган, лекин оғиздан оғизга кўчиб юради.

Булбул

Шоир Акмал Пўлат катта идорада раҳбар эди. Кунлардан бир кун Эркин Воҳидов унинг хузурига иш билан боради. Эшикдан кирса, бошлиқ столга энгашиб, бир нималарни ёза

ётган экан. Эркин ака одоб сақлаб, индамай кутиб тураверади. Ниҳоят, Акмал Пўлат бош кўтариб, машхур шоирга кўзи тушди.

– Э-э, бу қандоқ бўлди, ахир бир оғиз биз келдик дея йўталиб қўйсангиз бўларди-ку, Эркинжон!

– Энди, илҳомга халақит бергим келмади-да, Акмал ака, – дейди Эркин ака.

– Ох, ох, ох, булбул тилини булбул билади-да, булбул! – дейди Акмал ака “камтарлик” билан.

Бу воқеа балки йиллар ўтиб,

*“Севги шундай навбаҳорки,
У тикандин гул қилур,
Тошга жону тил бағишлаб,
Зогни ҳам булбул қилур”*

деган ўша машхур байтнинг ёзилишига сабаб бўлгандир деб ўйлайман.

Қофиясини тополмади

Эркин аканинг халқ орасида маълум ва машхур бўлган, таниқли ҳофиз Шерали Жўраев яхши кўшиқ қилган, эндиликда дарсликларга киритилган машхур “Ўзбегим” қасидаси илк бор чоп этилганда анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган, шоирга турли тазйиқлар кучайган эди. Миллий туйғу теран акс этган асарларни шўро мафқураси ҳазм қилолмасди.

Ўша кезлар Эркин акани юқори идорада ишлайдиган бир амалдор хузурига чақиртиради. Қасидани синчиклаб ўқигани, хатоси йўклиги, фақат маромига етказиш учун яна озгина қўшимча байт қўшиш лозимлигини айтади. Ўзбек халқининг Октябрь инқилоби туфайли озодликка эришгани, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами ҳақида жўшиб-тошиб гапираркан, қасидада шу нарсалар албатта акс этиши лозимлигини уқтиради. Шоир ноилож “ҳаракат қиламан” дейди. Хайрлашаётганда раҳбар яна кўрсатма беради: “Сизга лўнда қилиб тунтирдим. Қофиясини ўзингиз топасиз!”

Орадан бир неча йил ўтгач, бир куни Эркин ака ўша раҳбар билан учрашиб қолади. Амалдор иддао билан шоирнинг ваъ-

дасини эслатади. Шоир “эгри қозикқа эгри тўқмоқ” қабилида жавоб қилади:

– Қофиясини тополмадим...

“Ҳали шеър ҳам ёзасизми?”

Ўтган асрда айрим раҳбарлар шеър ёзадиган одамга қандайдир ишончсизлик ва истехзо билан қарашган. Эркин ака шундай раҳбарлар билан кўп тўқнашган.

Кунлардан бир куни Эркин акани ўртача лавозимга тайинлаш учун кўрсатма берилади. Хужжатлари минг бир чиғириқдан ўтказилади. Ўша кезлар тартиб-интизом шундай эди. Юқори идора мансабдори Эркин аканинг таржимаи холини ўқиб, шундай иддао қилади:

– Мен сизни жиддий одам деб ўйласам, ҳали шеър ҳам ёзасизми?..

Шоирнинг эътирофича, “Бундай тушунча ҳамон йўқолмаган кўринади”,..

Етмиш йиллик очлик

Эркин ака 1980 йиллар охири океан ортига сафар қилганида америкалик ўзбеклар уни жуда яхши кутиб олишади. Диккатга сазовор жойларни кўрсатишади, таниқли одамлар билан таништиришади. Ўша маҳалда америкалик машҳур олим, доктор Хайдер Ок уй рўпарасида ҳукумат сиёсатига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилган, бу воқеа бутун дунёда анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Бир гурунгда Эркин ака ватандошларидан сўрайди:

– Жаноб Хайдер шунча вақтдан буён очликка қандоқ чидаётган экан? Ёши ҳам бир жойга бориб қолибди.

– У овқат емайди, фақат нон ва сув билан тирикчилик қилади, холос, – деб жавоб қилишади мезбонлар.

– Э-ҳа, шуми ҳали очлик дегани? – дея ҳайратланибди Эркин Воҳидов. – Унда бизнинг ўзбек халқи етмиш йилдан буён очлик эълон қилган экан-да.

Телеграмма

Эркин Воҳидов бир гуруҳ ижодкорлар билан денгиз орқали хориж саёҳатига чиқади. Бир куни кутилмаганда қаттиқ бўрон кўтарилади. Ўркач-ўркач улкан тўлқинлар кемани аёвсиз чайқатиб, бамисоли гугурт чўпидай ўйнатади. Анча-мунча дунё кўрган тажрибали сайёҳлар ҳам пилдирпис бўлиб, ин-инига – каюталарига уриб кетишади. Шоирларни-ку айтмаса ҳам бўлади... Боёқишлар дунё кўзларига тор кўриниб, кўнгиллари айнийди, тинимсиз қайт қилишади. Шундай қисталанг пайтда ногоҳ радиокарнайдан хитоб янграйди: “Ўзбекистонлик Воҳидов, сизга телеграмма бор. Келиб олинг!”

Шу тобда дунё кўзига тор кўриниб турган шоир баттар гашланади. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, дея ноилож айтилган жойга жўнайди. Тўлқин баттар кучайган, палубада фақат эмаклаб юриш мумкин эди. Кўнгли беҳузур бўлиб, оёқда зўрға турган Эркин ака минг машаққат билан, бир амаллаб айтилган жойга бориб, шошилиночномани олади. Унда ўғли шундай сўзларни битган экан: “Адажон, жинси шим сотиб олдим, сиз овора бўлиб юрманг”.

Энг тотли газак

Эркин Воҳидов нашриётда хизмат қилиб юрган, айти навқиронлик йиллари гоҳо ишдан кейин дилтортар дўстлар билан озроқ улфатчилик қилиб, кўнгил чигилини ёзадиган одати ҳам бор эди. Бир куни эрталаб ишга жўнаётганида хотини уйга меҳмон келажагини, бозордан сабзи олиш лозимлигини айтиб, кўлига рўзғор халтасини тутказади.

Шоир ишдан кейин муҳим топшириқни бажариш учун ёнига яқин дўсти, шоир Тўлқинни олиб, Чорсу бозорига жўнайди. Обдан танланган, сархил сабзилар кўм-кўк барглари билан халтага солинади. Кейин улфатлар муваффақиятли уддаланган топшириқни ювиш учун битга ароқ олиб, чойхонага киришади. Сал панароққа, сўрининг бир четига омонатгина ўтиришади-ю улфатчиликни бошлашади. “Закуска” кидириб ўтиришмайди – шундоқ энгашиб, халтадаги сабзининг “кулоғи”дан тортиб, газак килаверишади...

Уйга енгилгина чайқалиб, андак ширин бўлиб қайтган шоир халтани эгасига топширади. Хаял ўтмай ошхонадан уй бекасининг хитоби эшитилади:

– Вой дадаси, нима олиб келдингиз ўзи?

– Нима бўларди – сабзи-да!

– Ахир бу ерда биттаям сабзи йўқ-ку! Ҳаммаси кўм-кўк барг...

– Э-э, шунақами... – шоир чойхонадаги улфатчиликни эслаб, миқ этолмай қолади.

Ишқибозлик

Эркин Воҳидов фақат шоирлиги билангина эмас, шахматга ишқибозлиги билан ҳам машҳур. Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида ўтказиладиган анъанавий шахмат мусобақасида кетма-кет икки марта биринчи ўринни олган. Шоирнинг якин жўраларидан бири, ҳаваскор шоир ва моҳир шифокор Иброҳим Мусаевнинг (*Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин*) ҳикоя қилишича, кунлардан бир кун водийдан Эркин аканинг муҳлислари келиб, шоирнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун чойхонада кўлбола палов қилишади. Шоирни бошлаб келиш, табиий, Иброҳим акага топширилади. Эркин ака илтимосни эшитгач, ўта муҳим ишлари борлигини айтиб, узр сўрайди.

– Меҳмонлар узокдан, атай сизни деб келишган, лоақал беш дақиқага бориб, салом-алик қилиб қўйинг ҳеч бўлмаса, – дея Иброҳим ака илтимос қилади.

Шоир ноилож йўлга чиқади. Чойхонада меҳмонлар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, узр айтиб, кетмоққа чоғланаётганда шундоқ кўрпачанинг бир четида сочилиб ётган шахмат доналарига кўзи тушиб қолади.

– Ие, шахмат бор экан-ку! – дейди шоир жонланиб.

– Ҳа энди, ўзимизча эрмак қилиб ўтирувдик-да, – дейди меҳмонлардан бири ийманибгина.

– Қани, биз ҳам бир эрмак қилайлик-чи, – дейди шоир шахмат доналарини аста олдиға суриб.

Рақиб ҳам тайёр экан, жанг қизиб кетади. Шу ўтиришганча беш дақиқа эмас, беш соатдан зиёд вақтнинг қандай ўтиб кетгани сезилмайди. Окшом чўкиб, чироқ ёқилади. Уйига кетолмаётган чойхоначи безовталанади. Шоирнинг зарур иши ҳам

аллақачон эсидан чиқиб кетади. Ишқибозлик шу даражада эди-да!...

...Эркин ака ана ўша кадрдони Иброҳим аканинг шахмат ўйнашини билмас экан, ногоҳ бир куни ўзаро дона суриб қолишади-ю ютқазиб кўяди. Табиатан ўта назокатли, олийҳиммат бўлган Иброҳим ака узоқ вақтгача Эркин аканинг кўзига кўринолмай юради. Ахийри бир куни телефонда гаплашиб қолишади.

– Иброҳимжон, нега кўринмайсиз? – деб сўрайди шоир.

– Ҳа энди, ўша оламшумул воқеадан кейин... хижолат-даман-да, – Иброҳим ака тағдор жавоб қилади.

– Ўтмас пичоқ қўл кесар деб шуни айтадилар-да! – дейди аламзада шоир. Икковлон самимий мириқиб кулишади.

Чемпионга ўргатади

Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритганда юртимизда чинакам байрам бўлади. Бу нуфузли унвон ўз Ватани – Шарққа (*шахмат Шарқда кашф этилган!*) қайтарилади. Бу оламшумул ғалабага бағишлаб юртга ош тортилади. Рустам ўша мусобақа ҳақида мароқ билан сўзлаб беради. Шунда устоз Озод Шарафиддинов кутилмаганда чемпионга иддао қилиб қолади.

– Топалов билан ўйнаётганинда жуда зўр комбинация бор эди-ку! Нега шундай имкониятдан фойдаланмадинг?

– Мен бунда ютукни кўрмадим, – дейди Рустам тортиниб-гина.

Гаройиб суҳбатга кулимсираб кулоқ солиб турган Эркин ака шундай лутф қилади:

– Озод ака! Рустам ҳали ёш, келажаги олдинда. У сиз билган шахматни қаёқдан билсин? Энди ўзингиз ўргатасиз-да!

Устоз номидаги қишлоқ

Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий шахмат мусобақасида устоз Озод Шарафиддинов ҳамиша фаол қатнашар, шогирдлару мухлис-ларнинг диққат марказида бўлиб, даврага файз киритиб ўтирар

эди. Рустам Қосимжонов чемпион бўлган йили ўтказилган мусобақада ҳам шундай бўлди. Анжуманга ташриф буюрган Бўстонлиқ тумани ҳокими кўплаб адабиётчи кадрлар етиштиргани ва ёш ижодкорларга устозлик қилгани учун Озод акага алоҳида миннатдорчилик билдиради.

– Эҳ, бунақа савоб ишларни қиламан деб бошимда сочим қолмади-ку! – Озод ака гапни ҳазилга буради.

Шунда Эркин ака устознинг сочлари тўкилган бошига қулимсираб қараб, шундай дейди:

– Озод ака, дарҳақиқат, Тошкент вилоятига хизматингиз катта. Одамлар сочи тўкилган азиз бошингизни эъзозлаб, энг чиройли кишлоқларидан бирини Озодбош деб аташган!

Майда иш

Авжи баҳор фасли бир гуруҳ ёзувчилар – Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Носир Фозиловлар Фарғона сафарига отланишади. Улар машҳур адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловнинг таваллуд тўйига кетишаётганди. Довондан ўтишаётганда теваарак-атрофнинг гўзаллигидан завқланиб, бир лахза тўхташади. Кейинроқ, Қўқон йўлига чиқишганда атрофдаги лолакизғалдоқларнинг қийғос очилиб, оловдай товланиб турганини кўрган Саид Аҳмад Эркин акага гап қотади:

– Буни қара-я, Эркин! Оллоҳ буларни битта-битталаб бўяб кўярмикин-а?

– Шунақа бўлса керак, лекин бу жудаям майда иш-да! – дея жавоб қилади Эркин ака.

Кал... иш қидиряпти

Бир зиёфатда даврани бошқариб бораётган тепакал одамнинг сергаплигидан ҳамма безор бўлади. Гапга андармон бўлиб, меъёрни, хатто оддий одобни ҳам унутиб қўяётган бу эзма одам ўзи сўз берган меҳмонларнинг гапини ҳам тап тортмай бўлаверади. Ниҳоят, сўз навбати машҳур шоир Эркин Воҳидовга берилади. Ҳамма “Хайрият, энди анави эзма сал тийилса керак”, дея енгил нафас олади. Аммо раис Эркин аканинг ҳам сўзини бир эмас, уч марта бўлиб қўяди. Бу ҳолга шоирнинг садокатли мухлисларидан бири – моҳир шифокор, ҳаваскор шоир Иброҳим ака чидай олмайди.

– Энди бўлмади, сизни соқийликдан бўшатамиз! – дейди у ҳазиломуз.

– Нега... б-бўшатасиз?

– Бу ёғини ИШКАЛ қилиб қўйганингиз учун... бўшатамизда, – Иброҳим ака “эзмалигингиз учун” деёлмай, раиснинг тепакал бошига ишора қилиб, аския қилади.

– Оёқ кийимингизни ишончлироқ жойга қўйганмисиз ишқилиб? – Эркин ака кутилмаганда раисга юзланиб, сўрайди.

– Ҳа энди... нима эди? – иккиёклама сиқувдан гарангсиб, нимкосани илғай олмаётган соқий талмовсирайди.

– Ташқарига чиқиб тополмай қолсангиз, одамлар сизни Кал... иш қидиряпти деб ўйлашлари мумкин-да?

Раиснинг зўри

Халқ ёзувчиларидан бирининг юбилей зиёфатида кайфи ошиброқ қолган таниқли шоир хархаша қилиб, кечага мен раисман дея микрофонни кўлига олиб, ҳеч кимга гап бермайди. Асов тойдек гижинглаб, олдидан келганни “тишлаб”, орқадан келганни “тепиб” дегандек, ҳамманинг асабини эговлайверади. Ҳеч кимнинг гапи кор қилмайди. Ахийри Эркин ака бир амаллаб унинг кўлидан микрофонни олади-ю шундай дейди:

*Раиснинг зўри –
Ҳамманинг шўри.*

“Вижир” баҳоси

Эркин Воҳидов Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётда шеърият бўлимини бошқараётган кезлар эди. Таҳририятда бир куни кутилмаган муаммо чиқиб қолади. Номдор шоирнинг чоп этиш мўлжалланаётган кўлёмасидаги шундай сатрлар муҳаррирнинг бошини қотиради:

*“Шифтда туриб
вижир,
вижир,
вижир,
вижир қилар қалдирғоч...”*

Мавжуд тартибга кўра, бўлинган бу сатрларнинг ҳар бирига бир сўм йигирма тийиндан қалам ҳақи тўланиши лозим эди. Мухаррир сатрларни таҳрир қилишга журъат қилолмас, агар шундай қилса, инжиқ муаллифдан балога қолишини яхши билар эди. Ходимлар ўзаро маслаҳатлашиб, бўлим мудирига мурожаат қилишади. Эркин ака масалани осонгина ҳал қилади:

– “Вижир”нинг ярмини олиб ташланг. Агар қалдирғоч ҳар бир “вижир”ига шунчадан пул тўланишини билганда уйини лойдан ясаб ўтирмасди...

Шукур шеър ўқиса

Ўтган асрнинг 50-60-йиллари ҳозирги Миллий университетда адабиёт тўғараги машғулоти жуда машҳур бўлган. Ҳозирги таниқли ижодкорларнинг кўпчилиги ана ўша муҳитда ўз қаламини қайраб, синаб кўрган. Кунлардан бир кун тўғаракнинг навбатдаги машғулотида Шукур Холмирзаев кимнингдир шеърини ўқийди. Шунда Эркин Воҳидов қўл кўтариб, ҳазиломуз эътироз билдиради:

- Энди бундан кейин шеърни Шукур ўқимасин!
- Нега?– ёш истеъдодлар хайрон бўлишади.
- Шукур ўқиганда оддий шеър ҳам классика бўлиб кетаркан.

Дарҳақиқат, ҳаваскорлар саҳнасида атоқли санъаткор Шукур Бурҳонов сахналаштирган “Гамлет” трагедиясида бош ролни қойилмақом қилиб ўйнаган Шукур ака шеърни ҳам зўр ўқир эди.

Энг янги гап

Эркин ака шифокор профессор Эркин Қосимов билан куда. Бир куни профессор уйида яқин қариндош-уруғлар иштирокида кичикрок тадбир ўтказди. Меҳмонлардан бири янглишиб, хотинига катта тоғорани кўтартириб шоир Эркин Воҳидовнинг уйига боришади. Дастурхон атрофида овқатланиб, гурунглашиб ўтиришади. Шунда гап орасида меҳмон мезбонга юзланиб, сўраб қолади:

– Энди янги гаплардан ҳам эшитайлик. Шоирлар ҳамма гапдан хабардор бўлишади. Оламда нима гап?

Эркин ака сочиқда оғиз-қўлини артиб, шошмасдан чой хўпларкан, мийиғида кулимсираб шундай дейди:

– Оламда энг янги гап шуки, базм нариги Эркинжонникида бўляпти.

Энг яхши ижрочи

Халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов адабиётга ёниб, довруқ солиб кириб келаётган кезлар эди. Кунлардан бир кун республика “Билимлар уйи”да шеърят кечаси бўлади. Ўшанда мухлислар ҳам шоирлар қатори ўзларига маъқул бўлган ижодкорларнинг шеърларидан ўкиб беришади. Кўпчилик Абдулла аканинг шеърларидан ўкиб берар, аммо шоирнинг ўзидай таъсирчан ўқий олмас, шу боис бундай чиқишлардан қаноат ҳосил қилиш қийин эди. Буни кечани олиб бораётган Эркин ака яхши илғаб ўтирган эди. У кечанихоясида ҳамманинг дилидаги гапни шундай чиройли лутф билан изҳор қилади:

– Энди сўз Абдулла Орипов шеърларининг энг яхши ижроси шоир Абдулла Ориповга!

Чемпион бўлса ўзига

Кунлардан бир кун Эркин ака Американинг Сиэтл шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашиб қолади. Ашаддий шахмат ишқибози, “Мен учун одамлар икки тоифага – шахматни биладиганлар ва билмайдиганларга бўлинади”, дея ҳазиллашиб кўядиган шоири замон бу тасодифдан суюниб кетади.

Эркин ака ўзбекистонлик киночилар Америкада суратга олаётган қандайдир бир фильмда иштирок этаётганди. Узаро маслаҳат билан Карповни ҳам фильмда суратга тушишга кўндиришади. Сценарийга киритилган ўзгаришга кўра, шахматчиларнинг дона суриши тарихий воқеа сифатида лентага муҳрланиши лозим эди.

Нихоят, кутилган ўша тарихий ўйин бошланади. Эркин ака ўз ҳаётида жуда кўп, турфа хил одамлар билан шахмат ўйнаган бўлса-да, бундай чўнг рақибга биринчи бор дуч келиши эди. Шу боис аввалига “Қани, неча юришгача дош бераркинман?”

дея енгил бир хаяжон билан ўйинни бошлайди. Дастлабки тўрт юришни қилгач, чемпионга секингина, аммо дадил таклиф қилади:

– Мен дурангга розиман!

Карпов ҳам худди шу таклифни кутиб тургандек, кулимсираб, дарҳол жавоб қилади:

– Мен аллақачон рози бўлганман!

Ракиблар бир-бирига қўл бергач, ҳамма уларни қарсақ чалиб олқишлайди. Шу маҳал Эркин аканинг мухлисларидан бири келиб, “Қойил! Чемпион билан дурангга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди”, дея шоирнинг қўлини сиқиб кўяди. Ёв қочса ботир кўпаяр – бошқа мухлисларнинг ҳам тили чиқиб қолади:

– Дурангга кўнмаганда ўзига қийин бўларди.

– Ўзиям зўрға турган экан, бир оғиз таклифга дарров хўп деворди-я...

Шунда Эркин аканинг ҳазил-лутфи ҳаммасидан ошиб тушади:

– Чемпионнинг бунчалик осон кўнишини билганимда биратўла “таслим бўлинг”, – дердим.

Шоирнинг кўчаси

Эркин ака бир куни кечки зиёфатдан уйига қайтаётиб таксига ўтиради. Йўл-йўлакай “Ўнгга юринг, энди чапга бурилинг”, дея ҳайдовчига манзилни тушунтириб боради. Ниҳоят, ўзи яшайдиган Хувайдо кўчасига бурилишганда ҳайдовчининг энсаси котиб, ёнидаги мижозга иддао қилади:

– Э-э, шунчалик бошимни котирмай, Эркин Воҳидовнинг кўчасида тураман десангиз бўлмасмиди?!

Эркин ака жилмайганча бош ирғаб, ноилож “айби”ни бўйнига олади.

Маслаҳат

Эркин Воҳидов дунё кезган, жаҳонгашта ижодкор. У жуда кўп таникли, машхур шахсларнинг суҳбатини олган, ибратли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган. Ўзаро гурунглашиб колганимизда шоир ўша хотираларидан хикоя қилиб берарди.

– Москвада чиқадиган “Юность” журнали бир замонлар жуда машҳур эди, – дейди бир куни Эркин ака. – Ёзувчи Валентин Катаев кўп йиллар журналга бош муҳаррир бўлган. Ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор. Кунлардан бир кун таҳририятга янги раҳбар тайинланади. Бу – уруш йиллари анча машҳур бўлган, мактаб дарсликларига киритилган “Чин инсон қиссаси” асарининг муаллифи Борис Полевой эди.

Янги раҳбар тажрибали, собиқ бош муҳаррирдан маслаҳат сўрайди:

– Энди бу ёғи қандоқ бўларкин? Нима қилишим керак?

Шунда Катаев ҳамкасбини ҳайрон қолдириб, шундай деган экан:

– Ижодий ходимларга халақит бермасанг бас, ҳаммаси жойида бўлади.

“Жойига қўйиб қўй”

Ўзаро суҳбатимизда Эркин ака асарларининг бошқа тилларга, жумладан, рус тилига таржимасидан қоникмаганлигини айтarkan, масалага аниқлик киритиб, шундай деган эди:

– Биз рус шеърятини жуда эрта англаб, тушунадиган бўлганмиз. Энди, яширишнинг ҳожати йўқ, илгари бошқа қардош шоирлар ижодига андак паст назар билан қаралган. Бунини энди очик айтиверсак бўлади. Масалан, бошқа шоирлар мен Есенин, Пушкинга берган меҳримнинг ўндан бирини ҳам бизнинг ижодимизга беролган эмас. Улар “подстрочник”, яъни сўзма-сўз таржимани олгану шундоқ қоғозга туширган. Шеърнинг руҳини, жозибасини беролмаган. Гоҳо улар шеърларимни русчага ўгириб, ўзимга ўқиб берсалар, мен юзаки таржимадан энсам котиб, “Дарҳол қайта ўзбекчага таржима қилиб, жойига қўйиб қўй” дея ҳазиллашардим.

Инглизча аския

Мустақилликдан илгари хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш жамиятининг бир гуруҳ фаоллари Америка Қўшма Штатларининг “Дўстлик – кудрат” ташкилоти даъвати билан океан ортига сафар қилишади. Делегация таркибида Эркин Воҳидов ҳам бор эди. Бу унинг АҚШга биринчи саёҳати эди.

– Ўша вақтда инглиз тилини яхши билмасдим, – дея хикоя қилади Эркин ака. – Делегациямиз таркибида менга ўхшаганлар кўп бўлгани учун бизга ҳамроҳлик қилаётган учтагина таржимон ўртада талаш эди. Газетага ахборот ёзишим кераклигини айтиб илтимос қилганим учун таржимонлардан бири менга биркитилди.

Биз Сиэтл шаҳрида Валерий Чкалов ёдгорлигини зиёрат қилиш учун мўъжазгина хусусий аэропортга бордик. Ўзбекистонлик сайёҳларни кўриб, атрофимизда ўша ерлик авиаспортчилар йиғила бошлашди. Улардан бири, шўхрок учувчи бўлса керак, менга қараб ўз тилида “Юр, сени спорт аэропланимда учираман” деди. Мен ўзим билган иккитагина инглизча сўзни ишлатиб, “No, I have children” – “Йўқ, менинг болаларим бор” дедим.

Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кейин билсам, мени тайёрасига таклиф этган йигит хатарли машқлари, осмондаги чирпирак ўйинлари билан машҳур экан. Мен уни танигандек жавоб қайтарибман. Дўстлари “Ана, сенинг доврўинг Ўзбекистонгача етибди” дея хандон уришган экан. Мен эсам “Нима деб кўйдиму, нега бунақа қаҳқаҳа кўтарилди” – билолмай ҳайрон эдим.

Ўша бир оғиз билар-билмас айтилган гапнинг натижаси шу бўлдики, делегациямиз раҳбари менга қараб жиддий оҳангда шундай деди: “Бугундан бошлаб сизга таржимон йўқ. Инглиз тилида бемалол аския қиласиз, америкаликларнинг ичагини узасиз, яна тил билмайман дейсиз. Қўйинг-е!”

“Ўз тилим – ўз душманим” деб бежиз айтмаганлар. Ўшанда бир марта маҳмадоналик қилганим учун икки ҳафта тилмочсиз, имо-ишорага куним қолган.

Тухум ва кулги

Даврада ҳазил-мутойиба, қаҳқаҳа қизигандан қизиб борарди. Латифа хангомага, аския кочирим-шумликларга уланиб кетади.

– Кулги кўп яхши нарсада, – дейди кимдир кулгидан ёшланган кўзларини ишкалаб.

– Ҳа, битта кулги тўртта тухумнинг қувватини бераркан!

Шу маҳал Эркин ака кулимсираб, шу лаҳзанинг ўзидаёқ ҳазил шеър тўқийди:

*Бир кулгида тўрт тухум –
Куввати бор, биласан.
Тухум е, ўша муҳим,
Кулиб нима қиласан?*

*Кулгу – кулгу, ҳарқалай,
Тухум – тухум, ҳар ҳолда.
Товуқдек қақоқламай
Тухум еб қўя қолда.*

*Ҳазил, аския нима?
Тухумингни уравер.
Ҳамма кулса, сен кулма,
Бақрайганча туравер.*

Ҳаммамиз қарсақ чалиб, ҳозиржавоб шоирни олқишладик.

Фузулий кимники?

Эркин ака Болгарияда ўтказилаётган бир адабий анжуманда катнашаётган эди. Тадбир сўнгида зиёфат бўлади. У ерга Эркин ака ҳам озарбайжонлик ҳамроҳи билан боради. Адабиёт, шеърят ҳақидаги гурунг қизигандан қизийди. Гап айланиб келиб машҳур шоир Фузулийга тақалади. Шунда ногоҳ “Фузулий асли кимнинг шоири?” дея баҳслашиб қолишади. Туркиялик меҳмон “У бизнинг шоир!” дея Фузулий ғазалларидан ўқийди. Озарбайжонлик шоир ҳам қараб турмайди.

Ёшлигидан Фузулийга катта ихлос қўйган, буюк шоир ижодини яхши билган, кўплаб ғазалларини ёд олган Эркин ака ҳам беихтиёр баҳсга қўшилади. Бир соат мобайнида тинимсиз Фузулий ғазалларини ёддан ўқийверади. Бундан қойил қолган ҳамсухбатлар қўлларини кўтариб, ахийри тан беришади:

– Э, бўлди, бўлди, Фузулий сизларники экан!..

Ўрик қани?

Эркин ака гоҳо ижодкор дўстларига ҳадди сиғиб, кутилмаган, ғаройиб ҳазиллар қилар, кейинчалик бу хангомалар оғиздан-оғизга ўтиб юрар эди. Кунлардан бир кун шоир қиз узатганда эл удумини қилиб, наҳорда ош беради. Яқин қариндошлар, ёру биродарлар тонг саҳардан қўл қовуштириб, хизматда бўладилар. Улар орасида Эркин аканинг ихлос қўйган яқин укахони, Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳам бор эди. У эрталаб ҳаммадан олдин келиб, мўмайгина тўёна бериб қўйганди.

Оқшомги базмга Ўткир ака аёли Ўлмасхон опа билан келганда Эркин ака иддао билан гап қотади:

– Ўткиржон, эрталабки ошда кўринмадингиз?

Ўткир ака хайратдан лол қолади. Ранги ўзгариб, талмовсирайди.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз? Эрталаб келдим, мана шу ерда – ўрикнинг остида кўришдик-ку?!

– Қайси ўрик? Қанақа ўрик? – Эркин ака хайрон бўлгандай атрофга аланглайди.

Ўткир ака ўша ўрикни кўрсатмоқчи бўлиб қўлини кўтарганча котиб қолади. Тўёнага ягона гувоҳ – тарвақайлаб кетган ўрик дарахти кесиб ташланганди.

Эркин ака “зуғум”ни кучайтиради:

– Саид Аҳмад ака, Озод акалар ҳам сизни йўқлашди, келмаганингиздан хавотирландик-да, майли, соғ-саломат экансиз...

Боёкиш Ўткир ака гарангсиб қолади. Бунақа ҳазилни тасавурига сиғдиrolмаган хотини ҳам ярасига туз сепади:

– Одамни шарманда қилдингиз, дадаси. Эрталаб ошга бораман дегандингиз-ку?!

Бу орада олдиндан “пишитиб” қўйилган таникли адиблар ва шоирлар бирин-кетин келиб, Ўткир акадан ҳол сўрашар, эрталаб кўринмаганини ҳам таъкидлашар эди. Кўпчиликка қарши бир нарса дейиш қийин. Ғаройиб ҳазилнинг оқибати шу бўлдики, Ўткир ака ахийри Эркин аканинг олдига келиб кечирим сўрайди ва қайтадан тўёна беради. Бу гал энди оқ қоғозга хафсала билан ўралган тўёнага кўрга ҳассадек қилиб “Ўткир

катта опаси жиддий қаршилик қилган. Кейинчалик, икки ёш турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб, яхши яшаб кетишгандан кейин ўша опа шоирдан шундай кечирим сўраган экан:

– Мени кечиринг, синглимни шунчалик бахтли қилишингизни билмаган эканман.

Ҳозиржавоб шоир қайнэгачи билан жиддий туриб ҳазиллашади:

– Ўшанда янада қаттиқроқ турмаган экансиз-да!

Устозга ҳазил

Эркин Воҳидов яхши устозга ёлчиган, бахтли ижодкор. Жуда кўп истеъдодларнинг бошини силаб, адабиётга олиб кирган раҳматли устоз Озод Шарафиддинов Эркин аканинг 1961 йили чоп этилган биринчи китоби – “Тонг нафаси”га “Талант ва масъулият” деган мазмунли тақриз ёзади. Янгича, теран ва дадил фикрлари билан танилган, Абдулла Қаҳҳор мактабининг пешқадам вакиллари билан бўлган ёш мунаққиднинг ушбу мақоласи ҳам тилга тушади.

Йиллар ўтгач, устоз-шогирдлик макоми чинакам дўстликка, маслакдошликка айланади. Кези келганда энди шогирд бемалол устози билан ҳазиллашар, шахматда ҳам бўш келмас эди. Аммо устоз ҳамиша устоз макомида бўлган.

Эркин ака жуда кўп тенгдошлари, ҳамкасблари ва устозларига ҳазил шеърлар битган. Устоз Озод акага бағишланган шундай бир ҳазили машҳурдир:

*Шеър ёзганда юрак сўзидан
Бошқа сўзни уққан эмасмиз.
Нозирларнинг қаттол кўзидан,
Ғазабидан қўрққан эмасмиз.*

*Фақат шеър росмона тиниб
Етилмаса, хом чиқса бехос,
Устоз Озод Шарафиддинов
Қовогидан қўрққанмиз, холос.*

“Местком бор, комсомол бор!”

Эркин Воҳидовлар авлоди адабиётга кириб келган даврда интим лирикада ижод қиладиган шоирларга муносабат яхши бўлмаган, уларга шубҳа, ишончсизлик билан қаралган. Қизил мафкура мадҳ этилган, партия, социализм ғоялари улуғланган асарлар мақталарди. Замона зайли билан Эркин аканинг асарлари бундай талабга зид келиб қолади. Унинг ижоди танқидга учрайди. Масалан, “Ғунча” ғазали, “Фузулий ҳайкали қошида” каби шеърларига тош отилади. Оқсоқол адиблардан бири мажлисда сўзга чиқиб, “Биз талантли шоиримизни Бокуга бориб, бунёдкор нефтчилар ҳақида зўр бир асар ёзиб келади деб умид қилувдик, афсуски, у бутунлай бошқача бир асар битибди...”

Ассосиз танқидларга чидолмаган шоир ахийри ўрнидан туриб, эътироз билдиради:

– Ахир бутун Шарқ газалиёти муҳаббат лирикасидан иборат-ку! Ишқ бор жойда ҳижрон, изтироб-аламлар бўлади...

Шу лаҳза ёзувчилар уюшмаси партия ташкилотининг секретари ўрнидан туриб, лўқма ташлайди:

– Бизнинг юртда айрилиқ, ғам-алам бўлмайди. Местком бор, комсомол бор!

“Палаткада ёза қолай!”

Эркин аканинг 1966 йилги Тошкент зилзиласига бағишланган “Палаткада ёзилган дoston” асари тилга тушиб, тез орада машҳур бўлиб кетади. Адабий танқидчилик асарни юқори баҳолайди.

Ўша даврда махсус “Зилзила жамғармаси” тузилганди. Мутасаддилар шоирдан дostonнинг қалам ҳақини ўша жамғармага ўтказинг дея даъват қилишади. Эркин ака ўша кезларда иморат қураётгани боис камхаржликдан қийналиброқ юрганди. Кутилмаган таклифга жавобан кулимсираб шундай дейди:

– Ундай бўлса, кейинги дostonимни ҳам палаткада ёзарканман-да!

Ҳазилнинг фойдаси тегиб, шоирни ўз холига қўйишади.

Соч нега тўкилади?

Ўзидан яхши ном қолдирган адабиётшунос олим Раҳматулла Иноғомов Эркин аканинг энг яқин дўсти эди. Улар шахматда бир-бирларига ашаддий рақиб эдилар.

– Раҳматулла иккимизнинг ҳам сочимиз анча-мунча тўкилиб кетганди, – дея ҳикоя қилганди Эркин ака. – Меники – пешонамнинг икки чеккасидан, Раҳматулланики эса бошининг орқасидан тўкилганди. Бир куни шахмат ўйнаётганимизда Раҳматулла бунинг сабабини сўраб қолди. Мен унга шундай жавоб қилдим:

– Шахмат ўйнаётганимизда мен пешонамнинг икки четини ушлаб, обдан ўйлаб ўйнардим, сиз қовун тушириб бўлиб, бошингизнинг орқасини қашлаб қолардингиз! Энди тушунарлими?..

Дуранг ва шеър

Эркин ака бўш қолди дегунча кадрдони Раҳматулла ака билан шахмат ўйнар, бу қадимий ўйиндан чексиз завқ-шавқ туяр эди. Улар билан боғлиқ шахмат хангомаларининг ўзи алоҳида мавзу, алоҳида китоб. Мана, шулардан яна бир шингил:

Кунлардан бир кун Эркин аканинг Себзордаги эски хавлисига Раҳматулла ака кириб келади. Салом-алиқдан кейин дарҳол шахматга мукка тушадилар. Шу маҳал кўча дарвозадан кимдир Эркин акани чақириб қолади. Шоир “Ҳозир келаман” дея кўчага чиқиб кетганча сал хаяллаб қолади. Дўстини кутиб зериккан меҳмон Эркин аканинг 9 ёшли жияни Анварни ўйинга чорлайди. Улар энди икки-уч юриш қилишганда Эркин ака қайтиб келиб ўйинни давом эттиради. Бу ўйин дуранг натижа билан тугайди. Эркин ака “Ўзим ўйнаганимда албатта ютардим” дейди. Меҳмон эса бу фикрга қўшилмайди. Бу хангома илҳомга туртки бўлди чоғи, Эркин ака куйидаги ҳазил шеърни ёзиб, Раҳматулла акага ўқиб беради:

*Ҳар киши шахматга бундоқ зору шайдо бўлмасин,
Енгилиб ҳар кимсадан кўп, хору расво бўлмасин.
Кечалар минг турли шахмат китобини ўқиб,
Тахта устида амал қилмовчи мулло бўлмасин.*

*Кичкина Анвар билан қилган дурангин мақтаниб,
Ҳар замон дўстлар ичида суҳбатаро бўлмасин.
Майли бўлсин минг қолоқ, минг наст ўйинчи бас ва лек,
Қолса ҳам енгдим дегувчи Раҳматулло бўлмасин.*

“Соқов”ни ютганмиш...

Ўтган асрнинг 60–70-йиллари ўша машҳур “Навоий – 30” нинг ёнидаги Маҳмуд мўйловнинг чойхонаси, ундаги лаззатли лағмон жуда машҳур эди. Чойхонанинг шундоқкина ёнида карсоқовларнинг корхонаси бўларди. Улар орасида ҳам уста шахматчилар бор эди. Бир куни Эркин ака чойхонага кирса, корхона ишчиларидан бир гуруҳи миқ этмай тахтага энгашганча дона суришаётган экан. Ҳамма рақибларини ютаётган шахматчи навбат кутиб турган Эркин акага ишора қилиб ўйинга чорлайди. У ростдан ҳам зўр ўйнар экан, Эркин акадай тажрибали шахматчини ҳаш-паш дегунча бир неча марта мағлубиятга учратади.

Не ажабки, Эркин ака эртаси куни тушликда чойхонага чиқса, ўша кечаги “соқов” шахматчи даврани кулдириб, аския айтаётганмиш. У Эркин акага кўзи тушгач, ёнидагиларга шоирни кўрсатиб, шундай дермиш:

– Кеча мен мана бу соқовни роса ютдим!..

Байрамлар

Кунлардан бир кун газета мухбири Эркин акадан сўраб колди:

– Устоз! Байрамларга муносабатингиз қандай? Оилангизда қайси байрам қадрлироқ ҳисобланади?

– Оиламизда ҳар якшанба куни икки марта байрам бўлади, – дейди шоир кулимсираб.

– Йўғ-э, шунақаси ҳам бўларканми? – мухбир талмовсирайди.

– Ҳар якшанба куни ширин-шакар набиралар тўпланганда хурсанд бўлиб, байрам қиламиз. Орадан бирон соат ўтар-ўтмас уларнинг қий-чув тўполонидан безор бўламиз. Оқшом чўкиб, набиралар билан хайрлашаётганимизда енгил тортиб, яна бир карра байрам қиламиз.

“Сиз қийналманг, дейман-да!”

Ўткир Ҳошимов ҳикояси

Кунлардан бир кун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов яқин кадрдони Эркин акадан шундай маслаҳат сўрайди:

– Биринчи ҳикоям чиққанига қирқ йил тўларкан. Шунини дўст-биродарлар билан нишонласам дегандим. Нима дейсиз?

– Жуда яхши ўйлабсиз, Ўткиржон! – дея астойдил маъқуллайди Эркин ака. – Бундай воқеани албатта нишонлаш керак. Яқинда бир зиёфатда бўлувдим. Меҳмонларга ўн етти хил овқат тортилди. Сиз ўзингизни қийнаб ўтирманг, ортиқча исрофгарчиликнинг ҳожати йўқ, ўн хил овқат қилсангиз кифоя. Айримларга ўхшаб иккита қўй сўйиб ўтирманг, биттасиям етади. Эллик килолик қора кўчқор олсангиз яхши бўлади. Икраниям қора, кизил қилиб ўтирманг, биттасини ола қолинг. Сиз қийналманг дейман-да! “Сомсанинг додаси” деган рекламаларга алданманг, ўзимизнинг пармуда сомсалар яхши. Айтгандай, янгича удум бўлган ноёб таомдан хабарингиз борми? Арабча ковордоқ дейилади. Беш ойлик тўқли кўзичоқнинг коворғасидан қилинади. Шуюм эсдан чиқмасин. Дарвоқе, энг муҳим масалани унутаёзибмиз-ку! Мабодо туя сўйсангиз ҳам дастурхоннинг кўрки – ичкиликни жойига қўёлмасангиз ютқизасиз! Ҳа, ҳа! Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, биласиз – ичмайман.

– Хўш, қанча олсам бўлади?

– Бир яшиқ тоза ароқ, яна бир яшиқ коньяк олсангиз етиб қолар. Ортиқчаси керак эмас. Сиз қийналиб қолманг, дейман-да! Дарвоқе, харажатларни ёзиб оляпсизми? Эсдан чиқмайдими?

– Чиқмайди, – дейди Ўткир ака йиғлагудек бўлиб. – Бунақа гапларни унутиб бўларканми? Минг раҳмат сизга! Бунча меҳрибонсиз!

– Сиз қийналманг, дейман-да! Хўш, яна нималар қолди... Ҳа, дарвоқе, мева-чевалар... хандон писта, бодом, нўхат, космонавтлар ейдиган майиз... Ёзьяпсизми?

– Ҳмм, ёзьяпман. Ҳалиги... меҳмонлар тарқалаётганда елкасига тўн ҳам ёпайми?

– Тўн шарт эмас, модадан қолган. Сиз яхшиси костюм-шим кийдилинг. Бозордан улгуржисига савдолашсангиз, ҳар бирини бемалол беш юз доллардан оласиз. От билан туя бўлармиди.

– Мабодо зиёфатдан беш-ўн сўм ортиб қолса, ўшанга арқон берармикин?

– Албатта беради! Ҳозир нима кўп – хўжалик дўкони кўп. Арқоннинг пишиғидан олинг. Жудаям узун бўлиши шарт эмас, одамнинг оёғи ерга тегиб қолиши мумкин. Аммо бу ишни сал кечиктириб турасиз. Асарингиз чиққанини яна уч марта нишонласангиз, арқонни меҳмонларнинг ўзлари олиб боради...

Гўшт ўрнига

Эркин ака бир гал водийга борганда чойхонада ошхўрлик бўлади. Ош охирлай бошлаганда тагида анчаси ортиб қолади. Водийча “Олинг-олинг” бошланади. Ош барибир тугамайди. Шунда раҳматли адиб Йўлдош Сулаймон енг шимариб, меҳмонларга ошата бошлайди.

– Эҳ, гўшт тугаб қолди-да, ҳай майли! – дея ошни ёш боланинг калласидек қилиб ийлашга тушади.

Эркин ака жиккаккина Азиз акага (*раҳматли шоир Азиз Абдураззоқ – Ш.О.*) караб, шундай ҳазил қилади:

– Йўлдошали, гўшт ўрнига Азиз акани чўнқайтириб ўтказиб қўя қолинг!

Ўзбекнинг одати

Кунлардан бир кун Эркин ака тонг сахарда бир тўйхонага ошга боради. Мундоқ караса, атрофдагилар ҳаммаси бегона, биронта таниш-билиш кўринмайди. Эркин ака янглишиб бошқа тўйнинг ошига бориб қолганини пайқайди. Шоша-пиша қўлини артиб, секин ташқарига чиқади. Энди кетмоқчи бўлиб турганда тўй соҳиби кучоғини очиб, суюкли шоирни бағрига тортади.

– Эркин ака! Тўйимизга ташриф буюриб, бизни кўп хурсанд қилдингиз! Катта раҳмат! Сира унутмаймиз! Энди шу арзимас совғамизни қабул қилинг!

Шоирнинг елкасига зар чопон ёпилади. Атрофдагилар карсак чалиб, қутлашади. Боягина хижолат тортиб турган шоир

шундай халкнинг фарзанди эканидан яна бир карра кўнглида чексиз ғурур-ифтихор туяди.

Ҳа, фақат ўзбеккина шундай меҳр-саховат кўрсатиши мумкин...

Танқид ва зиёфат

Бир куни Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиб Дадахон Нурийнинг янги асари муҳокама қилинади. Сўзга чикувчилар асарнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирадilar. Устоз Эркин Воҳидов асар қайта ишланганда муаллифга асқотар дея кўпроқ камчиликлар ҳақида гапиради.

Муҳокама ниҳоясида иштирокчилар ташқарида бир пиёла чойга таклиф этилади. Шунда Эркин ака лукма ташлайди:

– Танқид қилганлар ҳам зиёфатга борса бўлаверадими?

Сўна ўзидан кўрсин

Мустақилликдан илгари ўзганлик машхур Одил полвон бир гуруҳ таниқли ижодкорлар – Эркин Воҳидов, Восит Саъдулла, Турсунбой Адашбоевларни дам олиш учун Қирғизистонга чорлайди. Меҳмонлар Ясси дарёси соҳилида ҳордиқ чиқаришади. Атроф манзара ниҳоятда гўзал, яйловда отлар ўтлаб юрган эди.

Кимдир Восит акани огоҳлантириб, шундай дейди:

– Восит ака, ҳушёр бўлинг, от бор жойда сўна ҳам бўлади, яна чақиб олмасин!

– Мен сўнадан кўркмайман! – дейди Восит ака парво қилмай.

Шунда Эркин ака Восит аканинг пайти келганда ҳеч кимни аяб ўтирмайдиган нордонгина тилига ишора қилиб, ҳазил қилади:

– Восит акани чакқан сўна шу захоти тил тортмай ўлади!
Меҳмонлар мириқиб қулишади.

Дастхат

Умрида бировга дастхат ёзмаган ижодкор бўлмайди. Аксарият дастхатларда “Ҳурматли фалончига фалончидан самимий тилаклар билан...” деган ҳаммага маълум, сийқа сўзлар бити-

лади. Топқирлик билан айтилган, китобхонга завқ берадиган дастхатлар камдан-кам учрайди.

Эркин ака ёзган дастхатлар эса самимийлиги, қисқа ва лўндалиги, ҳазил-мутойибага йўғрилгани билан ажралиб туради.

Кунлардан бир кун Эркин ака яқин дўсти, шахматдаги доимий рақиби Раҳматилла Иноғомовга (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) совға қилган шахмат тахтасига шундай дастхат битади:

*Шахматни билган Раҳматга шахмат,
Бизни дўст қилган шахматга раҳмат.*

Ҳазил шеърлар устаси

Эркин аканинг шахматдаги маҳорати ҳам ижодига менгзагудек – анча баланд! Ёзувчилар ўртасида ўтказилган шахмат мусобақасида кўпинча биринчи ўринни олиши ҳам бежиз эмас. Мабодо ижодкорлар ўртасида ҳазил шеърлар ёзиш бўйича ҳам махсус мусобақа ўтказиладиган бўлса, Эркин ака бу борада ҳам биринчи ўринни олиши шубҳасиз. Биз талабалик йиллари-мизда севимли шоиримизнинг лирик шеърлари қатори ҳазил шеърларини ҳам бир ўқишдаёқ ёд олиб, давраларда айтиб юрардик. Айниқса, унинг “Тиливузда вотти-вотти, Аста-секин йўқолвотти”, деган беғубор ҳазили шевалар ҳақида гап кетганда албатта тилга олинарди. “Шоир умри” номли машҳур пародиясини эса ёд билмаган мухлис йўқ эди.

Қуйида Эркин Воҳидов шеъриятининг муҳим фазилати бўлмиш ҳаётбахш, беғубор юмор ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш учун шоирнинг айрим ҳазил шеърларидан намуналар беришни лозим топдик.

Жон ширинми, қанд ширин?

Айтиш қийин, дўстим, дафъатан,

Ширинликда нима зиёда.

Гўдак учун она кўксидан

Ширин нарса йўқдир дунёда.

Йиллар ўтиб, ёшига монанд

Ўзгаради ҳар битта инсон.

Болаликда ширин бўлса қанд,

Қариганда ширин бўлар жон...

Қалам ҳақи ва ойлик

– Шоир, нега кўнмасдан
Шеърдан келган бойликка,
Эртаю кеч тинмасдан
Ишляяпсан ойликка?

– Чунки ойлик ҳамхона
Ёрдек содиқ ошнодир.
Қалам ҳақи – жонона
Қизлардек бевафодир.

“Садоқат”

Хотин дер: “Кўрқаман, бир замон эрим
Деган: – Эгри юрсанг жонинг оламан.
Ўттиз йил яшадик ўшандан бери,
Ҳар кун бир ўлимдан омон қоламан”

Амалдорнинг ўлимига

Дод, минг дод,
Мен йўқотдим азиз кишимни!
Ўлмай ўлгур,
Битирмасдан кетди ишимни!

Қисмат

Ширин бўлсанг, ялаб адо қилурлар,
Аччиқ бўлсанг талаб адо қилурлар.
Юрагингда оташ бўлса, беомон
Ўз ўтинга қалаб адо қилурлар.

Бизлар арра тортмоқдамиз

Бизлар арра тортмоқдамиз,
Аррамининг тиши йўқ.
Нега арранг тиши йўқ, деб
Сўрайдиган киши йўқ.

Чунки бизлар анойимас,
Пишиб кетган кўзимиз.
Арра тушган ўша шохда
Ўлтирибмиз ўзимиз.



Бу замон газали

Тиллашибдир бўри бирла тозилар,
Бирлашибдир ўғри бирла қозилар.

Не деб айтар ул баобрў анжуман?
Кўл кўтарсин ушбу ҳолга розилар.

Зўр баҳодирмиз, жасорат биздадир,
Пашиша қонин тўккан эй мард қозилар.

Биз чунон хизматга белни боғладик,
Борми ҳиммат ўлчагич тарозилар?

Бизга нелар дер халойиқ бу замон?
Нелар айтар келгуси ҳам мозилар?

Мен газал ёзмоқчи эдим, не қилай?
Бу замон тарихга шундоқ ёзилар.

Сирнинг қаноти

Сирни ёймоқ бўлсанг, бир оғиз сўз бас,
Радиода эълон қилиш шарт эмас.
Очмоқ ҳам керакмас интернетда сайт,
Ҳеч кимга айтма деб бир кишига айт.

Нарх-наво

Наво-қўшиқ, мусиқа, оҳанг,
Нарх маъноси баҳо бўлади.
Нархни кўриб ашула айтсанг,
Ўшанда нарх-наво бўлади.

Оғиз кўзлар

Кўзидан шикоят қилар қария:
Менга нима бўлди, ҳайронман ўзим.
Ҳов узоқда турган кулранг Нексия
Рақамини яхши илгамас кўзим”

Уни ўраб олган бир тўп ўгил-қиз
Хўрсиниб тинглашар чолнинг сўзини.
“Эй, отахон, – дерлар, – биз кўрмаямиз
Ўша Нексиянинг ҳатто ўзини”.

Кўлингни пардалар қилдинг...

Ёр юзини бир кўрмоққа зор,
Фарёд қилиб ўтди устозлар.
Замон ўзга энди, ўзга ёр,
На парда бор, на ишва-нозлар.

Мумтоз шоир қайтса тирилиб,
Ўзга байтлар айтиб кетарди.
Кўлни юзга пардалар қилиб,
Замонига қайтиб кетарди.

Карашма

Қиз боланинг рост гапи оздир,
Ёлгонлари бисёр, адашма.
“Тегманг менга”, дегани – ноздир,
“Нари туринг”, деса – карашма.

Ишва билан “Қуриб кетинг”, дер,
Кўнгилга ҳеч қаттиқ олмагин.
“Ўлинг” деса, яшнаб юравер,
“Қочинг” деса қочиб қолмагин.

Ҳеч гул борми, ахир, тикансиз,
Тиканига фидо қилгин жон.
Бир кун айтар: – Ёмон экансиз,
Маъноси: – Сиз – энг яхши инсон!

Наҳорги ошга қасида

Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормаиди?
Чунки япон биздек қоронгу
Саҳар туриб ошга бормаиди.



Дору баҳоси

Тиббиётга аён бўлди, бас,
Барча касалликнинг давоси.
Энди бизни дард ўлдиролмас,
Ўлдиради дору баҳоси.

“Тарбия”

Жиян тоғасига “жиннисан” деса,
Ота танбеҳ берди ўғлига секин:
Тоғанг катта одам, каттани эса
Сизлаш керак, ўғлим, “жиннисиз”, дегин.

Отдошлар

(Турсунбой Адашбоев ва Турсун Алига)
Турсунбойга деди Турсунбой: – Адаш!
Шартми иккимизни Турсунбой аташ?
Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди –
Сиз – Турсун Али, Мен – Турсунбой Адаш.

Космонавт

(Дадахон Нурийга)

Икки космонавт бор осмонга учган,
Яшил сайёрани она деб қучган.
Ракетада чиққан Гагарин Юрий,
Газетада чиққан Дадахон Нурий.

Бетакрор лутфлар

Эркин Воҳидовнинг яна бир туркум ҳазил шеърлари борки, улар пародияга ҳам, эпиграммага ҳам ўхшамайди. Улар шоирона лутфнинг гўзаллиги, ҳозиржавоблиги, нозик қочиримлири, равонлиги, беғуборлиги билан диққатга сазовор. Бундай ҳазиллар китобхонга завқ-шавқ бағишлайди.

Кунлардан бир кун матбуотда таниқли шоир Омон Матжоннинг “Мен шеър ёзсам...” деган шеъри босилади. Унда шундай сатрлар бор эди:

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қогозга эмас,
Анов ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман.
Ўтнинг алвон шиорлари, олов лаҳжаси
Қалбимдаги ёнишлардан сўйлар безабон!

Мен шеър ёзсам,
Энди уни қогозга эмас,
Лойқа – тошқин сувларига битгум Жайхуннинг:
Мен ботиниб, тўлиб-тошиб айтмаган ҳислар
Қирғоқбузар мавжларида уйғонсин унинг!..

Шеър шу тарзда давом этади. Ўша кезлар ногоҳ қоғоз тақчиллиги юз бериб, матбуот, нашриёт ишларида айрим кийинчиликлар туғилади. Китоб чиқариш ҳам мушкуллашади. Ушбу ҳолат Эркин акага туртки бериб, Омон Матжоннинг ўша шеърига шундай ҳазил битади:

Қоғоз муаммога айланди оғир,
Орзуга айланди оппоқ варақлар,
Энди осмонларга ёзабер шоир,
Ана сенга дарё, ана шафақлар.

Ҳазилга жавоб

Таникли шоир Мирпўлат Мирзо ҳазилкашлигу ҳозир-жавоблик бобида устоз Эркин Воҳидов изидан бораётган ижодкор. Қадрдон дўстим “Дўрмон хангомалари”нинг доимий қахрамони. У билан ҳар гал кўришганимизда янги бир хангома туғилади. Шоирнинг топқирлик билан айтган лутфларини эшитсангиз беихтиёр жилмаясиз ёки маза қилиб куласиз. Мирпўлатнинг ҳазил шеърлари ҳам тилга тушган. Унинг Эркин акага бағишланган шундай бир ажойиб ҳазили бор:

Шеърият

Эркин Воҳидовга

Истеъдодга асли ким эга?..
Бунди ҳар ким ўзича йўйди.
Бугун ҳамма ёзар-у, нега
Эркин ака шеър ёзмай қўйди?

Шеър дегани қийиндир абад,
Етар-да, – жсон қийноқдан тўйган.
Ким билади, балки шу сабаб
Эркин ака шеър ёзмай қўйган.

Шеър чорлайди нуқул осмонга,
Лекин нетгунг – банди қилса ер!
Эркин ака ҳам бир инсон-да,
Балки шундан ёзмай қўйган шеър.

Шеър ҳисобин, айтинг, ким сўрар,
Қолмаса бас дилда асорат.
Лекин баъзан ёзгандан кўра,
Ёзмаслик ҳам экан жасорат!

Ҳазиломуз, аммо маъноси теран бу шеър шунчаки кулди-риш учун ёзилмаган. Мирпўлат машхур шоирнинг дунёқараши, ижодий эътиқодини ёрқин ифодалай олган. Дарҳақиқат, халқнинг буюк ва суюк шоири айрим назмбозлар каби шунчаки кўриниб туриш учунгина шеър ёзмайди, йўқ жойдан шеър “ясамайди”... Буни ҳамма ҳам тушунавермайди...

Дарвоқе, Эркин ака Мирпўлатнинг юқоридаги ҳазил шеъ-рига шундай чиройли жавоб ёзади:

Деманг, шоир тиниб кетди

*Деманг, шоир тиниб кетди,
Сиёсатга униб кетди.*

*Ва ё айтмангки, мўрт толдек,
Шамолларда синиб кетди.*

*Сиз, эй лутф баҳрида гаввос,
У сизни соғиниб кетди.*

*Деманг, шоир жимиб кетди,
Ғазал ёзмай тиниб кетди.*

*Тиниб кетса, билингизки,
Ёғоч отга миниб кетди.*

АБДУЛЛА ОРИПОВ БИР КУНИ...



Абдулла Орипов 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли Некўз қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1990). Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган (1963). Илк шеърлар тўплами – “Митти юлдуз” (1965). “Кўзларим йўлингда” (1966), “Онажон” (1969), “Рухим”, “Ўзбекистон” (1971), “Хотирот”, “Юртим шамоли” (1974), “Юзмаюз”, “Ҳайрат” (1979), “Нажот қаъласи” (1981), “Йиллар армони” (1983), “Ҳаж дафтари”, “Муножот” (1992), “Сайланма” (1996), “Дунё” (1999), “Шоир юраги” (2003) сингари шеърӣ китоблари нашр этилган. Достонлар ҳам ёзган. “Жаннатга йўл”, (1978), “Соҳибқирон”, (1996) шеърӣ драмалари республиканинг барча йирик театрларида сахналаштирилган. Дантенинг “Илохий комедия” сини, А.Н. Некрасов, Л. Украинка, Т. Шевченко, Р. Ҳамзатов, Қ. Қулиев асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матнини ёзган (1992). Ҳамза (1983) ҳамда Алишер Навоӣ номидаги (1992) Ўзбекистон давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Сўймаса қийин экан

Кунлардан бир кун, мустақилликдан илгари собиқ иттифок микёсида катта мукофот олган, номдор, аммо истейдодсиз шоирни шарафлаш маросими бўлади. Таниқли ижодкорлар бирин-кетин сўзга чикиб, ўша шоир шаънига мактов сўзлари айтишар, сўнг унинг шеърларидан намуналар ўқиб беришар эди. Совриндор эса қани мени ким қандай мактар экан, дея кўзини лўк қилиб турарди. Ниҳоят, табриклаш гали ўша кезларда энди машҳур бўлиб бораётган ёш шоир Абдулла Ориповга берилади. У ҳам аравасига тушгач, қўшиғини айтишга мажбур эди: бошқалар қатори ноилож ўша шоир ҳақида бирикки оғиз илиқ гап айтгандек бўлади. Кейин унинг шеърларидан ўқиб беражагини айтади. Шунда бутун зал гувиллаб оёкка

қалқади, ер тепиб талаб қилишади: “Йў-ўқ!! Керак эмас! Керак эмас! Ўзиникидан ўқисин, ўзиникидан!”

Бу жуда ғаройиб ҳолат эди... Шоир икки ўт орасида қолади. Бир муддат иккиланади. Ниҳоят, андиша устунлик қилади. Ночор бир алпозда ўша шоирнинг қисқароқ бир шеърини ўқий бошлайди. Барибир Абдулла аканинг беҳисоб мухлислари шеърни охиригача эшитишмайди, қарсақ чалиб, шовқин кўтаришиб, бу “адолатсизлик”ка қарши “исён” кўтарадилар.

Хуллас, шу куни бекиёс истеъдоди билан ном қозона бошлаган ёш шоир Абдулла Орипов мухлислар кўнглини ололмайди.

Ой бориб, омон келгин!

Мустақилликдан кўп йиллар илгари, кунлардан бир кун ёш шоир Абдулла Орипов ҳарбий хизматга чақирилади. Бу воқеадан хабар топган устозлардан бири Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшин номидан ҳарбий комиссариатга илтимоснома ёзади. Кейин шоирни етаклаб уюшмага боради. Масаланинг ўта муҳимлигини раисга обдан тушунтиради:

– Абдуллажон – ноёб истеъдод соҳиби. Уни Армия сафидан олиб қолмасак бўлмайди. Шунга сизнинг ёрдамингиз керак.

– Жуда яхши, мен розиман, – дейди раис ва ёзилган илтимосномага имзо чекаркан, Абдулла акага юзланиб, худди уни Армияга кузатаётгандек қўшимча қилади. – Ой бориб, омон келгин, ўғлим!

Вьетнамлик шоир

Бир куни шоир Азиз Абдураззоқ Абдулла Орипов билан шаҳарнинг гавжум жойларидан бирида пиво ичиб туришганда кекса адиб ва драматург Наби Юсуфий (*раҳматли хушфеъл, кўп содда одам эди*) келиб қолади. Азиз аканинг шумлиги тугиб, кекса таржимонга бир ҳазил қилгиси келади ва Абдулла акага (*эндигина доврўги таралаётган ёш шоир эди*) секин кўз қисиб кўяди.

– Наби ака, танишинг, бу меҳмон вьетнамлик шоир Нгу-

ен Фан Ван Донг бўладилар. Юртимизга саёхат қилиб келган эканлар, мана, пивоҳўрлик қилиб ўтирибмиз.

– Жуда яхши-да! Хуш келибсиз, меҳмон! – Юсуфий тавозе билан кўлини кўксига кўяди.

Кулгидан аранг ўзини тийиб турган Абдулла ака энгашиб табассум қилади, бошини чайқаб, имо-ишора ила саломлашган бўлади. Наби ака эса негадир хорижий меҳмондан кўз узолмайди. Орадан анча фурсат ўтгач, ахийри ичи қизиби, оҳиста гап қотади:

– Азизжон, бу вьетнамлик меҳмонингиз ўзимизнинг шоиримиз Абдулла Ориповга жудаям ўхшар экан-а?

Азиз ака билан Абдулла Орипов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишади.

Озодлик дарахти

Шўролар замони эди. Кунлардан бир кун Абдулла ака шогирди Шукур Қурбон билан Дўрмондаги дала ҳовлисига кўчат экмочки бўлади. Ёрдамчилар келиб, кўчатлар оралиғи ва ернинг чуқурлигини рисоладагидек ўлчаб, қазиб кетишгач, бир четда энсаси қотиброқ ўтирган шоир шогирдидан илтимос қилади:

– Шукуржон, кетмонни олиб, мана бу чуқурларни кўмиб чик!

– Ие, хали кўчат экмасдан тупроқ тортамизми? – Шукур Қурбон хайрон бўлади.

– Улар кўрсатган жойга экмаймиз! – дейди Абдулла ака катъий оҳангда. – Қаёкка борсанг чеклаш, ман қилиш! Бу ерда ҳам шу аҳвол – у ерга эмас, бу ерга эк! Оралиғи шунча! Чуқурлиги мунча! Йўк, бу кўчатни ҳов ана у ялангликка экмаймиз! Озодликнинг ягона дарахти бўлиб кўкариб турсин!

Озодликнинг ўша ягона дарахти ҳали ҳамон яшнаб-кўкариб, шаббодада нафис чайқалиб турибди.

Қатикҳўрлар

Абдулла Орипов билан ёзувчи Шукур Холмирзаев талабалик йилларининг завқу сурури ва захматини бирга тоттишган, бир бурда нон топишса ўртада тенг баҳам кўрадиган

кадрдонлар эди. Улар қишлоқдан аҳён-аҳён келтириладиган турли мева-чева, егуликлар қатори қатикни (*ўзларининг таъбирича чакки, яъни сузма*), айниқса, яхши кўришарди. Бир куни камтарона дастурхондаги ана шу тансиқ неъматни тановул қилишдан олдин Шукур ака дўстига илтифот ила шундай дейди:

– Абдуллажон, қани, чаккидан енг!

Бўлажак шоири замон кулимсираб, шундай ҳазил қилади.

– Шуйтиб, Шукуржон, сиз билан биз қотиқ жеб, нон ичиб жураберамизда-а?!

Шоир бўла қолсин

Шўролар замонида таниқли ижодкорларга “Оқ йўл” ёздириб асарларини эълон қилдириш ёш шоирларнинг энг катта орзуси эди. Шу боис биронта ёш ижодкор ҳақида сўз кетса, “Унга ким оқ йўл ёзган эди?” деб сўраш одат бўлган. Абдулла ака гоҳо ҳузурига илтимос билан келган ҳаваскорларга бағрикенглик билан мурувват кўрсатиб, “Оқ йўл” ёзиб бераверарди. Бир куни машҳур шоир ҳузуридан мамнун чикқан ёш ҳаваскор хурсанд бўлиб “Тошкент окшоми” газетасининг адабиёт бўлими мудирини, ёзувчини Ўткир Ҳошимовга учрашади. “Оқ йўл” ва унга тиркалган ночор шеърларни ўқиб, энсаси қотган Ўткир ака тенгдоши ва ҳадди сиғадиган дўсти Абдулла Ориповга дарҳол телефон қилади:

– Бўтам, бир ҳаваскорга “Оқ йўл” ёзган экансан, ўқиб кўрсам шеърлари жуда хом-ку?!

– Кўявер бўтам, шу билан улар шоир бўлса бўла қолишсин! – дея жавоб қилади Абдулла ака.

Фақат тўй қилавер

Ўзини модерн шеърятининг пешқадам вакили деб ҳисоблагувчи бир шоир катта тўй қилади. Зиёфат бошланишидан олдин тўйхонага устоз Абдулла Орипов ташриф буюради. Унга зар чопон кийгизишади. Чиройли, тўкин дастурхонни кўрган устоз чехраси очилиб, тўй соҳибига шундай дейди:

– Мана бу бошқа гап! Зўр, ҳаммаси зўр! Сен энди бундан

кейин модерн-подерн деб хамманинг бошини қотирмай, фақат тўй қилавер!

Халқ эмас

Кунлардан бир кун мустақилликдан илгари Абдулла Ориповнинг мошинасини ўғирлаб кетишади. Шоир бир яқин шогирдига ҳасрат қилиб, шундай дейди:

– Қизик, мен бу ёқда ўзбек халқини улуғлаб шеър ёзиб юрсаму, бу халқ мошинамни ўғирлаб кетса... Бу қанақаси бўлди-а? Сен нима дейсан бунга?

– Абдулла ака! – дейди шогирд тасалли бериб. – Сизнинг мошинангизни ўғирлаган кимса халқ эмас, одам ҳам эмас! Қўйинг, хафа бўлманг!

– Тўғри айтасан, унақалар – халқ эмас!..

Башорат

Пойинтар-сойинтар гаплари, хурмача қилиқлари билан хамманинг бошини қотириб юрадиган, ҳовлиқма журналист бир куни Абдулла акадан сўраб қолади:

– Абдулла ака! Сиз халқимизнинг машҳур шоирисиз. До-нишманд одамсиз. Кўп нарсаларни олдиндан башорат қила оласиз. Қани айтинг-чи, менинг келажагим қандай бўлади? Фақат тўғриси айтинг!

– Тўғриси айтсам хафа бўлмайсанми? – шоир журналистга синчков тикилади.

– Айтаверинг, ака, сиздай одамдан хафа бўлиш гуноҳ!

– Ундай бўлса, майли, айтаман. Келажагинг қандай бўлишини билмайману, аммо сен ўз ажалинг билан ўлмайсан!

Ҳовлиқма журналист бақрайганча, бир замбил лой бўлиб қолади. Шоирнинг ўша тарихий башорати эса ҳали ҳамон оғиздан-оғизга ўтиб юради...

Қачон муслмон бўласан?

Жиззах туманидаги сўлим Зомин тоғларида ёш ижодкорларнинг анъанавий семинар машғулоти ўтказилаётганди. Ёзувчилар уюшмасининг ўша кезлардаги раиси Абдулла Орипов бир маҳал иш юзасидан уюшма ходими, шоир Рустам Му-

сурмонни кидириб қолади. У бир четда дўстлари билан улфатчилик қилиб, ширингина бўлиб ўтирган экан, йўқловни эшитгач, андак сергак тортиб, тебраниб-чайқалиб раҳбарга рўпара бўлади.

- Ҳой Рустам! – дейди устоз иддао билан.
- Лаббай, Абдулла ака!
- Рустам дейман! – дейди устоз бу гал жаҳл билан.
- Эшитяпман, Абдулла ака!
- Сен бола қачон мусулмон бўласан-а?!

МУҲАММАД АЛИ БИР КУНИ...



Муҳаммад Али (Аҳмедов Муҳаммадали) 1942 йил, 1 мартда Андижон вилоятининг Бўз туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтини тугатган (1966). “Фазодаги ҳислар” (1967), “Шафақ” (1968), “Оталар юрти” (1970), “Достонлар” (1974), “Оқ нур” (1977), “Илҳом париси” (1980), “Сен бир гулсан” (1989), “Она дуоси” (1994) ва бошқа шеърӣ асарлар муаллифи. “Сарбадорлар” (1989) роман-дилогияси адибнинг насрдаги дастлабки асари. Тўрт китобдан иборат “Улуғ салтанат” тарихий романи чоп этилган. “Боқий дунё” (1981) шеърӣ романи Жиззах кўзғолони воқеаларига бағишланган. Қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна” (1978), қорақалпоқ эпослари “Шаҳриёр” (1977), “Маспошшо” (1985), шунингдек, Р. Бёрнс, Г. Табидзе, Байрон ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти совриндори (1984), “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган (1999). Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотига сазовор бўлган.

Ош егиси келса

Кунлардан бир кун Муҳаммад Али уйига келса, йўлакда устига рўзғор анжомлари ортилган юк мошинаси турган экан. Сўраб-суриштириб, олим ва журналист Ғуломхон Ғафуровнинг (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) шу уйга кўчиб келаётганини билади. Таниш, яхши одамнинг кўшни бўлаётганидан суюниб, хотинига топширик беради:

– Манзураҳон, бир ажойиб дўстимиз шу ерга кўчиб келяпти. Битта кўлбола ош дамланг, йўқлаб чиқамиз.

Ош устида янги кўшнилар яхшигина гурунг қилишади.

Эртаси куни Муҳаммад Али уйига келса, йўлакда яна бир юк мошинаси турганмиш. Ёзувчи ҳайрон бўлиб, хотинидан сўрайди:

- Нима гап ўзи, Манзураҳон?
- Ғуломхон Ғафуров кўчиб кетяпти.
- Ие, шундайми? – дейди шоир ҳайрон бўлиб ва пешонасини қашлаб, қўшимча қилади. – Унда чиқиб Ғуломхонга айттайлик, ош егиси келаётган бўлса, бунақа кўч-кўронини юклаб, овора бўлиб юрмай, тўғри ўзи келаверсин.

“Халақит қилмади”

Дўрмондан ёзувчиларга дала ҳовли учун ер берилади. Муҳаммад Али ношир Бобоҳон Шариф билан қўшни бўлишади. Энди ижодкорлар учун асосий муаммо – янги ерни ўзлаштириш эди. Шаҳардаги бетон “каталак”ларда яшаб, жисмоний ишдан йироқлашиб кетган зиёлилар учун шу бир парча ерни эплаш ҳам мушкул туюлади.

Бобоҳон Шариф ерини шудгорлаш учун уч-тўртта мардикор ёллади. Хизматда банд бўлгани учун ўзи уларни бошлаб келолмай, манзилни тушунтиради.

Муҳаммад Али эрталаб даласига келса, тўртта йигит энг шимариб ерини чопаётган эмиш. Дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб етган ёзувчи худди тилла топиб олгандек суюниб кетади. Янглишиб, бошқа ерда ишлаётган азаматларга: “Ҳорманглар! Ҳа баракалла, Худо куч-қувват берсин сизларга!” дейди-ю, уларга “халақит қилмаслик” учун секин шаҳарга қайтади.

Энг яхши ёш

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси Муҳаммад Алининг 70 йиллик юбилеи юртимизда кенг нишонланди. Китобхонлар, мухлислар билан самимий учрашувлар ўтказилди. Ана ўшандай тадбирларда мухлислардан бири адибга шундай савол бериб қолади:

- Қайси ёшни энг яхши ёш деб ҳисоблайсиз?
- Етмиш ёшни энг яхши ёш деб ўйлайман! – дея жавоб қилади адиб кулимсираб. – Ишонмасангиз етмишга кириб кўринг.

Ўзбекчаниям қийворади

Миллий театрда немис драматурги Лессингнинг “Донишманд Натан” пьесаси шоир Мирпўлат Мирзо таржимасида сахналаштирилган, бу асар бошқа театрларда ҳам муваффақият билан қўйилган эди. Кунлардан бир кун Муҳаммад Али спектаклнинг доврўгини эшитиб, таржимондан илтимос қилади:

– Мирпўлат, спектаклни яхши деб эшитдим. Илтимос, шуни биргаликда бориб кўрайлик!

Икковлон театрга боришади. Ичкарига киришаётганда Мирпўлат эшик оғасига аввал ўзини таништиради:

– Мен шу бугун ўйналаётган пьесанинг таржимониман, – дейди жиддий алпозда ва ёнидаги ҳамроҳига юзланади. – Мана бу меҳмон – пьесанинг муаллифи жаноб Лессинг!

Муҳаммад Али кутилмаган таърифдан завқланиб, кулимсираганча енгил бош ирғаб кўяди. Эшик оғаси одоб билан кўлини кўксига қўйиб, “хорижий” меҳмонга илтифот қилади:

– Марҳамат килсинлар, таксир, марҳамат...

Меҳмонлар сал узоклашгач, эшик оғаси ёнидаги шеригига шундай гап қотади:

– Бу немис ўзбекчаниям қийворади! Кеча телевизорда кўрганман!

Нимаиди ўзи?

Шоир Мирпўлат Мирзо таржимонлиги билан ҳам машхур. У козоқ шоирларининг шеърларини таржима қилиб, антология тарзида нашр эттирмоқчи бўлади. Таниқли козоқ шоири, Давлат мукофоти совриндори Насипбек Айтовнинг шеърлар китобини кидираркан, ўзида бўлган бу китобни бир вақтлар Муҳаммад Алига совға қилгани эсига тушиб қолади. Мирпўлат Муҳаммад Али акага ушбу китобни сўраб телефон қилади. Ака хўп дейди-ю кундалик юмушлар билан андармон бўлиб, ваъдасини унутгандай бўлади. Мирпўлат китобни бир неча бор эслатади. Ака ҳар гал назокат билан жавоб қилади:

– Эсимда, Мирпўлат, эсимда! Китобни албатта топиб, сизга етказаман. Хотиржам бўлинг.

Орадан кунлар ўтса-да, китобдан дарак бўлавермагач, Мирпўлат яна телефон қилишга мажбур бўлади:

– Муҳаммад Али ака, ўша китоб менга жудаям керак эди-да, таржима қилмоқчи эдим. Иложи бўлса ...

– Эсимда, Мирпўлат, эсимда! – дейди ака. – Уни топиб ҳам қўйган бўлишим керак. Дарвоқе, нимани сўраган эдингиз ўзи?

Шоирнинг “укаси”

Бир куни Муҳаммад Али ака муолажа учун водийдаги қумлоқ жойга боради. Қумга кўмилиб, сув-сув терлаб ётганда ёнидаги ҳамроҳи ногоҳ гап қотади:

– Кечирасиз, Сиз таниқли шоир Муҳаммад Алига жуда ҳам ўхшар экансиз. Мабодо у киши қариндошингиз эмасми?

– Ҳа, у киши менинг акам бўлади!

– Ё тавба! Худди бир томчи сувдек бир-бирингизга ўхшар экансизлар!

– Ҳамма шунақа дейди.

– Сиз ҳам шеър-пер ёзиб турасизми?

– Ҳа, сал-пал машқ қилиб тураман, лекин... барибир акамга етолмайман.

Камбагал шўро

Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида Наврўз байрами тантанали равишда нишонланаётганди. Хонандаларнинг ёқимли хонишларини тинглаб ўтирган адиблар ўзаро гурунглашиб, аскияга берилишган, ҳамманинг кайфияти кўтаринки. Бош мезбон – Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али даврани оралаб, меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўрар, “Камчиликлар етарлими?” дея ҳазиллашиб қўяр эди. Ногоҳ у ўтган йили Дўстлик ордени билан тақдирланган қўшиқчи шоир, драматург Ҳайдар Муҳаммад билан юзлашиб қолади.

– Ҳорманг, Ҳайдар ака! – дейди раис. – Яхши ўтириб-сизларми?

– Раҳмат!

– Орденни тақиб келиб тўғри қилибсиз. Қаранг, жуда ярашиб турибди. Муносиб одам тақса шунақа бўларкан-да!..

– Ҳа энди, шўролар даврида қирқ йил меҳнат қилдик, орден тугул тугмача ҳам беришмади.

– Шўролар даврида ўша тугмачанинг ўзи ҳам йўқ эди-да! – дейди раис.

Ёзувчи ён дафтаридан

Ёзувчи – Насриддин Афандининг нақ ўзгинаси. У ўзи тўқиб чиқарган қаҳрамонларга ишониб яшайди.

* * *

Сув – оби ҳаёт, сувсиз дунёда ҳаёт йўқ, бор мавжудот сув билан тирик. Ҳали инсон экан-ку, сувсиз ҳатто адабиёт ҳам яшай олмайди!

* * *

Бир киши қаттиқ хуррак отарди. Уни хуррак отма, деб уйғотсалар: “Э...хуррак отдимми? Хўп... Хў-п...” дерди-ю “хўп”нинг учинчисиек яна хуррак бўлиб чиқарди.

* * *

Мойлаб қўйсанг, ҳатто тил-забонсиз эшик ҳам ғирчилламай қолади.

* * *

Буюк фаранг адиби Оноре де Бальзак туриб кетмай деб кетига курсини боғлаб олар экан, дейдилар. Бизда ўша курсини боғлаб қўядиган жойнинг ўзи йўқ, танбаллигимиз шунча...

* * *

“...изм”лар измида изма-из юриб, издан чиққанимизни ҳам билмай қолибмиз.

* * *

Бир ёш эр-хотин бекатда туришар, аёл чакалоқ кўтариб олган, эрнинг бир қўлида тугун, иккинчи қўлида яна алланималар бор эди. Автобус келганда, ҳамма ўзини эшикка урди. Аёл ҳам чиқиб олди. Энг охирида қолган эр зинага оёқ қўйган ҳамон чўнтагидаги тангалар сочилиб кетди ва у эгилиб тиркираган тангаларни теришга тушди. Ичкарида одамлар безовта бўла бошлади. Тангаларини териб улгурмаган эр куймаланиб автобусга чиқиб келар экан, хотин:

– Мен сизга минг марта айтаман... – деётган эди, эр:

– Минг марта айтгандан кўра, бир марта тешик чўнтакни тикиб қўйиш керак эди!.. – дея аёлининг гапини шартта кесди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ БИР КУНИ...

Ўткир Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетида (1959–1964) таълим олган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991), Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори (1986).



Ёзувчининг биринчи очерклар тўплами 1962 йили “Пўлат чавандоз” номи билан нашр этилган. Сўнгра, “Чўл хавоси”(1963), “Одамлар нима деркин...”, “Шамол эсаверди”, “Баҳор қайтмайди”(1970), “Нимадир бўлди”(1976), “Қуёш тарозиси”(1980), “Дунёнинг ишлари”(1982) хикоя ва қиссалар тўпламлари ҳамда “Нур борки, соя бор” (1979), “Икки эшик ораси”(1986), “Уйқусиз тушлар” романлари босилиб чиқди. Адиб “Бировнинг ташвиши”, “Тўйлар муборак”, “Сиздан угина, биздан бугина” каби пьесалар муаллифидир. Э.Хэмिंगуэй, К.Симонов, А.Куприн, О.Бергольц, В.Шукшин асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган.

Ўткир Ҳошимов 2013 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Ёзувчига ўхшамаса...

Ўтган асрнинг 60-йиллари... Ўткир Ҳошимов иқтидорли, келажаги порлоқ ёзувчи сифатида танилаётган, асарлари Абдулла Қаҳҳордай талабчан устоз назарига тушган кезлар эди.

Ёз кунларининг бирида Ўткир ака устозлари – Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматовлар ҳамроҳлигида гўзал, хушманзара Саричелак кўрикхонасида дам олишади. Ташқи оламдан ажралиб, соқол олмай, “ёввойи”ларча юришади. Сафар тугаганда Янгиқўрғон туманида тўхтаб, бир дўконга киришади. Сотувчи қиз пештахтага энгашганча бир китобни ўқийётган экан, Озод ака қизиқсиниб сўрайди:

– Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз энсаси қотиб китобнинг муқовасини кўрсатади. Бу Ўткир Ҳошимовнинг китоби эди. Ёш ёзувчи ҳаяжонланиб кетади. Озод ака ҳазил қилади:

– Бунақа бемаъни китобни ўқиманг!

– Э, китобни тушунмас экансиз, гапирманг! – дейди қиз тап тортмай.

Озод ака кулимсираб, мулойим оҳангда дейди:

– Бу китобни мана шу бола ёзган, келинг, дастхат ёзиб берсин.

Қиз соч-соқоли ўсик, кийимлари ҳам афтодаҳол йигитга иккиланиброқ қарагач, жаҳл билан жавоб қилади:

– Э, бор йўқол, шпана!

“Ярми кампир, ярми чол”

Ўткир Ҳошимов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) жиддий ёзувчи бўлса-да, ижодида ҳажвиёт муҳим ўрин тутди. Ичакузди ҳажвиялари, ғаройиб хангомалари китобхонлар ўртасида маълум ва машҳур. Ўзи ҳам қувноқ, ҳазил-мутойибага мойил инсон эди.

Кунлардан бир кун китобхонлар билан бўлган учрашувда шоир Туроб Тўла “Бир ажойиб юртимиз бор” деб бошланадиган, яхшигина кўшиқ қилинган машҳур шеърини ўқийди. Ундаги “Ярми асал, ярми бол”, “ярми ҳайрон, ярми лол” деган сатрларни мухлислар астойдил олқишлайдилар. Оқсоқол шоирдан кейин сўз Ўткир Ҳошимовга берилади. Ногоҳ адибнинг шумлиги тутди. Туроб акага қараб шундай дейди:

– Ҳозир ўқиган шеърингизни мен ҳам бир мухлис сифатида яхши кўраман. Шу шеърингизга бир байт кўшсам майлими?

– Майли, майли,– дейди шоир кулимсираб.

Ўткир ака қўлидаги олдиндан тайёрлаб қўйган бир парча қоғозга қараб ўқийди:

*“Богимизда бир дарахт бор,
Ярми жийда, ярми тол.
Давраимизда бир шоир бор,
Ярми кампир, ярми чол!”*

Қаҳқаҳа, қарсақлардан зал ларзага келади.

Домланинг “шогирди”

Ўткир ака ёзда устоз Озод Шарафиддинов билан Фарғонада дам олишади. Тўй мавсуми бўлгани учун худо берган куни наҳорга ошга таклиф қилишади. Базми жамшидлардан обдан тўйишади.

Бир куни тўйхонага киришаётганда сўрида ўтирган бир чайир, новча, ширакайф одам Озод акага кучоғини очганча тебраниб келаверади. “Умарали ака!” дея домлани даст кўтариб, юз-кўзларидан чўлпиллатиб ўпа кетади.

– Бормисиз, Умарали ака! Соғмисиз, омонмисиз? Жуда соғинтириб юбордингиз-ку?! Хайрият, сизниям кўрадиган кун бор экан.

Домла тушмагур “Мен...мен...” дейишдан нарига ўтмас, ҳалиги одам “Умарали эмасман” дейишга қўймас эмиш.

Бир маҳал у одам домлани қўйиб, Ўткир ака томон гандираклаб кела бошлайди:

– Абдуллажон! Бормисиз?..”

“Абдуллажон” аранг қочиб қутулади.

Меҳмонлар алоҳида хонага киришади. Озод ака ҳали ҳамон ўзига келолмай, энтикиб-энтикиб нафас олар эди.

– Домла, ҳалиги одам ким? – деб сўрайди Ўткир ака. – Мабодо ўзингиз ўқитган шогирдлардан эмасми?

Шу тобда домланинг кўнглига ҳазил сиғмасди. Тутоқиб кетади.

– Э, танимайман, билмайман у одамни, билишним истамайман. Гапирманг!

Зиёфатдан сўнг, ташқарига чиқишаётганда Ўткир аканинг яна андак шумлиги тутади. Домланинг кулоғига секин энгашиб шивирлайди:

– Умарали ака! Ҳалиги шогирдингиз келяпти. Сиз билан хайрлашмоқчи, шекилли.

Озод ака шошиб ўзини мошина ичига уради:

– Ҳайданг! Тезроқ кетайлик шу ердан!

Одамлар нима дейди?..

Ўткир Ҳошимовнинг уйида ўтказиладиган бир маросимга тайёргарлик кўриларди. Ёрдамчилар орасида ёш қаламкаш Мурод Тиллаев ҳам бор эди. Устоз, шогирд қозон олиб келиш учун қўшни маҳаллага боришади. Зил-замбил қозонни терга ботганча кўтариб келишаётганда Муроджон ногоҳ устознинг “Одамлар нима деркин?” деган қиссасини эслайди-ю ўзича сўз ўйини қилиб, шундай гап қотади:

– Ўткир ака, одамлар бизни кўрса нима деркин?

– Нимаям дерди – қозон керак экан, кўтариб кетишяпти дейди-да.

– Йўқ, ундай демайди-да.

– Хўш, нима дейди бўлмаса?

– Кўринишдан туппа-тузук зиёли, бойвачча йигитлар битта мошина ёллашга қурумсоқлик қилишибди, демайдими?

– Э, тўғри айтасиз, қўйинг бу савилни бир четга! – Ўткир ака шоша-пиша қозонни йўлак четига тўнтариб, қўлларини қоқади. – Кетдик!

Илдам юриб кетаётган устознинг ортидан кулимсираб қараб турган Муроджон қутилмаганда яна шундай деди:

– Шошманг, устоз!

– Хўш, яна нима дейсиз?

– Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Одамлар бошқача дейиши ҳам мумкин-да.

– Нима демокчисиз ўзи, сизни тушунолмай қолдим-ку, Муроджон?!

– Бердисини айтишга қўйинг-да, устоз. Бу ерда сизни ҳар қадамда танишади. Одамлар бизни кўриб, “Қаранглар, Ўткир Ҳошимовдек таниқли, машҳур ёзувчи бировга иш буюрмасдан, камтарлик қилиб, ўзи қозон кўтариб кетяпти”, демайдими?

Ўткир ака кулимсираб яна қозонга энгашади.

– Гапингизда жон бор, кани кўтардик!

Дастхат

Ўткир Ҳошимов кўчада мошинасини ҳайдаб кетаётган эди, чорраҳада ДАН ходими қизил таёғини кўтариб, тўхтатади.

Машҳур адиб шошиброқ турган эди, тезроқ қутилиш учун мошинадан янги чоп этилган китобини олиб, дастхат битиш учун сўрайди:

– Укажон, исмингиз нимайди?

ДАН ходими таниқли ёзувчига, унинг қўлидаги таниш китобга ажабланиб қарайди, сўнг ийманибгина дейди:

– Ўткир ака, кечирасиз, бу китобингизни ўтган ҳафтада ҳам ёзиб берувдингиз...

– Э, дарвоқе...

Наҳорги ош

Китобхонлар билан бўлган бир учрашувда Ўткир акага шундай савол берилади:

– Нега ўзбеклардан космонавт чиқмаяпти?

Ёзувчи жиддий саволга ҳазил билан жавоб қилади:

– Аллақачон чиққан бўларди-ю фақат битта муаммо ғов бўлиб турибди. Космосдан наҳорги ошга етиб келиш озгина узоқлик қилади.

НЕЪМАТ АМИНОВ БИР КУНИ...



Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган (1959). Биринчи ҳажвий хикоялар тўплами – “Икки пуллик обрў” (1966). “Қирк учинчи почча” (1970), “Лабиховуз хандалари” (1973), “Чинорлар қўшиғи” (1984), “Елкасиз полвон” (1986), “Ўғри мушукча” (1987), “Қаҳқаҳа” (1987), “Яллама-ёрим” (1988), “Чолболанинг эртаклари” (1990) ва бошқа ҳажвий тўпламлари нашр этилган. 1976–83-йилларда “Елвизак” ва “Суварак” қиссалари асосида “Ёлгончи фаришталар ёхуд елвизакфеъл ва суваракмижоз Баширжон Зайнишев ҳаётидан” ҳажвий романини ёзди. Бу асар адабиётимиздаги биринчи ҳажвий романдир. Адибнинг “Бир аср хикояти” (1996) асари ҳам тилга тушган.

“Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган.

Неъмат Аминов 2005 йил, 18 октябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Ўзимиздан ҳам чиқсин-да...

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст Москвада ўқиб юрган кезлари модага берилибми ёки ёшлигига борибми, соч-соқолини беҳад ўстириб юради. Шу алпозда таътилга келганида таниш-билишлар, ошна-оғайнилар унга истехзо-қизиқсиниш билан қарашади.

Истеъдодли ёшларга меҳру ихлоси баланд бўлган дилкаш ёзувчи Неъмат Аминов (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) хузурида кимдир ўша масковлик “олифта”ни ғийбат қила бошлайди:

– Неъмат ака! Кеча Муродни кўрдингизми? Башарасини каранг, худди ҳайвонот боғидан қочган маймунга ўхшайди. Шуям одобданми?

– Э қўяверинг, – дейди Неъмат ака кулимсираб, – ўзимиздан ҳам битта чиқсин-да!

Тасалли

Бухоролик шоир Темур Норов содда, самимий одам бўлган. Қорачадан келган, алпқомат Темур акага дўстлари ҳадди сиғиб ҳазил қилишар, уни америкалик машҳур қоратанли кўшиқчига ўхшатиб, “Пол Робсон!” деб кўйишар эди. Ахийри бу тегажожликлардан безор бўлган шоир бир куни устоз Неъмат Аминовга ҳасрат қилади.

– Хўш, нима бўляпти ўзи, укажон?– деб сўрайди Неъмат ака ғамхўрлик билан.

– Э-э, кўрмайсизми бу хумпарларни! Нукул “Сен Пол Робсонсан!” деб ҳол-жонимга кўйишмаяпти.

– Э-э, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Асло парво қилманг, укажон. Сиз Пол Робсон эмас, Полний Робсонсиз!

Лақиллатиши

Устамонлиги, “учар”лиги билан кўпчиликни чув тушириб юрадиган, ҳовлиқма ёш журналист бир куни таниқли адиб Неъмат Аминовни кўчада учратиб қолади.

– Э-э, бормисиз устоз? Соғмисиз-омонмисиз? Хайрият, Сизни ҳам кўрар кун бор экан. Роса суҳбатингизни соғинганман. Яқинда, албатта, уйингизга ўтаман. Маза қилиб, би-ир лақиллашамиз!

Сатириклар гап келганда отасини ҳам аямайди. Неъмат ака ўзигагина хос нордон лутф билан боёқиш журналистнинг по-пугини пасайтириб кўяди:

– Овора бўлманг, шундоқ ҳам лақиллатиб юрибсиз-ку!

Ҳажвчининг маслаҳати

Замонлар эврилиши билан кўп нарсалар, жумладан, жой номлари ва ҳатто айрим одамларнинг исму шарифлари ҳам ўзгариб кетаркан. Фрунзе Жўраев деган санъатшуноснинг исми ҳам ўз даврининг маҳсули бўлган. Мустақилликдан кейин исми ўзига ҳам эришроқ туюла бошлаган санъатшунос бир куни ҳажвчи-ёзувчи Неъмат Аминовдан маслаҳат сўрайди:

– Неъмат ака! Ўзингиз кўриб турибсиз, замон ўзгариб кетди. Мен ҳам Фрунзе исмимни ўзгартирмоқчиман. Шунга... нима маслаҳат берасиз?

Неъмат ака ўйлаб ҳам ўтирмай, шартта жавоб қилади:
– Э, укажон, шунга ҳам бош қотириб ўтирасизми? Бишкек (Қирғизистоннинг ҳозирги пойтахти Бишкек бир замонлар Фрунзе деб аталган – Ш.О.) Жўраев деб қўяқолинг – тамом-вассалом! Ҳеч ким ғинг деёлмайди!

Қийин иш

“Муштум” журнали тахририятида бўлаётган қандайдир тадбирга Неъмат ака таниқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсуповни бошлаб келади.

Дастурхондаги ноз-неъматларга хавасланиб қараган шоир ўзича шундай гап котади:

– Неъматжон, одамларни кулдириш ҳам осон иш эмас!

– Тўғри айтасиз, тўйдириш ҳам қийин! – дейди сатирик ҳозиржавоблик билан.

Шоир бўлиш осонмас

Муҳаммад Очил ҳикояси

Неъмат ака “Муштум” журналида адабиёт бўлимини бошқараётган кезлар эди. Бир куни унинг хонасига кексароқ киши кириб келади.

– Шиғир қабул қиладиган жой шўттами?

– Ассалому алайкум! Келаверинг, дoston ҳам, ундан каттаси бўлса ҳам кўриб ташлайверамиз. Бу... ижод ўзлариданми?

– Э йўғ-э! – Ташрифчи ижирғангандек афтини буриштиради. – Ман китоб, газета ўқисам уйқу босади. Шиғирлар ўғлимники! Мана бир кўриб маслаҳат беринг-чи, бундан шоир-поир чиқармикин?

Неъмат ака кўлига тутқазилган калин дафтарни варақларкан, биронта пичокка илинадиган шеър тополмай ҳафсаласи пир бўлади.

– Кечирасиз-у, ўғилча кўпдан буён машқ қиладими?

Ташрифчи кўл силтайди.

– Йўк, туппа-тузук “таксист” бўламан деб юрган бола тўсатдан айниб қолди. Энди, акоси, сир бўлмаса айтинг-чи, шиғирга кўп пул тўлашадими?

Неъмат ака энсаси қотиб, гапни чалғитади.

– Тўсатдан шеър ёзиб қолдимми? Балки биронтасини яхши кўриб қолгандир?

– Топдингиз, акоси, топдингиз, шу кўшнининг қизига... ҳалигидақа...Энди маслаҳатдан гапиринг!

– Хўп, хўп, – Неъмат ака ногоҳ жиддий тортади. – Энди... гап шундай! Мақсад ўғилни шоир қилиш бўлса, кўшнини бир амаллаб кўндириб, қизини бошқа одамга турмушга чиқартиришга кўндиринг. Иложи борича яқинроқ жойга эрга тегсин. Шунда ўғлингиз “севгилиси”ни тўйдан кейин ҳам тез-тез кўриб, дил яраси янгиланиб турсин.

Ташрифчини ваҳима босади.

– Унда... боёқиш касал-пасал бўлиб қолмайдими?

– Ҳечқиси йўқ, – дейди Неъмат ака “шеър дафтари”ни узатиб, – ўғилча ишқ дардида куйиб ёнса яхши шоир бўлади. Ҳа, шоир бўлиш осонмас. Агар маслаҳатим маъкул тушмаса, ўғилга айтинг, ҳозир таксичиликдан зўр касб йўқ.

Афандининг эшаги

Кунлардан бир кун Неъмат ака дўстлари билан Тожикистонга сафар қилади. Машҳур сатирик ёзувчини мезбонларга ўзбекларнинг Насриддин Афандиси деб таништиришади. Шунда даврадагилардан бири луқма ташлайди:

– Агар Афанди бўлсалар, бу кишимнинг эшаклари йўқ-ку?!

Неъмат ака шартга жавоб беради:

– Бухородаги машҳур Лабиҳовуз хиёбонида Хўжа Насриддинга ҳайкал ўрнатиляпти. Ҳайкалтарош Шапиро эшагимдан нусха кўчирмоқчи экан, илтимос қилувди, эшагимни унга қолдириб келдим.

Тўмтоқ тиш

Неъмат аканинг “Ёлғончи фаришталар” асари ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Шу маҳалгача адабиётимизда сатирик роман яратилмаганди. Мевали дарахтга тош отилади деганларидек, ёзувчининг ютуғидан ғашланганлар ҳам бўлди. Шундай кимсалардан бири тутун қайтариб, иддао қилиб қолди:

– Асар умуман олганда ёмон эмас-у, аммо тишга тегадиган жойлари ҳам бор.

Шунда Неъмат ака гапни ҳазилга бурди:
– Протез тишларингизни олиб қўйиб ўқинг-да, оға!
Ҳамма шарақлаб кулиб юборди.

Дум

Неъмат Аминовнинг суюкли шогирди, ёзувчи меросининг толмас тарғиботчиси, таниқли ёзувчи Ашурали Жўраев тўғри таъкидлаганидек, устознинг кулгусида юмордан кўра сатира кучлироқ эди. Буни ҳамма ҳам илғайвермасди. Сатирик ёзувчи Саид Аҳмаднинг 75 йиллигида айтган ушбу машҳур ҳазил ҳали ҳамон авлодлар томонидан оғиздан-оғизга ўтиб юради. Ўшанда табрик сўзи айтган Неъмат ака шундай деган эди:

– Устоз! Сиз суҳбатларингиздан бирида Ўлмас Умарбеков билан Ўткир Ҳошимовни қанотларим деб тўғри айтдингиз. Улар қанотларингиз бўлса, мен думингизман. Нозик жойларни дум беркитиб туради.

Ўзинг учун ўл етим

Турғунлик йиллари орден-медаллар олишга ружу қўйиш авжига чиққан эди. Бир куни “Муштум” журнали бош муҳаррири Иброҳим Раҳим ходимлар билан мажлис ўтказаётиб, гап орасида шундай деди:

– Мукофот сўраб олинмайди!

– Тўғри, – дея лукма ташлайди Неъмат ака, – мукофот елиб-югуриб олинади.

Осмонга қараб ётманг

Кунлардан бир кун устоз Неъмат ака садоқатли шогирди, ёзувчи Ашурали Жўраев, ҳаваскор шоир Раҳимжон Дарвишев билан Бухорога сафар қилишади. Ҳурматли меҳмонлар шарафига уюштирилган зиёфатда устоз табрик сўзини чиройли қилиб гапиради. Гапдонгина адиб Ашурали ҳам устоздан қолишмайди. Кейин ҳаваскорга сўз берилади. У андак ҳаяжонланиб, қисилиб-қимтинибгина сўз бошлайди.

– Даврада яхши, чиройли гаплар айтилди. Камина гапга унча уста эмасман. Мабодо гапларимиз кўрпани тешиб чиққандай туюлса, айбга буюрмайсизлар.

Шунда Неъмат ака ҳозиржавоблик билан луқма ташлайди:
– Осмонга қараб ётманг-да, Раҳимжон!

Меҳмон салом

Муҳаммад Пирриев ҳикояси

Кунлардан бир кун устоз Неъмат ака билан Туркменистонга бориб қолдик. Кутиб олган мезбон бизни меҳмонхонага бошлаб келди-да, сизлар кираверинглар, мен ҳозир келаман, деб изига қайтди. Биз меҳмонхонага кириб қарасак, полга қалин кигиз тўшалган экан-у, кўрпачаси йўқ экан. Мезбон келгунча ул-булга куйманиб, тик турдик. Беш-ўн дақиқадан сўнг мезбон дастурхон кўтариб кирди-да, бизнинг тик турганимизга хайрон қолиб, “Меҳмонлар, ўтирсангларчи” деганича дастурхонни кўйиб чиқиб кетди. Яна бир муддатдан кейин мезбон чой кўтариб келди. У донг қотиб сўради:

– Ҳов, нега гечмиёрис? (Ҳов, нега ўтирмаяпсизлар?)

Мен гапга аралашдим:

– Бу... кўрпача-мўрпача келтирмайсизми?

Мезбон бир пас хайрон бўлиб турди-да, сўради:

– Нима, наҳар иймин ятжақми? (Нима, овқат емай ётмоқчимисизлар?)

Шунда биз англадикки, туркман дўғанлар кўрпача тўшамай ўтиришаркан. Неъмат ака топқирлик қилдилар:

– Ундай эмас, дўғон. Сизларда келин салом борми?

– Ҳа, бар, – деди мезбон.

– Бизларда бўлса, келин саломдан ташқари меҳмон салом ҳам бор. Биринчи марта келган меҳмон ана ўша меҳмон саломни бажо келтириб ярим соатча тик туриши керак.

Ноўрин қасам

Бир даврада гуруҳбозликка қўшилган кимса қасам ичиб деди:

– Ит бўлай агар шу ишларга аралашган бўлсам?

Неъмат ака қўл силтадилар:

– Э кўйинг, бу гапингизни эшитса ит жонивор каттиқ хафа бўлади...

Ёзувчи ён дафтаридан

Умри узок бўлса одам фарзанди ҳар қандай қамокдан чиқиши мумкин, лекин мен қамасам у ердан қиёматгача чиқа олмайди.

(Мақтанчоқ гўрков сўзи)

* * *

Дўкон коровули Мамасоли чўлоқ ҳеч иш қилмайди. Ётади, носвой чекиб маза қилади.

(Имзосиз хатдан)

* * *

Хотинга озгина эрк бердингми, тамом: Сени минора қилиб кўтаради-ю, лайлак бўлиб бошингга уя кўяди.

(Тақводор ота сўзидан)

* * *

Шаҳарда туғилиб ўсган бир ҳаваскор рассом сигирнинг суратини чизди. Расм жуда яхши чикди-ю, лекин сигирнинг елини олтига эди.

* * *

Дендропарк дегани – бу – “тентира” сўзидан олинган бўлса керак. Чунки кўпгина ёш-яланглар ўша ёққа тентираб кетиб колишяпти.

(Кекса кишининг изохи)

ҲАБИБ САЪДУЛЛА БИР КУНИ...

Ҳабиб Саъдулла 1942 йил 5 апрелда Наманган шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1992). Тош-Дунинг журналистика факультетини тугатган (1971). “Баҳор билан суҳбат” (1975), “Мулоқот” (1979), “Яна остонангда” (1982), “Эхтиром” (1984), “Боғлар юртин боласимиз” (1988), “Тазарру”, “Кўчамдан жонон ўтганда” (1992), “Косонсой карвонлари” (1993), “Учкўрғоннинг уч хирмони” (1996), “Рамазон муножоти” (1997), “Нур қадри” (1998), “Танланган асарлар” (2 жилдли, 2002) каби шеърӣ китоблари нашр этилган. Драма (“Юсуф ва Зулайхо”, 1975) ва комедиялар “Раҳмат, иғвогар” (1989) муаллифи. “Эл-юрт хурмати” (2003) ордени билан мукофотланган. 2006 йил, 1 мартда Наманган шаҳрида вафот этган.



Ҳабиб Саъдулла (*Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин*) ниҳоятда дилкаш, дилбар шахс эди. Каттаю кичик, раҳбару оддий меҳнаткаш – ҳамма билан осонгина тил топишиб кета олар, ҳар қандай давранинг гули бўлиб, барчани бетакрор гурунги, ғаройиб хангомалари билан сеҳрлаб кўярди.

Атоқли адиб Саид Аҳмад Ҳабиб аканинг одамохунлигига тан бериб, шундай деган эди: “Ҳеч бир вилоятда Ҳабиб Саъдулладек ўз юртида шу даражада кадрланган шоирни кўрмадим. Юрт шаънига ғамгузор бўлган, қувончига қувонган инсонгина шундай ҳурматга сазовор бўлади”.

Саҳий юбиляр

Ҳабиб аканинг олтмиш йиллиги водийда катта тантана билан нишонланади. Табиатан одамохун, назокатли бўлган шоирнинг ёру биродарлари, ҳамкасбу мухлислари ҳурмат-эҳтиромларини самимий изҳор этишади. Тантаналар кизгин давом этаётган кунларнинг бирида Бобораҳим Машрабнинг асли қаердан эканлиги ҳақидаги эски баҳс яна тилга олинади. Шунда Ҳабиб ака ўзига хос бир лутф ила ҳазил қилади:

- Менга қолса, Машрабнинг андижонлик бўлгани маъқул.
- Нега энди?
- Ана ўшанда ўзим Наманганнинг биринчи рақамли шоири бўлиб колардим.

Туз қаерда бўлади?

Кунлардан бир кун Ҳабиб аканинг тоби қочиб, шифокорга учрайди.

- Ҳўш, нима безовта қияпти? – деб сўрайди дўхтир.
- Шу... оёғим зиркираб оғрияпти.

Шоирнинг оёғини обдан эзгилаб текширган дўхтир “Туз бор экан!” дейди.

Ҳабиб ака ўзича ажабланган бўлиб, шундай жавоб қилади:

- Ие, туз, одатда, пешонада бўларди-ку!?

Улуғларга ҳурмат

Ҳабиб ака давраларда ўзи ҳақида гап очилса, дарҳол бошидан бежирим дўпписини олиб қўйиб, диққат билан тинглар экан. Дўстлари қизиксиниб, “Нега бундай қиласиз?” деб сўрашса, камтарлик билан “Улуғларга ҳурмат юзасидан!” дермиш.

Уйни топширмаган

Ҳабиб ака Наманган вилоят ёзувчилар уюшмаси раҳбарлигини таниқли шоир Зиёвуддин Мансурга топшириб, ўзи бошқа ишга ўтган кезлар эди. Чамаси, эски ишхонасида ойна остида қолиб кетган телефон рақамлари янгисига алмаштирилмагани учунми, узоқ вақтгача “Бу Зиёвуддиннинг уйими?” деган кўнғироклардан безор бўлади. Ахийри бир куни яна шундай телефон бўлганда Ҳабиб ака ҳазиломуз оҳангда жавоб қилади:

- Мен Зиёвуддинга ишни топширганман, уйни топширмаганман!

Хусусий ука

Ҳабиб ака ёш ижодкорларга жуда меҳрибон, эътиборли эди. Ёқубжон Аҳмаджонов, Зиёвиддин Мансур, Абдулла Жаббор, Аҳмад Турсун, Ўктамхон Холдорова, Носир Аббос, Бокий Мирзо, Дилбар Бону каби ёш истеъдодлар устознинг этагидан тутиб, иззат-ҳурматини жойига қўйишарди. Устознинг Зиёвуддин Мансурга ихлоси баланд эди. Икковлон ҳамиша қўшалок бўлиб, бирга юришарди. Саид Аҳмад уларни “Ака-ука Гриммлар”, Озод Шарафиддинов эса “Добчинский-Бобчинскийлар” дея ҳазиллашишарди. Зиёвиддиннинг туғилган куни нишонланаётганда Ҳабиб ака шундай ғаройиб бир гапни айтади:

– Мустақиллик шарофати билан тадбиркорларга, ишбилармонларга яхши имкониятлар яратилди, хусусийлаштириш ҳам жонланди. Мундоқ қарасам ён-атрофимда ҳамма нарса хусусийлашиб кетибди, фақат шу бола қолибди. Шунини ука қилиб, хусусийлаштириб ола қолдим.

Ҳабиб Саъдуллани танимайдиган шоир

Наманганлик машҳур ҳофиз Камолиддин Раҳимов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) билан шоир Ҳабиб Саъдулла ўртасида яхши бир ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилганди. Натижада кўплаб умрбоқий кўшиқлар яратилади. Ҳабиб аканинг аруздаги илк машки – “Кўчамдан жонон ўтганда” ғазали билан айтиладиган кўшиқ тилга тушади, ҳали ҳамон мухлислар суйиб тинглашади. Шоир Абдулла Жабборнинг лутф этишича, бу бетакрор кўшиқ “Камолиддин Раҳимов кўшиқ қилиб айта бошлагач, кўчасидан жонон ўтганларни ҳам, ўтмаганларни ҳам мафтун қилиб қўйди”.

Кунлардан бир кун Камолиддин Раҳимов Ёзувчиларнинг Наманган вилоят бўлимига шогирдлари билан келиб, магнит тасмасига ёзилган янги кўшиқларини қўйиб эшиттиради. Иккита кўшиқ матни уйгур шоири Билол Нозим қаламига мансуб экан. Ҳабиб ака аввалига шундай шоирни билмаганидан хижолат чекади. Сўнг гапни одатича ҳазилга буради:

– Бизнинг билмаганимиз-ку майли, аммо Билол Нозим Ҳабиб Саъдулла деган шоирни билмагани чатоқ-да!

“Чой дамлаб тур”

Ҳабиб ака биров бир нимани илтимос қилса, йўқ деёлмай-диган, кўнгилчан одам эди. Ёзувчиларнинг вилоят бўлимини бошқарганда кимларнингдир илтимоси билан фаррош ёки котибани ишга олиб, кейин улардан қутулолмай қийналиб юрарди. “Лоақал иш столимни пол латта билан артмасин, айтиб қўйинг, барака топгур!” дея муовинига ялинарди.

Бир куни мактабни яқинда битирган Шоҳиста исмли қиз котибаликка қабул қилинади. Аммо у ҳам эрқароқ экан шекилли, керак пайтда жойидан топилмас, Ҳабиб ака “Котибани кўрмадингларми?” дея кидириб қоларди.

Бир куни Ҳабиб ака чанқаб, столидаги чойнақдан томоғини хўлламоқчи бўлса, чойнақ куп-қуруқ экан. Ўйланиб туриб, котибанинг столига шундай хат ёзиб қолдиради:

*Хоҳ истама, хоҳ иста,
Чой дамлаб тур, Шоҳиста.*

МУҲАММАД ЮСУФ БИР КУНИ...

Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1998). Рус тили ва адабиёти институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган (1978). Илк шеърлар тўплами – “Таниш тераклар” (1985). “Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйқудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари” (1989), “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1991), “Бевафо кўп экан”, “Ёлғончи ёр” (1993), “Эрка кийик” (1995), “Осмонимга олиб кетаман” (1998), “Улуғимсан, ватаним” (2004) каби шеърӣ китоблари нашр этилган. 2001 йил 31 июлда вафот этган.



Шоирнинг уйи

Ҳаётдан бевақт кўз юмиб, мухлисларни доғда қолдириб кетган ҳассос шоир Муҳаммад Юсуф (*Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин*) табиатан ҳазил-мутойибага мойил, лутфлари тағдор, дилкаш, самимий инсон эди. Гоҳо жиддий гапни ҳам ҳазилга ўраб айтадиган одати бор эди, суҳбатдошини сира зериктирмасди.

Шоирнинг вилоятларда мухлислари кўп бўлган. Кунлардан бир кун унинг андижонлик мухлислари ўзаро гурунгда шоирдан сўраб қолишади:

– Ака, мабодо Тошкентга йўлимиз тушиб қолса сизни қандай топамиз?

Шоир дарҳол уйини қандай топиш йўлини тушунтиради:

– Пушкин кўчаси орқали Дархон деган кафенинг олди-га борасизлар. Шу ердан “Буюк ипак йўли” метросига қараб юрилса, икки йўлнинг ўртасида Пушкиннинг ҳайкали бор. У кўлини бизнинг “дом”имизга чўзиб, “Мендан ҳам зўр шоирнинг уйи мана шу!” деб кўрсатиб турибди.

– Ҳа, ҳа, кўрганмиз у ҳайкални, унда Пушкиннинг ёшроқ даври тасвирланган.

– Тўғри, ёшлиги тасвирланган.

– Ака, унда шоир кўллари ни орқага қилиб олган, шекилли.
– Илгари шунака эди. Сизлар қачон кўргансизлар ўзи у хайкални?

– Уч-тўрт йил бўлдиёв...

– Тўғри, унда хайкалнинг кўли орқада эди. Ҳозир, боя айтганимдек, кўли олдинда, кеча-ю кундуз бизнинг уйни кўрсатиб турибди. Бемалол, адашмай уйимизни топа оласизлар.

Билағонроқ бир мухлис шундай кўшимча қилиб қолади:

– Фафур Ғуломнинг “Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим” деган машҳур шеърида “уйи” мизни кўрсатишга милиционер кўли бор” деб ёзган.

– Мустақилликдан илгари, Советлар замонида машҳур шоирларнинг уйини милиционерлар кўрсатиб турарди. Ҳозир бу ишни хайкаллар бажаряпти, – дейди шоир кулимсираб.

Китоб учун ким жавобгар?

Кунлардан бир кун андижонлик таникли ёзувчи дўстим Қамчибек Кенжа билан шифохонада даволанаётган Халқ шоирлари – Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфни йўқлаб бордик.

Шоирлар бизни хушнуд қаршилашди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, андак гурунглашгач, беморларни ортиқча уринтирмаслик учун кетишга чоғландик. Аммо Абдулла ака яна бир оз ўтиришга ундади. Муҳаммадjon кулоғимизга энгашиб, “Шошманглар энди, Абдулла ака зериккан, бир оз суҳбатлашгиси бор”, дея шипшиди. Хуллас, келган жойидан бошланган гурунгимиз анча қизиқ кетди. Абдулла ака китоб чиқараётган нашриётларнинг кўпайиб кетганлиги, аммо китобларнинг савияси ночорлиги хақида куйиниб гапирди.

– Нашриётлар бемалол “Китоб савияси учун нашриёт жавобгар эмас”, деган сўзларни калқон қилиб олаётгани қизиқ! – дедим суҳбатга кўшилиб:

– Уларга колса, “Китоб савияси учун муаллиф жавобгар эмас!” деб ёзишдан ҳам тоймайдилар, – деди Абдулла ака.

Ҳали битмаган жароҳатини авайлаб, суҳбатга жимгина кулок солиб ўтирган Муҳаммад Юсуф ногоҳ шундай тагдор кочириб килди:

– “Китоб савияси учун... китобхон жавобгар!” дейилса зўр бўларкан.

Ўртада бир шеър қолди

Муҳаммад Юсуф ўзига тенгдош, сафдош бўлган ижодкорларни жуда кадрлар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр эди. Яхё Тоға, Шукур Қурбон каби шоирлар билан қалин дўст эди. Яхё Тоға билан мусофирчиликнинг жамики ғаройиботларини бирга тотганди. Кунлардан бир кун икковлон ижарахонада зерикиб ётишганда шеър ёзгиси келиб, Яхёдан сўрайди:

– Битта мисра беринг, хўжам.

Яхё шунда “Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин” дейди-ю ўзича ғудраниб, кўрпани бошига тортади.

Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотирасида Яхё Тоға юқоридаги тарихий воқеани ниҳоятда самимий ва таъсирчан баён қилади:

– “Ғайратимиз жўшган, фароғатни унча писанд қилмайдиган пайтларимиз экан чоғи, сахар уйғондим. Муҳаммад ака ўнг қўлини “ёстик” қилганча, столга бош қўйиб ухлаб ўтирибди, ёнида бир парча оппоқ қоғоз. Қоғозга ўғринча кўз югуртирдим. Унда шундай шеър битилганди:

Тилак

*Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажсин тушсин юзларига, доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо – бир таёқ тушсин.*

*Имони соғ, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин.
Ва жисмига сўнги сафар олдидан
Ўз ўглининг қўлидан тупроқ тушсин.*

Энтикиб қолдим. Шу асно шеърни уч-тўрт карра қайта ўқидим-да, “хўжалик ишлари” бўйича ташқарига чиқиб кетдим. Елкамда сочиқ, майкачан, ялангтўш қайтиб кирганимда Муҳаммад ака уйғонган экан.

– Янги шеър муборак бўлсин, шохим!

– Ўзларига муборак, хўжам! – деди-да Муҳаммад ака варақни мен томон сурди. – Шеър сизники.

– Қўйинг-э, Муҳаммад ака. Шеър ўппа-ўзингизники. Муборак бўлсин! – деб қоғозни у томон сурдим.

– Йўк. Шеър сизники! – варақ мен томон сурилди.

– Нимага энди? – қоғоз қайтди.

Шу тариқа янги шеър бир неча у ён-бу ён “бориб келди”.

– Битта сатр берсам, сиз ҳам қойилмақом қилиб шеър ясардингиз-ку?!

– “Ясардим”. Лекин мен бу даражада қойилмақом қилолмасдим.

Қоғоз сўнгги бор у томон “сирпанди”: “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...”

– Оласизми, йўқми?

– Йўк.

– Олмайсизми?

– Олмайман.

– Унда... ўзингиздан кўринг.

Муҳаммад ака қоғозни шир-шир йиртиб, “урна”га отиб юборди. (*Шоир кейинчалик ушбу шеърни китобларига киритган. Ш.О.*)

Буюкларга хос тантилиқ, валлакатлик бор эди раҳматлининг феълида.

Бирок шоирона ўжарлигу тажанглиқ, “анжанча” бир чапанлик ҳам унга ёт эмасди.

– Ҳай. Битта шеърим камайгани билан камбағаллашиб қолмайди. Лекин, бир гапни айтиб қўяй. Буни башорат деб қабул қилсангиз ҳам майли: Яқин йилларда сиз, элимизнинг машхур ва суюкли шоирига айланасиз! Сал кейинроқ эса, яъни менинг етмиш йиллик юбилейимда, аввал Абдунаби акани, сўнг сизни – менинг устозларим! – деб эълон қиламан!

– Ниятингизга етинг!

Ўша кунги “можаро”, шу улуғ дуо бирлан, дўстона якун топди. Ўртада гидир қолмади. Ўртада бир шеър қолди.

Аммо...

“Дийдор киёматга қолди!”

Яхё Тоғанинг ўшандаги башорати тўла-тўқис рўёбга чиқди. Муҳаммад Юсуф халқимизнинг суюқ ва буюқ шоири бўлди.

Трамвай “такси” бўлди

Кунлардан бир кун уч улфат – Муҳаммад Юсуф, Яҳё Тоға ва унинг ҳофиз дўсти Шавкат Жўраев тунда бир зиёфатдан қайтишаётганди. Вақт алламаҳал бўлган, мошиналар қатнови деярли тўхтаган. Шу маҳал тарақ-туруқ қилиб трамвай келиб қолади. “Пешона”сидаги ёзувдан унинг “Бешқайрағоч”га бориши маълум бўлади. Шунга қарамай, Муҳаммад Юсуф биринчи бўлиб унга сакраб чиқиб олади ва ҳайдовчидан илтимос қилади:

– Ака, Талабалар шаҳарчасига ташлаб қўйинг!

Ҳайдовчи бошқа томонга кетишини айтади. Шунда Муҳаммад Юсуф ёнидан бир сўм чиқариб узатади:

– Илтимос, йўқ деманг.

Йўлкира ўшанда уч тийин эди. Бир сўмнинг кудратими ёки шоирнинг илтимосидаги шиддатнинг таъсирими – ҳайдовчи трамвай йўналишини талабалар шаҳарчаси томон ўзгартиради. Улфатлар хурсанд бўлиб, бир-бирининг қўлига “қарс” эткизиб уриб қўйишади.

Кичкина бир омаддан ҳам димоғлар чоғ бўладиган, сув келса симириб, тоғ келса кемириб кетиладиган, ҳатто трамвайнинг ўзанини ҳам ўзгартириб юборадиган бахтиёр даврлар эди...

ИҚБОЛ МИРЗО БИР КУНИ...



Иқбол Мирзо 1967 йил 1 майда Фарғона вилояти, Бағдод туманига қарашли Кўштегирмон қишлоғида туғилган. Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган.

Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари ҳамда Ўзбекистон телевидениесига масъул лавозимда хизмат қилмоқда.

Турли йилларда шоирнинг “Юракнинг шакли”, “Кўнгил”, “Сени соғинаман”, “Мени эслайсанми”, “Танланган шеърлар”, “Кўшиқларим”, “Сени бугун кўрмасам бўлмас”, “Сизни куйлайман” номли китоблари нашр этилган.

1999 йили “Шухрат” медали билан тақдирланган. 2005 йили “Ўзбекистон халқ шоири” унвонига сазовор бўлди.

Фермер кўшиқ айтса...

Кунлардан бир кун Иқбол Мирзонинг телевидениедаги ишхонасига бир фермер таниши келади. Гап орасида у кутилмаган илтимосни айтиб қолади:

– Мен телевизорга чикиб, кўшиқ айтмоқчиман, шунга нима дейсиз?

– Нима ҳам дердим – агар талантингиз бўлса, марҳамат!..

– Мен...жиддий айтяпман.

– Ҳар ким ўз ишини қилгани яхши. Чумчуқ сўйса ҳам кассоб сўйсин, – дейди Иқбол Мирзо.

– Сизларда дикторлар ҳам кўшиқ айтяпти-ку? Мен ҳам кўшиқ айтсам нима бўпти?

– Шунчалик шаштингиз баланд экан, майли, ўйлашиб кўрармиз... – Шоир фермердан осонликча қутулолмаслигини билиб, гапни айлантиради. Фермер эса масалага янада аниқлик киритгиси келади.

– Агар мен телевизорда қўшиқ айтадиган бўлсам, қайси каналдан чиқаман?

– Агар сиз қўшиқ айтадиган бўлсангиз, уч кундан кейин Катта Фарғона каналидан чиқасиз!

– А?!

Калхўз

Таниқли ёзувчи Дадахон Нурийнинг 70 йиллик юбилеи туғилган юрти Наманганда катта тантаналар билан нишонланади. Тантаналар вилоят театри биносида яқунланади. Маънавият ва адабиётнинг чинакам мухлиси ва ҳомийси, вилоят ҳокими Баҳодир Юсупов сўзга чиқиб, “Дадахон ака фақат ёзувчигина эмас, ёзувчиларнинг Чорвоқдаги колхозига раис ҳам” дейди.

Иқбол Мирзо сўзга чиққанда ҳокимнинг раис ҳақидаги гапини шундай изоҳлайди:

– Сизлар ҳоким колхоз деганда “Колхозлар тугаб кетганку” дея ажаблангандирсизлар. Аслида бу сўз “колхоз” эмас, “калхўз”. Гап шундаки, Чорвоқдан дача олган ёзувчиларнинг кўпчилигини сочи тўкилиб, кал бўлиб қолган. Шунинг учун “калхўз” дейилади...

Кўзойнак

Кунлардан бир кун устоз Абдулла Орипов ёзувчилар уюшмасидаги мажлисда ўз кўзойнагини унутганлигини айтиб, Иқболдан вақтинча кўзойнагини сўраб олибди. Мажлис тугагач, кўзойнакни мақтаб, “қулай матоҳ экан, тахланишини айтмайсанми”, деб қўйибди. Тез орада устознинг туғилган кунига йиғилган даврада Иқбол табрик сўзи айтади. Устозни кутлаб, янги ғилофли кўзойнак тақдим қилар экан, “Абдулла ака, Сизни беҳад ҳурмат қиламан, чексиз яхши кўраман. Сиз ҳам мана ви кўзойнакни тақиб, мени яхши кўриб юринг” дебди.

Шамол бўлмаса...

Бир куни молия институтида бўлган учрашувдан қайтишаётганда адабиётшунос Раҳмон Кўчкор Иқболга Иса-

жон Султоннинг янги ҳикояси ҳақида ҳаяжонланиб гапириб қолади.

– Бунисидаям шамол тасвирланганми? – деб сўрайди шоир кулимсираб.

– Буниси шамол ҳақида эмасу, лекин шамолнинг таърифи анчагина бор, – дея изох беради Раҳмон Кўчқор.

– Ҳа энди, – дейди Иқбол Мирзо томоқ кириб, – шамол бўлмаса қаламнинг учи қимирлармиди...

Нонучта

Иқбол Мирзонинг Абдулла деган (*раҳматли*) фарғоналик оғайниси тилшуносликка муккасидан кетган, ҳамма нарса-ни ўзбекчиликка, ўзбек тилига боғлаш одати бор эди. “Ўйлаб кўрсам, самолёт ҳам ярми ўзбекча сўз экан: ўзбекча “само” – яъни “осмон” ва русча “лёт”дан ясалган. Самара шаҳри ҳам ўзимиздан келиб чиққан, биздан борган савдогарлар ўша шаҳарда кўп фойда кўриб, самара топганидан шаҳарнинг номи “Самара” бўп кетган. Ёки футбол ҳам ўзбекча “пут”дан олинган, бизда оёқни пут ҳам дейишган-ку, масалан, путингни йиғиштириб ўтир, деган гаплар бор. Каратэ ҳам ўзбекча “қараб теп”дан келиб чиққан-да”, дер экан. Хуллас, Иқбол Мирзонинг уйида меҳмон бўлган дўсти шу тахлит тун билан Есенинни Эсонбойга, Тургеневни Турғунбойга айлантирибди. Эрта-лаб туришганда Абдулла яна кечаги мавзуни давом эттиришга чоғланиб, бир янги сўз ҳақида гап очган экан, Иқбол Мирзо тоқати тоқ бўлиб, ўғлига буюрибди:

– Анваржон, учта нон олиб кел, нонучта қиламиз.

Чораси бор

Бир куни Иқбол Мирзонинг новвой кўшниси шоирни кўчада тўхтатибди.

– Ака, мени армияга олишмаяпти. Сиз халқ шоирисиз, катта мажлисларда гапириб юрасиз, сўзингиз ўтади, шу ишга ёрдамлашворинг энди, илтимос.

– Ҳа, нима гап ўзи, нега олишмайди?

– Бўйим етмаётган экан, тўрт сантиметр холос. Ҳамма нарсани иложи бор-ку, жон ака!

– Ҳмм, шунақами? – шоир ўйлаб кўрса, иложи йўқ, лекин илтимос қилиб турган одамга жўялироқ жавоб бергиси келади.

– Буни иложи бор, ука. Лекин, озгина...

– Агар харажати бўлса, тайёрмиз, иш битса бўлди, – дейди новвой бола. Шоир жавоб қилади:

– Даданг билан гаплашгин, сени космосга учирсин, вазнсизликда одамнинг бўйи чўзилар эмиш. Бир марта учиб келсанг, бемалол армияга бораверасан.

Ичкуёв

Иқбол Мирзонинг ҳовлисида жўралар йиғилишган, катта қозонда ош дамланаётган эди. Фарғонадан келган Фахриддин домла ўчоққа ўт қалаб, гуручни қозонга соларкан, яқинда оламдан ўтган қайнотаси ҳақида тўхтовсиз гапиради. Шунда Муҳаммад Шариф сўраб қолади:

– Домла, мабодо ичкуёв эмасмидингиз?

– Домла ичкуёв бўлмаган, лекин ҳар гал борганида қайнотаси “ич, куёв” деб сийлаган, домланинг меҳри шу туфайли, – дейди Иқбол Мирзо.

Мажлис

Мажлисида раҳбар Иқболга сўз бераётиб, “ишхонада кам кўрамиз”, дея қистириб ўтади. Шоир сўзга чиққач, эшитилар-эшитилмас қилиб, “ишқилиб, кўп кўрмасаларинг бўлди”, дейди.

Мутахассис

Иқбол Мирзо дўстлари – тадбиркор Араббой ва журналист Анвар Холматов билан Бекободдан балиқ овидан қайтишаётган экан. Бўкадан чиқишда тарвуз олишга тўхташибди. Ҳар ишга чакқон Анвар мошинадан эпчиллик билан тушиб, тарвуз танлашга киришиб кетибди, бир кўтариб салмоқлаб, шапатилаб кўради, бир қулоғига тутиб чертади. Анвар билан янги таниш бўлган Араббой ҳайрон бўлиб сўрайди:

– Иқбол ака, ўртоғингиз тарвуз танлашга мутахассисми дейман?

– Ҳа, танлашга мутахассис, лекин пулига келганда ўта хассис, – дейди шоир сўз ўйини қилиб.

Иқбол Мирзо гапини тугатмаёқ Анвар мошина эшигини очиб, Араббойга сўз қотибди:

– Ака, саккиз минг чиқарворинг.

Дуо

Сирдарёда ўтказилган учрашувдан сўнг бир зиёлинамс киши Иқбол Мирзога ўспирин неварасини рўпара қилиб, дейди:

– Шоир, шу боламнинг шеърларини бир эшитиб кўринг жуда зўр-да, сиздан дуо олиш ниятимиз бор...

Болакай шеър ўқишни бошлаб, ҳаммани бетоқат қилади. Машқ суюқдан-суюқ, маза-матрасиз, энг ёмони – охири кўринмасди. “Шоир”нинг яккаю ёлғиз мухлиси бўлган бобос кўзларини юмганча ҳар сатр орасида “баракалла!”, “офарин!” “отангга раҳмат!”, “бале!” дея ҳамду-сано ўкиб туради. Иқбол бир амаллаб болани тўхтатгач, мошинага чикмоқчи бўлганда ҳалиги одам дуо сўраб қолади.

– Илоҳим, умринг шеърингдай узун, лекин мазмундор бўлсин! – дея дуо қилади шоир.

Қочирим

Иқбол Мирзонинг хонадонида санъаткорлар тез-тез меҳмон бўлишади. Шундай меҳмондорчиликлардан бирида Мухсин деган ашулачи Муқимийнинг “Ёдимға тушди” ғазалини куйлаётиб, “Аҳду паймонларинг”ни “аҳду файмонларинг” деб юборади. Даврадагилар шу кўшиқнинг шайдоси бўлган Иқболга маъноли қараб кўйишади. Кўшиқ тугагач, шоир хонандага шундай қочирим қилади:

– Ака, файфоғингиз чаффа эмасми?

Достон ёзиш осонроқ

Шоирга илтимос килувчилар кўп. Улар орасида яқин қариндошлар, опа-сингиллар, ака-укалар ҳам борки, бу илтимосларни ерда қолдириш оғир. Мурожаатларнинг кўплигида шоир гоҳо ўз ишига ҳам вақт тополмай қолар эди.

Бир куни опаси Муаззамхон “Ука, фалончининг ўғли “Бунёдкор”да ўйнамоқчи экан, опалари ўртага тушишяпти, ўзи яхши футболчи эмиш, исми Ойбекжон” дея укани қистовга олади. Бу ишлар менга тегишли эмас, деёлмаган ука опасига юмшоқкина қилиб ғаройиб таклифни айтади:

– Ўша “Бунёдкор” клубида футбол ўйнамоқчи бўлган Ойбекжон ҳақида дoston ёзиб берсам бўлмайдими?

Тунаб кетишди

Кунлардан бир кун Иқбол Мирзо ижодкор акалари – Ёқубжон Хўжамбердиев, Раҳмон Кўчқор билан Дўрмонда хонанишин бўлиб, дарвешона яшаётган ёзувчи Набижон Боқийни йўқлаб боришади. Яхшигина гурунг бўлади.

Бир маҳал меҳмонлар кўзғолиб қолишади.

– Тунаб кетинглар энди! – мулозамат қилади Набижон.

– Майли, раҳмат, бора қолайлик! – дея меҳмонлар ташқарига чиқишади.

Ховлида олма, беҳилар ғарқ пишиб ётганди. Меҳмонлар хадди сиғиб, меваларни уза бошлайдилар. Шунда Иқбол Мирзо кулимсираб, мезбонга гап қотади:

– Ана, ўзингиз тунаб кетинглар дегандингиз-ку!

Пўписа

Адиблар иштирок этаётган бир учрашувда болакайлар сўзга чиқаётганларни тингламай, ғала-ғовур қилиб, тўполон қилишарди. Шунда Иқбол Мирзо секин ўрнидан туриб, ўзича пўписа қилади:

– Жим! Жим ўтиринглар! Бўлмаса... – шоир бир зум ўйланиб қолгач, ўзича шундай пўписа қилади. – Бўлмаса ҳозир шеър ўқивораман!

Болакайлар қизиқсиниб, жимиб қолишади.

ТЎРА СУЛАЙМОН БИР КУНИ...



Тўра Сулаймон 1934 йил 15 февралд Бахмал туманида туғилган. Ўзбекисто халқ шоири (1999). ТошДУнинг ўзбе филологияси факультетини тугатга (1964). Ижоди 50-йилларда бошланган. Илк шеърлар тўплами – “Истар кўнгил” (1962). “Мен қайга борар бўлсам” (1965), “Жаҳонгашта” (1970), “Ҳамқишлоқларим” “Интизор” (1973), “Сирдарё кўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976), “Алҳазар” (1976), “Тўйбоши” (1977), “Сизни эслайман” (1980), “Қоракўзгинам” (1981), “Гулшан” (1988), “Сарвиноз” (1990), “Харсанг” (1994), “Жаҳоннома”, “Ту бир ён, чаман бир ён” (1996), “Ёвқочди” (1998), “Сайхон” (2003) каби асарлар муаллифи. Кўплаб шеърлари кўшиқ қилинган. Публицистик мақолалар тўплами ҳам бор (“Мамлакатнинг таълим нуқтаси”, 2004). 2005 йили Гулистон шаҳрида вафот этган.

Сирдарёнинг Фафур Гуломи

Бир замонлар Сирдарё вилоятида адабий муҳит жуда жўшқин бўлган. Вилоят газетаси – “Сирдарё ҳақиқати”да Акмал Пўлат бош муҳаррир, Султон Акбарий муҳаррир, ўринбосари, Олим Қўчқорбеков бўлим мудирини эди. Фафур Гулом, Комил Яшин, Миртемир, Ҳамид Гулом, Раҳмат Файзи каби номдор адиблар тез-тез вилоятга ташриф буюриб турадилар. Миртемир оға газета қоғозда ташкил топган адабий тўғарагини бошқарарди. Ҳалима Худойбердиева, Тошмама Рўзибоев, Ҳакимжон Халилов, Ойниса Ортиқбоева, Ҳамроку Ризо, Баҳор Холбекова каби оловқалб ёшлар жўшиб-тоши ижод қилишарди. Вилоят ижодкорларининг сардори Тўра Сулаймоннинг “Истар кўнгил” деган шеърини тўплами била “Қорасоч” достони чоп этилиб, тилга тушган кезлар эди.

Бу ғаройиб хангомани раҳматли Тўра аканинг ўзи шунда хикоя қилганди.

“Қуш йўқ ерда қурбақа булбул, деган гап-гап. Мирзаҷў шоирининг олди ҳам ўзим, орти ҳам ўзим. Узок-яқиндан кел

ган меҳмонларнинг мен билан ҳисоблашмай ҳеч иложи йўқ... Бир куни академик шоир Ғафур Ғулом шаҳарга беблиски (но-расмий) келиб, меҳмонхонага кўнадилар. Меҳмонхонанинг меҳмон қабул қиладиган Гуля (Гавҳар) исмли бир ходимаси бўлар эди. Уша Гуля Тўра шоирни Мирзачўлнинг энг зўр “поэти” деб билар экан. Шундай қилиб Ғафур Ғуломдай буюкнинг Гуличкага иши тушади, денг. Гуличка эса бу буюк инсонни ўзбекларнинг шунчаки бир носкаш, чапани чоли деб билади. Меҳмонхона учиб-қўнувчилар билан тирбанд экан. Ҳалиги Гуляси тушмагур Ғафур оғага “места йук” деб туриб олади. У кишининг жаҳли чиқиб, ман академик шоир Ғафур Ғулом бўламан, дейдилар. Гуличка ҳам бўш келмай, подумаш, Ғафур Ғулом тугел Сулейманип булсағизда места юк, деган гапидан қайтмайди. Ғафур оға бу Сулейманип дегани қанақанги фалокат экан, дея ҳайрон бўлади. Энди у киши жой қолиб, Сулейманип масаласи билан шуғулланишга тушадилар. Ана-мана дегунча Ғафур аканинг Ғулистонда эканлигидан ҳамма хабар топади. Ва Тўра шоирни оёғини ерга теккизмай топиб келадилар.

Акмал Пўлатнинг кенг-кўркам хонаси. Жамоат жам. Тўрда эса Ғафур оға. Акмал аканинг хонасига киришим билан кулги кўтарилди. Мен келгунча менинг кимлигимни Ғафур акага тушунтириб бўлган эканлар. Кўпчилик ҳазиллашиб мени Сирдарёнинг Ғафур Ғуломи, айримлари эса Сирдарёнинг от кулоғи, дер эдилар. Ғафур оға мени ёнига чорладилар-да, майли, Сирдарёнинг Ғафур Ғуломи бўлсанг бўла қол, бироқ “от кулоғи” бўла кўрмагин, деб бағрига босдилар.”

Сони ўзидан

Дўрмондаги ижод уйида Тўра Сулаймон, Мурод Муҳаммад Дўст, Нурали Қобул, Тоҳир Қахҳор ўзаро гурунглашиб ўтиришган эди, кимдир шундай таклиф киритади:

– Зерикиб кетдик, келинлар қарта ўйнаймиз!

– Э кўйинлар, бу нарса уюшмамиз раиси Сарвар аканинг (Ёзувчилар уюшмасининг 80-йиллардаги раиси – Ш.О.) кулоғига етиб борса яхши эмас, ёзувчилар қимор ўйнар экан, деб ўйлаши мумкин.

Кутилмаган эътироздан кейин ҳамма жимиб қолади. Ниҳоят, ёш, қизиққон шоир Тохир Қаҳҳор чидолмай, шунда хитоб қилади:

– Ахир бу ерда фақат ўзимиз-ку! Ким бориб чақимчилик қилиши мумкин?

Бир четда бу гапларни индамай эшитиб ўтирган Тўра ака гажжак қошларини яна бир карра чимириб, ўта жиддий алпоқда шундай дейди:

– Нима, биз бу ерда қанд еб (*аслида бундан кўра нордонрогача айтилади – Ш.О.*) ўтирибмизми? Бориб айтамыз-да. Гурр кулги кўтарилади.

Тормози қаерда?

“Сирдарё Фанлар академиясининг академиги” Тўра Сулаймон (*шоирнинг каминага совға қилган китобидаги “камтарна” дастхатдан – Ш.О.*) умрида бир марта рулга ўтириб, машина ҳайдаган экан. Ўшанда Тўра ака мошинани бир амаллаб юргизиб, тезликни оширади-ю, уни тўхтатолмай, боши қотадан Ниҳоят, кабинадан бошини чиқариб, ёнидан ғизиллаб ўтиб кетаётган ҳайдовчидан шоша-пиша сўрайди:

– Укажон, буни қандай қилиб тўхтатаман?

– Тормозни босинг, тормозни! – дейди ҳайдовчи.

Тўра ака ҳалиги мошинани яна қувиб етиб, қайта сўрайди:

– Тормози қаерда бу савилнинг?

Қовун тушириб қўйди

Тўра ака ниҳоятда содда, камтар-камсукум одам бўлган. Шўролар замонида Ғафур Ғулом номидаги нашриётда китобни чиқаролмай хуноб бўлиб юрганида таниқли болалар шоир Турсунбой Адашбоев унга шундай маслаҳат беради:

– Тўра ака, яна ақл ўргатяпти деманг-у, шу... раҳбарлар билан сал муомала қилишнинг ўрганиш керак.

– Хўш, қандай маслаҳат берасиз?

– Нашриёт директори Ҳамид Ғуломнинг қабулига бори.

Ҳамид ака яхши одам, ижодкорни тушунади.

– Хўш, бордим ҳам дейлик. Нима дейман?

– Ҳамид Убайдуллаевич! Шунақа-шунақа дея дардингизни айтасиз-да!

– Шу... Ҳамид Убайдуллаевич дейишим шартми? Бунақа расмий-китобий гапларга тоқатим йўқроқ-да...

– Йўли шунақа-да, Тўра ака. Раҳбарнинг хурмати дегандай...

Тўра ака бир неча кунгача “Ҳамид Убайдуллаевич!” деган иборани ўзича такрорлаб, машқ қилиб юради. Ниҳоят, бир куни Турсунбой ака билан нашриётга йўл олишади. Иттифоқо йўлакда Ҳамид аканинг ўзлари кўриниб қолади. Турсунбой ака секин Тўра аканинг орқасидан туртиб, “Боринг!” дейди.

Тўра ака директор билан юзма-юз бўлганда шоша-пиша саломлашади-ю ўша ўзи ёд олиб юрган ибора ўрнига “Убайдулла Ҳамидович!” деб юборади.

Ҳамид Гулом – савлатли, жиддий ва кўркам одам бирдан хўмрайиб, қовоғини уяди. Тўра ака қовун туширганини фаҳмлаб, дарҳол Турсунбой акага ўгирилиб, шундай дермиш:

– Қовун тушириб қўйдим-ку, Турсунбой!

“Мориц красний нос...”

Тўра ака ўтган асрнинг 70-йиллари Тошкент давлат университетида сиртдан ўқирди. Рус адабиётидан имтиҳон бўладиган куни шоир курсдоши Турсунбой Адашбоев билан юрагини ҳовучлаб факультетга жўнашади. Йўлакда талабалар ичкарига кириш учун навбат кутиб туришарди. Улар ҳам бориб сафга қўшилишади. Имтиҳончи – Юрий Александрович Мориц анча қаттиққўл, сержаҳл домла эди. Ниҳоят, Тўра акани ичкарига чорлашади.

– Сулейменов, берите билет! – дейди домла.

Тўра ака столга териб қўйилган билетлардан бирини олади.

– Какой билет?

– Шестой!

– Что за вопрос?

– Мориц красний нос!

– Что! – Домланинг ранги ўзгариб, вазоҳати хунуклашади. – Вон отсюда!

Ҳеч нарсага тушунмаган Тўра ака ноилож шалвираб ташкарига чиқади. Шунда Турсунбой ака секин ёнига келиб, елкасига қўлини қўяди.

– Турсунбой, нима гап ўзи? Нега домланинг жаҳли чиқди? – ўзича талмовсирайди Тўра ака.

– Ҳечкиси йўқ, Тўра ака, – дейди Турсунбой ака. – Сизга берилган савол Некрасовнинг “Мороз красный нос” поэмаси хақида эди. Уни Миртемир домла “Изгирин кизил бурун” деб таржима қилган. Сиз фақат Мороз билан Морицни алмаштириб қўйдингиз, холос.

ТОҲИР МАЛИК БИР КУНИ...

Тохир Малик (Ҳобилов Тохир Абду-маликович) 1946 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000). Ўзбек фантастикасининг асосчиларидан бири. Тошкент университетининг журналистика факультетини тамомлаган (1969). Биринчи йирик асари – “Ҳикмат афандининг ўлими” (1972).



Ёзувчининг турли йилларда “Фалак”, “Аёвсиз илон”, “Алвидо болалик”, “Бир кеча, бир кўча”, “Девона”, “Жиноятнинг узун йўли”, “Заҳарли гўбор”, “Иблис девори”, “Чорраҳада қолган одамлар”, “Шайтанат”, “Қалдирғоч”, “Ҳаловат” каби китоблари нашр этилган.

Асарлари чет тиллариға таржима қилинган.

Тохир Малик кўринишдан анча жиддий одамга ўхшаса-да, ҳаётда ниҳоятда ҳазилкаш, ажойиб лутфлари ўзига хос шахс.

Ўзидан сўранг

Кунлардан бир кун Тохир Малик “Шайтанат” фильми режиссёри ва бош роль ижрочиси Ёдгор Саъдиев билан телефонда гаплашаётган эди, орага бегона овозлар аралашиб қолади. Ҳамсуҳбатларнинг ўзаро муомаласидан таниб қолган бир аёл ногоҳ суҳбатга қўшилиб, сўрайди:

– Кечирасиз, Сиз Тохир Маликмисиз?

– Ҳа, нимаиди?

– Айтинг-чи, бош қаҳрамонингиз – Асадбек ўладими ёки ўлмайдими?

– Ана, ўзидан сўрай қолинг, эшитиб турибди.

Олдин синаб кўради

Андижонлик тақводор ёзувчи Убайдулла Содиқов (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) тирикчилик юзасидан Тошкентга келиб турарди. Бир гал пойтахтга келганида шундай деб қолди:

– Ўзингиз яхши биласиз, Тоҳир Маликнинг тез-тез тоби қочиб турибди. Машхур табиб дўстимиз Фуломжон Мадаминов (кашфиётлари халқаро миқёсда тан олинган, Европа табиий фанлар академиясининг академиги – *Ш.О.*) тайёрлаган доридан ичинг десам негадир унамаяпти. Сиз ҳам кўндиришга бир уриниб кўринг, зора шуни ичиб, дўстимиз шифо топиб кетса.

Мен гаплашиб кўришга ваъда бердим. Чорвоқдаги дала ҳовлимизда Убайдулланинг маслаҳатини айтдим. Ёзувчи дўстимиз андак таранг қилиб тургач, ахийри дорини ичишга рози бўлди.

Убайдулла навбатдаги сафарларидан бирида ваъда қилган дорисини қолдириб кетди. Келишганимиздек, уни ёзувчига етказдим. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, дала ҳовлида Тоҳир Маликни кўриб, сўрадим:

– Хўш, соғлиқлар қалай энди, мавлоно? Фуломжон Мадаминовнинг машхур дориси кор қиялтимми?

– Ҳозирча хотинимга ичириб, синаб кўряпман, агар бирон кор-ҳол бўлмаса, ўзим ҳам ичиб кўрарман, – деди ёзувчи қувлик билан кулимсираб.

Операция сабаби

“Шайтанат”нинг тўртинчи китоби эндигина чоп этилиб, кўлма-кўл бўла бошлаган, мухлислар “Асарнинг бешинчи китобини қачон ёзиб берасиз?” дея ёзувчини ҳол-жонига қўймаган кунлар эди. Бу орада адибнинг тоби қочиб, шифоҳонага тушади. Дўхтирлар уни жарроҳлик амалиётига тайёрлай бошлашади.

Адибни ёру биродарлари, устозу шогирдлари тинимсиз йўқлаб туришади. Шогирдлардан бири шифохонага келиб, устоздан ҳол-аҳвол сўрагач, операция сабабини суриштиради:

– Тоҳир ака, нега сизни операция қилишмоқчи?

– Билолмадим, – дейди ёзувчи кулимсираб, – балки “Шайтанат”нинг бешинчисини ичимдан олишмоқчи бўлишаётгандир...

Ғалати мухлис

Тоҳир Малик Фарғона водийсига сафар қилганида уни бир тадбиркор йигит билан таништиришади:

– “Шайтанат”ни мана шу аканг ёзган, билиб қўй!

– Э шундайми? – дейди тадбиркор. – Ака, мен сизнинг ашаддий мухлисингизман. Китоб савдоси билан жиддий шуғулланаман. “Шайтанат”нинг давоми чикса, ўзим сотишга ёрдам бераман. Дарвоқе, телефонингизни ёзиб олсам майлими?

– Майли, – ёзувчи шошилмай телефон рақамини айтади.

– Раҳмат, ака! Энди исмингизни ҳам айтсангиз!

– Нима?!

Ёзувчи ғалати мухлисга ҳайрат билан қараб қолади. У ҳазиллашмаётганди.

– Исмин – Шайтанат! – дейди Тоҳир Малик эгри козиққа эгри тўқмоқ қабилида, ачитибгина.

Мухлиснинг муҳаббати

Тоҳир Маликнинг она юрти Андижонда китобхонлар билан учрашув бўлаётганди. Шунда бир муаллима ёзувчига кутилмаган, ғалати илтимос билан мурожаат қилади:

– Илтимос, “Шайтанат”даги Асадбекни ўлдирманг!

– Нега бундай деяпсиз?

– Мен уни яхши кўриб қолганман, ўлишини истамайман.

– Яхши кўришингизни эрингиз биладими?

Муаллима жимиб қолади...

Эллик йиллик ошқовоқ

Тоҳир Маликнинг чиройли лутфлари, нозик қочиримлари, ажойиб ҳазиллари ҳам ўзига хос, бетакрордир.

Адибнинг китоб ўқишни, жон қойитишни ёқтирмайдиган бир танбал мактабдош дўсти бор эди. У ҳар гал ёзувчи дўстини кўрганда “Китобни кўп ўқиганинг учун ҳам бошинг оғрийди, мана мен китоб ўқимайман – бошим ҳам оғримайди!” – дея ўзича “маслаҳат” бериб турар, Тоҳир Малик эса “Шошмайтур ҳали, сени бир боплайки...” дея қулай пайтни кутиб юрар эди. Ниҳоят, шундай фурсат келади.

Бир куни ўз уйида дўстини сомса билан сийлаётган ўша мактабдоши гап орасида шундай дейди:

– Ошқовоқ яхшироқ жойда сақланса, бир йилда ҳам айнимас экан.

– Сен бир йиллик ошқовоқни гапиряпсан, мен сенга эллик йиллик ошқовоқни кўрсатишим мумкин, – дейди Тоҳир Малик тагдор қилиб.

– Сен фантаст ёзувчисан-да, муболағани ҳам қийворасан, – дейди ним косани пайкамаётган мезбон.

– Муболаға эмас, истасанг хозироқ кўрсатишим мумкин.

– Майли, кўрсата қол.

– Ана, елкангда турибди!

– Ҳали менинг қаллам сенга ошқовоқ бўлиб қолдими?

– Китоб ўқимайдиган, бирон-бир ақлли, жўяли гап айтмайдиган қалланинг ошқовоқдан нима фарқи бор?!

Ўхшаш адиблар

Таниш-билишлар Тоҳир Маликка “Сиз таникли адиб Саид Аҳмадга жудаям ўхшайсиз!” дейишарди. Ҳазилкаш ёзувчи эса бу гапга жавобан “Йўқ, мен Саид Аҳмадга эмас, Саид Аҳмад менга ўхшайди”, дея ўзича эътироз билдирарди. Бу гаплар қулоғига етиб боргач, Саид Аҳмад бир куни Тоҳир Маликни сиқувга олади:

– Сен бола нега бунақа деяпсан?

– Рост-да, мен сизга ўхшасам саксонга яқинлашган чол бўлиб қоламан-ку, тўғрими?

– Ҳмм... умуман олганда тўғри, хўш, нима демокчисан?

– Агар сиз менга ўхшасангиз, энди қирққа кирган қирчиллама йигит бўлиб қоласиз!

– Э, тилингга шакар, ўғил бола. Майли, шундай деб юрaver, айникса, хотин-қизлар олдида кўпроқ гапир.

Тирик шайтонлар

Тоҳир Малик ҳаж сафарига борганида кўпроқ ибодатни эмас, тижоратни ўйлаб, бойлик орттириш пайида юрган ҳамюртларидан энсаси қотар, ўзини улардан четроққа тортиб юрар эди. Шундай кунларнинг бирида ҳамроҳларидан бири, имон-эътиқодли ёш адиб Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон устозига мурожаат қилади:

– Тоҳир ака, эртага шайтонга тош отиш учун борамизми?

– Йўқ, мен у ёққа бормайман! – дейди устоз ҳазиломуз оҳангда.

– И-е, нега энди бормайсиз? Бусиз ибодат...

– Мен шу ердаги ўзимизнинг тирик шайтонларга тош отиб кўя қоламан!

Дўхтирнинг “маслаҳати”

Кунлардан бир кун Тоҳир Малик тоби қочиб, дўхтирга боради. Қайтиб келгач, хотини хавотирланиб сўрайди:

– Дўхтир нима деди, дадаси?

– Айтмайман.

– Вой, нега айтмайсиз?

– Сенга айтиладиган гап эмас!

– Вой, нега энди?

Боёқиш хотин дўхтир ёмонроқ бир дардни айтганмикин дея баттар ташвишланади. Буни кўрган эр андак юмшайди.

– Кўй, кўп сиқилма, барибир... айтолмайман.

– Қизик экансиз-ку, ахир мен... кимман ўзи сизга?! – хотин астойдил ранжийди.

– Мабодо айтсам... хафа бўлмайсанми?

– Йўк! Айтинг ахир!..

– Дўхтир... хотинингни... алмаштир деди.

Эрининг гоҳо шундай – жиддий алпозда ҳазил қилишини яхши билган хотин жилмайиб, сал енгил тортади.

Бирга боришади

Атоқли Ёзувчи Мирзакалон Исмоилий жияни Тоҳир Маликнинг озғинлиги, дарозлиги борасида кўп ҳазил-мутойиба килиб юрарди. Бир куни таржимон Миад Ҳақимов билан шахмат ўйнаётган тоға жиянига шундай дейди:

– Эшитдингми, Тоҳир, дўхтирлар бўй ўсишини тўхта-тадиган дори ихтиро килишибди. Сенга маслаҳат – тезроқ ўша дўхтирга боргин. Акс ҳолда бу кетишда уйингга ҳам сиғмай коласан.

Мирзакалон Исмоилий билан Миад Ҳақимовнинг бўйи Тоҳир Маликнинг акси – пастгина эди. Шу боис тоғанинг ҳазилига жавоб топиш жиянга қийин бўлмайти.

– Унда ўша дўхтирга сизларни ҳам бирга олиб кетишим керак.

– Нега энди?

– Бўй ўсишини тўхтатадиган кашфиётчи бўйни ўстирадиган дори ҳам ихтиро қилгандир.

Ёзувчидан кўрқмаган қушлар

Тоҳир Малик билан Чорвоқдаги дала ховлида ён қўшнимиз. Эртапишар гилосга очофат қушлар тегмасин деб, эски бир кўйлакни “кўрикчи” килиб илиб қўйган эдим, уни кўрган Тоҳир Малик бир куни сўраб қолди:

– Бу нимаси?

– Нима бўларди – “кўрикчи”да? Қушлар ундан кўрқиб, мевага тегмайди.

– Ёзувчининг ўзидан кўрқмаган қушлар қўйлагидан кўрқармиди?

Назариянинг янги талқини

Тоҳир Маликнинг бир ношукур шогирди ичиб келиб, бўлмағур гаплари билан хиралик кила бошлайди. Устознинг токати тугаб, ахийри шундай дейди:

– Сен одамнинг маймундан пайдо бўлгани ҳақидаги Дарвин назарияси қандай яратилганини биласанми?

– Йў-ў-к, – шогирд дакки эшитишини сезиб, талмовсирайди.

– Дарвин ўз назариясини худди сенга ўхшаган нусхаларни кўриб яратган.

Шогирд мулзам тортиб, ерга қарайди.

Ёқмаса... алмаштиради

Кунлардан бир кун Булокбоши туманида ёзувчининг тоғаси, атоқли адиб Мирзакалон Исмоилий хотирасига бағишланган тадбир бўлади. Тоғаси ва онасининг юртида кўп ва хўп олқиш олган Тоҳир Малик сўзининг охирида гапни ҳазилга буриб, ўзи ҳақидаги саволларга шундай жавоб қилади:

– Мен она томондан булокбошилиқ, ота томондан марғилонлик, хотин томондан эса тошкентликман. Хотиним “Учрашувларда нега хотин-қизларга кўп тикиласиз?” дейди. Мен унга “Хотинлар эркакларнинг чап қовурғасидан бино бўлган экан. Уларга тикилиб, қовурғамнинг қаеридан бино бўлишганини билмоқчи бўламан, холос”, дейман. Хуллас, ана ўша рашкчи хотинимни насиб этса бир куни Булокбошига олиб келаман. Кўрасизлар, ёкса – ёқди, ёқмаса – алмаштириб берасизлар.

Башорат тўғри чиқди

Кунлардан бир кун Неъмат Аминов, Тоҳир Малик ва яна уч-тўрт нафар ёзувчилар Чиноз туманига тўйга жўнайдилар.

– Машраб Бобоевлар олдинроқ жўнаб кетишганди, қачон етиб боришди экан? – дейди Неъмат ака.

– Мен борганимиздан кейин Машраб аканинг башарасини кўриб, қачон етиб келганини аниқ айтиб бераман!

Тоҳир Маликнинг ишонч билан айтган бу илмоқли гапига ҳамроҳлар кулиб кўя қолишади.

Орадан бирон соатлар чамаси вақт ўтгач, тўйхонага етиб келган меҳмонлар ажабтовур манзаранинг гувоҳи бўлишади. Машраб Бобоев ўртага чиқиб, ихчам гавдасини гажак қилганча, созандаю хонандаларга қалтироқ кўллари билан ўзича дирижёрлик қилаётган эди. Тоҳир Малик мийиғида кулиб, Неъмат акага шипшийди: “Машраб аканинг келганига нақ икки ярим соат бўлган!”

Салом-алик ва фотиҳадан сўнг Тоҳир Малик секин томок кириб, кироат билан сўрайди:

– Ўртоқ Бобоев, ташриф буюрганларига неча соат бўлди?

Мащраб ака қўл соатининг рақамларини аранг илғаб, жавоб қилади:

– Келганимга икки ярим соат бўлди, нимаиди?

Тоҳир Маликнинг ҳамроҳлари ўзаро кўз уриштириб олгач, беихтиёр “хо-хо”лаб кулиб юборишади.

Шоирга раҳми келди

Кунлардан бир кун Тоҳир Малик Чорвоқдаги дала ҳовлисига келади-ю эртасигаёқ яна Тошкентга жўнаб қолади.

– Шундай тоза ҳавони ташлаб каёққа борасиз? Яна бир-икки кун дам олмайсизми? – дедим унга.

– Бормасам бўлмайди. “Шайтанат”ни суратга олиш бошланяпти.

– “Шайтанат”ни ёзиб, ёзувчиларни синдирган эдингиз, энди уни кино қилиб, киночиларни ҳам синдирар экансиз-да. Жуда бераҳмсиз? – дейман гапни ҳазилга буриб.

– Яқинда бир таниш шоирга “Мен энди шеър ҳам ёзмокчиман” десам, боёкиш ишонгандек, анграйиб қолди. Шунда раҳмим келиб, унга “Қўркманг, дўхтир мени соғсан деган, шеър ёзмайман!” дедим.

Сифатли бурун

Тоҳир Маликни гоҳо аллергия деб аталмиш дард безовта қилиб колар, кетма-кет акса ура бошлаганда бир-икки маҳалладан нарига ҳам бемалол эшитилар, Чорвоқдаги дала ҳовлида қўшнилари унинг келганини ана ўша ғаройиб акс садодан билиб олишар эди. Ёзувчи “Менинг акса уришимни бемалол Гиннеснинг рекордлар китобига киритса бўлади”, деб кўярди ҳазиломуз.

Кунлардан бир кун Тоҳир Малик мачитда экстрасенс шоир Йўлдош Эшбек билан ёнма-ён намоз ўқий бошлайди. Аксига олиб, шундай нозик, масъул лаҳзада ўша дарди кўзиб қолади. Такводор ёзувчи бор иродасини қўлга олиб, намозни охирига етказишга интилади. Шунда Йўлдош ҳамдардлик юзасидан

кўллари кўшнисининг бурнига яқинлаштириб, алланечук ғалати ҳаракатлар қила бошлайди.

Ниҳоят, намоз тугагач, Тоҳир Малик секин сўрайди:

– Йўлдош, бу нима қилганингиз?

– Сизни даволамоқчи эдим.

– Менинг бурним Сизга ўхшаган шоирларнинг бир-икки “куф-суфи” билан тузалиб қоладиган сифатсиз бурунлардан эмас!

Дарвозабон

Тоҳир Малик бир вақтлар футбол билан анча жиддий шуғулланган. Ҳатто болалар жамоасига мураббийлик қилиб, Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашган. Кейинчалик, ёши қирқдан ошганда ҳам Муҳаммад Юсуф, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тоир Юнусов, Олим Отахонов каби шоир, ёзувчилардан жамоа тузиб, пойтахтнинг Эски Жўвасидаги “Спартак” ўйингоҳида тўп суришган.

Кунлардан бир кун ўйин олдидан илгари ярим ҳимоячи бўлган Тоҳир Малик ногоҳ дарвозада тураман деб қолади. “Нега бундай қияпсиз?” дея ҳамма ҳайрон бўлади.

– Дарвозабон футболда асосий ўйинчи,– дейди Тоҳир Малик кўлини маънодор ҳаволатиб.– Усиз ғалаба ҳам, жамоа ҳам йўқ.

Энг қизиғи ўйин бошланганда ошкор бўлади. Янги дарвозабон рақиблар тепган биронта тўпни қайтаролмайди. Ўйин шармандали ҳисоб билан яқунлангач, жамоадошлар чор атрофдан дарвозабонга зуғум қила бошлайдилар:

– Эпполмас экансиз, нима қилардингиз катта гапириб?

– Шарманда бўлдик, энди рақиблар бизга оғиз очиришмайди!

– Шошманглар,– дейди дарвозабон хотиржам оҳангда. – Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Рақибларнинг ҳужумчиларига раҳмим келди. Боёқишлар шунча масофадан умид билан югуриб, ҳаллослаб келади. Ҳаммаси Тоҳир Маликнинг дарвозасига тўп киритсам дейди. Уларнинг сазаси ўлмасин дедим-да. Аммо менгаям тўп ўтказвориш осон бўлмади.

Устоз

Тоҳир Маликнинг вилоятларда ҳам шогирд ва мухлислари кўп эди. Шулардан бири устозни қора тортиб пойтахтга келади-ю ногоҳ милицияга тушиб қолади. Сўроқлар, зуғумлар бошланади:

– Сен кимсан ўзи? Нима иш қиласан? Қопингда нима бор?

– Мен Тоҳир Маликнинг шогирдиман, – дейди боёқиш кўрқиб-қалтираб.

– Устозингга ҳозир телефон қила оласанми?

– Албатта қила оламан, – дейди шогирд нажот йўли топилганидан суюниб.

– Чақирсанг келадими?

– Албатта келади.

Шогирднинг илтижосини эшитган устоз дарҳол етиб келади. Англашилмовчилик ҳам ойдинлашади. Бошлиқ эшик олдида ғоз турган мелисага буюради:

– Ҳалиги ўғрини қўйворинглар, устози келибди.

Кутилмаган ёрликдан хайратланган Тоҳир Малик бошлиқнинг сўзини тузатиб, дейди:

– Кечиргайсиз, мен ўғрининг эмас, ёзувчининг устозиман!

– Э ака, узр, узр...

Эси бўлса...

Тоҳир Маликнинг хонадонига зарур иш юзасидан бир неча бор телефон қилсам уйида йўқ экан. Хотини йўқлаганимни айтгандир дея бир неча кун телефон қилишини кутиб юрдим, негадир ёзувчидан акс садо бўлмади. Андак жаҳлим чиқиб яна телефон қилсам ҳартугул гўшакни ёзувчининг ўзи олиб қолди.

– Мавлоно! Тоҳир Малик бўлсангиз ўзингизга! – дедим салом-аликдан сўнг андак гина қилиб.

– Тинчликми? – деб сўради ёзувчи одатича вазминлик билан.

– Уйингизга бир неча бор телефон қилувдим, хотинингиз айтмадими?

– Йўқ, ҳеч нима демади.

– Ҳмм... Демак, эсидан чиккандир-да...

– Эси бўлса менга тегармиди!

Сиркани нима қиласиз?

Андижонлик ёзувчи Убайдилла Содиқов Тошкентдаги ижодкорларга асал, қаймоқ, сирка, писта, бодом келтириб сотарди. Тарихчи олим Сайфиддин Жалилов домла унга ҳазиллашиб, “Фаридиддин Аттор, Убайдилла Баққол” деб лутф қилганди.

Кунлардан бир кун Тоҳир Маликнинг садоқатли шоғирдларидан Баҳодир Муродалиев устознинг уйига боради. Ертўладаги сиркаларга кўзи тушиб, сўрайди:

– Вой-бўй, шунча сиркани нима қиласиз, ака?

– Ҳеч нарса қилмайман. Лекин шундан Убайдилланинг тиркчилиги ўтяпти, – деб жавоб қилади Тоҳир Малик.

Тоҳир Маликнинг... корейс бўлгани

Шўро замонида Тоҳир Малик бир куни Ленинградга учадиган бўлади. Ўша кунги рейсда бир гуруҳ хорижлик корейслар ҳам бор экан. Ҳамма жой-жойини эгаллагач, кутилмаганда стюардесса радио орқали эълон қилади:

– Хурматли корейлик меҳмонлар! Узрли сабабларга кўра ҳозир сизларни бошқа самолётга ўтказамиз. Шунинг учун салонни бўшатишингизни сўраймиз.

Меҳмонлар олдинига ажабланиб, сўнг ўз тилларида чуғурлашиб бирин-кетин самолётни тарк этишади. Орадан бир лаҳза ўтгач, самолётга кириб келган формали киши корейсга сал ўхшаброқ кетадиган Тоҳир Маликни кўриб, стюардессага дашном беради:

– Мана бу ерда битта корейс қолиб кетибди-ку?!

Улар имо-ишора билан Тоҳир Маликка самолётдан чиқиб кетиши лозимлигини тушунтирмакчи бўладилар. Гап нимада эканлигини аллақачон фаҳмлаб турган ёзувчи ҳам эгри козикқа эгри тўқмоқ қабилида ролга кириб, ўзича “корейс” бўлиб чуғурлай бошлайди.

Антиқа мулоқот-тортишув шу тарзда анча давом этгач, “бегона лаҳжа”ни тушунолмайд, хуноб бўлиб турган аэропорт хизматчиларига ёзувчининг раҳми келади.

– Ну ладно, не мучайте себя. Я не турист. Это все шутка!

– Ничего себе шутка!..

Ҳанг-манг бўлган мутасаддилар елка қисганча серрайиб қоладилар.

Мақтовдан юксак

Кунлардан бир кун таниқли фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов (кўп яхши инсон эди, оллоҳ раҳматиға олсин) яқин дўсти, адиб ва олим Абдуҳаким Фозилов билан Навоий кўчасидаги нашриёт биносига – ёзувчи Тоҳир Малик ҳузуриға боришади. Нашриёт ховлисида гурунглашиб туришган ижодкорлар даврасида Тоҳир Малик ҳам бор эди.

Ҳожиакбар эски кадрдони билан куюқ кўришгач, жўшиб-тошиб гапира бошлайди:

– Китобингизни ўқидим, дўстим! Зўр! Қойил! Характерлар ҳам яхши очилган! Бир нафасда ўқиладиган китоб бўлибди! Гап йўк!

Даврадагилар кулимсираб турган Тоҳир Малик ҳамманинг олдида бу ошкора мактовларни қандай қабул қиларкин дея кизиксиниб қараб қолишади. Шунда машҳур ёзувчи ҳеч ким кутмаган ғаройиб жавоб қилади:

– Бўлдими? Шу холосми? Мен сиздан буни кутмагандим, дўстим!– дейди иддао оҳангида, сирли жилмайиб.

– Йўғ-э? Нималар деяпсиз? – Ҳожиакбар ўринсиз гапириб кўйдиммикин дея хавотирланади.

– Мени ҳалиям яхши билмас экансиз! – дейди Тоҳир Малик ясама жиддийлик билан. – Мени анча ерга урвордингиз. Ахир мен бу мактовларингиздан кўра анча юксакроқ мақомда тураман-ку! Нима, билмасмидингиз?..

Даврада гурр кулги кўтарилади.

Китобини ўқиган

Тоҳир Малик уйида дам олиб ётган эди, танишлардан бири телефон қилиб қолади.

– Телевизорда “Шайтанат” фильми намойиш қилиняпти, кўряпсизми?

– Китобини ўқиганман, киносини кўриб нима қиламан! – дейди адиб.

Алимент тўлайсиз

“Шайтанат” фильми ижодкорлари билан учрашув бўлаётганди. Бош роль ижрочиси Ёдгор Саъдиев сўзга чиқиб, гап орасида шундай деб қолади:

– Тохир ака! Икковимиз Асадбекни яратдик, мен – отаси, сиз – онасисиз!

– Онаси бўладиган бўлсам битта шартим бор! – дейди ёзувчи.

– Хўш, қандай шарт экан?

– Сиз менга алимент тўлайсиз!

Сулугва нима керак?

Тохир Маликнинг “Шайтанат” асари халқ орасида маълум ва машҳур бўлиб, доврўғи кўшни юртларга ҳам таралаётган кунларда муаллифни шоирлар – Мирпўлат Мирзо ва Абдулҳай Носировлар ҳамроҳлигида Сайрамга таклиф этишади. Учрашувлар кизгин ўтади. Ҳамма ерда зиёфат, тантана... Табиийки, асосий эътибор, илтифот Тохир Маликка қаратилади. Машҳур адиб ҳамроҳларининг авзойига қараб андак хижолат ҳам бўлади, вазиятни қандай юмшатсам экан деб турганда ёнига сулуvgина бир қозок қизи келиб қолади. У тортиниб ўтирмай, адибдан дангал сўрайди:

– Орангларда ким зўр?

– Қайси маънода?

– Шоирликда.

– Мақсад нима ўзи?

– Шогирд тушмоқчиман.

– Ҳмм, тушунарли. Тўғриси айтсам, шоирликда ҳам ўзим зўрман, аммо битта камчилигим бор. Мухлисим кўпу пулим камроқ. Сиз ёшларга устознинг ҳам бели бақувватроғи керак. Хуллас, сизга маслаҳатим – ана бу шоир акангизни маҳкам ушлайсиз. – Адиб Абдулҳай Носировга ишора қилади. – Жуда бадавлат одам. Бир қанча қўшма корхоналари бор. Ўзи хорижлик.

– Америкаданми?

– Йўқ, Исроилдан, ўзи яҳудий, башарасидан билинмаяптими?

– Ўхшаяпти.

– Балли. Илгари шу ерда яшаган. Кетиб қолувди. Сармоя орттириб, қайтиб келган. Шу акангизга шогирд тушсангиз кам бўлмайсиз.

Содда шогирд бу таъриф-тавсифлардан кейин Абдулхайнинг атрофида парвона бўлиб қолади. Гап орасида устоздан адабиёт, шеърият ҳақида эмас, сармоя ва қўшма корхоналар ҳақида сўрайди. Қитмирлик шамоли қаёқдан эсаётганини дарҳол пайкаган Абдулхай кўп йиллик кадрдонидан астойдил хафа бўлади:

– Унақа эмас-да, дўстим! Шунақаям ҳазил қиласизми?

– Эҳ, шоир! – дейди Тоҳир Малик дўстининг елкасига қоқиб. – Агар шундай демаганимда Сизга козокнинг сулув кизи у ёқда турсин, итиям қарамасди.

Ким хуррак отади?

Ўша Сайрам сафарида тадбирлардан сўнг окшомда мезбонлар Тоҳир Малик билан Абдулхай Носировга битта хонага жой солиб беришади. Шоирнинг бу гал ҳам “иши юришмайди”. Туни билан мижжа қоқмайди. Эрталаб Тоҳир Малик дўстидан “Қалайсиз шоир, яхши ухлаб турдингизми?” деганда жажли чиқиб, тутокади:

– Уйку қаёқда?! Қачон тонг отаркин деб ух тортиб чикдим.

– Ие, нега энди ухлолмадингиз? Бурга чакдими?

– Э-э, бурга бўлганда-ку эплардим, тутволиб эзиб ўлдирардим. Аммо...

– Нима аммо? Очикрок айтаверинг.

– Хуррак отиб чикдингиз, хуррак!

Абдулхай кўзойнагини қўлга олиб, уйқусизликдан киртайган кўзларини укалайди. Тоҳир Малик кулимсираб қўяди. Вазминлик билан далда беради:

– Шоир, сиз ҳам одам бўлиб эркаклар билан битта хонада ётишни ўрганингда! Шунақа сафарларда асқатиб қолади. Аслида хурракни эркак киши отади! Билдингизми?

РАУФ ПАРФИ БИР КУНИ...

Рауф Парфи (Турсунали Парфиев) 1943 йил, 27 сентябрда Тошкент вилояти-нинг Шўралисой қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мукофоти (1986), Халқаро Маҳмуд Қошғарий мукофоти (1989), Туркия Диёнат Вақфининг мукофоти (1996) билан тақдирланган. Ўзбекистон халқ шоири (1999). ТошДУнинг филология факультетини тугатган (1960–65). Ижоди 60-йиллардан бошланган. Дастлабки шеърлар тўплами – “Карвон йўли” (1968). “Акс садо” (1970), “Тасвир” (1973), “Хотирот” (1974), “Кўзлар” (1976), “Қайтиш” (1981), “Сабр дарахти” (1986), “Сукунат” (1991), “Тавба” (2001), “Сўнгги видо” (2006) каби шеърини тўпламлари ва “Сакина” номли сайланмаси (2013) нашр этилган. Байроннинг “Манфред”, Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари”, Карло Каладзенинг “Денгиз хаёли” каби асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган. 2005 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.



Рауф Парфи дунёга фариштадек назар солиб, ўз оламида “шоҳона ҳаёт кечирган”, покиза, буюк сиймо эди. Шоирнинг садоқатли шогирдларидан бири Муҳаммад Исмоил устозни “Шеърят Гамлети” деб атаганиди. Дарҳақиқат, бу таърифда жон бор...

Шоирнинг “Гамлет”лиги фақат ижодидагина эмас, балки бутун ҳаёт тарзи, туриш-турмушида ҳам яққол намоён бўлган эди. У бир умр Гамлет каби “Ё ҳаёт, ё мамот!...” дея инграниб яшаб ўтди.

Сахий қашшоқ

Рауф Парфининг ҳаёт тарзидаги дарвешлик талабалик йилларидаёқ бошланган. Шундай бир манзара хотирамга мухрланиб қолган. Ётоқхонада турганимизда ҳар куни юқори курсда ўқийдиган, ҳаминиша бир хил – қоп-қора кўйлак кийиб юрадиган бир йигит хонама-хона юриб, сигарет сўраб, “йўқ” десак сира хафа бўлмас, назокат билан узр сўраб, яна бошқа хона эшикларини тақиллатар эди. Атоқли адиб Асқад Мухторнинг оқ йўли билан “Шарқ юлдузи” журналида шеърлари сурати би-

лан босилгачгина, унинг Рауф Парфи деган истеъдодли шоир эканини билганмиз.

Кунлардан бир кун талабаликда ночор кун кечираётган Рауф Парфига кариндош-уруғлари янги костюм-шим совға қилишади. Ётоқхонада ҳамма уни янги сарупо билан табриклайди. Шунда Рауф аканинг Ҳайдар Усмонов (кейинчалик крим-татар адабиётининг таниқли вакили бўлиб етишган адиб, Оллоҳ раҳмат қилсин – Ш.О.) деган ўртоғи костюм-шимни бир кийиб кўрсам майлими деб сўрайди.

– Марҳамат, кийинг! – дейди шоир чин юракдан.

Ҳайдар ака янги кийимни кийиб кўриб, сўрайди:

– Қалай, лойиқми?

– Лоппа-лойиқ! Ярашди сизга! Мендан сизга совға! – дейди Рауф ака.

Аввалига ҳамма бу гапни ҳазил деб ўйлайди. Аммо шоир ҳазиллашмаётганди. Костюм-шимни қайта ечтирмай, ўша дўстига совға қилиб юборади.

Оғзи ёпиқ

Мустақилликдан илгари, Рамазон ойининг шукуҳли кунларидан бирида Рауф акани кўчада бир шогирди кўриб қолиб, устозни “бир пиёла чойга” таклиф қилгиси келади. Ҳар эҳтимолга қарши сўрайди:

– Устоз, рўзамисиз, кўзамисиз?

Рауф ака кутилмаган саволдан бир зум тараддудланиб қолади. Жавоб бериш учун энди оғиз жуфтлаганда шогирд масалага аниқлик киритади:

– Оғзингиз очикми, ёпикми?

– Оғзим берк, етмиш йилдан буён берк, – дейди устоз тагдор оҳангда ва кўшимча қилади. – Очсак, ҳақ сўзни айтиб қўймайлик, Чўлпон, Қодирий, Фитратлардай отилиб кетмайлик деб ўрага сичконни тушириб, “гулдур-гуп”ни такбир қилиб юрибмиз...

“Обший” вагон

Рауф Парфи фақат истеъдоди билангина эмас, дарвешлиги билан ҳам маълум ва машҳур эди. Шоирнинг уйи ҳамшиша



ёру биродарлари, улфат ва шогирдлари билан гавжум бўларди. “Карвонсарой”нинг кунда шундаларидан безор бўлган уй бекаси ахийри чидолмай, бир куни эрига иддао қилиб, норозилик билдиради. Шоир “хархаша”ни (*Р.Парфи хотинларни “эъзоз-лаб”, шундай атарди – Ш.О.*) тинчлантирмоқчи бўлиб, муросаомуз оҳангда далда беради:

– Кўнглингизни кенг қилинг, хоним. Бу дунё ўзи поездга ўхшайди, бизнинг уйимиз ана ўша поезднинг вағони, биз эса йўловчилармиз.

– Майли, Рауф ака, вағон бўлса бўлсин, – дейди хотин жиғибийрони чиқиб, – фақат “обший” вағон бўлмасин-да!

Янги таҳаллус

Кунлардан бир кун Рауф Парфи ўзига Эврил Турон деб таҳаллус қўйган ёзувчи дўстининг уйига телефон қилади:

– Эврил борми?

– Йўқ эдилар. Ким сўраяпти?

Рауф Парфи шу лаҳзадаёқ ўзига янги таҳаллус ўйлаб топади:

– Чеврил сўради деб қўйинг.

Паст кетма

Шўролар даврининг жамики шон-шухрати ва мукофотларига сазовор бўлган, нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ иттифокда ҳам донг таратган колхоз раиси Ҳамрокул Турсункулов шоир Рауф Парфининг поччаси (*холасининг эри*) эди. Дорилфунун талабаси бўлган шоир бир куни донгдор қариндошига ҳадди сиғиб, шундай илтимос қилади:

– Почча, менга битта машинка олиб беринг, жуда қийналиб кетдим. Бизга бу нарса жуда зарур-да...

– Ҳмм... майли, ўйлашиб кўрармиз, – кутилмаган илтимосдан энсаси қотган раис шоп мўйловини асабий бураб қўяди. Оқшомда раис хотинига иддао қилади.

– Бу дейман... Турсунбойингни (*шоирнинг асл исми шундай эди – Ш.О.*) иштаҳаси карнай-ку! Ҳозирдан мошина мингиси кеп қопти!

Ўз навбатида хола шоирни исканжага олади:

– Ҳеч эсинг кирмади-кирмади-да, Турсунбой! Уялмай-нетмай поччангдан мошина сўрадингми?

– Э, унақа – минадиган мошина эмас, ёзув машинкаси сўровдим.

– Ахир поччанг ўзи айтди-ку!

– Демак, тушунмабди-да! Хўш, нима қилай, бошқатдан...

– Э қўявер, энди паст кетма, ўша обрўйингда туравер! – дейди хола.

Қалтис ҳазил

Раҳматли Мақсуд Шайхзода казо қилган куннинг эртаси шоир Ихтиёр Ризони кўрган дўстлари ундан сўрашади:

– Кеча Шайх аканинг дафн маросимида кўринмадинг?

– Кеча мен Рауф Парфининг дафн маросимига кетган эдим! – дадил жавоб беради Ихтиёр Ризо.

– Ие, Рауф... бандачилик қилдими?

– Ҳа энди... умри қисқа экан дўстимизни, Оллоҳ раҳмат қилсин.

Рауф Парфининг дўстлари бу совук хабарни эшитгач, Машраб Бобоев раҳбарлигида йиғилишиб, битта кичик автобусда Янгийўлнинг Шўралисой қишлоғига таъзияга жўнашади. Манзилга етгач, шоирнинг уйи олдида ҳеч ким йўқлигидан андак ажабланишади. Ичкаридан чиқиб келган кекса онахон “Ўғлимни йўқлаб келибсизлар-да”, дея суюниб, алқаганда йигитлар ҳангу манг бўлиб қолишади. Маълум бўлишича, шоир ўлмаган, дорилфунунни битиргач, шаҳардан иш тополмай, далада мол бокиб юрган экан.

Мехмонлар Машраб ака бошчилигида шоирнинг “қайта тирилгани”ни яхшилаб “ювишади...”

“Жосус”

Мустақилликдан илгари, Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги курултойидан кейин маълум муддат иккига бўлиниб кетган уюшма аъзоларининг аксарияти ўртасида олдинги самимий муносабатлар яна давом этаверади.

Ўзларига “Адиблар иттифоқи” деб ном қўйган янги ташкилотнинг айрим фаоллари ҳар қандай гуруҳбозликлардан юкори турувчи, беозор шоир Рауф Парфини қистовга оладилар:

– Рауф ака! Нега сиз шу маҳалгача биз томонга ўтмадингиз?

– Мен сизлар томондаман, дўстларим!

– Ишонмаймиз, ёзма равишда ариза бериб ўтмадингиз-ку!

– Шунақа расмиятчилик... шартмикин?

– Шарт! Ёзинг аризани!

Рауф ака исканжадан осонликча кутулолмаслигига кўзи етгач, ахийри шундай дейди:

– Биласизларми, ҳозирча ўша – Ёзувчилар уюшмасининг ичида бўлиб турганим тузук.

– Нега энди?

– Мен “Адиблар иттифоқи”нинг Ёзувчилар уюшмасидаги жосусиман!..

Шеърни қандай ёзиш керак?

Бир анжуманда ёш шоир шеър ўқиётиб, ногоҳ шеър давомини эслолмай, тутилиб қолади. Шоша-пиша дафтарини варақлай бошлайди. Ниҳоят, ўша шеърни топади ҳам, аммо негадир ўз ёзувига “тиши ўтмай”, пешанаси тиришади. Шўрлик терлаб кетади, тингловчиларга хижолатомуз қараб кўйгач, ўзича бир нималар дея изоҳ бермоққа тутинади. Шунда Рауф Парфи шоирга ҳазиломуз оҳангда танбеҳ бериб, шундай дейди:

– Шеърни қўл билан ёзиш керак-да, шоир!

Зиёфатгача нима иш қилади?

Бир замонлар маҳалладош, ҳамкасб шоир, ёзувчилар билан аҳён-аҳён гап-гаштакка тўпланиб турардик. Машҳур хонанда Дадахон Ҳасанов жўрабоши эди. Кунлардан бир кун зиёфатимиз охирлай бошлаганда жўрабоши навбатдаги “гап” қачон, кимникида бўлишини эълон қилди. Ёнидаги ҳамсуҳбати билан гуруннга андармон бўлиб қолган Рауф Парфи муҳим маълумотни тўлиқ эшитолмай қолгани учун эски дўстидан қайта сўрайди:

– Соат нечада йиғилишамиз дединг?

– Соат олтида!

– Вой бў-ўй, намунча кеч! – дейди Рауф ака ҳафсаласи пир бўлиб. – Ахир унгача нима иш қиламиз?

Дастхат

Ёзувчи Нортўхта Қиличнинг туғилган кунида ёру биродарлари топган гул, топмаган пиёз дегандек, баҳоли кудрат совғасалом билан уйига бордик. Рауф ака ўзи яхши кўрган бир китобни совға қилади. Унга ёзилган ғаройиб дастхатни ўқиган меҳмонлар маза қилиб қулишади. Топқир шоир сопини ўзидан чиқариб, шундай ҳазил қилган эди:

“Нор, Тўхта, Қил, Ич!!!”

Равил Парчагин

Рауф ака бир куни Навоий кўчасидаги нашриёт биноси зинапоясидан оқсокланиб кўтарилаётганда уни мухлиси кўриб қолади.

– Ие, Рауф ака, сизга нима бўлди?

– Энди мен сизга Рауф ака эмас, Равил Парчагинман? (Шўро ёзувчиси Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди?” романи қаҳрамони Павел Корчагин назарда тутиляпти – Ш.О.) – дейди шоир ҳазил қилиб.

Илҳом жой танламас

Шўролар даврида Ёзувчилар уюшмасининг кўшик кенгаши йиғилишларида гоҳо янги ёзилган кўшиқлар тингланиб, муҳокама қилинади. Кенгашнинг навбатдаги йиғилишларидан бирида долзарб мавзуга бағишланган шундай кўшик ижро этилади:

Коммунистлар гуллатди,

Бу кўҳна Осиёни.

Чўллар чўлдан қочдилар,

Ташлаб андуҳларини,

Жаранглатиб очдилар

Олтин сандуқларини.

Кўшиқни энсаси котиб тинглаб ўтирган Рауф Парфи ногоҳ хаёлига келган шумликдан жонланиб, ёнидаги шоир Сафар Барноевнинг кулоғига энгашиб, пичирлайди:

– “Гуллатди” деган сўзни “булғатди” билан алмаштира зўр бўларкан. Кейинги сатрни эса мана шундай таҳрир қилиш керак:

*Чоллар чўлга қочдилар,
Ташлаб камтирларини.*

Дўстининг дадиллигидан илхоми жўшиб кетган Сафар ака ҳам ўзидан икки сатр қўшиб қўяди:

*Камтиршолар қолдилар,
Ушлаб камтирларини.*

Шоирнинг таржимаи ҳоли

Ҳар йили сентябрь ойининг охирларида мухлислар Рауф аканинг туғилган кунини нишонлашга йиғилишади. Шоирнинг энг яқин дўстлари, шогирдлари тўпланишади. Қутлов сўзи айтган киши албатта Рауф акадан неча ёшга кирганини сўрайди. Шоир бу саволга ҳазиломуз жавоб қилади: “Йигирма беш ёшда тўхтаб қолганман...”

Рауф Парфи фақат шеърляти эмас, балки ғаройиб шахсияти, бутун ҳаёт йўли ҳам баҳсу мунозараларга сабаб бўлган бетакрор ижодкор эди.

Атоқли ёзувчимиз Одил Ёқубов (*Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин*) Бош муҳаррир бўлган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрганимда муштарийлардан бири таҳририятга шундай мактуб йўллаганди:

“Ҳурматли таҳририят! Биз шоир Рауф Парфининг ҳаёти ва ижодига жуда қизиқамиз. Айрим маълумотларга қараганда Рауф Парфи 1940 йили Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғида туғилган экан, яна бошқа манбаларда унинг 1943 йили Фарғонадаги Водил қишлоғида туғилгани айтилади...”

Агар ушбу мактуб фақат шу йўсинда битилганда эди, унинг ҳеч қандай қизиғи бўлмасди. Мени мактуб ниҳоясидаги мана бу жумла завқлантириб юборди:

“Қани айтинг-чи, Рауф Парфи яна қачон, қаерларда туғилган?..”

Домланинг айтгани ва...

Номдор шоирлардан бирининг юбилей зиёфатида кетмакет сўзга чиқувчилар табрик сўзларини айтиб, яхши тилаклар изхор қилишарди. Ногоҳ бир четда ўзи каби дарвешроқ шериклари билан ширингина улфатчилик қилиб ўтирган Рауф Парфига сўз берилади.

Рауф ака ҳам устоз шоирни қутлуғ ёши билан табриклайди, аммо нутқининг охирида теша тегмаган гап айтиб, ҳаммани лолу ҳайрон қолдиради:

– Кечирасиз, устоз, “Домланинг айтганини қил, қилганини қилма!” деган нақл бор, аммо мен ...ҳар иккисини ҳам...уддалаб қўйибман... Узр...

Ҳаммаси “закуска”

Тушликда Ёзувчилар уюшмаси ёнидаги ошхонада овқатланаётган эдик. Гап айланиб келиб мева-чеваларнинг фойдасига такалди.

– Мевалар шунчаки овқат эмас, айни чоғда малҳамдир, – деди тиббиётга дахлдор бир ҳамсухбатимиз. – Ҳар бир мева маълум бир касалликка даво бўлади.

Бу гапларга истехзо билан кулоқ солиб турган Рауф Парфи шундай дейди:

– Мен учун ҳамма мевалар фақат “закуска!”

Айб ўзида

Рауф Парфини кўчада учратган шогирди шоша-пиша устозга шундай ташвишли хабарни етказди:

– Рауф ака! Яқин дўстингиз фалончи уйида оғир касал бўлиб ётибди.

– Э-э, афсус... Дарвоқе, унга нима бўлибди?

– Уйида мева тераётиб дарахтдан йикилиб тушибди. Боши билан йиқилган экан, ёмон жароҳатланибди.

– Яхши иш бўлмапти. Уни биламан, жуда қайсар, ҳамма нарсани тесқари қиларди. Менимча, у мевани ҳам оёғи билан тергану боши билан кулаган. Айб ўзида...

Тўнғиз ўқи

Ёзувчилар уюшмасидаги мушоирада ҳовлиқмароқ бир шоир минбардан туриб шундай шеър ўқийди:

Мен ўзимни отдим – ўлмадим,
Иккинчи марта отдим – ўлмадим,
Учинчи марта отдим – ўлмадим...

Шеър шу зайлда давом этаётганди. Ногоҳ орқа қаторда ўтирган Рауф ака секин ўрнидан туриб, шундай лукма ташлайди:

– Тўнғиз ўқи билан отиш керак эди, шоир!

Бўйинбоғ баҳона

Рауф ака уйсиз, ишсиз қийналиб юрган кезлар эди. Ёш ижодкорларга ҳамиша ғамхўрлик қилиб юрадиган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло шоирнинг аҳволидан хабар топиб, ташвишга тушади. Дарвешфёъл шогирдига қандай ёрдам берсам экан дея ўйлай-ўйлай Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги раҳбари ҳузурига боради. Қийналиб қолган истеъдодли шоирнинг аҳволини тушунтириб, ёрдам беришини илтимос қилади. Ўзи ҳам ёзувчи бўлган, ижодкорларнинг дардини яхши тушунадиган катта раҳбар ёрдам қилишга ваъда беради. Шукрулло ака шоирнинг хотинига астойдил тайинлайди:

– Эртага Рауфни яхшилаб ясантириб, янги костюм-шимларни кийдириб, бўйнига бўйинбоғ тақиб, катта раҳбарнинг қабулига юборасан. Худо хоҳласа, иш ҳам, уй масаласи ҳам ҳал бўлади. Соат тўққиздан кечикмасин, хўпми?

– Хўп. Сизга катта раҳмат, Шукрулло ака. Яхшиям сиз бор экансиз.

– Бўлди, бўлди, мен шошиб турибман, қолган гапларни хушxabардан кейин гаплашамиз. Фақат сен Рауфга тайинлаб қўй, катта билан суҳбатда тагин қовун тушириб қўймасин.

Оқшом Рауф ака уйга келганида хотини оламшумул янгиликни суюниб айтаркан, эртаси куни катта идорага бориши лозимлигини тушунтиради. Кутилмаганда шоир бу гапдан хурсанд бўлиш ўрнига тутун қайтаради.

– Э, мен бормайман унақа жойларга.

– Вой, нега бормайсиз?

– Бормайман дедим, бормайман, тамом-вассалом!

– Ахир қийналиб кетдик-ку! Бахт куши елкангизга қўнай деб турганда бунақа ношукурлик қилманг, жон Рауф ака! Илтимос, борақолинг.

Хуллас, уй бекаси бир амаллаб эрини кўндиради. Фақат эр-талаб кийинаётганда шоир бўйинбоғ тақишни истамайди. Хотини уйда катта умидлар билан эрини кутиб қолади. Оқшом эри ширакайф келганда интиқ бўлиб оғзига тикилади. Негадир ҳадеганда шоирдан садо чиқавермагач, ўзи хавотирланиб сўрайди:

– Хўш, бордингизми раҳбарнинг қабулига?

– Йўқ, бормадим.

– Вой, нега бормадингиз?

– Бўйинбоғим бўлмагани учун боргим келмади. – Шоир бормаганининг асл сабабини айтгиси келмайди...

Рауф Парфи ҳеч қачон эътиқодига зид иш қилмаган, ички “мен”и бутун инсон эди.

Тўралар ва зўралар

Рауф аканинг ғаройиб феъл-атворини шогирдлари, мухлислари яхши тушунишар, шу боис ҳар қандай эркаликларини кўтаришар эди. Таниқли шоир, драматург Тўра Мирзо Рауф Парфи истеъдодини ниҳоятда кадрлар, ихлос қўйган устозига қўлидан келганча ёрдам бериб юрар эди. У адабиёт жамғармасига раҳбарлик қилганида ҳамиша ишсиз юрадиган Рауф акани ишга қабул қилади. Устознинг камхаржликда сикилиб юрганини сезса, дарҳол ҳисобчи Собирни чақириб топшириқ берарди:

– Рауф ака қийналиб қолганга ўхшайди, иложи бўлса маошини муддатидан олдин берворгин!

– Устоз маошини аллақачон олиб бўлган!

– Кейинги ой ҳисобидан берворақол!

– Кейинги ойникини ҳам олиб бўлган!

– Ундан кейингиси-чи?

– Уч ойлигини олиб бўлган!

Қизиғи шундаки, устознинг асосий вазифаси... иш келмаслик эди! Ҳа-ҳа, ишга келмаслик! Ишга нојидди қарайдиган, дарвешфеъл шоир идоранинг муҳитига таъси

қилиши, ходимларни ишдан чалғитиши мумкин эди. Келишув-га биноан маош шоирнинг уйига (дарвоқе, шоирнинг муқим уйи ҳам бўлмаган, ҳаминша қаерлардадир вақтинча яшаб юрган) олиб бориб бериларди. Мабодо бирон сабаб билан маош тарқатилиши чўзилиб кетса, устоз дарҳол телефон қилиб, пўписа қиларди:

– Ҳой Тўрамирза! Маош келмаяпти-ку! Бу ерда халқ оч ётибди. Агар бугун ҳам пул келмаса ишга борвораман! Ҳа, хозироқ бораман!

Тўра Мирзо кутилмаган, ғаройиб пўписадан хавотирланиб, устозни тинчлантиришга уринарди.

– Йўқ-йўқ, Рауф ака, илтимос, ишга келмай туринг. Маош масаласини шу бугуноқ ҳал қиламиз.

Уюшманинг ўша кезлардаги раҳбари Рауф аканинг эркаликларини ҳазм қилолмас, нима қилиб бўлса ҳам уни ишдан бўшатиш пайида эди. Ахийри бир куни у Тўра Мирзога масалани кўндаланг қўяди:

– Бўлди, бас, Рауф Парфини ишдан бўшатамиз!

– Мен шу ерда ишлар эканман, Рауф ака ишдан кетмайди! – шогирд бўш келмайди.

Раис дарвеш шоирни ишдан бўшатиш учун қулай фурсат келишини кутиб юраверади. Кунлардан бир кун унинг югурдақларидан бири муҳим маълумотни етказди. Эмишки, Рауф ака гап орасида Тўра Мирзони “Ғўра Мирзо” деганмиш. Бу гапни тасдиқлайдиган гувоҳлар ҳам бормиш.

Раис зудлик билан Тўра Мирзони чакиртиради.

– Рауфни ишдан бўшатишга мана энди рози бўлсангиз керак?

– Нима гап ўзи?

– Устозингиз кеча кўпчиликнинг ичида сизни камситиб, “Ғўра Мирзо” депти-ку? Эшитмадингизми?

– Шу холосми? – дейди Тўра Мирзо кулимсираб. – Устоз тўғри айтибди. Мен ҳали ғўраман. Ҳаммамиз ҳали ғўрамыз. Устоз шунақа камчиликларимизни айтиб, бизни қайта тарбия-ляяпти. Бу – яхши-ку!

Раис ханг-манг бўлиб қолади.

Кейинчалик, Тўра Мирзо ишдан кетиши ҳамон Рауф Парфи ҳам ишдан бўшатилади. Дарвешона ҳаёт яна келган жойидан давом этади...

Антиқа учрашув

Шоир Муҳаммад Гаффор Рауф Парфининг ашаддий мухлиси эди. У ёз кунларининг бирида қишлоғидан Тошкентга келиб, Ўрдада пиво ичиб ўтиради. Ногоҳ ёнидаги столда киров кўнган соч-соқоли ўсиброк кетган бир ўрис чолга кўзи тушади. Икковлон беихтиёр гаплашиб қолишади. Ўрис ўзбекчани бинойидек биларкан. У “Нима иш қиласан?” деб сўраганда Муҳаммад “Шоирман!” дейди кўкрагини баландроқ кўтариб. Ҳалиги чол “Қани бўлмаса ўзларидан битта эшитайлик!” деганда у Рауф Парфининг зўр бир шеърдан ўқиб, “Биласанми бу шеърни ким ёзган? Ўзбекнинг зўр шоири Рауф Парфи ёзган!” дейди. “Ҳа, ростдан ҳам зўрга ўхшайди, яна битта ўқичи!” дейди чол.

Шоир иштиёк билан яна устознинг шеърдан ўқийди. Икковлон бир лаҳза жимиб қолишади. Ўрис чол “Устозингни танийсанми? Ўзини кўрганмисан?” деб сўрайди. Муҳаммад “Афсуски, ҳали кўрмаганман”, дейди хўрсиниб. Шунда ўрис чол “Мен Рауф Парфини танийман, у билан улфатман, иста санг хозирок уйига обораман”, дейди.

Бир умр Рауф Парфи билан учрашиб, танишишни орзу қилиб юрган ёш шоир ҳовлиқиб кетади. Икковлон йўлга тушишади. Йўл-йўлакай устознинг ҳурмати учун ароқ ва майда чуйда харид қилишади. Ниҳоят, чол уни бир кулбага бошлаб келади. Ўрис чол ихчамгина эшикни тақиллатади, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Эшикни қия очиб, икки-уч бор “Рауф-Рауф” деб товуш беради. Жавоб йўқ. Шунда чол “Ҳозир чакиричикаман”, деб ичкарига кириб кетади. Бир оздан кейин эшикни қия очилиб, ҳалиги чол оппоқ яқтак кийиб чиқиб, ҳамроҳига кулимсираб таъзим қилади: “Марҳамат, ичкарига кирсинлар, меҳмон.” Муҳаммаднинг “Қани Рауф Парфи?” деган саволига яна бир карра таъзим қилиб, “Камина – Рауф Парфи бўладилар!” дея жавоб қилади. “Э-э, кўп бошимни котирма. Ҳозир мендан калтак ейсан! Чақир Рауф Парфини!” дейди мухлиснинг ғазаби кўзиб. Шунда Рауф Парфи ўзининг шеърлар тўпламидаги суратини кўрсатади. Шогирд гоҳ суратга гоҳ оппоқ соч-соқолли чолга қайта-қайта тикилиб қарайди-ю кўпдан буён кидириб юрган қимматли кишисини топганидан беихтиёр суюниб, устозини маҳкам кучоқлаб олади...



Шоир ва халқ

Рауф ака бир куни таҳририятдан озроқ қалам ҳақи олади. Пул солинган сумкасини ошхона столида қолдириб, қўлини ювиб келса сумкаси жойида йўқ – ўғри уриб кетибди. Шоир бу воқеани шогирдларига баён қиларкан, кулимсираб шундай дейди:

- Она халқим сумкамни ўғирлаб кетибди! Она халқим!..
- Ўғрилар... халқ эмас, устоз!
- Сизники табаррук деб ўйлашган-да! Хафа бўлманг, устоз!
- Ҳай майли, нима бўлса бўлди. Барака топгурлар, энди менга озроқ хайр-эхсон қилворинглар, амаллаб кулбамга етвойлай! Халқимга бағишлаб яна шеър ёзишим керак...

Шоир одам эмасми?

Кунлардан бир кун шоир Сулаймон Раҳмон Рауф Парфини кўчада учратиб қолади. Туриш-турмушида ҳаловат бўлмаган машхур дарвеш шоир анча ўзини олдириб қўйганди. Эски дўстини кўриб, мунгайиб жилмаяди.

– Э, бормисиз бу дунёда, дўстим? Кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ёв? – Шоир ўзини хушнуд тутишга уринса-да, руҳи синиқ, шашти паст эди.

Сулаймон шоирга ачинибгина қараркан, хол-аҳвол сўрайди:

- Яхши юрибсизми? Бола-чақалар тинчми? Дилором қалай?
- Хабарингиз йўқми? У билан ажрашиб кетдик.
- Йўғ-э? Нега?
- Боёкиш мени одам қиламан деб кўп уринди, бўлмади. Фақат овора бўлгани колди,– дейди Рауф ака кулимсираб. – Мен бир дарвеш бўлсам, шоир бўлсам.
- Нима, шоир одам эмасми?
- Ким, қачон шоирни одам санаган ўзи?

Ғаройиб иборалар

Раҳматли Рауф Парфининг фақат ўзигагина хос, фақат ўзи қўллайдиган ғаройиб иборалари, теша тегмаган гап-сўзлари ҳам замондошлар хотирасида муҳрланиб қолган.

Одамлар билан кўришаётганда “Дунёкарашлар қалай? Рухи равонлар-чи?” дея ўзига хос ибораларни айтарди. Ёзувчилар уюшмасини “ўйишма” дерди.

Рауф акани биронтаси йўқлаб келмоқчи бўлса, шоир ҳадди сиғиб, “Қуролланиб келинг!” (*яъни ичадиган бирон нарса олиб келинг*) деб тайинларди.

Бешёғочда сотиладиган машхур пирожки – “Ухо-горлонос”нинг обрўини кўтариб, “Думба-жигар” деб атарди.

Хотинларни “эъзозлаб” – таърифлаб айтадиган “хархаша” ибораси ҳам маълум ва машхур.

Ўз ижодига кизикувчиларни “мухлис ва мухлискарлар” дерди.

Китобларини киймалаб чиқарадиган нашриёт (“издателство”)ларни “издевателство” деб атарди.

Тахририятлардан биронта мухбир интервью олмоқчи бўлса, “Нимага қарши?” деб сўрарди.

Ҳадди сиғадиган яқинларининг уйига бориб қолса, уй боқасининг кўз олдида тап тортмай дўстига “Ҳалиям шу хотин билан яшаяпсизми?” дея ҳазил қиларди.

Бугун ким раҳбар?

Шоир “раҳбар” деган сўзни фақат ўзи ва яқин дўст-улфаларигина тушунадиган маънода қўлларди. “Бугун раҳбар ким” дегани – “Бугунги зиёфат кимнинг ҳисобидан?” дегани эди.

Кунлардан бир куни Рауф ака уч-тўрт ёш шоирлар билан “раҳбар” масаласини ҳал қилиш учун бош қотириб туришган тасодифан одамохун шоир, меҳрибон устоз Туроб Тўла кели қолади.

– Ҳа, шоирлар, нима гап?

– Раҳбар йўқ, Туроб ака! – дейди Рауф ака жилмайиб. – Иш лаяпмиз, лекин топилмаяпти. Шунга... Узингиз...

– Тушунарли! – зукко, ёшларга бўлакча бир меҳр кўйган Туроб ака аллақачон гап нимадалигини англаган эди. Ёнида битта юзталиқ пулни (*ўша даврда ўша вазият учун жуда қимбат та пул – Ш.О.*) чиқариб беради. – Мана, етадимми?

– Э-э, бу... кўп-ку! – Рауф ака йирик пулни кўриб шайиб қолади. – Биз йигирма сўмини ишлатамиз, қолганини қайтарамиз.

– Йўқ, ҳаммаси ўзингларники!

Туроб ака кетгач, Рауф ака сахий устознинг ҳурматини жойига кўйиб, шундай дейди:

– Туроб ака энди беш кунгача ўтиришимизнинг фахрий расиси бўладилар!

Инсоф

Бир гал Рауф аканинг кўлига яхшигина пул тушади. У турк шоири Нозим Ҳикматнинг йирик асарини таржима қилиб, мўмайгина қалам ҳақи олади. Табиатан сахий бўлган шоир бу пулни ижарада турадиган уйининг токчасига очиқ-сочиқ ташлаб кўяди. Кунда шунда шогирдларига қанча пул керак бўлса бемалол олаверишлари мумкинлигини айтади. Шогирдлар бу муруватни суиистеъмол қилишмайди, фақат йўлкира ва овқатга лойиғини олиб туришади.

Бир куни ижарахонага Рауф аканинг яқин дўсти, таниқли шоир Чўлпон Эргаш келиб қолади. Токчадаги пулни кўриб, кўзлари ўйнаб кетади.

– Олинг дўстим, қанча керак ўзи? – илтифот қилади Рауф ака.

– Менга сал... кўпроқ керак эди-да.

– Масалан, қанча?

– Масалан, беш юз сўм!

– Йўқ дўстим, бунча пулни беролмайман, агар уч юз сўм бўлса, майли, олинг.

Шунда Чўлпон Эргаш дўстини лол қолдириб, шундай идао қилади:

– Сизда инсоф борми ўзи?..

Ўша – менман

Шўро даврида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти кўпгина шоир, ёзувчиларга берилади. Ижоди ўртамиёна ва ундан пастрок бўлганлар ҳам бу муруватдан бенасиб қолишмайди.

Бир куни Рауф Парфидан мухлислари сўраб қолишади:

– Рауф ака! Нега Сиз шу маҳалгача комсомол мукофотини олмагансиз? Нима, ижодингиз арзимайдими?

Дарвешфеъл шоир кулимсираб жавоб қилади:

– Ахир, кимдир мукофот олмаслиги ҳам керак-ку! Ўша одам – менман!

Умрбоқий кўшиқ

Рауф Парфи кўшиқчи шоир эмас эди. Чунки унинг шеърлари “кўшиқбоп” эмас. Айрим назмбозлар каби хонандалар билан ош-қатик бўлиб, ҳамкорлик қилиш унинг табиатига ёт бўлган. Аммо шоирнинг “Лайло” шеъри билан айтилган кўшиқ ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан буён маълум ва машҳурдир. Дадахон Ҳасанов, Таваккал Қодиров, Расулжон Урайимжонов, Илхом Фармонов каби машҳур ҳофизлар бу кўшиқни суйиб, маромига етказиб куйладилар. Ушбу умрбоқий кўшиқ билан боғлиқ ғаройиб хангомалар ҳам талайгина. Мана, шулардан бири.

Рауф ака бир куни кўчада кетаётса, бир тўда безорисифат йигитлар ўзларича “Лайло”нинг сўзларини бузиб хиргойи қилишаётган экан. Шоирнинг ғаши келиб, шеърни мана бундок қилиб айтиш керак дея безориларга танбеҳ берибди. Безорилар жажли чиқиб шоирга хезланишибди:

– Сен дайди шеърни қаёқдан тушунардинг?! Бор, бошимизни котирма!

– Ахир... ахир бу шеър меники, уни мен ёзганман.

– Сен ҳали бизни лақиллатмоқчимисан, мана сенга, мана сенга!

Безорилар шоирга ташланиб, роса дўппослашади.

Аламзада шоир можарони дўсти, машҳур ҳофиз Дадахон Ҳасановга айтиб, арз қилади:

– Барака топинг, шу шеърни мендан сотиб олиб, бутунлай ўз номингизга ўтказиб олинг. Акс ҳолда калтақдан ўлиб кетаман.

Бекорга маош ололмади

Рауф ака ишсиз, пулсиз қийналиб юрган кунларнинг бирида шоир Шукруллони учратиб қолади. Ёш истеъдодларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб келган оқсоқол шоирнинг аҳволини билиб, раҳми келади. Уни Кинонинг ўша кезларда-

ги министри, адабиётшунос олим Азиз Каюмов ҳузурига бошлаб боради. “Ўқи шеърингни!” дейди устоз. Рауф ака жўшиб-тошиб шеърларини ўқийди. Министр шеърларни кўзларини юмиб, завқланиб тинглайди. Кейин, “Ариза ёзинг, эртадан ишга келаверинг!” дейди.

Орадан бирон ҳафта ўтгач, Шукрулло ака шоирнинг янги ишидан хабар олгани боради.

– Хўш, қалайсан энди, Рауф?

– Шу... ўтирибмиз...

Бир ойдан кейин яна ўша савол-жавоб: “Қалайсан?”, “Ўтирибмиз”...

Орадан кўп ўтмай Рауф ака ишдан бўшаб кетади.

Шукрулло ака “Нега ишдан бўшадинг?” деса, дарвеш шоир “Бекор ўтириб маош олишга виждоним қийналди” деб жавоб беради.

Озодликнинг охирги куни

Рауф Парфи 60-йилларнинг охирида уйланадиган бўлади. Тўй Янгийўл туманидаги шоир туғилган қишлоқ – Шўралисойда ўтиши белгиланади. Шоирнинг беш-олти нафар яқин дўстлари – Умурзоқ Ўлжабоев, Абдухалил Қорабоев, Тўлқин Йўлдошев, Зоҳир Аълам, Раззоқ Абдурашидлар сўраб-суриштириб тўйхонани топиб боришади. Шоирнинг уйи жуда чуқур оқадиган сойдан 100–200 метр баландликда эди. Ўша уйдан сойнинг 400–500 метргача жойи яққол кўриниб турар, у ерда кимдир маза қилиб чўмилаётган эди. Кун иссиқ бўлгани учун меҳмонлар чўмилаётган одамга ҳавасланиб қарашади. Шунда кимдир “Чўмилаётган Рауф бўлиши керак” дейди. Бу гапга меҳмонлар ишонқирашмайди. Чунки тўй бошланишига санокли фурсат қолганди. Меҳмонлар тўйхонага кириб боришади. Столларга нозу неъматлар қўйилган, ҳамма нарса тантананага тайёр, фақат куёвбола кўринмасди. Сўраганларга “Ҳозир келиб қолади” дейишарди. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, сочлари хўл, кийимлари намчил Рауф Парфи кулимсираб кириб келади. Унинг истикболига шошиб чиққан дўстлари хайрон бўлиб сўрашади:

– Шу бугун, шу соатда чўмилишинг шартмиди?

– Ахир бугун озодликнинг охирги куни-ку, оғайнилар! – дейди шоир жилмайиб.

Қафасдаги қуш

Ола хуржун бўйинга тушгач, Рауф ака ўзини худди қафасдаги қушдай ҳис қилади. Рўзғор ташвишлари, оила олдигаги бурч, масъулият унинг учун мутлақо бегона тушунчалар эди. Кечириш, ҳазм қилиш қийин бўлган бундай камчиликларини унинг ўзи ҳам яхши билар, аммо дарвеш феълени ўзгартиролмас, бошқача одам бўлолмас, бунга интилмас ҳам эди. Шоирнинг инсоний қусурлари ҳам гўё ўзига ярашгандек, ундаги фазилатларнинг давомидек туюлар, бунга ҳамма кўниккандек, ҳамма кечиргандек эди гўё... Бернар Дадьё шундай деган: “Баъзи бир инсоний қусурларда нақадар катта улуғворлик бор”.

Кунлардан бир кун Рауф ака зерикиб, сиқилиб ўтирган эди, уйига Сафар Барноев, Зоҳир Аълам, Мирпўлат Мирзо ва яна бошқа дўстлари йўқлаб келишади. Шоир хурсанд бўлиб кетади. Дўстларини кўрганда ҳамиша яйрарди. Гурунглашиб, чакчақлашиб ўтиришади. Шоирнинг феълени билган дўстлар “қуролланиб” келишганди. Улфатчилик қизигандан-қизийди. Бир маҳал дўстлар кетишга чоғланишаётганда шоир ошхона томонга бир қараб қўйгач, ногоҳ шивирлаб илтимос қилади:

– Мени бир амаллаб бу ердан олиб кетинглар! Роса сикилганман! Ўзи шоир одамга хотин, бола-чақа ортиқча, кераксиз нарсалар экан! Жон дўстларим, сизлар билан кетволай!

Дўстлар уй бекасига Рауф аканинг зарур бир учрашувга таклиф этилганини айтиб, аранг руҳсат олишади. Улар остонадан энди йўлакка ўтишганда шоирнинг хотини жеркиброк сўраб қолади:

– Рауф ака! Қачон келасиз энди?

Шунда шоир ўйлаб ҳам ўтирмай шартта жавоб қилади:

– Қафасдан кутулган қуш қайтиб келурми?!

“Кўймадиларинг – кўймадиларинг!”

Ижодий учрашувлардан бирида шеърхонликдан кейин пойтахтдан келган меҳмонлар алоҳида жойга таклиф қилинади. Дастурхонда ҳамма нозу неъматлар мухайё, фақат ичкилик кўринмасди. Рауф ака ниманидир кутгандек, тез-тез эшикка қараб тамшаниб кўярди. Ниҳоят, хизматчилар узун-қиска ши-

шаларни келтириб, ўртага қўяётганда чехраси очилиб кетади. Даврада ўтирган масалчи шоир Мухтор Худойкулов ўзича хижолат бўлгандек, ийманибгина эътироз билдиради:

– Шу нарсалар шартмиди?

Ҳамма Рауф акага қарайди. Дарвеш шоир бу гапга қандай муносабат билдириши қизиқ туюларди.

– Келинг энди, Мухтор ака, “Қўймадиларинг – қўймадиларинг” деб қўя қолинг! – дейди Рауф ака.

Гаров

Тун ярмида ногоҳ ёзувчи Дадахон Нурийнинг уйида телефони жириглаб қолади.

– Алё, эшитаман, – дейди Дадахон ака бемаҳал кўнғирокдан хавотирланиб.

– Дадахон, бу мен – Рауфман. – Гўшакдан шоирнинг бўғик, хириллаган овози эшитилади.

– Тинчликми, Рауф?

– Тинчлик эмас-да, дўстим.

– Нима гап ўзи?

– Яшашдан тўйдим, ўзимни осмоқчиман.

– Йўғ-э? Нималар деяпсиз?

– Мен жиддий айтяпман, дўстим.

– Қаердасиз?

– Қаерда бўлардим, бедананинг жойи йўқ, қаерга борса питбилдиқ! Рўзи аканинг (машхур рассом Рўзи Чориев – Ш.О.) устахонасидаман. Мана, сиртмоқни ҳам тайёрлаб қўйдим. Агар мен билан видолашиб қолмоқчи бўлсангиз, танам совумасдан кепқолинг.

– Шошш... шошмай туринг, ҳозир етиб бораман.

Дадахон ака шоша-пиша хотинини (*раҳматли аёли дўхтир эди* – Ш.О.) уйғотиб, вазиятни тушунтиради. Эр-хотин зудлик билан Рўзи аканинг устахонасига етиб боришади. Эшикни очган серсоқол рассом хурсанд бўлиб хитоб қилади:

– Вот твой настоящий друг! Ты выиграл, Рауф!

Маълум бўлишича, Рауф ака Рўзи Чориев билан гаров ўйнашган, шоир “Мен ўзимни осаман десам, қоқ ярим тунда ҳам дўстларим етиб келади” деса, рассом ишонмаган экан.

Бургут

Бир адабий анжуманда ижод билан тижодни (*Миртўлат Мирзо ибораси*) омухта қилган, шоирликка даъвоси баланд бўлган йигит минбарга чиқиб, ҳамманинг энсасини қотириб, бемаза шеърларини жўшиб-тошиб ўқийди. Кейин Рауф Парфининг ёнига келиб ўтиради. Рауф ака унга кулимсираб қарайди, сўнг кутилмаганда :

– Сиз – бургутсиз! – дейди.

– Йўғ-э, устоз, жа-а... унчалик эмасдир. – Йигит бу гапни ўзича мақтовга йўйиб, сохта камтарлик қилади.

– Аммо сиз баланд учолмайсиз.

– Нега энди, устоз? – йигит талмовсирайди.

– Чунки... қорнингиз тўқ.

Шунисини ўйламабди

Бир куни истеъдодли шоир Аъзам Ўктам (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) “Муштум” журналининг топшириғига биноан устоздан интервью олиш учун келади. Рауф ака одатича “Кимга қарши?” дея ҳазил қилди. Аъзамжон интервью баҳонасида устозга намоз, Қуръон ўқишни ўргатадиган бўлади. Нималарга амал қилиш кераклигини батафсил тушунтиради. Орадан икки ҳафта ўтгач, устоз шогирдга телефон қилиб, “Келаверинг, тайёрман” дейди. Шогирд хурсанд бўлиб устознинг уйига боради. Эшик тақиллаганда ичкаридан Рауф аканинг “Ўх, яхши бир одам келди!” деган хитоби эшитилади. Эшик очилгач, остонада Рауф ака кўринади. Чап кўли кўксида. Ўнг кўли олдинга узатилган. Бир муддат тек қолишади. Шунда устоз тез “ҳолатдан” чиқиб, “Шошмай туринг!” дея ичкарига кириб кетади. Кейин бир кўлда китобча, “Ҳозир, ҳозир” дея қироат билан “Аҳлан ва саҳлан!” дейди. Устоз шогирдни арабча гапириб кутиб олмокчи бўлгану нима дейиш кераклигини унутиб қўйган экан.

Улар ичкарига киришади. Ҳаммаёқ топ-тоза, саранжом-саришта. Устознинг эғнида оқ яхтак, оқ шим. Соч ҳам калта кузатган. Столда араб тили дарслиги, турли луғатлар. Шунда Аъзамжон сумкасида “Қуръон”ни олиб, столга қўяркан,

“Ў-хў, тайёргарлик зўрку!” дейди . “Э-э, нимасини айтасиз! – дейди устоз жонланиб. – Жойнамозлар олиб кўйдим. Ҳаммага биринчи бўлиб салом беряпман. Кеча бувимниям кўриб келдим. Болалар тўполон қилишсаям уришмаяпман. Эрталабдан буён чекканим ҳам йўқ.” “Дарвоқе, ичиш ҳам тўхтагандир?” деб сўрайди шогирд. Шунда устознинг руҳи тушиб кетади: ”Э-э, афсус, шу томонини ўйламабмиз-ку!”...

Бир шишалик йўл

Кунлардан бир кун Рауф ака ёзувчи Шукур Холмирзаев билан Андижонга сафар қилишади. Жўралар, улфатлар орасида андижонлик камтар-камсукум шоир Абдухалил Қорабоев ҳам бор эди. У меҳмонларни уйига чорлайди. Дарвешсифат меҳмонларга икки дунё бир қадам эди, “хўп” дейишади. Йўл-йўлакай дуч келган дўкон, чойхоналарда тўхтаб, улфатчиликни келган жойидан давом эттириб бораверишади. Ахийри Рауф аканинг тоқати тугаб, мезбондан сўрайди.

– Шоир, қишлоғингизга етай дедикми?

– Ҳа, озгина қолди, ана бу маҳалладан кейингиси – бизнинг уй!

Шунда Рауф ака олдидаги бўшаб қолган шишага ишора қилиб, дейди:

– Э-э, уйингиз бор-йўғи бир шишалик йўл экан-ку!

Ягона артист

Кунлардан бир кун Рауф ака пивохонада ёшгина артист йигит билан танишиб қолади. Гап гапга қовушиб, яхшигина гурунглашиб ўтиришади. Улфатчиликни ёқтирадиган шоир янги танишини пиво ичишга ундайди. Йигит “Раҳмат, мен ичмайман” дея пивони бир четга суриб кўяди.

– Яхши одатингиз бор экан, – дейди Рауф ака кулимсираб. – Сиз қандай ролларни ўйнаб шухрат қозонасиз, билмайман-у, аммо санъат тарихига пиво ичмайдиган ягона санъаткор сифатида кириб қоласиз.

Сукунатнинг сири

Кунлардан бир кун (мустақилликдан илгари) Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида мушоира бўлади. Рауф ака сўз берилганда минбарга кўтарилади ва анжуман аҳли билан саломлашгач, шифтга тикилганча узоқ вақт сукут сақлайди. Кейин кулимсираб, “Эътиборингиз учун раҳмат!” дея минбарни тарк этади. Шунда шоирни олқишлаб, сийрақроқ бўлса-да қарсак чалганлар ҳам бўлди. Айримлар қизиқсиниб, жилмайишди. Хўмрайганлар ҳам бор эди.

Мушоирани номдор бир шоир бошқараётганди. У ўзича Рауф акадан изоҳ талаб қилгандек бўлиб, иддао қилди:

– Рауфжон, бугун жа-а бошқача чиқиш қилдингиз-да. Арман радиосида “Гунг-карлар учун эшиттиришимизни бошлаймиз!” дейишаркан-да, ойлаб жимиб кетишаркан. Сиз бўлсангиз шеър ўқиш ўрнига сукут сақлаб қўя қолдингиз... Тушунолмадим, нима демокчисиз ўзи?

Рауф ака секин ўрнидан туриб, изоҳ берди:

– Арман радиоси ҳар ҳолда гунг-карлар учун сукут сақлашаркан. Бизда эса тўрт мучаси соғ халқимиз учун сукут сақлашга мажбур бўляпмиз. Қолаверса, сукут сақлаш ҳозир бу ерда ўқилган айрим шеърлардан яхшироқ-ку!

Мухлислар бу гал шоирнинг изоҳини астойдил қарсак чалиб олқишлашди.

Шоирликни айирбошлаш

(Шукур Курбон ҳикояси)

Шўролар даври эди. Бош муҳаррир хузурига кириб, журнализмнинг навбатдаги сонларидан бирида шоир Рауф Парфининг янги шеърларини тайёрлаш ниятида эканимни айтдим. Бошлик рўйихушлик бермади. Кейинги гал иддао қилди:

– “Шеърхонлик билан шуғулланмаслик” ҳақида кўрсатма олганмиз. Қолаверса, каллам жойида – елкамда туришини истайман.

Рауф ака билан кейинги юз кўришганимизда бу ҳақда ёрилмай туролмадим. Сўзимнинг охирида кўшимча ҳам қилдим: “Қандай илмли, қандай талантли” дейишарди у ҳақда гап кетганда. Менга ҳам шунақа туюларди.

Шунда Устоз бир оғиз сўз билан мени тинчитди-қўйди:
– Шукуржон, шоирлигини бош муҳаррирликка айирбошлаб юборган одамдан нимани кутасиз-у, нимага хафа бўласиз?

Эркакча тантилик

Рауф ака ҳаётида бир қанча аёллар билан яшаган. Дарвешликнинг жамики машаққатларига чидаб ўрганган шоир оиласидан кўнгли тўлмаса, уй-жойини хотинига ташлаб, чиқиб кетаверган.

Тошкент шаҳар туман судларидан бирида Рауф аканинг навбатдаги хотини билан ажралишадигани кўриладиганди. Суд раисаси шоирдан сўрайди:

– Сиз беш-ўнта яхши кўрган китобим ва ёзув машинкамни олиб чиқиб кетсам бўлди, қолгани – уй-жой ҳам, рўзғор буюмлари ҳам хотин, бола-чақамга!” деяпсиз. Ёшингиз қирк билан элликнинг орасида экан, бу ёғига қандай яшайсиз? Қийналиб қолмайсизми?

Шоирнинг жавоби судьяни баттар таажжублантиради:

– Шу хотиндан эсон-омон қутулиб олсам бўлди. У ёғига Худо пошшо...

Кейинчалик судья ўша воқеани эслаб шундай дейди:

– Ҳаётимда йигирма йил судьялик қилиб, бунақанги воқеага, бунақанги эркакча тантиликка биринчи марта дуч келдим.

Энг катта сўзбоши

Рауф ака ҳаётининг сўнгги йилларида уйланган аёли Сулҳида Ёлғиз серкирра истеъдод соҳиби, қўшиқчи ва шоира эди. Устоз ҳам хотинининг ижодини ҳурмат қиларди. Сулҳида “Ҳайронқуш” номли шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаётган эридан “Китобга ўзингиз сўзбоши ёзиб берасизми?” деб сўради.

– Менинг ёнингизда яшашим – энг катта сўзбоши эмасми? – дея жавоб қилади устоз.

Орадан кўп йиллар ўтгач, Сулҳида устоз ҳақида ёзган хотирасида Рауф аканинг ҳазиломуз оҳангда “Парфизм этади давом!” дея ижодининг истиқболига умид билан қараганини эслайди.

Тугилган кун

Рауф ака ҳаёти давомида ҳеч қачон турли мукофоту унвонларга, имтиёзу мақтовларга интилмаган, камтар-камсуқум турмуш тарзини афзал кўрган дарвешсифат ижодкор эди.

2003 йил 27 сентябрь куни шоир 60 ёшга кирди. Табиийки, ҳеч қандай расмий табриклар, маърузалар, зиёфатлардан дарак йўқ. Шоирнинг камтарона дастурхони атрофида хотини, бешолти нафар шогирду мухлиси бор эди, холос. Ҳолбуки бу пайтда у дунё тан олган бетакрор шоир, "Ўзбекистон халқ шоири" унвони соҳиби эди...

Меҳмонларни зериктирмаслик учун Рауф ака ўзининг юбилейига бағишланган ҳазил шеърини ўқиб беради:

*Олтмишда бировлар олим бўлгонмиш,
Олим бўлмагани золим бўлгонмиш.
Уқувсиз лодони миршаб бўлибдир,
Боши бўлмаса-да, ҳамён тўлибдир.*

*Шоирлар бу ёшда хўб улугмишдир,
Ўзи тугмаса-да, аммо тугдирмиш.
Биз-чи, биз не қилдик биқсиб, алайиб?
Олтмишга ҳам кириб чиқдик лаллайиб...*

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ БИР КУНИ...

Турсунбой Адашбоев 1939 йили Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуқа туманида туғилган. Тошкент давлат университети ва Москвадаги Адабиёт институтини битирган. Унинг “Камолнинг олмаси” деб номланган биринчи китоби 1967 йили чоп этилган. Кейинчалик “Биз, саёхатчилар” (1969), “Арслонбоб шаршараси” (1973), “Сурнай” (1975), “Нур дарё” (1977), “Гулдаста” (1979), “Олатоғ – лолатоғ” (1982), “Оқбура тўлқинлари” (1985), “Совға” (1987), 1989–1999 йилларда “Арслонбоб афсонаси”, “Сичқоннинг орзуси”, “Уч бўталок”, “Пародиялар” каби тўпламлари босилиб чиқди. Асарлари рус, латиш, козок, қирғиз, тожик тилларида чоп этилган. Уолтер Де Ламер, Ян Бжехва, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Муса Жонғозиев, Қодир Мирзалиев, Оғагелди Алланазаров, Леоне Бриедис, Суюнбой Эралиев, Совранбой Жусуев, Бойдулда Сорнўгаев, Тўлаган Қосимбеков, Жунай Мавлонов, Кенгаш Жусуповларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган. “Манас” эпосининг иккинчи жилдини ўзбекчалаштирган.



“Дўстлик” ордени билан тақдирланган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, “Қиғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвонларига сазовор бўлган.

Янги йил ҳазили

Турсунбой Адашбоев бир замонлар Шавкат Раҳмон (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) билан Ўш вилоят газетасида хизмат қилган. Адабиётга эндигина кириб келаётган умидли ёш шоирни Турсунбой ака ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Раҳматли Шавкат ашаддий кашанда эди. Сигарети тугаб қолса, ҳамкасбларидан, гоҳо тахририятга келган муаллифлардан ҳам тортиниб ўтирмай, сўраб олиб чекаверарди. Шу одати Турсунбой акага ёқмасди. Шоирни бир неча бор огоҳлантиради. Кашанда ўз билганидан қолмайди. Шунда Турсунбой ака “Шошмайтур ҳали, сен болани бир болай” дея бир

шумликни дилига тугиб қўяди. Газета сураткаши Муллажон акага тайинлаб, Шавкатнинг бировдан сигарет сўраётганини суратга олдиради. Кейин газетанинг янги йил сониди ўша суратнинг остига шундай тагсўзни илова қилади:

“Шавкат Раҳмон янги йилдан бошлаб ўз ҳисобидан сигарет чекишни ташлади”.

Кашанда беғараз ҳазилни ҳазм қилолмай, бир неча кунгача Турсунбой ака билан гаплашмай юради.

Адашган шоир

Болалар шоирлари – Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев ва Ҳамза Имомбердиев ўзаро аҳил-иноқ, бошқалар ҳавас қиладиган даражада дўст-қадрдон бўлишган. Бир-бирларига қилган ҳазил-мутойибалари ҳамон оғиздан-оғизга кўчиб юради. Ҳар учовлари кўплаб ёш шоирларга беминнат устозлик қилишган. Турсунбой ака бу хайрли ишни ҳозир ҳам давом эттиряпти.

Бир куни Турсунбой ака икки-учта ёш шоирларни уларнинг илтимосига кўра, Сафар аканинг уйига олиб боради. Бухороликларнинг қадимий одатига кўра, дастурхонга ҳамиша канд-курс, конфет қўйилган бўлади. Меҳмондорчилик бошланишидан аввал ҳар ким конфет билан оғизларини ширин қилиб оладилар.

Шу куни дастурхонга икки-уч хил сара конфетлар қўйилган экан, ҳаваскор шоирлардан бири тўрт-бештасини устма-уст ейди, иккитасини чўнтагига солади. Утириш тугаб, ташқарига чиқишганда, Турсунбой ака унинг “Жуда яхши ўтирдик-да, устоз” деган гапига шундай жавоб беради:

– Яхши ўтирдик, аммо бухороликларнинг одатига кўра, чўнтакни эмас, оғизни ширин қилиш керак. Биринчи келишинг-да, сен бир оз адашдинг, ука.

Кўшнига бағишланган шеър

Турсунбой аканинг Сафед Булондаги Нурмуҳаммад исмли ёш кўшниси олма дарахтларини дорилаш билан шуғулланиб юради. Махсус суюкликни ўз вақтида пуркаб қўйилмаса, ҳосилга қурт тушиб кетади.



Бир куни Нурмухаммад Турсунбой акага “Олмаларингиз гулдан чиқибди, айни дорилайдиган пайти, менга атаб битта шеър ёзиб берсангиз, яхши дори олиб келганман, пуркаб бераман” дейди. Турсунбой ака хўп деб, қоғозга шу сатрларни ёзиб беради:

*“Менинг азамат кўшим Нурка,
Хизмат ҳақингга битта курка,
Дорини олмаларга пурка,
Қолганини этингга сурка...”*

Сафед Булонда бу шеърни кўпчилик, битта сўзини сал ўзгартириб (яъни “этингга” эмас, “...га”), ҳали-ҳануз айтиб юришади.

Қимизхўрлик

Турсунбой ака қишлоққа борса, таниш-билиш, дўст-кадрдонлари шоирни дархол ўраб олишади, шеър ўқишни, янги латифа айтиб беришни сўрашади. Қишлоқ четидаги сой ёқасида, тоғ ёнбағридаги яйловда, соя-салқин жойларда меҳмондорчилик авжига чиқади.

Бир гал ана шундай меҳмондорчилик пайти қимизхўрлик бошланибди. Тоғ қимизи шифобахш бўлиб, ичган одамнинг бадани кизиб, роҳат қилади. Аммо бу гал меҳмонлар қимиздан бир-икки хўплашибди-ю, косани бўшатмай, дастурхонга қўйиб, бошқа егуликлардан тотиниб ўтираверишибди. Даврадагилардан бири хижолат бўлиб, Турсунбой акага аста шивирлабди:

– Қимизга айрон аралаштирворишибди, ярамаслар.

Турсунбой ака бу фикрга қўшилмай, шундай дебди:

– Йўқ, ундай эмас, айронга озроқ қимиз қўшилиб кетибди.

Сен хижолат тортмай ичавер, аммо мевага қўл узатма...

Овозидан танийди

Сафед Булондаги ўтиришлардан бирида сархуш бир йигит Турсунбой акага мактанибди:

– Мен қишлоқдаги эшакларнинг ҳаммасини овозидан танийман.

– Мен эса ханграшига қараб, эшакнинг эгасини танийман, – дейди Турсунбой ака.

“Макулатурани расво қилади”

Учрашувлардан бирида Турсунбой ака ёши бир жойга бориб қолган ҳаваскор шоир билан танишиб қолган экан, кўнгилчанлик қилиб, “Майли, машқларингизни олиб келинг, кўриб бераман” деб юборибди. Айни шу жавобни кутиб турган ҳаваскор ҳар ҳафта Турсунбой аканинг ишхонасига даста-даста шеър олиб кела бошлабди. Ўқиб кўрса, пичоққа илинадигани йўқ. “Машқларингиз жуда бўш” деса, “Майли, булар бўлмаса, бошқасини олиб келаман” дея яна-да серкатнов бўлиб қолибди. Тоқати ток бўлган Турсунбой ака бир гал унга шундай дебди:

– Хонани шеър босиб кетди, макулатурачиларга қоғоз керак бўлса олиб кетинглар, стол устини бўшатмасак ишлаб бўлмаяпти, дегандик, кўнишмади.

– Ие, нега кўнишмайди, – дея хайрон бўлибди ҳаваскор, – ахир жуда сифатли қоғозга ёзилган-ку?!

– Қоғози сифатли-ку, аммо бир томонига ўта бемаза шеърлар ёзилган экан, макулатурани расво қилади деб опкетишмаяпти, – дебди Турсунбой ака.

Шоирнинг адибга ўғити

Турсунбой ака ҳазил шеърлари, пародиялари билан ҳам машҳур. Таниқли болалар шоирининг бундай асарларини китобхонлар суйиб ўқишади. Унинг мўлжалга беҳато урувчи пародияларидан юраги безиллаб қолган шоирлар янги чиққан китобларини Турсунбой акага дастхат билан совға қилишаётганда “Пародия ёзмаслик шарти билан” деган сўзни кистириб қўйишади. Сабаби маълум – иштонсизнинг ҳадиғи чўпдан...

Турсунбой аканинг “Иктидорли адиб Шойим Бўтаевга иктидорли шоир Турсун Алининг ўғити” деган шеъри ижодкорлар ўртасида анча-мунча баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Мана ўша машҳур ҳазил:

Хўш-ш-ш-ш!
Шойим! Ёзганларинг дуруст-у, аммо
Бир нарса кўнглимга солар хавотир.
Масалан, баъзи бир қиссаларингда
Мантиқ ва фалсафа етишмаётир.
Мен сендан етти ёш каттаман, демак –
Жаҳон адабиётин ўқишинг керак.
Жайдари усулда ёзма, йиғиштир,
Космос асридамиз, ўзинг ўйлаб кўр.
Япон ҳикояси мумтоз, тенги йўқ,
Лотин Амриқосин романлари зўр.
Умрин яшаб бўлди қасида, ода,
Ҳозир биласанми, модерн – мода.
Ибрат олгин, хитойлардан, вьетнамдан,
Интиқ қилма, илҳом деган санамни.
“Хокку”, “Танка” усулларин ишлатиб,
Асар ёзиб, чиқар дарду аламни.
Изланиш, синовлар бир умр бўлган,
Шойим! Айтматовдан, Маркесдан ўрган.
Ижод кўнгили рамзи, дилнинг розидир,
Тасаввурни қайта қурсанг чинакам.
Ғарбу шарқнинг адиблари ўшанда
Ёқаларин ушлаб қолади, укам.
Ҳозирча кеч эмас, ўқигин Шойим!
Қани, сомсадан ол, совиди чойинг...

АНВАР ОБИДЖОН БИР КУНИ...



Анвар Обиджон 1947 йили Фарғона вилоятининг Олтиарик туманида туғилган. Ҳозирги Миллий университетнинг журналистика факультетида таҳсил олган.

Адибнинг “Она Ер”, “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Кетмагил”, “Масхарабоз бола”, “Дахшатли Мешполвон”, “Ўқ ўтмас талончи ёхуд олтин юрак”, “Танланган шеърлар”, “Жажжи-жажжи кулчалар”, “Балога қолган футболчи”, “Кулгили тушлар”, “0099 рақамли ёлғончи”, “Олтиарик ҳангомалари” каби қирққа яқин китоблари

чоп этилган.

“Паҳлавоннинг ўғирланиши”, “Қўнғироқли алдоқчи”, “Топсанг – хай, хай”, “Тўтиқуш”, “Наврўз ва Бойчечак” сингари пьесалари сахналаштирилган. “Ўзбекфильм” киностудиясида “Тилсимой – ғаройиб қизалок”, “Дахшатли Мешполвон” сценарийси асосида фильмлар суратга олинган.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон “Фидокорона хизматлари учун” ордени, “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Ошиқ болакай

Анвар Обиджон тўртинчи синфда ўқиётганда ўзидан катта, олтинчи синфда ўқийдиган бир қизни ёктириб қолади. Юрсурса уни ўйлайдиган бўлади. Ахийри журъат қилиб, қизни учрашувга таклиф этиб, хат ёзади ва уни танаффусда қизнинг кўлига тутказди. Навбатдаги танаффусда “севгилиси” ҳам жавоб хатини ёзиб, зарда билан чўнтагига тиқиб кетади. Ошиқ болакай тезкор жавобдан хаяжонланади. Секин панага ўтиб хатни ўқийди. Унда шундай сўзлар битилган экан: “Гапинг бўлса сарикнинг ўзига айт. Мен сенинг малайинг эмасман, билдингми?!”

Маълум бўлишича, “севгили”сининг биринчи синфда ўқийдиган сап-сарик синглиси бор экан.

Топган – гул, топмаган...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари... Олтиариқдаги нефтчилар шаҳарчасида машҳур ҳофиз Комилжон Баратовнинг концерти бўлади. Анвар Обиджон ҳофизнинг мухлиси эди. Концерт айна авжига чиққанда мухлиснинг завқи тошиб, ҳофизга гул совға қилгиси келади. Секин ташқарига чиқиб, кундузи кўз остига олиб қўйган гулзорни оралайди. Гира-ширада тимирскиланиб, қўлига илинган гулларни шарт-шурт юла бошлайди. Қайтиб саҳнага чиққанда кўшиқ ҳам тугаёзган эди. Ширакайф ҳолатда шоша-пиша қўлидаги совғани ҳофизга тутқазаетганда пастда гур-гур кулги кўтарилади. Мундоқ қараса, гулдастада биронта ҳам гул йўқ, ҳаммаси ёввойи ўт-ўланлар аралаш ажрик экан.

Ҳофизнинг ўзи мухлисни хижолатдан кутқаради:

– Сизга катта раҳмат, ука! Баъзи артистларнинг ўзлари уюштирган совғасидан сизнинг ажригингиз менга қадрлироқ! Раҳмат!

Орадан кўп йиллар ўтгач, ушбу хангомани Анвар Обиджон Комилжон ака билан кулишиб эслашади.

Ғирромликни эплადики...

Анвар Обиджон ҳарбий хизматдан қайтгач, пахтачилик бригадасида табелчи бўлиб ишлайди. Биринчи иш куни сира ёдидан чиқмайди. Энг кекса колхозчи Бозор қантовуз Турғун полвонни кўрсатиб, шундай шарт қўяди:

– Мана шу полвон билан курашиб, йиқитсанг бизга табелчилик қиласан, мабодо йиқилсанг бу ердан туёғингни шикиллатасан.

Шарт жуда оғир, исми жисмига монанд полвон билан беллашадиган одамнинг бели чиқиши тайин эди. Янги табелчи ноилож шартга рози бўлади. Майдонга секин бораркан, ўзича бир хийлани ўйлаб топади. Полвонни “Ана бу нима?” дея гап билан чалғитиб, оёғидан чалиб йиқитади.

Полвон “Ғирром! Ғирромлик қилди!” дея норози бўлади. Шунда Бозор қантовуз “Бўлди, ютқаздинг, Турғун!” дейди орага тушиб ва бўлажак адиб кейинчалик ён дафтарига ёзиб қўйган шундай ғаройиб “ҳикмат”ни айтади:

– Ғирромликни эплადики, амалниям эплайди!..

“Тошмат ака том бошида”...

Анвар Обиджон олтинчи синфда ўқиётганда “Ғунча” журналида шеър босилади. Ҳамқишлоғи, ашаддий кашанда Тошмат тоға буни эшитиб, ҳаваскорни ёнига чорлайди:

– Шоир бўлкетганингни эшитиб, роса суюндим, баракалло! Энди қоғоз-қаламингни ол, мен тўғримда тўқилган бир шеър бор, шуни ёзвол!

Тошмат тоға болакайларнинг ўша машҳур айтишувини айтиб туради:

*Тошмат ака том бошида,
Ногора чўпи ёнбошида.
Битта қизи қуршовида,
Битта қизи ўнбошида.
Териси йўқ ногораси бор,
Илма-тешиқ тогораси бор.
Сичқон еган зогораси бор.
Менга сотиб тогорасини,
Сенга сотиб зогорасини,
Теричидан тери олиб,
Қоплавосин ногорасини...*

Анваржон айтишувни ҳафсала билан дафтарига ёзиб олади. Тошмат тоғанинг шу маҳал сув олишга чиққан хотини ўзича эрига танбех берган бўлади:

– Ёш болани гаранг қилманг, дадаси!

– Э сен тушунмайсан, – дейди тоға. – Кичкина Ғопир Ғулом бу. Вақтида айтиб қўймасам, мен ҳақимдаги шеърни бошқа Тошмамат илиб кетиши мумкин...

Анвар Обиджон “Олтиариқ хангомалари” деган машҳур китобида юқоридаги хангомани эслаб, камтарлик билан ёзади:

“Мендан Ғафур Ғулом чиқмади. Ёзган шеърларимнинг қайси бири қанча яшаши ҳам номаълум. Лекин раҳматли Тошмат тоға ўзига бағишлаб тўқилганлигига қатъий ишонган ўшатиқайрар айтишув яна юз йиллаб ўзбек болачоқларининг оғзидан тушмаслигига ишончим комил”.

Ҳисобли дунё

Анвар Обиджон мактабда ўқиб юрганида кечалари шеър ёзиб, сатрларнинг бўғинини санаб чиқарди. Дадаси буни кузатиб юрган экан, бир куни олдига кириб, нималарни санаётганини сўрайди.

– Бўғин санаяпман.

– Бу нимаси?

– Шеър ёзганда бўғинларнинг сони бир-бирига мос келиши керак, шунинг ҳисобини чиқаряпман.

– Э, шуни олдинроқ айтмайсанми? Бўпти, эртагаёқ сенга бўғолтирларнинг чўтидан олиб келиб бераман.

Кейинчалик, ота фарзандини тузукроқ шоир бўлишини ис-таб, ўғлини молия соҳасида ўқитади.

Дадасидан эсдалик

Анваржон ҳарбийдан қайтганда дадаси унга хотин топиб кўйганини айтади. “Уйлансам шоирлик қопкетади” дея ўғил рози бўлмайди.

– Касалим оғир, сен катта ўғлимсан, тўйингни кўриб қолай, – дейди дадаси илтижо қилиб. Ўғилнинг юраги титрайди, бошини қуйи солганча таклифга кўнишдан бошқа иложи қолмайди.

– Раҳмат, болам, – дейди дадаси хурсанд бўлиб. – Опаларинг келинни кўрсатишади.

– Барибир уйланадиган бўлсам кўриб нима қиламан?

– Балли, отаўғил! Мен ҳам бир эмас, икки марта хотинни кўрмасдан уйланганман. Сен ҳам бир марта таваккал қилсанг кипсан-да...

“Орадан икки ой ўтиб-ўтмай дадам вафот этди, – деб ёзади Анвар Обиджон “Олтиариқ ҳангомалари”да. – Топиб берган келини менга ҳануз эсдалик бўлганича турибди”.

Хўроз бемаҳалда қичқирса...

Қайсидир хонанда бир ўтиришда ўзича мактанибди:

– Мен ҳамманинг кўлидан ҳам овқат ичавермайман. Баъзи хасадгўйлар ашуланининг таомига сурма аралаштириб, овозини бўғиб кўйган ҳоллар ҳам учраб туради.

– Ие, йўли бор экан-ку! – дея бирдан қувониб кетибди шу ўтиришда иштирок этаётган Анвар Обиджон. – Эртагаёқ шу усулни қўллаганим бўлсин!

Бу гапни эшитган хонанда жилмайибди:

– Нима бало, биронта кўшиқчида қасдингиз борми?

– Ашулачилардан телевизорни ўчириб қутулса ҳам бўлади, – дебди Анваржон. – Қўшнимизнинг бемаҳалда қичқираверадиган бир шаллаки хўрози бор, сурмани ана ўшанга бераман.

Боланинг ҳурмати

Анвар Обиджон автобусда кетаётса, бекатлардан бирида бир жувон чиқиб келибди. Анваржон шартта ўрнидан туриб, унга жой бўшатибди.

– Вой, одамни уялтирманг, – дебди жувон. – Шу ёшингизда сизни тик турғизиб қўяманми?

Шунда Анваржон аёлнинг дўмпайган қорнига ишора қилиб, дебди:

– Унақа бўлса, майли, анави бола ўтирақолсин.

Аёл бир жилмайиб қўйиб, индамасдан ўриндикка ўтирибди.

Нотўғри маълумотнинг жазоси

Шўролар даврида болалар ёзувчилари – Анвар Обиджон ва Ёқуб Хўжаев Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Украинага бориб, адабиёт байрамида иштирок этишибди.

Тантаналар тугагач, самолётда қайтишаётганда Анваржоннинг жудаям чеккиси келиб қолибди-ю, бортда чекиш қатъиян тақиқлангани учун чидаб ўтираверибди. Охири сабри тугаб, Ёқуб акадан сўрабди:

– Самолётда тамаки тутатганлардан қанча жарима олишларини билмайсизми?

Ёқуб ака бундан анча йил олдин самолётда сигарет чеккан бир йўловчига ўн сўм жарима солишганини эслаб:

– Биламан, ўн сўм олишади, – дебди.

– Хайрият, ўн икки сўм пулим қолган эди, – дебди Анваржон. – Майли, бир хумор ёзволишнинг олдида ўн сўм нима бўпти!

Шоир шундай дея, сигаретни тутатибди-ю, яйраб чека бошлабди. Шу маҳал стюардесса қиз шошиб келиб, жиддий алпозда иддао қилибди:

– Самолётда чекиш қонун йўли билан ман қилинган. Марҳамат қилиб, эллик сўм жарима тўлаб қўйинг.

– Бўпти, Тошкентга қўнишимиз биланок тўлайман, – дея хотиржам жавоб қилибди Анваржон. – Фақат мен ўн сўм бераман, холос. Қолганини менга нотўғри маълумот берган манави шеригимдан оласиз.

Буюкларнинг рақами бўлмайди

Анвар Обиджон янги чиққан китобларини энг аввал суюқли шогирдларига совға қиладиган одати бор эди. Бир куни у янги чоп этилган китобига шундай дастхат битади: “Болаларнинг биринчи рақамли шоири Ҳамза Имонбердиевга ижодий ютуқлар тилаб...”

Шогирд бундай дастхатдан ҳам ғурурланиб, ҳам андак хайратланиб, секин сўрайди:

– Устоз, мен биринчи рақамли шоир бўлсам, унда сиз нечанчисиз?

Устоз пинак бузмай, дархол жавоб беради:

– Буюкларнинг рақами бўлмайди!

Олтиариқликлар

Таниқли журналист Шухрат Жабборов бир куни Анвар Обиджонни учратиб қолиб, сўрайди:

– Анвар ака! Нега Олтиариққа иш юзасидан сира телефон қилиб бўлмайди? Негадир телефонлар доимо банд.

– Олтиариқликлар дунё билан гаплашадилар, шунинг учун телефонлари доимо банд бўлади! – дейди шоир фахр билан.

Дум

Баҳром Обиджонов ҳикоялари

Олтинчи синфда Тошкентга келиб ўқиётганимда, ўртоқларим шоир Анвар Обиджоннинг ўғли эканлигимни билиб,

нима учун дадангнинг фамилияси Обиджон, сеники эса Обиджонов, деб сўраб қолишди. Мактабдан қайтганимдан кейин буни дадамга айтсам, шундай деган эдилар:

– Фамилиямнинг думи қалбаки экан, қирқтириб ташлаганман.

Фахрланадиган воқеа

Иқбол ака эски мошинасининг у ер-бу ерини уриб-шилиб юриб бўлса ҳам ҳайдовчиликни тузукроқ ўргангач, янги “Матиз” сотиб олди.

Бир куни дадам иккаласи ўша янги мошинада Олтиарикқа келишди. Ишқилиб, янги шофёр йўлда иш кўрсатмадимми, деб сўрасам, дадам мутойиба билан жавоб қилди:

– Мени Қамчиқ довонидан эсон-омон олиб ўтгандан бери Иқболбекнинг боши осмонда. Ўзбекистон халқ шоири эдим, энди халқ шопири ҳам бўлдим, деб мактаниб юрибди.

Табиб шоир

Қайсидир вилоятга адабий учрашувга борган дадам ўзини Ибн Сино издоши деб таърифловчи, шеър ҳам машқ қилиб турувчи бир табиб йигит билан танишиб қолибди. Табиб гап орасида хазил қилиб, баски дўст тутинган эканмиз, камчилигимни олдиндан айтиб кўяй, аёллар масаласида бесуякман, дебди.

Дадам ҳам хазилга ҳазил билан жавоб қилибди:

– Ў-ў, ибн Зино бўпкетинг-э!

Ёлланма шоир

Дадам журналистика куллиётида ўқийдиган Абдумалик Исомиддиновни ёнига олиб, уйга харажат қилиш учун Юнусобод бозорига караб бораётса, мардикор бозоридан бир йигит йўлни тўсиб, хизмат бўлса бизга айтинг ака, дебди. Дадам унинг касбини суриштирса, дунёдаги ҳамма иш кўлимдан келади, айтаверинг деб кўкрагини керибди. Буни эшитиб, дадамнинг бирданига чехраси очилибди:

– Сени учратганим жуда зўр бўлди-да, ука! Қанча десанг тўлайман, ўрнимга ҳеч бўлмаса бир-икки ҳафта шеър ёзиб тургин.

Фашист ким?

Бир куни Юнусободдаги кўшни болалардан бири уйимизга кириб, кўчада марўжна еб ўтирсам, Бунёдингиз кўлимни қайириб, ярмини ялаб қўйди, деб шикоят қилди. Дадам унга пул бериб, юпатган бўлди.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, телевизорда уруш ҳақидаги бир кинони кўриб ўтирган эдик, кино қахрамонларидан бири немис аскарини “фашист” деб сўқди. Шунда укам Бунёд “Фашист” қанақа одам?” деб сўраган эди, дадам:

– Бир қараганда сен билан менга ўхшаган одам, – деди. – Ёшлигида бировнинг музқаймоғини ялаб қўйиб, фашист бўл-кетган-да.

Қийинини танлаган

Талабалик пайтим эди, дарсдан қайтсам, дадам Эркин Воҳидовнинг китобини ўқиб ўтирибди. Қизиқувчанлигим тутдими, дадамни шунчаки гапга солгим келдими:

– Эркин Воҳидовнинг энг зўр томони нимада? – деб савол бердим.

Дадам деди:

– Энг зўр томони – ўсмирликда дўкондор бўлишни орзу қилмагани.

Мазахўраклик

Болалигимда дадамга савол бериб чарчамас эдим. Бир куни, кўчада эшитган нотаниш сўзга тушунолмай, дадамдан сўрадим:

– “Мазахўрак” дегани қанақа гап, дада?

Шунда дадам, ўчоқ бошида куймаланиб турган онам томонга бир қараб қўйиб, шундай жавоб қилди:

– Мисол учун олсак, онанг тез-тез жиғимга тегиб туради, Демак, у сўкишимга ниҳоятда мазахўрак бўлиб қолган.

Ёзувчи ён дафтаридан

Қарз олсанг, соқовдан ол.

* * *

Текин ишлағонда секин ишла.

* * *

Ҳатто айғоқчи эрсанг-да, арилар суҳбатига бурун тикма.

* * *

Итга тош отсанг, чўлоғига от.

* * *

Йўқотган имонингни ошқозонингдан ахтаргил.

* * *

Иштонинг эски бўлса бўлсун, иштонбоғинг мўрт бўлмасун.

* * *

Буканинг олдида турма, эшакнинг ортида турма.

* * *

Қўшнинг олма экса, деворингни пастрок ур.

* * *

Дўстга сир айтиб, ул бечорадан сотқин ясамагил.

* * *

У бетинга урғоннинг бу бетини пачокла.

* * *

Тулки эсанг шерман дема, шерман десанг товук ема.

ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ БИР КУНИ...

Ваҳоб Рўзиматов 1921 йили Тошкентда туғилган. 1938 йили Охунбобоев номидаги медицина техникумини битирган. Ижодий фаолияти 30-йиллар охиридан таржимон сифатида бошланган. М.Шолоховнинг “Очилган кўрик”, К. Симоновнинг “Тириклар ва ўликлар”, А. Конан-Дойлнинг “Шерлок Холмс”, Кобо Абэнинг “Қумдаги аёл”, шунингдек, Ф. Достоевский, М. Горкий, Н. Тихонов, Л. Соболев, Б. Полевой, П. Цвирка, Г. Севунц, И. Василенко, О. Гончар асарларини ўзбек тилига таржима қилган. “Катта оила”, “Уч ўртоқ”, “Санъаткор”, “Уят ўлимдан қаттиқ”, “Қандолатчалар” номли китоблари нашр этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Ваҳоб Рўзиматов 2007 йили Тошкентда вафот этган.

Аломат одам

Ваҳоб Рўзиматов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) умрини матбуотга бағишлаган, фидойи, жуда кўп қаламкашларга устозлик қилган моҳир таржимон ва зукко муҳаррир эди. Феъл-атвори жуда ноёб, аломат инсон бўлган. Шу боис унинг номи тилга олиниши ҳамон беихтиёр жилмайиб кўядиганлар кўп. Масалан, Самарқанднинг Ваҳобов номли кўчасида (худди атай қилингандек) истиқомат қилаётган таниқли ёзувчи Нусрат Раҳмат “Ваҳоб ака...” дейилиши ҳамон ўзини тутолмай хохолаб кулиб юборади. Чунки у газетада бирга ишлашганда устознинг совунига кўп ва хўп кир ювган. Дарвоқе, улар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бир хонада, ёнма-ён ўтириб ишлашган.

Кунлардан бир кун Нусрат ака ташқаридан келиб, ҳам-хонасидан сўрайди:

– Ваҳоб ака, мени ҳеч ким сўраган эмасми?

Столга энгашганча хит бўлиб қўлёзма таҳрир қилаётган Ваҳоб ака ўзбекчада андак ғайритабиий жаранглаган бу гапни эшити-ю бирдан тутоқиб кетади:

– Сўраган эмас! Эмас! Эмас!

Зукко муҳаррир, ҳатто оғзаки нутқда йўл қўйилган заррача ғализликни ҳам ҳазм қилолмас эди.

Ваҳоб ака қизиқчи ёки аскиячига ўхшамасди. Аксинча, ҳаётда анча жиддий одам эди. Ҳазиллашганда ҳам жиддий ал-позда, ачитиб ҳазил қиларди.

Ваҳоб ака “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Шум боланинг чойхонаси” саҳифасига мутасадди бўлган кезлар эди. Камина – эркин ижодкор ўшанда аҳён-аҳён ҳажвий машқларимни олиб борардим. Ваҳоб ака кишининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзида сезилган заррача нуқсон ёки эришроқ туюлувчи нарсани ниҳоятда сезгирлик билан илғаб олар ва буни сира пайсалга солмай, нордон қочириқлар билан киноя палаҳмонига солиб, эгасига қайтарар, гап келганда ҳеч кимни аяб ўтирмас эди.

Мана, айтайлик, мен навбатдаги ҳажвиямни таҳририятга олиб бораман. Ваҳоб аканинг ишораси билан (таклифсиз ўтириш ҳам хавfli) стулга омонатгина чўкаман. Ботиниб-ботинмай қўлёмани узатаман. Ҳали нафасимни ростлаб улгурмай, Ваҳоб ака сўроққа тутади:

– Окоси, хона совук эмасми?

– Йўк, – дейман хайрон бўлиб.

– Совук бўлмаса шляпангизни олиб қўйинг.

Дарҳол шляпамни бошимдан юлиб оламан. Дамим ичимга тушиб, кирган захотим бош кийимимни олмаганим учун афсусланаман. Кутилмаганда ҳажвиямни варақлаётган Ваҳоб аканинг важохати ўзгаради. Яна қандай қовун туширдим экан дея талмовсираб турганимда навбатдаги кинояни эшитаман.

– Окоси, бу қўлёманинг бокиралиги (аслида бундан кўра нордонроқ ибора ишлатилади) кимга насиб этган?

Мен бундай “образли” иборага дабдурустдан тушунолмай, хайрон бўламан.

– Қўлёманинг биринчи нусхаси қани?

Э-ха, энди тушундим. Ваҳоб акага қўлёманинг иккинчи нусхасини берганим ёкмабди. Биринчи нусхани радиога берганимни эслайман. Аммо бу ҳақда гапирсам яна балога қоламан. Ўзимча узр сўраган бўлиб, нимадир дея минғирлайман.

– Окоси, қирқ беш йилдан буён иккинчи нусха ўқийвериб, бу кўзлар сўқир бўлиб кетди-ку. Одамга сал инсоф ҳам керак-да, ахир!!

Айб устида қўлга тушган боладек бошимни эгиб, миқ этмай ўтиравераман. Гап қайтариш оловга керосин сепиш билан баробар.

Ваҳоб ака қўлёманинг манзилим ёзилган саҳифасини варақларкан, яна зуғум қилади:

– Бу... Қорасув даҳасида газит-пазит чиқмайдими?

– Йў-ўқ, – дейман нимкосани илғай олмай.

– Энди... ҳажвиянгизни мен бу газетада чиқаргунча сиз биринчи нусхасини у ёқда чиқарвормайсизми демоқчиман-да, окоси.

Оббо! Ҳалиям ўша гап экан-да, дейман ўзимча хит бўлиб.

Хуллас, ҳажвияни топшириб, ташқарига чиққанимда худди елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил тортаман.

Энди тасаввур қилинг: фалакнинг гардиши билан кунлардан бир кун келиб-келиб айнан Ваҳоб аканинг ўрнига ишга ўтиб қолдим-ку. Юқоридаги аламзадалиқлар учун у кишидан ўч олиш фикри хаёлимга ҳам келгани йўқ, албатта. Ваҳоб ака икки кун рўпарамдаги курсида ўтириб, қоғоз-қўлёмаларини тартибга солади. Муомала-муносабатлар ғалати... Тўғри гапимга албатта эгри жавоб қилади. Столдаги телефон тасодифан мен томонга сурилиброқ қолган бўлса, Ваҳоб ака дарҳол уни ўртага тортиб, танбех беради:

– Окоси, телефон бугунча ўртада турсин, бугунча. Яна бир кунга чидаб турасиз-да, энди!..

– Хўп, хўп! – дейман ичимдан зил кетиб.

Эшикдан келган муаллифлар оғиз очишлари ҳамон Ваҳоб ака сўзларини бўлиб, менга ишора қилади.

– Энди бундан кейин мана шу окангиз билан гаплашаверасиз. Бу киши ёш олим ва ёзувчи экан, мияси ҳам меникидан кўра свежийроқ.

– Нима, сиз энди ишламайсизми, Ваҳоб ака?

– Биз энди уйда ётволиб шеър ёзамиз, окоси.

Хонага таржимон Йўлдош Пардаев кириб қолади. Ваҳоб ака унга ҳам бундан кейин ким билан муомала қилиши лозимлигини иддао билан тушунтираркан, ўзича бизни таништирган бўлади:

– Бу киши – таржимон, немисчани худди сиз билан биз козоқчани билгандек қийворади.

– Нима, сиз кетяпсизми ишдан, Ваҳоб ака? – деб сўрайди Йўлдош хайрон бўлиб.

– Ҳа, мен ишдан кетаяпман, окоси.

– Нега энди?

– Немисчани билмаганим учун.

Кулгидан зўрға ўзимни тийиб қоламан...

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Юқоридаги хангома газетада чоп этилгач, бир куни кўчада Ваҳоб ака билан учрашиб колдим. Мен билан совуққина кўришди. Гап нимадалигини дарҳол фаҳмладим.

– Окоси, хангомани ўқидим. Бўлар иш бўпти, – деди у ачитибгина. – Энди уни китобингизда ҳам чиқарвормассиз?

– Ваҳоб ака, бу ахир... шунчаки ҳазил-ку! – дедим хи-жолатомуз. – Агар оғир ботган бўлса, узр...

– Сизнинг узр сўрашингиз худди Афандининг подшодан узр сўрашига ўхшаяпти.

Мен бир лаҳза талмовсираб колдим. Ваҳоб ака ўша тарихий латифани айтиб берди:

– Бир куни подшо Афанди билан ҳаммомга тушибди. Подшо Афандига “Менга шундай бир ҳазил қилиб, жаҳлимни чиқар, кейин кечирим сўраганингда ундан ҳам баттар жаҳлим чиксин” дебди. Афанди “хўп” дебди ва подшонинг орқасини чимчилабди. “Аҳмоқ, бу нима қилганинг!” дебди подшо жаҳли чиқиб. Шунда Афанди “Кечирасиз, шоҳим, Сизни келинойим деб ўйлабман!” деган экан...

Беихтиёр кулиб юбордим. Ваҳоб ака ҳам секин жилмайиб кўйди. Ҳар қанча инжик бўлмасин, барибир ҳазил-мутуйибани нозик тушунар, ўзи ҳам кинояли, тагдор ҳазил қилишга уста эди.

“Сиз ҳам шоирмисиз?”

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Гулистон” журналининг маънавий-адабий ҳаётдаги мавқеи, нуфузи жуда баланд бўлган. Унда асари босилишини ҳар бир муаллиф орзу қилган. “Гулистон”да асари чиққан ёш ижодкор адабиётга дахлдор хисобланган. Тахририятда Аскад Мухтордек атоқли адиб



Ҳангоманинг туғилиши. Ўзбек шеърятининг уч паҳлавони –
(чапдан) Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Магжон.



Кулги завқи. Адиблар – (чапдан) Абдуғафур Расулов, Адҳам Алимбеков,
Муҳаммад Исмоил, Муҳаммад Али, Бахтиёр Ҳайдаров.



Адиблар Дўрмон ижод уйида.



От суриб, фил ўйнатиб... Адиблар – (чапдан, ўтирганлар) – Бахтиёр Назаров, Мирпўлат Мирзо, Шодмон Отабек, Эркин Воҳидов, Абдулла Шер, Сувон Мели, Турсун Али, Аҳмаджон Мелибоев, (чапдан, турганлар) Хуршид Дўстмуҳаммад, Олқор Дамин, Асад Дилмурод, Ҳабиб Темиров, Кўчқор Норқобил.



Мусликий хангома. Адиблар – (чапдан) Ахмаджон Мелибоев, Дадахон Нурий,
Ёқубжон Хўжамбердиев Халқ хофизини Ҳасан Ражабий (олдинда) билан.



Адиблар Угом дарёси соҳилида – (чапдан) Хуршид Дўстмухаммад, Иброҳим Гафуров,
Шодмон Отабек, Носир Муҳаммад, Эркин Воҳидов, Ашурали Жўраев.



Хангома суҳбатнинг қаймоғи. Адиблар –
(чапдан) Жура Фозил, Носир Фозилов, Тўлан Низом.



Устоз Эркин Воҳидов билан беллашиш осон эмас.

бош муҳаррир, Ваҳоб Рўзиматовдек зукко, инжиқ муҳаррир унга муовин эди. Маҳкам Маҳмуд, Мурод Хидир, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзам, Абдулла Шер, Маҳмуд Саъдий каби қаламкашларнинг бу муқаддас даргоҳда маҳорат мактабини ўташларида Ваҳоб аканинг яхши маънодаги инжиқлиги қўл келган. Таҳририятда шаклланган бетакрор таҳрир мактаби адабий муҳитда маълум ва машҳур бўлган.

Кунлардан бир кун Театр ва рассомлик институтини яқинда битирган Тўра Мирзо “Гулистон”га мақола олиб келади. Илгарироқ шеърларини ҳам топшириб кетган, улардан айримларини бош муҳаррир маъқуллаб, чоп этишга тавсия қилган эди. Хуллас, бир вақтнинг ўзида унинг икки асари чоп этишга тайёрлаб қўйилади. Мақола “Тўрамирза Жабборов”, шеърлари эса “Тўра Мирзо” номи билан босиладиган бўлади. Айрим эрка, масъулиятсиз шоирлардан ҳафсаласи пир бўлиб юрган Ваҳоб ака ногоҳ ҳар икки муаллифнинг бир одам эканини билгач, Тўра Мирзога шундай дейди:

– Окоси, Сиз ҳам шоирмисиз? Мен сизни туппа-тузук одам деб ўйлардим. Афсус...

Хатто ичишган ҳам

Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида тушлик қилаётгандик. Кимдир гўшт сал ҳидланибди, деб қолди.

– Хитойда гўштни атай саситиб ейишаркан! – деди шарқшунос ёзувчи Дадахон Нурий.

– Илгари чўпонлар гўжани ҳам шунақа ачитиб ейишарди, – дедим болалик чоғларимни эслаб.

Шу маҳал рўпарамда ўтирган Ваҳоб ака ялт этиб қаради. “Ейишарди” сўзи ноўрин айтилганини дарҳол сездим-у тилимни тишлаб қолдим. Гап келганда отасиниям аямайдиган Ваҳоб ака бу гал жуда чиройли киноя қилдилар:

– Гўжани хатто ичишган ҳам!

Носқовоқ

“Гулистон” журнали ходимлари нашриёт ҳовлисида сомсахўрликдан сўнг мириқиб чойхўрлик қилишарди. Шу маҳал уларнинг ёнидан бир соҳибжамол хиром айлаб ўтиб

колади. Ҳамминг нигоҳи беихтиёр унга қадалади. Ходимлар орасида бутун вужудидан нос ва сигарет хиди анқиб турадиган бир кашанда бор эди. Ана ўша кашанда кўлларини кафтига ишкаб, гап қотади:

– Оҳ, оҳ, оҳ, кани энди шу жонон билан бир маишат қилсанг.

Ходимлар устози Ваҳоб Рўзиматов кашанданинг сап-сарик тишларига ижирганиб караб қўйгач, шундай дейди:

– Бу жонон ҳам худди носқовоқни кучоқлаб ётгандек “маза” қилса керак!

Бош бўлса бас

Бир гуруҳ ижодкорлар таъзия билдириш учун ҳам-касбларининг уйига боришади. Фотиҳа ўқишга чоғланган кексарок ёзувчи бошланг экан, шу алпозда фотиҳа ўқисам кандок бўларкин, дея қўли билан бошига ишора қилиб, андак тарадудланиб қолади. Шунда Ваҳоб ака дарҳол масалага аниклик киритиб, далда беради:

– Бош кийим шарт эмас, бошнинг ўзи жойида бўлса бас, окоси, бемалол ўқийверинг!

Антиқа баҳо

Ёз жазирамаси авжига чиққан кунлар эди. Фарғона водийсида ўтказилаётган адабий анжуманда катнашаётган Ваҳоб ака шоир Рауф Парфи билан шаҳардаги истироҳат боғига киришади. Саратон тафтидан ҳолсизланиб, чанқовдан томоқлари қакраб турган ижодкорлар бир четда пиво сотилаётганини кўриб, беихтиёр йўлни ўша томонга буришади.

Кир-чир қалпоғини бошига омонат қўндирган пивофуруш меҳмонларни кўриб, кўзлари олазарак бўлади. Секин уларнинг ёнига келиб, кулоқларига энгашганча шипшийди:

– Узр, акахонлар, бу пиво сизларга тўғри келмайди.

Ваҳоб аканинг иккиланганини кўрган Рауф Парфи шундай таклиф киритади:

– Олдин... синаш учун озрок ичиб кўрайлик-чи...

– Майли, ишкилиб... яна ўзларинг биласизлар, – дейди пивофуруш негадир хафсаласи пир бўлиб.

Хуллас, пиво қуйилади. Уни ҳўплаб кўрган улфатлар бири-бирига ҳайратомуз қараб қолишади. Шунда Ваҳоб ака пивога шу маҳалгача ҳали ҳеч ким бермаган, антиқа баҳони беради:

– Шоир, бу пиво биздан олдин ҳам бир марта ичилганга ўхшайди.

Иддао

Ваҳоб аканинг деярли ҳар бир гапи, ҳар бир нордон луқмаси киноя, иддаодан иборат бўларди. “Гулистон” журнали гуриллаган 70–80-йилларда атоқли ёзувчи Асқад Мухтор бош муҳаррир, Ваҳоб ака унга муовин, Абдулла Шер масъул котиб эди. Абдулла аканинг хонаси бош муҳаррир хонаси билан ёнма-ён бўлиб, котиба уларга чой дамлаб бериб турарди. Хонаси сал чеккарокда бўлган Ваҳоб ака гоҳо бўш чойнагини кўтариб келиб қолар, котибага шундай иддао қилар эди:

– Қизим, мабодо Асқад Мухтор билан Абдулла Шердан ортиб қолган қайноқ сувдан қолмадимми озрок?

БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ БИР КУНИ...



Бўрибой Аҳмедов 1924 йил 12 августда Андижон вилояти, Қорасув қишлоғида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, Беруний мукофоти совриндори. Олимнинг турли йилларда “Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан” (1963), “Лотин Америкаси” (1963), “Ҳофиз Таниш Бухорий ҳаёти ва илмий фаолияти” (муаллифдош, 1963), “Государство кочевых узбеков” (Москва, 1965), “Хондамир (ҳаёти ва илмий фаолияти”, 1965), “Улуғбек (ҳаёти ва илмий фаолияти”, 1965), “Маҳмуд ибн Вали (ҳаёти, илмий фаолияти”, 1966), “Давлатшоҳ Самарқандий, (1967), “Тарихдан қисқача луғат”, (1977), “История Балха”, (1982), “Навоий замондошлари хотирасида” (1986), “Улуғбек” (эссе, 1989), “Аждодлар ўғити” (1990), “Ўзбекистон тарихи манбалари” (1991), “Мирзо Улуғбек” (1994), “Тарихдан сабоқлар” (1994), “Амир Темур” (тарихий роман, 1995) каби кўплаб китоблари нашр этилган. Бўрибой Аҳмедов 2002 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Тарихда шахснинг роли

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг бир олим кўшниси ўзаро гурунгларида тап тортмай тарихда шахснинг ролини инкор қилаверар экан. Бир окшом Бўрибой ака ишдан уйига қайтаётиб, йўл четидаги янги қазилган, чуқур ариқдан кимдир инграб, ёрдамга чақираётганини эшитиб қолади. Бориб қараса, ўша кўшниси экан.

– Ҳа, нима бўлди?

– Қоронғида шу... чуқурга тушиб кетдим. Сизни Худо етказди, кўшнижон, қани кўлингизни узатинг.

Бўрибой ака мавриди келганда ўжар кўшнисини бир бопламокчи бўлади. Шу боис кўлини белига тираганча юкоридан синовчан тикилиб тураверади.

– Тезроқ бўлақолинг! – бечора кўшни чуқурда ётган жойида ингранади.

– Йў-ўқ, сиз олдин айтинг-чи, тарихда шахнинг роли борми-йўқми?

– Бор, бор...

– Ростданми?

– Рост, рост.

– Қасам ичинг.

– Қасам ичаман. Э Худо, тезроқ бўлсангиз-чи!

Ҳамма ёғи лой-тупроққа беланган қўшни йиғлагудек бўлиб илтижо қиларди. Бўрибой ака обдан таъзирини еган қўшнисининг муҳим масалада фикрини ўзгартиргач, уни чуқурдан тортиб чиқаради.

Итқий шеърлар

Бўрибой ака урушдан кейин бир муддат Андижонга қайтиб, туман газеталаридан бирида хизмат қилади. Маҳаллий раҳбарлардан бири ўзича шеър ёзиб юраркан. У бир куни машқларини таҳририятга юборади. Ёзуви анча бадхат экан, аранг ўқишади. “Итқий шеърлар” деган сарлавҳанинг биринчи сўзига хайрон қолишади. Ўзидан бориб сўрашга эса ҳеч ким ботинолмайди. Машқлар ўша сарлавҳа остида босилиб чиқади.

Эртаси куни дарғазаб бўлган муаллиф таҳририятга келиб, роса зуғум қилади.

Маълум бўлишича, “Итқий шеърлар” дегани аслида “Ишқий шеърлар” экан.

Деворнинг қулоғи бор

Мустақилликдан анча илгари Самарқандда тарих масалаларига бағишланган катта илмий анжуман ўтказилади. Унда пойтахтдан борган олимлар қатори Бўрибой ака ҳам қатнашади. Тушликдаги танаффусда уч нафар ҳамкасблар шаҳарнинг овлоқроқ бир гўшасида овқатланишади. Шунда гапдан гап чиқиб, олимлардан бири Амир Темур ҳақида гап очиб қолади. Қизил мафкура ҳукмронлиги даврида соҳибқирон шахсига фақат бир ёқлама – салбий баҳо берилар, Иброҳим Мўминов каби жасорат кўрсатиб ижобий фикр билдирган олимлар аёвсиз таъқиб ва тазйиққа учрар эди. Шу боис қалтис мавзу тилга олинганда олимлар бирдан сергак тортиб, атрофга ҳадиксираб

қараб кўйишади. Бирон шубҳали кимса кўринмагач, сал хотир-
жам бўлиб суҳбатни давом эттиришади.

– Ахир сиёсат бир умр шундай давом этмаса керак?!

– Ҳа, ҳар қандай империянинг ҳам таназзулга юз тутиши
бор.

– Тўғри, тарих ҳамма нарсани ўз ўрнига кўяди!

– Қанийди Тошкент марказида Маркс (Мустақилликдан
илгари ҳозирги Амир Темур ҳиёбонидаги соҳибқирон ҳайкали
ўрнида пролетариатнинг дохийси ҳисобланмиш Карл Маркс-
нинг улкан бюсти бор эди. – *Ш.О.*) ўрнига Амир Темурга ҳай-
кал ўрнатилса!

– О, қанийди!..

Ҳа, бу фақат орзу эди, холос... Орзу... Аммо ўша шўролар
замонида бу ўта қалтис, хавфли орзу эди.

Тошкентга қайтишгандан кейин ҳалиги олимларнинг
ҳар бири алоҳида-алоҳида давлат хавфсизлиги идорасига
чақиртирилиб, сўроққа тутилади: “Хўш, сизлар қаерда, кимга
ҳайкал ўрнатмоқчисизлар?!”

Олимлар ҳайрон бўлишади: “Ким сотган бўлиши мумкин?
Ўртада бегона йўк эди-ку!..”

Хайриятки, 37-йилларнинг машъум қатағони ортда қол-
ганди. Аммо юракларда унинг асорати, ваҳимаси ҳали-ҳануз
акс садо бериб турарди. Кўркиб кетган боёқиш олимлар тавба-
тазарру билан зўрға жазодан қутулиб қолишади.

Мафкура котиби

Бўрибой ака 1941–1945 йилги урушнинг бошидан-
охиригача қатнашган. Урушдан кейин маълум муддат
қишлоқда муаллимлик қилгач, пойтахтга кетиб, илм билан
шуғулланган. Шўролар замонида бир куни она юрти Анди-
жонга боради. Тасодифан собиқ курсдоши, обкомнинг маф-
кура ишлари бўйича котибини учратиб қолади. Ҳол-аҳвол
сўрашгач, котиб олимга ўзича хайрихоҳлик билдирган бўлиб,
шундай дермиш:

– Буни каранг-а, сиз ўша-ўша қишлоқда қолиб кетдингиз-а?
Биз эсак мана шу ерда... Ҳа энди, тақдир экан-да! Ўзингиз ҳам
ортикча мағрурлик қилмай, бирров менга учрашганингизда,
пединститутданми ёки биронта тузукроқ жойданми иш-пиш

топтириб берардим. Аттанг...

Ажабо, мафкура котиби собиқ курсдошининг республикадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур, таникли шарқшунос олим бўлиб етишганидан беҳабар экан! Бўрибой ака у гумроҳ билан тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Калтабин курсдошига афсус-ачиниш билан қараб, гапни қисқа қилади:

– Ҳечқиси йўқ, сиз ташвишланманг. Менга шу... ҳозирги ишим ҳам бўлаверади.

Виждон азоби

Кунлардан бир кун Бўрибой ака троллейбусда кетаётиб, бир вақтлар “Алпомиш” достонини “уриб чикқан” олимни учратиб қолади. У озиб-тўзиб, абгор бўлиб қолганди. Бўрибой ака олимдан ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, чандиб олади.

– Нима бўлди сизга? Алпомишдек йигит эдингиз-ку?!

Олимнинг дами ичига тушиб кетади. Навбатдаги бекатда хайр-маъзурниям насия қилиб, ўзини эшикка уради.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ БИР КУНИ...



Озод Шарафиддинов 1929 йили Қўқон атрофидаги Охунқайнар қишлоғида туғилган.

Ўрта Осиё давлат Университетини тугатган (1951). Москвадаги жаҳон адабиёти институти аспирантурасида ўқиган. Мақола ва тақризлари 1953 йилдан кўрина бошлаган. Филология фанлари номзоди (1954). “Замон. Қалб. Поэзия” (1962), “Истеъдод жилolari” (1976), “Биринчи мўъжиза” (1979), “Талант – халқ мулки” (1979), “Ҳаёт билан ҳамнафас” (1983), “Гўзаллик излаб” (1985), “Истиклол фидойилари”, “Чўлпонни англаш” (1983), “Мохият ва муҳаббат” (1994), “Маънавий камолот йўлларида” (2001), “Довондаги ўйлар” (2004), “Ижодни англаш бахти” (2004) каби китоблари нашр этилган. “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” ўқув дастури, “XX аср ўзбек адабиёти” (1999) дарслиги муаллифларидан.

Л.Толстой, П.Коэло, А.Севела, П.Мериме асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти сазовор бўлган (2007), “Мехнат шухрати” (1997), “Буюк хизматлари учун” (1999) орденлари билан мукофотланган. Ўзбекистон Қаҳрамони (2002).

Озод Шарафиддинов 2005 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Деворий газета муҳаррири

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби кўпгина истеъдодларга устозлик қилган таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳазил-мутойибани жуда яхши кўрар, давраларда теша тегмаган латифалар (Дарвоқе, “Ичак узар хангомалар” деган китоб ҳам чиқарган. – Ш.О.) айтиб, ҳаммани кулдириб ўтирар эди.

Қаҳратон киш кунлари устоз Дўрмонда ижод қилаётган эди. Домла ошхона билан ижодхона ўртасида қатнайвериб зерикди шекилли, пойинтар-сойинтар гаплари билан ҳамма-нинг энсасини қотириб юрадиган, ўта содда адабиётшунос-

ни лақиллатмоқчи бўлади. Яқин шогирди билан олдиндан ҳазил режасини обдан пишитиб олгач, ўша олимни хонасига чақиртиради.

– Хўш, ўртоқлар, бу ерда ҳаммамиз коммунистмизми? – *(Воқеа шўролар замонида бўлади – Ш.О.)* деб сўрайди Озод ака адабиётшуносга тик қараб.

– Ҳа, шундай.

– Партия низомини биласизларми ўзи?

Кекса олим бирон кор-ҳол бўлдимикин дея қалин кўз-ойнагини олиб, арта бошлайди.

– Уч нафар партия аъзоси тўпланган жойда нима бўлиши керак? – Озод ака тобора жиддийроқ “рол”га кира бошлайди. – Бошланғич ташкилот тузилиши керак-ку!

– Э, дарвоқе! – домла шундай муҳим нарсани эсдан чиқариб, катта сиёсий хатога йўл кўяётганидан афсусланган-дек бош чайқайди.

– Озод ака, ўзингиз бирон чорасини кўрсатасиз-да, энди! – нимкосадан хабардор шогирд аста алангага чўп ташлайди.

– Ундай бўлса, ишни бошланғич ташкилот котибинини сайлашдан бошлаймиз. Хўш, кимда қандай таклиф бор?

– Менда! – кекса олим шошиб қўл кўтараркан, ўрнидан беихтиёр туриб кетади.

– Майли, ўтириб гапираверинг, – Озод ака зўрға ўзини кулгидан тийиб қолади.

– Мен бошланғич партия ташкилоти котиблигига принципал танқидчи, жуда кўп ёш олим ва ижодкорларнинг устози, қатор китоблар муаллифи Озод Обидович Шарафиддинов номзодини таклиф қиламан.

– Бошқа таклифлар йўқми?

– Йўқ!

– Бўпти! Ишончларингни оқлашга ҳаракат қиламан! Энди, ўртоқ коммунистлар, навбатдаги масалага ўтамиз. Сизларга яхши маълумки, бошланғич партия ташкилотининг ўз наشري – газетаси бўлиши керак. Мен бу масъул ишни тажрибали, кекса коммунист ...га *(олимнинг исму шарифини тушунарли сабабларга кўра айтишнинг иложи йўқ. – Ш.О.)* топширсак дейман. Демак, бир ҳафта... йўқ, уч кун ичида деворий газетамиз тайёр бўлиши керак.

Хангоманинг энг қизиғи шундан кейин бошланади. Янги мухаррир енг шимариб ишга киришиб кетади. Хонама-хона юриб, ёзувчилардан деворий газетага мақола ёзиб беришларини сўрайвериб, ҳаммани безор қилади. Ахийри белгиланган муддатда газета кўпчилик йиғиладиган жой – ошхона деворига осилади.

Хангоматалаб ёзувчилар шамол қаёқдан эсганини дарров пайкашади. Газета мухарририни мақтаб ҳам кўйишади. Домланинг эса оғзи қулоғида, буюк бир ишни дўндириб кўйгандек гердайиб юради.

Энг таажжубланарлиси – юмор туйғусидан мутлақо йирок бўлган ўша олим мустақилликдан кейин ҳам бу хангомаҳазилни мутлақо тушунмаган экан. Орадан кўп йиллар ўтгач, Дўрмонда “бошланғич партия ташкилотининг собиқ котиби”ни учратганида фахрланиб, шундай дермиш:

– Озоджон! Ўшанда зўр ишлар қилувдик-а?!

Бежиз катта кетмапти

Биринчи ўзбек шахмат устаси, Ўзбекистонда шахматни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида улкан хизматлар қилган раҳматли устоз Мамажон Муҳиддиновнинг етмиш йиллик тўйига бағишланган тантанани Озод Шарафиддинов бошқаради. Йиғилишнинг расмий қисмини яқунлаётган Озод ака мухлисларга шундай дейди:

– Зиёфатдан сўнг мана шу клубда гроссмейстерлар сизларга сеанс беради. Агар улар келмай қолса хафа бўлманглар – ўзим сеанс бераман сизларга!

Самимий ҳазилдан кулишдик. Озод ака гарчи сеанс бермаган бўлса-да, бекорга катта гапирмаганини исботлади – гроссмейстер Михаил Салтаевни мағлуб этди. Ҳаммамиз домлани ажойиб ғалаба билан табрикладик.

Эртаси куни устоз билан телефонда гаплашиб қолдим.

– Озод ака, кечаги ҳазилингизга фаришталар омин деган экан-да. Гроссмейстерни индамай ютиб кўйдингиз-а?! – дедим.

Домла жамики шахматчиларга хос ажойиб “камтарлик” билан жавоб килди:

– Ҳа энди, Ўзбекистонда дурустрок гроссмейстер бўлмасанима қилай?!

“Чёрт побери”

Устоз Озод Шарафиддиновнинг етмиш йиллик тўйи Миллий театр биносига катта тантана билан, жуда файзли-мароқли ўтади. Мухлислар қатори сўзга чиққан машхур шоир Эркин Воҳидов талабалик йилларини эслаб, шундай ҳазил қилади:

– Озод ака университетда бизга адабиётдан сабоқ берардилар. Бир куни устоз “Хисрав ва Ширин” достонини ўтаётиб айтдилар: “Ширин канизақлари билан от миниб келиб мундоқ қараса, канал қазилган, зилол сувлар оқиб ётибди. Шунда у хайратини яширолмай, “Ничего себе?” деб юборибди.

...Устоз биз – талабалар билан жуда яқин, иноқ эдилар. Эсимда, пахта теримида бир куни баракда ўтин ёраётсак, ёнимизга келиб қолдилар. Тўнка жуда чайир бўлгани учун барча уринишларимиз зое кетаётган эди. Шунда устоз болтани кўлимиздан олиб, ўзлари ўтин ёришга тушдилар. Ҳаш-паш дегунча терлаб-пишиб кетдилар, аммо савил чайир тўнка ёрила қолмади. Ахийри безор бўлиб, “Чёрт побери?” дея болтани бир четга улоқтирдилар. Биз устозга далда бердик: “Домла, биз ўтин ёраверамиз. Сиз ёнимизда “Чёрт побери?” деб тураверинг.

Эркин ака юқоридаги ҳазил-хотираларни давраларда гапириб берса, устоз Озод ака негадир буни тан олмас, “Мен ҳеч қачон ўзбек тилига ўрисчани аралаштирган эмасман! “Ни в коем случае!” дердилар.

Ютқизмаслик сири

Озод ака шахматга жиддий қизиқар, маҳорати ҳам ишқибозлигига яраша эди. Кунлардан бир кун таржимон, ношир дўстим Бобоҳон Шариф билан устознинг уйида шахмат ўйнаётган эдик. Айрим шахматчиларда шундай бир ғалати одат бўлади: ютқизган томон ҳеч қачон мағлубиятини холисанилло тан олмайди, “Тасодифан хато қилиб ютқазиб қўйдимда...” дея гождик қилиб тураверади.

Биз ҳам кўпроқ ана шу тоифага мансуброқ эканмиз шекилли, ютқазиб қўйсақ, баҳона қидириб қолардик.

Устоз шу куни яхшигина “формада” экан, Бобоҳон икковимизни аяб ўтирмай, анчагина “эзиб” қўйди. Биз отдан тушсак

хам эгардан тушмай, мағлубиятни тасодифга йўйиб туравердик. Шунда Озод ака бизни лол қолдириб, ғалати бир фикр айтди:

- Шахматда мен шундай бир зўр қоида кашф этганман, кимки шунга амал қилса, ҳеч қачон ютқизмайди.
- Хўш, қандай қоида экан у? – қизиксиниб сўрадик.
- Ҳамиша фақат тўғри юришни қилиш керак!..
- Э-э, ҳамма гап шунда-да, домла! – дедик кулиб.

Қизилларга қарши

Кунлардан бир кун (мустақилликдан илгари) Озод ака Самарқандга сафар қилади. Домланинг ҳамма ерда шогирд ва мухлислари кўп эди. Самарқандда устозни Ургутдаги сўлим бир кишлокқа таклиф этишади. Меҳмондорчиликда яхшигина гурунг бўлади. Таомдан кейин таомилга кўра дастурхонга қовун келтирилади. Озод ака қовундан озгина тотинган бўлиб, тезда қўлини артади.

– Домла, қовундан олмадингиз. Тарвуз сўйиб келайми?– деб сўрайди мезбонлардан бири.

– Раҳмат ука, хожати йўқ. Мен дунёдаги жамики қизил нарсаларга қаршиман!

Даврада ўтирганлар домланинг журъатидан ҳайратланишади. Қизил мафкура ҳукмронлиги даврида анча-мунча одам бундай гапни ҳатто ҳазил тариқасида ҳам айтишга ботинолмасди.

Энди алмаштиролмайди

Озод аканинг суюкли шогирдларидан бири, истеъдодли шоир Шукур Қурбон фалакнинг гардиши билан учинчи марта уйланади. У янги уйланган аёли билан устози Озод Шарафидиновни йўқлаб уйига боради. Ҳол-аҳвол сўрашгач, андак жи-
жолат ила устозга завжасини таништиради:

– Озод ака! Бу – янги келинингиз, ўзи милицияда ишлаган, ҳозир нафақада. Энди, шунақа бўлиб қолди, тақдир экан...

– Сиз шоирларни аслида худди шундай жазолаш керак! – дейди устоз ҳазиломуз. – Мана энди хотинни алмаштириб кўринг-чи!

Фишерни ҳам ютган

Озод ака ашаддий шахмат ишқибози эди. Устоз дона суриш мумкин бўлган ҳар бир имкониятни қўлдан чиқармасди. Қизим Аноранинг никоҳ тўйига келганларида ҳали меҳмонлар тарқар-тарқамас “Бўлди, ёпинг энди дўконни, шахматни бошлаймиз!” деб қолдилар. Устоз амри вожиб. Ёзувчилар “дом”ининг орқасидаги ишқом остига яхшигина жой қилиб, шахмат жангини бошлаб юбордик. Ногоҳ Озод аканинг яқинда “Афанди” газетасида босилган мазмунли суҳбати эсимга тушиб қолди. Унда устоз рақибларини шахматда қандай қилиб ютганлигини мароқ билан ҳикоя қилганди.

– Озод ака, суҳбатни маза қилиб ўқидик. Фақат шахмат боида анча “камтарлик” қилиб юборибсиз, – дедим.

Устоз ҳазилга ҳазил билан жавоб қилдилар:

– Э-э, мен ҳали Фишерни (америкалик собиқ жаҳон чемпиони, дунёга машҳур гроссмейстер Роберт Фишер – Ш.О.) қандай қилиб ютганимни айтганим йўқ.

Социализмда ҳам одам ўладими?

Талабалик давримиз эди. Ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнидаги филология факультетида Абдулла Қахҳорнинг янги чоп этилган “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси муҳокамасига бағишланган учрашув бўлади. Ўша йиллари бундай анжуманлар жуда жўшқин-қизғин ўтарди. Катта зал адабиёт мухлислари билан гавжум. Ҳайъатда номи мактаб дарсликлариданок ҳаммага маълум бўлган машҳур ёзувчи Абдулла Қахҳор, унинг ёнида шогирдлар, олимлар, университет домлалари...

Университет ректори, дунёга машҳур математик олим Саъди Сирожиддиновга сўз берилади. Домла жуда қисқа гапирди. У ҳайъатга бир қараб олгач, хижолат бўлгандек, “Абдулла ака, узр, мен ёзувчи эмасман, сизлардек гапга ҳам уста эмасман”, деган эди, бирдан қарсақлар янграйди. Чунки олим (рахматли ажойиб, беназир инсон эди) бу гапни ниҳоятда табиий камтарлик билан, самимий оҳангда айтган эди...

Кейин қиссанинг муҳокамаси бошланади. Юқори босқич талабаларидан бири “Ўтмишдан эртақлар”нинг бадиий хусусиятлари ҳақида гапираркан, ёзувчи ўз асарида қанча ўхшатиш,

сифатлаш, қанча мажоз, муболаға ишлатганини эринмай санашга тушади. Йиғилганларнинг энсаси қота бошлайди. Бундай даврада ортиқча гап дарров билиниб қоларди. Аммо талабаси тушмагур ҳамон куйиб-пишиб гапирар эди. Шунда домламиз Озод Шарафиддинов талабани тўхтатиб, шундай лўқма қилади:

– Нима бало, махсус семинарга (шундай дарс бўларди) тайёрланиб келганмисиз?

Катта залда гурр кулги кўтарилади. Талаба қовун туширганини фахмлаб, тезда минбарни тарк этади. Муҳокама шу тарика кизигандан-кизийди. Талабалардан яна бири сўзга чиқиб, “Қисса бош қаҳрамони укаси Умаралининг ўлимини сира ҳазм қилолмадим”, деди. У бу гапни бир неча бор такрорлади. Шунда Озод ака талабанинг сўзини бўлиб, шундай лўқма қилади:

– Социализмда ҳам одам ўладими, денг?

Яна гурр кулги кўтарилади.

Даврабоши

Озод ака нутқи равон, талаффузи ёқимли, гапга чечан эди. Гоҳо яқин кишиларининг тўй-тўқинларида даврани мохирона бошқарарди. Бир куни домланинг даврани қизитиб турганини кўрган мухлислардан бири уни отарчилар таркибида юрадиган ўртакашлардан деб ўйлайди. Озод аканинг олдига бориб, унга койил қолганини айтади. Яқинда бўладиган тўйига раислик қилиб беришни илтимос қилади. Бунақа пайтда шумлиги тутиб қоладиган домла эгри қозикка эгри тўқмоқ қабилида жавоб қилади:

– Бир оғиз сўзингиз. Фақат ихтиёр менда эмас, ҳов ана, кафедра мудиримиздан ижозат сўраб, биратўла заклатини ҳам ўзига бериб кўйсангиз бас, олам гулистон! Хизматингизга тайёрман!

Озод ака шундай дея тўрда ўтирган профессор Фулом Каримовга ишора қилади.

Ҳазилга лакка тушган ҳалиги одам тўғри Фулом Каримовнинг олдига бориб, илтимосини айтади. “Мана, закалати ҳам тайёр” дея чўнтагидан бир даста пул чиқариб узатади.

– Э нималар деяпсиз? Қанақа закалат? Бу нима майнавозчилик?

Профессорнинг астойдил жаҳли чиқади. Гапи оғзида қолган ҳалиги одам Озод акани кўрсатиб, масалага аниқлик киритади. Шунда Ғулом Каримов хо-холаб кулиб юборади.

– Оббо Озод тушмагур-ей! Сизни роса боплабди-ку! Шўх-да у, шўх!

Генерал

Бир гуруҳ адабиётшунослар профессор Ғулом Каримов жўрабошчилигида Оқсоқота деган сўлим, хушманзара жойда дам олишаётганди. Бир куни уларнинг дилкаш гурунгига ўзини ўрмон қоровули деб таништирган одам келиб қўшилади. Чақирилмаган меҳмон андиша, одоб деган нарсани билмас экан, бемаврид гапга суқилавериб, тез орада ҳамманинг жонига тегади. Ўзининг хотинбозлиги, қилган жиноятларини айтиб мақтанади. Бу ҳол бир неча кун давом этади. Пичоқ суякка қадалади. Шунда Ғулом Каримов аста ўрнидан туриб, гап котади:

– Бориб ёстиғимнинг остидан тўппончамни олиб келай!

“Оширма”ни пайқаган Озод ака домла чиқиб кетиши ҳамон алангага яна чўп ташлаб, қоровулга юзланади:

– Бу одамни танийсизми? Генерал Ғулом Каримов деганлари шу одам! Машҳур изқувар! Даҳшатли жиноятларни очган!

Қоровул шоша-пиша ўрнидан кўзғалиб қочиб қолади ва бошқа корасини кўрсатмайди.

Шунда Озод ака ҳамкасбларига қараб шундай дейди:

– Қанийди Ғулом Каримовнинг номини эшитганда фақат ғаламис ўрмон қоровулигина эмас, адабиётимиздаги айрим каллоблар ҳам гумдон бўлишса!

Булбулни биласизми ўзи?

Сурхондарёлик олим Муҳаммаджон Азимов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганда устоз Нажмиддин Комиловнинг Эски шаҳардаги ховлисида ихчамгина зиёфат бўлади. Даврани иқтидорли олим Султонмурод Олим бошқараётганди. Бир маҳал шоир ва олим Тилак Жўрага сўз берилади. Шоир

даврага чиқиб, ўқийдиган шеърининг сарлавҳасини эълон қилади:

– “Сандувоч!”

Ўша лаҳза сархуш меҳмонларнинг шеър тинглашга майли йўқмиди, шоирнинг хитобига ҳеч ким парво қилмайди. Тилак шеърнинг номини яна бир қарра такрорлайди. Устоз Озод ака вазиятни нозик илғаб, диққатини шоирга қаратади:

– Тилакжон, бу “Сандувоч” дегани нима ўзи?

– “Сандувоч” – булбул дегани, – жавоб қилади шоир.

– Қайси тилда? – сўрайди Озод ака.

– Туркий тилда.

– Э қўйсангизчи, туркий тилда булбулни булбул дейди, окоси! Булбулни биласизми ўзи?

Даврада гурр кулги кўтарилади. Тошкентда булбулнинг бошқача маъноси ҳам бор эди-да. Баҳснинг аскияга уланаётганидан беҳабар Тилак ўжарлик қилиб тортишади:

– Татар тилида ҳозир ҳам булбулни сандувоч дейишади.

– Шундайми? – домла баҳсга жиддий чоғланади. – Ундай бўлса сизга бир савол бераман. Агар тўғри жавоб берсангиз, сиз ютган ҳисобланиб, шеърингизни ўқийсиз, мабодо ютқазсангиз – шеърингизни ўқимайсиз! Қани айтинг-чи, булбулнинг эркаги сайрайдими ёки макиёни?

Тилак Жўра бир зум ўйланиб қолади. Товукнинг хўрози сайрашини ҳамма билади. Аммо булбулнинг-чи?

– Булбулнинг макиёни сайрайди! – шоир шундай деб юборади.

– Эҳ аттанг! – дея афсус билан бош чайқайди Озод ака. – Булбулнинг қайси тилда нима деб аталишини ўрганибсиз-у, хўрози сайрайдими ёки макиёни деган масалага қизикмабсиз-да. Ахир ҳамма кушларнинг макиёни эмас, хўрози сайрайди-ку! Хўрози сайраб, макиёнини ёнига чорлайди. Булбулни билмас экансиз, окоси! Ўтиринг!

Ким уялиши керак?

Озод ака “Жаҳон адабиёти” журнаliga бош муҳаррирлик қилган йиллари жуда сермахсул эди. Таржималари кетма-кет босиларди. Домла таржима қилган О.У.Хегуднинг “Жон Кен-неди ва аёллар” очеркини журнал ходими Амир Файзуллаев

нашрга тайёрлаётган эди. Очеркда Америка президентининг аёллар билан ишқий саргузаштлари кичик тафсилотларигача батафсил ёритилганди. Амир ака андишага бориб, менталитетимизга тўғри келмайдиган, яланғочроқ жойларини олиб ташлайди. Журнал босилиб чиққач, бош муҳаррир ўзбошимча ходимни хузурига чорлайди. Озод аканинг важоҳати хунук эди.

– Нега таржимани қисқартирдингиз? Нима ҳаққингиз бор? Таржима расво бўлибди-ку!

– Энди... жаа... ҳалигинақа... пардасиз жойларини олиб ташладим, домла! – дейди ходим мунғайибгина. – Уят-ку, бунақа нарсани ўқиш!

Шунда бош муҳаррирнинг кутилмаган жавобидан ходим баттар ҳайратланади:

– Америка президенти бўлатуриб, шунақа ишларни қилишдан у уялмаганда, нега энди унинг қилмишларини ўқишдан биз уялишимиз керак!

Яхши ёзар экан

Озод ака маълум муддат таниқли ёзувчи Эркин Аъзам бош муҳаррир бўлган “Тафаккур” журналида хизмат қилганди. Ўша йиллари домланинг гўё иккинчи нафас йўли очилгандек бўлади, жуда баракали ижод қилади. Муҳаррир кейинчалик устоз ҳақидаги хотирасида шундай ёзган эди: “Вазифага бу қадар масъулият билан қарайдиган, кунту ҳафсала билан киришадиган одамни мен кам кўрганман. “Бу менинг соҳам эмас-ку” дея мавзу танлаб, иккиланиб ўтириш йўқ. Тарихчи ҳам, файласуф ҳам, сиёсатшунос олим ҳам ўзлари. Мақола деганлари каторлашиб кетди. Журналнинг сони маълум – чекланган, ҳаммасини сиғдиришнинг иложи йўқ”

Эркин Аъзам домланинг айрим мақолаларини Озод Обид таҳаллуси билан чоп этишни таклиф этади. Ушбу таҳаллусга домланинг ўзлари ҳам кўникиб кетади. Бир гал мақоласининг корректурасини ўқиётиб, “Чўрт побери, яхши ёзар экан, ким ўзи у?” дея ҳазиллашади.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ БИР КУНИ...



Азиз Абдураззоқ 1928 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, маданий-оқартув билим юртида ўқийди. Сўнгра, Москвадаги Адабиёт институтида таълим олади. Шоирнинг ижоди ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Биринчи шеърлар тўплами 1959 йили “Дўстларимга” номи билан чоп этилган. Шундан сўнг “Яна баҳор” (1961), “Мавж” (1965), “Бодом гуллади” (1965), “Лирика” (1970), “Азиз одамлар” (1975), “Шўх ёмғир” (1977), “Қалб нури” (1978) каби тўпламлари нашр этилган. У, шунингдек, болалар учун ёзилган “Оҳ, қандай ширин” (1977), “Қиз ва лола” (1979), “Тап-тап элак” (1981), “Ёстикдан чиққан эртақлар” (1980, “Боғда битган эртақлар” (1989), “Тўрт оғайни ботирлар” каби асарлар муаллифи. Таржимон сифатида М.Лермонтов, Т.Шевченко, Г.Лонгфелло асарларини ўзбекчалаштирган. Азиз Абдураззоқ 2007 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Абдулла – шер!

Кунлардан бир кун Дўрмонда истикомат қилаётган Азиз ака зерикиб, гурунглашиш учун шоир Абдулла Шернинг чорбоғига айланиб боради. Шарпани эшитгач, йўлак адоғида елкасига чопон ташлаган шоир кўринади. У билан кетма-кет кичкинагина лайча кучук ҳам тинимсиз акиллаганча эргашиб келаверади. Темир панжара олдида хол-ахвол сўрашаркан, Азиз ака лайчага караб, шундай сўз ўйини қилади.

– Қанчалик акилламагин, сен барибир лайчасан, Абдулла эса – шер!

Жавоб тайёр

Шоир Абдусаид Кўчимов фарзандининг тўйига таклиф қилиш учун Дўрмонга – устоз Саид Аҳмаднинг дала ҳовлисига боради. Таклифномани олган устоз бошини сарак-сарак қилиб, ўзича койинади:

– Мен сени дуппа-дуруст бола деб юрардим, афсуски сендан ҳам ёруғлик чикмади.

– Ҳай, нима гап ўзи, устоз?

– Шунчалик саъй-ҳаракат қилиб, тўй бошлабсан, мени ҳам ўғлингга қўшиб уйлаб қўйсанг бўлмасмиди? Бир умр сени дуо қилиб юрардим.

– Яхши ният – ярим мол, устоз!

Абдусаид Азиз акани ҳам тўйга айтаркан, Саид Аҳмаднинг ҳазилини эслатиб, шундай дейди:

– Устознинг ана шу ҳазилига муносиброқ жавоб тополмадим-да, Азиз ака!

– Э, жавоб тайёр-ку! – дейди Азиз ака кулимсираб.

– Қани, қани, эшитайлик-чи!

– Сизни уйлантириб, дуоингизни олардим-у, аммо келиндан бир умр қарғиш эшитардим демадингми?!

Зўр нарса

Азиз ака Москвада ўқиб юрганида бир ҳамшаҳар шоир мактаниб қолади:

– Азиз ака! Кеча мен биттаси билан танишдим. Ўзиям жуда зўр нарса, саккизинчи синфда ўқийди.

– Ҳали балоғатга етмаган бўлса, яна камалиб-нетиб кетмагин, хўв бола! – дея Азиз ака ҳамюртини огоҳлантиради.

Эртаси куни шоири тушмагур ўша мактаган “нарса”сини ётоқхонага бошлаб келади. Азиз ака мундоқ қараса, “зўр нарса” дегани белига икки кишининг қулочи етмайдиган, канорқопдай семиз хотин эмиш.

– Саккизинчи синфда ўқийди деганинг шуми? – ҳайрон бўлган Азиз ака ҳамюртини бир четга имлаб сўрайди.

– Худди ўзи, фақат у кечки мактабда (илгари кечки мактабларда ёши катта одамлар ҳам ўқишган. – Ш.О.) ўқийди, – дермиш шоир гердайиб.

Бир кунлик овқат

Таржимон ва ношир Ҳасан Тўрабеков (*Оллоҳ раҳматиға олган бўлсин*) бир иш билан Дўрмонга боради. Қайтишда мундоқ қараса, ўша машҳур арғувон соясида Азиз ака Шукур Холмирзаев билан улфатчилик қилишаётган экан. Олдиларидаги эски газета устида ярми бўшатишган ароқ билан бир яримта сўлиган редискадан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Ҳасан ака мошинасидан тушиб, улар билан салом-алик қилади ва шошиб турганини айтиб, кетмоқчи бўлганида улфатлар илтифот қилиб, ароқ узатишади.

– Узр, мен рулдаман, – дейди Ҳасан ака.

– Э олаверинг, мелиса ўзимизники!

– Энди...

– Олинг, олинг!

Ҳасан ака бир ароқ тўла пиёлага, бир ғарибгина “дастурхон”га ноилож қараб туриб, шундай дейди:

– Агар шуни ичиш керак бўлса, ичвораман, аммо унда дастурхонингларда ҳеч вақо қолмайди.

Шу маҳал Азиз ака шоша-пиша қўли билан “дастурхон”ни тўсиб, тортишувга нуқта қўяди.

– Э Шукур, кўйинг, кетаверсин, бўлмаса бизнинг бир кунлик овқатимизни еб қўяркан!

Юбилярбон совға

Шўро даврида Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари Азиз аканинг олтмиш йиллигини нишонлаш тараддудига тушадилар. Аммо Азиз ака камтарлик қилиб, юбилей тантаналарини ўтказишга розилик бермайди. Таклиф этилган унвону мукофотларни ҳам рад этади. Ҳайрон бўлган мутасаддилар ахийри сўрашади:

– Хўш, очиғини айтинг бўлмаса, сизга нима керак ўзи?

– Ўзингларга яхши маълум, кўп йиллардан буён сўққабошман, ёлғизлик жонимга тегди. Агар қўлинглардан келса, менга хотин олиб беринглар. Бўйдоқ юбилярга хотиндан ҳам зўр совға борми?

Бири боғдан, бири тоғдан

Азиз ака таниқли рассом Исфандиёр Ҳайдаровнинг уста-хонасига борса, у рафиқаси Дилбар билан эндигина саёҳатдан келиб турган экан.

– Қаёқдан келяпсиз, Азиз ака? – деб сўрайди Исфандиёр.

– Боғдан келяпман, Дўрмондан. Сизлар-чи?

– Биз тоғдан келяпмиз, Хумсондан.

– Ана шу-да аҳвол, – дейди Азиз ака ҳазиломуз. – Мен боғдан келсам, бошқалар тоғдан келади.

Йўлдош қурган иморат...

Шоир Йўлдош Эшбек Чорвоқдаги дала ҳовлисига пахсадан омонатгина қилиб иморат қурган эди, у қору ёмғирда нураб, хароба ҳолига келиб қолади.

Азиз ака бу нохуш манзарани ачинибгина кузатиб турган эди, ёнидаги кўшни уни гапга солади.

– Азиз ака, қани энди шу манзарага қараб бир нима тўқивормайсизми?

– Бунга илҳом келмаяпти, ука, аммо Олмаҳон Ҳайитова шу ерда бўлганда:

“Йўлдош қурган иморат вайрона бўлди найлайн?” деб ашула айтиб юборарди, – дейди Азиз ака.

Оҳ, менда бўлсайди ушбу шишалар...

Кунлардан бир кун Азиз Абдураззоқ Рауф Парфининг уйига борса, шоир товада эриётган сарёғ устига нонни юпка қилиб тўғраётган экан.

– Ҳўш, нима ҳаракат, шоир? – деб сўрайди Азиз ака.

– Ўзини есам, тўймайман, нон озлик қилади.

Шу пайт Азиз ака эшиги очик турган айвонга кўзи тушиб, ҳайратдан лол қолади. У ерда турли ичимликлардан бўшаган сон-саноксиз шишалар тоғдай уюлиб ётар эди.

– Ахир мана бу шишаларни топшириб, пулига нон олсанг бўлмайдими?

– Э, бунақа ишга ҳафсалам йўқ? – дейди Рауф Парфи.

– Оҳ, – дейди Азиз ака куйиниб, – агар шу шишалар менда бўлсайди, сотиб, пулига бемалол уйланиб олардим.

Ёлгоннинг самараси

Дўрмонда яшаётганимизда Азиз ака шундай бир ибратли воқеани ҳикоя қилганди.

– Нима бало бўлди-ю икки забардаст олим – Тўхтасин Жалилов билан Эргаш Рўстамовнинг дўстлигига кўз тегади, – дейди Азиз ака. – Масала талашиб, тескари бўлиб қолишади.

– Эргаш Рўстамовми? – дейди Тўхтасин домла. – Ғирт саводсиз. Москвада шунча йил ўқиса ҳам ҳеч балони билмайди.

Эргаш ака ҳам ўз навбатида иддао қилиб қолади:

– Тўхтасин Жалиловми? Чаласавод бир бечора. На ўзбек адабиётини билади, на бошқа адабиётни.

“Шошма, – дедим ўзимга ўзим. – Уларни яраштириб қўёлмайманми?”

Шундан кейин қачонки Тўхтасин домла билан учрашиб қолсам:

– Эргаш Рўстамов сизни жуда ҳурмат қилар экан! – дейман.

– А? Ростданми? – дейдилар домла кўзлари чакнаб.

– Ҳа, – дейман гапларим беҳуда кетмаётганидан дадилланиб. – Яқинда бир зиёфатда Сизни одамларга роса мақтади. Тўхтасин аканинг илми тўртта профессордан ҳам зўр деб айтди.

Эргаш ака билан учрашиб қолганимда ҳам шунақа гап қиламан:

– Тўхтасин Жалилов Сизни жуда ҳурмат қилар экан. Бунақа зўр олим юз йилда ҳам дунёга келмайди деб айтди. Навоий ижодини, Навоий замонасини Эргаш Рўстамов даражасида биладиган одам йўқ деди.

Бунақа ёлгонларни кўп марта ишлатдим. Ниҳоят, улар ўз самарасини берди. Бир куни Эргаш ака билан кўчада кетаётсак рўпарамиздан Тўхтасин домла чиқиб қолди.

– Ие, Тўхтасин ака келяптиларку, – дея Эргаш ака кўлидаги калин китобни менга тутқазиб, домланинг истикболига югуриб кетди.

Тўхтасин ака ҳам у кишини кўрган ҳамоно кўлида тутаб турган сигаретни бир четга улоқтириб, илдам юриб қолди. Хуллас, кўз олдимда бир умр хотирамдан ўчмайдиган ғаройиб манзара пайдо бўлди. Икковлон бир-бирлари томон талпи-

ниб, кулоч очганча кучоклашиб, ўпишиб, худди узоқ йиллар кўришишмаган кадрдонлардек йиғлашиб, кечирим сўрашиб кўришдилар.

Ёлғонларимнинг самарасидан кувониб, беихтиёр менинг ҳам кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Болали экан

Азиз ака трамвайда кетаётган эди. Навбатдаги бекатлардан бирида қора кучукчасини худди чақалоқдек йўрғаклаб олган малласоч бир хоним чиқиб қолади. Азиз ака дарров ўрнидан туриб, жой бўшатади.

– Овора бўлманг, ўтираверинг, – дейди хоним.

– Ўтиринг, ўтиринг, Сиз болали экансиз, – дейди Азиз ака тагдор қилиб. Бу ҳазилни эшитиб турган йўловчилар кулиб юборишади. Аёлнинг ўзи ҳам уларга кўшилиб кулади.

Оқсоқолни таҳрир қилган

Оқсоқол шоир Уйғун бадихагўй эди. Бирор воқеа муносабати билан ўша ондаёқ икки ё тўрт сатр ҳазил шеър тўқиб юборадиган одати бор эди. Бир куни Андижонга кетаётган ёзувчи дўстларидан яқтак олиб келишни тайинлайди. Илтимосини шеърга солиб айтади:

*Андижон борганда дўстлар,
Келтиринг бир яқтак.
Ҳимматингизга ҳавола –
Хоҳ пулга, хоҳ так.*

Москвада таълим олиб, ўрисчани пухта ўзлаштирган Азиз ака бу тўртликни шундай таҳрир қилади:

*Андижон бориб, дўзья,
Привезите яқтак,
На Вашу совесть ҳавола –
Хоть за денги хоть так.*

Отасидан ҳам катта

Дўрмондаги бир даврада Азиз аканинг кулоғини қизитаётгандик. Унинг ғаройиб феъл-атвори, қувноқлиги, афандимижозлигини эшлашдик. Шунда устоз Эркин Воҳидов Азиз аканинг ғаройиб бир одатини гапириб қолди:

– Азиз ака дилкаш суҳбатдош эди. Ким ҳақида гап кетса, дарров “Э, у киши бизнинг укаҳонимиз бўлади” дегувчи эди. Бир куни Ғайратий домла Азиз ака ҳақида шундай дегани эсимда: “Агар жиддийроқ суриштирилса, Азиз отасидан икки ёш катта бўлиб чиқади”.

Зиғирдек экинг

Бир замонлар Азиз ака Дўрмондаги дала ҳовлисида таникли адабиётшунос олим Бегали Қосимов билан кўшни эди. Кунлардан бир кун олимнинг уйига меҳмонлар келишади. Даврада Азиз ака ҳам бор эди. Шинам дастурхон атрофида ширингина гурунглашиб ўтиришади. Зиғир ёғида қилинган мазали паловдан кейин зиғирнинг фойдаси ҳақида гап очилиб қолади. Ҳаммадан ҳар хил гап чиқади.

– Еримга зиғир эксаммикин? – дейди мезбон.

– Зиғир ҳар қандай ерда ҳам битавермайди, – дейди меҳмонлардан бири.

– Таваккал қилиб экиб кўрсам-чи? – Бегали ака меҳмонларга саволмуз юзланади.

Шунда Азиз ака сўз ўйини қилиб, ўзича мунозарага яқун ясайди:

– Зиғирни таваккал қилиб эқмоқчи бўлсангиз, кўп экиб ўтирманг. Аввалига, тажриба учун зиғирдек экинг.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ БИР КУН ...

Худойберди Тўхтабоев 1933 йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган. Ўрта Осиё университетининг филология факультетида (1950–1955) таълим олган. Унинг ижоди асосан 1958 йиллардан бошланган. “Шошқалоқ” номли ҳикоялар тўплами (1962), “Сир очилди” (1964), “Сехрли қалпоқча” (1965) қиссалари нашр этилган. Ёзувчининг “Сариқ девни миниб” (1969), “Сариқ девнинг ўлими” (1973), “Беш болали йигитча” (1975), “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар”, “Сехргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида” (1987) асарлари болаларнинг севимли китобларига айланган.



Адиб Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига сазовор бўлган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991).

Ғинг деса...

Худойберди Тўхтабоев дастлаб туғилиб ўсган қишлоғида бошланғич синфда дарс берган. Кунлардан бир кун мактабга комиссия келади. Худойберди ака дарсдан олдин болаларни огоҳлантиради:

– Тўполон қилмай, ғинг демай ўтиринглар, мени уялтирманглар!

Комиссия киргач, дарс бошланади. Муаллим ўқувчилардан:

– Қани болалар, ўтган дарсда нимани ўтувдик? – деб сўрайди.

Ҳамма жим, ҳеч кимдан садо чикмайди. Муаллим яна саволини такрорлайди. Яна жимлик. Шунда муаллим олдинги каторда ўтирган аълочи ўқувчидан сўрайди:

– Шерзод, қани ўрнингдан тур, айт-чи, ўтган дарсда нимани ўтгандик?

Аълочи миқ этмай тураверади.

– Гапирсанг-чи? Тилинг борми?

Шерзод индамай тилини бир қарич чиқариб кўрсатади. Болалар беихтиёр хохолаб кулишади. Хуллас, дарс бузилади.

Комиссия кетгач, муаллим болаларни қистовга олади:

– Мени шарманда қилдинглар-ку! Нахотки, ўтган дарсни ҳеч ким билмаса?

Болалар бараварига чувиллашади:

– Ахир ўзингиз “Ғинг демай ўтиринглар!” дедингиз-ку!

Ош тайёр бўлганда

Худойберди Тўхтабоевнинг болалиги урушнинг оғир йилларига тўғри келган. Бир куни кишлок радиосидан “Бугун янги йил байрами!” деган эълон янграйди. Онаси “Бугун байрам экан, ўзим сизларга би-ир ош дамлаб берай” дея овқатга уннай кетади. Ниҳоят, ош тайёр бўлай деганда ўчоқ бошига чиқиб қарашса, ош қозони билан йўқ! Ҳамма ҳар тарафга югургилаб қолади. Кимдир боғ томондан бир пой калиш топиб келади. “Вой, бу калиш қўшнимизники-ку!” дейди она калишни таниб. Етаклашиб қўшниникига чиқишади. Киришса, қўшнилар қозондаги ошни энди сузиб емоқчи бўлиб туришган экан. Ўша лаҳзада онанинг айтган гаплари бир умр болакайнинг эсида қолади.

– Уйимиз совук бўлгани учун, аслида, ошни сизларникида емоқчи эдик, – дейди она қўшниларни хижолат қилмай. – Яхши қилибсизлар. Қани ўтиринглар, ош совимасин.

Эчкидек мушук

Худойберди акани болалигида бир куни онаси қўшни кишлокда турадиган холасиникига мош олиб келиш учун юборади. Болакай кош қорайганда манзилга етиб боради. Жуда уятчан экан, оқшомда ёзилган дастурхонга қўл узатмайди. Қок ярим тунда очликдан уйқуси қочиб, нон солинган кутини очаётганда копқоғи тарақлаб тушиб кетади. Қўрқиб, деразадан ташқарига сакрайди. Орқасидан холасининг товушини эшитади: “Кишт, кишт! Ўзиям эчкидек мушук экан. Ҳа харом ўлгур!”

Боёкиш болакай қайта уйга киришга уялиб, оғилхонада тонг оттиради. Қуёш кўтарилмасдан кишлоғига қараб йўлга тушади.

Мажлисга ҳожат йўқ

Узоқ йиллар болалар матбуотида хизмат қилган Худойберди Тўхтабоев шўролар замонида бир мажлисга боради. Йиғилишда чорвачиликнинг оғир аҳволи, бу соҳадаги қолоқлик сабаблари муҳокама қилинади. Анжуман сўнгида мажлис ташкилотчиларидан бири сўзга чиқиб, ўша кунги йиғилишни ўтказиш учун қилинган сарф-харажатлар ҳақида ҳисобот бера бошлайди. Шунда Худойберди ака ёнида ўтирган одамга бундай дейди:

– Мана шу пулга бозордан бир кўра кўй сотиб олинса, бугунги мажлисга ҳам ҳожат бўлмас эди.

“Ҳушёрхонадан омон чиққани учун”

Ўтган асрнинг 80-йиллари ёзида Худойберди аканинг машҳур “Сарик девнинг ўлими” китобига мукофот берилиши муносабати билан адибни Литвага таклиф этишади. Каунасга чипта тополмаган ёзувчи ноилоҳ Ригага учади. У ерда чеклаб ёмғир ёғаётган экан. Меҳмонхонадан жой топилмайди. Ярим кечада сарсон бўлган адиб милиция хонасига бориб қолади. Тартиб посбонлари меҳмонга бир кеча минг кеча бўлмайди дея ҳушёрхонадан битта жой тайёрлаб беришади. Қоқ ярим тунда аранг кўзи илинган адиб “Бу алкашни нега ечинтирмадинг?” деган ҳайқириқдан уйғониб кетади. “Уни капитан олиб келди, ёзувчи эмиш” дейди милиция ходими. “Бу ерда ҳамма ёзувчи, қани уни тезда ечинтир!” дейди назоратчи. Ёзувчини ечинтириб, совуқ сувга пишишади.

Эртаси куни адиб ёзувчилар уюшмасига борганда иссиғи кўтарилиб, зўрға оёқда турарди. Тунги можарони эшитган мезбонлар хижолат бўлишади. Унга мукофотни топшираётган ёзувчи “Ҳушёрхонадан омон чиққани учун!” дея ҳазил қилади.

“Ух...лагингиз кепқолса...”

Кунларнинг бирида Худойберди ака янги “Волга” мошинасида шоир Анвар Обиджон билан Олтиариқдан Тошкентга қайтишаётганди. Ака янги мошинасини авайлаб, секинлик билан ҳайдар, ғилдирак аҳён-аҳён чуқурга тушиб кетса, “ух”, “оҳ” дея ачиниб кўяр эди.



Йўлнинг ярми ортида қолганда ҳамроҳига юзланиб, дейди:

– Кеч кирганда кўзларим хиралашиб, яхши кўролмайдим қоламан. Шунга, энди буёғига мошинани сиз ҳайдай қолинг.

– Майли, – дейди шоир рози бўлиб, фақат битта шартим бор.

– Қандай шарт экан?

– Мошина чуқурга тушганда “ух” демайсиз.

– Бўпти, розиман!

Шоир устоз билан ўрин алмашади. Мошина ҳам энди тезлигини оширади. Анваржон қанчалик хушёр бўлмасин, мошина гоҳо ўнқир-чўнқирга тушиб, силкиниб кўяр, шунда устознинг ичидан қиринди ўтиб, дами ичига тушиб кетар эди. Бир гал мошина қаттароқ чуқурга тушиб, қаттиқ дўқирлаганда устоз беихтиёр “ух!” дейди-ю ҳамроҳига берган ваъдаси эсига тушиб, “Ух...лагингиз келса айтинг, алмашволамиз!” дея гапнинг нишабини тўғрилаб юборади.

АНВАР ЭШОНОВ БИР КУН ...

Анвар Эшонов 1937 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1960 йили Тошкент давлат университетини битирган.

“Бир оғиз сўз” (1963), “Дутор” (1967), “Регистон” (1971), “Европада қолган қабрлар” (1975), “Йигирма миллион оқ кабутарлар” (1976) каби насрий китоблар, “Нон иси” (1977), “ Бу йўллар” (1982) деб номланган шеърий тўпламлар муаллифи.

Анвар Эшонов 1996 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.



Тўёна

Шоир ва носир Анвар Эшонов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) гапга чечан, ҳазилкаш, улфати одам эди. Мустақилликдан илгари бир куни у колхоз раисининг тўйида даврани роса қизитади. Ҳар гал ўртага чиққанида унга биттадан тўн ёпишади. Тўй таркаганда бундоқ қараса, тахланган тўнлар одам бўйига етиб қолибди.

– Энди гап бундоқ, раис бова, – дейди Анвар ака одати-ча кафтларини бир-бирига ишқалаб, – бу тўнларни кўтар-кўтар қилиб юрмайлик, яхшиси, ўзингизга сотиб қўя қоламиз.

– А?! – раис янглиш эшитдимми дея қайта сўрайди.

– Тошкентда ҳозир битта тўннинг баҳоси 30 сўм, майли, сиз 25 сўмдан бера қолинг. Қани, ош ейдиган қўлингизни беринг.

Раис ханг-манг бўлиб, ноилож қўлини узатади.

Дадиллик баҳоси

Анвар ака талабалик йилларидаёқ топқирлиги, ҳазилкашлиги ва шумликлари билан ҳам танилган эди.

Университетни битириши арафасида ҳарбий таълимдан имтиҳон бўлади. Бу фанга унчалик қизикмаган йигитлар имтиҳонга юрак ҳовучлаганча, кўрқиб-қалтираб келишади. Фақат Анвар акагина парвойи палак эмиш. Ичка-

ридан кўпчилик курсдошлари “йиқилиб” чиқаётган бўлса ҳам у хуштак чалиб, парво қилмай юраверади. Ҳатто “Мана кўрасизлар, шундоқ кираман-у икки дақиқада “беш” баҳо олиб чиқаман!” дея мақтаниб ҳам кўярмиш.

– Э, тушингни сувга айт. “Уч” ололсанг ҳам катта гап, – сабоқдошлари истехзо билан кулишади.

Ниҳоят, Анвар акани чақиришади. Шунда у бирдан сергак тортади, сўнг ғоз юриб, аскарчасига шахдам қадамлар билан имтиҳонхонага дадил кириб боради.

– Киришга рухсат беринг, ўртоқ полковник! – дейди тантанавор оҳангда, кўлини чеккасига тираб.

– Киринг.

– Курсант Эшонов имтиҳон топшириш учун ҳузурингизга келди! – талаба ўзича обдан машқ қилган санокли сўзларни рус тилида тутилмай айтади.

– Марҳамат, билет олинг! – дейди полковник курсантнинг дадиллигидан мамнун бўлиб.

Анвар ака иккиланмай, шартта билетни олади-ю тезда кўз югуртириб чиқади.

– Ўтириб тайёргарлик кўринг, – имтиҳон олувчи стулга ишора қилади.

– Вақтингизни олмасликка ижозат этинг, ўртоқ полковник! – дейди Анвар ака.

– Нима гап ўзи? – харбий домла тушунмай, кошларини чимиради.

– Тайёргарликнинг ҳожати йўқ, ўртоқ полковник!

– О, шундайми? Марҳамат, марҳамат! – полковник курсантни ўтирмасдан, тайёргарликсиз жавоб бермоқчи деб ўйлаб, мамнун бош ирғайди.

– Мен бу саволларга жавоб беролмайман, ўртоқ полковник!

– Унда... бошқа билет олинг! – ҳайрон қолган полковник ўзича мурувват кўрсатган бўлади.

– Фойдаси йўқ, ўртоқ полковник!

– Нега энди... фойдаси йўқ экан?

– Барибир билмайман, ўртоқ полковник! – Анвар ака заррача хижолат чекмай, ҳамон дадил-бурро жавоб берарди.

Полковник бир зум гарангсиб туриб қолади-ю ноилож уф тортиб:

– Майли, тўғри гапирганинг, ҳарбийча дадиллигинг учун! – дея Анвар аканинг имтиҳон варақасига “аъло” баҳо қўяди.

Газетасини... билмайди

Анвар ака шўролар даврида бир муддат вилоят газеталаридан бирида хизмат қилган эди. У истеъдодли, қалами ўткир журналист эди, аммо табиатан андак эрқароқ бўлгани учун кетма-кет қовун туширавериб, ахийри бош муҳаррирнинг сабр косасини тўлдиради.

– Бўлди, бас энди, иззатинг битди, ёз аризангни – ишдан бўшайсан! – дейди бош муҳаррир навбатдаги мажлисда.

– Бўпти, бир оғиз сўзингиз, хўжайин, – дейди Анвар ака пинагини бузмай ва столдаги қоғозни олдига суриб, ариза ёзишга чоғланаркан, ёнидаги ходимдан сўрайди: – Дарвоқе, газетасининг оти нимаиди?

Шоир эриси

Анвар ака республика радиосида ишлаб юрганида жуда кўп адибларнинг жонли овозлари ва асарларини ёзув тасмасига муҳрланиб қолишида жонбозлик қилган. Ўшанда радионинг адабиёт таҳририяти маданий-маънавий ҳаётда анча баланд нуфузга эга эди. Табиатан чапани ва серулфат Анвар ака турли қаламкашлар билан муомала-мулоқотни жойига қўйишда устаси фаранг бўлган. Айниқса, муаллифларнинг қалам ҳақларини муддатидан олдин ундириб беришда унга тенг келадиган муҳаррир йўқ эди. Хотинга айтмаса ҳам бўлаверадиган бундай мўмай пуллар гоҳо (радионинг қалам ҳақи барақали эди) “ювиш”га сарфланарди.

Шоир Юсуф Шомансур (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) радионинг фаол муаллифларидан эди. Кунлардан бир куни у асари ҳали эфир тўлқинларига тарқалиб улгурмасдан Анвар аканинг ёнига чопади. Муҳаррир бор маҳоратини ишга солиб, дўстининг қалам ҳақини ундиргач, икковлон ресторанга боришади. Йўл-йўлакай Анвар ака оғайнисидан юз сўм қарз сўрайди. Ҳозиргина юз эллик сўм қалам ҳақи олган шоир пулим йўқ деёлмайди.

Ресторанда Анвар ака ўта сахийлик билан буюртма беради. Бир зумда дастурхон турли ичимлик, нозу неъматларга тўлади. Кетма-кет кўтарилган қадаҳлардан кейин икковлон анча сархуш бўлиб қолишади. Бир маҳал Юсуф Шомансур чайқалиб, секин сўрайди:

– Анвар, дўстим, қани айт-чи, нега сен мендан пул қарз олиб, яна ўзимни меҳмон қиляпсан?

– Чунки сен ҳаммадан зўр шоирсан-да! – дейди Анвар ака ҳозиржавоблик билан ва дарров улфатининг бўшаб қолган қадахини тўлдириб кўяди.

– Ҳмм... ш-шундай дегин?! Унда қ-қарзимнинг ярмидан кечдим!

Шундай бўлишини олдиндан яхши билган Анвар ака яна мактовга зўр беради:

– Шеърларингда шира бор, боқса одам бўласан!

Ҳамду санолардан тамомила эриб кетган Юсуф ака энди гапга нукта қўяди:

– Анвар! Қарзимнинг ҳаммасидан кечдим!..

Чучвара билан ароқ

Кунлардан бир кун Анвар ака кўчада кескин танкидий мақолалари билан ҳамма ижодкорларни безор қилган танкидчини учратиб қолади.

– Ҳа, йўл бўлсин? Энди кимнинг бурнини қонатмоқчисиз?

– Индинга Ёзувчилар уюшмасидаги йиллик шеърят муҳокамасида маъруза қиламан, ўшанда кўрасиз, – дейди танкидчи.

– Ундай бўлса, маърузада мени ҳам бир оғиз тилга олиб қўйинг, кейинги вақтларда анча яхши чиқишлар қилдим. ўкигандирсиз.

– Ўқидим, аммо... – танкидчи бошини қашлаб чайналади.

– Нима аммо? Айтаверинг, – Анвар ака дангал сўрайди. Сўнг, соатига караб, кўшимча қилади. – Ҳозир айни тушлик пайти. Юринг ошхонага, чучвара олиб бераман.

– Чучвара яхшику-я, аммо...

– Яна аммоми? Ҳа, айтиш эсимдан чиқибди, чучвара ароқ билан яхши кетади. Кетдикми?

– Кетдик.

Ошхонада икковлон обдан улфатчилик қилишади.

Эртаси куни мажлисда Анвар ака энг олдинги қаторда ўтириб, маърузачининг оғзига тикилади. Аммо танқидчи ваъдасини унутиб, Анвар ака ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди.

Мажлис раиси муҳокамани яқунлаётиб залга мурожаат қилади:

– Хўш, мана, маърузани эшитдинглар. Саволлар борми?

Анвар ака қўл кўтариб, ўрнидан туради ва маърузачига қараб, ҳаммани лол қолдириб шундай дейди:

– Маърузани-ку эшитдик, аммо кечаги чучвара билан ароқ нима бўлди?..

Қайтимига қўшиб берган

Кунлардан бир кун ёзувчи Эркин Усмонов устоз Саид Аҳмаднинг уйига кетаётса, олдидан Анвар ака чиқиб қолади.

– Йўл бўлсин?

– Шу... устоз Саид Аҳмад акани йўқлаб қўймоқчиман.

– Жуда яхшида. Пулдан борми?

– Бор.

– Унда юр, бозордан харажат қиволайлик. Пулини ўзинг тўлайсан.

Бозордан тўртта патир, битта гулдаста олишади. Устознинг уйига яқинлашганда Анвар ака :

– Гулни менга бер, патирниям, – дейди.

Ичкарига киришганда Анвар ака устозга юзланиб, шундай ҳазил қилади:

– Мана, устоз, Сизга атаб бозордан шу арзимас нарсаларни олдим, қайтимига хизматингизни қилиб юрсин деб мана шу болани қўшиб беришди.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ БИР КУНИ...



Шукур Холмирзаев 1940 йил 24 мартда Сурхондарё вилояти, Бойсун туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991) Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган (1963) Дастлабки хикоя ва очерклари 1958 йилдан нашр этила бошлаган. “Оқ отли” (1962) “Тўлқинлар” (1963), “Ўн саккизга кирмаган ким бор” (1965) қиссалари, шунингдек ёзувчининг шу даврда ёзган хикоялари “Олис юлдузлар остида” (1971), “Ҳаёт абдий” (1974), “Оғир тош кўчса...” (1980), “Йўллар, йўлдошлар” (1984), “Бодом қишда гуллади” (1986), “Тоғларга қор тушди” (1987) сингари тўпламларидан ўрин олган.

“Сўнгги бекаат” (1976), “Қил кўприк” (1984), “Йўловчи” (1987), “Олабўжи” (1992), “Динозавр” (1-китоб, 1996) каби романлар муаллифи. “Қора камар” (1987), “Зиёфат” драмалари ҳам бор.

Ёзувчи 2005 йил 29 сентябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти (1989) ҳамда “Меҳнат шухрати” (1990) ордени билан тақдирланган.

Мустақиллик йиллари ёзувчининг адабиётга, ижодга садоқати бозор иқтисодиёти шароитида жиддий синовдан ўтди. Аксарият ижодкорлар янгича муҳитга мослаша олмай, мувозанатини йўқотди, тирикчилик ташвишларига кўмилиб, ўзида ортинолмай ижодни ҳам йиғиштириб қўйишди. Шукур Холмирзаев (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) эса ўзини, бутун ҳаёт тарзини адабиётга бахшида қилган, фидойи, заҳматқаш ёзувчи сифатида тарихда қолди. У Дўрмонда узок йиллар яшаб, ижод қилган адиблардан эди. Бу даргоҳга шу қадар ўрганиб қолган эдики мабодо бирон иш билан шаҳарга тушса, қоқ ярим тун бўлса ҳам қадрдон кулбасига қайтиб келарди.

Майли-да, энди...

Кунлардан бир кун Шукур Холмирзаев кўчада кетаётган экан, олдидан шоир, ёзувчи, беғубор инсон Омон Мухтор (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) чиқиб қолади. Салом-алиқдан

сўнг Омон ака қайсидир бир ёзувчининг янги чиққан асарини ўқидингизми, деб сўрайди.

– Йўқ! – дейди Шукур ака ҳамсухбатига жиддий тикилиб.

– Ўқинг, жуда зўр! – дейди Омон Мухтор.

Шукур ака пинак бузмай тураверади.

– Рост айтаяпман, яхши нарса экан.

Шукур ака яна вазоҳатини ўзгартирмайди.

– Балки унчалик зўр эмасдир, ҳарҳолда менга ёқди-да, – дейди Омон ака сал ўнғайсизланиб.

Ҳамсухбати эса ўша-ўша тап тортмай, юзига жиддий тикилиб тураверади.

– Ҳай, майли-да энди, Шукуржон! – дейди Омон ака “мурося”га ундаб.

Шукур ака шундагина “рол”дан чиқиб, кулиб юборади.

Бекорга мушук офтобга чиқмайди

Шукур аканинг уйига сурхондарёлик ҳамюрти каттакон папкада янги ёзилган романини кўтариб келиб, илтимос қилади:

– Шу қўлёмани ўқиб берсангиз, Шукуржон!

– Йўқ, ўқимайман! – дейди Шукур ака чўрт кесиб.

– Нега энди?

– Вақтим йўқ.

– Илтимос энди, хўп дея қолинг.

– Йўқ дедим – йўқ! Ахир бунингизни ўқишга нақ уч кун вақтим кетади. Бу ёқда яна тирикчилик дегандай...

– Хўш, бир кунда қанча топасиз ўзи?

– Билмасам энди...

– Бўпти, ҳақини бераман! – меҳмон чўнтагини сал пана килиб, пул чиқаради, пичирлаб санагач, секин стол тортмасига солиб қўяди.

– Мана, ҳар бир кунингизга ўн беш минг сўмдан! Бўладими? Ўзимга фақат йўлқира колди. Энди ўқиб чиқарсиз?!

– Ҳай майли, қўймадингиз-қўймадингиз-да! – дейди Шукур ака.

Шукур ака қўлёмани уч кун эмас, бир кечада варақлаб чиқади ва босишга яроқсизлиги ҳақида ўз фикрини ёзиб бера-

ди. Хуллас, роман босилмайди. Ҳамюрти эса ўша-ўша Шукур аканинг қайта бошини қотирмайди.

Қайтиш йўқ

Шукур ака ёзувчи Зоҳир Аълам (*Оллоҳ раҳмат қилсин*, билан нозикроқ бир жойга боришади. Кутилмаганда худди ошга пашша тушгандек даврада иккита хира барзанги пайдо бўлади-ю сурбетлик қилавериб, ҳаммани безор қилади. Ахийри Шукур аканинг тоқати тоқ бўлади, аста хезланиб ўрнидан туради.

– Энағарларни сўйворайми, Зоҳиржон!

– Сўйинг! – дейди Зоҳир ҳам тап тортмай.

– Ўлигини қаерга қўямиз? – дейди Шукур ака гўё шу муаммо хал бўлса, “энағарлар”ни ростдан ҳам сўйворадигандек.

Тилингдан ойнонай

Шукур ака кишлоқдан келган мухлисларини кўрганда яйраб кетарди. Бир куни унинг Дўрмондаги ижодхонасига Сайрамдан меҳмонлар келади. Яхшигина гурунг, ҳазил-мутойиб бўлади. Чимкент вилояти газетаси ходими, сайрамлик Ҳавазмат деган журналист ёзувчининг жиддий мухлиси эди.

– Шукур ака!– дейди у тўлқинланиб. – Асарларингизни бизнинг кишлоқда ҳам севиб ўқишади. Айрим китобларингиздан таъсирланиб, жилаб-жилаб ўқиганмиз.

Кишлоқ шевабини эшитган Шукур аканинг юраги тўликиб янада ийиб кетади. Шартта ўрнидан туриб, Ҳавазматнинг юз кўзларидан чўлп-чўлп ўпади.

– “Жилаб-жилаб” деган тилингдан ойнонай, жигарим Қани, ойтинглар, нима қилиб берай сизларга? Дўконга чиқиб келайми ё?!

Жамғармага ариза

Кунлардан бир кун Шукур ака адабиёт жамғармасининг ўша йиллардаги директори билан жиддий аразлашиб қолади. Оқибат – маълум муддат ўзи ўрганган Дўрмондаги ижод уйидан бадарға қилинади. Бундан у бағоят сикилади. Ўрганган

гўшасини соғинади. Орадан бир йил ўтиб, ахийри “афв” этилгач (бу “тарихий воқеа” алоҳида “нишонланади”), яна ўша кадрдон даргоҳга қайтиб келади. Озроқ яшагач, бундоқ ўйлаб қараса, бу ерда яшаш ҳақи анча қимматлашибди. Ижоддан бошқа иш кўлидан келмайдиган ёзувчи камхаржликдан қийналади. Топган пули ароқдан (афсуски, ёзувчи шу иллатдан бир умр қутулолмайди) ортмайди. Шукур ака ўйлай-ўйлай жамғарманинг янги директори, шоир Ҳамрокул Асқар номига ёрдам сўраб ариза ёзади. Ёзувчининг одатини яхши билган директор аризага шундай сархат битади:

“Ёзувчи Шукур Холмирзаевдан ичган кунларига тўлиқ, қолган кунлар учун эса имтиёзли ҳақ олинсин!..”

“Анави” топилмагач...

Кунлардан бир кун Шукур аканинг Дўрмондаги ижодхонасида ёзувчи Набижон Боқий, сурхондарёлик журналист Раҳим Фолькин (ўзи ўзбек, фамилияси шунақа – *Ш.О.*) учовлон гурунглашиб ўтиришганда афандимижоз шоир Азиз Абдураззок кириб қолади.

– Шукуржон, анавидан борми? – деб сўрайди Азиз ака.

– Ўлгир тугаб қолувди-я, афсус. Озгина кутиб турунг, ҳозир топамиз.

Иккинчи қаватдаги хоналардан бирида болалар адиби турарди. Раҳимжон ғизиллаб пастга тушиб, аканинг илтимосини айтади. Унгача сабри чидамаган Шукур ака ҳам ўзи тушиб келади. Адибдан ҳол-аҳвол сўрайди, соғлиқларини обдан сўраб-суриштиради.

– Сизга қойилман. Шу табаррук ёшдаям ғайрат билан ижод қиляпсиз. Сизга ҳавасим келади. Айтгандай, ҳалиги ўлгурдан борми? Азиз ака келувди меҳмон бўлиб. Шунга...

– Сал кеч қопсиз-да, Шукуржон. Бор эди, боя биттаси сўраб келувди, йўқ деёлмай бериб юборувдим, – дейди боёқиш отахон хижолат бўлиб.

Шунда Шукур аканинг бирдан вазоҳати ўзгаради. Ўйлаб ҳам ўтирмай адибга зуғум қила кетади:

– Сизга ўхшаган чоллар энди адабиётга керак эмас. Ўлиб кетавермайсизми? Энди ниманиям қойиллатардингиз.

Вахший ... шоир

Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида овқатланиб ўтирган эдик, гурунг асносида кимдир шундай деб қолди:

– Ҳиндистонда биз томонлардан бориб қолган бир шоир бор экан. Тахаллуси ҳам ғалати – “Урфий” эмиш. “Урф” дегани “модний” маъносида бўлса керак-да, қизиқ...

– Аслида кўпчилик туғилган юртини тахаллус қилиб олади, – деди яна кимдир. – Масалан, Хоразмий, Самарқандий Андижоний дегандек...

Шу тарзда гурунг давом этаётган эди, Шукур ака бирдан “пик” этиб кулиб юборди. Ҳаммамиз “ялт” этиб унга қарадик Шукур ака кулгининг сабабини изоҳлаб, шундай деди:

– Мабодо, Вахшлик одам шоир бўлиб қолса, тахаллуси.. Вахший бўларкан-да?

Шляпа

Шукур ака юрса-турса бошидан шляпасини олмас эди Шляпа бамисоли унинг имиджи эди. Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида овқатланаётганда ҳам шляпасини кийиб ўтирарди Бир куни овқат махали атокли ёзувчи Пиримқул Қодирон (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) Шукур акага танбеҳ беради:

– Овқат пайтида бош кийимни олиб қўйиш керак, Шукур-вой!

Шунда Шукур ака кутилмаганда тутоқиб кетади. Шартта бошидан шляпасини олиб, энгашганча тақир бошига шап - шап уриб иддао қилади:

– Мен калман, Пиримқул ака, билдингизми, калман!

Шляпа билан боғлиқ ҳангома бу билан тугамайди. Бир куни Шукур акани телекўрсатувга таклиф қилишади. Режиссёр, “Агар иложи бўлса шляпангизни олиб қўйсангиз” дейди Шукур ака “Иложи йўқ” дея кўрсатувдан воз кечиб, жўнаб қолади. У ҳатто сувда чўмилаётганда ҳам шляпасини ечмас эди. Бошқалар сувда бошини кўтариб сузса, у кўкрагини сувдан чиқариб, бошини ғоз кўтарганча сузарди

Шляпа билан боғлиқ яна бир воқеани Шукур аканинг битта уйда истикомат қилган кўшниси, таниқли шоир Александр Файнберг шундай хикоя қилганди:

– Бир куни ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғига чет эллик сайёҳлар келиб қолишади. Шукур боғда бошланг айланиб, устма-уст чекиб, демакки бир нимани хаёлида пиштиб юрган экан. Йўлбошловчи сайёҳларга :”Танишинглар, бу киши бизнинг машҳур ёзувчимиз, Хемингуэйга ўхшаб ёзади” деган эди, улар қизиқиб қолишади. Биттаси Шукурнинг ёнига келиб, бир нималарни сўраган бўлди. Шукур довдираб қолди, бошида шляпаси йўқ, гапи қовушмайди. Кейин у уч қаватли бино деразаларидан бирига қараб : “Ҳой, ким бор, шляпамни олиб тушиб беринглар!” деди. Олиб тушиб беришди. Шукур кийлавериб унниқиб кетган шляпани бошига шошилмай кўндирар экан, бирданига: “Нима, мени бекорчи деб ўйлаяпсанларми? Йўлларингдан қолманглар, боринглар!” деб қолса бўладими?

Шукур акани шляпасиз, сигаретсиз, ароқсиз, машинкасиз тасаввур этиш кийин эди.

Хурмо бўлмаганда

Кунлардан бир кун Шукур аканинг Дўрмондаги боғига журналист мухлислари – Бахтиёр Олломурад билан Эгам Дўст йўқлаб келишади. Дастурхонга меҳмонлар олиб келган хурмо ҳам қўйилади. Йигитларнинг қорни оч эканми, мезбон чой-пой қўйгунча хурмони паққос еб битиришади, ҳатто мезбонга бир дона ҳам қолдиришмайди.

Шукур ака хурмодан бўшаб қолган идишга қараб туриб шундай гап қотади:

– Яхшиям хурмо олиб келибсизлар, акс ҳолда мениям еб кўярдинглар!..

“Намунча ақлсиз”

Хумсондаги дала ҳовлимда бир гуруҳ шоир, ёзувчи дўстлар билан гурунглашиб ўтирувдик. Зукко олим, таникли публицист Зухриддин Исомиддиновнинг (биз – жўралар уни эъзозлаб, донишманд деб атардик) “Тафаккур” журналида босилган суҳбатини биримиз олиб, биримиз қўйиб дегандек роса мактадик. Суҳбат менга ҳам маъқул бўлувди, аммо сал бошқачарок, бир оз ҳазиломуз муносабат билдиргим келди.

– Зухриддин, – дедим, – ўша сизнинг суҳбатингиз тугаган саҳифадан кейин каминанинг Шукур Холмирзаев билан қилган суҳбатимга (*шахсий архивимда қолган суҳбат эди – Ш.О.*) кўзингиз тушгандир. Мабодо Шукур ака ҳозир ҳаёт бўлиб, Сизнинг ўша суҳбатингизни ўқиганда нима дер эди, биласизми?

– Йўқ, билмайман, – деди Зухриддин саволимдан андак таажжубланиб.

– Раҳматли Шукур ака “Намунча ақлсиз!” деган бўларди.

Жўралар бу гапимга жилмайиб қўйишди. Дарҳақиқат, Шукур ака даврада ўзига маъқул, жўялироқ бир гапни эшитса, шундай лутф қиладиган одати бор эди. Бунақа ғаройиб кочирир фақат Шукур акага хос эди. У бу гапни мутлақо киноясиз, самимий, беозор бир оҳангда (адибда катта артистлик истеъдоди ҳам бор эди-да!) айтар эдики, даврадагилар бундай ҳазилдан беихтиёр завқланиб кетарди.

ЖАМОЛ КАМОЛ БИР КУНИ...

Жамол Камол 1938 йил 26 апрелда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Чикарон қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1992). Бухоро педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган (1959). Дастлабки шеърӣ тўплами – “Олам кирар юрагимга” (1968). “Чўққиларга ёғилди ёғду” (1971), “Тош туғён” (1973), “Ҳасан ва ой” (1974), “Қуёш чашмаси” (1975), “Достонлар” (1978), “Тафаккур” (1979), “Қадах” (1980), “Сувайдо” (1983), “Умидли дунё” (1988) каби



шеърӣ китоблар муаллифи. Жалолиддин Румийнинг “Маънавий”си, Ибн Сино, В. Шекспир, Буало, А.С. Пушкин каби жаҳон адабиёти сиймоларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Шекспир ўзи келсин

Кунлардан бир кун Жамол Камол Шекспирнинг бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилган уч томлик асарларидан ўттиз донасини бир институтга олиб боради. Ректорга учрашиб, китоблар сотиб олинса талабалар учун фойдали бўлишини тушунтиради. Ректор молиявий ишлар билан шуғулланувчи проректорга юборади. У шоирнинг олдида юқорига телефон қилиб, ким биландир маслахатлашади:

– Жамол Камол деган шоир китобини олиб келган экан, шуни сотиб олишимиз мумкинми?

– Қизиқ, сиз Жамол Камолнинг китоби дедингиз, – дейди шоир проректорга юзланиб. – Бу – менинг эмас, Шекспирнинг китоблари!

– Ундай бўлса, Шекспирнинг ўзи келсин! – дейди саводи ғовлаб кетган проректор.

Жамол Камол худди канотли туя кўргандек проректорга ханг-манг бўлиб тикилиб қолади.

– Шекспир жуда узоқда – Лондонда туради, етиб келолмасанг керак.

– Барибир ўзи келмаса бўлмайди, бизда тартиб шунақа!

– Шекспирни қабридан турғазининг иложи бўлармикин? – шоир проректорни калака қилар, аммо у кесатикни тугунмас эди.

– Нима, у одам... ўлганми?

– Ҳа, бундан кўп асрлар илгари ўлиб кетган.

Энди проректор ханг-манг бўлиб қолади.

Синовчи ичувчилар

Жамол Камол Туркия сафаридан қайтгач, дўстлари уйига йўқлаб келишади. Дастурхонга турли нозу неъматлар қатори турк ароғи – “Рақи”дан ҳам қўйилади. Меҳмонлар маза қилиб кайф қилишади.

Кунлар ўтган сайин хорижий ичимликнинг таърифи оғиздан-оғизга ўтаверади. Келадиган меҳмонлар мезбоннинг яқин, дилтортар оғайнилари эмасми, ҳадлари сиғиб, бемалол ўша – “мозор босиб келгани”дан сўрайверишади. Ахийри “табаррук” ароқ ҳам тугайди. Аммо меҳмонларнинг кети узилмайди. Жамол ака ўйлай-ўйлай йўлини топади: турк ароғининг бўшаган шишасига ўрис ароғидан қуйиб, навбатдаги меҳмонларни сийлайверади. Хорижий ичимликнинг бежирим идишига маҳлиё бўлган меҳмонлар биринчи қадахдан кейиноқ бошларини сархуш чайқаб, захри қотилни мактай бошлайдилар:

– Оҳ, оҳ, оҳ, мана бу энди бошқа гап!

– Бу сенга ўрис ароғи эмас!

– Ҳа энди, хориж – хориж-да!

Қалтис тажриба натижасида мамнун бўлиб ўтирган Жамол ака меҳмонларга илтифот кўрсатиб, қочирим қилади:

– Фаҳму фаросатингизга койилман, дўстларим! Ҳаммангиз ароқ заводиди бемалол синовчи ичувчи бўлиб ишласангиз бўлар экан!

Мушукми ёки пишакми?

Жамол Камол тил ва адабиёт институтида ишлаб юрганида бир куни ҳамкасблари билан бекатда автобус кутиб турган эди, шу маҳал йўлдан каттакон қора мушук ўтиб қолади.

– Сизларда ана бу махлуқни нима дейишади? – Жамол ака андижонлик ҳамкасбидан сўрайди.

– Бизда уни “мишиқ” дейишади.

– Сизларда-чи? – шоир тошкентликка юзланади.

– Бизда “мушув” дейишади.

– Ҳар иккиси ҳам нотўғри! – дейди Жамол ака.

– Хўш, Бухорои шарифда нима дейишади? – ҳамкасблар Жамол аканинг ўзини сўроққа тутишади.

– Бизда “пишак” дейилади.

– Бунинг нимаси тўғри экан?

– Хўш, қани энди ўзинглар айтинглар-чи, мушукни нима деб чақирасизлар?

– “Пиш-пиш”, деб чақирамиз!

– “Пиш-пиш” бўлса, демак, оти ҳам “пишак”-да!

МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ БИР КУНИ...¹



Мухтор Худойкулов 1937 йили Фаргона вилояти, Риштон туманидаги Жалоир кишлоғида туғилган. 1959 йили Тошкент давлат университети (Ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетини тугатган. Филология фанлари доктори, профессор. “Ривоятлар ва ҳикоятлар”, “Габрово латифалари ва хангомалари”, “Кўз бўлмаса пешона”, “Гапни гапир уққанга”, “Фил билан пашша”, “Дадам хақида ҳикоялар”, “Киракашнинг кироий хангомалари”, “Меҳмон ови”, “Тонгдаги чирок” каби кўплаб шеърӣ, насрий китоблар муаллифи. Асарлари бошқа тилларга таржима қилинган. Конфуций, Эзоп, С.Михалков асарларини ўзбек тилига ўгирган.

Пул жигардан бўлган

Сермахсул ижодкор, масалчи шоир, ҳикоянавис, таржимон, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети профессори, кўпгина қаламкашларнинг устози Мухтор Худойкулов жуда меҳнатқаш, тиниб-тинчимас, ҳаётсевар, хушчақчақ инсон. Домла ҳаёти давомида кўпгина кизик, ғаройиб, ибратли воқеаларга гувоҳ бўлган.

Кунлардан бир кун домла шогирди Анвар Абдувалиев ҳамроҳлигида Болгарияга саёҳатга боришади. Варна бозорида чикиб, долларни булғор пулига алмаштирмакчи бўлишади. Гарчи ўзлари яшаб турган меҳмонхонада ҳам бу ишни бемалол амалга ошириш мумкин бўлса-да, бозорни маъқул кўришади. Аммо бозорда кутилмаган воқеа рўй беради. Домла пулини алмаштирмакчи бўлган лўлибашара бир кимса пулнинг ярмини бермасдан қочворади. Мухтор ака уни тиркиратиб кува келтади. Учинчи муюлишдан ўтиб, тўртинчисига етганда домла лўлини кувиб етиб, пулини қайтариб олади. Орадан кўп ўтмай Анваржон ҳам ҳаллослаб орқасидан етиб келади.

¹ Мухтор Худойкуловнинг айрим китоблари ва ўзи тақдим этган қўлёзмасидан муаллифнинг розилиги билан қисман фойдаланилди. – Ш.О.

– Домла, ёшлигингизда чемпион бўлганмисиз, шунча югурман – сира етолмайман, – дейди у ҳарсиллаб.

– Э-э, Анваржон, бу пул ўлгур жигардан бўлган, одамни чемпионгина эмас, ҳар бало қилади, – жавоб қилади устоз.

Ўзини ҳам аямади

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Мухтор Худойкулов Завқийнинг “Ҳажви аҳли раста” асарига ўхшатиб “Ҳажви аҳли қалам” деган ҳажвий шеър ёзиб, бирваракайига етмишта шоирни ҳажв қилади. Танқид, ҳажв кимга ёқибди дейсиз.

Завқийнинг “қаҳрамонлари” шоирга тиш қайраб, зуғум қилишгани тарихдан маълум. Табиатан одамохун, юмшоқ-кўнгил бўлган муаллиф ўйлай-ўйлай шоир дўстларининг иддаоларидан қутулиш учун антиқа бир чора топади. Ўша шеърда ўзини ҳам ҳажв қилиб ўтади:

*Ҳамма қатори ҳажв этай ўзни,
Қолмади аниқ ижодда пакка.
Бир томонда шеър, бир томонда илм,
Қолдим аросат йўргаламакка.*

Бир қизни бахтли қилган масал

Мухтор аканинг “Денгиз ва дарё” деган масали бор. Дарё денгизга шундай дейди:

– Опажон, мунча шўрлаб кетибсиз, ахир илгари мендақа чучук сувли эдингиз-ку?

– Пешонам шўр экан, сингилжон, ўтириб қолдим, – деб жавоб қилади Денгиз.

Масалда ҳаётда гоҳ-гоҳ учрайдиган ҳолат – турмушга чиқолмай “ўтириб” қолган қизларга енгилгина шама қилинган, холос. Бир куни домла ишлайдиган журналистика факультетига “8 март” – хотин-қизлар байрамига бағишланган йиғилиш бўлади. Унда қатнашган домла ўша масалини ўқиб беради. Шунда факультетда ишлайдиган, ёши анчага бориб қолган бўлса-да, ҳали турмушга чиқолмаган бир ўқитувчи қиз масални эшитиб, йиғлаб юборади ва ўрнидан туриб кетади. Буни кўрган факультет декани Анвар Шомаксудов “Байрамда ҳам

шунақа масал ўқиладими, қизимизни хафа қилиб қўйдингиз-ку!” дея Мухтор акани койийди. Домла, “Ахир масал аниқ бир кишига қаратилмаган-ку, мен бу қизнинг ўзига олишини қайдан билай?” дейди хижолатомуз.

Орадан кўп ўтмай ўша қизнинг тўйи бўлади. Маълум бўлишича, қиз масални эшитгандан кейин уйига келиб, иккиланиб рози бўлмаётган совчиларга “Майли!” деб юборади. Тўйдан кейин кўп ўтмай фарзандли бўлади. Бир куни у Мухтор акани учратиб, “Домла, олдин сиздан хафа бўлувдим, кейин шу масал туфайли бир қарорга келиб, турмушга чиқдим, қисқаси, бу масалингиз мени бахтли қилди, раҳмат сизга” дея миннатдорчилик билдиради.

“Ҳа, менинг битта масалим бир қизни бахтли қилган, қани, қайси зўр лирик шоир бунга эришолган?” дейди масалчи ўзидан мамнун бўлиб.

Бошбармоқ нима депти?

Мухтор ака шўро замони Сурхондарёга борганида учрашувларда “Бармоқлар баҳси” деган ҳазил масалини бир-икки жойда ўқийди. Унда Бошбармоқ “Бошлиқликка бошлиқман-у, лекин кўл остимдагиларнинг кўпчилиги мендан юқорирок, шунини сездирмаслик учун ўзимни сал четга олиб юраман” дейди. Кўрсаткич бармоқ эса: “Бошлиққа энг яқини менман, баъзи бир (яъни пул маъносида) ишлар иккаламизнинг ўртамизда ҳал бўлади” дейди. Хуллас, бошлиқларга сал-пал тегиб кетадиган шунчаки ҳазил гаплар...

Навбатдаги бир учрашувда катта залга кўп одам йиғилади. Колхоз раиси кечикиброк келади. Мухтор ака минбарда ҳалиги раиснинг келасолиб ёнидагилардан “Анов шоир бармоқлар ҳақидаги масалини ўқидими-йўқми?” дея унга ишора қилиб сўраганини эшитиб қолади. Демак, раис бу масалнинг “таърифи”ни нариги колхоз раисидан эшитган, ҳадиги бежиз эмас...

Қарангки, беозоргина бир масал мўлжалга тўппа-тўғри теккан эди. Бундан илҳомланган Мухтор ака ўша масални завқ билан, баланд овозда яна ўқийди.

Андижонда сумалак мавсуми

Мухтор акани эрта баҳорда Андижонга ижодий учрашувларга таклиф этишади. Ёзувчилар идорасининг вилоят бўлими раҳбари Олимжон Холдор адибни кутиб олади, сўнг қаергадир телефон қилади, “Меҳмонга чой-пой...” дея тайинлайди. Кейин шаҳардаги бир техникумда учрашув бўлади. Учрашув олдидан бир пиёла чойга чорлашади, дастурхонга сумалак тортилади.

– Қани меҳмон, сумалакдан олинг...

Сумалак – баҳорнинг тансиқ таоми, табаррук неъмат. Уни тановул қилиш савоб. Аммо меҳмон деган ҳадеб нон майдалаб сумалак пиёласига чўзилавериши ҳам ноқулай. Сумалакдан бир-икки тотинишгач, учрашув бошланади. Учрашув жуда қизиқарли ўтади, савол-жавоблар билан тадбир чошгоҳгача чўзилади. Мезбон Олимжон аканинг нимадандир кўнгли тўлмайди. Тошкентдан келган шоирни тузукроқ меҳмон киллолмаганидан хижолат бўлиб, шофёрига “Фалон колхозга ҳайда!” деб буюради. Бирон соатлар йўл юриб, ўша колхозга етиб келишади. Дастурхон ёзилади, унда яна ўша тансиқ таом – сумалак...

– Қани, меҳмон, қайнонангиз яхши кўрар экан, сумалакнинг устидан чиқдингиз, олинг, олинг...

– Ҳа, водийга сумалак пайтида келганга нима етсин, – дейди Мухтор ака ва нон ушатиб, “бисмилло” деб сумалакка чўзилади. Олимжон ака – нозиктаъб шоир ўтирган жойида бир тўлғониб кўяди.

Учрашувдан кейин Мухтор акани идоранинг орқасидаги бокқа таклиф этишади. Кираверишда қоровул обдастадан қўлга сув қуймоқчи бўлганда Мухтор ака тагдор қилиб гап котади:

– Мабодо яна сумалакхўрлик бўладиган бўлса, кўлим ювилган.

Хайриятки, бу сафар дастурхонга паловхонтўра тортилади.

Афандининг хотини сузган ош

Мухтор ака Андижонга бошқа сафар борганида бир билим юртида учрашув бўлади. Унда Тошкентдан келган таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ва бошқа олимлар ҳам қатнашади. Ҳар ким ўз мавзуси бўйича чиқишлар қилади.

Мухтор ака ҳам ўз навбатида кулгили асарларидан ўқиб беради. Шу билим юртида ишлайдиган барваста киши ҳам сўз олиб, меҳмонларга миннатдорчилик билдиради. Кейин Мухтор аканинг кулгили чиқишига жўр бўлгиси келиб, томдан тара-ша тушгандек Афанди ҳақидаги бир латифани айта бошлайди. Эмишки, Афанди уйида ош дамланаётганда хотини билан уришиб қолади. “Сен пиширган ошни емайман!” дея аразлаб уйдан чикиб кетади. Аммо ошдан кўнгил узолмай, томга чикиб, мўридан мўралаб тураверади. Хотин болаларга ошни сузаётиб ярим коса ошни бир четга оларкан, “Мана бу даданг ўлгурга!” деган экан, Афанди томдан туриб “Мен-ку бу ошингни емайман-а, аммо бу ош кимга бўлса ҳам оз!” дебди.

Меҳмонлар ҳурмат юзасидан сал илжайиб қўйишади. Кейин ўша барваста киши меҳмонларни шу ердаги ошхонанинг алоҳида бир хонасига бошлайди. Дастурхонга кичкина ликобчаларда ярмидан ҳам озроқ сузилган, аллақачон со-вуб қолган ош келтирилади. Шунда Мухтор ака ёнида энсаси котиброк ўтирган устоз Озод аканинг қулоғига энгашиб, шундай шивирлайди :

– Бу ҳалиги Афандининг хотини сузган ош бўлса керак!

Бемаҳал йўтал

Мухтор ака Сурхондарё тарафларга учрашувга борганиди бошқа асарлари катори “Илтимос” деган бир ҳажвий шеърини ҳам ўқийди. Олий мактабларга ўқишга кириш пайтидаги турли “илтимос”лару, таниш-билишчиликлар ҳажв қилинади бў-шеърда. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Ассалом... – Ваалайкум... – Бормисиз,
Мен ахир эски қадрдон Эшнӣз...*

Шеър шу ерга келганда учрашувни олиб бораётган райо мутасаддиларидан бири каттик йўталиб қўяди. Кейинги учра-шув олдидан ҳалиги одам шоирга:

– Илтимос, “Илтимос” деган шеърингизни ўқимасангиз, дейди.

– Нега? – Мухтор ака хайрон бўлади.

– Шеърингизда “Эшнӣз” деган жойи бор экан...

– Ҳўш, нима бўпти?

– Гап шундаки, каттамизнинг исмиям Эшниёз...

Мухтор ака индамайди, кейинги учрашувда ҳам беихтиёр ўша шеърини ўқий бошлайди. Шеърнинг ўша жойига келганда қаттиқ йўталишга чоғланаётган ҳалиги одамга бир қараб кўйиб, “Мен ахир эски кадрдон... Тошниёз” дея ўқиб кетаверади.

Ўлимдан сақлаб қолган габровоча латифа

Мухтор ака Болгарияга борганда тоби қочиб, ўт пуфағини жарроҳлик йўли билан олдириш лозим бўлиб қолади. Уни жарроҳлик столига ётқизишиб, энди беҳуш қиладиган дори хидлатмоқчи бўлишганда ҳажвчи адиб “Шошманглар, сизларга битта латифа айтиб бераман” дейди. Жарроҳлар “Майли, айтақолинг, одам ёриш пайтида беморлардан сира латифа эшитмовдик” дейишади. Мухтор ака уларга шундай латифа айтиб беради. “Жарроҳлар бир габроволикнинг қорнини ёрмоқчи бўлишади. Унга энди ухлатадиган дори хидлатмоқчи бўлишганда бемор бирдан: “Шошманглар” дейди-ю, чўнтагидан пулини олиб санай бошлабди. Жарроҳ хижолат бўлиб: “Э-э, нима қияпсиз, ҳожати йўқ, ҳозир керак эмас...” дейди. Шунда габроволик бамайлихотир жавоб беради: “Йўқ, сизга эмас, ухлаб қолсам камайиб-нетиб қолмасин, деб санаб кўйяпман” дермиш.

Жарроҳлару ҳамширалар латифани эшитиб “Пик-пик” кулишади. Ногоҳ улар Мухтор аканинг билагидаги соатни кўриб қолишади. Соатни ечиб кўйишганда Мухтор ака дўхтирларга “Менинг соатим ноёб соат, йўқолиб қолмасин” деб тайинлайди. Кейин наркоз элитади. Орадан бир неча соат ўтгач, жонлантириш хонасида зўрға ўзига келиб, бирдан соати эсига тушади. “Ҳамшира, менинг соатим қани?” деб сўрайди аранг овози чиқиб. “Хавотир олманг, соатингиз жойида турибди” дейишади. Аммо беморнинг кўнгли тўлмай, яна соатини сўрайди. Шунда ҳамшираларнинг бошлиғи ёнидаги шеригига буюради: “Бу беморнинг соатини бер, бўлмаса тинчимайди шекилли”. Ҳамшира соатни Мухтор аканинг қўлига тақиб қўяркан, шундай дейди: “Беморларнинг бирон нарсасини олиб кўйиш керак экан, шунда улар тезроқ ўзига келаркан!”

Габроволикдан қолишмайди

Мухтор ака Гаровога борганда собиқ Иттифокдан келган ёзувчиларга Доғистон халқ шоираси Фазу Алиева раҳбарлик қилган. У хушчакчак, тоғликларга хос шаддод аёл экан. Кунлардан бир кун улар дўконларни айланишади. Фазу Алиева харид қилган нарсаларни Мухтор ака жентельменлик қилиб, кўтариб юради. Қайтишда опа кўча тарозисида ўзини торттирмоқчи бўлиб, тарозибонга ўн стотинка(тийин) беради. Тарози ҳақи беш стотинка экан, тарозибон қайтим бергиси келмай, тайсаллаб, Мухтор акага “Сен ҳам чиқа қол” дея ишора қилади. Мухтор ака ноилож қўлидаги юкларни Фазу хонимга тутказиб, тарозига чиқади. Қайтиб тушса, Фазу Алиева “Вой сен-ей, менга кўшиб ўзингни ҳам торттирдинг-а, габроволикдан ҳам қолишмайсан!” дея қотиб-қотиб кулади. Мухтор ака ҳам бўш келмай, хонимга шундай жавоб қилади: “Мен Фазу Алиева билан тарозида бирга тортилганмиз, деб эслаб юриш учун атайлаб шундай қилдим!”..

Махсус топшириқ

Бозор иқтисодиёти ҳамма учун бир синов бўлади. Уддалай олганлар тадбиркорликка қўл урадилар. Мухтор ака ҳам ўз ҳовлисида меҳмонхона очади. Меҳмонхонага меҳмон керак, уни топиш учун шаҳар меҳмонхонасининг олдига чиқиш лозим. Мухтор ака ҳам ҳар куни ишдан кейин меҳмонхона олдида турадиган бўлади. Аммо бу ердан унинг таниш-билишлари тез-тез ўтиб туришаркан. Бир ҳамкасби кўриб қолиб сўрайди:

– Бу ерда нима қилиб турибсиз?

– Бир меҳмон келган экан, шуни кўришим керак, – чайнализброк жавоб қилади Мухтор ака.

Бир неча кундан кейин ҳалиги таниши яна кўриб қолади:

– Қачон қарасам шу ердасиз?

– Менми?.. – дебди Мухтор ака атрофга аланглаб, кейин шляпасини пешонасига бостириброк кийиб, ҳалиги одамга шипшийди: – Махсус топширикни бажаряпман...

Орадан кунлар ўтгач, яна бошқа бир ҳамкасби кўриб қолиб, бу ерда нима қилиб юрганини сўрайди. Бу сафар Мухтор ака таваккалига жавоб қилади:

– Бир китоб ёзямман, шунга материал тўплаб юрибман.

Қарангки, таваккал жавобнинг охири тўғри бўлиб чиқади. Мухтор ака шу кўрган-кузатганлари тўғрисида ёзган “Меҳмон ови” деган хангома қиссаси “Даракчи” газетасида, кейин “Шарқ юлдузи” журналида босилиб, китобхонларга манзур бўлади.

Трактор сотилмайди

Мухтор ака меҳмонхона бизнеси билан астойдил шуғулланиб юрганда унинг меҳмонхонасига гоҳо фирромроқ мижозлар ҳам келиб қоларди. Бир куни бу ерга келган бир меҳмон иккинчисини “Трактор сотаман” дея алдаб, каттагина пулини олиб жуфтакни ростлайди. Бу товламачилик уларникида юз бергани учун Мухтор ака анча ташвиш чекади. Кейин меҳмонхонасининг пештоқига катта қилиб : “Бу ерда трактор сотилмайди” деб ёздириб қўяди.

Радио орқали ўғри ушлаш

Мухтор аканинг меҳмонхонасига ёшгина бир бола келиб, уларнинг кўзларини шамғалат қилиб ўғлининг яп-янги тери куртқасини ўғирлаб кетади. Ўғрининг ҳужжатлари бўлмағанидан уни ахтариб топиш ҳам мушкул эди. Шунда Мухтор ака республика радиосининг “Оқшом тўлқинлари” дастури орқали чиқиш қилиб, ҳалиги ўғрига мурожаат қилади. Ўғрини бу ёмон йўлдан қайтаришга ундар экан, шундай дейди: “Биламан, сен радио эшитмайсан, аммо умид қиламанки, сенинг отанг, онанг, бирор яқининг бу сўзларимни эшитиб қолишлари мумкин”.

Дарҳақиқат, орадан уч-тўрт кун ўтмай бир одам йўқлаб келади. “Домла, мен Наманганнинг Норин туманидан келдим, радиода айтган гапларингизни эшитдим, ўғлим бу номаъқулчиликни бир қилибди, энди такрорламасликка сўз берди, бизни кечиринг” деб, куртқани ташлаб кетади.

Бир профессор ва икки генерал

Мухтор ака “Тирикчиликнинг айби йўқ” дея дарсдан бўш вақтларида шахсий мошинасида киракашлик ҳам қиларди. Бир куни домла дарсдан қайтаётса, икки басавлат йўловчи мошинасига қўл кўтаришади. Тўхтади. Йўловчилар катта бир идоранинг олдига олиб бориб қўйишини сўрашади. Мухтор ака айтилган жойга олиб борса, халиги йўловчилар мошинани дарвозадан ичкарига ҳайдашини айтишади.

– У ёққа мумкин эмас, мана белги турибди, – Мухтор ака рўпарадаги қизил чизиққа ишора қилади.

– Қўрқманг, мошинангизда иккита генерал ўтирибди, – йўловчилардан бири домланинг елкасига қўл ташлаб тасалли беради.

– Сизларниям профессор олиб келди, – Мухтор ака ҳам бўш келмайди, кулимсираб жавоб қилади. – Худди Салтиков – Шчедриннинг “Бир мужик икки генерални боққани” деган хикоясига ўхшаб кетди.

Ошкор бўлган сир

Кунлардан бир кун Мухтор аканинг мошинасида бир жойга кетаётгандик. Бекатлардан бирида йўловчи мошинага қўл кўтарди. Мухтор ака мошинасини беихтиёр секинлатди-ю, менга қараб-қараб қўйгач, тўхтамай юриб кетди. Кейин ўз ўзига шундай деди:

– Мабодо тўхтаб, сени олсам, ёнимда Шодмон Отабек ўтирибди, домла киракашлик қиларкан деб, “Дўрмон хангомалари” китобига ёзвориши мумкин.

– Э нималар деяпсиз, домла, – дедим кулимсираб. – Ўзингиз “Киракашлик кирои хангомалари” деган китобингизда қандай киракашлик қилганингизни аллақачон ошкор қилиб қўйгансиз-ку! (Ўша китобга ўзим такриз ҳам ёзгандим)

– Э-э, дарвоқе, тўғри айтасиз, – деди домла ҳам қулиб.

МАҲКАМ МАҲМУДОВ БИР КУНИ...

Маҳкам Маҳмудов 1940 йили Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган. Филология фанлари номзоди (1972). Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган (1962). Мақола ва такризлари 1960 йиллардан матбуотда чоп этила бошлаган.



“Иброҳим Раҳим” (Б.Маҳмудов билан ҳамкорликда), “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Мангу куй излаб”, “Ҳайрат ва тафаккур”, “Ахли дил”, “Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг маърифат мактаби” каби кўплаб китоблар муаллифидир. Асарлари бошқа тилларга таржима қилинган. Арасту, Ибн Сино, Форобий, Замахшарий, Белинский, Чернишевский, Ж.Ж.Руссо, С.Цвейг, О Уайльд, О. Бальзак, А.Шопенгауэр, Г.Андерсен, Жуброн Халил, Л.Борхес асарларини ўзбек тилига таржима қилган, уларга изох ва шарҳлар ёзган. М.Маҳмудовнинг эстетика ва нотикликка доир асарлари ҳам чоп этилган. “Эл-юрт ҳурмати” (1998) ордени билан тақдирланган.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний қизиқиш доираси кенг, заҳматқаш олим ва ёзувчи. Илмий тадқиқотлар катори тарихий асарлар ва фантастик ҳикоялар ҳам ёзган. Унинг афандинамолиги, паришонхотирлиги ҳақидаги хангомалар оғиздан оғизга кўчиб юради.

Хотираси заиф

Кунлардан бир кун Маҳкам ака хотирасидан шикоят қилиб, шифохонага боради. Врачга учраб, дардини айтади:

– Дўхтир, хотирамнинг мазаси йўқ, ёрдам беринг.

– Қачондан буён шунақа бўляпти? – деб сўрайди дўхтир резина болғасини қўлга олиб.

– Нима... қачондан буён? – дейди Маҳкам ака хозиргина айтган гапини эслолмай.

Иван Сусанинга қариндош

Маҳкам ака янги мошина олган, ҳали ҳайдашнинг унчалик ҳадисини олмаган кезлар эди. Бир куни менга Болтиқбўйидан келган ёзувчиларни меҳмонхонадан аэропортга кузатиб қўйсақ деб илтимос қилди. Хўп дедим.

Нашриёт ҳовлисида аканинг мошинасига ўтиргач, Навоий шоҳқўчасини кесиб ўтиб, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси томон бурилиб олгунча юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Маҳкам ака кетма-кет қондани бузди чоғи, ёнимиздан ғизиллаб ўтаётган ҳайдовчилар кабинадан қўлларини чиқариб, мушт ўқталгани дард устига чипқон бўлди. Аранг катта йўлга чиқиб, меҳмонхонага жўнадик. Ҳозирги Амир Темур майдони яқинидаги Сайлгоҳ кўчасида ҳаракат бир томонлама экан, янглишиб, шу ёққа кириб қолибмиз. Хуллас, бу ердан ҳам минг машаққат билан чиқиб олдик.

Энг кизиғи кейин бошланди. Меҳмонлар юклари билан пастга тушгач, ҳаммамиз мошинага ўтирдик. Шунда Маҳкам ака менга ўтирилиб, сўради:

– Аэропортга қандай борилар эди?

– Билмасам, – дедим елка қисиб. Дарҳақиқат, ҳайдовчи бўлмаган одам йўлни яхши билмайди-да.

Аэропортга етгунча камида етти-саккиз жойда тўхтаб, йўлни сўраб-суриштирдик. Меҳмонлар олдида анча хижолат бўлдик. Бир амаллаб манзилга ҳам етиб келдик. Елкамиздан тоғ ағдарилгандек бўлди. Меҳмонлардан бири хайрон бўлиб сўради:

– Сизлар ростдан ҳам Тошкентда яшайсизларми ўзи?

Маҳкам акага қараб туриб, беихтиёр кулиб юбордим.

– Бу киши сизларни йўлда зерикмасин деб бир афандилик қилди-да, – дедим гапни ҳазилга буриб.

– Э шундайми? Биз бўлсак уни Иван Сусанинга (русларнинг бизнинг Широққа ўхшаган, душманни адаштирган миллий қаҳрамони – Ш.О.) узокроқ қариндошмикин деб ўйлабмиз, – деди меҳмонларнинг бошлиғи.

Яна кулишдик. Меҳмонларни кузатиб қўйгач, мошинага ўтираётганимизда Маҳкам ака яна мендан сўраб қолди: “Дарвоқе, қайтиш йўлини эслаб қолдингизми?..”



Домлага ихлос

Алоқачиларнинг “Хабар” деган газетасида бош муҳаррир эдим. Кунлардан бир кун таҳририятда машҳур шарқшунос олим Бўрибой Аҳмедов, Маҳкам ака – уювлон гурунглашиб ўтирувдик. Гап орасида Бўрибой ака соғлигидан шикоят қилиб қолди. Шунда кекса устоздан сўрадик:

– Дўхтирлар нима деяпти?

– Дўхтирлар кўпроқ майиз, ёнғоқ еб туринг дейишяпти.

Домлага ихлоси баланд бўлган Маҳкам ака меҳрибонлик билан илтифот қилди:

– Бўпти, мен сизга эртагаёқ икки туп ёнғоқ кўчати топиб берман.

Бейхтиёр кулиб юбордик.

Э, дарвоқе

Маҳкам ака “Қиссаи Рабғузий”нинг таппа-тайёр қўлёзмасини чоп этмаяпти, дея нашриёт директоридан нолийверади. Бу узункулоқ гапларни ахийри директор ҳам эшитади. Кунлардан бир куни у Маҳкам акани кўриб, сўрайди:

– Маҳкамжон, нега менинг кулоғимни қиздириб, нолиб юрибсиз?

– Нега ўзингиз Рабғузийни чиқармаяпсиз?

– Бизга қўлёзмани топширганмисиз ўзи?

– Э, дарвоқе... – Маҳкам ака ялтироқ пешанасини силаб, хатосини тан олади.

Мошина қани?

Маҳкам ака янги мошина сотиб олган кунларнинг бирида нашриётдаги ишларини тугатгач, мошина эсдан чиқиб, уйга трамвайда жўнайди. Ҳовлисига бориб қарайдики, гаражда мошина йўқ. Эсхонаси чиқиб, уйни бошига кўтарганча бақиради:

– Ҳой, ким бор? Мошина қани?

Нега боғчага бормайсан?

Маҳкам ака эрталаб ўртанча қизига шундай дейди:

– Қизим, нега боғчага бормаяпсан?

– Иккинчи синфда ўқияпман-ку, дада! – дея жавоб қилади кизалок отасининг паришонхотирлигидан ажабланиб.

– Э, дарвоке...

Яна унутди

Маҳкам ака нашриётда ишлаб юрган кезлари бир куни ошхонага кириб, пальтосини унутиб қолдиради. Қиш охирлаб, кунлар илиброк қолгани учунми, елкасида пальтоси йўқлигини сезмай юраверади. Ахийри бир куни эрталаб хотини айтгач, “Э, дарвоке...” дея эслашга тушади. Эслай-эслай ҳартугул ўша ошхонага боради. Бундоқ караса, пальтоси бурчакда қандоғ илинган бўлса, шундоқ турганмиш. Суюниб кетади. Ошпаз-ни чақириб, қайта-қайта раҳмат айтади. Сўнг ўтириб, иштаҳа билан лағмон ейди. Ногоҳ нашриётда зарур иши борлиги эсига тушиб, ташқарига ошиқади. Энди кўчани кесиб ўтаётганда орқасидан бояги ошпаз йигитнинг овози эшитилади:

– Ҳой ака, пальто яна қолди-ку?!

Афандининг ўзи

Маҳкам аканинг айрим одатлари, ғаройиб саргузаштлари худди Афандининг айнан ўзини эслатади.

Бошқа ёзувчилар қатори Маҳкам акага ҳам Чорвоқдан дала ховли учун ер берилади. Аммо ерни ўзлаштиришга вақт ҳам, хафсала ҳам йўқ, аҳён-аҳён меҳмондай бориб-келиб юраверади.

Айни баҳор кунларининг бирида дала ховлида ишлаётсак, Маҳкам ака шаҳардан келиб қолади. Қўлида қора дипломат сумка. Бўйнида кийшайиброк қолган бўйинбоғ. Ишлайдиган одамга сира ўхшамайди.

– Ҳорманглар! – дейди Маҳкам ака.

– Бор бўлинг, келинг! – деймиз.

– Шу... келувдим. Келсам... ўтни ҳеч ким ўриб олмабди, – дейди Маҳкам ака дала ховлисида одам бўйи ўсиб ётган бегона ўтларга ишора қилиб. – Мабодо биронтаси ўриб олса, бўшаган ерга бирон нарса эксаммикин деб ўйлаб юрувдим.

– Э афсус, ҳеч ким ўрмабдими? – таассуф ила ҳамдардлик билдирамыз.

- Ўрмабди-да.
- Ўзингиз биронтасига тайинлаганмидингиз?
- Йўқ.
- Э аттанг. Хўш, энди нима қилмоқчисиз?
- Энди нима ҳам қилардим – шаҳарга қайтиб кетаман-да!
Беихтиёр ҳаммамиз кулиб юбордик.

Заводи борми?

Келажақда яхши ижодкор бўламан дея пойтахтга кўчиб келган аксарият ёшларни Маҳкам ака ўз паноҳига оларди. Халқ шоири Анвар Обиджон Тошкентга янги келганида Маҳкам аканинг хонадонига бориб турарди. У бир куни Олтиариқнинг машҳур бодрингидан насиба олиб боради. Устоз эътироз билдиради:

– Ўзингиз ижарада зўрға кун кўриб турибсиз, бунақа қилманг энди!

– Хижолат бўлманг, – дейди Анваржон. – Бодринг бизга деҳқончилик, дўстлар йўли тушганда ташлаб ўтишади.

Анваржон кейинги гал борганда озроқ конфет олиб боради. Маҳкам ака ширинликдан тотиб кўраркан, кўзларини боладек пирпиратиб, сўрайди:

– Олтиариқда кампит заводи борми?

Гоҳо... уйлаб туринг

Кунлардан бир кун андижонлик тақводор ёзувчи Убайдулло Содиқов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) Тошкентга келиб, қадрдони Маҳкам ака билан ўзаро гурунглашиб ўтираркан, гап орасида оиласидаги янгиликдан огоҳ қилиб, дейди:

– Мана, яқинда отамизни ҳам уйлаб кўйдик.

– Ҳа, баракалло! – дейди Маҳкам ака жонланиб ва Убайдулланинг уч марта уйланганини эслаб, кўшимча қилади. – Ҳадеб ўзингиз уйланавермай, гоҳо отангизни ҳам уйлаб туринг-да!

Тўғрисўзлиги панд берди

Маҳкам ака “Ўзбекистон овози” газетасида хизмат қилиш баробарида илмий ишини ҳам ниҳоясига етказиб, диссертация ҳимоясига тайёрланиб юрарди. Аммо ҳамиша, ҳамма қаламкашлар учун муштарак муаммо – камхаржлик боис автореферат деган нарсани чоп эттиролмай овораи сарсон бўлади. Ахийри ҳамкасби, шоир ва ёзувчи Анвар Эшоновдан маслаҳат сўрайди.

– Э-э, шунга ҳам бош қотириб юрибсизми, афанди?! – дейди Анвар ака. – Бунинг чораси – Тошмамат ака-да!

– Қанақасига Тошмамат ака бўларкан? – Маҳкам ака соддалик қилиб, нимкосани пайқамайди.

– Матбуотда чиқаётган асарларини мақтаб қўясиз. Кейин...

– Кейин пул сўрайманми?

– Сўрамасангиз ҳам ўзи айтади нима керак деб.

Маҳкам ака Тошмамат Рўзибоевнинг ахён-ахён чоп этиладиган ва ҳар гал биттадан қўй сўйилиб, катта базми жамшидга баҳона бўладиган рубойларини, Анвар Эшонов билан “мингашиб” (ҳаммуаллифликда!..) чиқадиган асарларини эсларкан, кошларини чимириб, ноилож маслаҳатга рози бўлади.

Ниҳоят, Тошмамат акани холи топиб, рубойларини мактаб кетади.

Мақтов кимга ёкмайди дейсиз. Махсус тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, дунёда шоир зотидай иззатгалаб, ўз асарини ҳаддан зиёд яхши кўрадиган ижодкор бўлмас эмиш. Тошмамат ака ҳам мақтовдан дарров эриб кетади.

– Хўш, ишлар қалай, Маҳкамжон? Диссертация нима бўляпти?

– Яқинда ёкламокчи эдим, фақат битта нарса...

– Хўш, хўш? Нима керак? Тортинмай айтаверинг.

– Шу... рефератга озроқ маблағ...

– Қанча керак?

– Уч юз сўм... йўк, икки юз ҳам етади. Бир ойда кайта-раман.

Тошмамат ака дархол кўлини чўнтагига суқади. Пулни оларкан, ногоҳ сўраб қолади:

– Дарвоқе, сизга рубойларнинг қай бири кўпроқ маъқул бўлди? Олдингисими ёки яқинда чоп этилганими?

Тўсатдан берилган саволдан Маҳкам ака андак талмовсирайди. Табиатан тўғрисўз бўлгани учун нима бўлса бўлар, дея тўғрисини айтиб кўя қолади:

– Менга олдингиси кўпроқ маъқул бўлувди. Кейингилари сал...

– Шунақа денг?! Узр, мен шошиб турувдим.

Тошмамат ака пулни қайта чўнтагига солиб, жўнаб қолади.

“Авария”дан кўркмайман

Маҳкам ака Ғафур Ғулом номидаги нашриётда ишлаб юрганида “Москвич” мошина (шўро даврида мошина сотиб олиш катта муаммо эди – Ш.О.) сотиб олган, аммо ҳайдашни яхши билмагани учун тез-тез “авария” қилиб турар эди.

Кунлардан бир кун Маҳкам ака шоир Тўра Мирзодан қарзга пул сўрайди.

– Ие, бугун ҳаммамиз маош олдик-ку?! – дейди шоир хайрон бўлиб.

– Тўғри, аммо мен бор пулимни қарзларимга тўлаб қўйдим. Ҳар ойда ахвол шу.

– Йўғ-э, қанақа қарз экан?

– Эҳ, шоир, дардимни янгиламанг. Мен мошинасини уриб олган ҳайдовчилар ишхонаминг қаердалигини, қачон маош олишимни яхши билишади. Ана ўшалар бугун ҳам келиб бор пулимни шилиб кетишди. Нонга ҳам пулим қолмади.

– Бунақа экан, мошина ҳайдаб нима зарил сизга?– дейди Тўра Мирзо чўнтагини ковлаштираркан.– Худо кўрсатмасин бирон кори ҳол бўлса...

– Э бунисидан кўнглим тўк,– дейди Маҳкам ака жонланиб. – Мен мошинамга ишонаман, жуда мустаҳкам. Қанча мошиналарни уриб пачоқ қилди, лекин унга жинам ургани йўк. “Авария”дан кўркмайман!..

Тежамкор ҳайдовчи

Маҳкам ака ўша ҳаммага маълум ва машҳур бўлиб улгурган эски “Москвич”ини сотиб, ўрнига яна шу маркадаги мошинадан олади. Ўртоқлари бундан хайрон бўлиб, сўрашади:

– Ҳозир “Жигули” модада-ку! Ҳамма шундан оляпти. Нега сиз шу алмисокдан қолган матоҳга ёпишиб олдингиз?

– Олдинги “Москвич”имдан бир литр мотор ёғи ортиб қолувди, шу нарса исроф бўлмасин деб яна “Москвич” ола қолдим,– дейди Маҳкам ака.

Ўзи ёзган экан

Маҳкам ака ижодхонасида эски газеталарни варақлаб ўтираркан, тарихий мавзуда ёзилган бир мақолага кўзи тушиб қолади. “Чўкиб-чўкиб”, бир-икки қатор ўқиғач, мақола тобора ўзига жалб қила бошлайди. “Ие, дуруст нарсага ўхшайди шекилли” дея яна ўқишда давом этади. Мақола уни тамомила сеҳрлаб қўяди. “Фикрлар нақадар салмоқли, кўтарилган муаммо хали-ҳамон долзарб, худди шу бугун ёзилгандек” дея яна мутолаага берилади. Ахийри мақоладан бош кўтаролмай қолади. “Иложи бўлса муаллифи билан танишиб қўйсам яхши бўларди, тахририятда манзили бўлса керак” дея мақоланинг иккинчи саҳифадаги давомини ўқишга тутинади. Ниҳоят, мақолани ўқиб тугатгач, охиридаги ўз исму шарифини кўриб, қулиб юборади: “Э-э, буни ўзим ёзган эканман-ку!..”

Яна афандилик қилди

Маҳкам ака камхаржликдан қийналиб, шахсий кутубхонасидаги ноёб китобларни сотиш учун бозорга олиб чиқади. Ноилж китобларни сотгач, энг қимматбаҳо бойлигидан ажралгандек, кўнгли бўм-бўш бўлиб, шалвираб уйга қайтади. Навоий кўчасидан кетаётганда камёб китоблар дўконига кўзи тушиб қолади. Шоша-пиша трамвайдан тушиб, дўконга йўл олади. У ерда ўзи кўпдан қидириб юрган ноёб китобларни кўриб кўзи ўйнаб кетади. Ўйлаб ҳам ўтирмай бор пулига китобларни сотиб олади.

Уйга пулсиз қайтаётганда яна афандилик қилгани эсига тушиб, ўзича қулиб қўяди.

МАШРАБ БОБОЕВ БИР КУНИ...

Машраб Бобоев 1941 йили Самарқанд вилоятининг Челак туманида туғилган. Тошкент санъат институтининг актёрлик факультетида таҳсил олган (1965). “Онамга хат” (1971), “Баҳор кайфияти” (1974), “Турунг” (1975), “Кечки троллейбус” (1977), “Бағишлов” (1978), “Олисдаги чирок” (1980), “Сўз” (1982), “Мен билган сир” (1990), “Қани менинг юлдузим?” (1991), “Номсиз юлдузлар” (1991) каби шеърӣ китоблари нашр этилган. “Ўтгиз ёшлилар”, “Ер томири”, “Суянч тоғлари” каби сахна асарлари ҳам бор. Кўп қисмли видеофильмлар (“Ирода”, “Севги нидоси”, “Кўнгил кўчалари”) муаллифи. В. Катаевнинг “Хаёл чечаклари”, Муин Бисунинг “Ташриф қоғози”, О. Чиладзенинг “Рангин дунё” каби асарларини ўзбек тилига таржима қилган. 2003 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.



Берган Худога ёқибди

Машраб Бобоевнинг (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) эллик ёшга тўлиши Ёзувчилар уюшмасининг вақтинча иккига бўлиниб кетган даврига тўғри келиб қолади. Дилтортар дўстлар даврасидаги базмда ҳар икки гуруҳ вакиллари юбилярни самимий табриклар, тўн кийдиришади. Машраб ака ўзича мамнун бўлиб, жавоб нутқида шундай дейди:

– Ўртоқлар! Мен уюшма иккига бўлиниб кетгани ёмон бўлди деган гапларга қўшилолмаман. Мана, кўриб турибсиз, ҳар икки томондан шунақа мурувват бўлиб турса, бунинг нимаси ёмон?

Раис чой

Кунлардан бир кун шоир, таниқли журналист Ёқубжон Хўжамбердиев пойтахтнинг Қорасув даҳасида ўғлига тўй қилади. Ёру биродарлар, кўни-қўшнилари қатори камина ҳам хизматда эдим. Таомилга кўра, нозикрок меҳмонлардан хабар

олиб турдим. Бир гал шоир Машраб Бобоев бошчилигидаги “терма команда” ўтирган жойга бориб, “камчиликлар етарлими?” дея ҳазиллашиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Ширингина бўлиб ўтирган Машраб ака олдидаги каттакон оқ чойнакни кўлимга тутказди:

– Шодмонбек, илтимос, шунга яхшилаб...

– Хўп бўлади, Машраб ака, – дедим чойнакни кўлимга олиб, – қанақасидан бўлсин?

Машраб ака шуниям билмайсизми дегандек озгин елкаларини кисиб, ҳайрон бўлди, ёнидагилар ҳам таажжуб ила қараб кўйишди.

– Э бўлди, раис чой экан-да. Ҳозир боплаймиз! – дедим.

– Баракалло! Худди шундай бўлсин! – Машраб ака хурсанд бўлиб, хитоб қилди.

Тўғри чойхоначининг олдига бориб, аччиққина кўк чой дамлатдим-у, изимга қайтдим. Машраб ака иссиқ чойнакни бир карра силаб кўрди-ю юзимга ажабланиб каради, энсаси қотиб, ёнидагиларга ўтирилгач, иддао қила кетди:

– Буни каранглар, нима бало... Шодмонбек, раҳмат укагинам, сиздан буни кутмагандик. Раҳмат.

Норозилик боисини тушунолмай, Машраб акага ҳайрон қараб қолдим:

– Ўзингиз чой девдингиз, мана раис чой!

– Маст одамни ҳеч қачон лакиллатманг, укагинам. Яхши эмас...

– Э, лакиллатиб менга нима зарил, Машраб ака!

Хизматга тухмат эшитиш менга алам қилди. Ростакамига жаҳлим чика бошлади. Негадир Машраб аканинг ёнидаги улфатлар ҳам кўлларини чўзиб, чойнакнинг “қорнини” силаб, секингина “хи-хи”лаб кулиб кўйишарди. Шундагина гап нимада эканлигини сезиб қолдим. Чойнакка ароқ қуйиб келишим керак экан. (Янглишмасам, ўшанда ичкиликбозликка қарши қарор чиккан эди – Ш.О.) Камина – ичмайдиган одам буни дабдурустдан тушунмабман.

Машраб ака эса узун кўлларини елкаси оша ташлаганча ҳамон иддао қиларди:

– Илтимос, укагинам, ҳеч қачон маст одамни лакиллатманг!..

“Хавfli” таржима

Советлар замонида Машраб Бобоев ўша давр учун анча қалтис бўлган мавзу – миллий озодлик, истиқлол ҳақидаги бир шеърини ҳеч қаерда чиқаролмай, хуноб бўлиб юради. Ўйлай-ўйлай ахийри йўлини топади.

“Тошкент оқшоми” газетаси “XX аср овози” рукнида жаҳон адабиёти намуналарини чоп этиб турарди. Машраб ака ҳалиги шеърини африкалик бир шоирнинг ижодидан таржима дея ўша газетада эълон қилиб юборади. Бу ҳам камлик қилгандек, эртаси куни газета таҳририятига келиб, “Бу шеърни ўзим ёзганман! Қойил қилдимми?” дея мақтаниб ҳам кўяди. Қўрқиб кетган ходимлар “Илтимос, бу гапни оғзингиздан чиқарманг!” дейишса, шоири тушмагур қитмирликни охирига етказиб, шарт кўяди: “Майли, тушликда яхшилаб бир эрисанглар, айтмайман!”

Тушликдаги улфатчиликда Машраб Бобоев ижодининг янги қиррасига омад тилаб, қадах кўтарилади.

Таржимон

Мустақилликдан илгари марказдан келиб, “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деган уйдирма айбномалар билан халқимиз бошига мислсиз азоб-укубатлар солган терговчилар – Гдлян, Ивановларнинг қутурган даври эди. Бир куни Гдлян наманганлик машҳур пахтакор Аҳмаджон Одиловни сўроқ қилади. Терговчи бирон оғиз ўзбекчани билмас, Одилов эса бегона тилни яхши тушунмасди. Шунда уларнинг савол-жавобини таржима қилиш учун Аҳборот агентлигининг моҳир мутаржими Машраб Бобоев жалб қилинади. Гдлян уккикўз нигоҳини бигиздек қадаб, сўроқни бошлайди:

– Охирги марта огоҳлантираман, агар олтинлар қаерга яширилганини айтмасанг отиласан! Тушунарлими? Отиласан!

Таржимон дарҳол бу гапнинг маъносини баён қилади. Аҳмаджон Одилов жавоб беради:

– Менинг уйимдан чиқиб, тўппа-тўғри йигирма қадамча олдинга юрилади, кейин чапга қайрилиб, беш қадам ташланган жойга олтинлар кўмилган.

– Нималар деяпти бу аҳмоқ! – терговчи таржимонга ўқрайди. Машраб ака қиска, лўнда қилиб “таржима” қилади:

– Отсанглар отаверинглар деяпти!

Эҳтиёткор ҳайдовчи

Машраб ака янги мошина сотиб олган, рулга эндигина кўникаётган кезлар эди. Кунлардан бир кун у қишлоқдан келган меҳмонни ёнига ўтқазиб, мошинани секин юргизади. Камкатнов кўчаларда ҳам эҳтиёт юзасидан тезликни оширмайди. Ҳар бир чорраҳага етганда негадир кабинадан тушиб, ташқарига бирров чиқиб келади. Ёнидаги меҳмон ахийри хайрон бўлиб, сўрайди:

– Машраб ака, нега тез-тез ташқарига чиқаверасиз?

– Светофорни яқинига бориб кўриб келяпман, ука. Шуниси ишончлирок-да!

Паришонхаёл

Кунлардан бир кун Машраб ака ўғли, таниқли журналист Анварнинг мошинасида журналист Жаҳонгир Наҳанов (*раҳматли шоир Отаёрнинг ўғли*) учовлон уйга кетишаётган эди. Машраб ака Жаҳонгирнинг яқинда чоп этилган бир асари ҳақида куйиниб гапираётганди. Бироздан кейин Жаҳонгир мошинадан тушиб қолади. Машраб ака эса ҳамон гапдан тўхтамайди.

– Асарингиз, умуман олганда яхши, аммо камчиликлари ҳам кўп, сиз аввало...

– Дада... – Анвар отасининг хаёлини жойига келтирмоқчи бўлади.

– Тилга алоҳида эътибор қилинг, укагинам, тил жуда муҳим нарса...

– Дада, бу – мен, ўғлингиз Анварман.

– Э, дарвоқе... Жаҳонгир қани ўзи?..

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ БИР КУНИ...

Мурод Муҳаммад Дўст 1949 йил 12 апрелда Самарқанд вилоятининг Жом кишлоғида туғилган. ТошДУнинг тарих факультети, фалсафа бўлимида ўқиган. Москвадаги Адабиёт институтини битирган (1974–79). Дастлабки хикоялар тўплами – “Қайдасан қувонч садоси?” (1976). Шундан кейин “Мустафо” (1977), “Бир тойчоқнинг хуни” (1979), “Галатепага кайтиш” (1983), “Дашту далаларда” (1987) сингари хикоя ва қиссалари нашр этилган.



“Лолазор” (1988) романи муаллифи. Асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти билан тақдирланган (1990).

Айиқ ўзи айтганми?

Кунлардан бир кун ёзувчилар Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида овқатланаётган эдик. Ёзувчилигидан кўра овчилиги билан кўпроқ тилга тушган Мавлон Икром овдан гап очиб қолади:

– Айиқ жуда сезгир ҳайвон. У дарахт шохи тепадан синиб тушганда эшитилган шарпа билан овчи оёғи остида қисирлаб синган шарпаннинг фарқига боради.

Шунда ҳазил туйғуси ўзига хос ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст жиддий алпозда лукма ташлайди:

– Буни сизга айиқнинг ўзи айтганми?..

Гурр кулги кўтарилади.

Ўрдақлар қачон келади?

(Носир Фозилов ҳикояси)

Мурод Муҳаммад Дўст жуда истеъдодли “шум”лардан. Одамни шундай кўзига қараб туриб лақиллатади. Ҳамма бало шундаки, ўзи кулмайди. Лақиллаётган одам унинг жид-

дийлигини кўриб, қандай қўлга тушиб қолганини сезмайди. Тахририятда (“Шарқ юлдузи” журнали назарда тутилмоқда – Ш.О.) ходимлар чарчаб турган кезлари ҳордиқ чиқариш ниятида бир-бирини лақиллатиб, кулишиб ҳордиқ чиқаришади.

Бир куни ўшанақа пайтда тахририятга Мавлон ака келиб келди. Ҳамма биладикки, Мавлон ака ашаддий овчи, кўнглида кири йўқ, бирон нарса сўрасанг, ўзининг ишини ҳам йиғиштириб қўйиб, илтимосчининг кори-хайрини ўринлатмагунча кўнгли тинчимайдиганлардан. Салом-алиқдан сўнг Муроджон Мавлон акадан сўради:

– Мавлон ака, келганингиз яхши бўлди-да, ака. Бир нарса ёзаётувдим... Шу, ўрдаклар қачон қайтиб келади?

Бунақа савол, айникса, ов билан боғлиқ гаплар Мавлон аканинг жон-дили. У киши шартга жавоб қилди:

– Ие, шуниям билмайдиларми? Ўрдаклар йигирма учинчи февралда, эрталаб соат тўққиздан беш минут ўтганда келади.

Буни эшитиб турганлар “Во, ажабо! Қаранг-а, ойи, куни, соати-ю минутигача аниқ!” деб ёқаларини ушлаб туришганда Муроднинг ўзи бу масалага аниқлик киритди:

– Нега хайрон бўляпсизлар? Мавлон акага ўрдакларнинг шахсан ўзларидан телеграмма келган. Вот масала қаерда!

Ёмон ёзолмайди

Атоқли ёзувчи Шукур Холмирзаев бир куни Мурод Муҳаммад Дўст билан Дўрмон боғларини айланиб юриб, гурунғ орасида шундай дейди:

– Муроджон, менга асарларингиздан, айникса, “Дашту далаларда” деган хикоянгиз кўпроқ ёқади.

– Ёмон ёзолмасам нима қилай, Шукур ака! – дейди Мурод “камтарлик” билан.

Дефектив асар

Кунлардан бир кун олди-кочди, юзаки нарсалар ёзиб, ўзини ёзувчиман деб юрадиган кимса Мурод Муҳаммад Дўстни учратиб қолиб, шундай дейди:

– Муроджон, мен яқинда янги бир детектив асар ёздим.

– Детектив эмас, дефектив (“ қусурли” маъносида – Ш.О.) денг!

– А?!

Ёзолмай қолса

Мустақилликнинг дастлабки йиллари бошқа сохалар қатори адабиёт ҳам жиддий синовдан ўтади. Ўтиш даври қийинчиликлари боис кўпгина адиблар ёзишдан чалғишади, тирикчилик кўйида ўзларини ўтга-чўкка уришади. Фақат биргина ёзувчи – Шукур Холмирзаев бундан мустасно эди. Узок йиллар китоби чиқмаса ҳам Дўрмон боғида ётволиб, эртаю кеч ижод қилаверади.

Бир куни ҳамкасб дўстлари, дилтортар шогирдлари даврасида гапдан гап чиқиб, Шукур ака шундай дейди:

– Хемингуэйнинг қисматини биласизлар, ёзолмай қолганда ўзини отган. Мабодо ёзолмай қолсам, мен ҳам ўзимни отаман!

Ёзувчи деворда осиглиқ турган милтиққа ғалати қараб кўяди. Даврадагилар бу ҳазилдан кулиб кўйишади. Мурод мутойибани шундай давом эттиради:

– Агар ёзмай кўйсангиз, ўзим келиб сизни отиб кетаман!

Орадан йиллар ўтиб, Шукур ака бу фоний дунёни тарк этгач, ёзувчи Эркин Аъзам адиб ҳақидаги хотирасида шундай ёзган эди:

“Девордаги милтиқ-ку осиглигича тураверди, лекин Шукур ака барибир ўзини ўзи отди деса бўлади”.

“Шухратпарастлик курсин”

Бир замонлар Мурод билан жуда яқин дўст эдик. У ўтган асрнинг 70-йиллари университетнинг фалсафа факультетидаги ўқишини ташлаган, бошқа бирон жойда ўқимас, ишламас, фақат ижод қилиш, ёзганларини таҳририятларга олиб бориш, у ердаги таниш-билишлари билан гурунглашиш асосий машғулоти эди. Мен ўшанда республика радиосида ишлардим. Мурод билан деярли ҳар куни кўришиб турардик. Биргаликда репортажлар уюштирганимиз эсимда.

Кўпчилик қалам аҳли каби Мурод ҳам бир замонлар шеърлар ёзган. Ўзининг эътирофича, унинг эълон қилинган би-

ринчи асарини мен радиода берган эканман. Қизик, муҳаббат ҳақидаги ўша шеърда “Тупурган бўлардим, юзингга дилбар” деган мисра негадир эсимда қолган...

Яқинда архивимни титкилаб ўтириб, Муроднинг Москвадан менга ёзган бир туркум хатларини ўқиб қолдим. Шунда куйидаги бир ғалати гапни ўқиб, беихтиёр кулиб юбордим.

“26-даги муҳокамадан сўнг, (*Муроднинг илк насрий машқлари Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинган эди – Ш.О.*) бир киши “Мурод Қахҳордай... тузуккина адиб бўлади” деганида, бошқаси “Шу найновдан ёзувчи чикса, мен... кулоғимни (*аслида бундан нордонроқ сўз айтилади – Ш.О.*) кесиб ташлайман” деган экан. Мен бир боёқиш кулоксиз қолмасин (*аслида бошқачароқ... – Ш.О.*) деб, ёзишдан воз кечмоқчи бўлдим, лекин шухратпарастлик курсин, яна ёзяман...”

Адабиётга кириш

Бир куни Мурод Адабиёт газетасида ёш қаламкашнинг асарига кўзи тушиб, газета ходимидан сўрайди:

- Мен бу қаламкашни билмас эканман, ким ўзи у?
- Адабиётга янги кириб келган ёшлардан.
- Ҳа-а, биз чиқиб кетгандан кейин кирганлардан бўлса керак.

Қайта тирилса...

Мустақилликдан илгари Мурод “Шарқ юлдузи” журналида ишлаб юрганида бир масалнавис насрга ҳам “тажовуз” қилиб бир-иккита асарини журналга олиб келади. Асари ярроқсиз бўлгани учун қайтарилади. Масалчи оғриниб, шундай идда қилади:

- Ука, афсуски одам икки марта яшамайди. Агар яна кийилдан кейин қайта тирилиб келсак эди, халқ кимнинг асарини ўқиётганини кўрардик.

Шунда Мурод ачитибгина жавоб қилади:

- Қайта тирилиб келолмаслигингиз учун шукур қилишимиз керак!



Маст кўп жой

Мурод Муҳаммад Дўстнинг ҳазил туйғуси ниҳоятда ўзига хос, бетакрордир. У йўқ жойдан кулгили ҳолатларни топа оларди. Москвада ўқиб юрган кезлари таътилда Тошкентга келса, ёру биродарларининг “Маскопдан қачон келдингиз?” деган саволига “Маскопдан эмас, маст кўп жойдан келдим” дея сўз ўйини килиб, оғайниларини кулдирарди.

Ҳикоя ёзолмайди

Кунлардан бир кун Мурод қаламкаш дўсти Эркин билан (ҳозирги машҳур адиб Эркин Аъзам – Ш.О.) Инкилоб хиёбонидаги қаҳвахонага киришади. Иккиси ҳам ёш, бўйдоқ. Атрофда ўйин-кулги қизиган. Уларнинг уст-бошлари хароброқ эканми ёки бошқа сабабданми, ҳарқалай ҳеч ким эътибор қилмайди, биронта қиз қиё бокмайди. Ҳаммаси олифта, бойвачча йигитларга маҳлиё. Шунда Мурод алам билан столга бир мушт уриб, хитоб қилади: “Булар ҳикоя ёзолмайди барибир!”...

ЭРКИН СИДДИҚОВ БИР КУНИ...



Эркин Сиддиқов 1934 йили Тошкентда туғилган. Низомий номидаги педагогика институтини тамомлаган. Узоқ йиллар давомида “Ёш гвардия” (ҳозирги “Янги аср авлоди”) нашриётида бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган. Ўсмирларга мўлжалланган бир неча асарларни рус тилидан ўзбек тилига ўгирган. Халқ оғзаки ижодига қизиқиб, мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарларга чиққан пайти турли касб эгаларидан ўн мингдан ортиқ мақол, матал

ноёб ибора ва ўхшатишларни ёзиб олган, уларнинг бир қисми “Қанотли дўстлар”, “Денгиздан томчилар” тўпламларида эълон қилинган.

Эркин Сиддиқов 2003 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Эркин Сиддиқов ҳозиржавоб, хушфёъл ва қувноқлиги устозлар, дўст-қадрдонларга садоқати, самимий меҳри билан ажралиб турарди. Ёшлар нашриётида у киши билан кўп йиллар бирга ишлаган Аҳмаджон Мелибоевнинг “Хотин йўғида” сарлавхали ҳажвий тўпламига кирган ичакузди хангомаларни ўқиган китобхон бунга ишонч ҳосил қилади.

Тузоғига ўзи илинди

Эркин ака содда ва ишонувчан ҳамкасби, шоир Шамси Одилга тегажўғлик қилавериб, боёқишни ҳоли-жонига қўймас турли шумликларни ўйлаб топишдан эринмас эди. Бир куни у гўё нашриёт ходимларига дала ҳовли учун берилган ерни таксимлаб, ўзича рўйхат тузади. Олдиндан ҳамкасблар билан тил бириктириб олгач, Шамси аканинг хонасига кириб рўйхатни атайлаб тушириб қолдиради. Шамси ака рўйхатни ўқиб, гап нимадалигини сўраб-суриштиргач, жиғибийрон бўлиб директор Абдулазал Ваҳобовни исқанжага олиб, илдоа қила бошлайди: нега бошқалар дала ҳовли олади-ю, менга йўқ? Шунча йил ҳалол ишлаб келаётган бўлсам?! Эркин ким бўлибди ўзи? Ким унга ваколат берибди?

Директор ёрдам беришга ваъда қилиб, Шамси акани зўрғашаштидан туширади.

Ҳазилнинг энг кизиғи кейинроқ чиқади. Дала ховли билан боғлиқ миш-мишлар негадир тиниб-тинчиб кетавермайди. Бу гап бошқа жойларга ҳам ёйилади. Таниш-нотаниш одамлар оғзида ҳам ҳар куни шу гап. Ахийри Эркин аканинг ичи кизиби, директор хузурига киради.

– Абдулазал ака, шу... дача тақсимланаётганда биз ҳам қолиб кетмайлик, илтимос...

Директор қарайдики Эркин ака жиддий гапиряпти. Ўзини тутолмай кулиб юборади:

– Вой Афанди-ей! Худди болаларни ёнғоқ бор дея алдаб, орқасидан ростга ўхшайди деб ўзи ҳам чопган Афандига ўхшайсан-а! Ахир бу гаплар ўша – ўзинг тўқиган ҳазил-уйдирманинг оқаваси-ку!

Ўзи қўйган ҳазил-тузукқа ўзи илинган Эркин ака қорнини чангаллаб кулади.

Тоқ бўлиш афзал

Эркин ака ёру биродарларига эрталабки ошларга борганда тоқ бўлиб борган афзал, масалан, уч кишига икки лаган, беш кишига уч лаган ош қўйилади, шунда тўйиб ош егандек бўласизлар дея маслаҳат берар, ўзи ҳам шу ўғитига амал қилиб юрар эди. Кунлардан бир кун у эрталабки ошга нашриётда бирга ишлайдиган ҳамкасблари – Абдуворис ака ва Аҳмаджон Мелибоевлар билан боришади. Ногоҳ тўйхонага киришаётганда танишларидан бири уларга қўшилиб қолади. Эркин ака пешонаси тиришиб, ҳалиги одамни бир четга тортиб, иддао қилади.

– Биродар, биз узокдан йўлқирага фалон пул сарфлаб келганмиз. Икки лаганда ош ейишдан умидвормиз. Барака топнинг, озгина кутиб турсангиз, бошқа гуруҳ келади, ўшаларга қўшилиб кираверасиз, хўпми?

– Хўп, ака, хўп! – нотаниш одам ғалати илтимосдан мулзам тортиб, секингина ташқаридан келаётганларга қўшилади.

Гаров

Бир куни Эркин ака фольклоршунос олим Малик Муродов билан қирқта кабобни якка ўзим еб юбораман, ютқизган одам битта чойхона палов қилади, дея гаров ўйнайди.

Ўша йиллари янги сўйилган кўй гўштидан қилинган думбали кабобнинг битта сихи ўн тўққиз тийин эди. Эркин ака ҳашпаш дегунча гувоҳларнинг кўз олдида ўнта кабобни тинчитади. Йигирманчисида сал сустлашади. Текин паловдан умидвор бўлиб ўтирганлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишганини сезиб, жаҳл билан яна беш-олтита кабобни чайнаб-чайнамай ютворади. Аммо ўттизинчи сихга борганда пешанасидан ялтиллаб тер чиқа бошлайди. Атрофдагилар хавотир билан ўзаро кўз уриштиришади. Айникса, Малик ака ўзини кўярга жой тополмайди. Секин Эркин аканинг елкасига қўл ташлайди.

– Майли энди, кўяверинг...

– Э, жим туринг сиз!

Эркин ака елкасидаги қўлни силтаб ташлайди-да, олдидаги совиброқ қолган кабобларга худди сўнгги маррани олиш учун жаҳд қилган жангчидай ҳамла қилади. Оғзидаги луқма чандир эканми, канча чайнамасин, ютолмайди. Кўзларидан тиркираб ёш чиқади. Атрофдагилар ҳам саросимага тушиб қолишади.

– Э бўлди-бўлди, мен ютқаздим, бўлди! – кўрқиб кетган Малик ака жон ҳолатда Эркин аканинг елкасига қоқиб, қўлига иссик чой тутади. Ейилмай қолган кабобларни билинтирмай четга суриб қўяди.

Хуллас, ўшанда гаров нима билан тугагани, чойхона паловни ким қилгани маълум эмас. Аммо қизиғи шундаки, Эркин ака Малик акани кўрди дегунча иддао қиларди:

– Сен бола ўшанда шаштимни қайтармаганингда кабобнинг ҳаммасини еб кўярдим!

Уйланиш сабаби

Кунлардан бир кун Эркин ака ўзига янги костюм-шим сотиб олиш учун хотини билан дўконга киради. Кийиб кўрилган костюмларнинг ҳаммаси унга тўғри келмайди, енги узунлик қилади. Шунда хотини эрига сўз ўйини қилиб, ўзича ҳазил қилмоқчи бўлади:

– Дадаси, шу... кўлларингиз ўзи калтароқми дейман.

Эркин ака дарҳол сопини ўзидан чиқариб, жавоб қилади:

– Тўғри айтасиз, онаси, кўлим калталигидан сизга уйланганман-да!

Домангирлар

Нашриётда Шамси Одилга энг кўп тегажоғлик қиладиган одам Эркин Сиддиқов эди. Гоҳо у ҳазилни меъёридан ошириб юборар, сени ундоқ қилдирвораман, бундоқ қилдирвораман, дея дўқ-пўписа ҳам қилиб қўярди. Соддадил, ишонувчан Шамси ака ноилож ўзини муҳофаза қилиш учун шундай дерди:

– “Агар менга бирон кор-ҳол бўлса, тўппа-тўғри Эркиндан кўраверасизлар!” деб керакли жойга маълумот бериб қўйганман. Билдингми? Кўп чиранаверма, хўвв бола!

Кунлардан бир кун нашриётга истараси иссиқ, нуроний чол ташриф буюради. Табиатан одамохун, хушмуомала бўлган Шамси ака йўлакда ўша оксоқол билан қўл олиб кўришади, астойдил ҳол-аҳвол сўрайди. Шу лаҳза ёнларида ҳалиги ота-хоннинг ўғли... Эркин ака пайдо бўлади. У жиддий алпозда чолга Шамси акани кўрсатиб, шипшийди:

– Ота, бу одамни яхшилаб таниб қўйинг. Агар менга бирон кор-ҳол бўлса, шу одамдан кўраверасизлар!

Ош тагида гап бор

Эркин ака улфатчиликни, гап-гаштакни яхши кўрарди. Кунлардан бир кун у уйига дилтортар дўстларини чорлаб, ўз қўли билан қўлбола ош дамлайди. Махсус буюртма асосида тайёрланган катта лаганда ош тортилади. Кувноқ гурунғ, қаҳқаҳа бир лаҳза тинмайди. Ош мўлгина бўлган экан, лаган яримламай туриб меҳмонлар андак сушлашади. Шунда Эркин ака мийиғида сирли кулимсираб, ошхўрларни даъват қилади:

– Агар ошни охиригача олсанглар, тагида зўр бир ҳикматли сўз чиқади. Қани, олдик!

Даъватнинг таъсирими ёки ростдан ҳам ҳикматли сўз кизиқтириб қўйдими, ошхўрлар яна қайта хужумга ўтадилар. Кўпдан қуён қочиб қутулмас дегандек, хаш-паш дегунча ошнинг “чангини” чиқариб юборадилар. Лаганни ялаб-юлқаб бундоқ қарашса, унда ростдан ҳам шундай ғалати “ҳикмат” битилган экан: “Охиригача ейиш шарт эмас, бизда ҳам бола-чақа бор!”

Ошхўрлар мириқиб кулишади.

Ўлса ҳисобми?

Эркин ака нашриётдаги ҳамкасби Аҳмаджон Мелибоев билан қадрдон ака-ука бўлишган. Кунлардан бир кун Аҳмаджон Эркин акани туғилган қишлоғи Сафед Булонга олиб боради. Ўшанда улоқ чопиш мавсуми авжига чиққан кезлар эди. Удумга кўра тўйга келган азиз меҳмон отга миндирилади. Эркин акани ҳам қирчанғи бир отга миндиришади. От меҳмоннинг тажрибасизлигини сезган шекилли, шаталоқ отиб, устидан учириб юборади. Мезбонлар бараварига “Ҳисобмас, ҳисобмас” дейишиб, бошқа отга миндиришади. Меҳмон бу гал ҳам қор устига юмалаб тушади. Яна “Ҳисобмас, ҳисобмас” деган далда янграйди. Учинчи марта отга миндиришаётганда Аҳмаджон яна бирон қор-хол бўлмасин дея меҳмонни четга тортади. Шунда ранги оқариб кетган Эркин ака одатича ҳазил қилади:

– Э қойилман шу одатингларга, меҳмон ўлса ҳисоб эканда!

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ БИР КУНИ...

Аҳмаджон Мелибоев 1946 йили Ўш вилоятида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаган. “Бир заминда яшай-миз” (1982), “Умидли дунё” (1984), “Ёлғиз яшаб бўлмайди” (2006), “Ҳуштакни ким чалади?” (2007), “Умр учар юлдуз” (2006), “Торнинг чўмичдан фарқи” (2007), “Сувора соғинчи” (2007), “Қирқ бешинчи бекат” (2008), “Қабохат тўри” (2013), “Ўнғор эртаклари” (1985), “Сафед Булон ҳикоялари” (2009), “Хотин йўғида” (2007), “Хўранданинг қозони” (2010) китоблари нашр этилган.



Ўзбекистон Миллий университети доценти.

Аҳмаджон Мелибоев сатира ва юмор соҳасида ҳам баракали ижод қилаётган сермахсул ижодкор. Аҳмад Оға таҳаллуси билан эълон қилинаётган ҳажвий асарлари тилининг равон ва қувноқлиги, мавзуларининг янгилиги, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоб муносабати, қутилмаган топилмалари билан ўқувчини ўзига жалб қилади. Адабиёт газетасининг “Шум бола”нинг чойхонаси” саҳифасидаги кўплаб ҳажвиялар унинг қаламига мансуб бўлиб, муаллиф уларда Саид Аҳмад, Неймат Аминов каби устоз ижодкорлар анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттиради. “Доғда қолдириш санъати”, “Алвидо, хуррак”, “Адашган тандир”, “Омборда нима гап?”, “Ўлма, ошқозон”, “Азиз Несин ва қассоб”, “Мен қаердаман?”, “Бировнинг хақи” каби ҳажвиялари фикримизга далил бўла олади.

Апрель ҳазили

Аҳмаджон Мелибоев ҳазил-мутойибалари, қутилмаган шумликлари билан ҳам маълум ва машхур. У ўзи бош муҳаррир бўлган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида шундай бир апрель ҳазили – гўё таҳририятда жорий этилаётган янги вазифада ишлаш учун танлов эълон қилади. Маош 30–40 минг (ўша йиллари бу анча катта маблағ эди) сўм. Хорижий хизмат сафарларига чиқилади. Ишга ҳар куни келиш шарт

эмас. Фалон-фалон жойлардан тавсифномалар ҳамда 4 дона 1 м х 40 см ҳажмида рангли фотосурат керак бўлади ва ҳоказо...

Шундан кейин таҳририятни одам босиб кетади. Янги ишга талабгорларнинг охири кўринмайди. Кўшни таҳририятдагилар ҳам тўполондан безор бўлади. Боёқиш талабгорлар ҳазилни илғашмайди, лоақал эълондаги “1 м х 40 см”ли фотосуратни кўз олдиларига келтиришолмайди. Ҳангоманинг энг қизиғи кейинроқ чиқади. “Адабиёт”чиларнинг ҳазил қармоғига таниқли ёзувчи ва публицист Дадахон Нурий ҳам илинади...

Тўсинбоп кўлёзма

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига халқ ёзувчиларидан бири янги ёзган романидан парча олиб келади. Бош муҳаррир Аҳмадjon Мелибоев парчани варақлаб кўраркан, муаллифга шундай дейди:

– Буни энди озроқ қисқартириб босамиз-да.

– Илтимос, укажон, иложи бўлса қисқартирмасангиз. Шу... десангиз, яхши ният билан катта иморат кураётгандим. Тўсинга озроқ маблағ етмаяпти.

– Майли, яна ўйлашиб кўрармиз.

Хуллас, романдан парча барибир қисқарган ҳолда босилади. Орадани бир неча кун ўтгач, бош муҳаррирни таҳририят йўлагига учратиб қолган муаллиф оғринибгина иддао қилади:

– Аҳмадjon, укагинам, парча қисқариб кетибди-ку? Энди нима бўлади?

– Тўсинларнинг орасини кенгроқ қўйворасиз-да! – дейди муҳаррир.

Таклифлар музейи

Тарихчи, элшунос олим Билал Аминов – куйди-пишди, жонкуяр инсон. У халқимиз тарихи, кадриятлари, бетакроп урф-одатлари ҳақида кўплаб илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар, китоблар ёзган. Олим матбуотда таклиф-мулоҳазаларини баён қилишдан, жойларда турли тадбирлар ўтказишдан сира эринмайди. Унинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Кулги музейи очилса” деган ихчамгина таклифи каминанинг саъй-ҳаракати билан “Шум боланинг

чойхонаси” саҳифасида чоп этилиб, узоқ вақт кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинган. Қизиғи шундаки, Билол аканинг таклифлари мутасаддилар диққат-эътиборига тушар, юқоридан қўллаб-қувватланар, аммо аксарият ҳолларда натижа бўлмас (шўролар замонига хос иллат) эди. Бундан олим умидсизликка тушмас, енг шимариб яна янги таклиф-ташаббус билан чиқаверар эди. Ахийри у бир куни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга саъй-ҳаракатлари беҳуда кетаётганидан нолиб қолади. Ҳазилни нозик илғайдиган Аҳмад оға олимга далда бериб, шундай дейди:

– Хафа бўлманг, Билол ака, худо хоҳласа энди сизга алоҳида таклифлар музейи очиб берамиз!

Ким шеър ёзади?

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев таҳририятга шеър олиб келадиган муаллифлардан жуда безор бўлган эди. Сабаби – шеърларнинг аксарияти фойдаланиш учун яроқсиз бўлар, аммо уларни ўқиб, жавобини айтиш учун қимматли вақт бекор кетарди. Ҳазилкаш, ишнинг кўзини биладиган муҳаррир бунинг ҳам йўлини топади. Ҳузурига шеър кўтариб келган муаллиф билан қисқача ҳол-аҳвол сўрашгач, ўзини яқин тутиб, ҳасрат килиб қолади:

– Бу одамларга нима бўлган ўзи, ҳамма шеър ёзишга ўтиб кетди. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Яхшиям мен шоир эмасман.

Шеър кўтариб келган муаллиф ўнғайсизланиб асарини бир четга яширади. Гаплари мўлжалга бехато кетаётганидан дадилланган муҳаррир масалага нуқта қўйгиси келади.

– Дарвоқе, бизга нима хизмат?

– Хизмат... йўқ, ўзим... йўлим тушиб қолувди, бир кириб ўтай девдим...

Елкасидан тоғ ағдарилган муҳаррир муаллифни иззат-ҳурмат билан останагача кузатиб қўяди.

Сураат эгасига ўхшамагач...

Андижонда халқимиз хотираси ва жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган катта анжуман ўтказилаётган эди. Тадбирга бағишланган кўргазмада шу юртдан чиққан таниқли одамларнинг портрети ҳам қўйилганди. Томошабинлар бир портрет олдида узоқроқ туриб қолишади. Эгасига унчалик ўхшамаган ўша портрет хақида беихтиёр тортишув бошланади:

– Менимча, бу – Олимжон Холдор бўлса керак!

– Янглишасиз, бу – Ҳошимжон Раззоқов!

– Кимга кўпроқ ўхшаса – ўшанинг портрети-да! – дейди яна кимдир.

Шу лаҳза портретга кулимсираб караб турган Аҳмад оға ўзига хос китмир-хазили билан масалага аниқлик киритади:

– Йўк-йўк, бу – Ҳошимжон Холдор!

Салом какликлар

Сўкоқлик шоир Ориф Одилхонов (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) хотирасига бағишланган анжуманга пойтахтдан бир гуруҳ ижодкорлар ташриф буюради. Тадбир баҳона – сўлим табиат қўйнида ижодкорлар юракдан гурунг қилиб, яйрашади. Тоғда ўсган шоир Азим Суюн теварак-атрофдаги гўзалликни кўриб, бирдан жўшиб-тошиб кетади. Баланд бир қояга кўтарилиб, бор овози билан хитоб қилади:

– Салом эй тоғлар! Мен келдим! Салом какликлар!

Шунда ўша кунлари фикр-хаёли обуна ташвиши билан банд бўлган Аҳмад оға ҳам шоирнинг ёнига бориб, ўзича унга жўр бўлади:

– Салом какликлар! Газетамизга обуна бўлдингларми?

Босмачи

Аҳмаджон Мелибоев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррирлик қилган йиллар жуда кўп, турфа хил муаллифлар билан мулоқотда бўлган. Гоҳо қизиқ воқеалар, ғаройиб гап-сўзларга ҳам гувоҳ бўларди. Кунлардан бир кун асари босилмаётганидан ранжиган инжикроқ бир муаллиф муҳаррирга иддао қилиб шундай дейди:

– Сизлар жуда гердайиб кетгансизлар. Мақолаларни босма-чидай босиб ётаверасизлар, чиқармайсизлар.

Ҳозиржавоб муҳаррир кулимсираб жавоб қилади:

– Тўғри айтасиз, тақсир, вазифамиз шунақа ўзи. Мақола яхши бўлса босиб чиқарамиз. Ёмон бўлса – босиб ётаверамиз. Босмачи десангиз ҳам бўлаверади...

“Ҳой кал!”

Таникли ёзувчи ва публицист Дадахон Нурийнинг 70 йиллик тўйи адибнинг юрти Наманганда катта тантаналар билан нишонланади. Устозлар – Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар Дадахон ака ўқиган мактабга бордик. Ўқувчилар, адабиёт мухлислари меҳмонларни гулдасталар билан кутиб олишди. Кўчалар, йўлақлар янги асфальт қилинган экан, Аҳмаджон Мелибоев унга қараб шундай ҳазил қилди:

– Биз кетгач, бу асфальтлар қайта йиғиштириб олинмайди-ми?

Тантаналар тугаб, меҳмонхонага қайтаётганимизда кимдир шундай тақлиф қилиб қолди:

– Дадахон акага ўзи ўқиган мактабда ҳайкал ўрнатиш керак!

Аҳмаджон шундай кўшимча қилди:

– Дадахон акага ҳозир эмас, 80 ёшга кириб, сочлари оқариб, бутунлай тўкилиб кетганда ҳайкал қўйиш керак, ўшанда ҳайкал эмас, “Ҳой кал!” бўлади.

Шоирнинг дадаси

Шоир Рустам Мусурмоннинг асосий иш жойи Ёзувчилар уюшмасида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эса чорак ҳажмда қолган, ҳафтада бир-икки бор кўришиб турарди.

Шоирнинг отаси Равшан бобо ёши етмишдан ошган бўлса-да, ҳамон тетик, ғайрат-шижоатли, бунинг устига қўли гул боғбон экан, ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғига келиб, ховлиларга экилган мевали кўчатларни қайчилаб, қайси мевани қандай парвариш қилиш, қандай суғориш кераклигини бу ерда истиқомат қилаётган ижодкорларга яхшилаб тушунтира-

ди. Бундан хурсанд бўлган Аҳмаджон Мелибоев бир куни Рустамни хонасига чакириб, шундай дейди:

– Мулла Рустамбой, номерга мўлжалланган материаллар ўз вақтида тушмаяпти, ўтган ойда жиддий публицистика ёзиб бераман деган эдинг, бу иш ҳам амалга ошмади. Дўрмонда бўлса Равшан бобо боғни гулдай яшнатиб кўйди. Ҳаммамизга фойдалари тегиб турибди. Сен бўлсанг... Хафа бўлмагин-у, бу аҳволда сени бўшатиб, ўрнингга... дадангни ишга олишга мажбур бўламиз...

Аҳмад Саъдий

Бир куни Аҳмаджон Мелибоев газетага материаллар ўз вақтида тушмаётганидан ташвишланиб ўтирса, телефонда кимдир Маҳмуд Саъдийни сўраб қолади. Гўшакни бош муҳаррирнинг ўзи кўтаргани учунми, ҳаяжонланиб

– Алло, бу Маҳмуд Отабойми? – деб юборади.

– Йўк, бу Аҳмад Саъдий, – (Аҳмад – таҳририят ходими Аҳмад Отабоев – Ш.О.) дейди Аҳмаджон ака хозиржавоблик билан.

Устоз қаерда?

Журналистикамизнинг тиниб-тинчимас заҳматкашларидан бири Маҳмуд Саъдий адабиёт газетасининг фаол ва куюнчак ходимларидан эди. Устоз шу жамоада салкам ўттиз йилдан бери меҳнат қиларди. Газетачилик қон-қонига сингиб кетган. У кишининг таҳрири, талабчанлиги, сўз ва ибораларни тўғри қўллаш, бирламчи манбалар билан ишлаш борасидаги талабчанлигига гап йўк.

Маҳмуд ака шароит тақозоси билан қўшни “Маърифат” газетасида ҳам ишлай бошлади. Устознинг маҳорати ёш “маърифат”чиларга анча асқатади. Аммо ҳар тўқисда бир кусур деганларидек, Маҳмуд ака бошқа ходимларга ўхшаб, ишхонада эрталабдан кечгача ўтирмайди. Жиддий мақолаларни уйида таҳрир қилади, шу боис, гоҳида икки-уч кун кўринмай ҳам қолади. Ишни кўнгилдагидай битириб, куннинг иккинчи ярмида – ходимлар ишдан қайтаётган пайтда оғир сумкасини кўтариб кириб келади. Бунга кўпчилик кўникиб кетган.

Бир куни “Маърифат”чилардан бири Аҳмаджондан сўраб қолади:

– Устозни қаердан топсак бўларкин, эрталабдан бери кутамиз-а...

– Эрталабдан бери дейсизми? – хайрон бўлади Аҳмаджон, – биз йигирма йилдан бери кутамиз-ку.

“ЛГ” билса бўлди...

Устоз Одил Ёқубов (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) кексайиб қолганига қарамай, янги роман ёзиб, асар кўлёмасини “Жаҳон адабиёти” журнаliga тақдим этади. Журнал бош муҳаррири вазифасини бажараётган шоир Мирпўлат Мирзо уни муаллифга қайта ишлаш учун бериб юборади. Бундан бироз ранжиган Одил ака Мирпўлатга телефонда нордонгина иддао қилади:

– Ҳой, Мирпўлат, ўзингмисан, бу нима қилганинг, йўғимда кўлёмани уйимга ташлаб кетибсан-а, нима, мени танимай колдингми, сен болани тушунолмайд колдим-ку!..

Табиатан ҳазилкаш Мирпўлат устозга лутф қилмокчи бўлади:

– Одил ака, “Литературная газета”ни ўқимадингизми, мен ҳақимда яхши мақола чиққан, ҳаммаси ўша ерда ёзилган!

Бу воқеани Мурод Абдуллаевдан эшитган Аҳмаджон Мелибоев бироз ўйланиб туриб, шундай жавоб қилади:

– Муродилла, замон хўб ўзгарди-да. Авваллари “Менинг кимлигимни ЭЛ билса бўлди”, деб куйлар эдик, мана энди “Кимлигимни “ЛГ” билса бўлди” дер эканмиз-да...

Аҳмад Дониш

Советлар замонида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг кўплаб танқидий мақолалари цензура тўсиғига учраган. Газета муҳаррири материалларни чоп этишга рухсат берувчи ташкилот раҳбари билан ҳар пайшанба – газета саҳифаланадиган куни даҳанаки жанг қилган. Бу ташкилот газета ишига асоссиз аралашаверганидан жиғибийрон бўлган Аҳмаджон ака бир куни ўзи ёзган мақолага бир донишманд номидан: “Ўзи тушунмаган нарсага бурун сукиш фаросатсиз-

лик белгисидир”, деган жумлани ёзиб қўйган экан, цензура бошлиғи гапнинг тарнови қаёққа бурилаётганини сезиб қолиб, Аҳмаджон акадан жиддий сўраб қолади:

– Кечирасиз, ўртоқ муҳаррир, бу гапни қайси донишманд қачон, қаерда айтган?

– Бу гапни йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган бир донишманд айтган, – дейди Аҳмаджон ака қувлик билан.

– Ўша донишманднинг исми, фамилияси борми?

– Бор, Аҳмад Дониш деган донишманд. Бу улуғ зот Бу-хорода яшаган, билсангиз керак, кўплаб асарлар ёзган. Яна қўшимча маълумотлар керакми?

– Аҳмад Дониш денг? Ҳа, у кишини биламан, катта ёзувчи бўлган. Фақат, ўртоқ Донишнинг номини мақолага кири-тиб қўйинг, ундан кейин “бурун суқиш” деган жойини ўзгар-тиринг, – дейди цензура ходими бўшашиб.

Цензура ва дурадгор

Мустакиллик арафасида республика газета-журналлари бош муҳаррирлари иштирокида катта йиғин ўтказилади. Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамаси якунлангач, маж-лисга раислик қилаётган раҳбар йиғилганлардан: “Бошқа яна нима гаплар бор?” деб сўраган экан, муҳаррирлар ёппасига цензурадан шикоят кила кетишибди. Деярли ҳамма гапирибди, аммо бу мавзуда доимо куюниб юрадиган, фикрини очик айта-диган Аҳмаджон Мелибоев жим ўтираверибди. Шунда мажлис раиси “Бу масалада адабиёт газетаси муҳаррирининг фикрини эшитайлик-чи” деган экан, Аҳмаджон ака шахдам ўрнидан ту-риб, шундай депти:

– Фикрим ёмон эмас, яқиндан бери цензура билан девор дармиён қўшни бўлиб қолдик. Аммо бир муаммодан бошимиз сал котиб турибди-да...

– Нима муаммо экан, аниқроқ гапиринг, мажлисни якунла-шимиз керак, – дебди раис бетоқат бўлиб.

– Шу десангиз, таҳририят биносини биласизлар, коридори торроқ. Бунинг устига яхши ёритилмайди. Бир амаллаб иш-лаб юргандик, цензура кўчиб келганидан кейин аҳволимиз ўзгарди-қолди. Ҳамма хоналарнинг эшиклари ичкарига очил-са, буларники ташқарига очилади. У ёққа ўтсак ҳам, бу ёққа

ўтсак ҳам пешонамизни уриб олаяпмиз. Ғурра бўлмаган жойимиз қолмади. Бир иложи йўқмикин-а?

Кинояни тушунмаган раҳбарлардан бири Аҳмаджон акага ўгирилиб, шундай дейди:

– Менга қаранг, ука. Шу гап шундоқ идорада айтиладиган гапми? Дурадгорга айтсаларинг бас – бир зумда ичкарига очиладиган қилиб қўяди. Э, ўргилдим...

Юмшади...

Цензуранинг ўта талабчан ходими Аҳмаджон акани хонасига чақириб, газетанинг тўртинчи саҳифасида эълон қилинаётган шеърлардан биридаги “Ғуссага ботди кўнглим” деган сатрга эътироз билдиради. “Ўзи ёш йигит бўлса, нега энди ғуссага ботади, ўзгартиринг” деб талаб қилади. Шунда муҳаррир эгри қозикқа эгри тўқмоқ қабилида китмирлик қилади:

– “Ғусулга ботди кўнглим” десак бўладими?

Умрида бу сўзни эшитмаган ходим хурсанд бўлиб кетади:

– Бўлади, қаранг, олдингидан анча юмшади.

Бир ҳафталик обуна

Ёзувчилардан бири адабиёт газетасига ҳажми анча катта мақола олиб келади. Аҳмаджон уни ўқиб, кераксиз, қайтариқ жойларини қисқартиради.

– Муҳаррир ука, сизга жуда ҳурматим баланд, – дейди муаллиф илтифот билан, – мақоламни қисқартирмай берсангиз кўп яхши бўларди-да. Қалам ҳақиқага газетангизга обуна бўлмокчиман.

Муҳаррир бамайлихотир жавоб қайтаради:

– Қисқартирмасам ҳам бўлар эди-ю, аммо бизда бир ҳафталик обуна йўқ-да, ака...

Икки тоифа

Обуна тўғрисида турфа хил ҳангомаларни тўқиб юрадиган Аҳмаджон Мелибоев бир йили Термиз шаҳрида ўтаётган катта бир йиғинга таклиф этилади. Нотиклар бирин-кетин сўз олиб,

дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, қуролли можаролар, иркий камситишлар тўғрисида фикр билдиришади. Сўз навбати Аҳмаджон акага келганида, у ўзини ўта жиддий тутиб, аста гап бошлайди:

– Биродарлар, бир ўйлаб кўрайлик. Устоз Абдулла Орипов айтганидек, ер шари ўзи Қуванинг аноридек жой асли. Шу жойни талашиб-тортишиб, китаъларга, минтақаларга, давлатларга, вилоятларга, шаҳару кишлокларга, катта кўча, тор кўча, калта кўчаларга бўлиш инсофданми? Бу ҳам етмаганидек, одамларни оқ танли, қора танлиларга, бой-камбағалларга, эр-кагу аёлларга, беваю сағирларга, тadbиркору танбалларга, соғу беморларга, муғомбиру содда-сўтакларга ажратамиз. Мана, мен, умримда бундай қилган эмасман. Газетага муҳаррир бўлганимдан бери дунёдаги олти миллиарддан зиёд аҳолини бор-йўғи икки тоифага ажратаман: Адабиёт газетасига обуна бўлганлар ва обуна бўлишни пайсалга солиб юрганлар...

Дўппи тор келганда...

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, адабиёт газетаси ҳам бошқа нашрлар қатори иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолади. Таҳририят аъзолари маслаҳат қилишиб, газетанинг баъзи саҳифаларига реклама материалларини жойлаштиришга қарор қилишади.

Бир куни янги ташкил этилган “Резико” суғурта компаниясининг вакиллари таҳририятга эълон олиб келишади. Муҳаррир уларни самимий кутиб олади ва эълонни ўн марта такрорлашни таклиф этади. Аммо мижозлар бунга кўнмайди.

– Дастлаб икки марта эълон қилинглари, натижаси яхши бўлса, яна беш мартага шартнома тузамиз, – дейишади суғуртачилар.

Газетанинг навбатдаги сони чиқиши билан муҳаррир эълонда кўрсатилган телефон рақамларини кунига ўн беш-йигирма марта териб, ўзбекча, ўрисча, козoкча, қирғизча, тожикча лаҳжада сўрай бошлайди:

- Алё, бу “Резико”ми? Борсак бўладими?
- Алё, это “Резико”, пожалиста, как Вас найти?
- Алё, “Резико”...

Эълон иккинчи бор чоп этилгач, суғуртачилар яна уч мартага шартнома тузишади. Муҳаррир эринмай, тинимсиз

қўнғироқ қилишда давом этаверади: “Алё, Фарғонадан безовта қияпмиз...”, “Алё, Тошкентми бу, бизга “Резико” керак эди, алё...”.

Эълон бешинчи марта чоп этилгач, Аҳмаджон ака суғурта компаниясига қўнғироқ қилиб, “Резико”чилардан хол-аҳвол сўрайди:

– Ҳорманглар энди, ишлар юришиб кетгандир. Уззукун сизларни сўраб бизга телефон қилишяпти. Ишлагани қўйишмайди-я. Яна беш мартага...

– Э, куллуқ, жуда етарли бўлди,– дейди кимдир у томонда чуқур хўрсиниб, – эрталабдан кечгача қўнғироқ қилишади, аммо биронта зот келмайди-я...

Сопол ва соқол

Риштонлик Тоҳиржон исмли кулол йигитнинг номи кўпчиликка таниш. Унинг оддий сополдан ясаган ажойиб асарлари мамлакатимизда, қатор хорижий кўрғазмаларда ҳам намоиш этилиб, муносиб баҳо олган. Риштонда кулол кўп, “Тоҳир сопол” демасангиз, топиб беришмайди.

Бир куни Аҳмаджон Мелибоев таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан бирга Чимён сафаридан қайтаётиб, бир зумга Тоҳир сополнинг устахонасига кириб ўтишади. Унинг янги асарлари ҳақида фикр юритишади. Шу ерда ҳозир бўлган шоир Баҳодир Исо Тоҳиржоннинг ижоди ҳақида меҳмонларга сўзлаб бераркан, шундай дейди:

– Мен ҳам анча йиллар сопол билан шуғулланганман, аммо ҳеч ким мени “Баҳодир сопол” деган эмас. Тоҳиржон омади кулган йигитлардан-да.

Аҳмаджон ака шоирга тасалли беради:

– Парво қилманг, шоир, вақти-соати келиб, сизни бир йўла “Баҳодир соқол” деймиз-қўямиз...

Ёнгоқнинг таъсири

Дўрмонда шоир Турсун Алининг томорқаси уч метрга кенгайгач, бўшаган ерга қандай дарахт эксам экан дея қўшниларга маслаҳат солади.

– Мажнунтол экинг, шоирсиз, соясида илҳомланиб шеър ёзасиз! – дейди Аҳмаджон.

– Ёнғок ҳам зўр дарахт! – кўшимча қилади Азим Суюн. – Мен кўп шеърларимни ёнғокнинг тагида ёзганман.

Шунда Аҳмад оға одатича гапни ҳазилга буради:

– Э-э, шунинг учун ҳам ёзган асарларингизни кўп таҳрир қилишга тўғри келаркан-да!

Авал сўзбоши...

Даврадаги гурунгда бир танкидчининг қулоғи қизиётганди:

– Э, уми? Бўлмайди, ёзганлари бир тийин.

– Ҳа, ўртамиёна нарсаларни ҳам мактаб, осмонга чиқариб кўяди.

– Танкидчи ҳам одам, бировга ёмон кўрингиси келмайди.

– Аммо бунчалик эмас-да!

– Менимча, – дейди Аҳмаджон баҳсга қўшилиб, – авал у кишига сўзбоши ёздириб, кейин шу асосда асар ёзиш керак!

Хирмонга барака

Газетачиликда қизик-қизик воқеалар бўлиб туради. Гоҳо материаллар етишмай қолади, борлари вақтида ишлаб туширилмайди. Баҳор ойларида эса ёшу кексанинг илҳоми қайнаб, таҳририятга кучок-кучок шеърлар тўхтовсиз оқиб келаверади. Шеърлари чиққан шоирлар хурсанд, асари туриб қолганлари ёки қайтганлари эса хафа. Ҳамманинг кўнглини олиш қийин.

Бир гал худди шундай ҳолат юз берганида муҳаррир Аҳмад оға тўрт қатор шеърни қоғозга туширади-да, қабулхона эшигига осиб кўяди:

*Баҳор келиб, газетани
Мақоламас, шеър босди,
Саҳифага сигдиrolмай,
Муҳаррирни тер босди.*

Орадан бир-икки ой ўтгач, қабулхона эшигида бошқа бир тўртлик пайдо бўлади:

*Баҳор қайтиб, шеър хирмони
Сал бўлса-да пасайди.*

Эҳ, ишқилиб кузга яқин
Яна шеър босмасайди.

Тезкорлик

Тезкорлик, ҳозиржавоблик газетачи учун сув билан ҳаводек зарур. Аҳмаджонда ана шундай фазилат борлигига бир гал шахсан ўзим гувоҳ бўлганман.

Кунлардан бир кун Адабиёт газетасига катта бир мақола олиб бордим. Бош муҳаррир йўқ экан, мақолани столида қолдирдим. Бешинчи қаватда Ҳабиб Темиров билан уч-тўрт партия шахмат ўйнагач, яна учинчи қаватга қайтиб тушдим. Аҳмаджон келган экан, бир оз гурунглашдик. Ногоҳ стол четидан турган бояги мақоламга кўзим тушди.

– Дарвоқе, боя мана шу нарсани қолдириб кетувдим, – дедим.

Муҳаррир мақолага бирров кўз ташлаб, жавоб қилди:

– Ҳа, бу мақола бизда чиқиб кетди.

– Қанақасига... чиқиб кетади? – хайрон бўлдим. – Шу бугун эрталаб, икки соат олдин ташлаб кетувдим-ку!

– Чиқиб кетган, газетани ўқиб туриш керак, – деди муҳаррир пинагини бузмай.

– Икки соат ичида мақола чиқиб кетиши мумкин эмас, нега тушунмайсиз?! – муҳаррир газетада илгари чоп этилган мақоласини яна олиб келган деб ўйлаётгандир дея жаҳлим чиқа бошлади.

– Ишонмасангиз юринг, чиқиб кетганини ҳозир кўрсатаман! – деди Аҳмаджон ўрнидан туриб. Ноилож унга эргашдик. Газета саҳифаланаётган хонага бордик.

– Элёр, олтинчи саҳифани очворинг! – деди муҳаррир саҳифаловчига.

Клавиш тугмачаси босилиши ҳамон мониторда лип этиб олтинчи саҳифа пайдо бўлди. Унда менинг икки соат олдин олиб келган мақолам чиройли қилиб жойлаштирилган эди. Шундагина тезкор муҳаррирни тушундим. У маъкул бўлган мақолани номерга қўйворган экан.

– Э қойил, раҳмат! – дедим хурсанд бўлиб.

Аҳмаджон Мелибоев ана шундай муҳаррир эди!

ШАРОФ БОШБЕКОВ БИР КУНИ...



Шароф Бошбеков 1951 йили Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Губир қишлоғида туғилган. 1974 йили Тошкент театр ва рассомлик институти (ҳозирги Санъат институти)нинг мусикали актёрлик бўлимини битирган.

Илк драматик асари – “Тақдир эшиги” комедияси, сўнг “Тикансиз типратиканлар” пьесаси, “Тушов узган тулпорлар” драмаси талай театрларда сахналаштирилди, Ёзувчилар уюшмасининг “Мақсуд Шайхзода” (1989 й.) номидаги йиллик мукофотиغا сазавор бўлди.

Ҳажвий ҳикоялари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг “Йилнинг энг яхши ҳажвий асари” (1982 й.) мукофотиغا муносиб кўрилди. “Муштум” журналида эълон қилинган “Буюк мактанчоқлик”, “Буюк кўрқоқлик”, “Буюк бахтиёрлик” номли публицистик чиқишлари учун “Йилнинг энг яхши публицистик асари” (1992 й.) мукофоти берилди.

Адибнинг машҳур “Темир хотин” номли пьесаси аввал Республика миқёсида ўтказилган театр фестивалида бош соврин – “Гран-при”ни кўлга киритди, сўнгра Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўтказилган театр фестивалининг мутлақ ғолиби деб топилди. Ушбу пьеса асосида бадий фильм, оперетта ишланди, Тошкент ва Москвада нашр қилинди. 1990 йилда “Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти”га сазовор бўлди.

Адибга “Ўзбекистон хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилди (1996 й.).

“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби (2001 й.).

Ҳамма нарса нисбий

Таниқли драматург Шароф Бошбеков ниҳоятда ҳазилкаш, қувноқ ижодкор. Кулги, беғубор юмор унинг асарларига алоҳида, бетакрор бир жозиба бахш этган. У мухбирларнинг жиддий саволларига ҳам мутойиба, қочиримлар билан жавоб беришга одатланган.

Кунлардан бир кун “Оила ва жамият” газетаси мухбири Азиз Абдувалиевнинг ўсмоқчилаб “Шароф Бошбеков – катта ёзувчими?” деган қитмироқ саволига ўзигагина хос бўлган ғаройиб ҳазил билан, шундай жавоб қилади:

– Бу энди “катта” деганда нима назарда тутилишига боғлиқ. Ҳаётда ҳамма нарса нисбий. Дейлик, жусса масаласида – Азиз Абдуразоқдан каттаман, Маматкул Ҳазраткуловдан кичикман. Ёш масаласида Хайриддин Султоновдан катта, Шукрулло домладан кичикман. Китоб чиқаришда – Ҳамид Ғуломдан кичик, Иномжон Турсуновдан (битта ҳам китоб чиқармаган) каттаман. Унвон масаласида – Яшин (узок йиллар Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган, ҳамма унвонларни олган адиб – *Ш.О.*) домладан кичик, Тилак Жўрадан каттаман. Мансаб пиллапоясида – Усмон Азимдан (ўша кезлар нуфузли идорада, масъул вазифада хизмат қиларди – *Ш.О.*) кичик, Рауф Парфидан (бирон жойда ёлчитиб ишламаган, дарвешфеъл шоир – *Ш.О.*) каттаман. Уйимнинг марказга узок-яқинлиги жиҳатидан – Учкун Назаровдан нариман, Саид Аҳмаддан (узок йиллар Дўрмонда яшаган адиб – *Ш.О.*) бериман.... Алқисса, бу ёғидан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг...

Адибнинг ғаройиб жавобидан завқланган мухбир гапни яна ҳазилга буради:

– Аёлингиз ёзганларингизни ўқиб борадими? Ўқиб, бирор жўяли маслаҳат берсалар, кулоқ соласизми?

– Ўқийди, лекин ҳозирча бирон жиддий эътироз билдиргани йўқ. Очигини айтаверайми? Энди...талантли ёзувчи асарини хотини эътироз билдирмайдиган қилиб ёзиши керак-да! Битта хотинни алдаёлмаса, бу ёқда қиличини қайраб турган танқидчиларга қандай қилиб чап беради?

Мабодо хотинга нимадир ёқмай қолса, унинг танқидини қирқадиган йўлини ўйлаб қўйганман. Дейлик, қайсидир асарим унча маъқул бўлмади. Ундан олдин ўзим ёмонлаб кетаман: “Э,

асар-пасар бўлмади бу! Мантикнинг “М” ҳарфийам йўқ! Бешинчи синф ўқувчиси бундан яхши ёзади! Бировга кўрсатишга ҳам уялади одам. Ё ёқворсаммикин-а?”

Шундай “обработка”дан кейин хотиннинг ўзи “Йўқ, жа унчаликмас-у... Энди, бундан баттар асарлар ҳам чиқиб ётибди-ку” деб асаримнинг ёнини ола бошлайди. Хуллас, ишончли усул, шу пайтгача ҳечам панд бермаган...

Робот ҳам... тугади

Фарғона вилояти театрининг 60 йиллик юбилейига таниқли драматург Шароф Бошбеков ҳам таклиф этилади. Унинг “Темир хотин” спектакли ушбу театрда сахналаштирилиб, машхур бўлиб кетган, шу боис драматург тантанада сўз беришганда жўялироқ гап айтишим жоиз деб ўйлар, аммо туни билан поездда доимий, “штатний” улфати Машраб Бобоев ҳамроҳлигида обдан “калласи ишиб” келгани учун хаёлига дурустроқ фикр келмас эди.

Ўша кезларда “Темир хотин” спектаклидаги робот аёл ролинг ижрочиси Ойқарам Ҳалимова ва “Темир хотин” фильмида робот аёл ролини ўйнаган Дилором Эгамбердиевалар фарзанд кўришган эди. Ана шу воқеалар туртки бўлди-ю умрида шеър ёзмаган драматургнинг илҳоми жўшиб кетиб, шундай бир шеърни коралаб кўяди:

*Не балолар ёгилса ҳам
Аёл бешик қучаверар.
“Тугмоқ зарар!” дея баъзи
Маддоҳлар лоф ураверар.
Биров алла айтса, улар
Томогидан бўгаверар.
Лек қасдма-қасд ўзбекларнинг
Роботи ҳам тугаверар!*

Шароф Бошбеков эртаси куни тантанада бу ҳазилни ўқиб берганида бутун зал оёқка калқиб, гулдурос карсақлар билан олқишлашади. Бу писанда ўша кезларда “Оилани режалаштириш” деган сохта шиор остида жойларда амалга оширилаётган бемаъни тарғиботга яхшигина жавоб бўлган эди.

Ғамхўрлик

Шароф ака кейинги пайтларда тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолди. Бир куни хотини ишхонасидан ҳинд йогларининг машқ дастурини олиб келди.

– Мана шу машқлар билан мунтазам шуғулланиб турсангиз, сизни ҳеч қанақа касаллик безовта қилмайди, – дейди хотини ишонч билан.

Драматург астойдил киришиб шуғуллана бошлади. Мундоқ қараса, китобда нуқул машқ қилаётган аёлларнинг расми чизилган, биронта ҳам эркаги йўқ экан.

– Менимча, бу китобинг хотин-қизларга мўлжалланганов? – дейди адиб шубҳаланиб.

– Йогларда эркак-аёл деган гап йўқ, – дейди аёли эрини юпатиб. – Одам организми бир хил.

Шароф ака организм бир хил экан деб, яна беш-олти кун шуғулланиб юради. Барибир кўнгли тўлмайди. Шубҳа-гумонлар оёқ-кўлини боғлаб ташлайди. Бир куни яна ёрилади:

– Йўқ, бу хотинларники! – дейди шубҳа-гумонлардан чарчаб. – Мана, қарагин, биронта куч ишлатадиган машқлар йўқ, ҳаммаси нозик, енгил-елпи ҳаракатлар. Точно, хотинларники!

Хотини эрига раҳми келиб термилади:

– Нима, сезиляптими?..

Оғир замон

Ичкиликбозликка қарши кураш айна қизиб, бир кружка пиво ичганни ҳам миршаблар мошинга солиб олиб кетадиган замонлар эди. Дарвешфёъл шоир Азиз Абдураззоқнинг бир эски портфели бўларди. Жуда машхур портфель эди, чунки ичида ё тўла, ё ярми ичилиб тикинланган виноми, арокми, коньякми – албатта топиларди. Бир куни Азиз ака “Табассум” радиожурнали таҳририятига кириб келдилар. Қўлларида ўша машхур портфель. У киши билан сўрашаётганларнинг кўзи ўша “ҳазина”да. Шароф Бошбеков билан гурунглашиб ўтирган радиожурнал режиссёри Раҳмат Жумаев умид билан портфелни кўтариб-кўтариб қўйди-да, Азиз акадан сўради:

– Устоз, портфель оғирми?

Азиз ака энди жавоб қилиш учун оғиз жуфтлаганда Шароф ака шундай луқма қилади:

– Йўқ, дўстим, замон оғир, замон...

“Ш” ҳарфи

Ёзувчиларнинг “Дўрмон” ижод уйида Шукрулло домла билан устоз Саид Аҳмад суҳбатлашиб ўтиришганди. Шукрулло домланинг қандайдир сахна асари ҳақида газетада танкидий мақола эълон қилинган экан, домла жиғибийрон бўлиб турибди. Шароф ака ўзича вазиятни чамалади-да, домлани юпатиб, кўнглини кўтармокчи бўлди.

– Парво қилманг, домла, ўзи ҳамма буюк ижодкорларнинг исми “Ш”дан бошланади, – дейди “икковимиздан зўри йўқ” деган маънода. – Масалан, Шекспир, Шиллер, Шуман, Шуберт, Штраус... – Кейин Россиялик буюкларни санашга тушадди – Шостакович, Шолохов, Шукшин... Ўзимизникилардан айтадиган бўлсак – Шайхзода, Шукур Бурҳонов, Шукрулло, Шукур Холмирзаев...

– Шароф Бошбеков... – дейди домла ҳазилни тушуниб.

– Канешно! – дейди драматург ясама виқор билан. Ва шу асно кулимсираб турган устоз Саид Аҳмадга кўзи тушиб, яна кўшимча қилади:

– Шаид Аҳмад...

МИРПЎЛАТ МИРЗО БИР КУНИ...

Мирпўлат Мирзо 1949 йил 20 августда Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999). ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган (1971). “Тонг жилваси” (1976), “Ишқ фасли” (1978), “Яхши кунлар” (1981), “Сунбула” (1985), “Мовий дарё” (1988), “Атиргул ва юлдузлар” (1990), “Онажон” (1995), “Сайланма” (2005), “Най” (2014) каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган. “Сомон йўли чечаклари” (2004), “Сайра, дўмбирам” (қозоқ шеърӣати антологияси, 2005), Г. Э. Лессингнинг “Донишманд Натан” шеърӣи драмасини, В. Шекспирнинг “Ёз куни ғаройиботлари” пьесасини ўзбек тилига таржима қилган. Борис Пастернак (1999) ва “Алаш” (2001) номидаги халқаро мукофотлар соҳиби.



Таниқли шоир, моҳир таржимон Мирпўлат Мирзо қувноқ, ҳазилкаш ижодкор. Унинг мўлжалга беҳато урувчи луқмалари, бетакрор, ажойиб ҳазил-мутойибалари, лутфлари ёру биродарлар, ёзувчилар ўртасида маълум ва машҳур. Айниқса, хозиржавобликда унга тенг келиш қийин.

Мирпўлат билан яқин дўстмиз, шу боис ушбу хангомаларнинг аксариятига шахсан ўзим гувоҳ бўлганман.

Уйланиш... хавфли

Кунлардан бир кун Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида тамадди қилаётган эдик. Гурунг авжида. Даврада сўққабошлар ҳам бор. Шулардан бири – шоир Рауф Парфи ногоҳ шундай гап қотади:

– Мана, ҳаш-паш дегунча элликниям уриб қўйибмиз. Беш-олти марта уйланганимизни ҳисобга олмасак, бу дунёда яшашнинг ҳам умуман қизиги йўқ экан.

– “Қўшиб ёзиш” бўлмасин, энди икки марта уйландингиз, холос, – дейман.

– Дарвоқе, келинлар, Рауф акани уйлаймиз! – дея таклиф қилади энг ёш сўққабош ёзувчи Набижон Боқий.

– Йўқ, олдин сизни уйлайлик, – Рауф ака ўзича мурувват кўрсатган бўлади.

Ўқланган милтиқдек шай турган Мирпўлат Мирзо шундай лукма қилади:

– Олдин Набижон уйлансин-чи, ҳеч нарса бўлмаса, кейин Рауф ака уйланади.

Ундай бўлса...

Шоир Азиз Абдураззоқ кўчада Мирпўлатни учратиб, суюниб кетади.

– Мирпўлат, сени кўрганим яхши бўлди. Мана, мен ҳам табаррук ёшга кирдим, элга ош тортмоқчиман. Эртага сабзи тўғрашга келгин.

– Хўп бўлади, Азиз ака! – дейди Мирпўлат ва қўлини томоғига теккизиб сўрайди. – Дарвоқе, ҳалигидан ҳам бўладими?

– Мен ичишни ташлаворганман-ку, Мирпўлат.

– Э шундайми? Ундай бўлса бозордан тайёр тўғралган сабзи олиб қўя қолинг.

Олдиндан билади

Илгари Мирпўлат билан ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ховлисида қўшни эдик. Кунлардан бир кун уни дала ховлисида шоша-пиша ғишт тераётганини кўриб, огоҳлантирдим:

– Мирпўлат! Тоғли жойда зилзила кучли бўлади. Бу деворингиз омонат, ер битта силкинса, кулайди.

– Зилзила бўладиган кун бу ёққа чиқмай қўя қоламиз-да! – дейди Мирпўлат ўйлаб ҳам ўтирмай.

Махфий гап

Мирпўлат Дўрмонда ижод қилаётган кунларнинг бирида зерикиб, гурунглашиш учун кекса ёзувчи Исоқ Ўктамовнинг хонасига чиқади. Шоир Мирзо Кенжабек билан ниманидир кизгин муҳокама қилаётган отахон нокулай бўлса-да, ташрифнинг бемаврид эканлигини айтади:

– Мирпўлат, кечирасиз, Мирзо билан махфийроқ гапимиз бор эди...

Шоир кутилмаган эътироздан мутлақо ўзини йўқотмайди:

– Жуда яхши-да. Шу ерда гаплашасизларми ёки ташқарига чиқасизларми?

Бейхтиёр ҳамма кулиб юборади. Кўнгилларда заррача ғубор қолмайди.

Бўйидан кўрсин

Мирпўлат ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисига ширкат раиси бўлганида дарҳол ишларни юриштириб юборади. Бир куни бўйи жудаям паст бўлган кекса ёзувчи раисдан жиддий талаб қилиб қолади:

– Ўзим меҳнат фахрийсиман, партия ва ҳукуратимизга (шўролар замони эди) кўп хизмат қилганман. Шунинг учун ҳам менга ерни икки ҳисса кўпроқ беришингиз керак.

– Жуда яхши-да, – дейди Мирпўлат кулимсираб, – фақат биз энди ерни ҳар кимнинг бўйига қараб тақсимлашга келишдик.

Бугун якшанба-да

Шоир Ихтиёр Ризо (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) Дўрмонда Мирпўлатнинг Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлганини эшитиб, хурсанд бўлади, шоирни янги лавозим билан табриклайди, сўнг ҳадди сиғиб, илтимосини айтади:

– Мен уй масаласида анчадан буён қийналиб юрибман, олдинги раҳбарлар арз-додимга кулоқ солишмади, мана энди сен ёрдам қиларсан, Мирпўлат?

– Хўп бўлади! – дейди Мирпўлат қув табассум билан. – Фақат бугун якшанба-да!

Ломбард

Бундан кўп йиллар муқаддам маҳалладош қаламкашлар аҳён-аҳён гап-гаштакка тўпланиб турардик. Зиёфат гали дарвешфеъл Рауф Парфига келган куни Мирпўлат билан шоирнинг уйига борсак, хонадон соҳибларидан ҳеч ким йўқ экан.

Ичкаридан Рауф аканинг фарғоналик шогирди, ёш шоир Ғулом Фатҳиддин чиқди. Бугун туғилган куни эканини айтиб, астойдил уйга таклиф қилди. Ишонқирамаган эдик, эринмай паспортини кўрсатди, қарасак ростдан ҳам туғилган куни экан. Ноилож ичкарига кирдик. Кўп ўтмай бошқа жўралар ҳам бирин-кетин келишаверди. Қўшни йўлакда турадиган таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов ҳам давраимизга келиб қўшилди. Ғуломжон ҳаракатга тушиб кетди. Мезбонларнинг йўқлигини билдирмай, баҳоли қудрат бизни меҳмон қилишга уринди. Орадан икки-уч соат вақт ўтгач, Фарғонадан узоқ йўл босиб Рауф аканинг яқин дўсти, машҳур хонанда ҳам етиб келди. Хуллас, келиш эҳтимоли бўлганларнинг ҳаммаси тўпланди, фақат мезбонлардан дарак йўқ эди. Анча-мунча ичмайдиганлар ҳам аламига ичиб, ширин бўлиб олишди. Мезбонларнинг йўқлиги ҳам эсдан чиқиб кетди. Алламаҳалда эшик кўнғироғи жириглаб, остонада Рауф ака хотини билан кўринди.

– Э, хотин, ичкарида инсонлар борга ўхшайди! – деди Рауф ака таажжуб ила хитоб қилиб.

– Шунақасиз-да! – деди хотини эрига таъна қилиб. – Нахотки меҳмонлар келишини билмаган бўлсангиз?!

– Масалан, мен билмас эдим. Ўзингиз-чи?

– Э, қўйинг-э!

Қисқа кўринишли бу спектакль-томошани эр-хотин боплаб ижро этишгач, уй бекаси ҳафсаласи пир бўлгандек қўл силтади-ю ичкарига кириб кетди.

Салом-алиқдан сўнг яна гурунг давом этаверди. Фақат Фарғонадан келган хонандагина ҳамон тажанг-дилтанг эди. Ахийри у Рауф акага қараб зуғум қила кетди:

– Рауф! Сенда озгина масъулият, одамгарчилик борми ўзи? Зиёфат берадиган одам ҳаммани лақиллатиб, қаёқларда санғиб юрибсан? Беш юз километрдан аҳмоқ бўлиб келибман-а!

Рауф ака қараса аҳвол чаток, энди ҳазил-мутойиба билан қутулолмаслигига кўзи етиб, тўғриси айтиб қўя қолди:

– Зиёфат учун ҳамма нарса етарли эди, фақат шу... арзиман нарса – пул савил топилмай қолди-да! Бир жойдан озгина қалам ҳақи чиқиши керак эди, уям бўлмади. Ноилож ломбардга (қимматбаҳо буюмлар эвазига пул бериб турадиган гаровхона – Ш.О.) борсак, у ҳам ишламас экан.

Шунда ҳозиржавоб Мирпўлат хонандага ишора қилиб, унинг яқин дўстларига кўрсатадиган беғараз химматини назарда тутиб, шундай лўқма қилди:

– Ломбард Фарғонага кетиб қолган экан денг!

Ҳаммамиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордик. Ҳазил баҳонасида исканжадан қутулган Рауф ака ҳам сал енгил торғди.

P . S

(Китобнинг олдинги нашрларида ўша машҳур хонанданинг кимлиги ҳурмат-эҳтиром билан очиқ айтилган эди, афсуски, ҳаётда ўзи ҳам ҳазилкаш бўлган, яхшигина аския айтишадиган акамиз юқоридаги лўф-ҳазилни тушунгиси келмай: “Мен сизга ҳали ломбард бўлиб қолдимми?”, – дея қутилмаганда каминага иддао қилгани боис бу гал номини айтмай қўя қолдим. Аммо гап ким ҳақида кетаётгани кўпчиликка аён...)

Яхши бузоқ

Ёзувчилар уюшмаси вақтинча иккига бўлиниб кетган кезлар эди. Кунлардан бир кун уюшма котиби Мирпўлат Мирзо, ёзувчи Набижон Боқий ва камина қандайдир тадбирда қатнашиб, уйга қайтаётган эдик. Йўл-йўлакай гурунглашиб бордик.

– Мирпўлат ака, Адиблар иттифоки (Мустақилликдан илгари ёзувчилар уюшмаси вақтинча иккита гуруҳга бўлиниб кетган давр – *Ш.О.*) менга уй берадиган бўлди, – деди ушбу Иттифоққа аъзо бўлган Набижон қувлик билан. – Энди сизлар дала ҳовли беринглар!

– Бўпти, – деди Мирпўлат қулимсираб, – унда сиз киш фасли Адиблар иттифоқида, ёзда эса Ёзувчилар уюшмасида бўласиз. Яхши бузоқ иккита сигирни эмади-да.

Кўшимча маслаҳат

Ёшига нисбатан анча тетик, бардам кўринадиган кекса ёзувчи Исоқ Ўктамов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) парҳезга қатъий амал қилар, мутлақо чой ичмас, гўшт емас, ҳафтада бир-икки кун оч юрар, айрим одатларини бошқа ёзувчиларга (жумладан каминага) ҳам “юқтирган” эди.

Кунлардан бир кун Дўрмондаги ошхонада тамадди килаётгандик, кимдир сўраб қолади:

– Исоқ ака, наҳотки мол гўштини ҳам ейиш мумкин эмас? Дўхтирлар мол гўштини қўйниқига нисбатан фойдалироқ дейишади-ку!

– Мол гўштини умуман еса бўлади, – дейди Исоқ ака салмоқ билан, – фақат уни қийма қилиб ёки яхшилаб қайнатиб истеъмол қилиш керак.

Шунда Мирпўлат қўлини маънодор ҳаволатиб, ўзича масалага яна бир муҳим “аниклик” киритади:

– Дарвоқе, унутманг, гўшт молнинг чап оёғидан кесиб олинган бўлиши керак!

Жарақ-жарақ сатрлар

Мирпўлат Мирзо ҳар қандай қийин, мураккаб шароитда ҳам ижоддан бир лаҳза тинмас, асаби темирдек мустаҳкам (дўстларининг ҳазиллашиб айтишича, асабнинг ўзи йўқ!) эди. У, айниқса, Дўрмонда жуда яйраб, мароқ билан ёзар, ижоднинг завку сурури, нашъу намосидан баҳраманд бўла олар эди.

– Мирпўлат ака! – дейди бир куни Дўрмонга вилоятдан келган ёш ижодкорлардан бири, – бозор иктисодиёти шароитида ёзган янги шеърларингиздан ўкиб беринг, эшитайлик.

– Хўп бўлади, – дейди Мирпўлат кулимсираб, – фақат бозор иктисодиёти шароитида энди шеърлар дейилмайди.

– Хўш, нима дейилади бўлмаса?

– Энди жарақ-жарақ сатрлар дейилади.

От минмаган шоир

Ёзги таътилда андижонлик маърифатпарвар раҳбар дўстимиз Абдухалилхожи Чақалов тоғ ҳавосидан бир баҳраманд бўлиб кетинглар дея дам олишга таклиф қилди. Хўп дедик. Йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб дегандек, қардош Қирғизистоннинг Тошқўра деган бағоят бир гўзал масканида тўхтадик. Эртаси куни чорвадорлар хузурига – яйловга чиқиб кетдик. У ерда от минишга тўғри келди. Болаликда анча-мунча машқини олганим қўл келди шекилли, кийналмай эгарга сакраб, отни елдириб кетдим. Кимнингдир ёрдамида отга аранг

ўтириб олган Мирпўлат эгар қошидан икки қўллаб маҳкам ушлаб олганча, турган жойида кимирламай, қаққайиб турарди.

– Ҳа, нима бўлди? Юрмайсизми? – дедик ҳайрон бўлиб.

– Отни... қандай қилиб кўрқитади? – деб сўради ўзи ҳам кўрқиб, кўзлари жавдираб турган шоир.

Ҳаммамиз кулиб юбордик. Шоири тушмагур “Отни қандай қилиб юргизади?” демоқчи экан.

– Отни яхшилаб бир сўкинг, шунда ўзи кўрқиб, йўрғалаб кетади, – дея маслаҳат берди Абдухалилхожи.

Кўрмай қолибди

Кунлардан бир кун Мирпўлат мошинасида шошиб кетаётган эди, ногоҳ қаёқдандир пайдо бўлган ДАН ходими тўхташга ишора қилади. Хужжатларни синчиклаб кўрган назоратчи салмоқ билан танбех бера бошлайди:

– Қоидани жуда кўпол равишда буздингиз-ку, ака! Нима, светофорни кўрмадингизми?

Мирпўлат қарайдики, аҳвол чаток. Топқирлик қилмаса бўлмайди. Нажотнинг энг оддий, осон йўли – самимий, беғубор ҳазил!

– Светофорни-ку кўрдим, – дейди шоир кулимсираб, – аммо сизни кўрмай қолибман!

ДАН ходими беихтиёр кулиб юборади ва индамай хужжатларни қайтариб беради.

Бошқа таниши йўқ

Мирпўлат собиқ курсдоши, Навоий номидаги кутубхона директори Абдусалом Умаровдан бир қанча ноёб китобларни сўрайди. Абдусалом Данияга хизмат сафарига кетаётганини айтади.

– Ундай бўлса мендан Дания подшосига салом айтиб кўйинг! – дейди Мирпўлат.

– Данияда ҳукумат бошлиғи подшо эмас, қирол!

– Унда Дания қироличасига салом айтинг!

Абдусалом курсдошига ҳайрон қараб қолади.

– Ахир Данияда бошқа танишим бўлмаса нима қилай?! – дейди Мирпўлат “камтарлик” билан.

Арвоҳлар билан гаплашади

Мирпўлат дўстлари даврасида гоҳо ўзича мақтаниб, “Шу кетишимда жаҳонга чиқиб кетаман-ов, мана кўрасизлар!” дея ҳазиллашиб қўярди. Ана ўша гапларга фаришталар омин деган эканми, шоир янги ташкил этилган “Жаҳон адабиёти” журна-лига бош муҳаррир ўринбосари бўлади.

Бир куни шоирнинг олдига кекса адабиётшунос олим келиб, шундай илтимос қилади:

– Мирпўлат, журналингларда қатағон қурбонлари ҳақида албатта туркум мақолалар бериб бориш керак.

– Тўғри, домла, тўғри.

– Мен шу мақолаларни ёзиб келсам чиқарасизларми?

– Чиқарамиз домла, албатта чиқарамиз.

– Агар чиқармасанглар марҳумларнинг арвоҳи уради-я...

– Чиқарамиз, домла.

– Арвоҳлар...

Шунда Мирпўлат домланинг гапини бўлиб, қувлик билан дейди:

– Домла, сиз бемалол мақолани ёзиб келаверинг, арвоҳлар билан ўзим гаплашиб қўяман!

Антиқа кунгабоқар

Ношир, таржимон Бобоҳон Шариф Дўрмондаги дала ховлисига эккан кунгабоқар ғовлаб, анча бўлиқ бўлади. Бир куни у кўшниси Мирпўлатга мақтанади:

– Бизнинг кунгабоқарни кўрдингизми зўрлигини! Энди иморатга ёғоч қидириб ҳам юрмайман, бемалол хари, тўси ўрнида ишлатавераман.

– Яхшиси тилдириб, тахта қилдириб, шунда баракал бўлади, – дейди Мирпўлат.

Маош олганмисиз?

Ўзбекнинг дилтортар дўстлар бошини қовуштирадиган гап-гаштак деб аталмиш ажойиб бир удуми бор. Биз ҳам яки дўст-жўралар билан ана ўша анъана баҳонасида тўпланиб турдик. Афсуски, зиёфат гали бир дўстимизга келганда дав

рамизга кўз тегдими, чархпалакдек айланиб турган “гап”имиз такка тўхтаб қолди. Дўстимиз негадир ўтиришни орқага сураверди. Бир-бирини соғинишиб қолган жўралар эса жўрабоши сифатида менга зуғум қилишар, дўстимиз эса ҳар гал навбатдаги маошни олганда албатта зиёфат беражагини айтиб, ваъда берар, аммо бу ваъдаларнинг чек-чегараси кўринмас эди. Бир куни Мирпўлат қачон зиёфат бўлишини сўраб қолди. Мен жўрамизнинг омонат гапини етказдим.

– Менимча, у боёқиш умуман маош олмай ишлаётган бўлса керак, – деди Мирпўлат.

Самимий ҳазилдан кулиша-кулиша бизнинг уйга жўнадик. Остонадан энди ичкарига қадам қўйган ҳам эдикки, Мирпўлат ногоҳ менга ўгирилиб, жиддий алпозда сўраб қолди:

– Уйингизга тўсатдан келиб қолдик, маош олганмисиз ўзи?

Майиздек одам

Шоир Азиз Абдураззоқ табаррук ёшида дастурхон ёзиб, ёру биродарлари, яқин кишиларини уйига чорлайди. Даврада ҳазилкашлар ҳам кўп эди, яхшигина гурунг, қаҳқаҳа бўлади. Табрик-кутловлар айтилади.

– Азиз ака майиздеккина, ёқимтой одам, шундоқ қараб туриб еб қўйгинг келади, – дейди қўшниси, шоир, журналист Ёқубжон Хўжамбердиев.

– Фақат ейишдан олдин чўпини олиб қўйиш керак!– луқма ташлайди Мирпўлат.

Ютқизса ҳам...

Ижодкорлар даврасида бокс ҳақида гурунг кетарди. Кимдир ўтган кеча телевизорда кўрган бокс мусобақасини жўшиб-тошиб ҳикоя қилар экан, шундай дейди:

– Буни қаранг, профессионал боксчиларга жуда катта пул тикиларкан. Кечаги жангда ютган томон саккиз миллион, ютқазгани эса тўрт миллион доллар олибди! Бор-йўғи ярим соатда-я! Ҳатто ютқизгани ҳам шунча пул ишлабди!

Мирпўлат шундай луқма ташлади:

– Биз ҳам бориб ютқазиб келсак бўларкан!

Камтарга камол

Маълумки, шоир Мирпўлат Мирзо моҳир таржимон сифатида ҳам танилган.

Кунлардан бир кун мухлислар ундан сўраб қолишади:

– Мирпўлат ака, сиз нега кўпинча Нобель мукофотини олган ижодкорларни таржима қиласиз?

Ҳозиржавоб шоир дарҳол жавоб қилади:

– Тенг тенги билан-да!

Зерикиб қолишмайди

Кунлардан бир кун Мирпўлат, Тоҳир Қаҳҳор – уювлон ёзувчиларнинг Дўрмондаги маҳалласига бордик. Шоирлар ҳали курилиши ниҳоясига етмаган ҳовлиларида баҳорги юмушлар билан андармон бўлишди. Камина ҳам қараб турмадим, Мирпўлатнинг дарахтларига тоққайчида яхшилаб шакл бердим.

Тушликка яқин қоринлар дўмбира черта бошлади. Овқатдан эса дарак йўқ. Нима қилсак экан дея бош қотириб турганимизда узоқдан шоир Турсун Али ҳафсала билан қурилган данғиллама ҳовлисидан чиқиб, биз томонга кела бошлади.

– Бўлди, иш пишди – шоирни эритиб кўя қоламиз,– деди Мирпўлат.

– Э-э, нокулай бўлади-ку, яқиндагина ҳаммамизни уйига чақириб меҳмон қилган эди, – дея эътироз билдирдим.

– Яна бир марта эриса асакаси кетмайди, кеча “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида янги шеърлар туркуми чиққан, шунини ювасиз деймиз.

Бу орада Турсун Алининг ўзи олдимизга келиб, одатича ҳаммамиз билан куюк кўриша кетди.

– Турсун Али! – деди Мирпўлат ўзига хос ҳазил оҳангида, салмоқ билан. – Кечаги шеърларингизни ўқиб, ҳаяжонланиб, тунда ухлолмасдан, сизни бир табриклар кўяйлик деб тўғри шу ёққа қараб келавардик.

– Табриклаймиз, табриклаймиз! – дедик биз ҳам олқишга кўшилиб.

– Ростдан ҳам... ёқдимми-а? – шоири тушмагур соддалик билан кўзларимизга жавдираб тикилди.

– Э, ёқиш ҳам гапми! Айтяпман-ку – ҳаяжондан ухлолмай, тўлганиб чиқдик.

– Кеча Шукур ака (ёзувчи Шукур Холмирзаев – Ш.О.) ҳам табриклади, алоҳида бу ҳақда мақола ёзаман деди, – мактовлардан эриб кетган шоирнинг қулфи дили очилди.

– Ана, ана! Ахир биз ҳам билмасак гапирмаймизда! Энди тезроқ бир нима уюштирмасангиз бўлмайди, шоир! – Мирпўлат дангал мақсадга кўчиб қўя қолди.

– Хўп, тушунарли. Уйдан бир товоқ ош қилдириб чиқсам бўладими?

– Бўлади, ҳалиги... “дори”ни ҳам унутманг.

– Хўш, мен чиққунимча сизлар зерикиб қолмайсизларми?

– Э, зерикмаймиз! – деди Мирпўлат қувлик билан. – Қиладиган зарур ишимиз бор.

– Нима иш қиласизлар ўзи? – Турсун Али қизиксиниб сўради.

– Нима қилардик – кечаги шеърларингизни ёдлаб ўтирамиз!

Мирпўлатнинг ҳозиржавоблигидан завқланиб, ҳузур қилиб кулишдик.

Ҳужжати жойида

Мирпўлат Мирзо билан “Ўқишнинг кечи йўқ”, дея ўзимизча инглиз тилини ўргана бошладик, ҳатто ҳафсала қилиб, махсус “курс”ларга ҳам қатнадик. Гоҳо кўришиб қолганимизда “Хўш, энди буёғи қандоғ бўляпти, Мирзоев?” десам, ҳазилкаш дўстим “Э-э, одамлар беҳуда ваҳима қилавераркан, инглиз тилини ўрганиш “чепуха” экан, мана кўрасизлар, шу кетишимда ростдан ҳам жаҳонга чиқиб кетаман”, деб мактаниб ҳам қўярди. Кунлардан бир кун Мирпўлат бош муҳаррир муовини бўлган “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятига йўлим тушиб қолди. Мирпўлат хонасида экан, гурунглашиб ўтирдик. Шунда ногоҳ стол устидаги каттагина инглиз тили дарслигига кўзим тушди. Дўстимнинг билимини бир синаб кўргим келди-ю унга кетма-кет инглиз тилида саволлар бера бошладим.

Аммо Мирпўлат негадир оддий саволларга ҳам жавоб беролмай, бир зум талмовсираб қолди, сўнг кутилмаганда:

– Э-э, кўп бошимни қотирманг, керак бўлса мана ҳужжатим! – дея стол тортмасидан инглиз тили курсини битирганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиб, “тап” эткизиб олдимга ташлади.

Кула-кула ҳалиги гувоҳномани варақлаб кўрдим. Мирпўлатнинг мақтанганича бор экан, ўзи инглиз тилини билмаса ҳам баҳоси “аъло” – ҳужжати жойида экан.

Гавдага боғлиқ

Шоир Уйғун деярли бир умр Дўрмонда муқим яшаб, ижод қилган. Кексайганда одамлар билан камроқ борди-келди қиладиган, хонанишин отахон шоир гоҳо ёз жазирамасида каноркопдай кенг, қора трусигини шалвиратиб, айиқдай улкан гавдасини лапанглатганча ижод уйи орқасидаги катта ҳовузда чўмилиб қолар, сувга ўзини ташлаганда шалоплаган шовқин узок-узоклардан акс-садо бериб турар эди. Айниқса, болақайлар домланинг чўмилишини кизиқиб томоша қилишарди.

Кунлардан бир кун уч-тўрт нафар шоир, ёзувчилар сайр қилиб, ана ўша ҳовуз бўйига бордик. Сув сатҳи енгилгина чайқалиб турганини кўрган адиблардан бири ўзича хайрон бўлиб, сўради:

– Қизик, нега шабада бўлмаса ҳам сув тўлқинланиб турибди?

Шунда Мирпўлат дарҳол жавоб қилди:

– Ҳойнаҳой, бу ерда кеча Уйғун домла чўмилган бўлса керак!

Жаҳонбон шеърлар

Мирпўлат бир куни камина бош муҳаррир бўлган “Хабар” газетасида босиб чиқариш учун ҳаваскор қаламкашнинг шеърларини берди. Машқларни ўқиб кўрсам, жуда бўш экан, ҳафсалам пир бўлиб, бир четга ташлаб қўйдим. Орадан бир неча кун ўтгач, Мирпўлат шеърларни сўраб қолди. Унга тўғриси айтдим. Аммо талабчан шоир бу гал негадир “Бир амалланг энди”, дея қисталанг қилаверди.

Ахийри ҳазилкаш, ҳозиржавоб дўстимнинг ўз куролини ишга солдим.

– Мирпўлат, бу шеърлар бизда чикса увол бўлади, яхшиси жаҳонга чиқиб кетаверсин, – дедим у ишлайдиган “Жаҳон адабиёти” журналига ишора қилиб.

Нимкосани пайкаган шоир хо-холаб кулиб юборди.

Иттифоқо, орадан яна икки-уч кун ўтгач, бошқа бир ҳаваскор бизнинг “Хабар” газетамизга шеърларини олиб келди. Кўздан кечирсам, олдинги шеърлардан ҳам баттар, ночор экан. Аммо ҳаваскорнинг иддаоси жуда баланд бўлиб, тўғри гапни ҳазм қилгиси келмасди. Ноилож уни газетамизнинг таҳририят аъзоси бўлмиш шоир Мирпўлат Мирзо ҳузурига юбордим. Эртаси куни Мирпўлатнинг ўзи телефон қилиб қолди. Ҳалиги шеърлар ҳақида фикрини сўрасам, кула-кула шундай деди:

– Э-э, бу шеърлар ҳам “жаҳонбоп” экан!

Қоронғида кўринмайди

Шоир Мирпўлат Мирзо китобхонлар билан бўлган оқшомги бир учрашувда шеър ўқиётса, тўсатдан чирок ўчиб қолади. Шоир ўзини йўқотмай, ёнида ўтирган кекса ёзувчи Носир Фозиловга шундай лутф қилади:

– Носир ака, қоронғида мен барибир кўринмайман (*ўзининг қорачадан, Носир аканинг сариқдан келганига ишора қилмоқда* – Ш.О.), яхшиси сиз гапира қолинг.

Ашуланинг фарқи

Бир даврада мумтоз қўшиқчилик санъати ҳақида гурунглашиб ўтирган эдик. Шоир Турсун Али ногоҳ сўраб қолди:

– Мен катта ашула, кичик ашула деган гапларни умуман тушунмайман. Бу нима дегани ўзи?

Бундай маҳалда ҳамиша ўқланган милтиқдай тайёр турадиган Мирпўлат Мирзо теша тегмаган гап қилди:

– Агар ашулани тик туриб айтсангиз – катта ашула, ўтириб айтсангиз кичик ашула бўлади.

Вертолёт шарт эмас

Шўролар даврида Мирпўлат Мирзо бир гуруҳ ижодкорлар билан Россиянинг Тюмень вилоятига сафар қилади. Ҳамроҳлар орасида таниқли рассом Неъмат Қўзибоев ҳам бор эди. Бир куни Неъмат ака олис-олисларда шуъла таратиб ёнаётган ўрмонни кўриб қолиб, мутасаддилардан илтимос қилади:

– Иложи бўлса, вертолёт билан ўша ёққа бориб келайлик. Мен ёнғинни чизишим керак.

Ўша маҳалда вертолёт масаласи муамморок эканми, мезбонлар сал хижолат тортиб, ўйланиб қолишади. Шунда Мирпўлат ўзича масалани осонгина “ҳал қилиб” қўяди:

– Неъмат ака, вертолёт-пертолёт деб бош қотириб ўтирасизми? Ҳозир айтамыз – ўрмонни шу ернинг ўзида ёқиб беришади.

Шамоллаш сабаби

Мирпўлат Мирзонинг уйидаги бир зиёфатда шоир Турсун Али ногоҳ “Янги шеър ёзувдим, бир эшитиб кўринглар-чи!” дея жавобимизни ҳам кутмасдан, жўшиб-тошиб шеърини ўқий кетди: “Қиш. Ташқарида аёз, шамол изиллар...”

Даврада ўтирган шоир Азим Суён шамоллаган шекилли, тинимсиз йўталиб, кетма-кет акса урар, астойдил азият чекар, шу боис асосий диққатимиз шеърга эмас, унга қаратилган эди.

Турсун Али шеърини тугатиши ҳамон Мирпўлат шундай лутқа қилди:

– Э-э, шоир, мана шунақа совуқ шеър ёзиб, Азимни шамоллатиб қўйдингиз!

Мақолнинг янгича талқини

Яқин дўстимиз қизини турмушга чиқараётиб, тўйга бир кун қолганда хотини билан жанжаллашади-ю аразлаб, уйдан чиқиб кетади. Бундай қисталанг пайтда кимга қийин – шўрлик аёлларга қийин. Дўстимизнинг хотини каминага йиғлаб телефон қилиб қолди:

– Бу кайсарни бир амаллаб уйга олиб келинглар, эл-юрт олдида шарманда бўлмайлик энди...

Мушкул вазифани уддалаш учун Мирпўлат иккимиз йўлга чиқдик. Аразчини соқол ўстириб, кўкрагини захга босиб ётган жойидан аранг турғазиб, уйига олиб келдик. Йўлимизга илҳақ бўлиб, юрагини ҳовучлаб турган хотинига “Мана, олдин катта куёвни тушириб олинг!” дея ҳазиллашган бўлдик.

Қайтар маҳали ҳали-ҳануз шаштидан тушмай, аёлига ёвқараш қилиб, яна арқонини узиб қочишга чоғланиб турган дўстимизга Мирпўлат оҳиста шивирлаб, шундай далда берди: “Э-э, кўпам парво қилаверманг энди, бу хотин зоти ҳамма ерда бир хил қичқиради”.

Уйлаб қўйса...

Икки инжиқ ўғилни бир кунда уйлантириб, елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил тортиб юрган кунларнинг бирида Мирпўлат телефон қилиб қолди:

- Қалайсиз энди, Отабоев!
- Яхшиман, раҳмат.
- Келинпошшолар қалай?
- Улар ҳам яхши, Оллоҳга шукур.
- Куёвтўралар-чи? Анча қуйилиб қолишгандир?
- Э-э, қуйилганда қандоқ, мулойим тортиб, анча ювош бўлиб қолишди. Олдинроқ уйлаб қўйсам бўларкан.
- Уларга “Уйлаб қўйсанглар, мен ҳам ювош бўлиб қоламан”, демарингизми?

Тил бебош бўлса...

Ёш шоир Баҳром Ғойиб бир куни ҳамюрт устози Мирпўлат Мирзога ҳасрат қилиб қолади.

– Устоз! Мен сизнинг шеър ўқишингизга ҳамиша қойил қоламан. Жуда зўр ўқийсиз. Мен ҳам шундай ўқимоқчи бўламану эпполмайман, “р”ни яхши айтолмайман. Дўхтирга учрасам тилингни остида ортиқча жойи бор, шуни олдириб ташлашинг керак деяпти. Шунга сиз нима маслаҳат берасиз?

– Сен болани ўзим анчадан буён бир чилёсин қилмоқчи бўлиб юрувдим, – Мирпўлат салмоқ билан гапни узоқдан бошлайди. – Аввало, тилинг жуда бебош, орқа-ўнгингга қарамай ортиқча, кераксиз гапларни кўп айтасан.

– Тўғри айтасиз, устоз. Шу тилимнинг касрига қолиб, не-не балоларга йўлиқмадим.

– Ҳа балли, ана ўзинг ҳам тан оляпсан. Шунинг учун тилингни фақат остини эмас, уни бутунлай қирқиб ташлаш керак!

Севги ҳақида энг зўр шеър

Мирпўлат Мирзо ўзининг шеърларини алоҳида иштиёқ билан, жўшиб-тошиб ўқишдан завқланарди. Мутахассис олимларнинг кузатишича, дунёда шоир зотичалик ўз асарини яхши кўрадиган ижодкор бўлмас эмиш. Шоирларнинг андаккина дарвешлиги балки шундандир.

Мирпўлат шеър ўқиётганда ногоҳ хаёлига янги фикрлар, куйма сатрлар келиб қолса, тап тортмай шеърига кўшиб юбораверар, шунда гоҳо жиддий шеъри ҳам ҳазилга айланиб кетарди. Масалан, у бир куни севги ҳақида шеър ўқиётиб, охири мисрасини шундай “топқирлик” билан якунлаган эди:

*Мен сени шундай севаманки,
Шундай севаманки,
Шундай севаманки,
“Просто невозможно!”...*

Бизникига тегманг

Шоир Жамол Камол Дўрмондаги дала ҳовлисида девор оша ғарқ пишган анжирларни узаётган эди, маҳалладаги ёзувчи-қўшнилари ўтиб қолади.

– Э, келинлар, келинлар! – дейди Жамол ака хурсанд бўлиб. – Бу йил мева йили экан, ҳосил мўл. Мана, олинглар, енглар. Ош бўлсин. Насиба-да. Бу анжирнинг кўча томонга эгилиб пишганлари сизларники, бизга ичкаридагиси ҳам етиб ортади. Баракасини берсин.

– Буларни қаердан тердингиз? – деб сўрайди шоир Мирпўлат Мирзо қувлик билан ўртага қўйилган тоғорачадаги анжирга ишора қилиб.

– Буларни ҳозиргина ташқаридан териб олувдим.

– Унда нега бизникини теряпсиз? Бизникига тегманг-да!

Ақлли гап кимдан чиқади?

Азим Суюннинг долзарб масалага бағишланган мақоласи газетада чоп этилиб, анча шов-шув бўлади. Шоирнинг ёру биродарлари “Баракалло! Бор экансиз-ку! Ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни топиб айтибсиз, раҳмат сизга!” дея кетма-кет телефон қилиб, табриклашади. Табиатан жўшқин, эҳтиросли шоир бу мақтовлардан тамомила эриб, яйраб-яшнаб кетади. Бир даврада яна ўша мақола хусусида гурунг бўлади. Мақолани, табиий, ҳар ким ўз дунёқараши ва тушунчасидан келиб чиқиб турлича баҳолайди. Фақат ҳазилкаш Мирпўлат Мирзонинг “шарҳи”гина ўзига хос бўлади:

– Азим Суюндан бунақа ақлли гап чиқиши қийин. Менимча, бу мақолани хотини ёзиб берган бўлса керак.

Ҳаракатга боғлиқ

Болалар шоири Сафар Барноев (Оллоҳ раҳмат қилсин) водийга саёҳат қилишни яхши кўрарди. Бир куни шоир Мирпўлат Мирзо ҳамроҳлигида Андижонга боришади. Сафар ака уларни кутиб олган ёзувчи Қамчибек Кенжадан илтимос қилади:

– Шоир (Сафар ака ҳам устоз Носир Фозиловга ўхшаб жамики қалам аҳлига шоир деб мурожаат қиларди), Худо хоҳласа биз индинга кетамиз, шунга қичишадиган жойни олдиндан қашлаб, қайтиш билетини ҳозирдан олиб қўйсак! Кўнгил хотиржам бўларди-да!

Мезбонлар “хўп” дея ҳаракатга тушиб қолишади. Аммо аксига олиб индинга билет йўқ экан, ноилож эртаси кунига олинади. Қамчибек хижолат бўлиб меҳмонлардан узр сўрайди:

– Узр энди, билетни индинга олишнинг иложи бўлмади. Аммо-лекин қаттиқ ҳаракат қилувдик.

Шунда ҳозиржавоб Мирпўлат чиройли ҳазил қилади:

– Ҳа, ростдан ҳам жуда астойдил ҳаракат қилдинглар! Бу сай-ҳаракатингларни кўриб бизни шу бугуноқ жўнатворармикинсизлар деб ўйловдик!

Шоирлар мириқиб кулишади.

Юқоридан топшириқ

Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ховлисида ўтказилган анъанавий шахмат мусобақасида бир гал омадим чопиб, иккинчи ўринни олдим. Ўша кунлари машхур гроссмейстерлар, жаҳон чемпионлари ҳаётидаги кизиқ-кизиқ воқеалар баён қилинган кизиқарли бир китобни ўқиётгандим. Унда ҳикоя қилинишича, Кремлдаги катта раҳбарлар жаҳон чемпионлиги учун тўртта гроссмейстер ўртасида ўтказилаётган матч иштирокчиси, бўлажак жаҳон чемпиони Михаил Ботвинникни идорага чорлаб, “Ракибларингизга топшириқ берамиз, сизга ютказиб беришади”, дейишади. Ботвинник бунга ҳожат йўқлигини айтиб, зўрға маломатдан қутулади. Мен бу ғаройиб тарихий воқеа ҳақида Чорвоқ мусобақасида ҳамиша охириги ўринларни бировга бермайдиган шоир Мирпўлат Мирзога гапириб берсам, хозиржавоб дўстим шундай деди:

– Сиз ҳам Чорвоқда бекорга совринли ўринни олмагансиз! Бизга ҳам юқоридан топшириқ бўлган.

Энди ўзи яратади

“Жаҳон адабиёти” журналини узоқ йиллар бошқарган шоир Мирпўлат Мирзо пайғамбар ёшига етгач, пенсияга чикиб, уйда ижод билан машғул бўлади. Кўришиб қолсак, ҳол-аҳвол сўрашамиз:

– Қалайсиз энди, Мирзоев?

– Э зўрман! Ҳар куни ишга боришдай бошоғриқдан қутулиб, уйда ётволиб ижод қилиш мазза экан!

– Яхши, яхши! Ишқилиб зерикиб қолмаяпсизми?

– Йўқ! Зерикишга вақт йўқ! Илгари тахририятда мук тушиб жаҳон адабиётини ўқирдим, энди жаҳон адабиётини ўзим яратяпман!

Кимга қийин?

Таникли шоир Абдулла Шер сонет ҳақида бир мақола ёзади. Унда айрим шоирларнинг, жумладан, Мирпўлат Мирзонинг сонет жанри талабларига риоя қилмагани танқид қилинади, хатто сонет устаси Шекспирни ҳам аяб ўтирмайди. Ушбу мақолани шоир янги сонетлар китобига ҳам киритади.

Ўша мақолани ўқиган Мирпўлат Мирзо ўзича кулимсираб, шундай дейди:

– Мен-ку танқидга бир амаллаб чидарман, аммо Шекспирга қийин бўпти!

Мақтовда жон бўлса...

Мирпўлат Мирзонинг олтмиш йиллик тўйи Ёзувчилар уюшмасида самимий нишонланади. Дўстлар, ҳамкасблар дил сўзларини изҳор қилишади. Шоирнинг ишхонаси – “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятида ихчамгина зиёфат бўлади. Қадах сўзларида беҳисоб мақтовлар айтилади. Охирида юбилярнинг ўзига сўз берилади. Шоир шу ерда ҳам топқирлиги билан ҳаммани қойил қолдиради.

– Мундоқ ўйлаб кўрсам, менинг шаънимга айтилган бу гапларда анча жон борга ўхшайди, – дейди шоир кулимсираб. – Шунинг учун, агар рухсат берсанглар, мен ҳам Мирпўлат Мирзонинг соғлиги учун ича қоламан!

Завқланган ҳамкасблар қарсак чалиб, шоирни олқишлайдилар.

Танқидчи нима демоқчи?

Таниқли шоир Турсун Алининг янги шеърий китобига устоз танқидчи Умарали Норматов яхшигина тақриз ёзади. Унда шоирнинг иккита шеъри батафсил таҳлил қилинади.

Турсун Алининг уйидаги зиёфатда ўша тақриз атрофида гурунглашиб қолдик. Мен андақ қитмирлик қилиб, ўртага шундай савол ташладим:

– Шоир! Умарали аканинг мақоласида фақат иккита шеърингиз тилга олинбди. Тушунмадим – танқидчи бу билан нима демоқчи? Бошқа шеърларингизни ўқимаса ҳам бўлаверади демоқчимиз? Ёки...

Шунда ўқланган милтиқдек тайёр турган Мирпўлат гапимни бўлиб, луқма ташлади:

– Менимча, Турсун Али энди ёзмаса ҳам бўлаверади, демоқчи!

Ўзи кела қолади

Мирпўлат Мирзонинг шифохонада даволанаётганини эшитиб, телефон қилдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, “Яқин кунларда жўралар билан йўқлаб борамиз” дедим. Орадан кунлар ўтди. Жўраларни бир жойга тўплаш қийин бўлди. Шундай кунларнинг бирида шоирнинг ўзи телефон қилиб қолди.

– Мирпўлат, жўраларнинг бошини қовуштириш қийин бўляпти-да, – дедим хижолат бўлиб.

– Агар уларни бир жойга тўплай олсангиз, айтинг, ўзим бориб уларни кўриб келаман, – деди шоир дўстим.

Ўқ томир

Бир даврада анор дарахтининг ҳосияти ҳақида гурунглашаётгандик.

– Дўстим Қамчибекларнинг уйидаги анорни кўриб ҳайратланганман, – дедим. – Йўғонлиги одамнинг белидай, баландлиги том билан баробар. Қарангки, шундай улкан дарахтни ҳам кузда кўмишаркан.

– Йўғ-э, – деди кимдир ишонқирамай, – уни эгиб, йиқитиш осон бўлмаса керак.

– Бунинг йўли осон экан, – дедим эшитган гапларимни эслаб. – Анорнинг ўқ томири қирқиб қўйиларкан. Шунда у ҳар икки томонга бемалол йикилиб ётавераркан.

Мирпўлат шундай деди:

– Агар сизнинг ҳам ўқ томирингиз қирқиб қўйилса, шунақа бўпколасиз!

Иложии йўқ

Наврўз байрами муносабати билан ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида адиблар ўртасида анъанавий шахмат мусобақаси бўлди. Навбатдаги турда Мирпўлат билан дона суришдик. Уни ҳамиша ютардим. Мусобақада кўпинча охирги ўринларни олар, унга ҳазиллашиб “Текин очко улашувчи!” деб атардик. Бу галги ўйинда ҳам дебютдаёқ кўлим баланд келди, кўп ўтмай битта сипоҳ ортиб кетдим. Шунда Мирпўлат сўзамоллигини ишга солиб, асабимга тега бошлади,

ёнида ўтирган бир олим акамиз унга ўргата бошлади. Натижада асабийлашиб, ютиб турган ўйинимни бой бердим. Жуда алам қилди. Мирпўлат эртаси куни менга телефон қилиб, ўзича “ҳамдардлик” билдирган бўлди:

– Қалайсиз энди, Отабоев? Кўкрагингизни захга бериб ётибсизми?

– Э-э, Мирпўлат, бунақа эмас-да! Сиз ғирт ғирромлик қилиб ютдингиз!

– Бошқа иложим йўқ эди-да, дўстим! – дея Мирпўлат тўғриси айтиб қўя қолди.

Янгича тахаллус

Фарғонадаги бир даврада ижодкорлар ўзаро гурунглашиб ўтиришарди. Вилоят Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари Энахон Сиддиқова пойтахтдан келган таниқли шоир Мирпўлат Мирзога бир ёш шоирни таништираётди шундай дейди:

– Бу йигит жуда истеъдодли шоир, шеърларини шу қадар ғайрат, шиддат билан ўқийдики, биз унга Довулий деган тахаллус қўйганмиз.

Шунда Мирпўлат ийманибгина турган Довулийга юзланиб, сўрайди:

– Сиз модерн усулида ҳам ижод қилиб турасизми?

– Йўқ, ҳозирча бунақа шеърлар ёзмаганман.

– Агар модернча шеърлар ёзсангиз, тахаллусингиз Цунамий бўлади!

Даврада қаҳ-қаҳа кўтарилади.

“Бўлмайти” денг...

Бир газетанинг бош муҳаррири жуда ҳам эҳтиёткор, журъатсиз эди. Кўпгина муаллифларнинг дуппа-дуруст нарсаларини ҳам “Бўлмайти” дея қайтаверарди. Мирпўлатнинг ҳам талайгина асарлари яроқсизга чиқарилган, аммо табиатан юмшоқфеъл шоир бундан ортикча асабийлашмас, (дарвоқе, унда асабнинг ўзи йўқ...) хафа ҳам бўлмас, асарини тезда бошқа тахририятларда чоп эттираверар эди.

Кунлардан бир кун Мирпўлат каттагина мақола ёзиб, яна ўша инжиқ муҳаррирга олиб боради. Салом-алиқдан сўнг мақолани узатиб, жиддий алпозда гапиради:

– Илтимос, шуни тезда ўқиб чиқиб, “Бўлмайди!” деб қайтариб беринг!

– Ие, нега энди “Бўлмайди” дейишим керак? – муҳаррир хайрон бўлади.

– Агар сиз “Бўлмайди” десангиз, бошқа жойда тезроқ чиқади.

Рақсбон шеърлар

Кунлардан бир кун Мирпўлат “Қишлоқ ҳаёти” газетаси таҳририятида бош муҳаррир муовини, таниқли ёзувчи Ҳабиб Темиров билан гурунглашиб ўтирган эди, хонага ёшгина бир киз кириб келади. Ҳабиб кизни ҳамсухбати билан таништи-ради:

– Бу киши таниқли шоир, моҳир таржимон Мирпўлат Мирзо бўладилар. Синглимиз бўлажак журналист, газетамизда амалиёт машғулотларини ўтамоқда. Анча мунча шеърлар ҳам ёзиб туради.

Киз Мирпўлатга кизиксиниб қарагач, томдан тараша туш-гандек сўраб қолади:

– Шеърларингиз кўшиқ қилинганми?

Саволдан ғашланган ҳазиржавоб шоир эгри қозикқа эгри тўқмоқ қабалида жавоб қилади:

– Менинг шеърларим рақс қилинган!

Қизалоқ бунақа ғаройиб ҳазилни дабдурустдан ҳазм қилолмай, ханг-манг бўлиб қолади.

Пистанинг зиёни

Жўралар билан гап-гаштакда гурунглашиб ўтирувдик. Дас-турхонда ноз-неъматлар мўл. Ҳамма ўзини танқис мева – пистага урди. Қарс-курс авжига чиқди. Даврамизда ягона дониш-манд макомини олган Зухриддин ногоҳ шундай лукма қилди:

– Ўртоқлар, пистани кўп чақиш соғлиққа зиён экан!

– Агар писта гап эгасиники бўлса! – дея кўшимча қилди Мирпўлат.

АЗИМ СУЮН БИР КУНИ...

Азим Суюн 1948 йил 22 февралда Самарқанд вилоятидаги Нукурт қишлоғида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997). ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган (1977). Дастлабки шеърий тўплами – “Менинг осмоним” (1978). Шундан сўнг шоирнинг бир қанча шеърий мажмуалари “Зарб” (1979), “Замин тақдири” (1981), “Халот” (1984), “Зиё йўли” (1986), “Жавзо” (1987), “Олис тонглар” (1989), “Куйганим – суйганим” (1992), “Қора кўзинг сенинг” (1994), “Сайланма” (1997) “Шарқ хикмати” (2000), “Эй дўст” (2005), ва бир нечта дostonлари (“Сарбадорлар”, 1981 ва бошқалар) нашр этилган.



Клинтон табриклади

Таникли шоир Азим Суюннинг “Ўзбекистон овози” газетасига бош муҳаррир бўлганини эшитган Жамол Камол унга бир ҳазил қилгиси келади. Янги муҳаррирга телефон қилиб, инглиз тилида (у бу тилни мустақил ўрганган, Шекспирни аслиятдан таржима қилган – Ш.О.) чуғурлаб гапира бошлайди. Шоири тушмагур ҳовлиқиб, нукул “Йес, йес!” дейишдан нарига ўтмайди.

Ҳазилнинг қизиғи кейинроқ чиқади. Эртаси куни Азим Суюн якин дўстларига телефон қилиб, мақтанади:

– Кеча Америка президенти Клинтон шахсан ўзи телефон қилиб, мени табриклади!

Мансабга кўниккунча

Азим Суюн “Ўзбекистон овози” газетасининг бош муҳаррири этиб тайинлангач, анча вақтгача янги мансабга кўниколмай юради. Янги иш бошлаган кунларнинг бирида юқори идорадаги мажлисга чақирилади. Шоир мажлисдан қайтиб чиққач, ишга шошади. Катта йўл четида такси тўхтатмоқчи бўлиб, гоҳ у машина, гоҳ бу машина томон елиб-югуради. Шу маҳал кимдир орқадан овоз беради:

– Азим ака! Ҳой Азим ака!

Шоир орқасига ўгирилиб, қўшниси, журналист Абдукарим Раҳимбердиевни кўради. У негадир ўзича кулимсираб турарди.

– Ҳа, Абдукарим, нима гап?

– Нима қивотсиз, Азим ака?

– Такси тўхтатмоқчи эдим, тўхтамаяпти.

– Сиз... Азим Суюнмисиз ўзи?

– Тушунмадим?

– Йўк, саволимга жавоб беринг – Азим Суюнмисиз?

– Ҳа, хўп...

– Сиз ҳозир машҳур “Ўзбекистон овози” газетасининг бош муҳаририсиз!

– Бош муҳаррир... Ҳа-а...

– Сизнинг хизмат мошинангиз бор, ана, шофёрингиз Муҳаммаджон ака кутиб турибди.

– Э-э, дарвоқе, мошинада келувдим, эсимдан чиқиб кетибди, – дейди янги раҳбар бошини қашлаб.

Ҳайдовчи шоир бўлса...

Азим Суюн янги мошина сотиб олади. Бир-икки ой мобайнида мошина ҳайдашни чала-чулпа ўргангач, юрак ютиб рулга ўтиради. Катта йўлга чикқач, орқа ва олдидан, ён-веридан худди ўзаро қувлашмачоқ ўйнагандек ғиз-ғиз ўтаётган мошиналарни кўргач, кўзи тиниб, ваҳимага тушади. Шоша-пиша мошинани бир амаллаб йўл четига олади-ю шу кўйи тўхтаб қолади. Орадан анча вақт ўтса ҳамки нимадандир умидвор бўлиб, атрофга аланглаб караганча кутиб ўтираверади. Шу маҳал оғайниларида бири шоирни таниб, тўхтайтиди.

– Ҳа, Азимжон, нима бўлди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўк, кутиб турибман.

– Нимани куत्याпсиз?

– Мошиналарнинг ўтиб бўлишини.

– Ие, бу нима деганингиз? Ахир...

– Кўрмаяпсизми мошиналарнинг ғизиллашини. Бунақада юриб бўладими? Яхшиси, ҳаракат тўхташини кутиб тура қоламан. Зарил ишим ҳам йўк.

Ҳайдовчининг “шоир” лигидан завқланган оғайниси кулиб юборади.

Нега юлдузлар кўринмайди?

Жиззах чўллари хизмат юзасидан кезиб юрган Азим Суюн окшом чўка бошлаганда бир қишлоққа келади. Ҳайдовчи мошинани бир четда тўхтатиб, пастга тушади ва капотни очиб, ишқални тузатишга киришади. Кабинада ёлғиз қолган шоир зерикади. Мошинанинг тўқранг орқа ойнасидан ҳеч нарса кўринмаётгани учун олдинга қарайди. Қўйларини яйловдан ҳайдаб келаётган чўпон болакайга кўзи тушади. У яқинлашганда ойнани чертиб, ёнига чорлайди.

– Ҳой бола, нега осмонингларда юлдузлар йўқ?

Осмондаги шундоқ қўл узатса етгудек бодрок юлдузларга бирров қараб олган болакай бу саволдан ҳайратланади. Бир осмонга, бир кабина ичкарасига аланглайди, сўнг одоб билан жавоб беради:

– Юлдузларимиз мошинанинг ичидан кўринмайди-да!

Шошиб кабина эшигини очиб, ташқарига чиққан шоир осмонга ҳайрат билан тикиларкан, боладай завқи тошиб, хитоб қилади:

– Вой-бў-ў, намунча осмонингларда юлдуз кўп?!

Ким нимага қодир?

Азим Суюн ўз тенгдошлари билан адабиётга кириб келган йиллари адабий учрашувлар, баҳс-мунозаралар жуда жонли, мароқли бўларди.

Кунлардан бир кун Усмон Азимнинг уйида шоирлар тўпланиб, ўзаро ниманидир қизгин муҳокама қилишади. Гапдан гап чиқиб, ҳамма беихтиёр мақтанишга тушиб кетади. Адабиётга, шеърятга дахли йўқ гапларни бир четда индамай эшитиб турган Азим Суюн ногоҳ шундай лўқма ташлайди:

– Ўлай агар, шеър ёзишдан бошқа иш қўлимдан келмайди, жўралар!

Спортнинг янги тури

Шоир Азим Суюннинг янги чоп этилган “Эй, дўст” китобини адабий жамоатчилик илиқ кутиб олади. Асарнинг тақдимоти ҳам яхши ўтади. Ижод суруридан сархушу хуш-

нуд бўлиб, жўшиб-тошиб юрган шоир ёру биродарлари, яқин дўстларини Дўрмондаги уйига чорлаб, зиёфат беради.

Меҳмонлар ичкарига кириб, столга ўтиришаётганда шоир Омон Матжон ногоҳ оёғи тойиб кетиб, йиқилиб тушади. Ўрнидан аранг турган шоир мулзам бўлиб, атрофга хижолатомуз аланглайди. Мезбон орадаги нокулайликни юмшатиш учун шундай сўз қотади:

– Омон ака спортнинг бу тури билан ҳам шуғулланади!..

Қувнок қах-қаха янграйди. “Спортчи” шоир ҳам беихтиёр енгил тортади.

Асар мураккаб бўлса

Ўтган асрнинг тўксонинчи йилларида драматург Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Тўмарис” трагедияси сахналантирилган эди. Спектаклда кўрсатилишича, Раяданинг канизаги биринчи пардада ҳалок бўлади. Иккинчи пардада канизак ролида чиқиши лозим бўлган актриса бетоблиги сабабли бу ролни ҳам биринчи пардада ўлиб кетган канизак ролининг ижрочиси Луиза Қулабдуллаева ўйнайди.

Ана ўша асар кўригида қатнашган шоир Азим Суюн томоша охирида таъсирланиб, драматургга шундай дейди:

– Мен қойил қолдим. Асарингиз ниҳоятда мураккаб экан.

– Нега?

– Биринчи пардада ўлиб кетган канизак иккинчи пардада тирилиб келди-я!

Аллома

Кунлардан бир кун шоир Азим Суюннинг мухлисларидан бири телефон қилиб, сўрайди:

– Азим ака! Кеча “Диёр” газетасида “Алломалар ҳақида ҳангомалар” рукнида Сиз ҳақингизда ёзилган ҳангомаларни ўқиб, маза қилдик. Қойил! Сизнинг аллома эканингизни билмас эдик, биз учун бу янгилик бўлди.

– Ажабо! – дейди шоир бунга жавобан. – Ҳақиқатни ёзадиган газеталар ҳам бор экан-да!

Соқий бензинфуруш бўлса...

Азим Суюн яқин жўралари билан юртига кетаётган эди. Сирдарё вилоятига етишганда катта йўл четидаги ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнида тўхтайдилар. У ердаги бензинфуруш йигит шоирнинг жияни экан. Жиян пойтахтдан келган меҳмонларни сийлаб, кичкина зиёфат беради. Соқийликни ўз қўлига олади. Ногоҳ қадаҳлар тўла қуйилмаётганини пайқаб қолган Азим Суюн жиянга шундай танбех беради:

– Ҳей бола, буни бензинга ўхшатмасдан тўлдириб-тўлдириб қуй!

Шоир бўлиб ишласа-да...

“Жиззах–Накурт” йўналиши бўйича кетаётган автобус йўловчилари йўлларнинг ўнқир-чўнқир, нотекислигидан нолишиб кетишаётган эди. Шунда кимдир шундай гап қотади:

– Эҳ, бу ҳокимларга хайронсан, улар қаёққа қарашяпти?..

Бу лўқмани бошқалар ҳам қувватлайди. Шунда бу гапларни жимгина эшитиб кетаётган накуртлик шофёр Фарҳод масалага аниқлик киритади:

– Кўп қизиқ одам экансизлар. Накуртдан чикиб, дунёга донг таратган, Тошкентда кўп йиллардан буён шоир бўлиб ишлаётган Азим Суюнки бу йўлларни тузатаман деб қанча уриниб-суришиб эпполмаяпти-ю, шу ҳокимларнинг тузата олармиди?

ШУКУР ҚУРБОН БИР КУНИ...



Шукур Қурбон 1951 йили Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган. 1973 йили Тошкент давлат университети-нинг филология факультетини тугатган. Биринчи шеърлар китоби – “Оққушлар кўли” 1978 йили нашр этилган. Турли йилларда шоирнинг “Соғинч дарвозаси”, “Нафас”, “Озорингни соғиндим”, “Сизни Худо етказди”, “Бир қалб манзараси”, “Она тилим”, “Арбаъин”, “Ёз кунлари”, “Ёри жоним”, “Қалбдаги шамлар”, “Байрам болаларники”, “Балиқчиликлар” каби китоблари чоп қилинган. Устоз Эркин Воҳидов сўзбоши ёзган “Сайланма”си 2013 йили босилган. Шоирнинг “Темур Малик”, “Бехзод”, “Устод Шоди ёхуд бастакор хақида хикоят”, “Сўз йўли”, “Ватандан кетиш”, “Дўст”, “Анбар она”, “Онам қошидасан ёхуд синглим Муҳаббатга мактублар”, “Тинчлик тўғрисида нотинч бир қўшиқ”, “Ҳамроҳ” каби шеър-ий қисса, тарихий ва замонавий дostonлари ҳам тилга тушган.

Шукур Қурбон таниқли, машхур шахсларнинг ижоди ва хаёт йўлига бағишланган “Тоҳир Малик сабоқлари”, “Абдулла Орипов сабоқлари”, “Озод Шарафиддинов сабоқлари”, “Рауф Парфи сабоқлари”, “Муҳаммад Юсуф сабоқлари” “Омонулла Мадаев сабоқлари” каби китобларнинг муаллифи.

Ҳаммаси зўр

Ёш шоир Шукур Қурбон эндигина “бу бўстон саҳнида” атак-чечак қилиб, шеърят қасрини ишғол қилишга чоғланган кезлар эди. Ҳали танилиб улгурмаган навқирон ижодкор олдида минг бир тўсиқ-ғовлар кўндаланг турар, туриш-турмушида ҳам ҳаловат йўқ эди. Ҳар гал таҳририятлар остонасидан ҳафсаласи пир бўлиб чиққанида таниш-билишлар, дилтортар дўстлар даврасида тўйгунча шеър ўқиб, хумори ёзиларди.

Бир куни Шукур билан Пушкин кўчасидаги “Шарқ юлдузи” журнали тахририяти жойлашган бино ёнида (у шу журналда ишларди) учрашиб қолдик. Сездимки, кайфияти шеър ўқишга мойил, фақат эшитишга тешиқ кулоқ бўлса бас. Аммо мен шошиб турган эдим.

– Шодмон ака, юринг, битта шеър ўқиб бераман,– Шукур “Шарқ юлдузи” тахририятининг шундоққина орқасидаги кўҳна, мўъжаз хужрасига таклиф қилди.

– Шукуржон, узр, мен... бир жойга шошиб турибман.

– Шошган одам... шеърга ёлчимайди, юрақолинг энди.

– Айтяпман-ку...

– Агар хўп десангиз, сизга тўртта сомса олиб бераман! – Шукур икки қадам наридаги тандирдан эндигина узилган, буғи чиқиб турган иссиқ сомсаларга ишора қилди.

Ногоҳ шумлигим тутди. Қолаверса, қорин ҳам оч эди.

– Тўртта сомса йигит кишига нима бўлади? – дедим.

– Боринг, яна иккита қўшаман! Кетдикми?

– Майли, фақат билиб қўйинг, шеърингизни сомса тугагунча эшитаман.

– Келишдик.

Хуллас, хужрага боргач, мен сомсаларни бир четдан туширавердим, Шукур жўшиб-тошиб шеърини ўқийверди:

*Маъсуда, о менинг Маъсудагинам,
Кўзлари фаромуш, осудагинам...*

Шеър завқидан сел бўлиб, “бай-бай”, “оҳ-оҳ”, дея сомсани еб тугатсам ҳамки шоири тушмагур шеър ўқишдан тўхтамасди. Кўнгли учун “аҳдни бузиб”, яна бир оз тоқат қилиб ўтирдим.

– Хўш, қалай? – ниҳоят, терлаб-қизариб кетган шоир оғзимга тикилди.

– Зўр!

– Сомсами, шеърми?

– Иккиси ҳам зўр! – дедим.

Жинни эмас экан

Кунлардан бир кун “Гулистон” журнали (ўша йиллар журналнинг нуфузи жуда баланд эди – Ш.О.) тахририятига қотмадан келган, қошу сочлари ўсик, мажнунсифат йигит ки-

риб келади. Кўзлари бежо, нимадандир аламзада бўлган одамга ўхшарди. У котибанинг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай, бош муҳаррир Асқад Мухтор хузурига кириб кетади. Орадан кўп ўтмай, ичкаридан унинг дағдағали овози эшитила бошлайди. Эшик тирқишидан буни тинглаб турган котиба нима қиларини билмай, бир зум иккиланади. Милицияга телефон қилишдан олдин бўлим мудир Маҳмуд Саъдийнинг хонасига боради.

– Маҳмуджон, Асқад аканинг олдида жиннироқ бир йигит кириб кетувди, ҳалиям чиқмаяпти. Жанжаллашаётганга ўхшайди, хавотирланяпман, бир қараб қўйинг-чи!

Маҳмуд ака кизиксиниб, котиба билан бош муҳаррир эшиги ёнига келади. Ичкаридаги овозга бир лаҳза кулоқ солиб тургач, беихтиёр кулимсирайди.

– Хавотирланманг, у жинни эмас – ёш шоир Шукур Курбон!

– Ахир у жанжаллашмаяпти-ку!

– Йўк, у бўлим мудир журналда чиқаргиси келмай, туҳумдай босиб ётган шеърларини бош муҳаррирга жўшиброк ўқиб беряпти, холос!

Мавзолейда... яшайди

Мустақилликдан илгари, Москвада ёш шоирларнинг Бутуниттифок йиғини бўлади. Унда қатнашган Шукур Курбон бир куни қок ярим тунда пойтахт кўчаларида адашиб қолади. Ўрисчани дурустроқ билмайдиган шоир ўзлари турадиган меҳмонхона мавзолей ёнида эканини яхши эслаб қолганди. Шунинг учун ҳам у мелисанинг “Қаёққа боришинг керак ўзи?” деган саволига бурро жавоб қилади:

– Мавзолейга боришим керак!

– Ие, қок ярим тунда мавзолейда нима қиласан?

– Мен ўша ерда яшайман!

– Йўғ-э, эсинг жойидами? – мелиса шоирнинг ғалати гапидан ҳайратланади. – Ахир у ерда Ленин...

– Мен ҳам ўша ерда яшайман!! – шоири тушмагур бўш келмайди.

Мелисанинг боши қотиб, гангиб қолади. Кейин бу ғалати йигитни яшайдиган жойи – мавзолейга кузатиб қўяди.

Нега шеър ёзади?

Кунлардан бир кун Шукур Курбон таникли адабиётшунос дўсти билан учрашиб қолади. Сухбат давомида олим ёшлик йилларини эслаб, шундай дейди:

– Мен ҳам бир вақтлар сенга ўхшаб шеър ёзардим. Ҳатто туман газетасида дostonим ҳам чоп этилганди. Аммо мундоқ ўйлаб кўрсам, барибир Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар даражасида ёза олишимга кўзим етмаган. Шу боис шеърятни ташлаб, илмга уриб кетдим. Яхши қилган эканман, мана, ёмон бўлмадим...

Шукур пешанасини андак тириштириб, қуюқ, ўсиқ қошларини чимирганча ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда жавоб қилади:

– Сен ўшанда шеърятни яхши таҳлил қилолган экансан. Мана мен шеърятни сенчалик тушунмаганим учун ҳалиям ёзиб юрибман.

Соқов шоир

Шукур Курбон Самарқанд шаҳрида шеърхонлар билан учрашувлар ўтказиб, ўз ҳисобидан чоп этган китобларини сотиб юрган эди. Кўриниши яҳудийга ўхшаброқ кетадиган шоирга одамлар тожикча мурожаат қилишар, аммо у бу тилни билмагани учун ўзаро мулоқотларда қийналиб қолар эди. Ўйлай-ўйлай ахийри йўлини топгандек бўлади. Ўзича соқов қиёфасига кириб, одамлар билан имо-ишора орқали муомала қила бошлайди. Сиёб бозорида қассобдан гўшт олаётиб ҳам шундай қилади, бу еридан кесинг, анави суякни қўшманг деган маънода қўлини ҳаволатади...

Иттифоқо, ўша кунлари Сиёб бозорида шеърхонлик бўлади. Шукур Курбоннинг жўшиб-тошиб шеър ўқиётганини кўрган ўша қассоб ҳайратланиб, ёнидаги шеригига шундай дермиш:

– Мен бу шоирни танийман, қизик, илгари у соқов эди. Оллоҳнинг қудратини қара-я, соқовга тил битиб, бинойидек шоир бўпти!

Адаш бўлгани учун

Республика радиосида узок йиллар режиссёрлик қилган Раҳмат Жумаев кунлардан бир кун андак сархуш бўлиб, ҳам-шиша улфати Шукур Холмирзаевни кидириб, Юнусободга – ёзувчиларнинг янги уйига келади. Йўлакда ўйнаб юрган болакайларни гапга солади. Режиссёрга “Шукур аканинг уйи”ни кўрсатишади. Жумаев юқори қаватга тебрана-тебрана, аранг кўтарилиб, айтилган эшикни тақиллатади. Шу асно қўйнидаги икки шиша ароқ ерга қарс этиб тушади-ю чилпарчин бўлади. Ароқка ачинган режиссёр аламидан эшикни баттар тарақлатиб ура бошлайди. Ниҳоят, ичкаридан хонадон соҳибни кўринади.

– Э, келинг, келинг!

– М-менга Шшукур ака к-керак!

– Менман Шукур ака! – дейди шоир Шукур Қурбон ҳайрон бўлиб.

– Й-йўк, менга Шукур... Холмирзаев керак!

– У киши бошка йўлакда туради.

– Ш-шундайми? – режиссёр бир шоирга, бир ерда синиб ётган шиша синикларига мўлтираб қарайди. Сўнг гажжак қаддини андак ростлаб, иддао қилади. – Ундай бўлса, ҳикқ, ароқимни тўлаб қ-қўйинг!

– Қанақа ароқ!

– Ана, ерда тўкилиб ётибди.

– Тўкилиб ётса, нега мен тўлашим керак?

– Исмингиз Шукур бўлгани учун, ҳикқ, уйингизга адашиб келиб қолганим учун... ҳикқ, тўлайсиз-да!..

Қурбон бўлишни истамаган

Шукур Қурбоннинг 1982 йили чоп этилган “Нафас” тўпламига таниқли шоир, тажрибали ношир Миразиз Аъзам муҳаррирлик қилган. Муаллиф шу маҳалгача “Шукур Қурбонов” номи билан ижод қилиб келаётганди. Тажрибали ношир шоирнинг исми шарифини ўзбекчалаштириб, тўпламини “Шукур Қурбон” номи билан чоп этишни таклиф этади. Аммо шоир бунга кўнмай, “Ким мени қурбон бўлишимни истаётган?!” дея норозилик билдиради. Хуллас, муаллифнинг айтгани бўлади. Кейинчалик, мустақиллик йиллари шоир барибир “Шукур Қурбон” номини танлайди.

ЙЎЛДОШ ЭШБЕК БИР КУНИ...

Йўлдош Эшбек 1950 йил, 1 сентябрда Самарқанд вилояти Иштихон туманида таваллуд топган. ТошДУнинг филология факультетини тугатган (1977). Дастлабки шеърлар тўплами – “Соғиниб яшайман” (1981). “Юксак дарахтлар” (1985), “Мовий турналар” (1987), “Яхшиликка қарайман” (1988), “Дарахтлар эртаги” (1989), “Ҳаёт чечаги” (1990), “Мангу масофа” (1991) каби шеъррий тўпламлари нашр этилган. Имом Ғаззолийнинг “Эй фарзанд”, Аҳмад Лутфийнинг “Ўғай она”, “Ҳазрати Али”, Фотима Темурнинг “Кўнгил дўстлари” (“Тазкират ул-авлиё”), Амина Шанк ўғлининг “Виждон азоби” ҳамда Ўлжас Сулаймоннинг “Сопол китоб” асарларини ўзбек тилига таржима қилган. “Шухрат” медали билан тақдирланган (1998).



Барибир гапираверади

Шоир Йўлдош Эшбек сўзамол, гапга чечан, суҳбати жон-жон йигит. Фақат гуруннга берилиб кетганда гоҳо меъёрни сал унутиб қўяди. Тошкентдан ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисига кетаётганимизда ҳамроҳ бўлиб қолсак, манзилга етгунча фақат у гапиради... Эшитиб биз чарчамимиз мумкин, аммо гапириб у чарчамайди.

Кунлардан бир кун Чорвоқда Йўлдош ҳамсуҳбат, аниқроғи, гапини эшитадиган тешик кулоқ қидириб, кўни-қўшниларнинг дала ҳовлисини оралайди. Қараса, ҳамма иш билан банд. Қўшниси Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон ҳам энгашиб, астойдил ер чопаетган экан. Йўлдош нима бўлса бўлар дея Нуруллоҳ билан салом-алиқ қилгач, суҳбатни, аниқроғи, монологни бошлаб юборади. Нуруллоҳ аҳён-аҳён соатига қараб, пешонасидаги реза-реза терларни қўли билан сидириб, ишлайверади. Йўлдош эса гапираверади...

Ахийри Нуруллоҳ бош кўтариб, хижолатомуз дейди:

– Кечирасиз, Йўлдош ака, мен тезроқ шу ишни битириб қўйиб, охирги электрчкага улгурмоқчи эдим.

Шунда Йўлдош пинагини ҳам бузмай, ҳамсухбатига далда беради:

– Э, сиз бемалол кетаверинг, мен гапиравераман!

Бўш келмади

Кунлардан бир кун ашаддий китоб мухлиси, журналист Маҳмуд Саъдий кўчада бир даста китоб кўтариб кетаётса, олдидан шоир Йўлдош Эшбек чиқиб қолади.

– Маҳмуд ака, бу қандай китоблар? – қизиқсиниб сўрайди шоир.

– Борхес, Маркес, Жойс, Шелли, Пристли, Лорка... – дея Маҳмуд ака фахрланиб, китобларини кўз-кўзлайди. Ногоҳ шоирга бир тегажоглик қилгиси келади: – Сен буларни ўқимай қандай шоир бўлиб юрганингга ҳайронман.

– Улар ҳам мени ўқимай қандай ёзишганига ҳайронман! – дейди шоир ҳам бўш келмай.

Ярим кунга зўрга чидади

Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида Йўлдош курган пахса кулба девори киш-кировнинг кор-ёмғирида нураб, кулаб тушади. Кўни-кўшнилар ҳашар қилиб, хужрани қайта тиклаб беришади. Бу ишда камтар-камсуқум, ўта камгап ва ўта меҳнаткаш журналист Шариф ака Холмуродов жонбозлик кўрсатади. Бир неча кун ўзи устачилик қилиб, ғишт теради. Йўлдош ўшанда “Сиз ҳам иморат курганингизда қамишдан бел боғлаб хизмат қилодурман”, дея катта ваъда беради. Ниҳоят, Шариф ака қурилиш бошлаганда шоир ваъдасида туриб, “Бизга нима хизмат?” дея енг шимариб келади. Хуллас, иш бошланади.

Ишлаб чарчамайдиган Шариф ака Йўлдошнинг тинимсиз гапларидан безор бўлиб, гангиб қолади. Шу боис тушликдан кейин ийманибгина гап қотади:

– Йўлдош, ҳалиги... сизга катта раҳмат, мана, шунчалик ёрдам бердингиз. Энди бу ёғини ўзим бир амалларман, сизга рухсат...

– Йўғ-э? – Йўлдош бу гапларга ишонқирамайди. – Ахир битта ўзингиз... Ким лой олиб беради? Ким ғишт узатиб туради?

– Айтяпман-ку – ўзим эплайман.

– Қийналиб қоласиз-да.

– Йўқ, кийналмайман.

Йўлдош қарайдик аҳвол жиддий, ака Шариф ҳазиллаш-маяпти.

– Ахир мен уйдан сизникида ишлайман деб уч кунга жавоб олиб келувдим. Уйга қайтиб боришим ноқулай. Овқат ҳам олмагандим. Энди нима қиламан?

– Сиз... сира хавотирланманг, – дейди Шариф ака хижолатомуз жилмайиб. – Уч кунлик овқатингизни мен ўзим бериб тураман, фақат...

– Мен сизни тушундим, Шариф ака, тушундим, – дейди Йўлдош кулимсираб. – Фақат бир илтимос – овқатни шу ерда – биргаликда баҳам кўрсак.

– Нега энди?

– Гапимни биров эшитиб турмаса, овқат егандай бўлмайман-да!

“Антиқа” дехқончилик

Йўлдошнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисида енг шимариб ариқ казиётганини кўрган қўшниси, дехқончилик бўйича ёзувчиларга беминнат ёрдам, текин маслаҳат бериб юрадиган меҳнаткаш адиб Эркин Малик ҳайрон бўлиб, сўрайди:

– Ҳой Йўлдош, нима қиляпсиз?

– Кўрмаяпсизми, ариқ қазияпман.

– Нима, сув чиқармоқчимисиз?

– Йўқ, экин экмоқчиман.

– Нима экмоқчисиз?

– Писта экаман.

– Пистага шунчалик чуқур ариқ олинадими?

– Шаҳардан келиб, суғориб туришга вақтим бўлмайди.

Ариққа сувни бир тўлдириб кўйсам бас – экин бир-икки ойгача сувсамай тураверади.

Бунақа “антиқа” дехқончилик усулини эшитган Эркин ака хо-холаб кулиб юборади.

ЁҚУБЖОН ХЎЖАМБЕРДИЕВ БИР КУНИ...



Ёкубжон Хўжамбердиев 1947 йили Жанубий Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти, Сузоқ қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетига таълим олган. “Зарурат”, “Ой тўлган тунлар”, “Ўзбеклар иши”, “Сузоқнома”, “Ойнинг ёруғ кунлари”, “Соғуний соғинчи” каби шеърӣ, публицистик асарлари чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган (1995).

Хайрият

Таниқли публицист ва шоир Ёкубжон Хўжамберди “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрганида хира, сурбет муаллифлардан роса безор бўлган. Кунлардан бир кун кўчада кетаётса, рўпарасидан ёш шоир чиқиб қолади. Ёкубжоннинг юраги шиг этиб кетади: “Уфф, ҳозир шеърини сўрайди!”

Салом-алиқдан сўнг Ёкубжон хижолат бўлиб, шундай дейди:

– Минг бор узр, укажон, ҳали шеърингизни кўролмадим. Расмий материаллар кўпайиб кетди. Ўзим ҳам яқинда хизмат сафаридан кайтдим. Худо хоҳласа, шу ҳафтадан қолдирмай шеърингизни ўқиб қўяман.

– Қанака шеърим? – ёш шоир хайрон бўлади.

– Бизга берган шеърингизни айтаяпман-да.

– Сизларга шеър берганим йўқ-ку!

– Э, шундайми?! – Ёкубжон беихтиёр суюниб кетади. – Хайрият, э, кечирасиз... ш-шу... шеърларингиздан олиб келинг...

Ўрганиб қолган

Ёкубжон газета ишида қаттиқ банд бўлгани учун шеър ёзишга камроқ вақт ажратарди. Нуфузли бир нашриётда унинг шеърӣ тўплами чоп этишга режалаштирилгани маълум

бўлгач, шоир типирчилаб қолади. Чунки нашриётга олиб борай деса тўпламга лойиқ шеърнинг ўзи йўқ эди. Энди зудлик билан шеърлар ёзишдан бошқа илож қолмайди. Ёқубжон меҳнат таътилига чиқиб, ижод қилиш учун Дўрмонга боради. Серулфат шоирни ўртоқлари шу ерда ҳам тинч қўймай, бир куни шаҳарга – чойхона базмига олиб кетишади.

Аксига олиб, худди шу куни, шу маҳалда Ёқубжоннинг меҳрибон рафиқаси Машрабхон кўлида чақалоғи ва онаси билан домлани (хотини Ёқубжонни эъзозлаб, шундай дерди) йўқлаб келишади. Биз – Ёқубжоннинг дўстлари меҳмонларни кутиб олдик, сўнг иззат-ҳурмат билан кузатиб ҳам қўйдик.

Ёқубжон тушмагур шу куни чойхонадан чиқиб, тўппатўғри уйига қайтади.

– Дўрмонда яхши ижод қиляпсизми, домла? – деб сўрайди уй бекаси, сир бой бермай.

– Раҳмат, яхши...

– Бугун қаерда эдингиз?

– Дўрмонда эдим, – Ёқубжон иккиланмай, дадил жавоб қилади.

– Биз йўқлаб борувдик, йўқ экансиз...

– Э, шундайми?..

Эртаси куни Дўрмонда бу ҳангомани эшитиб, роса кулишдик.

– Тўғрисини айтиб қўя қолмадингизми? – десак, Ёқубжон самимийлик билан яна бир бор кулдирди:

– Энди... баъзан хотинга ёлғон гапириб, ёлғонга ўрганиб қолибман.

Сочлари қора, лекин...

Ҳаммаҳалламиз, журналист Абдуолим Иноқов эллик ёшга тўлганда табриклаш учун уйига бордик. Дастурхон атрофида ҳамкасблар гурунглашиб ўтирдик.

Сочлари оппоқ радиожурналист Турғун Халилов табрик сўзида яхши тилаклар билдириб, охирида шундай дейди:

– Абдуолим эндигина қирчиллама йигит ёшига етди. Қаранг, сочлари ҳалиям қоп-қора...

– Лекин бошқаларникини оқартириб бўлди денг! – лукма ташлайди Ёқубжон.

Самимий қаҳ-қаҳа янграйди.

Зўрлашга боғлиқ

Улфатчиликни яхши кўрадиган Ёқубжон соғлиғи туфайли бир муддат ичкиликдан тийилиб юрган эди. Ана ўша “мажбурий танаффус”га чиқилган кунларнинг бирида Ёқубжон билан меҳмондорчиликда ёнма-ён ўтириб қолдик. Соқий қадаҳ узатганда у ийманибгина узрини айтарди. Камина – ичмайдиган одам “Тўғри, тўғри, Ёқубжон ҳозир ичолмайди!” дея дўстимни кўллаб турдим. Бора-бора у менинг хайрихоҳлигимдан ажаблангандек, менга андак ғалатирок қараб кўя бошлади.

Хуллас, ўтириш қизигандан қизиб кетди. Соқий ҳам тушунадиган йигит экан, дўстимизни ортиқ қистовга олиб ўтирмади. Аммо сезиб турибман, Ёқубжоннинг еган-ичгани татимаяпти, ҳар гал қадаҳлар жаранглаганда бир тамшаниб кўяди, дарди ичида...

Ёқубжонга жабр қилдиммикин дея ахийри бу муҳим масалага аниқлик киритмоқчи бўлдим:

– Менга қаранг, сиз ростдан ҳам... ичишни ташлаган-мидингиз? Яна...

Ёқубжон бу гал тўғриси айтиб кўя қолди:

– Буёғи энди... қандай зўрлашга боғлиқ!..

“Шоирлигимни биларкан”

Бир замонлар атоқли адиб Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлган, адади бир миллионга яқинлашган машҳур “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Ёқубжон билан бирга ишлагандик. Назаримда, унинг журналист, публицист сифатидаги истеъдоди шу йилларда яққол намоён бўлганди. Илгари яхшигина шеърлар ҳам ёзган, кейинчалик, ўртамиёна шоирдан кўра халқнинг дардини айтадиган яхши журналист афзалроқдир деган хулосага келган.

Бир куни Ёқубжон хонамга ҳаяжонланиб кириб келди.

– Одил ака менинг шоирлигимни билар экан! – деди ховлиқиб. – Боя гап орасида “Мана, ўзингиз ҳам шоирсиз, Ёқубжон” деганда ҳаяжонланиб кетдим. Қизиқ, шоирлигим ўзимнинг ҳам эсимдан чиқиб кетган экан.

Дўстимнинг “Шоирлигимни биларкан” деган ғаройиб гапидан завқланиб, кулиб кўйдим.

Дарвоқе, Мирпўлат Мирзо Ёқубжоннинг шоирлигини эслатиб, шундай ҳазил қилганди:

*Ҳаёт гиж-гиж муаммодир – қийин, мужмал,
Мудом унга тинчлик бермас низо, жанжал.
Қарайдики, шўрлик деҳқон ери йўқдир,
Мактуб ўқир – ёш жувоннинг эри йўқдир.
Лоқайд турмас – ҳамма учун ёнмоғи шарт,
Диёнатли ижодкор у, шунақа мард.
Зеро, шеър ҳам ёзарди-я у бир замон,
Ўйлармикин шоирман деб ўзин ҳамон?..*

МУҲАММАДАЛИ ҚЎШМОҚОВ БИР КУНИ...



Муҳаммадали Қўшмоқов 1948 йили Фарғона вилоятида туғилган.

Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоир, адабиётшунос, таржимон, филология фанлари номзоди. “Қоратол”, “Ёмғирдан кейинги умр”, “Гулларим сизга”, “Али Қамбар”, “Коинот умиди – инсон”, “Умид кизгалдоқлари” шеърӣ тўпламлари, “Шамоллар чоргоҳи” достони, “Тўрўғли”, “Чарх – фалак” драматик достонлари, Тилла кампир, Жуманбулбул, Жоссок шоир, Турди, Гулханий хақидаги эсселари, “Чечанликда сўзга сувдайин оқиб...”, “Бахшилар хазинаси”, “Дарёлар уфқи – денгиз” адабий-танқидий китоблари нашр этилган. Бир қанча ҳужжатли киносценарийлар муаллифи. Т.Шевченко, П.Неруда, Н.Хикмат, Г.Лорка, П.Элюар, Н.Гильен, Ж.Превьер, Ф.Чокор, П.Верлен, В.Брюсов, Н.Тихонов, Е.Евтушенко асарларини ўзбек тилига ўғирган.

М.Қўшмоқов “Дўстлик” ордени (1999) билан тақдирланган.

Олим бўлиш осонми?

Шоир ва олим, ношир Муҳаммадали Қўшмоқовнинг ҳазил-мутойибалари, лутфлари ўзига хос, бетакрор. Кунлардан бир кун у кўчада курсдоши, эндигина кундузги аспирантурага ўқишга кирган (ўша даврда бу катта омад эди) Ғуломхон Ғафуровни (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) учратиб қолади.

– Эшитдим, аспирант бўлибсан, табриклайман!

– Раҳмат дўстим, раҳмат. Энди... буёғи нима бўларкин? – деб сўрайди Ғуломхон.

– Энди китобдан кўчиришни эплолсанг фан номзоди бўласан! – дейди Муҳаммадали.

Ўчини олди

Муҳаммадали билан кўшни эдик. Бир куни унинг уйига ёзув машинкасини (ҳали компьютерда ёзиш урф бўлмаганди)

сўраб чиқдим. Қўшним немисларнинг алмисоқдан қолган, чанг босган машинкасини олдимга қўйди.

– Тузукроғи йўқми, шоир? – эски матоҳни кўриб, энсам котди.

– Бориға барака энди, дўстим, – деди қўшним бошини кашлаб.

– Ким айтади сизни таниқли ижодкор, олим, катта бир журналнинг бош муҳаррири деб?! Машинкангизнинг аҳволини қаранг!

– Бу ҳам ёмон ёзмайди, – шоир машинкага қоғоз қўйиб, қандай ишлашини кўрсата бошлади.

Шу маҳал шоирнинг ёнимизда турган саккиз ёшли ўғли Дониёр кутилмаганда “қовун тушириб” қўйди:

– Амаки, нариги хонада дадамнинг яп-янги машинкаси бор, жудаям зўр ёзади-да!

Қўшним билан ялт этиб кўз уриштирдиг-у болакайнинг беғуборлигидан завқланиб, кулиб юбордик.

– Яқинда ўйинчок олиб беринг деганида кўнмагандим, бошлаб ўчини олди хумпар, – дея қўшним ноилож ичкарига кириб, янги машинкасини кўтариб чиқди.

Лутф

Кунлардан бир кун Муҳаммадалининг уйида шахмат ўйнаётгандик. Рақибимнинг ҳоли танг бўлиб, узоқ ўйланиб қолди, аммо “Рақибга хурмат!” дея таслим бўлгиси келмасди.

– Қаршилиқ кўрсатиш фойдасиз, шоир. Ўрнингизда Каспаров (шахмат бўйича жаҳон чемпиони – *Ш.О.*) бўлганда ҳам ҳеч иложини тополмасди! – дедим яқинлашиб қолган ғалаба нашъасидан ҳузурланиб.

Шунда қўшним бир ажойиб лутф қилди:

– Каспаров ким бўпти? Ҳатто сиз бўлганингизда ҳам чорасини тополмасдингиз!

Буюртма мақола

Шоир Носиржон Тошматов “Соғлом авлод учун” журналида ишлаб юрганида бир куни бош муҳаррир Муҳаммадали Қўшмоқов чақириб, илтимос қилади:

– “Алпомиш” достони ҳақида мақола ёзиб беришимни истимос қилишувди. Мақолани “диктовка” қиламан, менга котиблик қилиб турсангиз.

Икковлон астойдил ишга киришадилар. Мақола тахминан ярмига етганида Муҳаммадали ногоҳ шундай ўхшатиш қилади:

– “Алпомиш” достонидаги сатрлар худди ғўза қатор орала-рида оқаётган сувдек раван...

Ўхшатиш ғалатирок туюлгани учун Носиржон бир лаҳза ёзишдан тўхтаб, муҳаррирга ҳайрон тикилиб қолади.

– Ёзаверинг, иккиланманг, – дейди муҳаррир. – Мақолани “Қишлоқ ҳаёти” газетасига берамиз.

Нуфузи ўзи билан

Кунлардан бир кун “Муштум” журналини бошқараётган Ашурали Жўраев “Гулхан” журналига бош муҳаррир этиб тайинланади. Давраларда, журналист ҳамкасблар ўртасида бу воқеа турлича шарҳланади:

– Хўш, қани айтинглар-чи, Ашурали янги ишга ўтиб ўсдими ёки пасайдими?

– Пасайди.

– Йўқ, ўсди.

– Э, йўқ, пасайди. Ахир “Муштум”да бир вақтлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнуслар ишлашган. Демак, “Муштум”нинг нуфузи баландроқ эди. “Гулхан”га ўтиб чакки килди.

Шу маҳал даврада ўтирган “Соғлом авлод учун”, “Мактабгача тарбия” журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқов бахсга аралашиб, чиройли лутф қилади:

– Ўртоқлар, ҳаяжонланманглар! Ашуралининг нуфузи ўзи билан! У қаерга борса – ўша ернинг нуфузи баланд бўлади!

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ БИР КУНИ...

Ашурали Жўраев 1956 йил 8 августда Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Жалойир қишлоғида туғилган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган (1978). “Тошбақалар пойгаси” (1986), “Юрак бўронлари” (1989), “Ўқ узган ким?” (1994), “Сенга кўнгил берсам” (1999), “Дил гавҳари” (2001), “Танимадинг-а?” (2005) каби китоблари нашр этилган.



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвони билан тақдирланган.

“Муштум” журнали ва “Афанди” газетасида маълум муддат бош муҳаррир вазифасида хизмат қилган Ашурали Жўраев ижодида ҳажвиёт муҳим ўрин тутди. Ўзи ҳам ҳазил-мутойибага мойил, ҳозиржавоб, дилкаш ижодкор. Ҳазилни тушунмайдиган тўқимтабиат гумроҳлар билан астойдил курашган. Унинг “Ҳазил қилсам майлими?” деган ибораси оғиздан-оғизга ўтиб, машҳур бўлиб кетган.

Битта камчилиги бор

Қўшнимизникидаги ифторликда гурунглашиб ўтиргандик, ногоҳ шоир Сайёр ака (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) шундай деб қолди:

– Айрим газеталарнинг қалам ҳақи анча баракали экан. Уч-тўртта шеър ёки битта мақоланинг пулига бемалол икки-уч кило гўшт олса бўларкан.

– Ҳа, гўшт... яхши мезон, – дея лукма ташлади Ашурали Жўраев.

– Бизнинг домда бош муҳаррирлар кўп, улар қўллаб турса, гўшт қаҳат бўлмайди, – деди ёзувчи Муҳаммад Салом гуруннга кўшилиб.

– Хўш, бош муҳаррирлардан қай бирининг муруввати баландроқ, Сайёр ака? – қўшнилardan бири ҳазиломуз сўраб қолди.

– Мурувват бобида “Хабар” газетаси бош мухәрририга тенглашадигани йўқ! – Сайёр ака мактов учун узр дегандек мен томонга жилмайиб қараб қўйди. – Шодмонбек укагинам эринмай уйимга келиб, шеърларимни ўзи олиб кетади. Ортиқча пайсалга солмай, асаримни чоп этиб, яна ўзи уйимга газетадан уч-тўрт нусха ташлаб ҳам кетади. Бу ҳам етмагандек, ораддан кўп ўтмай, қалам ҳақини конвертга солиб келиб, қўлимга тутқазади. Қани айтинг-чи, шундай мухәррирни қизил китобга ёзса арзимайдими?

– Шодмонбек аканинг фақат битта камчилиги бор экан, – дейди Ашурали.

– Хўш, хўш?

– Бош мухәррир сифатида шунчалик мурувватли экан, нега энди ўша қалам ҳақиға биратўла Олой бозоридан гўшт харид қилиб кела қолмайди!

“Гурр” кулги кўтарилади.

Хотинингиз йўқ-да...

Ашурали бир куни бозордан сабзи харид қилаётиб, сотувчи аёлдан илтимос қилади:

– Яхшироғидан беринг, яна борганимда хотиним бу сабзиларингизни юзимга отмасин.

– Йўғ-э, мана, мана, яхшисидан саралаб беряпманку, келин-ойим албатта хурсанд бўладилар.

– Сиз барибир биз – эркакларнинг дардини тушунмайсиз.

– Нега энди тушунмас эканман?

– Чунки сизнинг хотинингиз йўқ-да!..

Японлар билмайдиган нарса

Ашурали ва таржимон Қаҳрамон Раҳмонов бир тўйда иккита япониялик меҳмонлар билан ҳамтовоқ бўлиб қолишади. Ошнинг қазисини тўғраётган Ашурали Қаҳрамонга гап қотади:

– Меҳмонлардан сўранг-чи, қазини билишармикин?

Қаҳрамон бир лаҳза меҳмонлар билан инглизча чуғурлашиб олгач, шундай жавоб қилади:

– Йўқ, билишмас экан.



– Тавба, – дейди Ашурали хайрон бўлиб, – дунёда японлар билмайдиган нарса ҳам бор экан-а?..

Афандимисиз?

Ашурали Жўраев “Муштум” журнали ва “Афанди” газетасига бош муҳаррир бўлган кезлар эди. Кунлардан бир кун у қаламкаш дўстлари билан Фарғона водийсига сафар қилади. Улар самолётда Наманганга учиб кетишаётганда Ашурали стюардесса қизга шундай ҳазил қилади:

– Синглим, биратўла Андижонга уча қолайлик. Ўша ёқда ишимиз зарурроқ эди.

Стюардесса бу гапнинг чин ёки ҳазил эканини билмоқчи бўлгандек, хайрон тикилиб қолади.

– Хўп дея қолинг, албатта рози қиламиз, – Ашурали жиддий алпозда илтимосини такрорлайди.

– Ие, Афандимисиз? – дейди стюардесса хайрон бўлиб.

Ҳамроҳлар “Афанди” муҳарририга қараб туриб кулиб юборишади.

Бекорга маош олмайди

“Афанди” газетасига янги ҳажвий машқларимдан бергандим. Орадан кўп ўтмай бош муҳаррир – Ашуралининг ўзи телефон қилиб қолди:

– Шодмон ака! Асарингизни ўқидик, бизга маъкул. Фақат бир жойида “ўйнаш” сўзини “жазман” деб ўзгартирсак қалай бўларкин?

– Э, баракалло, отангизга раҳмат! Худди шу сўз эсимга келмапти. Қойилман сизга!

– Ахир шунинг учун маош оляпман-да!..

Бир зумда чиққан китоб

Ашурали “Гулхан” журналига янги ишга ўтган кезлар эди. Бир куни таҳририятда ишлаб ўтирса, болалар шоири Қадам Саидмуродов (Оллоҳ раҳмат қилсин) келиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, шоир шундай дейди:

– Кеча “Даракчи” газетасида “Саҳифага сиғмаган сатрлар” деган ҳазил-ҳикматларингизни ўқидим. Яхши нарса экан. Шуларни тўплаб, битта китоб қилсангиз ҳам бўларкан.

– Хўп бўлади! Китоб тайёр! Мана олинг! – Ашурали қулимсираб, тортмасидан “Саҳифага сиғмаган сатрлар” деган жажжигина китобчасига дастхат ёзиб узатади.

– Э, қойил!– дейди шоир бир зумда чиққан китобга хайрат билан қараб.

Талабларга биноан

Кунлардан бир кун Ашурали нашриёт биносида адабиёт-шунос олим Маҳкам Маҳмудов билан гурунглашиб турганда журналист Жаббор Раззоқов келиб қолади.

– Э-э, Маҳкам ака, бормисиз, омонмисиз? Камнамосиз жуда?

– Ҳа энди... юрибмиз ука, тупроқдан ташқари.

– Уйланибсиз деб эшитдик.

– Уч йил бўлди-ку уйланганимга!

– Тўйга ҳам айтмадингиз?!– дейди Жаббор андак гина қилиб.

Шунда Ашурали ўзича томонларни муросага чорлаб, шундай дейди:

– Маҳкам ака! Илтимос, Жаббор ака учун яна бир марта уйланинг! Сиздан нима кетди?!.

Номинацияга ўзгартiriш

Наврўз байрами куни маҳалламизда катта тадбир-тантана бўлади. Маҳалла раиси Аҳаджон анча ишбилармон, ташаббускор чиқиб қолди. Унинг саъй-ҳаракати билан маҳалладошларга бир қанча номинациялар бўйича мукофотлар топширилди. Жумладан, каминанинг хотинига “Энг намунали қайнона” (ажабо, қайнонанинг ҳам намунаlisi бўларкан-да?!.) номинацияси бўйича мукофот насиб этди.

Тадбирдан сўнг уйга хушнуд-сархуш қайтаётган қўшнилари йўлакай чакчаклашиб, гурунглашиб бордик. Мени табриклаш-ногох “домком”имиз Ашурали Жўраев мукофотни бошқача “шархлади”:

– Менимча, Шодмон аканинг аёлига берилган мукофот сал бошқачароқ аталса тўғрироқ бўларди.

– Қани-қани, эшитайлик!– дея қўшнилар қизиқсиниб чувиллашди.

– Менимча, бу мукофотни “Энг золим эр хузуридаги намунали қайнона” дейиш керак эди!

Таниқли шахс

Кунлардан бир кун Ашурали яқин дўсти билан ҳаммомга киради. Шунда чўмилаётган мижозлардан бири уни таниб қолиб, сўрайди:

– Ака, Сиз телевизорда чиқиб турасиз-а?

– Ҳа, гоҳо чиқиб тураман.

– Ҳожибой Тожибойнинг концерти берилганда ҳам телевизорда гапирувдингиз-а?

– Ҳа, гапирувдим.

У нари кетгач, Ашурали дўстига қараб шундай дейди:

– Мана кўрдингми? Мени ҳатто ҳаммомда ҳам танишади!..

Нарх осмонда бўлса...

Қиш-қировли кунлар бошланганда Ашуралининг ўғли Алишер отасига шундай илтифот қилади:

– Дада, қишки кийимингиз анча уриниб қолибди, юринг, бозорга бориб сизга битта яхши пальто оламин.

– Майли, ўғлим.

Ота-бола пойтахтнинг машҳур Ипподром бозорига йўл олишади. Уриниб-суришиб расталарни айланишади. Пальтолارнинг нархи осмонда эканлигини кўрган Ашуралининг қайфи учиб кетади. Ноилож ўғли кўрсатган битта пальтони кийиб кўради.

– Елкангиз осилиб қолди,– дейди сотувчи кийимнинг тўғри келмаганини сезиб.

Шунда Ашурали сотувчининг изоҳига аниқлик киритиб, ҳазил қилади:

– Елкам эмас, нархни кўриб қовоғим осилиб қолди!

Жигардан уради

Ашурали Жўраев бир куни набираси билан супермаркетга киради. Пештахта остидаги жигарга ишора қилиб, сотувчидан илтимос қилади:

– Қизим, шу жигарингиздан бир килограмм тортиб беринг.

Сотувчи киз музхонада обдан музлатилган жигарни гўшттахтага қўйиб, катта пичоқ билан кеса бошлайди. Жигар каттиқ музлатилганмиди ёки пичоқ ўтмасроқмиди – уввало уринмасин, кеса олмайди. Воқеани кузатиб турган набира бобосига шундай дейди:

– Бобо! Бу опа жигар кесишни билмас экан-а?

– Бу опанглар жигардан уришни билади! – дейди ҳозир-жавоб бобо.

Пахта қўйиши

Ашурали Жўраев тиши оғриб, оғзида пахтаси билан нашриётга чиқади.

– Ҳа, нима бўлди? – ноширлар ҳол-аҳвол сўраган бўлишади.

Ёзувчи шундай ҳазил қилади:

– Ҳозир нашриётдагиларга пахта қўймасанг, китобинг чиқмайди!

Янгича жазолаш

Ашурали “Муштум” журнали ва “Афанди” газеталари раҳбарлигидан “Гулхан” журналига бош муҳаррир бўлиб ишга ўтган кезлар эди. Уни янги лавозим билан табриклаган айрим дўстлар шундай дейишади:

– Эски ишдан кетиб тўғри қилибсиз. Ҳозир танкид ҳеч кимга ёқмайди.

– Ҳозир танкид қилувчиларни янгича жазолаш усули ўйлаб топилган, – дейди Ашурали сирли кулимсираб.

– Хўш, хўш?

Янги муҳаррир чиройли сўз ўйини қилади:

– Уларни энди гулханда ёқишади.

Сайлов

Ашурали Жўраев номзоди Тошкент шаҳар депутатлигига қўйилган эди. Сайловчилар билан бўлган бир учрашувда номзоднинг ишончли вакили, журналист Жаббор Раззоқов сўзга чиқиб, номзодни роса мақтайди. Шунда номзод жамоага қараб, шундай ҳазил қилади:

– Шунчалик яхши эканман, сайлаб қўя қолинглар!

Чойхона маъқул

Ашурали Жўраев “Ўзбекистон” нашриётида директор ўринбосари вазифасида ишлаётганда думбул муаллифлардан роса безор бўлган. Бозорга тушган одам молини ёмон дематганидек, “ёзғувчилик” дардига йўлиққан бундай графоманлар (ёзмасдан туrolмаслик касали – *Ш.О.*) мутлақо яроқсиз асарларини чоп эттириш пайида бўлиб, раҳбарнинг асабини аёвсиз эговлашарди.

Бир куни шунақа муаллифлардан бири иккита катта папкага жамланган қўлёмасини кўтариб келади.

– Укажон, мен ўзим институтда қирқ йилдан буён талабаларга дарс бериб келаман, – дейди муаллиф. – Ҳаёт йўлим ҳақида шу нарсани бир умр ёздим. Мен айрим одамларга ўхшаб вақтимни чойхоналарда беҳуда ўтказмайман. Шунинингиз бир ўқиб кўринг.

– Майли, кўриб чиқармиз, – дейди Ашурали соатига секин кўз ташлаб қўйгач.

Орадан бир-икки ой ўтгач, домла яна раҳбарга юзланади.

– Хўш, ўқиб чиқолдингизми?

– Ҳа, – жавоб қилади Ашурали энсаси қотиб.

– Хўш, қалай, яна... ёзаверсам бўларканми?

– Сиз... яхшиси чойхоналарда юраверганингиз маъқул экан.

– А?!...

ОРИФ ОДИЛХОНОВ БИР КУНИ...



Ориф Одилхонов 1938 йили Тошкент вилоятининг Сўқоқ қишлоғида туғилган. 1966 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатган. “Баҳор атри”, “Тоғда бир чашма”, “Умид юлдузлари”, “Диёр ва ёр мадҳияси” каби китоблар муаллифи. Кўплаб шеърлари кўшиқ қилинган.

Ориф Одилхонов 2002 йили вафот этган.

“Чириган капитализм”

Кунлардан бир кун, шўролар замонида Ориф ака сайёҳлар гуруҳи таркибида Англияга сафар қилади. Ўша даврда бу жуда катта воқеа эди. Сайёҳлар Лондоннинг диққатга сазовор жойлари, музейлар, тарихий обидаларни мириқиб томоша қиладилар. Ҳукмрон қизил мафқуранинг “чириган капитализм” ҳақидаги муттасил ташвиқоти – заҳарлаши туфайли бўлакча бир хаёл-тушунча билан борган меҳмонлар бу ердаги ажойиб кадриятларни, юксак маданият ва гўзалликни, тартиб-интизомни кўриб, лол-ҳайрон қоладилар. Мутлақо кутилмаган таассуротлар оғушида, сармаст-сархуш бўлиб юрган кунларнинг бирида Ориф ака ногоҳ ҳамроҳларини ажаблантириб, бурнидан чуқур-чуқур нафас олиб, бошини чайқаб, “Оббо падарлаънат-ей?” дея ўзича сўқинар, ҳайрон бўлиб турган шерикларидан “Наҳотки бир ҳидни сезмаётган бўлсанглар?” дея сўраб ҳам кўяр эди.

Ниҳоят, сабр-токати тугаган сайёҳлардан бири чидолмайди:

– Ниманинг ҳидини айтяпсиз, Ориф ака?

– Ана шу-да! Билмайсизлар! Социализм ҳид билиш аъзоларингизни ҳам ишдан чиқарган!

– Айта қолинг энди, одамни хит қилмай?

Ориф ака муҳим бир мўъжизанинг сирини очаетгандек, оҳиста, аммо катъий оҳангда, заҳарханда билан, ачитибгина киноа қилади:

– “Чириган капитализм”нинг ҳидини сезмаяпсизларми?..

Тирик арвоҳлар

Айтишларича, Ғафур Ғулом ўтмишда ўтган Ориф ўрис деб аталмиш эски фирка аъзоси билан (у ҳақда кўп ҳангома-латифалар тўқилган) ошно бўлган экан. Кунлардан бир кун “Муштум” журнали таҳририятида Ориф Одилхонов устоз шоир билан учрашиб қолади.

Ходимлардан бири уларни ўзаро таништираётиб, шундай ҳазил қилади:

– Ғафур ака, мана, Ориф ўртоғингиз сизни йўқлаб келибди.

Шунда Ғафур Ғулом Ориф акага ажабсиниб яқинлашади, пешонаси ва юзларини силаб-сийпалайди, сўнг оҳиста бағрига босиб, елкасига уриб-уриб кўяркан, шундай дейди:

– Ҳалиям бор экансиз-да, раҳматли!

Ориф ака ҳам бўш келмай, дарров жавоб қайтаради:

– Арвоҳ арвоҳни йўқлайди-да, устоз!

Муносиб номзод

Ориф ака шўро даврида маълум муддат бир хўжаликда партком вазифасида ишлаганди. Бир куни райком секретари унга партия аъзолигига оддий колхозчидан номзод тайёрлаб келишни топширади. Ўша давр сиёсатига кўра партиёга ақлли, ўқимишли одамлар керак эмасди, шу боис зиёлиларнинг партиёга кириши анча чекланган эди.

Ориф ака колхозчидан номзод тополмай, ноилож бир инженерни аъзоликка тайёрлайди. Ниҳоят, райком йиғилиши бу масалани кўраётганда райком секретари Ориф акага танбех бериб, иддао қилади:

– Биз сизга оддий колхозчидан номзод тайёрланг деб топшириқ бергандик, ўртоқ Одилхонов! Сиз бўлсангиз зиёли-инженерни тавсия қилиб ўтирибсиз. Бу қандай ўзбошим-чалик?!

Ориф ака танқиддан ўзини йўқотмай, ўйлаб қўйган жавобини дангал айтади:

– Бу номзодни мен яхши биламан, ўзи инженер-зиёли бўлса ҳам, калласи колхозчиникидан ортиқ ишламайди! Айтмоқчиманки, савияси жойида! Шонли партиямизга жуда ҳам муносиб номзод!

Ўзбекча гапирворди

Ориф ака узоқ йиллар “Сўқок” дам олиш уйига раҳбарлик қилганди. У ерга ҳар хил тоифа, турфа хил миждлар келар, Ориф ака уларни кўравериб, кўзи пишиб кетган эди. Кунлардан бир кун бу ерга пойтахтдан таннозгина, ўзи ўзбек бўлса-да, ўрисча гапиришни маданият белгиси деб биладиган бир хоним келади. Икки кун мобайнида қилдан қийиқ ахтариб, инжиқлик килавериб ҳаммани безор қилади. Учинчи куни у директор ҳузурига кириб, тоби қочиб қолганини айтади, зудлик билан пойтахтдан профессор чақиртирилишини талаб қилади. Директорнинг ўзбекча саволларига ҳам ўрисча жавоб қайтаради.

Ориф ака ноилождимлардан бирини ҳузурига чақириб, жиддий алфозда буюради:

– Бу нухани зудлик билан Тошкентга юбориш керак, акс холда ўлади!

– Вой! Наҳотки... мен ўлсам?!

Ўз она тилини унутаёзган танноз хоним жон ширинлик қилиб, беихтиёр ўзбекча гапириб юборади.

“Он прав!”

Мустақилликдан илгари марказдан келиб бизга раҳбарлик қилган, ақл ўргатганларнинг ошиғи олчи бўлган кезлар турли нохушликлар, кўнгилсизликлар қатори ғаройиб, кулгили воқеалар ҳам бўлган. Шундай раҳбарлардан бири Ориф акага танбех бериб, иддао қилади:

– Сен жойлардаги кадрларга қаттиққўл эмассан! Фалон колхоздаги клубнинг аҳволини кўрдингми? Эртага ўша ерга борамиз. Клуб мудирини менинг кўз олдимда аямай сўкасан!

Раҳбарнинг амри вожиб! Эртаси куни айтилган жойга боришади. Ориф ака клуб мудирига билинтирмай, секин кўз қисиб қўйгач, ногоҳ важоҳатини ўзгартириб, жиддий алпозда “сўка бошлади”:

– Бизнинг муқаддас удумларимизни билмаган, юзхотирчилик, андиша деган нарсанинг кўчасидан ўтмаган мана бу тўнғиз сени сўқиб қўйишимни буюрди! Бу аҳмоқ билмайдик, сен билан биз кадрдон ака-укамиз, тобуткашмиз!



Кулгидан зўрға ўзини тийиб турган клуб мудирини ҳам ўзича андак “рол”га кирмоқчи бўлиб, эътироз билдириш учун оғиз жуфтлаганда, маҳаллий тилни мутлақо билмайдиган раҳбар елкасига қоқиб, шаштини қайтаради:

– Не возражай! Он прав!

...Ориф ака ана шу раҳбар билан бир куни пахта далаларини айланиб юрган эди. Бир колхозга боришганда йўл ёқасидаги майдонда ўсиб ётган экинни кўриб, раҳбар ўзича танбеҳ берган бўлади:

– Нега бу ғўзалар ҳалигача чеканка қилинмаган?

Раис нажот истаб Ориф акага тикилади.

– Ўртоқ фалончиев! Бу ғўза эмас; каноп-ку! – дейди Ориф ака.

Каноп билан ғўзанинг фарқига бормайдиган раҳбар мулзам бўлиб қолади.

Ит бўлгани ёмон

Болалигида ит қоқиб олгани учунми, Ориф ака итдан жуда ҳам кўрқарди. Унинг бу одатини яхши билган бир дўсти ҳаммиша унга тегажожлик қилиб юрар, ўзича гоҳо ит бўлиб во-вуллаб, кўрқитмоқчи бўлар эди. Орадан йиллар ўтгач, ўша ҳазилкаш дўсти Ориф акани учратиш қолади-ю ўзича ақиллаб, пўписа қилган бўлади. Ҳозиржавоб Ориф ака шу лаҳзанинг ўзида шеър тўқиб ташлайди:

*Ўтса ҳам кўп замон, итни эл ҳамон
Инсоннинг дўсти деб мақтайди, инон.
Ит сенга содиқ дўст бўлса яхши-ку,
Ва лекин дўстинг ит бўлгани ёмон.*

Олинг, мулла Ориф

Ориф ака Хоразмга борганида кадрдонлари жуда яхши кутиб олишади. Катта бир кўлда сузиб юрувчи шийпондаги базму жамшид, айниқса, унутилмас бўлади. Чор атрофига шоҳона кўрпачалар тўшалган Ориф ака ўзини худди Исфандиёрхондек ҳис этар, сувнинг салқин эпкинидан хузурланиб, тўйиб-тўйиб нафас олар эди. Бир маҳал дастурхонга турфа хил таомлар тортилади. Хоразмча пиширилган балиқларни кўрган Ориф ака

очикқанини сезиб, бир тамшаниб кўяди. Ҳамма жамулжам бўлгач, дастурхонга ҳужум бошланади.

Ўзбекона илтифот-манзиратга одатланган Ориф ака бир дастурхонга, бир индамай овқатнинг “чангини” чиқараётган мезбонларга андак таажжуб ила қараб қолади. Негадир “Олинг, олинг!”, “Қани, қани”дан дарак бўлавермайди.

Ногоҳ хоразмликларнинг одати эсига тушган меҳмон астойдил томоқ қириб, баланд овозда хитоб қилади:

– Мулла Ориф! Ҳой, мулла Ориф!

Мезбонлар хайрон бўлиб, бир-бирларига аланглаб қарашади. Чунки даврада бошқа Ориф отлиғ зот йўқ эди.

“Мулла Ориф” гапнинг пўст калласини айтади:

– Дастурхондаги мана бу нозу неъматлардан сиз ҳам баҳраманд бўлиб ўтиринг, қисинманг, акс холда бу Хоразм элинда очдан ўласиз, мулла Ориф!

Кийкирик, кулги зарбидан кўл устидаги кўчма шийпон бир калкиб кетади.

“Мен қуёнман”

Хоразм сафарининг учинчи куни Ориф акани ёзувчи Раҳим Бекниёз бошчилигида Ҳазорасп чўлига қуён овига олиб боришади. Мезбонлар чор атрофдан қуёнларни хуркитиб, ҳайдаб келишар, қўлидаги бешотар милтиқ билан шай турган Ориф ака жониворни отиши лозим эди. Аммо хуркак, чаққон қуёнлар лип этиб кўздан ғойиб бўлар, меҳнатлари зое кетаётган мезбонлар эса “эх, уфф”, дея тиззага уриб, афсусланишар эди.

Бу ҳол қайта-қайта такрорланавергач, ахийри мезбонлардан бири алам билан дейди:

– Эҳ, бугун оч қоладиган бўлдик-да!

Шунда Ориф ака қўлидаги милтиқни ўша йигитга тутказади-ю, югуриб бориб, бир юлғуннинг ортига ўтади. Икки қўлини кулоғининг тепасидан чиқариб, сўрайди:

– Қалай, қуёнга ўхшадимми?

– Худди ўзи бўлдингиз, оға!

– Унда ота қолинг, қурук кетмайлик!

Боқувдаги артист

“Сўқок” дам олиш уйида семизгина бир артист йигит хордиқ чиқарар, Ориф ака у билан самимий ҳазиллашиб юрар эди. Ниҳоят, артистнинг муддати тугаб, уйига қайтадиган пайт келади. Хайрлашишаётганда Ориф ака янада тўлишиб, эт қўйган йигитдан ногоҳ сўраб қолади:

– Илтимос, яна бир-икки кун қолишнинг иложи йўқми?

– Нима гап ўзи, Ориф ака?

– Эрта-индин комиссия келадиган эди, уларга “Биз дам олувчиларни мана шундай боқяпмиз!” дея сизни кўрсатар эдим!

Жазо

“Сўқок” дам олиш уйининг ўтёқари Фармон тоға ғафлат босиб, ухлаб қолади-ю қозонхона ёрилиб кетиб, ишдан чиқади. Директор Ориф аканинг боши қотади. Ноилож мажлис чақириб, муҳокамани бошлайди. Ҳаммадан ҳар хил гап чиқади. Жўялироқ фикр айтилмайди. Айбдор эса бошини ҳам қилганча жовдираб тураверади. Ахийри Ориф аканинг ўзи масалага аниқлик киритмоқчи бўлиб, шундай дейди:

– Энди, бу кап-катта одамга қандай жазо бериш мумкин? Ишдан ҳайдаворсак бўлмайди – бола-чақаси бор, қийналиб қолади. “Ҳайфсан!”, “Огоҳлантириш” деган гапларни барибир тушунмайди. Нима қилсак экан? Ҳай майли, нима бўлса бўлар, мажлис баённомасига шундай байт битиб қўйилсин:

Ишласанг Фармон билан,

Ўларсан армон билан.

Ғаройиб таклиф

Фарғона водийсининг дам олиш уйларида биридаги ҳовузда одам чўкиб ўлади. Бу бахтсиз ҳодиса атрофида анча-мунча шов-шув бўлади. Республика курортлар бошқармасида ушбу масалага бағишланган махсус мажлис ўтказилади. Муҳокама кутилмаганда қизгин тус олади.

– Хўш, ўртоқлар, нима қилсак бундай фожиа қайта такрорланмайди? Қани, кимда қандай таклиф бор? – дейди мажлис раиси йиғилганларга мурожаат қилиб.

Ҳар каллада ҳар хаёл – истироҳатгоҳларнинг раҳбарларидан турли фикрлар чиқади:

– Сузишни билмайдиганларни кутқариш учун ҳовузга бир одамни ёллаб қўйиш керак!

– Э, бўлмайди, бу қимматга тушади.

– Унда бузук тракторнинг беш-олтита баллонини шишириб, ҳовузга ташлаб қўйиш керак.

– Бўлмайди – кичкина ҳовуз баллон билан тўлиб қолади.

Бу гапларни бир четда, индамай кулимсираб эшитиб ўтирган “Сўқок” дам олиш уйининг директори Ориф Одилхонов кутилмаганда шундай ғаройиб таклиф киритади.

– Менимча, ҳовуздан сувни ташқарига бутунлай оқизвориш керак – тамом вассалом!

Камбағалнинг хотини

Ориф аканинг уйига бир куни яқин дўсти хотини билан меҳмон бўлиб келади. Мезбонлар меҳмонларни зўр иззат-ҳурмат билан кутиб олишади. Ориф аканинг хотини кичкинагина, озғин, меҳмоннинг хотини эса бунинг акси – жуссаси йўғон, тўладан келган эди. Ориф аканинг дўсти хотинларга зимдан разм соларкан, ўзича таажжублангандек бўлиб, секин томок кириб сўрайди:

– Ориф, хотининг намуноча кичкина?

Ҳамиша ўқланган милтиқдек шай турувчи Ориф ака шундай жавоб қилади:

– Камбағалчиликда каттароқ хотинга қурбим етмай, кичкинороғидан олиб қўя қолдим, дўстим!

НОСИРЖОН ТОШМАТОВ БИР КУНИ ...

Носиржон Тошматов 1966 йили Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида таҳсил олган. “Муштум” журнали бош муҳаррири вазифасини бажарувчиси лавозимида хизмат қилади. Ўткир, долзарб мавзудаги мақолалари билан танилган. Шеърлари матбуотда мунтазам босилади. “Саркаш туйғулар” шеърий китоби нашр этилган.



Илҳом париси қачон келади?

Шоир Икром Отамурод ва Носиржон Тошматов сирдарёлик шоир Рустам Эминнинг таклифига кўра Гулистон шаҳридаги коллежлардан бирига ижодий учрашувга боришади. Учрашувнинг шеърхонлик қисми тугагач, навбат савол-жавобга келади. Маълумки, айна балоғат ёшидаги йигит-қизларни шоирларнинг шеърларидан ҳам кўра, шахсий ҳаётлари, илк муҳаббатлари, севги ҳақидаги шеърларининг ёзилиш тарихи кўпроқ қизиқтиради. Шу каби саволлар авж палласига кирганида, ўқувчилардан бири ҳар уччала шоирга “Илҳом париси сизни қачон йўқлайди?” дея савол беради. Бу саволга дастлаб Икромжон ва Рустам Эминлар жавоб қайтаришади. Носиржоннинг жавоби ўзига хос бўлади:

– Илҳом париси кеннойингиз уйда йўқлигида келади...

“Қачон шеър ёзаман?”

Ижодкор аҳлини энг кўп ўйлантирадиган муаммолар Носиржонга ҳам бегона эмас, яъни, мол-давлатинг кў-ўп бўлса-ю, тиқ этган шовқин кирмайдиган салқингина хонага кирволиб, кечаю кундуз ижод қилсанг. У шу орзусини амалга ошириш учун ўттиз уч ёшигача кетмон чопиб, деҳқончилик қилади. Лекин, бойиб кетмайди, очдан ўлмайди. Орзуси амалга ошавермагач, бир куни устози Абдулла Шерга маслаҳат солади:

– Устоз, шу яхшигина бир уй-жойим бўлса, кўрада йи-
гирма-ўттизта мол-қўйим, ана борингки, банкда жуда кўп бўл-
маса ҳам, қозон-товокни тебратишга етадиган, “болалаб”, ўз-
ўзидан кўпайиб ётадиган пича пулим бўлса, ана ундан кейин
ётволиб фақат шеър ёзардим... негадир сира ўхшамаяпти-да...

– Ҳозир неча ёшдасан? – сўрайди устози.

– Ўттиз учда.

– Сен айтаётган шароит шоирларнинг бир умрлик орзуси-
ку.

– Унда қачон шеър ёзаман?..

Телпагини ечса...

“Соғлом авлод учун” журнали таҳририятида ҳамкасблар
ўзаро гурунглашаётган эди. Таниқли фольклоршунос, ўша
даврда журналнинг бош муҳаррир ўринбосари Шомирза Тур-
димов яқинда журналга ишга келган Носиржондан ногоҳ сўраб
қолади:

– Қани, Носиржон, менга неча ёш берасиз?

Кутилмаган савол янги ходимни ўйлантириб қўяди. Сочининг
қорасидан кўра оқи кўп ҳамкасбига катта ёш айтиб юбор-
са, кўнглини чўктириб қўйиши мумкин. Шу пайт Шомирза-
нинг бошидаги телпагини кўриб, бир нима эсига тушгандек
дадилланади:

– Қани, телпагингизни ечинг-чи, – дейди Носиржон.

– Мана, мана.

– Телпагингизни ечсангиз – мендан катта, кийсангиз – мен-
дан ёш кўринар экансиз, Шомирза ака.

“Хайрият-ей!”

Таҳририятлардан бирининг аёл бош бухгалтери тил-
ла тақинчоқларга жуда ўч эди. Бўйнида тилла занжир, ку-
лоқларида тилла балдоқлар, иккала кўлининг бармоқларига
тўрттадан саккизта узук, гапирганида оғзидаги тўрт-бешта тил-
ла тишлари ярақлаб, кўзни оларди. “Тиллаой”нинг бу юриши
кўпчиликини, жумладан, Носиржоннинг ҳам ғашини келтирар-
ди. Бир куни ўша аёл Носиржонга рўбарў келиб қолади. Гап
келганда отасини аямайдиган шоир аввал аёлнинг тиллалари-

ни роса мақтайди: “Қанчага олгансиз?”, “Роса қиммат бўлса кераг-а?”

“Тиллаой” оғзи кўпириб мактанади. Мақтов чўққисига етганда Носиржон жиддий қиёфада, “Э-э, тўхтанг-тўхтанг, қани, туфлигингизни ечинг-чи”, дейди.

Бухгалтер аёл шошиб ўнг оёқ туфлисини ечади.

– Хайрият-ей, хайрият-ей!

– Ҳа, тинчликми, Носиржон? – хайрон бўлади аёл.

– Мен оёғингиздаги бармоқларингизга ҳам узук тақиб олган бўлсангиз керак деб ўйловдим...

Мошина нима дейди?

Таниқли ҳажвчи, “Муштум” журнали масъул котиби Саид Анвар ҳамкасблари орасида шинаванда улфатлиги билан ҳам машхур. Бир куни у ишга кечикиб келади ва ўзича хижолат бўлиб шундай дейди:

– Тавба, мошинам эрталабдан сира ўт олмай қийнади-да. Калитни бурайман, “қий-қий-қий” қилади, ўчади-қолади, яна бурайман, яна “қий-қий-қий...” Тавба, бу товуш сабаби нимадан экан, тушунолмамай қолдим.

Бунинг сабабини Носиржон шундай изоҳлайди:

– Саид ака, сиз ҳалиям мошинангизнинг тилини тушунолмабсиз. Мошинангиз “қий-қий-қий...” эмас, ҳадеб ўзинг ичарвермай, менга ҳам “қуй-қуй-қуй...” деётган бўлса керак.

Рекорд ўрнатмоқчи

Дўрмонда ёзувчилар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилаётганди. Навбатдаги турда “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил этилгандан то пенсияга чиққунича бош муҳаррир муовини бўлиб ишлаган (негадир бош муҳаррирлик унга насиб этмаган) таниқли шоир Мирпўлат Мирзога узоқ йиллардан буён “Муштум” журналида бош муҳаррир вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаётган Носиржон Тошматов рақиб бўлади. Ўйин пайти Мирпўлат сўрайди:

– Хўш, Носиржон, яна неча йил бош муҳаррир вазифасини бажармоқчисиз?



Ҳозиржавобликда Мирпўлат Мирзодан қолишмайдиган шоир шундай дейди:

– Гиннеснинг рекордлар китобига кирмоқчиман, Мирпўлат ака!

Жарангдор фамилия

“Муштум” журнали ходимлари тушлик қилишаётганди. Гап “...вич-вич”га бориб тақалади. Фельетончи Бахтиёр Олломуродовнинг отасининг исми Бойсариевич экан. Журнал раҳбари, шоир Носиржон Тошматов:

– “Бахтиёр Бойсариевич!” – қандай жарангдор исм-шариф-а? Катта-катта раҳбарларга ярашади, – дейди кулимсираб.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай журнал ходими, ҳажвчи шоир Муродали Ўтамали тўй қилишдан олдин ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг йўлагини таъмирлаш учун жамоани ҳашарга чакиради. Табиатан юмшоққўнгил Муродали ширкатга неча марта бориб учрашгани, на чўтка, на бўёқ беришмаганидан ёзғиради. Шу пайт Носиржоннинг кўнглига бир шумлик оралайди.

– Тўхтанг, бунинг йўли осон, – дея маслаҳат беради Носиржон. – Ҳозир тўғри ширкат раисининг ҳузурига дадил кириб борасизда, шахсан Бахтиёр Бойсариевичнинг ўзлари тушдан кейин тўй муборак бўлсинга уйимизга келар эканлар. Менга барибир, мабодо, йўлагимизнинг бунақа абгор аҳволдалигини кўрсалар, сизнинг шаънингизга яхши гап бўлмайди дейсиз.

Хуллас, Муроджон Носиржон ўргатган гапни бир амаллаб ширкат раҳбарига етказди. “Нега шуни бир оғиз олдинроқ айтмадингиз?” дея раҳбар типирчилаб қолади. Дарҳол талайгина бўёқлар, чўткалар беради. Энг қизиғи, раиснинг ўзи ўша нарсаларни кўтаришиб келади.

– Бахтиёр Бойсариевични танийсизми? – сўрайди Носиржон раисдан тусмоллаб.

– Бўлмасам-чи, у киши ҳув катта идорада катта лавозимда ишлайдилар-ку. Танаймай ўлибманми?

Муштумчилар ўзаро пикир-пикирлаб қулишади. Чунки, Бахтиёр Бойсариевич бу пайтда раисдан икки қадам нарида чўткани бўёқка ботириб, ишлаётган эди.



“Гост” ва “Хвост”

“Муштум”нинг вилоят мухбири Ботир Муҳаммадиев пойтахтга келиб, ҳамкасблар билан “Шарқ” компанияси ошхонасига киради. Ошхонада жорий қилинган тартибга кўра, ким овқат олса, ҳисоб рақамига ёздиради ва маошидан ушлаб қолинади. Вилоят мухбири штатсиз, ҳисоб-рақами йўқ. Носиржон мухбирга эрийдиган бўлади.

Компания қоровуллари кираверишда меҳмонларга алоҳида “Гост” деган ёрликни беришади. Мухбир уни олаётиб журнал раҳбаридан сўрайди:

– Чиқаётганимда нима бўлади?

Носиржон шундай жавоб қилади:

– Кираётганингизда “Гост”, чиқаётганингизда эса “Хвост” бўласиз.

КУНЛАРДАН БИР КУН КАМИНА...

Билмагани қўл келди

Кунлардан бир кун тобим қочиб, Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига бордим. Меҳрибон, хушмуомала шифокор Флора Файзиевна қабулига кирмоқчи эдим, мундоқ қарасам йўлакда навбат кутиб турганлар кўп экан. Уларнинг аксарияти ёшлар эди. Навбатсиз кириб кетаверсам қандай бўларкин дея сал иккиланиб қолдим. Иссиғим чиқиб тургани учун аҳволим оғир, оёқда зўрға турар эдим. Ноилож, нима бўлса бўлар, ёшлар озроқ кутишса осмон узилиб тушмас, дея ичкарига чоғландим. Энди эшик тутқичига қўл узатганимда, йўлакдаги юмшоқ ўриндикда сақич чайнаб турган ёшгина қизалоқ бетакаллуф, норози оҳангда сўраб қолди:

– Амаки, навбатингиз борми ўзи?

– Мен... уруш ветераниман! – гарчи урушдан кейин тутилган бўлсамда, беихтиёр шундай деб юбордим.

Қиз юзимга андак ажабсиниб тикилди.

– Қизик, унчалик... ўхшамайсиз-ку?!

Энди шумликни охирига етказмай иложим қолмаган эди. Айни чоғда hozирги ёшларнинг билим-савиясини бир синаб кўргим келди.

– Қизим, мен рус-япон урушида (Россия билан Япония ўртасида 1904–1905 йилларда бўлиб ўтган уруш назарда тутилмоқда – Ш.О.) катнашганман!

Қизнинг юзлари анча мулойимлашди, юмшоққина оҳангда жавоб қилди:

– Ҳмм... унда бошқа гап! Майли, кира қолинг!

Энг оғир жазо

Кичкинтойлигида болаларимнинг мижози – табиати жуда ноёб бўлган. Бошқа овқатларни кўя турайлик, хатто кўй гўштини, айникса, кўй ёғини мутлақо ёктиришмасди. (Ҳозир, ўзлари бола – чақали бўлганда ҳам ўша одати қолмаган.)

Кунлардан бир кун ўғилларим – уч оғайни ботирлар қовун тушириб қўйишди. Яхшигина туширишди. Жуда қаттиқ жаҳлим чиқди. Қаҳру зуғум ила оилавий мажлис чақириб, муҳокамани бошладим. Важоҳатимдан от ҳурқийди.

Демократия аввало оиладан бошланади. Шунинг учун айбдорларнинг гуноҳларини бўйнига қўйгач, жазо чорасини ҳам ўзларига ҳавола этдим. Бу борада ҳар ким ўз фикрини очик айтишини талаб қилдим.

– Жазолаш жуда зарур бўлса, майли, акаларимни омборхонага озроқ қамаб қўйинг, – дея таклиф киритади оиланинг кенжаси – қизим Анора.

– Хўш, яна қандай таклиф бор? – дедим сир бой бермай.

– Аскарча камар билан орқамизга бир-икки уриб қўйсангиз ҳам бўлади, – дейди ўртанча ўғлим Алишер.

– Буниям ўйлаб кўрамиз, хўш, яна-чи?

Ўғилларнинг шумроғи ва уддабуронроғи – “кенжаботир” – Асилбек таклиф қилган жазо ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. У ўйлаб ҳам ўтирмай, шартта гапирди – қўйди:

– Айбдорларнинг ҳаммасига мажбуран қўй думбаси едир-иш керак!

Бейхтиёр кулиб юбордик. Ғуборлар ҳам шу самимий қаҳқаҳа билан тарқаб кетгандек бўлди.

Хангоманинг давоми

Орадан кўп йиллар ўтгач, юқоридаги хангоманинг давоми чиқиб қолди. Ўғиллар бирин-кетин улғайишиб, бола-чақали бўлишди. Бир куни оила даврасида набираларга оталарининг болаликдаги ўша одатларини гапириб бердим. Шунда катта набирам Дурбек кутилмаганда шундай деди:

– Бобожон! Қўйнинг гўшт-ёғини итимиз ҳам емайди!

Бейхтиёр ғаройиб муқоясадан хайрон бўлиб, кулиб юбордим.

Айбим – “қарилгим”

Кунлардан бир кун пойтахтнинг “Мовий гумбаз” чойхонасида (бир замонлар жуда серфайз жой эди) Тоғай Мурод

(Оллоҳ раҳмат қилсин), Шукур Қурбон ва камина гурунглашиб ўтиргандик. Ўша кезлар бу файзли масканда ижодкорлар тез-тез учрашиб турарди. Ногоҳ суҳбатимиз мавзуси кимнинг неча ёшда эканлигига келиб тақалди. Шунда маълум бўлдики, орамизда энг “қариси” (янглишимасам, ўшанда ҳали уйланмаган, ёшим ҳам нари борса йигирма тўрт – йигирма бешларда эди) ўзим эканман, бу менинг ўша лаҳзадаги энг катта “ай-бим” эди. Суҳбатдошларим бири олиб, бири қўйиб, менинг “Қарилигим”ни юзимга солишар, мен эса айбсиз айбдордек ўзимни оклашга уринар, асабийлашиб, хит бўлар эдим. Ахийри шу ҳолатнинг ўзи “нашъа” қилди-ю тутоқиб кетдим.

– Ҳей, менга қаранглар! – дедим жаҳл билан. – Мен элликка кирганда биринг (Тоғай Мурод) қирқ саккиз, яна биринг (Шукур Қурбон) қирқ беш ёшга тўлар экансизлар. Хўш, нима бўпти? Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Ҳаммамиз бир-биримизга қараб туриб кулиб юбордик. Орада ҳеч қандай ғубор қолмади. Ўшанда болаларча соддалик, беғуборлик бизни ҳали тарк этмаган экан-да...

Қайтар дунё

Шахмат шундай бир сирли, сеҳрли, мўъжизакор ўйинки, буни сўз билан тушунтириш қийин. Шахматда “эски рақиб” ёки “ноқулай рақиб” деган тушунча бор. Собиқ курсдошим, журналист ва юрист дўстим Шохруҳ Акбаров билан бир-биримизга худди шундай рақиблармиз. Дўстимнинг исми бежиз “шоҳ” ва “руҳ” эмас – шахматга жиддий қизиқади, ўйини ҳам шунга яраша... Менинг “Шахмат абадийдир” деган китобимга тақризчи бўлгани билан мақтаниб кўяди.

Шохруҳ билан шахматда шу қадар ашаддий рақибмизки, ютган томон мабодо жаҳон чемпионида зўр келганда ҳам бу қадар завкланмайди.

Эсимда, талабалик йиллари бир куни Шохруҳ ижарахонамга келади. Одатдагидай, қоқ ярим тунгача дона суришдик. Бу гал омад менга боқиб, умумий ҳисобда олдинга чиқиб олдим. Табиий – шодлигимнинг чеки йўқ.

Ухлаш учун ётгач, ғалабанинг нашъу намосини сура бошладим:

– Шоҳрух, олдин ҳам шахмат ўйнаганмидингиз ўзи?

Шоҳрух, дарди ичида, индамай “ух” тортади. Мен эса яна “хужум”га зўр бераман.

– Ҳа, нима бўляпти ўзи? Уйқу келмаяптими? Тушунарли, тушунарли... Бунақа тарихий мағлубиятлардан кейин уйқу келмаслиги табиий. Ўзим ҳам баъзан жа-а шафқатсиз бўпкетаман-да.

Каравот тинимсиз ғижирлайди. Рақибим асабий тўлғонади.

– Майли, кўп эзилманг, келаси гал битта сипоҳни олиб кўйиб ўйнайман. Ўшанда астойдил ҳаракат қилсангиз дурустроқ қаршилиқ кўрсатишингиз мумкин. Мабодо шунда ҳам...

Ахийри рақибим чидолмай, шартга ўрнидан туради. Апилтапил кийиниб, чироқни ёқади. Шахматни олиб, шоша-пиша доналарни тера бошлайди:

– Туринг, ўйнаймиз!

– Мен ютқазган одам билан ўйнамайман!

– Туринг деяпман! – Шоҳрух баттар тажанг бўлади.

– Йиқилган курашга тўймас экан-да. Ҳай майли, яна илмимни хор қиладиган бўлдим-да.

Ноилож ўрнимдан тураман. Яна жангни келган жойидан давом эттирамиз. Бу маҳалда тонг отай деб колган, хўрозлар кетма-кет қичқираётган эди.

Айрим одамлар жаҳл қилганда кучига куч, ақлига ақл қўшилади. Шахматга садоқатли дўстим Шоҳрух бу гал жонжаҳди билан, худди ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётгандек тиришиб ўйнайди. Ахийри мени ютиб, кўнгли жойига тушгандан кейингина ухлаш учун ётади. Фақат энди менинг ҳаловатим йўқолиб, уйқум қочади. Энди Шоҳрухнинг тили чиқиб қолади:

– Хўш, азият чекмаяпсизми, дўстим?

“Уфф, бошланди энди!” дейман ўзимча алам билан...

Каравотим ғижирлайди. Мен асабий тўлғонаман. На чора, кайтар дунё-да...

Ҳазил туйғуси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинаётган эдим. Ҳал қилувчи суҳбат учун ичкарига чорла-

шади. Ҳайъатда уюшма раиси Сарвар Азимов, Одил Ёқубов, Назир Сафаров, Ҳафиз Абдусаматов, Иброҳим Раҳим каби казо-казолар ўтиришибди. Камина ҳақида бир-икки киши гапирган бўлади. Масала ҳал бўлай деганда сатирадан фан доктори бўлган Ҳафиз Абдусаматов ўрнидан туриб, шундай кўшимча қилиб қолади:

– Шодмонбекнинг ижодини кузатиб бораман, умуман яхши. Мана, у “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб, “Шум боланинг чойхонаси” саҳифасини анча жонлантириб юборди. Аммо баъзан бўшроқ нарсалар ҳам чиқиб кетяпти. Масалан, яқинда обуна муносабати билан Саид Аҳмаднинг бир ҳазили босилди. Эмишки, бир юзу йигирмага кирган бобойдан “Отахон, узок умр кўришингизнинг сирини мада?” деб сўрашса, чол “Мен юз йилдан буён “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига обуна бўламан, “Шум боланинг чойхонаси”га ташриф буюриб, кулиб юраман. Узок умр кўришимнинг сирини шунда”, дебди. Ахир бу газетанинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ-ку! Демак, чолнинг газетани ўқигани учунгина узок умр кўриши ҳақиқатга тўғри келмайди. Айтмоқчиманки...

Кўпчилик зўрға ўзини кулгидан тийиб турарди. Табиатан эҳтиросли бўлган Одил ака (менинг раҳбарим, ўша газетанинг бош муҳаррири) ахийри чидолмайди, қўлида асабий ўйнаб турган қаламини алам билан отиб юборади:

– Э, сиз умуман хазилни тушунмас экансиз!

Бизга нима хизмат?

Электричкада Чорвоқдаги дала ҳовлимизга кетаётсак, хамроҳим, шоир Йўлдош Эшбек айрим яқин одамларидан нолиб қолади:

– Яқинда хашар қилганимда ёрдам қилишмади номардлар! Ҳеч бўлмаса бир оғиз кўнгил учун “Бизга нима хизмат?” дея сўраб ҳам кўйишмади-я?!

Дала ҳовлига боргач, эртаси куни тонг сахарда экинларни суғориш учун юқорига чикдим. Қоровулнинг “вагон-уй”и олдидаги тепаликдан шундоқ кўриниб турган Йўлдошнинг боғига қараб хитоб қилдим:

- Ҳой Йўлдо-ошш!
- Лаббай!
- Бизга нима хизма-ат?!
- Хо-хо-хо-о-о-о!

“Нерв”лар тамом бўлган

Тишим оғриб, маҳалламиздаги кўли енгил дўхтиримиз Назираҳонга шифо истаб чиқдим. Дўхтир ортиқча қийнамай, осонгина “пломба” қўйиб қўйди.

Уйга келсам, катта ўғлим Азамат сўраб қолди:

- Дарров “пломба” қўйдириб келдингизми?
- Ҳа, тез бўлди.
- Олдин “нерв”ларни ўлдириб, кейин қўярди-ку!
- “Нерв”ларни ўлдиришга ҳожат йўқ, уларни сизлар аллақачон ўлдириб бўлган экансизлар!

Балиқнинг фойдаси

Шоир Турсун Али билан аҳён-аҳёнда шахмат ўйнаб турардик. Бир куни унинг Дўрмондаги ҳовлисига бордик. Шахматни ҳам қўлтиққа қистириб олгандик, тоза ҳавода айвонга жой қилиб, дона суриша кетдик. Кучлар нисбати деярли тенг, аммо шоир астойдил ҳаракат қилса, менга дурустроқ қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди.

Келишда иккита тирик балиқ сотиб олгандик, тушлиқда маза қилиб балиқхўрлик қилгач, яна шахматга берилдик.

Балиқнинг кучи билан рақибимни кетма-кет юта бошладим.

– Қизик, нега энди нукул ютқизяпман-а?! – дея шоири тушмагур хайрон бўларди.

– Шоир! – дедим ҳазиломуз оҳангда, – балиқ гўштида мия-ни яхши ишлатиб, ақлни пешлайдиган модда бор.

– Ростданми?

– Рост, рост. Фақат сиз бунинг учун камида битта кит ёки иккита акуланинг гўштини ейишингиз керак!

Йўли топилди

Атоқли адиб Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрган-нимда ҳузуримга бир тарихчи олим тез-тез ташриф буюриб турарди. Олим ниҳоятда жонкуяр, куйди-пишди, одамохун эди. Долзарб мавзуда мақолалар ёзарди. Фақат бир камчилиги – кўп гапирарди, суҳбатга берилиб кетса тўхтатиб бўлмас, оқибат – таҳририятнинг иши ҳам чала қолиб кетарди. Ахийри акашонимиз остонада кўринса юрагимиз безиллайдиган бўлди. Ҳамхонам, шоира Муҳаббат Туробова билан кўп бош қотириб, ниҳоят чорасини топдик. Энди олим хонамизга кириб, ҳолаҳвол сўрашгач, гап халтасини очиши ҳамон Муҳаббат опага қараб, секин томоқ кириб қўяман. Опа секин ўрнидан туриб, бошқа хонадан менга телефон қилади:

– Шодмонбек! Одил ака сизни чақиряпти? Тезда етиб келинг?

– Хўп, хўп, ҳозир бораман! – дейман олимга хижолатомуз қараб. Телефондаги овозни ўзи ҳам эшитиб турган олим шошилишч ўрнидан туриб, зипиллаб жўнаб қолади. Орадан кўп ўтмай Муҳаббат опа кулимсираб хонага кириб келади.

Газета чиқаверади

Кунлардан бир кун Матбуотчилар кўчасидаги газета биносида адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов ва ёзувчи Саъдулла Сиёев учрашиб қолдик. Ҳаммамиз кўришганимиздан хурсанд эдик.

Саъдулла ака бирров “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Мурод Абдуллаевни йўқлаб кўяйлик, деб қолди. Хўп дедик. Аммо уни қидириб тополмадик. Қўшни хоналарда ҳам йўқ экан. Саъдулла акага шундай ҳазил қилдим:

– Саъдулла ака! Ҳозир бош муҳаррир бўлмаса ҳам газета чиқаверади.

Саъдулла ака кулимсираб гап қотди:

– Э, шошманглар, наҳотки ҳеч кимни тополмасак? Бошқа хоналарни ҳам қарайлик-чи, зора биронтаси учраб қолса...

Учовлон энг шимариб кидирдик, аммо биронта ҳам ходимни учратмадик.

– Ана, айтмабмидим! – дедим яна ҳазилни давом эттириб. – Ҳозир тахририятларда ҳеч ким бўлмаса ҳам газета чиқаверади.

Давлат сиёсати – нозик масала

Кунлардан бир куни Чиноз туманидан собиқ курсдошимиз Маҳбуба Султонова Тошкентга келиб, эски сабоқдошларини қидиради. Сўраб-суриштириб, журналист дўстим Шохруҳ Акбаров билан каминани топади.

Ниҳоят, учовлон “Мовий гумбаз” чойхонасида олтин давр ҳисобланмиш талабалик йилларини эслашиб ўтирдик. Ногоҳ табиатан қизиқувчан, шўх-шаддод Маҳбуба гап орасида сўраб қолди:

– Дарвоқе, хотинларингни исми нима? Шунчаки... билгим келяпти-да.

Шунда Шохруҳ иккимиз худди келишилгандек, бараварига кулиб юбордик.

– Қизик, куладиган гап қилмадим, шекилли? – курсдошим хайрон бўлди.

– Маҳбуба, – дедим кулги боисини ўзимча изоҳлаб, – биз Шохруҳ билан хотинлар масаласида давлат сиёсатини жуда нозик тушунамиз. Бу борада малакали мутахассисмиз.

– Барибир... тушунмаяпман. Нима гап ўзи?

– Майли, айта қолай, менинг хотиним – Давлатхон, Шохруҳники – Сиёсатхон!

Маҳбуба ҳам кулиб юборди.

Ғирт Афанди бўлганим

Ёзда далаҳовлимдаги чала қолган қурилишни битириш учун яқин қариндошларимни ишга ёлладим. Улар ҳар йили Россияга бориб, тирикчилик қилишарди. Бола-чақасидан олисда, бегона юртларда сарсон бўлиб юришмасин дея қариндошларимга яхшилик қилмоқчи бўлдим. Афсуски, қариндошлар хиёнат қилишди. Қурилиш материалларини ўғирлаб сотишди, хизмат ҳақини олдиндан олиб, ишни битирмай қочиб

кетишди. Мен бу кўнгилсизлик ҳақида “Хиёнат” деган фельетон ёзиб, андак ҳовримни босган бўлдим. Орадан кунлар ўтгач, фельетон қаҳрамонларидан бири ўз оёғи билан уйимга келиб қолди. Айбини бўйнига олиб, чала қолган ишларни битиришга ваъда берди. Қайтишда мендан яна пул сўради. Иккиланмай, сўраган пулини бердим. Нима бўлгандаям қариндош эди, ишондим. Аммо у яна алдади, шу кетганча қайта қорасини кўрсатмади. Лоқақал узр сўраб, телефон ҳам қилмади. Кулишимни ҳам, куйишимни ҳам билмай, бу воқеани бир журналист дўстимга айтиб, “Энди нима қилиш керак?” деб сўрасам, у шундай деди:

– Энди ўзингизни фельетон қилиш керак! Ғирт Афанди экансиз-ку!

Дарвоқе, ростдан ҳам ўша фельетоннинг давомини ёзиб, ўзимни ҳам “уриб чиқдим”.

Топиб қўйилган ном

Мирпўлат Мирзонинг илк пьесаси – “Қачон тонг отади?” шоирнинг ўз юрти – Сайрамдаги вилоят драма театрида қўйиладиган бўлди. Муаллиф спектакль кўригига ижодкор дўстларидан шоир, журналист Ёқубжон Хўжамбердиев билан каминани таклиф этди. Биз кўрикдан бир кун олдин спектаклнинг ҳал қилувчи репетициясига етиб бордик. Томошадан сўнг окшомда Мирпўлатнинг акаси – Бекпўлат аканинг файзли хонадонига спектакль ҳақида гурунглашиб ўтирдик. Камина пьесанинг номига андак эътироз билдирдим. Аммо муаллиф ўжарлик қилиб фикримга қўшилмади.

Йўлда чарчаган эдик, тезроқ ётишга чоғландик. Катта меҳмонхонадаги ёнма-ён солинган уч кишилик жойни кўриб, андак сергак тортдим. Ҳамроҳларимнинг ғаройиб одатидан хабардор эдим-да. Шу боис дангал сўрадим:

– Мирпўлат, бу... хуррак масаласи нима бўлади?

– Нима бўларди, жа-а авжига чиқиб кетсак сал туртиб кўясиз-да, – деди шоир пинагини бузмай.

Шунда ёзувчи акамиз Ёқуббек Яқвалхўжаевнинг “Хавотир олманглар, мен хуррак отганда бошқаларники мутлақо эшитилмайди”, деган ҳазилини эслаб, кулишдик.



Раҳматли Ёқуб ака хуррак масаласида эстафетани ишончли кўлларга топшириб кетган экан, ҳамхоналарнинг бошлари ёстикқа тегар-тегмас ажабтовур шовқинлар гоҳ “жўровоз”, гоҳ “яккахон” бўлиб, хонани титрата бошлади. Худди бошимда биров тегирмон тоши юргизаётгандек гарангсиб қолдим. Туртишлар, силкитишлар хурракчиларга пашша қўнганчалик таъсир қилмасди. Аламимни кимдан, нимадан олишни билмай, тинимсиз “уф” тортаман. Ўзимни азобдан андак чалғитиш учун “хуррак”ка “дуррак”ни қофия қилиб, шеър тўқимоқчи ҳам бўлдим. Аммо хурракдан илҳом париси ҳам кўрқаркан – эплолмадим. Ахийри хит бўлиб, “Эй Худо, қачон тонг отади?” дея бедор, киприк қоқмай соатга тикилиб ўтирдим. Ногоҳ хурракчи ёзган пьесанинг номи хаёлимга урилди. Дарвоқе, бу аҳволда қачон тонг отади дедиму кўрпа-ёстикларимни кўтариб, “рўзгорни бошқа қилдим” – кўшни хонага кўчиб ўтдим. Аммо ўт балосидан, сув балосидан деганларидек, хуррак балосидан ҳам қочиб қутулиб бўлмас экан. Хунобим ошиб, тонггача мижжа қоқмадим.

Эрталаб Мирпўлатга айтган биринчи гапим шундай бўлди:

– Шоир, пьесанинг номини жуда топиб қўйган экансиз. Энди ўзгартириб ўтирманг!

Ўғрилар савияси

Ён қўшним – жон қўшним, заҳматкаш адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев бир куни Хумсондаги уйига ўғри тушганини айтиб, хасрат қилди.

– Хўш, ўғри нималарни ўғирлабди? – деб сўрадим ҳамдардлик билан.

– Ҳа энди, қўлига илинган анча-мунча нарсаларни ўмариб кетибди-да.

– Дарвоқе, бой кутубхонангиз бор эди, ишқилиб китобларга тегинмабдими?

– Хайриятки, китобларга тегмабди.

– Ундай бўлса, маҳаллангиздаги ўғриларнинг савияси анча паст экан.

Ошқовоқ баҳона

Мустақилликдан илгари Тошкентнинг Қорасув даҳасида яшаганимизда маҳалладаги сабзаёт дўконидан оз эмас, кўп эмас, нақд етмиш дона ошқовоқни (килоси олти тийин эди-да) сотиб олиб, эринмай уйимизнинг тўртинчи қаватига ташиб, айвондаги сўрининг тагига жойлаб кўйдик. Қишга тайёргарлик зўр, кўнгил тўқ! Мабодо шўролар мамлакатада ёппасига очарчилик бошланса ҳам бизга писанд эмас, шу биргина ошқовоқнинг ўзи билан ҳам жон сақласа бўлади. Ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани дуруст экан. Ошқовоқ тез кунда ҳамманинг меъдасига тегди. Мен эсам пули куйган қалампир чайнабди деганларидек, шундай танқис неъматнинг беҳуда исроф бўлишини истамас, шу боис ошқовоқнинг фойдаси ҳақида тинимсиз жавраб, болаларимни зўр бериб ошқовоқ ейишга қистар эдим. Ахийри болакайлар ошқовоқдан гап очилса кўнгли айнийдиган бўлиб қолди. Айни чоғда ошқовоқ баҳона – уйда яхшигина тартиб-интизом ўрнатилди. Масалан, болалар тўполон кўтариши ҳамон мен “Ҳозир ошқовоқ едираман!” десам, боёқишлар мунғайишиб, дархол жимиб қолишарди.

Тиш бўлмаса

Дўстим Мирпўлат Мирзо тишларини олдириб, кемшик бўлиб юрганида шоир Турсун Али билан бизниқига меҳмондорчиликка тараддудланади. Йўлга чиқиш олдидан телефонда каминага шундай ҳазил қилади:

– Отабоев! Шахматни яхшилаб машқ қилиб турунг. Ҳозир бориб ўз майдонингизда эзиб кўяман. Агар тишларим бутун бўлганда ғажиб ташлардим. Майли, энди ямламай ютаман. Факат овқатни камроқ ейман – фойда қиладиган бўлдингиз!

Мен ҳам бўш келмадим:

– Унда Турсун Али ҳам тишини олдириб кела қолсин!

Келажаги порлоқ

Бир даврада футбол ҳақида кизгин баҳслашиб қолдик. Амалдорлардан бири спортни, айниқса, футболни яхши тушунмаса-да, тортишувга аралашавериб, ҳаммани безор қилди.



Ҳамсухбатлар бир-бирига ҳайрон қараб, елка қисишди. Шунда мен ўзимча масалага аниқлик киритдим:

– Қўяверинглар, бу киши амалдан тушгач, футбол федерациясига раис бўлади!..

Шахмат деса...

Шахматга ишқибозлигимни яхши билган дўстлар мен ҳақимда латифалар тўкишган. Эмишки, камина Тошкентнинг Отчопар бозорига оғайнилар билан қишлик пальто олиш учун борибман. Турли-туман пальтолари кўрсатишибди, аммо биронтаси ҳам менга ёқмабди. Ахийри бозор ҳам тарқай бошлабди, мен эсам ҳамон пальто танлармишман. Инжиқлигимдан безор бўлган дўстлар хит бўлиб сўрашибди:

– Айтинг-чи, сизга қанақа пальто керак ўзи?

– Менга астари шахматнусха бўлган пальто керак!– дермишман...

* * *

... Дўстлар билан иккита космик кемада бошқа сайёраларга саёҳат қилибмиз. Биздан олдинроқ жўнаган шериклар манзилга етиб бориб, роса узоқ кутишибди, ҳадеганда биздан дарак бўлавермабди. Орадан ўн беш йил ўтгач, соч-соқолларимизни беҳад ўстириб, етиб борибмиз.

– Э-э, қаёқларда қолиб кетдинглар? – деб сўрашибди шериклар хавотирланиб.

– Ҳаммасига мана шу Шодмонбек ака айбдор!

– Нима гап бўлди, тинчликми ўзи?

– Шодмонбек ака йўлақай бошқа сайёралардаги шахматчилар билан дона суришиб қолди. Шунинг учун кечикиб келдик.

“Жак-жак” деса...

Бундан кўп йиллар муқаддам шарқшунос Фахриддин Муҳаммадиев (таниқли шоир дўстим Насриддин Муҳаммадиевнинг укаси) билан Туркияга сафар қилгандик. Турли давраларда ҳамроҳимнинг мезбонлар билан осонгина тил топишаётганига ҳавасим келди. Тил билмаслигимдан бир оз афсусландим. Кейин, мундоқ разм солсам, Фахриддин ўзимизнинг тили-

мизни андаккина ўзгартириб гапираётганга ўхшарди. “Хўш, бунинг нимаси қийин экан?” дедиму ўзимча туркийга монандроқ бир лаҳжа-оҳангда суҳбатга аралаша бошладим: “Насиб этса яна келажакмиз, афандим! Сизлар ҳам бизларга меҳмон бўлиб боражаксиз! Бундан ҳаммамиз хурсанд бўлажакмиз!”

Бир маҳал мундоқ қарасам Фахриддин бошини четга ўгириб, пиқ-пиқ куляпти. “Ҳа, нима бўлди?” деб сўрасам, “Э, қизиқ одам экансиз-ку! “Жак-жак” деса туркча бўлиб қоларканми?” дейди.

Шунда, мезбонларни ҳайрон қолдириб, ўзим ҳам кулиб юбордим.

Шахсий фикр

Бир гуруҳ ижодкорлар Наманган вилоятига ижодий сафарга боргандик. Орамизда киночилар ҳам бор эди. Навбатдаги тадбирдан сўнг зиёфат бошланди. Рўпарамда ўзбек киносининг таникли номоёндалари – машҳур режиссёр ва актёрлар – Мэлс Афзалов билан Исамат Эргашев кетма-кет қадаҳ уриштиришяпти. Беихтиёр ҳозирги киноларнинг аҳволи, савияси ҳақида гурунглашиб қолдик.

– Илгари яхшигина ишланган мавзуларга яна қайта мурожаат қилишнинг ҳожати бормикин? – дедим Мэлс акага юзланиб. – “Ўтган кунлар” илгари яхшигина ишланганди. Тўғриси, янги ишланганидан унчалик қоникмадим. Актёрлар ижроси ҳам суст, одамни ўзига тортмайди.

Мен гапирганим сайин негадир Мэлс аканинг авзойи ўзгариб, юзлари кизаринқиради. Суҳбатга жимгина қулоқ солиб турган Исамат ака эса бирдан кулиб юборди:

– Роса одамни топиб гапирдингиз-ку! Ахир “Ўтган кунлар”ни Мэлс ака қайта экранлаштирди – ку!..

– Э дарвоқе... – дедим хижолат бўлиб. Мэлс аканинг “Ўтган кунлар”га режиссёрлик қилгани мутлақо хаёлимда йўқ эди.



Дастхат

Кунлардан бир куни шоир Азим Суюн “Ўзлик” деган китобини дастхати билан совға қилди. Қарздор бўлиб қолмай дея мен ҳам “Дўрмон хангомалари”нинг иккинчи нашрини (шоирнинг ўзи хангома қаҳрамонларидан бири) шундай ҳазилшеърый дастхат билан тухфа қилдим:

Ўзбекнинг ўз шоири

Азим Суюнга

*Паришонлик ила асли буюқдир,
Дўстлар даврасида доим суюқдир.
Тантилиқда асло тенги йўқ ўзи,
Мўлжалга бехато урар ҳар сўзи.
Мангулик бўлмаса ёзгани агар,
Ҳангома орқали тарихда қолар.*

Эхтиром ила: Муаллиф. 04.02.1999 йил

Танишлари зўр

Тонг саҳарда кўшниллар – шоир Мирпўлат Мирзо ва ўша даврда Фафур Ғулом номидаги нашриёт директори бўлган Бобоҳон Шариф билан пойтахтнинг Эски шаҳардаги маҳалларидан бирига тўйга бордик. Чой ташиб, хизмат қилиб юрган ўрта ёшлардаги бир киши ногоҳ ёнимизга ўтиргач, гурунглашиб қолдик. Гап орасида ҳамма жойда зўр танишлари борлигини айтиб, мақтана бошлади:

– Бир журналист оғайним китобини чиқаролмай юрган экан, нашриётдаги танишларни ишга солиб, икки ҳафтада китобини чиқартириб бердим!

– Мана бу оғайнимиз ҳам китоб чиқартираман деб сочлари тўкилиб кетди, – дедим Бобоҳонни кўрсатиб. – Иложи бўлса ёрдамлашворинг!

– Э, бир оғиз гапингиз! Яхши йигитларга ўхшайсизлар! Фафур Ғулом нашриётида чиқартириб берсам бўладими?

– Бўлади! Ўзиям худди ўша ерда... чиқартирмоқчи бўлиб юрибди! – сир бой бермаслик учун гапнинг нишабини тўғрилаб юбордим.

Бобохон янги таниши билан эртаси куни нашриёт директори кабулхонасида (яъни ўз хонасида) учрашадиган бўлиб келишиди. Биз эса, ўзимизни зўрға кулгидан тийдик.

Инфаркт сабаби

Собиқ курсдош дўстим Шоҳруҳ Акбаровнинг уйида гурунглашиб ўтирувдик. Шоҳруҳнинг Қобил ака деган ветврач, катта акаси қишлоқ шароитида қанчадан қанча ҳайвонлар, сигирларни операция қилиб, ҳаётини сақлаб қолганини мароқ билан ҳикоя қиларди. Фаройиб тафсилотларни қизиқиб эшитдик. Биз учун булар янгилик эди. Шунда кимдир сўраб қолди:

- Қизик, сигирлар ҳам инфаркт бўладими?
- Йўқ, бўлмайди! – дея жавоб қилди Қобил ака.
- Нега?
- Чунки сигирларнинг хотини йўқ! – дедим.

Биратўла янгиланг

Ҳайит арафасида кичик келиним Хуршидабону менга кишки этик совға қилди.

– Овора бўлибсиз-да, қизим, майли, раҳмат, кам бўлманг, – дея келинни алқаб, дуо қилдим.

– Қарасам, этигингиз эскириброк қолган экан...

– Агар хар байрамда эски нарсаларимни янгилаб берман десангиз, унда биратўла қайнонангизни ҳам янгилаб бера қолинг! – дедим ҳазиллашиб.

Хотини йўқлар нима қилади?

Ёзувчи жўралар билан ахён-ахён оилавий гап-гаштакда йиғилишиб турардик. Йиллар ўтгач, айрим жўралар ҳаёт тақозосига кўра сўққабош бўлиб қолишди. Шунда “Хотини йўқлар чойхонада гап берса бўлмайдими?” деган масалани муҳокама қилдик. Шоир Мирпўлат Мирзо “Сўққабошлар хотин олгунча жазманини олиб борса бўлмайдими” дея ҳазил қилди. Хуллас, сўққабошлар чойхонада гап берса бўлади деган тўхтамга келдик. Шунда жўрабоши сифатида ногоҳ калламга галати бир мулоҳаза келди.

– Шошманглар! – дедим жўраларга юзланиб. – Чойхонада гап бергиси келганлар хотинини кўйвормасмикин?
Жўралар хо-холаб кулиб юборишди.

Аччиқ сабоқ

Бундан кўп йиллар мукаддам, жазирама ёз кунларининг бирида пойтахтдаги сўлим чойхонада дўстлар йиғилишиб, ошхўрлик қилувдик. Ўртага катта сопол лаганда ош кўйилади. Мирзакарим Пирматов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*, кўп яхши инсон эди!..) соқийлик килаётганди. Навбат менга келганда “Йўқ, ичмайман!” дедиму индамай ошни уравердим. Соқий кистай бошлади. Кескин бош чайқадим. Ичмаслигимни биладиган айрим дўстлар орага тушиб, “Кўйинг, ичмайди!” дейишса ҳам соқий зўрлай бошлади. Шу одатимизни жуда ёмон кўраман. Мирзакарим қадаҳ ҳар гал айланиб менга келганда зуғумини кўймасди. Ахийри тоқатим тугади. Навбатдаги кистовда шартта кўлидаги пиёлани олиб, ичидаги арокни бир четга тўквордим. Бу билан чекланмай, кўлидаги ароқ шишасини ҳам тортиб олиб, ёнимиздаги ховузга шалоплатиб ташлаб юбордим. Бунақа “реакция”ни кутмаган Мирзакарим серрайиб қолди. Сархуш улфатлар ҳам андак сергак тортишди.

Орадан бироз вақт ўтгач, мундоқ қарасак, Мирзакарим жойида йўқ. Боёқиш мендан хафа бўлиб, аразлаб кетиб қолибди. Кейинчалик эшитсак, ўша кезлар Мирзакаримнинг жигари жиддий касал – церроз экан, ичиш мутлақо мумкин эмаслигини билса ҳам иродасини кўлга ола билмаган. Оқибат – қирчиллама йигит ёшида ўлиб кетди.

Гоҳо ўзимча ўйлаб қоламан: Мирзакаримнинг бошқа дўстлари уни авайлашганда, менга ўхшаб “хафа қилиб” туришганда, раҳматлининг умри сал узокроқ бўлармиди...

Арокхўрлик деб аталмиш бало кўз олдимизда не-не истёвдорларнинг умрига зомин бўлди. Афсуски, хомсут эмган биз – гумроҳлар ҳали – ҳамон бундан сабоқ чиқаролмаймиз...

Куёвбола ва тўтиқуш

Ўғилларни уйлашда анча бошим қотган. Уларнинг танлагани йўқ экан, келинликка номзод топишдай қийин мушкулот эр-хотин иккимизга қолди. Аммо биз тавсия этган номзодлар ҳадеганда инжиқ ўғилларга ёқавермасди. Танишувга чиққан киз мабодо сал озғинроқ бўлса, “Э, бунақа қилтирикни нима қиламан” дея тутун қайтаришади, агар киз қорамағиздан келган бўлса, “Қоровой-ку бунингиз!” дейди бурнини жийриб. Хуллас, роса хит бўлганмиз. Ахийри саъй-ҳаракатларимиз натижа бериб, катта ўғилни бир жойга унаштирдик. Энди укасига қайлиқ топиш керак. Қўш келин туширишни ният қилгандик. Ука акадан ҳам баттар ўжар чиқди. Кунлардан бир кун уйда ишлаб ўтирсам, ногоҳ ўзи хонамга кириб, жуда ғалати гап килди:

– Ота, менга тўтиқуш олиб беринг!

– Нима-нима? – кутилмаган илтимосдан хайрон бўлдим.

– Тўтиқуш оберинг деяпман. Зерикиб кетдим.

Мундоқ қарасам жиддий гапиряпти. Аввалига жаҳлим чиқди, кейин кулиб юбордим. Қизиқ, мен нима ғамда-ю, у нима деяпти?

– Э бор-бор, бошимни қотирма! – дедим жаҳлим чикиб.

– Агар тўтиқуш обермасангиз, ўқишга ҳам бормаيمان, расм ҳам чизмайман!

Ана, холос! Йигирма олти ёшни қоралаб қолган, институтда рассомликка ўқиётган куёвбола шу тобда худди отасидан хўрозканд ундирмоқчи бўлган болакайга ўхшарди. Мен эгри козиққа эгри тўқмоқ қабилида жавоб килдим:

– Агар тупроққа ағанаб йиғласанг обераман тўтиқушни!

– Э, боринг-э!

Куёвбола аразлаб чикиб кетди. Бу хангома нашъа қилиб, “Куёвбола ва тўтиқуш” деган ҳажвия ҳам ёздим. Ҳозир ўша ўғилнинг бир-биридан ажойиб уч нафар фарзанди бор. Хайвонот дунёсига қизиқиши ҳалиям қолмаган. Болалигида “Катта бўлганингда ким бўласан?” десак, “Зоопаркка директор бўламан” дерди. Набираларга отанг ёшлигида шунақа бўлган дея ўша ғаройиб хангомани айтиб берсам ишонишмайди...

“Бригадир”

Олтин давр ҳисобланмиш талабаликнинг нашъу намоси пахта даври билан ҳам боғлиқ. Бўка тумани далаларида пахта териб юрган кезларимиз кечагидек эсимда. Паст бўйли, қотма, қорачадан келган, жиккаккина, ҳамиша яғири чиқиб кетган фуфайка кийиб юрадиган бир одам гоҳ далада пайдо бўлиб қолар, гоҳ ошпазлик қилиб, кўпчиликка ош қилар, биз уни бригадир бўлса керак деб ўйлардик.

Бир окшом штабдан қайтишда у киши билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Анча қизиқчи экан. Ҳазил-мутойибалар билан бизни кулдириб келди. Қизлар турадиган баракка яқинлашганимизда ичкарига кирмоқчи бўлиб, биз билан хайрлаша бошлади. Шу лаҳза уни ўқишга кечроқ кирган (шунақалар ҳам бор эди орамизда) юқори курс талабаси деб ўйладик.

– Э, бугун жононлар билан учрашувингиз бор экан-да! – дея у билан ўзимизча ҳазиллашган бўлдик.

– Маишат эканда бугун? – деди яна кимдир. У кулимсираб қўйди-ю индамай баракка кириб кетди.

Пахтадан қайтгач, фольклордан бўладиган биринчи дарсга кирдик. Қарасак, аудиторияга кириб келаётган домла ўша – Бўкадаги “бригадир” – доцент Саттор Ҳайдаров экан...

Эллик ёшли йигит

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Жумладан, инсонга берилган умр ҳам.

Кунлардан бир кун, талабалик йиллари Муқимий театрида ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг эллик ёшлик юбилейига борганим ва бу тантананинг қандай ўтгани майда тафсилотларигача эсимда қолган. Биз адабиётнинг, адибларнинг нуфузи жуда баланд мақомда бўлганига, адабий муҳитнинг жуда қизгин, жўшқин бир палласига гувоҳ бўлган авлодмиз. Ўша йилларда таникли адибларнинг юбилей тантаналари ҳукуматнинг махсус қарори билан, жуда тартибли ва уюшган бир ҳолатда ўтарди. Иброҳим Раҳим ёзувчи сифатида номдор бўлмаса-да, яхши раҳбар ва яхши инсон сифатида катта обрў-эътибор қозонганди. Бу боис театрдаги табрик-қутловлар юксак мақомда ўтади. Жуда кўп

таниқли адиблар, арбоблар сўзга чиқиб, юбилярни самимий кутлайдилар. Топширилган совға-саломлар саҳнага сиғмай кетади. Ижодкорнинг бундай эъзозланиши, шарафланишини биринчи бор кўришим эди. Ҳайратланиб ўтирдим.

Таомилга биноан, тадбир ниҳоясида Иброҳим Раҳимнинг ўзига сўз берилади. Ўшанда у минбарга кўтарилиб, айтган биринчи гапи негадир хотирамга муҳрланиб қолган.

– Мен яхшилиқнинг қадрига етадиган йигитларданман!...

Юбиляр шундай деганда залда гулдурос қарсақлар янграйди.

Ўшанда мен – йигирма ёшли йигит бу гапдан хайрон бўлувдим: қизик, нега энди бу одам ўзини йигитман деяпти? Ёши элликка кирган бўлса... Қанақасига йигит экан?..

Орадан кўп йиллар ўтгач, Иброҳим ака тўқсонни қоралаганда ҳам худди йигитдек қаддини ғоз тутиб, йигитдек дадил юрганини кўрганимда ўша гапининг маъносини англагандай бўлдим...

Суратга изоҳ

Хўжандлик ҳажвчи ёзувчи Ҳақимжон Зокир билан ғойибона таниш эдик. У менинг “Дўрмон хангомалари” китобимдан илҳомланиб, “Хўжанд хангомалари”ни ёзади ва ушбу китоб каминанинг сўзбошиси билан Тошкентда ҳам босилади.

Кунлардан бир кун Ҳақимжон устози, таниқли шоир Жамшид билан Тошкентга келишади. Ҳажвчи билан биринчи учрашувимизни Жамшид суратга туширади. Афсуски, сурат яхши чиқмайди, унда Ҳақимжоннинг бир қўлигина акс этган эди. Шунда мен ҳафсаласи пир бўлган меҳмоннинг кўнглини кўтариб, шундай дедим:

– Ҳечкиси йўқ, суратнинг остига “Сиз суратда Шодмон Отабек билан Ҳақим Зокирнинг қўлини кўряпсиз” деб изоҳ ёзиб қўямиз.

“Жой йўқ!”

Ёз кунларидан бирида Бўстонликнинг хушманзара Хумсон кишлоғи яқинида жойлашган Олчинбар маҳалласининг Уғом дарёси соҳилидаги далаховлимда дам олиш учун Тошкентдан

бир гуруҳ ижодкор дўстлар йўлга чиқишади. Меҳмонларни шоир Турсун Али ўз мошинасида олиб келаётгани.

Тирикчиликнинг айби йўқ дегандек, дарё бўйида жойлашган барча хонадонларнинг дарвозаларида “Дача бор”, “Жой бор”, “Бассейн бор” деган ёзувлар кўзга ташланиб турарди. Меҳмонлар ҳаммасига бир хил гап ёзилган дарвозадан қайси бири Шодмон Отабекники экан дея ўйланиб қолишади. Шунда шоир Азим Суюн ҳайдовчига маслаҳат беради:

– Аканинг ўзига телефон қила қолинг!

Турсун Али менга телефон қилиб, сўрайди:

– Шодмонбек ака! Дачангизни тополмаяпмиз. Ҳамма эшикларга “Жой бор” деб ёзиб қўйилибди. Сизникига нима деб ёзилган?

– Тўғри келаверинглар. Менинг дарвозамга “Жой йўқ” деб ёзиб қўйилган! Сира адашмайсизлар, – дедим.

– Йўғ – э, ҳазиллашяпсизми?

– Ҳазил – пазили йўқ, келганда кўрасизлар.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай меҳмонлар дарвозамдаги “Жой йўқ” деган ёзувни кўриб, кулиб юборишди. (Дам олувчилар жой сўрайвериш безовта қилмаслиги учун шундай чора кўргандим).

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Таги зил ҳазил

Оташнафас шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шўролар тузумини қалбан қабул қилмаган, ғайриинсоний истибдод салтанатини бутун вужуди билан ёмон кўрган, қачон шўро деган балодан кутуламиз дея ёзгириб юрган, ўз дунёқарашида собит инсон бўлган. Табиийки, унинг дунёқараши ижодида ҳам гоҳ ошқора, гоҳ рамзий тарзда акс этган.

Кунлардан бир кун шоир таҳририятлардан бирига боради. Ногоҳ стол устида турган, тепасига “Эпоха” деб ёзилган папиросга (сигарета ҳали расм бўлмаган, шекилли) кўзи тушиб қолади. Хаёлида бир иштибоҳ уйғонади. Секин папиросни қўлига олади, кутининг бўш жойига шундай сатрларни битади:

*Бундай “Эпоха”ни чекиб тугатинг,
Куллари кўкларга соврилиб кетсин.
Бу тутқун, эзилган ўзбек боласи
Оловсиз, тутунсиз кунларга етсин.*

Гарчи “эпоха” сўзи давр, замон маъносини билдирса-да, шоир бу ўринда шўро салтанатини назарда тутгани аниқ эди.

Бундай таги зил ҳазилга ўша даврда анча-мунча ижодкор журъат қилолмасди. Ушбу шеър ҳеч қаерда эълон қилинмаган, аммо авлодлар томонидан оғиздан-оғизга ўтиб келади. Шеър тарихини менга таниқли чўлпоншунос олим Наим Каримов сўзлаб берган.

Трактордан қўрқади

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари шоир, ёзувчилар совет мафқураси тазйиқи остида азоб чекиб кун кўришга мажбур эди. Шўро мавзусида асар битмаган Фитрат, Чўлпон каби ижодкорлар тез-тез танқид қилинарди. Фитратга хайрихоҳ бўлган ёшлардан бири бир куни шоирга ўзича шундай маслахат беради:

– Домла, бошингизни қотириб юрмай, бошқаларга ўхшаб сиз ҳам трактор ҳақида биронта шеър ёзиб қўя қолмайсизми? Ғалвадан ҳам қутулардингиз...

Жадид адабиётининг асосчи ва буюк маърифпарвар алломанинг бу гапга берган жавобини замондошлар узоқ вақтгача эслаб юришади:

– Мен тракторнинг тариллаганидан кўрқаман-ку, қандок қилиб у ҳақда шеър ёзай?!

Ғаройиб дам олиш

Кунлардан бир кун атоқли адиб Абдулла Қодирий боғидаги сўрида хаёл суриб ўтирган экан, кўшниси кўриб қолиб сўрабди:

– Дам олаяпсизми, Абдулла ака?

– Йўқ, мен ишляяпман, – дебди ёзувчи.

Ўша кўшни бошқа бир куни кирганида Абдулла Қодирий дарахтларнинг тагини кетмон билан юмшатаётган экан.

– Ҳорманг, – дебди у адибга, – ишлаётган экансиз-да?

– Мен ишлаётганим йўқ, – дебди бу гал ёзувчи, – дам олаётиман, ҳордиқ чиқараётиман.

Шунда кўшниси ёзувчини тушунолмаб, анграиб қолади.

Ўзбекнинг носи

(Мажиддин Сатторов ҳикояси)

1936 йили шоир Собир Абдуллани Марказий Комитетнинг биринчи секретари Усмон Юсупов чақириб қолади. Раҳбарнинг олдида бир ўрис одам ўтирганди. Усмон ака шоирга юзланиб дейди:

– Собир, мана бу одам Москвадан келган, жуда машҳур ёзувчи Николлай Погодин. Эшитганмисан, “Милтиқли киши” деган асарни..

– Биламан, биламан, – дейди Собир ака меҳмонга разм солиб.

– Танисанг, жуда яхши. Меҳмонга Тошкентни кўрсат, айлантир. Одамларимиз қандай яшяпти, ўз кўзи билан кўрсин.

Шоир меҳмон билан трамвайга ўтиришади. У даврларда хизмат мошиналари қайда? Собир ака рус тилини унчалик яхши билмасди. Меҳмон эса ўзбекчани мутлақо тушунмасди.

Чорсуда трамвайда кетишаётганди. Бир маҳал шоир меҳмонга тескари ўгирилиб, кафтини тўлатиб нос отади. По-годин кузатиб турган экан, шоирга қараб “Дайка Сабирчик, я тоже попробую” деб қолди.

Меҳмон отангдан улуғ, шоир ноилож носни узатади. Меҳмон ҳам кафтини тўлатиб носни отади. Отганида ҳам носни тил тагига эмас, устига ташлайди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, меҳмоннинг кўзи олайиб, “шилқ” этиб йиқилиб тушади. Трамвай тўхтади. “Тез ёрдам” сигнал бериб учиб етиб келади.

Хукумат шифохонасида Погодинни оғзидан ошқозонига ичак тушириб, обдан ювишади. Меҳмон икки кундан кейин ўзига келади. Усмон Юсупов меҳмонни Москвага жўнатгач, шоирни яна ҳузурига чақириб, сўрайди:

– Хўш, Собир, нима қилиб кўйдинг?

Шоир трамвайдаги воқеани сўзлаб беради. Усмон Юсупов аввалига роса кулади, сўнг жиддий огоҳлантиради. Собир ака эса шу-шу нотаниш меҳмонга нос бермайдиган бўлади.

Шароит

Тошкентга Андижондан оиласи билан кўчиб келган шоир Собир Абдулла Эски шаҳардаги бир хонадонда ижарада яшаётган кезлари, кунлардан бир кун замонасининг машҳур шоирлари – Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, таржимон Рустам Абдурахмонов мусофир ҳамкасбини йўқлаб келишади. Кўлида чакалок ўғлини кўтариб олган Собир ака меҳмонларни хурсанд кутиб олади.

– Чакалокнинг исми нима? – деб сўрайди меҳмонлар.

– Шароит, – дейди Собир Абдулла кулимсираб.

– Ажабо, бунака ноёб исмни биринчи марта эшитишим! – дейди Ҳамид Олимжон андак таажжубланиб.

– Ёзувчилар уюшмаси эътибор қилмагач, шароитни ўзимиз туғдириб олдик, – дейди Собир Абдулла хозиржавоблик билан.

Совуқ

Қахратон қиш кунларининг бирида шоир Собир Абдулла Яйпанда яшайдиган дўстиникига боради. Табаррук меҳмонни зиёрат қилиш учун дўсту ёронлар, кўни-қўшнилар тўпланишади. Зиёфат авжида эшик очилиб, киёфаси тунд бир одам кириб келади ва бориб пойгакка чўккалайди. У одам аскияни, ҳазил-мутойибани тушунмайдиган, лақаби ҳам “Совуқ” эди. Буни яхши билган меҳмонхона аҳли жимиб қолади, гурундан файз кетади. Сукунатни Собир аканинг лукмаси бузади:

– Ҳали эшик очилиши билан шундай бир совуқ кирдики...
Ҳамма шарақлаб кулиб юборади.

Хўкизлар

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрганимда бир куни таҳририятга атоқли адиб Асқад Мухтор келади.

Асқад аканинг келганини эшитиб, у ўтирган хона бир оғиз бўлса ҳам бу ажойиб инсоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш илинжида юрган ёшлар билан гавжумлашади. Столда газетанинг янги сони терилган корректура турган эди. Асқад ака ногоҳ қизиқсиниб столга энгашади. Саҳифада зотдор моллар ҳақида ёзилган катта мақола ва ўша молларнинг фотосурати ҳамда унвонли, амалдор, аммо ижоди ўртамиёнадан ҳам паст бўлган бир шоирнинг бўшгина шеърлари сурати билан босилиб чиққан эди. Биз, табиий, атоқли адибнинг саҳифа ҳақидаги фикрини билишга қизиқиб, оғзига тикилдик. Асқад ака саҳифага ўйчан, узоқ қараб турди-да, мийиғида оҳиста кулимсираб, шундай деди:

– Саҳифада хўкизлар кўпайиб кетибди.

Эски коммунист

Илгари (аникроғи, ўтган асрнинг 80-йиллари) ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида турганимизда раҳматли Ҳабибулло ака ўзаро гурунгларида(атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг ўғли) отаси ва ўтмишдаги ибратли воқеалар ҳақида кўп ва хўп ҳикоя қилган эди. Бир куни у Ориф ўрис

деган эски фирқа аъзоси ҳақида ғаройиб тафсилотларни айтиб берди. Эмишки, Ориф ўрис Москвада юрса, Қизил майдонда митинг бўлаётганмиш. Якинроқ бориб қараса, Ленин нутқ сўзлаётганмиш. Ориф фирқа орқарокда туриб кулоқ солибди. Шунда Ленин бирдан жимиб, “Шу ёқдан эски коммунистнинг хиди келаяпти!” дебди. Халойиқ икки ёққа тисланиб, ўртадан йўл очилибди. Шунда Ленин унга пешвоз чиқиб, “О Орифчик, ты приехал, да?” дея кучоқ очганмиш.

Тоға ва жиян

Ҳабибулло ака айтган ўша Ориф ўрис доимо шоир Уйғун менинг жияним деб мақтаниб юраркан. Ўша кезлар шўро партиясининг чизиғидан чиқолмайдиган адабий жамоатчилик Уйғунни ишқий шеърлар ёзганликда айблаб, бадном қилади. Бунақа асоссиз айбловдан чўчиб қолган ижодкорлар ишқий мавзуда шеър ёзмай кўядилар. Шоирлар асосан пахтани-ю пахтазорларни мадҳ этишга тушади. Кунлардан бир кун кимдир кўчада Ориф ўрисни учратиб қолиб, сўрайди:

– Жиянингиз қалай, кўришиб турибсизми?

Замонасоз инқилобчи “тоға” қовоғини солиб, дўқ уради:

– Смотря какой жиян!

Иззатсултон

(Сорахон Отамирзаева ҳикояси)

Тилшунос олимлар – Зокир Маърупов ва унинг шогирди – Тешавой Алиқулов ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида илмий иш қилишаётган экан. Кунлардан бир кун овқатдан кейин устоз билан шогирд боғни айланишади. Боғда қизил, кўк, сарғиш, сиёхранг олхўрилар фарқ пишган.

– Домла, бу меваларнинг номида фарқ борми? – деб сўрайди Тешавой.

– Фарқи бор, албатта, – дея жавоб қилади устоз. – Масалан, кўки – кўксултон, сариғи – сариксултон, сиёхранги – Юсуфсултон (адабиётшунос олим Юсуф Султоннинг номи – С.О.), сарғиши – Иззатсултон (атоқли адабиётшунос олим Иззат Султоннинг номи – С.О.).



Жамол ва камол

Мустақилликдан илгари Ёзувчилар уюшмасининг Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги биносида тез-тез адабий анжуманлар бўлиб турарди. Кунлардан бир кун уюшмадаги шеърят кечасида Бухоролик ёш шоир Жамол Камолнинг номи тилга олинди, шеърлари юқори баҳоланади. Шунда халқ шоири Шукрулло минбарга чиқиб, шундай чиройли лутф қилади:

– Бухородан Жамол Камол деган яхши бир шоир чиқяпти. Шеърлари маъкул. Энди Тошкентга ҳам бир келсин. Камолини кўрдигу жамолини кўрмадик!

Камтар жиян

Шўролар замони Темур Алимов (*Аллоҳ раҳмат қилсин*) Тошкент вилоятини бошқарган кезлар экан. Кунлардан бир кун у Халқ шоири Эркин Воҳидов билан ҳамсухбат бўлиб қолади. Адабиёт, шеърят ҳақида гап кетганда раҳбар секингина “Менинг ҳам тоғам шоир бўлганлар” деб қолади.

– Шеърлари бирон жойда чиққанми? – дея Эркин ака кизиксинади.

- Ҳа, чиққан. Китоблари ҳам бор.
- Ундай бўлса мен танишим керак.
- Ёзувчилар уюшмасига аъзо ҳам бўлганлар.
- О, унда билишим аниқ.
- Мукофотлари, унвонлари ҳам бор.
- Шундайми? Қизик, ким экан у киши?
- У киши менинг тоғам – Ғафур Ғулом бўладилар!

Ғалати ёзувчи

“Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Момо – Ер кўшиғи”, “Отамдан колган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” каби бетакрор, бебаҳо насрий асарлари билан ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган атоқли адиб Тоғай Муроднинг (*Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин*) характери ҳам худди асарлари каби ноёб, тўғрироғи, ғалатироқ эди. Жамики истейдодлар каби унда ҳам турфа инжиқликлар етарли эди. Бир қарашда у дағалроқ, кўрсроқ

туюлса-да, табиати боладек беғубор, ишонувчан, кўнгли ўта нозик эди. Ўз ички оламига андармон бўлиб, хаёл суриб юришни ёктирарди. Кимдир уни беҳуда хафа қилса, иззат-нафсига тегса, муштлашишдан ҳам тоймасди. Икки суйган одамлар даврасида чакчаклашиб, ҳазил мутойиба қиларди.

Тоғай Мурод ўз номини мангуликка муҳрлаган машҳур асари – “Отамдан қолган далалар”ни ёзиб тугатгач, Ёзувчилар уюшмасининг ўша кезлардаги раиси, атоқли адиб Одил Ёкубовга кўнғироқ қилиб, шундай дейди:

– Одил ака! Мен роман ёздим. Ҳозир сизга олиб бораман. Шу бугун ўкиб чиқасиз!

Одил ака романи бир кунда ўкиб чиқиш мушкуллигини айтади. Ғалати адиб эса шаштидан қайтмайди:

– Сиз аввал ўқишни бошланг! Шунда ўзингиз ҳам қандай тугатганингизни билмай қоласиз!

– Ҳай, олиб кел! – дейди раис энсаси қотиб.

Одил ака Тоғай Мурод ҳақидаги хотирасида ўша воқеани эслаб шундай ёзади: “Ғалати! Бу гапларни ёзувчининг ўзи айт-япти, ўзининг асари ҳақида шундай деяпти!”

Дарвоқе, Одил ака ўша романи ростдан ҳам бош кўтармай кечгача ўкиб тугатади ва зўр асарлигини эътироф этади. Тоғай билан “қиттак-қиттак” қилиб, янги асарни “ювишади”.

Лошингиз эмас, бошингиз керак

(Абдулла Собиров ҳикояси)

Кунлардан бир кун Тоғай Мурод ўзи туғилиб ўсган кишлоғи Хўжасоатда истиқомат қилувчи яқин қариндошининг тўйига Хоразмлик машҳур хонанда Шермат Файзуллаевни олиб келаман дея гаров ўйнайди. Ваъдани бажариш учун Хоразмга боради. У ерда камина ҳамроҳлигида хонандани кидириб Боғотга йўл олдик. (А.Собиров Тоғай Муроднинг курсдоши эди. – Ш.О.) Ҳофиз бизни кўриб хурсанд бўлди. Илтимосни эшитгач, дарҳол розилик билдирди. Тоғай Мурод аввалига ишнинг осон кўчаётганидан қувонди, аммо кўп ўтмай негадир безовталанди. Табиатан дангалчи бўлган адиб ҳофизни лол қолдириб шундай деди:

– Тўғриси айтсам, сиздан озгина норозиман.

– Бош устига, – деди мезбон. – Беайб парвардигор. Айтинг, айбимни юва оламанми ўзи?

– Йўқ, юва олмайсиз. Бўлди, энди кеч. Сизга ўз эътирозимнигина айтишим мумкин.

– Хўш?

– Баҳслашмасдан, тортишмасдан нега дарҳол рози бўла қолдингиз? Бизда – тоғда ҳамма нарса баҳс, тортишув, талашувлар билан битади. Бу нарса барчамизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Нимаики бўлса, барини тортишамиз, бироқ бир-бировимизга нисбатан кек сақламаймиз. Тезда ярашиб оламиз. Тўғриси айтганда, олдингизга ҳар қандай тортишувларга тайёр ҳолда келувдим. Сиз бўлсангиз, ҳеч кимни қийнамай – нетмай дарҳол рози бўлиб ўтирибсиз. Биз бе демай туриб сиз ҳа, деб юбордингиз. Келинг, озгина баҳслашайлик!

Меҳмоннинг анчайин совуқ нигоҳ-ла, батамом жиддий оҳангда айтган сўзларидан биз – ўртадаги “воситачи”ларнинг танамиз музлаёзганди. Хайрият, ҳазил гарчи зил тарзида айтилса-да, ундан ҳаммамизнинг кўнглимиз ёришди. Хонанданинг хонадони яна кулгига тўлди.

Афсуски, орадан кунлар, ойлар ўтгач, ҳофизнинг акаси Раҳмат ака укасининг тоби қочиб, тўйга боролмаслигини маълум қилади. “Шум хабар”ни эшитган Тоғай Муроднинг кўзига дунё қоронғу кўринади. Икковлон ҳофиз даволанаётган Боғотдаги касалхонага бордик. Қисқача салом-алиқдан сўнг Тоғай ҳофизга юзланиб деди:

– Майли, тўйга борма кўя қолинг, лошингиз ўзингизга буюрсин, аммо бошингизни бериб юборсангиз бўлди. Мана, сумкам ёнимда. Қаллани унга жойлайман-у, кетаман. Деновга – тўй оломони олдига обориб ташлайман-у, мана ҳофиз Шермат шу киши бўладилар, дийдорига истаганча тўйинг, дейман. Бўлди, сиздан бошингиздан бўлак ҳеч нарса сўрамайман.

Ҳофизнинг ўтакаси ёрилаёзди. Бундай вазиятда эсдан оғиш ҳам ҳеч гапмас. Ахир, биров ҳе йўқ, бе йўқ, яна бошингизни беринг, деб турса, одамда эс-хуш, ўтака дегани қоладими? Шу топда Шермат аканинг ҳолига маймунлар йиғларди. Лекин, умри катта-катта давраларда ўтиб келаётгани, кўп юриб, кўп кўргани, кўпларга кўл бергани боисиданми, бирпасдан сўнг эс-

хуши озроқ бўлса-да, ўзига қайтди, ҳатто бироз ҳазилга журъат этган кўйи Тоғайга юзланди:

– Майли, биродарим, агарки, бош кетар экан, у ҳолда касални даволашга ҳожат йўқ. Касалхонадан ҳозирок чиққаним бўлсин. Ўлимга кетаётган одам табибнинг ёрдамига муҳтож эмас. Йўл бошланг, кетамиз бу ердан, – деди вазминлик билан.

Самолётни қайта қўндирди

Шоир Юсуфжон Ҳамдамнинг устамонлиги, уддабуронлиги, айрим ижодкорларга кўрсатган беғараз ёрдами ҳақида турли хангома, латифалар кўп ва хўп тўкилган... Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди, бундай гаплар бежиз айтилмаган. Хангомаларга туртки бўлган воқеалар ҳаётда бўлиб ўтган, албатта. Мана, шулардан бири.

Тожикистонда ўтказиладиган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигида атоқли шоир Миртемир домла ҳам қатнашиши керак экан. Аммо оғирқарвон домла аэропортга кечикиброқ борди. Ногаҳон худди осмондан тушгандек Юсуфжон Ҳамдам ёнида пайдо бўлади.

– Э устоз, озгина кечикдингизда, самолёт ҳозиргина учиб кетди. Майли, ҳечкиси йўқ, агар истасангиз уни қайта ерга қўндиришим мумкин.

– Йўғ-э, нахотки учиб кетган самолётни ортига қайтариш мумкин бўлса, бўтам? – дейди домла ҳайратланиб.

– Э, бу дунёда битмайдиган иш йўқ, домла. Ҳозирок бу аэропортнинг каттаси билан гаплашаман.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас Юсуфжон Ҳамдам ичкаридан хурсанд ҳолда чиқиб келади.

– Иш пишди, домла. Самолёт ҳозир қайта қўнади. Бошлиғи шундай буйруқ берди кўз олдимда.

– А-а-хир... қ-қандай қилиб, бўтам?..

– Аэропортнинг каттаси тушунадиган одам экан. “Шоир Миртемир бу ерда қолса, Тожикистонда ўтадиган, сиёсий аҳамиятга молик, улкан анжуманни ким очиб, ким ёпади ахир?” дедим-да!

Бу орада қайтиб ерга қўнган самолёт салонига Юсуфжон Ҳамдам устоз Миртемир билан етаклашиб чиқишади. Уларни кўрган Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Туроб Тўла каби адиблар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишади.

Ёрдонга келган Иордан

(Эркин Воҳидов ҳикояси)

Бир вақтлар булғор ёзувчиси Иордан Милев Ўзбекистонга келганда уни Фарғонага олиб бордик, Шохимардонни кўрсатдик. Гўзал тоғ қишлоғи Ёрдонга келганимизда таниқли адиб Ўлмас Умарбеков дўстига ҳазиллашиб деди:

– Сен бу қишлоққа келган биринчи чет эллик ёзувчисан. Кеча оқсоқоллар кенгаши қарор чиқарди. Қишлоқ сенинг номинг билан аталадиган бўлди.

Биз ҳаммамиз буни тасдиқладик. Атрофда юрганларни чакириб, бир-бир қишлоқнинг номини сўрадик. “Ёрдон” сўзини эшитиб, меҳмонимиз яйраб кетди. Уни боплаб алдадик, деб биз ҳам хурсанд. Кечки зиёфат вақтида Иордан сўз олиб шундай деди:

– Бу ажойиб, сўлим масканга менинг номим берилгани учун бошим осмонга етди. Араблар бир замон катта дарёсини Иордан деб, бир мамлакатни Иордания деб атаган эдилар. Мана, улар ёнига қишлоқ ҳам қўшилди. Булғорияда биров таниб, биров танимаган бир ёзувчига дунёда шунча иззат, эътибор! Араб дўстларимга раҳмат, лекин уларнинг дарёси ҳам, мамлакати ҳам менга керак эмас. Булбуллар сайраган, сойлари шаркираган, жаннат шамоли эсиб турган бу қишлоққа оламни алишмайман!

Қалтис ҳазил

Таниқли ёзувчи, “Қайтар дунё”, “Уч кўчанинг охири”, “Муҳожир” романларининг муаллифи, ажойиб инсон Ёкуббек Яквалхўжаевнинг ҳазил-мутойибалари, лутфлари ҳам ўзига хос, беғубор ва бетакрор эди.

Кунлардан бир кун (мустақилликдан илгари) Ёкуб ака навбатчилик қилаётган “Ўзбекистон маданияти” газетасида (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси) ёш ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг фантастик ҳикояси босилаётганди. Бир маҳал цензура ходими телефон қилиб қолади:

– Ҳожиакбар Шайхов деганингиз қайси мамлакатнинг (муаллиф исму шарифининг андак ғалатилиги шубҳа уйғотган чоғи) ёзувчиси?

Томдан тараша тушгандек туюлган бу савол Ёқуб акага нашъа қилади. Цензурачини бир лақиллатгиси келади.

- Ҳожиакбар Шайхов араб ёзувчиси-да!
- Ундай бўлса таржимонини ёзиб кўйинг!
- Хўп бўлади, албатта ёзиб қўямиз!

Табиий, саҳифа хикоя “таржимони” кўрсатилмаган ҳолда келтирилади. Навбатчининг “паришонхотирлиги”дан ранжиган цензурачи энди жаҳли чиқиб, тўппа-тўғри бош муҳаррирга муурожаат қилади. Ахийри қовун туширган айбдор ҳам топилади.

Хонасида ғижиниб ўтирган бош муҳаррир Лазиз Қаюмов навбатчи Ёқуб акага зуғум қилади:

– Сен бола нима қилиб кўйдинг? Ким билан ҳазиллашаётганингни биласанми ўзи? Энди тезда бориб шалтоғингни ўзинг тозала!

– Хўп, хўп, кечирасиз домла...

Беозор ҳазилнинг таги зил бўлиб чиқишини кутмаган Ёқуб ака узр сўраб, зўрға жазодан кутулиб қолади.

“Хотинимга уйландим”

Анджонлик такводор ёзувчи дўстимиз Убайдулло Содиков (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) Тошкентда ишлаб юрган йиллар эди. У табиатан ўта содда, ҳалол, тортинчоқ бўлгани учун кундалик туриш-турмушида учрайдиган ҳаётий муаммоларни ҳал этишда кўп қийналади, шу боис узоқ муддат паспортини ҳам қайд қилдирилмай овораи сарсон бўлади. Бу орада у яқин дўстлар кўмагида бир хонали уйи бўлган бева хотинга уйланиб, бошпана масаласини ҳарқалай ҳал қилиб олади. Аммо паспорти ҳали-ҳамон қайдсиз эди. Ҳар гал кўришганимизда бу ҳақда сўрасам, “Шу... бўлмапти-да”, дея ланж гапириб, ғашимни келтирарди. Ахийри бир куни яна шу ҳақда гап очилганда хотиржам жавоб қилди:

– Ҳал бўлди ниҳоят!

– Хайрият, хайрият! Хўш, қандай қилиб ҳал қилдингиз? – кизиксиниб сўрадим.

– Шу... хотинимга уйландим!

Бу ғалати гап нашъа қилиб, беихтиёр кулиб юбордим. Маълум бўлишича, олдинига факат “эскича” никоҳдан ўтиш билан чекланган дўстимиз энди хотини билан ростмана ЗАГСдан

ўтган, шу боис паспортни қайд қилдириш масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлган экан.

“Хотинимга уйландим” деган ғалати ибора эса Убайдулладан хотира бўлиб қолди.

Лоф

Болалар ёзувчиси Собит Ғафуров (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) ниҳоятда ҳазилкаш, дилкаш одам эди. Ҳар кўришганимизда “Янгисидан бор” дея теша тегмаган латифа айтиб берарди. Гоҳо учрашувларда тингловчиларни зериктирмаслик учун жўшиб кетиб, анча-мунча лоф қўшиб гапирадиган одати ҳам бор эди.

– Хулласи калом, ўша қийинчилик-қаҳатчилик йиллари шаҳарда ёввойи ҳайвонлар ҳам кўпайиб кетган эди, – дея хикоясини давом эттиради у китобхонлар билан бўлган бир учрашувда. – Эски Жўвага кетаётсам, орқамдан нақ юзта бўри галаси қувлаб қолса бўладими.

– Йўг-э, – дейди тингловчилардан бири эътироз билдириб. – Жа-а унчалик эмасдиров?

– Ишкилиб, юзтами-тўқсонтами, билмадим, аниқ сони эсимда йўқ, кўрққанимдан санашга улгуролмадим.

– Шаҳарда бўрилар гала-гала бўлиб юрмайди, шекилли, – дейди яна кимдир шубҳа билдириб.

– Кўрққанга кўша кўринади. Ҳар ҳолда, бўрилар юзта бўлмаса ҳам, элликтадан кам эмас эди, – дея сўзида давом этади Собит ака. – Тишларини ғижирлатиб, кўзларидан ўт чакнатиб қувиб келяпти, мен – ёш болакай, оёғимни кўлимга олиб қочиб келяпман, қочиш ҳам гапми, учиб келяпман...

– Э, барибир ишонини қийин!

– Хўш, унда, бўри битта эди десам ишонасизларми?– дейди Собит ака ноилож жилмайиб.

Марсия

Бухоролик шоир Ғулум Шомуродов атоқли шоир Максуд Шайхзода вафот этганда устозга атаб марсия ёзади. Тошкентда Ғулум акани учратиб қолган шоир Азиз Абдураззоқ унга “Марсияни яхши ёзибсиз”, дея илик фикр билдиради.

Мақтовдан ийиб кетган шоир ҳовлиқиб, нима дермиш:
– Э, Азиз ака, ҳали кўрасиз, сизга атаб бундан ҳам зўрини
ёзаман!

Темур ва Пўлат

Шоир Пўлат Мўмин (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) шўролар даврида болалар газетасида ишлаш баробарида Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш комиссиясида ҳам хизмат қиларди. Таниқли болалар шоири Темур Фаттоҳ уюшма котиби эди.

Кунлардан бир кун Пўлат ака таҳририятда ўтирганида телефон жиринглаб қолади. Гўшакдан кимдир жаҳл билан гапирди:

– Нега йиғилиш баённомасини ўз вақтида топширмадинг?

Бундай муомаладан андак талмовсираб қолган шоир ниҳоят ўзига келиб, сўрайди:

– Аввало, ассалому алайкум! Кечирасиз, сизни танимайроқ турибман.

– Мен Темурман, уюшма котиби! – дейди ҳалиги овоз яна пўписа қилиб.

– Сиз Темур бўлсангиз, мен Пўлатман! – дейди Пўлат ака ҳам овозини баландлатиб.

Бу кутилмаган жавобни эшитган Темур Фаттоҳ беихтиёр кулиб юборади.

Калтақдан бошқаси

Пўлат аканинг серфайз хонадонига меҳмонлар келади. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Турли тансиқ таомлар тайёрланмоқда. Кекса шоир бундай маҳалда ўзини четроққа олишга одатланган. Ижодхонасида китоб варақлаб ўтирганида суюкли набираларидан бири ёнига келиб сўрайди:

– Бобожон! Сизга нима овқат келтирай?

– Э, кизим, мен овқат танлайдиган ёшдан ўтганман, калтақдан бошқа нима бўлса еябераман! – дейди бобо кулимсираб.

Жазо лозим бўлгач...

Ўттизинчи йиллар қатағони авжига чиққан йилларда бир бечора шоирнинг бошида ҳам қора булутлар қуюқлашади. Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисда уни миллатчиликда, аксилинқилобчиликда айблашади. Кимдир шоирни партиядан ўчиришни таклиф қилади. Ҳамма бир овоздан қўл кўтариб, бу таклифни маъқуллайди. Фақат “айбдор”гина ботиниб-ботинмай қўл кўтариб, шундай дейди:

– Кечирасизлар, мен партия аъзоси эмасман-ку! Қандай қилиб ўчирасизлар?

Ҳамма жим бўлиб қолади. Шу маҳал бир ғаламис ўрнидан туриб, антиқа таклиф киритади:

– Шоир партиёга қабул қилиниб, кейин ўчирилсин!

Яхши кулган одам

Яхши кулган одам яхши одам деган гап бор. Фарғоналик шоир ва адиб, ўзидан яхши ном қолдирган ажойиб инсон Йўлдош Сулаймон ана шундай одам эди. Даврада ҳазил-мутойиба, қаҳқаҳа бошланса, Йўлдош ака мириқиб, юракдан кулар, кўпқаватли, беқиёс кулгисининг ўзи даврадагиларда завқ-шавқ уйғотар эди. Устоз Саид Аҳмад бежиз у ҳақда турли хангомалар тўқимаган. Мана, шундай хангомалардан бир шингил.

Соддароқ бир одам томга макка ёйиш учун чиқиб, палакат босиб йиқилиб тушибди. Шу кўйи қулоғи том битиб, биров ёнбошига келиб замбарак отса ҳам эшитмайдиган бўпқопти. Кунларнинг бирида шу одам чойхона сўрисида Йўлдош ака билан ёнма-ён ўтириб қолибди. Даврада ўтирган устоз Саид Аҳмад ичакузар хангомалари билан ҳаммани кулдираётган экан. У бир латифа айтганда Йўлдош ака бояги кар томонга қараб “воҳ-воҳ-воҳ-вооо-ох!” деб бир кулган экан, гаранг бирпас у ёқ-бу ёққа аланглабди-да, “эшитяпман, хайрият, эшитяпман!” дея бақирворибди. Кейин у Йўлдош акани кучоқлаб, “Кар қулоғимни очвординг, раҳмат ука!” деб, юзидан ўпавериб ялаб ташлабди. Эртасига ўша одам зиёфат қилиб, Йўлдош аканинг елкасига тўн ёпиб, бошига Марғилон дўппи кийгизибди.

Оғайнилар

Марғилонлик камтар-камсукум шоир Исмоил Маҳмуд бир куни пойтахтга келиб, “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири Азим Суюн ҳузурига киради. Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашгач, шундай дейди:

– Дўстим Азимжон! Мана мен Фарғонага кўчиб кетдим. Энди ғазаллар машқ қиляпман.

– Жуда соз-да, хўш, кейин-чи? – дея кизиқсинади Азим Суюн.

– Шу десангиз, бизга Навоийнинг йўли оғирлик қиларкан. Бизга шу... ўзимизнинг оғайниларни йўли дуруст экан.

– Хўш, ким экан ўша оғайниларингиз?

– Ким бўларди – Мукимий, Фуркат, Завқий....

Азим Суюн ўзини тутолмай, бақувват гавдасини силкитиб, котиб-котиб кулади.

Қайнатиш ҳам керакми?

Таржимон Музаффар Аҳмад бир куни шоир Иқром Отамуродни уйига чорлайди. Меҳмонни турфа хил ноз-неъматлар билан сийлайди. Улфатчилик ҳам қизигандан кизийди. Ширингина бўлиб қолган шоир ликопчага чиройли қилиб кесиб қўйилган казидан тотинмоқчи бўлади, аммо негадир кази чайналмай, оғизда без бўлиб тураверади. Ютай деса ютолмайди, ташлаб юбориш... ноқулай. Ахийри ноилож мезбондан сўрайди:

– Музаффар, бу казини дурустроқ қайнатганмисиз ўзи?

– Ие, буни ҳали қайнатиш ҳам керакми?

Умрида казига иши тушмаган Музаффар бозордан олган хом казини шундоқкина кесиб дастурхонга қўйган экан.

Кебрадийах Хўқандий ким?

Мустакиллик арафасидаги 80–90-йиллар матбуотида катта бир юксалиш, кўтарилиш бўлган эди. Етилиб қолган, ўз ечимини кутаётган ижтимоий-сиёсий муаммолар ҳақида фақат ёзувчи, журналистларгина эмас, бошқа соҳа вакиллари, жумладан, олимлар ҳам илҳом билан, жўшиб-тошиб қалам теб-

ратади. Шулардан бири таникли тарихчи олим, профессор Ҳайдарбек Бобобеков эди. У қаламга олган айрим мавзулар гоҳо баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўларди. Бир куни Ҳайдар ака қалтисроқ тарихий мавзуда ёзган ўткир мақоласини қаерда, қандай чоп эттириш ҳақида ўйлаб қолади. Шўролар цензураси билан кўп марта тўқнашавериб юраги безиллаб қолган олим бу мақоласининг ҳам тўсиқдан ўтишига кўзи етмай, андак ҳийла йўлига ўтади. Ўша мақоласини гўё яқин ўтмишда ўтган тарихчи олим Кебрадйох Ҳўқандий имзоси билан “Ёш куч” журна-лида чоп эттириб юборади.

Орадан бир неча ой ўтгач, Ҳайдар ака ўз юрти Қўқонга борганида Ҳамза музейининг катта илмий ходими Аҳмаджон Мадаминов унга журналдаги ўша мақолани жуда қизиқиб ўқиганини, аммо Кебрадйох Ҳўқандий деган тарихчининг но-мини биронта манбада учратмаганини айтади.

Ҳайдар ака кулимсираб жавоб қилади:

– Сиз у муаллифни яхши танийсиз.

– Йўғ-э?

– Ҳа, шундай. Ишонмасангиз мана, қоғоз, қалам олиб, ме-нинг исмимни ёзинг: “Ҳайдарбек”, энди шу сўзни тескарисига ўқинг – “Кебрадйох”. Энди қўлингизни беринг – танишгани-миздан хурсандман!

– Э қойил-э! – дейди Аҳмаджон ака олимнинг уддабурун-лигидан завқланиб.

Телефон бор экан-да

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси қабулхонасида Нафиса опа деган соддагина, камтар-камсукум бир аёл ишлар-ди. Опанинг хаёли кўпинча фаромуш бўлиб юрар, ҳатто ходим-ларнинг исми шарифларини ҳам чалкаштириб қўяр эди. Бир куни шаҳардан тахририятга кимдир телефон қилиб, раҳматли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг маъракасига муҳаррир бошчилигида ходимларни таклиф этади. Опаси тушмагур бир муддат бошқа ишларга андармон бўлиб, омонат гапни унута-ди. Кейинрок, бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуровга кўзи тушгач, телефондаги гап дарҳол эсига тушиб, шоша-пиша шундай дейди:

– Иброҳимжон, маъракага борар экансизлар, телефонда айтишди.

– Ким телефон қилди?

– Мирзакалон Исмоилий!

– А? Нима дедингиз? – Иброҳим ака Нафиса опага ҳайрат билан қараб қолади. – Буни қаранг-а?! У ёқда ҳам телефон бор экан-да!..

Асал тоза бўлса...

Самарқандлик таниқли ёзувчи, журналист Нусрат Раҳмат ниҳоятда хушчакчак, кувноқ одам. У билан мустақилликдан илгари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида, атоқли адиб Одил Ёқубовнинг қўл остида бирга ишлашганмиз.

Нусрат ака маълумоти бўйича агроном, кишлок хўжалиги институтини битирган. Гурунги дилтортар, ҳамсухбатини сира зериктирмайди.

Бир куни тушликдан қайтаётганимизда гап айланиб асаларига, асалга такалди. Бундай мавзуда соатлаб маъруза ўқиши мумкин бўлган Нусрат ака бирдан жонланиб кетди. Мароқ билан ҳикоясини бошлади. Гап орасида унга шундай савол бердим:

– Қани айтинг-чи, асалнинг тозалигини қандай билса бўлади?

– Э, буни аниқлаш жуда осон, – деди Нусрат ака. – Бир чой қошиқ асални киндикка куйиш керак. Агар у тоза бўлса, баданга бутунлай сингиб кетади, мабодо асал сунъий, яъни шакарпакар қўшилган бўлса, шундоғлигича тураверади.

– Ундай бўлса ҳозирок бозорга борамиз, – дедим, – ўзингиз расталар орасида ярим-яланғоч чўзилиб ётасиз, киндигингизга ўша асални қуямиз! Кетдикми?

Беихтиёр ҳаммамиз кулиб юбордик. Айниқса, Нусрат аканинг жарангдор, давомли кулгиси анча вақтгача акс-садо бериб турди.

Муштини очса...

Ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида бир замонлар шахмат ўйнаш жуда авжига чиккан эди. Ўйинга муккасидан берилган ходимлар гоҳо таҳририят ишини ҳам унутиб кўйишарди.

Бундан безор бўлган бош муҳаррир Мақсуд Қориев ахийри таҳририятда шахмат ўйнашни ман қилиш ҳақида махсус буйруқ чиқаради. Орадан бир неча кун ўтгач, Мақсуд ака Марказқўмдаги мажлисда андак тутилиб, таҳририятга кечикиброқ келса, ишлар ўлда-жўлда, бош мақола ҳали туширилмаган экан. Жаҳл билан масъул котибни чақириб, танбеҳ бера бошлайди. Бир маҳал мундоқ қараса, котиб чап қўлини худди муштлашмоқчи бўлгандай мушт қилиб турганмиш.

– Ҳа, гапларим ёқмаяптими? Қўлингизни мушт қилиб турибсиз?– дейди муҳаррир.

Масъул котиб бошини қуйи солганча ўзича бир нималар дея минғирлайди-ю, негадир муштини очмайди.

– Нима, мен билан муштлашмоқчимисиз?

– Й-йў-ғэ! Нималар деяпсиз, Мақсуд ака?

– Ундай бўлса нега... Қани қўлингизни очинг-чи?! Очинг деяпман!

Котиб ноилож муштини очса, бармоқлари орасида шахмат сипоҳи – от турганмиш...

Роман нега ёзилади?

Оташнафас шоир Асқар Қосимов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) ҳаётда жиддий, камгап, оғир-вазмин бўлса-да, гоҳо кайфияти кўтарилса кутилмаган ҳазил-мутойибалари билан дўстларини кулдириб ҳам қўярди. Кунлардан бир кун чойхона базмида шўролар адабиётининг муҳим мезонларидан бири – “долзарб мавзу” бўйича бўшроқ роман ёзиб, сал-пал тилга тушган, катта раҳбарнинг қабулида бўлган, шу боис босар-тусарини билмай қолган ёзувчи дўстининг гапини бўлиб, шундай дейди:

– Ҳарбийда бирга хизмат қилаётганимизда бошингга “лом” тушиб кетгани яхши бўлган экан!

– Н-нега энди?..

– Акс ҳолда роман ёзмас эдинг!

Шоирнинг ота касби

Асқар Қосимов бир муддат рухий касалликлар шифохонасида даволаниб чиққач, нашриётдаги ишига қайтади. У билан битта хонада ўтирадиган семизгина муҳаррир аёл шоирга ҳадиксираб, ўғринча қараб-қараб кўяди. Буни сезиб ўтирган

шоир бир шумликни дилига тугади . Олдидаги қўлэзмати бир четга суриб, ўша ҳамкасб аёлга кўзларини лўқ қилганча тикилиб тураверади.

– Аскаржон, намунча менга бунақа тикиляпсиз? – деб сўрайди аёл ўнғайсизланиб.

– Сизни сўйсам неча килограмм гўшт чиқишини (Аскарнинг отаси қассоб бўлган, буни ҳамма биларди) чамалаяпман, – дейди шоир жиддий алпозда.

Аёл хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетганча қайта қорасини кўрсатмайди.

Сулаймон Азимовнинг одами

Таникли файласуф олим Сулаймон Азимов қатағон йиллари ҳибсга олиниб, камокда ётганида ёнига бир маҳбусни олиб киришади. Сулаймон ака калтак зарби ва қийноқлардан роса азоб чеккан боёқиш шеригидан оҳиста сўрайди:

– Сиз кимсиз? Не гуноҳ учун қамалдингиз?

– Мени Сулаймон Азимовнинг одами деб қамашди.

– Э, шундайми?

– Шундай.

– Сиз Сулаймон Азимовни танийсизми ўзи?

– Йўқ, танимайман.

– Бўлмаса, танишиб қўяйлик. Мен ўша – сиз айтган Сулаймон Азимов бўламан!

Шахмат ҳазиллари

Шахмат тахтасида кураш авжига чиққанда айтиладиган ғаройиб ҳазил-мутойибалар, бетакрор лутфлар махсус йиғилса, ажойиб китоб бўлади. Айниқса, адиблар, сўз усталари дона суришганда айтиладиган гаплар кишида беихтиёр завқ-шавк уйғотади.

Эркин Воҳидовнинг ҳаётдаги яқин дўсти, шахматдаги азалий рақиби Раҳматилла Иноғомов ўйин пайтида ўзича “тахдид” қилиб, “Мен Дахшатулломан” деб кўярди.

Адабиёт илмида алоҳида мактаб яратган беназир олим, камтар инсон Бегали Қосимов эса ўйин пайтида рақиби узоқроқ



ўйланиб қолса, беозоргина “Сиз юрмасангиз мен ютолмайман-да” дея лутф қиларди.

Шахматда инсон характери, унинг ички маданияти яққол намоён бўлишига кўп марта гувоҳ бўлганман. Эсимда, бир куни журналист дўстимнинг хонасида шахмат ўйнаётгандик. Омадим чошиб, икки партияни кетма-кет ютдим. Учинчи партиядо ҳам қўлим баланд келаётган эди. Шу маҳал шахматга ишқибоз, ўзи ҳам дурустгина шахматчи бўлган бир ходим хонага кириб, менга ўргата бошлади. Ўзи ютқазиб, алами ошиб турган рақибимга бу гаплар дард устига чипқондек туюлди. “Бўлди, бас қилинг!” деса ҳам ходим тийила қолмади. Ахийри рақибим чидолмай таҳдид қилди: “Агар яна бир марта ўргатсангиз башарангизга тушираман!”. Шунда ҳалиги ходимники ҳам тутиб кетди: “Э мен сенда кўрқармидим! Ташлашсанг ташлашавераман!”. У шундай дея рақибимга хезланиб қолди. Мен ноилож ўртага тушдим: “Ҳай, ҳай, қўйинглар, уят бўлади. Бир жойда ишлайсизлар-а! Бу ахир... шунчаки ўйинку!”

Шу лаҳза ҳалиги ходим тўсатдан шахмат тахтасига чанг солди. “Бу менинг шахматим! Ўйнайдиган бўлсанглар бошқа шахмат топиб олинглар!”

Мен худди қалдирғоч полопонини калхат хужумидан химоя қилгандек бутун гавдам билан шахмат тахтасини тўсиб қолдим. Илтижо билан ёлбордим: “Илтимос, биродар, шуни охиригача ўйнаб олайлик, барака топинг. Кўриб турибсиз – ютиб турибман, агар бузворсангиз...алам қилади!”

Хайриятки, ходим мурувват қилиб, шахматини тортиб олмади. Гарчи ўша ўйинни давом эттириб, ютган бўлсам ҳам, ғалаба менга татимади....

...Республика шахмат клубида журналистлар ўртасида шахмат бўйича мусобақа ўтказилаётганди. Навбатдаги ўйинларнинг бирида рақиб келмагани учун Хуршид Дўстмуҳаммадга ютуқ, рақибига эса мағлубият ёзилади. Хуршидни текин ғалаба билан табрикладик. Шунда ушбу мусобақанинг ташкилотчи ҳомийларидан бўлган адиб чиройли бир лутф қилди:

– Яна ўйинга келмаган рақиблар бўлса, менга рўпара қилиб кўяверинглар!

...Кўпгина журналист-шахматчилар учун яхшигина сабоқ бўлган ана ўша мусобақага қандай совринлар тикиш ҳақида маслаҳатлашаётгандик. Ҳозиржавоб шоир Мирпўлат Мирзо ҳазиллашиб, шундай таклиф киритди:

– “Йиқилган курашга тўймас” деган соврин тиксак яхши бўларди.

– Унда бу совринни бегона қилмас экансиз-да, – дедим унга.

– Йўқ, Мирпўлат акага “Текин очко улашувчи” деган соврин берамиз! – дейди яна кимдир.

...Мирпўлат навбатдаги рақиби билан ўйнаш учун доналарни теришга чоғланаркан, мусобақа ҳаками Маҳмуд Юнусовдан сўради:

– Ким оқ, ким қора!

– Ахир ким оқ, ким қоралиги шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку! – деди Хуршид қорамағиздан келган Мирпўлатга ишора қилиб.

Яна ўзим оламан

Отахон ёзувчи Йўлдош Шамшаров (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) бир гапга тушиб кетса, сира тўхтатиб бўлмас экан. Кунлардан бир кун у кекса шоир Ғайратий билан Дўрмон боғларини айланиб юриб, тўхтовсиз гапираверади, гапираверади... Шу маҳал ногоҳ рўпарадан ёш шоир Эркин Воҳидов чиқиб қолади. Ғайратий нажот топилганидан суюниб, шундай дейди:

– Эркинжон, шу Йўлдош акангизни ўн минутга олиб туринг, қайтиб келиб яна ўзим оламан.

Мулоҳаза

Талабалик йилларимизда мумтоз адабиётнинг зукко билимдони, йирик адабиётшунос олим Ғулом Каримов билан хурматли домламиз, таниқли олим Озод Шарафиддинов ўртасида реализм масаласи юзасидан баҳс-мунозара роса кизиганди. Ғ.Каримов табиатан эҳтиёткор ва сермулоҳаза, О. Шарафиддинов эса дангалчи ва жўшқин. Биз ёшларга Озод аканинг карашлари яқинроқ эди.



Кунлардан бир кун иккала домла троллейбусда ишга кетишаётган экан. Манзилга яқинлашганда Озод ака Гулом Каримовни огоҳлантиради:

– Домла, кейинги бекатда тушишимиз керак.

Гулом Каримов бошини сал энгаштириб, кўзойнаги устидан Озод акага синчковлик билан қараб туриб, шундай дермиш:

– Сиз шундай деб ҳисоблайсизми, Озод Обидович? Менимча, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим!

Думли юлдуз

Гулом Каримов ҳаётда жиддий, оғир-вазмин, доно одам эди. Гоҳо мураккаб туюлган муаммоларнинг ечимини осонгина топарди.

Кунлардан бир кун домла ёзги таътилда бир гуруҳ шогирдлари билан тоғ бағридаги хушманзара жойда дам олаётганди. Бир оқшом улар осмондаги чарақлаб турган ёрқин юлдузларга тикилиб, кўрпачага ярим ёнбошлаганча қандайдир масала юзасидан қизғин гурунглашиб қолишади. Гурунг тобора қизиб, баҳс-мунозарага айланиб кетади. Ногоҳ беозоргина бошланган мунозаранинг жанжалга айланиш хавфи туғилади. Шунда Гулом Каримов ҳамкасбларнинг гапини бўлиб, осмонга ишора қилади.

– Ана! Қаранглар! Думли юлдуз!..

Ҳамма осмонга тикилади. Ҳалиги тортишув ҳам бир зумда унутилади. Аммо осмонга уввало тикилишмасин, ҳеч қандай думли юлдуз кўринмайди. Ҳеч ким “Қани айтган юлдузингиз?” деб сўрашга ботинолмайди, чунки ҳамма домланинг мақсадини тушунганди.

Устоз усталик билан ҳамкасбларини чалғитиб, кўнгилсизликнинг олдини олган эди.

Юртини машҳур қилган шоир

Доғистондек кичкина бир юртини ўзининг шоирлик шуҳрати ила машҳури олам қилган Расул Ҳамзатов бетакрор, беқиёс лутфлари, ҳазил-мутойибалари билан ҳам доврук таратган эди.

– Биз – доғистонликлар меҳмондўст халқмиз! – дейди шоир Москва ресторанидан биридаги катта зиёфатда. – Азиз москваликлар Доғистонга келса – биз меҳмон қиламиз! Мабо-до биз Москвага келсак – яна сизларни меҳмон қиламиз!

Сафарларда кўпинча қизи, хотини Фотимат хоним ҳамроҳлигида юрадиган шоир ўзини “Фотиматика фанлари доктори” деб атайди. Аёли ва қизи иложи борича гоҳо меъёрни унутиб кўядиган шоирга ичирмаслик пайида бўладилар, шишани яшириб қўйиш мумкин бўлган ҳамма жойни назорат қиладилар, шоирни бир қадам ҳам холи қўймай, икки қўлтиғидан қўлтиқлаб оладилар. Аммо шоир шундай назорат остида ҳам йўлини топади. Меҳмонхона зинапоясидан тушаётиб, “Бир дақиқага!” дея шундоққина ёнидаги, ўзи олдиндан яхшилаб “куроллантириб” қўйган этиқдўзга гўё туфлисини тозалатиш учун яқинлашиб, секин қулоғига шипшийди ва ҳамроҳларига тескари ўгирилганча, билинтирмай “отиб” олади. Аёллар эса шоирнинг қаерда, қандай қилиб ичганини биллолмай лолу хайрон қолаверадилар.

Ана ўша машҳур Ҳамзатов Тошкентга ташриф буюрганда шоирларимиздан Мирпўлат Мирзо билан Машраб Бобоев ҳам у билан учрашиш шарафига муяссар бўладилар.

Мирпўлат ўзига хос одоб, тавозе билан ёши улўғроқ ҳамроҳини меҳмонга таништиради.

– Расул оға, бу киши бизнинг катта шоиримиз, таникли драматург ва ёзувчи Машраб Бобоев бўладилар!

– Мен Машраб Бобоевни жуда яхши биламан! – дейди Ҳамзатов кавказликларга хос қув табассум ва ҳозиржавоблик билан. – Факат у мени билмаса керак...

Сурати яхши чиқибди

Ўртамиёна ёш шоирнинг бир туркум шеърлари сурати билан “Юность” (“Ёшлик”) журналида босилибди. Журналнинг шу сонидан Расул Ҳамзатовнинг ҳам шеърлари чоп этилган экан. Машҳур шоирни учратиб колган ўша шоир ховликиб, шундай дейди:

– Расул оға, кўрдингизми, шеърларимиз битта журналда чиқибди!

– Кўрдим, укажон, кўрдим, айникса суратингиз яхши чиқибди!

Кўлингдан келса...

Кунлардан бир кун Расул оға бозорда илк муҳаббатини учратиб қолади. Мева – чева растасида олма сотаётган, ҳалиям ёшлигидаги ҳусн излари йўқолмаган бу аёлнинг ишқида шоир бир замонлар тунларни бедор ўтказиб, севгилисига бағишлаб туркум шеърлар ёзганди. Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашгач, аёл ногоҳ шоирга тегажқлик қилиб, сўз қотади:

– Сени ким шоир қилганини биласанми, Расул ?

– Билмайман, – дейди шоир кулимсираб.

– Сени мен шоир қилганман, мен! Наҳотки буни унутган бўлсанг? Менинг ишқимда куйиб-ёниб, илҳомланиб шеърлар ёзиб шоир бўлгансан.

– Э ҳа, шундайми? – дейди шоир жилмайиб. – Агар шоир қилиш кўлингдан келса, милиционер эрингни шоир қилиб кўрчи?!

Гамзатовни чақиринг

Кунлардан бир кун (шўро замонида) фарғоналик таниқли адиб Йўлдош Сулаймоннинг тил ҳақидаги шеъри матбуотда эълон қилинади-ю, шоирнинг бошига кулфатлар ёғилади. Тилимизнинг нуфузи, қадру қиммати пасайиб кетгани куйиниб айтилган бу шеър “юқори”га ёкмайди. Ғаламислар шеърдан сиёсий хато топишади. Иш жиддийлашиб, масала юқори идорада муҳокама қилинади. Обкомнинг биринчи котиби шоирга жиддий зуғум қила бошлайди. Мусичадай беозор, ким нима деса “Яхши, яхши”, деб тураверадиган шоир талмовсираб қолади. Ахийри ўзини оклаш учун шундай дейди:

– Бу шеъримни яхши ният билан ёзганман. Бунақа шеърларни мenden бошқа катта шоирлар ҳам ёзишган. Масалан, машҳур шоир Расул Гамзатовнинг ҳам тил ҳақида шундай шеъри бор.

– Ҳали шунақами? – дейди котиб баттар сиқувга олиб. – Ундай бўлса тезда Гамзатовни чақиринглар!

Бу гапни эшитган Йўлдош ака ҳайратдан лол қолади. “Гамзатов Доғистонда яшайди-ку!” деёлмайди...

Пули йўқ экан

Шоир Шукрулло “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятига тез-тез келиб турар, гоҳо ходимлар – Шукур Холмирзаев, Зоҳир Аълам, Турсун Иброҳимов, Тохир Қаҳҳорлар билан улфатчилик ҳам қилар эди. Табиатан сахий, танти шоирни яхшироқ эритишнинг синалган усули – ширин сўз, мақтов...

Кунлардан бир кун ходимлар ишлаб ўтирган хонага Шукрулло ака кириб келади. Салом-алиқдан сўнг четроққа ўтиради. Кўринишдан шашти пастроқ, негадир тўши очик, соч-соқоллари ўсиб кетган, хаёли паришон эди. Ходимлар ўзаро зимдан кўз уриштириб олишгач, эритиш бобида анча мутахассислашиб қолган Шукур ака секин, аллалаб гап бошлайди:

– Шукурullo ака! Бугун кўринишингиз жуда бошқача, юзингиздан, бутун сиймонгиздан ажойиб бир нур ёғилиб турибди.

Шукрулло ака безовталанар, тиканак соқолини, икки лунжини ахён-ахён асабий силаб қўяр, нимадир демоқчи бўлар, аммо дарди ичида эди. Шукур ака эса темирни қизиғида босмоқчи бўлиб, яна мақтовга зўр беради:

– Ҳатто ўсик соч-соқолингиз ҳам ўзингизга ярашиб турибди. Туф-туф, кўз тегмасин.

Тажанг – дилтанг ўтирган Шукрулло ака ахийри тутоқиб кетади. Тошкент лаҳжасида иддао қилади:

– Ман санга боятдан буён ҳозир пулим йўқ девомман-ку, аблах!

Узумни ширин қилган

Машҳур болалар шоири Қуддус Муҳаммадий бир учрашувда жўшиб-тошиб шеър ўқиётган эди. Ногоҳ узум ҳақидаги шеърнинг охирги мисрасини эслолмай, “узум, узум”, дея тутилиб қолади. Қанчалик уринмасин, ҳадеганда шеърнинг давоми ёдига тушавермайди. Шунда шоир бир зум ўйга толади-ю шеърнинг давомини ҳазилга айлантириб, ўзича тўқиб ташлайди: “Узумни ширин қилган партияга минг раҳмат!..”

Юбилляр серган бўлса

Ёзувчилар уюшмасида Қуддус Муҳаммадийнинг етмиш йиллик тўйи нишонланаётган эди. Тантана ниҳоясида таомилга кўра юбиллярга сўз берилади. Одатда, бундай пайтда мухта-сар қилиб айтилган икки оғиз дил сўзи кифоя эди. Аммо шоир негадир гапни чўзиб юборади. Тантананинг “бадий қисми”га интиқ бўлиб ўтиришган мухлислар бетоқат бўлишади, залда ғала-ғовур кучаяди. Аммо боладай беғубор шоир елкаси-га чопон ташлаб, белига қийиқ боғлашаётганда ҳам гапдан тўхтамайди. Шунда кечага раислик қилаётган шоир Уйғун лукма ташлайди:

– Э, бунинг белини эмас, оғзини боғланглар, оғзини!

Шоир экан-ку

“Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида узоқ йиллар бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган ажойиб инсон Холбек Ёдгоров (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) шоирларни унчалик хушламас экан. Чунки табиатан эркарроқ, танतिकроқ бўлган шоирларда гоҳо масъулият етишмаслигини яхши биларкан.

Газета ходими Маҳкам Маҳмудов қаламкаш дўсти Ортик Абдуллаевни яхшилаб таърифлаб, илтимос билан зўрға ишга олдиради. Орадан кўп ўтмай, бир оқшом Холбек ака уйида телевизор кўриб ўтирса, шоирлар даврасида кечагина ўзи ишга олган ўша янги ходим ҳам шеър ўқиб қолади. Холбек аканинг энсаси қотади.

Эртаси куни у Маҳкам акани ҳузурига чақириб, иддао қилади:

– Маҳкамжон, мен сизни дурустроқ бир одамни тавсия қилган бўлсангиз керак деб ўйлагандим, ахир у шоир экан-ку!

“Кетдик бизниқига”

Кунлардан бир кун шоир Жуманиёз Жабборов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) уйида зиёфат беради. Қиттак-қиттак олишгач, ўзи ҳаммадан олдин сархуш бўлиб, ёнига ёнбошлаган кўйи кўзи илинади. Бир маҳал кайфи тарқаб, мундоқ кўзини очиб

караса, ҳамма ўзи билан ўзи овора, бировнинг гапига биров кулок солмас эмиш. Энсаси қотиб, секин ёнидаги меҳмонни туртади:

– Бу ер ҳам бўлмади, кетдик бизникига!

Шоирчилик

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) ниҳоятда одамохун, дилкаш, серулфат одам эди. Шоирни байрам тадбирларига, турли танловларга, маҳалла ёки ўқув юртларидаги учрашувларга тинимсиз таклиф этишарди. Шоир Жуманиёз Жабборов унга бағишланган тўйхат шеърида шундай ҳазил қилганди:

*Ҳам гўзаллар ҳуснига шайдо бўлар,
Қайга борса бир яхшилик пайдо бўлар.
Гарчи Назрий, аслида Нарзийдир ул,
Ҳар нечук ҳурматга арзийдир ул...*

Нормурод аканинг ўзига хос иборалари, теша тегмаган гаплари оғиздан оғизга ўтиб юради: “Халқим, сен билан қалбим”, “Туноҳи не эрди бу тилла бошнинг?”, “Кадрлар жой-жойига кўйилган”, “Шоирчилик”...

Нормурод аканинг чин ихлос кўйган мухлиси, адабиётшунос олим Маҳмуд Сатторов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) бу ибораларни махсус тўплаб, чоп эттирган.

Нормурод ака ҳамиша халқ орасида, дўстлар даврасида бўлганида бошидан кўп қизиқ воқеаларни кечирган. Бир куни у яқин укашонларини ёнига олиб, шоир Эркин Неъматни туғилган куни билан табриклаш учун йўлга чиқади. Қўлларда чиройли гулдаста. Шаҳарнинг янги турар-жой даҳаларидан бирига келишади. Нормурод ака тўрт қаватли уйнинг олди-га келишганда бир лаҳза тўхтаб, “Мана, топдик, янглишмасам учинчи подъезд, биринчи қават” дейди-да, гулни қўлига олиб, йўл бошлайди. Йўлакдан ичкарига киришиб, чап томондаги эшик кўнғироғини босишади. Сочини қуритаётган хушрўйгина аёл эшикни очиб, салом беради:

– Ассалому алайкум, келинглар”

– Ва алайкум ассалом, яхшимисиз, келин? Шоир керакми ўзи сизларга? – дея Нормурод ака гулдастани алланечук хайрон

бўлиб турган аёлнинг кўлига тутказаркан, ҳамроҳларига ўгирилади. – Кираверинглар, шоирнинг уйига шунақа бостириб кирилади.

– Киринглар, киринглар, – дейди аёл ҳам юзидаги ним кулги-ю ажабланишни сездирмасликка тиришиб.

Меҳмонлар даҳлизда туфлиларини ечаётганда Нормурод ака ногоҳ сўраб қолади:

– Шоир кўринмаяпти, қаерда ўзи?

– Эркин акани сўраяпсиз шекилли? Улар кейинги подъездда туришади, – дейди жувон кулимсираб.

Нормурод ака топқирлик билан гапнинг нишабини тўғрилаб юборади:

– Ие, адашдикми? Йўқ, адашмадик, сиздек ажойиб синглизга гул совға қилмасдан ўтиб кетолмадик-да. Майли, уйингиз ҳамиша гулга тўлсин. Ҳозир мен сизга бир шеър ўқиб бераман. Кейин, шоирни бирга табриклаймиз...

Балиқ фалсафаси

Хусниддин Шарипов (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) ўтган асрнинг 60–70-йилларида жуда машҳур шоир бўлган. Талабалик йилларимизда Омон Чўтматов деган курсдошимиз унинг “Қуёшга ошиқман” деган поэмасини ёд олиб, давраларда айтиб юарди. Кейинчалик, ижодкорнинг салмоқли “Сотволдидан салом” деган достони ҳам тилга тушади. Ҳар гал шоирнинг шеърияти ҳақида гап кетганда унинг қуйидаги “Балиқ фалсафаси” деган тўрт қаторгина, аммо юки залворли, ҳаётий шоҳ сатрлари завқ билан эсланади:

Думингни ликиллатасан,

Олга кетасан.

Думингни ликиллатасан,

Олга кетасан.

Айлансанг ҳам пивоҳона, ўргилсанг ҳам пивоҳона

Хусниддин ака шинаванда одам эди. У фақат шоирлиги билангина эмас, шахматга ишқибозлиги ва пивоҳўрлиги билан ҳам танилган. Кунлардан бир кун у кўчада кетаётган экан, рўпарасидан чиққан йўловчи “дорихона қаерда?” деб сўраб қолади.

– Мана шу кўчадан озгина юриб, биринчи муъолишга етганда чапга бурилиб, яна кетаверасиз, – дея тушунтира бошлайди шоир. – Дарвоқе, у кўчада эски пиво заводи бўларди, пивоси жуда зўр эди, э ҳозирги пиволар пивомиди?!

– Дорихона...

– Дорихонами? Катта чойхонадан ўннга бурилгач, театрнинг эски биноси ёнидан ўтасиз. Илгари буфетида чехларнинг пивоси сотиларди. Биз томошага эмас, атай пиво ичгани борардик. Театр планини биз пивохўрлар ҳисобига бажарарди. Пиво келмай кўйгач, театр ҳам мана ўтириб қолди.

– Узр, мен дорихонани...

– Э-э, бердисини айтгунча шошмай турингда, укагинам. Шошган одам... пивога, тойис, дорига ёлчимайди. Демак, чорраҳадан ўннга бурилиб, яна кетяпсиз, шундайми? Йўлакай мўъжазгина шиша бинога дуч келасиз. Бу – янги қурилган пивохона. Кириб ўтирманг, сувни кўп қўшворишади шоввозлар. Шунинг учун пивоси бемаза шоирларнинг шеърига ўхшайди. Хуллас, ҳалиги йўлдан роппа-роса яна бир ярим чақиримча юрсангиз, ҳунар-техника билим юртининг ётоқхонаси кўринади. Ётоқхонанинг шундоқ орқаси – пивохона! Абдужалил деган сотувчи йигит бор. Мўйлов! Мени айтди десангиз, сув қўшилмаганидан топиб беради.

– Кечирасиз, менга пивохона эмас, дорихона керак эди.

– Э шундайми? Афсус, дорихонани билмас эканман, афсус... – дея шоир бошини қашлайди ва ногоҳ муҳим бир нарса эсига тушгандек жонланиб, қўшимча қилади. – Дарвоқе, пивохонадаги любой пивохўрдан сўрасангиз айтиб беришади дорихона каердалигини.

Бошқа хотин

Кунлардан бир кун институтда узок йиллар муаллимлик қилган олим ва шоир Исмоил Тўлакка (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) ҳамкасб ёш домла илтимос билан мурожаат қилади:

– Исмоил ака, келинингиз ўзимизда сиртдан ўқийди, эртага сизга имтиҳон топшириши керак экан, ўзи оғироек, туғруқхонада ётибди, шунга... илтимос энди...

Ёш домла ўзича ийманган бўлиб, сумкасидан хотинининг синов дафтарчасини олади.



– Ҳай майли, бунақа экан, нима ҳам дердик, – шоир дафтарчага баҳо кўйиб беради.

Орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас ўша домла яна илтимосини такрорлайди. Бу гал ҳам хотини туғруқхонага кетган бўлади. Исмоил ҳамкасблик ҳурмати – яна йўқ деёлмайди.

Қизиғи шундаки, ёш домланинг имтиҳон саргузашти шу билан ҳам тугамайди. Икки ойдан кейин у синов дафтарчасини кўтариб, яна Исмоил ишлайдиган кафедрага келади.

– Домла, илтимос, келинингиз туғруқхонада...

– Менга қара, ҳей бола! – табиатан тажангроқ бўлган шоир бирдан туюқиб кетади. – Хотин киши бир йилда неча марта туғади ўзи?

– Биладан, домла, биладан, аммо буниси бошқа хотинимда!.. – дермиш ёш домла кўзларини мўлтиратиб.

Дахли йўқ

Исмоил Тўлакнинг дангалчилиги ва ҳақиқатпарастлигини дўстлари, ҳамкасблари яхши билишарди. Бир даврадаги баҳсда “чала олим, чала шоир”лиги билан ҳамманинг ғашига тегиб юрувчи, “ўпкаси йўқ” катта амалдор Исмоилга иддао қилиб, шундай дейди:

– Сиз шоир бўлсангиз, мен ҳам шоирман. Хўш, нима демоқчисиз?

Ҳамма ялт этиб Исмоилга қарайди. Жаҳли бурнининг учидан турадиган шоир сўкмайди, кўполлик ҳам қилмайди, бир оғиз “лутф” билан ҳовликма, енгилтак рақибини мулзам қилади:

– Кечиргайсиз, сиз мансуб бўлган адабиётга менинг дахлим йўқ!

“Дима яхши юрибдими?”

Адабиёт ва маънавиятнинг мухлиси, ҳомийси, кўпгина адибларнинг китобларини ўз ҳисобидан чоп эттирган маърифатпарвар инсон Абдухалилхожи Чақалов янги хорижий мошина сотиб олади. Мошинани ўз номига расмийлаштириб улгурмай, пойтахтга зарур юмуш билан келади. Дўстимиз билан Тошкентнинг гавжум кўчаларида юрак ҳовучлаб юрибмиз. ДАН ходими йўликмаганига шукур қилиб турган эдик, ахийри

бўлмади. Дархонда қизил таёқнинг ишораси билан тўхташга мажбур бўлдик. Рулда ҳожининг ўзи, ёнида ўғли Дилмурод ўтирар, у дўппи тор келганда мошина эгасининг “роли”ни ўйнаши лозим эди.

Ёшгина назоратчи йигит расмиятчиликни ўрнига қўйиб, “честь” бергач, ҳужжатларни сўради. Ҳожи қандайдир қоғозлар билан бирга паспортини ҳам узатди. Ҳужжатларни бир-бирига синчковлик билан таққослаб кўраётган мелиса бирдан жиддий тортиб, сўраб қолди:

– Мошина кимники ўзи?

– Турғунбойники-да! – деди ҳожи ҳужжатга ишора қилиб.

– Қани Турғунбойнинг ўзи?

– Ана, ўтирибди, – деди ҳожи мошина томон юриб ва олдинги эшикни очаркан, ўғлига буюрди:

– Дилмурод, чиқ бу ёққа!

“Ана, холос! Роса қовун туширди-ку! Ҳеч бўлмаса ўғлининг отини айтмай турмайдими?” деб ўйладим ичимдан зил кетиб.

– Ие, бу қанақаси? Мошина Турғунбойники деяпсиз-у, уни Дилмурод деб чақиряпсиз? – мелиса ажабланиб, исқанжага ола бошлади.

Қани энди, беихтиёр қовун туширган ҳожи нима чора топаркин дея оғзига тикилдим. Шунда ҳожиси тушмагур олдингисидан ҳам баттар қовун туширди:

– Ҳа энди, биз уни баъзан эркалатиб Дима ҳам деймиз!

Кулиб юбормаслик учун зўрға ўзимни тийиб қолдим. Назоратчининг ўзи ҳам ёлғонни эпполмайдиган ҳожининг соддалигидан кулимсираб қўйди. Кейин, бирдан кошларини чимириб, сергак тортди. Бизни анча-мунча ялинтиргач, ҳарқалай танбех бериб, қўйиб юборди. Ўша воқеадан кейин ҳар гал ҳожини кўрганимда “Қалай, Дима яхши юрибдими?” деб қўяман.

Сиздан нима кетди?

Сурхондарёлик бир шоир насрга ўтиб, каттакон роман ёзади. Аммо янги асарини бирон жойга маъкул қилолмай, боёқиш анча сарсон бўлади. Ахийри роман нашриётда муҳокама қилинади. Муаллиф шоир сифатида умрида эшитмаган мак-



товларни шу ерда эшитади. Чунки сўзга чикувчиларнинг аксарияти худди келишиб олгандек, гапни шундай бошларди:

– Фалончи акамиз дурустгина шоир эди, аммо бу романи...

Шу тарзда романнинг пўстаги қоқилаверади. Фақат таржимон Низом Комилов теша тегмаган гап қилади:

– Ўзингизни ҳам, бизни ҳам қийнамай, романни биратўла яхшироқ ёзиб кўя қолсангиз бўлмасмиди? Сиздан нима кетди?

Халоскор дўстлар

Ёзувчилар уюшмасида “Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида” китобининг тақдимот маросими ўтказилаётганди. Раҳматли ёзувчининг қадрдон дўсти бўлган таниқли таржимон Низом Комилов сўзга чиқиб, теша тегмаган, бағоят ибратли гапи билан ҳаммани ҳайратлантиради.

– Мен ҳам бир замонлар шеър ёзардим, – дейди Низом ака. – Адабиётга Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповга ўхшаган шоирлар кириб келгач, шеър ёзмай кўйдим. Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовлар ёзувчи сифатида кўзга кўрина бошлагач, насрга қўл уришдан ҳам ўзимни тийдим. Тинчроқ, ўзимга – кучимга мосроқ таржимани танладим, шунинг орқасидан нонимни топяпман. Тўғри қилган эканман. Мени ёмон шоир, ёмон ёзувчи бўлишдан асраб қолган, адабиётда битта ёмон ижодкорнинг кўпайишига йўл қўймаган ижодкор дўстларимдан миннатдорман.

Йиғилганлар самимий эътирофни қарсақ чалиб маъқуллайдилар.

Мафкурачи қовун туширди

Собиқ шўро замонида жумҳурият мафкурасига раҳбарлик қилган “машҳур опалар”дан бири хизмат вазифасига кўра қатағон йиллари қурбони, буюк шоир Усмон Носирнинг етмиш йиллигига бағишланган анжуманда қатнашади. Мухлислару меҳмонлар жойларини эгаллагач, опа ёнидаги маҳаллий раҳбарлардан бирига юзланиб, сўрайди:

– Юбилярнинг ўзи қаерда?

Раҳбар қутилмаган саволдан талмовсираб қолади. Опани ҳазиллашаётгандир деб ўйлайди. Ботиниб-ботинмай юзига

разм солади. Аммо опа ҳазиллашаётганга ўхшамас, жиддий ал-позда саволига жавоб кутар эди.

– Биз катта идорадан, қимматли вақтимизни сарфлаб келсаг-у нега энди юбилярнинг ўзлари кўринмайди? Қани хурмат, қани иззат? Бу қандай масъулиятсизлик? Шоирлар мана шунақада, кўйиб берсанг, ўзларини юбилейига ҳам кел-майди! – опа тобора зуғумни кучайтиради.

Жазава сабабини эшитиб ўтирган меҳмонлардан бири опанинг қулоғига энгашиб, нималарнидир шивирлайди. Шундаги-на қовун туширган мафкурачининг овози ўчади.

Ўзимга айтмайсизми?

Уруш йиллари Ёзувчилар уюшмаси биносида шеърят кечаси бўлаётган экан. Ёш, иқтидорли шоирлардан ҳисобланмиш Ҳасан Пўлат иштиёқ билан шеър ўқийди: “Бизга кўмир керак, кўмир!..”

Замона талаби, ҳукмрон мафкура тазйиқи адабиётни, шеърятни шундай ночор аҳволга солиб қўйганди.

Шу маҳал қаердандир уюшма қоровули келиб қолади-ю кўлини пахса қилиб, минбардаги шоирнинг сўзини бўлади:

– Кўмир шунчалик зарил экан, бир оғиз ўзимга айтмайсизми, топтириб берардим.

Ўхшашлик

Шоир Туроб Тўла бир-бирига сал-пал ўхшаброк кетадиган одамларни кўрса, фарқлай олмас экан. У жумҳурият радиосида ишлаб юрганида бир куни таникли хонанда Ориф Алимахсумовни кўриб қолиб, шундай дейди:

– Нега шу маҳалгача аппаратларни тузаттирмадингиз?

– Ие, Туроб ака, бу мен... Ориф Алимахсумовман.

– Э, дарвоқе... Мен сизни радио уйининг директори Ғафур Раҳимов деб ўйлабман.

... Яна бир куни Туроб ака машҳур хонанда Таваккал Қодировни учратиб, гап қотади:

– Сиз Таваккал Қодировга жуда ҳам ўхшар экансиз.

Ҳангу манг бўлиб қолган хонанда ноилож ўзини танитади:

– Туроб ака, мен ўша – сиз айтган Таваккал Қодировнинг ўзиман!

Туроб ака негадир бўш келгиси келмайди:

– Йўқ, сиз ёзувчи Рустам Раҳмонга кўпроқ ўхшайсиз!

Бойсунда ўсмирлар борми?

Раҳматли шоир Шамси Одил болаларча содда, беғубор инсон бўлган.

Дорилфунунни яқинда битириб келган ёш қаламкаш Мирпўлат Мирзо у кишининг бўлимида кичик муҳаррир эди. Хузурига ўртоқлари йўқлаб келганда энг аввало Шамси акани иззат-хурмат ила таништирарди. Бир куни ёзувчи Эркин Аъзам келиб қолади.

– Бу киши машҳур шоир, болалар ва ўсмирлар таҳририяти бўлими мудири Шамси Одил бўладилар, – дейди Мирпўлат тавозе билан энгашиб. – Бу йигит эса ёш ёзувчи Эркин Аъзам, асли ўзи Бойсундан, сизнинг мухлисингиз.

Мақтовлардан ийиб-яйраб кетган Шамси аканинг юзларига табассум қалқади. Меҳмонга мамнун жилмайиб боқаркан, ўзича бир илтифот кўрсатгиси келади:

– Шундайми? Жуда яхши, жуда соз. Ундай бўлса, бизнинг болалар ва ўсмирлар бўлимимизга ҳам ёзиб турунг, Эркинжон. Дарвоқе, Бойсунда ўсмирлар борми?

Жаҳон тинч бўлса...

Таниқли шоир Яхё Тоға ҳар гал дуои фотиҳа қилганда нуқул бир хил – “Жаҳон тинч бўлсин!” деган иборани тилга оларкан. Дўстлари ахийри бир куни бунинг боисини сўрашади.

– Ҳа энди... Жаҳон тинч бўлса – биз тинч-да! – дейди шоир мийиғида кулимсираб.

Нимкосани пайқаган ўртоқлари бу ерда бошқа сир бўлса керак, дея яна шоирни қистовга олишади.

– Уфф... қўймадинглар-қўймадинглар-да! Майли, айтсам айта қолай – хотинимнинг исми – Жаҳон! Бўлдимми – ку-тулдимми?!

Мумкин экан-ку

Яхё Тоға эрталаб ишга кетаётиб хотинига тайинлайди:

– Оқшом меҳмон келади, тайёргарлигингизни кўриб кўйинг, пошшойим!

– Хўп бўлади, дадаси.

Шоир кечкурун уйига келиб қарайдики ҳаммаёқ озода, супуриб-сидирилган, саранжом-саришта. Хурсанд бўлиб, кўнгли равшан тортади.

– Адаси, меҳмонингиз қани? – деб сўрайди хотини.

– Ўзимиз қайси меҳмондан каммиз, пошшойим?

– Ахир эрталаб...

– Уйимизни бир озода-файзли ҳолда кўргим келувди-да. Мана, мумкин экан-ку!

“Колхоз раиси”

Эмин-эркин ижод қилиб юришни ҳар қандай амал, шон-шухратдан афзал биладиган ёзувчи Дадахон Нурий камтаркамсукум, айни чоғда ҳазилкаш одам. Кунлардан бир кун янги ташкил қилинган “Жаҳон адабиёти” журналига бош муҳаррир этиб тайинланган устоз Озод Шарафиддинов Дадахон акани таҳририятда ишлашга таклиф этади.

– Раҳмат, Озод ака, менга шу... ўзимнинг ишим ҳам етади, – дейди Дадахон ака ийманибгина.

– Нима иш қиялпсиз ўзи? – устоз қизиксиниб сўрайди.

– Колхозда... раисман!

– Йўғ-э? Қаерда? Қанақа колхозда?

– Шу... ўзимизнинг Бўстонлик томонларда...

Дадахон аканинг табиат муҳофазаси, айниқса, Бўстонлик мавзусида долзарб мақолалар ёзиб юришини яхши билган устоз бу гапга чиппа-чин ишонади. Журнал ходими, шогирди Ортикбой Абдуллаевга бир куни шундай гап қотади:

– Дадахон ўртоғингизнинг иши жа-а йирик экан-ку, Ортикбой. Бир юмаланиб колхозга раис бўлиб олибди-я, баракалло! Мана буни ишбилармонлик деса бўлади!

Шамолнинг қаёқдан эганини пайкаган Ортикбой ака ҳам пайровни давом эттиради:



– Мен ҳам ўша колхозда Дадахонга ўринбосарман, Озод ака!

– Йўғ-э? Қанақасига?

Нихоят, “сир” очилади. Ёзувчиларнинг Чорвоқдаги дала ҳовли ширкатига Дадахон Нурийнинг раис, Ортиқбой аканинг ўринбосар, қолган адибларнинг эса “батрақлар” эканини эшитган устоз бу беозор ҳазилдан завқланиб кулади.

Калон одам

Дадахон ака бир куни дала ҳовлига кетаётиб Ғазалкентдаги бозорга киради. Харажатларни битириб, мошинасига ўтираркан, орқа томонда кўндаланг туриб қолган мошинага кўзи тушади. Шу маҳал олдига бир лўли аёл келиб садақа сўрайди. Дадахон ака аёлга пул бериб, тайинлайди:

– Орқадаги мошина ҳайдовчисига бориб айт, йўлни бўшатиб кўйсин!

– Вой, ман қандоқ айтай, у калон одам-ку!

Дадахон ака орқага дурустроқ разм солиб, давлат автомобиль назоратида ишлайдиган эски танишига кўзи тушади. Шошиб тургани учун мошинадан тушмай илтимос қилади:

– Ҳой Тохир! Мошинангни четроққа олиб тургин, чиқиб олай!

– Хўп ака, хўп!

Шунда ҳалиги лўли аёл шиддат билан келиб Дадахон акага иддао қилади:

– Вой, ўзинг ундан ҳам калон одам экансан-ку! Уялмай 50 сўм бериб ўтирибсан. Яна юз сўм бер!

Дадахон ака кула-кула лўлини рози қилиб, йўлга тушади.

Дада Хан соҳиб

Маълумоти бўйича шарқшунос бўлган Дадахон ака шарқ халқларининг тили-ю урф-одатларини яхши билар, Ҳиндистон ва Покистоннинг ҳар бир гўшасини эринмай кезиб чиққан, бу ерларда ёру биродарлари, қадрдон дўстлари жуда кўп эди. Бу мамлакатларга ижодий сафарлари давомида “гадойтопмас” манзилгоҳларгача борган, исломободлик қаламкаш дўстларига ўша жойларнинг номини айтса, улар бошларини сарак-сарак қилиб, “энди эшитишимиз” дер экан.



Айтишларича, Покистонда чиқадиган газета таҳририятидан муштарийлар “Шу кеча-кундузда Гужранвалада анча нотинчлик эмиш, шундай хабарлар тўғрими?” деб сўрашибди. Газета бош муҳаррири бу саволга шундай жавоб берган экан:

– Ҳозир Дада Хан соҳиб ўз юрти – Ўзбекистонда. Жанобнинг яқин кунларда юртимизга келиб қолиши кутилмоқда. У кишидан аниқ маълумот олгач, саволингизга жавоб айтамыз.

“Жўхуд” Майсара

Ушбу ҳангомани таниқли болалар шоири Гурсунбой Адашбоев ҳикоя қилган. Қирғизистонлик машҳур режиссёр Болот Шамшиевнинг отаси Тўлан Шамшиев шоир экан. Тўлан оға Ҳамзанинг “Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши” драмасыни қирғиз тилига таржима қилади. Томошабинлар спектакль хақидаги шундай реклама-эълонни ўқиб, ҳайрон бўлишади:

“Бурунги қозилар жўхуд Майсаранинг иши”.

Маълум бўлишича, “ёхуд” сўзини яхши тушунмаган таржимон уни “жўхуд” бўлса керак деб ўйлаган ва ўз тахминича ағдариб қўя қолган экан.

Ҳаваскорнинг иштаҳаси

Журналист Жаббор Раззоқов ёшлар газетасида бош муҳаррир бўлган кезлар вилоятдан бир кекса ҳаваскор хомхатала шеърларини юборавериб, таҳририят ходимларини безор қилади. Асари чиқавермагач, юқорига шикоят ҳам ёзади. Ахийри муҳаррир адабиёт бўлими мудирини ҳузурига чорлайди:

– Яхшилаб таҳрир қилиб, иложи бўлса қайта ёзиб, битта шеърини чиқармасак кутулмаймиз, шекилли.

Хуллас, ҳаваскорнинг кичкина шеъри обдан силликлангач, газетада бир амаллаб чоп этилади. Орадан ҳафта ўтар-ўтмас, ҳаваскордан каттагина хатжилд келади. Унда шундай сўзлар битилганди: “Шеър учун катта раҳмат. Эътиборингиздан илҳомланиб, сизларга янги дostonимни юборяпман. Қолган асарларимни дostonим эълон қилингандан кейин жўнатаман. Салом билан ...”

Ҳаётнинг бир парчаси

Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет) журналистика факультетида Расул Муҳаммадий деган бир машҳур домла бўларди. У аския бўйича илмий ишлар қилган, китоблар ёзган. Қулоғи оғирроқ домла ўз маърузаларида “Корреспонденция – ҳаётнинг бир парчаси” деган гапни кўп такрорлар, айни шу ибора унга лақаб бўлиб қолган эди. Бир куни домла маъруза маҳали гуруннга берилиб кетган Отаёрни (рахматли кейинчалик таниқли шоир ва журналист бўлиб етишади) турғазиб, сўроқлайди:

– Туринг ўрнингиздан! Фамилиянгиз нима?

– Наҳанов, – дейди Отаёр бўшашибгина ўрнидан кўзгаларкан.

– Ҳасанов? – домла эшитмай, қайта сўроқлайди.

– Наҳанов!

– Ҳусанов?

– Наҳанов!

– Ўтиринг, Маҳанов, иккинчи тўполон қилманг!

Талабалар баралла кулиб юборишади.

Эшитгиси келмади

Фарғоналик шоир Ғулом Фатҳиддин кўли очиқ, танти йигит. Ёшлигида тез-тез Тошкентга келиб турарди. Кунлардан бир кун у пойтахтга келиб, эски ҳамкасблари, ёру биродарларини йўқлайди. Улфатчилик, базму жамшид дўстларнинг уйида ҳам давом этади. Қоқ ярим тунда шоир бирдан сергак тортиб, мундоқ ўйлаб кўрса, чўнтак куп-курук, бор пулини сарфлаб қўйибди. Боши қотиб, ёнида бемалол чўзилиб ухлаб ётган дўсти, шоир Жамол Сирожиддинни (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) туртади:

– Жамол, ҳой Жамол!

– Ҳимм, нима дейсан?

– Оғайни, чўнтакда йўлкирага пул қолмабди-ку! Энди Фарғонага қандай қилиб кетаман? А? Жамол? Нега индамайсан? Уйғокмисан?

– Йўқ, мен ухляпман!

Ўжар кўй

Ёзувчиларнинг Юнусободдаги янги уйида кўшнилар билан эрталаб маҳалладаги ошга кетаётган эдик. Йўлда ғалати бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бир одамнинг беш-олтита кўйи йўлакда дуч келган тўсиқдан сакраб ўтиб кетди-ю фақат битта кўй гошлик қилиб, ўтмай тураверади. Бечора эгаси уни орқасидан итариб, сакрашга ундаб кўради, бўйнидан пастга босиб, тўсиқнинг остидан ўтказмоқчи бўлади – ҳаракатлари зое кетаверади. Кўй жонивор на унисига, на бунисига кўнмай, ўжарлик билан оёғини тираб тураверади.

Ушбу манзарани ҳамма катори кузатиб турган олим ва журналист Раҳмон Қўчқор кулимсираб, ғаройиб муқоёса қилади:

– Чамаси, у Адиблар Иттифоқининг (ўтган асрнинг 80-йиллари Ёзувчилар уюшмасидан ажралиб чиқишга уринган, ўзларига “Адиблар Иттифоқи” деган ном бериб, ўта “фаоллик” кўрсатган айрим ижодкорлар назарда тутилмоқда – Ш.О.) аъзоси бўлса керак!

“Юрадиган шоир”

Сухандон Қурбонали Искандарий радиога янги ишга келганда ҳамкасби, тажрибали режиссёр Раҳмат Жумаев (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) ушбу катта даргоҳда ишлайдиган турфа хил ходимлар ҳақида ўзича маълумот бераркан, кутилмаганда шоир Тўлқин Илҳомов ҳақида гапириб қолади.

– Тўлқин ака яхши ижодкор, беозор инсон. Фақат битта айби бор-да.

– Хўш, қанақа айби бор экан? – Қурбонали қизиқсинади. – Беайб Парвардигор, хом сут эмган бандасида бирон камчилик бўлади-да.

– Э-э, Тўлқин аканинг айбини кечириб бўлмайди-да.

– Хўш-хўш?

– Оиласи, бола-чакаси бўла туриб машинкачи Ҳақима опа билан юради.

– Йўғ-э?

– Ишонмасангиз кузатинг, ўз кўзингиз билан кўрасиз. Шоирларнинг ҳаммаси шунақа – ё ичади, ё “юради”.

Курбонали бир неча марта Тўлқин аканинг Ҳакима опа билан қаймоқлашиб, ниманидир қизгин муҳокама қилиб турганини кўради, ҳатто ишдан кейин бирга қўлтиқлашиб кетаётганига ҳам кўзи тушади.

Курбонали бу номаъқулчиликка чидолмай, ёнидаги ҳамкасбига ёрилади:

– Мен Тўлқин акани яхши одам деб ўйлагандим, янглишибман. Буни қаранг, Раҳмат ака тўғри айтган экан, Ҳакима опа билан ростдан ҳам юраркан, ўз кўзим билан кўрдим.

– Э нималар деяпсиз?– дейди ҳамкасби кулиб. – Ҳакима опа Тўлқин аканинг хотини-ку!

– Йўғ-э?..

Чемпионни доғда қолдирди

Машхур мусиқашунос аллома, академик Юнус Ражабийнинг ўғли, моҳир шифокор, шахмат бўйича спорт усталигига номзод ва республика тоифасидаги ҳакам Маҳмуд Юнусов анча-мунча рақибни писанд қилмайдиган уста шахматчи. Маҳмуд ака ёзучилар ўртасида ўтказиладиган анъанавий шахмат мусобақасида муттасил ҳакамлик қилиб келади.

Кунлардан бир кун шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Тошкентга ташриф буюради. Ҳурматли меҳмон шарафига мезбонлар – қадимий ўйин ишқибозлари “бир пиёла чой” ташкил қилишади. Зиёфатдан сўнг ишқибозлар шахсан чемпионнинг ўзи билан дона суриш шарафига муяссар бўладилар. Ҳаммани аёвсиз имтихондан ўтказаетган чемпион кутилмаганда Маҳмуд акага ютқазиб кўяди. Ҳайратланган ишқибозлар қандайдир катта мўъжиза юз бергандек, иккала рақибни ўраб олишади, кўпчилик Маҳмуд аканинг кўлини қисиб, муҳим, оламшумул ғалаба билан табриклашади.

Шахматда умуман ютқазиб ўрганмаган жаҳон чемпиони мулзам тортиб, шоша-пиша доналарни қайта тераркан, рақибига яна бир қўл ўйнашни таклиф этади. Маҳмуд ака чўнг рақибини иккинчи марта, сўз билан мот қилади:

– Мен ютқазган одам билан ўйнамайман!..

Махсус топшириқ

Мустақилликдан илгари “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетаси ходимлари – Сафар Остонов билан Маҳмуд Эралиев шахматда бир-бирларига ашаддий рақиб бўлишган. Бир куни улар ким ютқазса ходимларга “тушлик” олиб бериш шарти билан “жанг” бошлайдилар. Мол аччиғи – жон аччиғи, ўйин аёвсиз давом этар, келишувга биноан четдан томоша қилиб турганларнинг ўргатиши, ҳатто огоҳлантириши ҳам мумкин эмас эди! Хонага аҳён-аҳён кириб-чиқиб турадиганларни ва телефоннинг бемаврид жиринглаб қолишини ҳисобга олмаганда, рақибларга ҳеч ким халақит бермасди. Телефон гўшагини хамиша Сафар кўтарар, Маҳмуднинг бетоқатлигига парво қилмай, бамайлихотир гаплашар, “Албатта бажарамиз, хавотирланманг, худди сиз айтгандек бўлади!” дея суҳбатни яқунлар, сўнг “Узр, ЦК комсомолдан махсус топшириқ бўлиб қолди”, деб кўяр ва қўлларини бир-бирига ишқаб, ногоҳ дадил-дадил юришлар қилар эди.

Ташаббус гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб туради. Аксига олиб, телефон ҳам айни кисталанг, нозик пайтларда жирингларди. Ахийри Сафарнинг “Алё, ЦК комсомолми?” деяверишидан безор бўлган Маҳмуд шартта узун қўлларини узатиб, гўшакни юлқиб олади ва жаҳл билан қулоғига тутади. У эшитилаётган ғалати сўзлардан ва... таниш овоздан ҳушёр тортиб, лол-хайрон қолади. “ЦК комсомол”дан шундай “топшириқ” берилаётганди: “Хўвв калла, шоҳингни олдидан дарча очиб қўй, битта кишт берса тамом бўласан! Отингни эф еттига юр, галварс, тушундингми?..”

Бу – таҳририятдаги энг зўр шахматчи Зайниддин Рихсиевнинг овози эди.

– Ҳей, ЦК комсомол! – дейди Маҳмуд гижиниб, – қиладиган бошқа ишинг қолмадими?!..

Завқли қаҳ-қаҳадан хона деразалари зириллаб кетади.

Маҳмуд жаҳл билан телефон гўшагини улоқтириб, шум рақибини хонада гир айлантириб кува кетади...

Бошдан маълум

1937–1950 йилларда Ўзбекистоннинг раҳбари бўлган таниқли давлат арбоби Усмон Юсупов (1900–1966) оддий меҳнаткаш одамлар билан жуда очилиб-сочилиб, самимий гаплашар экан. Халқ уни эъзозлаб, “Ота” дея алқаган. Кунлардан бир кун ота пахтазорларни айланиб юриб, даланинг нотекислигидан андак ранжийди. Бригадирни чақириб, койийди:

– Оғайни, далани яхши текислатмапсиз-ку?!

Бригадир чапанироқ, гап келса отасиниям аямайдиган одам экан, тап тортмай, каттанинг дўнг пешанасига ишора қилиб, дейди:

– Ҳа энди, хўжайин, бу дунёнинг ишлари “бошданоқ” шунақа нотекис бўлса мен нима қилай?

Мўлжалга беҳато урилган аскиядан завқланган ота кулиб юборади ва бригадирни даст кўтарганча бир айлантириб ерга қўяди. Сўнг елкасидаги яп-янги костюмини унга эсдалик учун ечиб беради.

Ўзбекча ашула

Усмон Юсупов бир ўрис ўртоғи билан от миниб, далаларни айланиб юришган экан. Ногоҳ ўртоғи ундан сўраб қолади:

– Усмон, мана, сенинг баҳонангда ўзбекларнинг урф-одатларини ўрганиб, тўй-ҳашамларига аралашиб юрибман. Илтимос, энди менга битта ўзбекча ашула айтишни ҳам ўргатиб қўйсанг.

– Ўзбекларнинг ашуласи оғир, ўрганишинг қийин бўларов, – дейди Усмон ота.

– Ўргатавер-чи, бир гап бўлар.

– Хўп, бўлмаса эшит:

Богаро қўйсам қадам гул гунча бўлмай хандадур...

Ўзбекчага анча тили келишиб қолган ўрис андак чучукрок лахжада ашуланинг сўзларини такрорлайди:

Богаро қўйсам қадам гул гунча бўлмай хандадурр...

“Дурр” деган овозни эшитган от аста юришдан тўхтаб қолади. Бу ҳол яна бир неча бор такрорланавергач, ҳайрон қолган ўрис Усмон отага ўгирилиб, шундай дермиш:

– Усмон, ўзбекча ашула ҳақиқатан ҳам оғир бўлар экан, буни кара, ҳатто от ҳам кўтаролмай тўхтаб қоляпти.

“Таржима”

Самарқандлик иқтидорли шоир Жамол Сирожиддин мустақилликдан илгари республика радиосининг “Ватандошлар” таҳририятида ишлаб юрганида қалтисроқ мавзуда ёзган бир шеърини бош муҳаррир тасдиғидан ўтказолмай анча хуноб бўлади. Ахийри ўйлай-ўйлай йўлини топади: шеърни Шарк шоирларидан бирининг асари, пушту тилидан қилинган таржима сифатида навбатдаги эшиттиришга тиркаб қўяди.

Эҳтиёткор бош муҳаррир ғалатироқ туюлган бу шеърни ўкиб, ўйланиб қолади. Муаллифни чақириб, сўроқлайди:

– Ҳўш, Жамолвой, бу шеърни қаердан, қайси манбадан олдинг? Қачон чоп этилган экан?

Шоир тутилмай, ўйлаб қўйган гапини айтади.

– Ўша шеър чоп этилган журнални кўрсата оласанми? – муҳаррир шоирга синовчан тикилади.

– Ҳмм ... кўрсатишим мумкин.

– Бор, олиб кел!

Шоир ичидан зил кетиб, ўрнидан оғир кўзғолади. “Мабодо остонага етганимда тўхтатмаса – тамом-вассалом!” деб ўйлайди.

Хайриятки, муҳаррир уни энди эшик тутқичини ушлай деганда изига қайтаради. “Таржима шеър” шу тарзда эфирга таркалади.

Бу хангомани эшитган дўстлари шоирдан сўрашади:

– Мабодо ўшанда муҳаррир орқага қайтармаганда нима килардинг?

– Нимаям килардим – ўшандан нари тўғри уйимга – Самарқандга кетворардим, – дейди шоир.

Дарвоқе, Жамол Сирожиддин кейинчалик барибир Самарқандга кетворади. У топволган туганмас хазинаси – Ҳумийнинг хумдан топилган ғаройиб ғазалларини қоғозга тушира бошлайди.



Исми панд берди

Мустақилликдан илгари журналист Қулман Очилов пойтахтдаги ёшлар газетасига ишга кирмоқчи бўлади. Бу газетада ёзган нарсалари босилиб турарди. Ўша даврда таҳририятларга ишга кириш осон эмасди.

Қулманга хайрихоҳлик қилиб, ёрдам бериб юрган газета ходими Жаббор Раззоқов бош муҳаррир ҳузурига ёш қаламкашнинг аризасини кўтариб киради.

– Анча синовдан ўтди, бўладиган болага ўхшайди. Қалами ҳам дуруст экан, ишга ола қолайлик энди.

Аризани кўздан кечираётган бош муҳаррирнинг бирдан афти бужмайиб, пешонаси тиришади:

– Йўқ, бўлмайди! – дейди у кескин бош чайқаб.

– Нега?

– Исми... Қулман экан. Йўқ, бизга бунақаси тўғри келмайди.

Хуллас, ёш журналистнинг отаси кўйган исми панд бериб, ишга киролмай қолади.

Домлани кўрқитворди

Андижоннинг Асака туманида Тоштемир Мамадалиев (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) деган журналист дўстимиз бўларди. Ниҳоятда содда, ҳазилкаш, қувноқ, самимий йигит эди.

“Мен билан бирга ҳар эҳтимолга қарши суратга тушиб кўйинглар, кейинчалик, катта ишга кўтарилиб кетсам, сизларни танимай кўйишим мумкин”, дея ҳазиллашиб юрарди. Университетнинг сиртқи бўлим талабаси сифатида йилда икки марта Тошкентга ўқишга келиб, ижарахонамизни обод қилиб кетарди.

Кунлардан бир кун у университетдан хуноб бўлиб келди:

– Домла ўрис тилидан баҳо кўйиб бермади! Номард! Аблах!

Тоштемир кейинги кунларда ҳам имтиҳонни топширолмай, жиғибийрони чиқиб келди. Шунда содда дўстимизга бир ҳазил қилгимиз келиб, маслаҳат бердик: домлани кўрқитиш керак – тамом-вассалом!

Дўстимиз ростдан ҳам жуда содда эди, ҳазилимизга лаққа ишонди. У имтиҳонга кетганида берган маслаҳатимиздан пуншаймон бўлиб, хавотирландик.

Кечга яқин Тоштемир хурсанд ҳолда кириб келди. Биз ҳам сал енгил тортдик.

– Ахийри баҳосини қўйиб берди, номард! Қўймаганига қўймадим-да!

– Хўш, нима килдингиз?

– Нима қилардим – қўрқитдим!

– Ростданми? Қандай қилиб қўрқитдингиз?

– “Домла, Вам жизн (“Ж”ни худди “жўжа” сўзини айтган-дек талаффуз қиларди) нада или нет?” дедим.

– Хўш, кейин-чи?

– Кейин домланинг кулгиси қистаб кетди.

– Кейин-чи?

– Кейин... кулворди хо-холаб ва “Да-а, мне жизн нада, нада!” деб баҳо қўйиб берди.

Кучли танқидчи

Китобхонлар билан бўлган бир учрашувда болалар шоири Турсунбой Адашбоев ёнидаги ҳамроҳларини бирма-бир таърифлаб, таништиради:

– Мана бу йигит – Зухриддин Исомиддинов, таржимашунос олим, зўр журналист. Унинг ёнидаги – Қозоқбой Йўлдошев, жуда кучли танқидчи!

Марокли учрашув ниҳоясида ижодкорлар бир пиёла чойга таклиф этилади. Столга оқ, қизил ичимликлардан ҳам қўйилади. Винонинг пўкагини даврадагилардан ҳеч ким очолмайди. Шунда Қозоқбой Йўлдошев “Қани менга беринг-чи!” дея бир силтов билан шишани очворади.

– Э, койил, Қозоқбой! Ўзингиз зўр экансиз!

– Турсунбой ака мени кучли танқидчи деди-ку! Шуни бир исботлаб қўйдим-да!– дейди танқидчи камтарлик билан.

Қовун туширмасангиз бўлди

Илгари ўзим ишлаган “Хабар” газетаси тахририятига Турсунбой деган андижонлик чапани, ишбилармон ҳамюртим келиб, мен билан шахмат ўйнаб турарди. Шахматни яхши ўйнар,



тили ҳам анча бурро, айниқса, ютиб қолса бировга гап бермас эди.

– Мен шахмат ҳақида китоб ёзмаганман, (каминанинг “Шахмат абадийдир” деган китобимга киноявий ишора) фақат ютишни биламан, холос, – дея жамики шахматчиларга хос “камтарлик” билан мақтаниб ҳам кўярди.

Кунлардан бир кун таҳририятда мукка тушиб газетанинг навбатдаги сонига мўлжалланган материалларни ўқиб ўтиргандим, Турсунбой келиб қолди. Салом-алиқдан сўнг мендан сўраб ҳам ўтирмай, дарҳол жавондан шахматни олиб, доналарни шоша-пиша тера бошлади.

– Турсунбой, кўриб турибсиз – бандман, номер туширяпман, – дедим олдимдаги бир даста материалларга ишора қилиб.

– Номер туширсангиз майли, қовун туширмасангиз бўлди!

Бейхтиёр ҳазилдан завқланиб, кулиб юбордим. Сўнгра “қовун тушириш” қанақалигини кўрсатиб кўйиш учун “жанг”ни бошлаб юбордим.

Маймунга ғирромлик кетмайди

Узоқ йиллар қатағон сиёсатининг азобини тортган машҳур шарқшунос Лазиз Азиззоданинг (*Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин*) ҳикоя қилишича, уларнинг маҳалласидаги чойхонада ашаддий шахмат ишқибозлари тўпланиб, уззу-кун дона суришаркан. Ўйин жиддий, тартиб қатъий...

...Ўша чойхонада шахмат ўйнашга ўргатилган бир маймун ҳам бор экан. Ўзаро беллашувларда толиққан ишқибозлар гоҳо маймун билан кўнгилхушлик учун дона суришаркан. Маймун юриш навбати келганда ўйлаб ўтирмай, шартта юриб кўйгач, қашланиб, “Қойил қилдимми?” дегандек атрофига масхаро-муз тиржайиб кўяркан. Бир куни шундай ғаройиб ўйин пайтида рақибни ғирромлик қилиб, маймуннинг битта сипоҳини секин четга олиб кўяди. Шунда аломат воқеа юз беради. Тахтадаги ўзгаришни дарҳол пайқаган маймун рақибининг юзига кулочкашлаб бир шапалоқ туширади.

Ё мен ютдимми?..

(Асрор Мўмин ҳикояси)

Ўзбекистон Миллий университетида узоқ йиллар талабаларга сабоқ берган филология фанлари номзоди Раҳматилла Иноғомов ашаддий шахмат ишқибози эди. Ўйини ҳам ишқибозлигига яраша эди. У киши билан шахмат ўйнаш ҳар қандай рақибга кўтаринки кайфият бағишларди. Ўйин пайтида хазил-хузул гаплари, нозиктаъблик билан айтган сўзлари хандон кулгига сабаб бўларди. Раҳматли домла “Шахмат – мен учун санъат!” дер эди.

...Раҳматилла ака ўйин давомида тез юриш қиларди. Рақибни ўйлаётган вақтда бўлажак рақибни билан хазил-мутойиба бошларди:

– Нега ўйляпти, ҳеч тушунмаяпман? Бу ўйинни аллақачон ютиб бўлдим. Сиз билан бўладиган ўйиннинг ярмигача бориб қолдим. Сизни ҳам танг ахволга солдим. Аслида, сиз ўйласангиз бўлади. Бу киши ютқазганини билмасдан ўйлаб ўтирибди...

Дарҳақиқат, рақибни юриши билан Раҳматилла ака тахтани “тўс-тўполон” қиладиган комбинацияни бошларди ва ғалаба қозонарди. Агар акси бўлса, “Сизни аядим-да” дерди камтарлик билан.

Раҳматилла акани шахматда ютган одам ҳам унча-мунчага ютқизганини тан олдира олмасди.

– Кеча боплаб сизни ютдим, – дерди умидвор рақиб.

– Ҳа, кеча яхши ўйин бўлди, – дерди Раҳматилла ака ҳар доимгидай. – Сиз ҳам ютдингиз, мен ҳам ютдим. Ўзи ҳисоб қандай бўлди? Ютсангиз, битта ортиқ ютгандирсиз. Ё дуранг бўлдимми?

Ҳанг-манг бўлиб қолган рақибга навбатдаги зарба бериларди: “Ё мен ютдимми?”

Бир куни тушликда бошлаган ўйинимиз кечаси соат ўндан ошганда тугади. Ҳисоб ҳам эсдан чиқмайдиган рақам эди. Мен домлани автобус бекатига кузатиб борганча ҳисобни қайта-қайта эслатдим. Автобусга чиқаётган вақтида ҳисобни айтиб хайрлашдим.

Эртаси куни домладан ҳол-ахвол сўрагани чиқдим.

– Ҳа, кеча яхши ўйин бўлди, – деди Раҳматилла ака саломалиқдан кейин. – Ўзи ҳисоб қандай бўлди? (Албатта, ҳисобни айтишимга оғиз очирмади). Ютсангиз, битта ортиқ ютгандирсиз. Ё дуранг бўлдими?

Ҳанг-манг бўлиб турганимни кўрган Раҳматилла ака охири зарбани берди: “Ё мен ютдимми?”

Ёзувчи ва китобхон

Ёзувчи Жонрид Абдуллахонов уйида машинкасини чиқиллатиб, ижод қилаётган эди, қўшниси йўқлаб кириб қолади.

– Хўш, нима ҳаракат, қўшни?

– Шу китобни ярим йилдан буён тугатолмаяпман, – дейди ёзувчи машинкадаги қўлёзмага ишора қилиб.

– Мен ҳам битта китобни бир йилдан буён тугатолмаяпман.

– Ие, сиз ҳам ёзасизми?

– Йўқ, мен... ўқийман, битта китобни бир йилдан буён ўқиб тугатолмаяпман.

– Э-э, сизга ҳам қийин экан, – дейди ёзувчи ҳамдардлик билдириб.

Сумкамни қайтаринг

Жонрид ака матбуот ходимлари байрами куни пойтахтдаги Улуғбек боғида сайр қилиб юрганида бир қизалоқнинг юм-юм йиғлаб турганини кўриб қолади. Раҳми келиб, секин ёнига боради.

– Хўш, нега йиғлаяпсан, қизим? Нима бўлди?

– Сумкамни ўғирлаб кетишди.

– Э, аттанг. Ичида нима бор эди?

– Пулим... хиққ...

– Пулинг кўпмиди?

– Ўн етти сўм...

– Э-э, шунга шунчами? – дейди ёзувчи қизалоқни юпатиб. – Мана сенга йигирма сўм, (ўша йиллардаги пул) фақат энди йиғлама, хўпми?

– Хўп, хиққ... Амаки, энди сумкамни қачон қайтарасиз?

Қаламқошлар

Жонрид ака бир гуруҳ шоир, ёзувчилар ҳамроҳлигида китобхонлар билан учрашув ўтказиш учун Бекободга боради. Гуруҳ раҳбари, шоир Жуманиёз Жабборов учрашувдан олдин хўжалик раҳбарига ташрифдан кўзланган мақсадни тунтиради: “Мана, биз – бир гуруҳ қаламқошлар пойтахтдан ҳузуригизга келдик...”

Учрашув бошлангач, хўжалик раиси ижодкорларни йиғилганларга таништираётиб шундай деб юборади:

– Мана, бугун ҳузуримизга пойтахтдан бир гуруҳ қаламқошлар ташриф буюришган...

Шамсиянинг жинси

Жуда кўп олимлар, ижодкорларга устозлик қилган таникли аллома Ғайбулла ас-Салом (*Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин*) камтар-камсукум, содда одам бўлган. Кунлардан бир кун ёмғир эзиб ёғиб турганда домла бошларига шамсияни тутиб, дорилфунунга маъруза ўқиш учун жўнайдилар. Бекатларда, йўлакларда одамларнинг ўзига андак ажабсиниб карашаётганини кўриб, домла ҳайрон бўлади. Кийим-бошларини бир карра кўздан кечиради, назарида ҳаммаси жойида. Хўш, унда нима гап ўзи?

Сир уйга келганда маълум бўлади. Домлани остонада кўргандаёқ хотини кулиб юборади.

– Вой, нега аёлларнинг шамсиясини тутиб олдингиз, домла?

– Ие, шамсиянинг ҳам эркак-урғочиси бўладими?

Ошни катта есанг ҳам...

Ғайбулла ака шахмат билан боғлиқ шундай бир ғаройиб хангомани ҳикоя қилганди. Домланинг хатирчилик бир ҳамюрти шахматга шу қадар ишқибоз эканки, қаёққа борса шахматини ўзи билан бирга кўтариб юраркан. Кунлардан бир кун у Россиядаги санаторийга жўнаиди. Табиий, кадрдон шахматини ҳам унутмайди. Поездга чикқач, купедаги кўшниси, калин кўзойнак такқан, сийраксоч, малларанг чолга бир қўл шахмат

ўйнашни таклиф этади. Қўшниси истар-истамас, ҳамроҳнинг кўнгли учун рози бўлади, аммо тезда рақибига ютқазиб, “Энди дам олсак ҳам бўлар”, деган маънода тепадаги ўринга ишора қилади. Ғалаба нашъасидан димоғи чоғ бўлиб турган хатирчилик шахматчи рақибига беписанд қараб, шундай дейди:

– Ётишдан олдин яна битта эзиб кўяйми, оғайни?

– Менимча, бугунга шунисиям кифоя. Яхши ўйнар экансиз, қойил қолдим.

– Э, яхши ўйнаш ҳам гапми? Ҳозир Ботвинникнинг (ўша йилларда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган Михаил Ботвинник – *Ш.О.*) ўзиниям эзиб ташлайман керак бўлса.

– Ҳмм, шунақами?! – қария шундай дея кулимсираб, қалин кўзойнагини рўмолчаси билан “куф”лаб артади ва шундай дейди. – Майли, сазангиз ўлмасин, уйкудан олдин яна бир қўл ўйнасак ўйнабмиз-да.

Доналар терилгач, чол негадир фарзинни бир четга олиб кўяди:

– Кечирасиз, мен... фарзинсиз ўйнашга одатланганман.

– Ие, ақлингиз жойидами?

– Ақлим жойида, хавотирланманг!

Ажабо, чол ростдан ҳам фарзинсиз яхши ўйнар экан, рақибини ҳаш-паш дегунча мот қилиб кўяди. Жамики ховликма шахматчилар каби мағлубиятни ғирт тасодиф деб ҳисоблаган хатирчилик кетма-кет яна ютқизаверади. Ахийри ҳолсизланиб, тушимми-ўнгимми дея рақибига ҳайратомуз тикилиб қолади. Шунда рақиб унга хайрихоҳлик билдиргандек, елкасига қўлини ташлаб, шундай дейди:

– Оғайни, хафа бўлманг, мен ўша – сиз айтган Ботвинник бўламан!

Домланинг айтишича, Ботвинник сабоғидан кейин хатирчилик ошни катта еса ҳам, катта гапирмайдиган бўлади.

Узр, устоз...

Ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида хизмат қилган Муҳиддин ака (*Оллоҳ раҳматига олган бўлсин*) ёшларга ғам-хўр, захматкаш журналист эди. Газетанинг ёш ходими Нарзулла Жўраев билан ҳамхона бўлган Муҳиддин ака бир куни одат-



дагидек барвақт ишга келса, хонаси берк экан. Йўлакда сигарета тутатганча, тажанг-дилтанг юриб, кута бошлайди. Ниҳоят, “айбдор” кўринади.

– Э, Нарзуллажон, бормисиз? Бир соатдан буён хонамга киролмай хунобман, калит қани, калит?

– Устоз, калитни котибиятга топшириб кетганман.

– Ахир мен буни қаердан биламан?

– Столингиз устига хат ёзиб қолдирганман-ку!

– Ие, бу хатни ўқиш учун олдин хонамга киришим керакми?

– Э, дарвоқе, узр устоз, узр...

Кантни суҳбатга чорланг

“Халқ сўзи” газетасининг илк бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов (Оллоҳ раҳмат қилсин) бир куни газета ходими Абдукарим Раҳимбердиевни хонасига чақириб, шундай дейди:

– Абдукарим, газетанинг кечаги сонида берилган Кантнинг фикрлари менга жуда маъқул бўлди. Иложи бўлса ўзини ҳам чақиринглар, бир суҳбатини олайлик.

Ходим раҳбарни ҳазиллашаётган бўлса керак деб ўйлайди-ю кулимсираб тураверади.

– Нега индамаяпсиз?

– Энди, нима десам экан...

– Чақиришнинг иложи йўқми?

– Йўқ-да.

– Нима, шунчалик димоғдорми?

– Гап шундаки, Кант деганлари бундан бир неча аср мукаддам хорижда яшаб ўтган машҳур файласуф!

– Э, шундайми? – дейди бошлиқ сир бой бермай. – Нега анчадан буён кўринмай қолди дедим-а!

Ҳамроҳлар

Самарқанд давлат университетида узок йиллар хизмат қилган адабиётшунос олим Жўрабой Ҳожиметов Москвадаги аспирантурада ўқиётган йиллар эди. Кунлардан бир кун у поездда юртига қайтаётиб кексароқ бир одам билан ҳамроҳ бўлиб қолади. Тўладан келган, кўринишдан амалдорни эсла-

тувчи Жўрабой ака “қиттак-қиттак”дан сўнг анча дадилланиб, ҳамроҳига иш буюра бошлайди:

- Қани, ғизиллаб бориб битта раис чой дамлаб келсинлар!
- Хўп бўлади!
- Проводникда лимон бўлиши керак, сўраб келинг-чи!
- Бир оғиз сўзингиз!

Паст бўйли, жуссаси ихчамгина ҳамроҳи буйруқларни сўзсиз бажариб туради.

Поезд Тошкентга яқинлашгач, Жўрабой ака нарсаларини йиғиштираётиб, ҳамроҳига гап қотади:

– Дарвоқе, мундоқ танишмадик ҳам. Мен Жўрабойман, аспирантурада ўқийман. Мабодо Москвага йўлингиз тушиб қолса, меҳмонхона қидириб юрмай, тўғри бизнинг ётоқхонага келаверинг. Мана адресим.

– Раҳмат, ташаккур, – дейди ҳамроҳи кулимсираб, – Сиз ҳам аспирантурани битириб, эсон-омон диссертацияни ёқлагач, Тошкентга иш-пиш қидириб келсангиз, тўғри Фанлар академиясига бориб, мени сўрайверинг.

– Кечирасиз, сиз кимсиз?

– Мен академик Саъди Сирожиддиновман.

– А?!

Боёқиш аспирант узр сўрашга ҳам тили айланмай, турган жойида бемажол ўтириб қолади.

Шахмат ўйнамаса ҳам

Истеъдодли ёзувчи Баҳодир Муродалиев ҳам камина каби шахматга муккасидан берилган. Устози Тохир Маликнинг Чорвоқдаги дала ҳовлисига ёрдам учун бориб қолса, мириқиб дона суришамиз. Бундан устознинг энсаси қотиб, жиғибийрони чиқарди. Эмин-эркин юриб ижод қилишни ёқтирадиган Баҳодирни ўзим бош муҳаррир бўлган “Хабар” газетасида иш-лашга қандай кўндирсам экан деб юрардим. Ниҳоят, ўйлай-ўйлай ахийри чорасини топгандек бўлдим. Бир куни у билан астойдил шахмат ўйнаётганимизда секин гап очдим:

- Баҳодир, мен сизга зўр бир иш топдим!
- Қандай иш экан?
- Э, сиз деярли ҳеч қандай иш қилмайсиз.
- Йўғ-э?

– Ҳа шундай! Сиз эртадан кечгача мен билан шахмат ўйнайсиз, шунинг учун маош оласиз!

Нимкосани пайқаган Баҳодир ҳам чиройли лутф қилди:

– Менга бундан ҳам зўр иш таклиф қилишяпти. У ерда хатто шахмат ўйнамасам ҳам маош олаверар эканман!

Қорхат

*“Афанди” газетаси бош муҳаррири
Ашурали Жўраевга*

Биринчи қорнинг завқ-сурури бошқача бўлади. Қорхат билан боғлиқ ҳазил-мутойиба ҳам қут-барака, беғуборлик тимсоли бўлмиш биринчи қор завқи билан ҳамоҳангдир. Адабиёти-мизда қорхат ёзиш анъанаси бор. Ғафур Ғулом, Собир Абдулла каби адибларнинг ўзаро қорхат ёзишгани маълум. Биринчи қорни ҳамиша интиқлик билан кутадиғанларга ана шу унутилаёзган ҳазил-анъанани бир эслатиб қўймоқчи бўлдик.

*Ушбу мактуб Сизга бир Қорхат эрур,
Сизга ташвиш, биз учун роҳат эрур.
Қор ёғиб, парқуга бурканди замин,
Янги ҳосил олдидан олмоқда тин.
Бундайин айёмда оқшом файзи бор,
Жам бўлиб, суҳбат қилайлик бегубор.
Бизга шатранж, бир пиёла чой етар,
Гар майи ноб бўлса, ул кўнгил очар.
Гар саховат қилсангиз, бўлгай палов,
Меҳримиз тафтини қилгаймиз олов.
Ош – баҳона, дўст дийдори азиз,
Ўртага қўшманг бирор бегона сиз.
“Улфати чор” да демишлар маза бор,
Бу қадим ҳикматни айланг ихтиёр.
Сиз ахир “домком” эрурсиз – уй беги,
Сўнгра айтнинг базмда кимнинг чеки.
Давра айлансин қадаҳдек тўхтамай,
Майли, бўлсин гоҳи чойу гоҳи май.
Гоҳида тинглаб майин созу наво,
Дил қуши илҳом билан этсин ҳаво.*

*Хулласи, қор базми бўлсин бардавом,
Даъватингизни кутурмиз субҳу шом.
Ортиқ Абдулла гувоҳдир огадек,
Ёзди Носир бирла Шодмон Отабек.*

Илм кучли бўлса

Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, та-
никли физик олим Сирожиддин Зайнобиддинов доктор-
лик диссертациясини ҳимоя қилаётган эди. Ёш олим, таби-
ий, ҳаяжонланарди. Ниҳоят, ҳимоя бошланади. Салобат-
ли илмий кенгаш аъзолари “Қани, бу йигитча нима каромат
кўрсатаркин?” дегандек тикилиб турибди. Диссертант ўзини
кўлга олиб, энди гап бошлай деганда девордаги кўргазмали
куроллар, турли жадвал-чизмалар қарс этиб илинган жойидан
пастга тушиб кетади. Олимнинг юраги шув этади: “Тамом!
Энди нима бўлади?..”

Вазиятни илмий кенгаш раисининг топқирлик билан айт-
ган бир оғиз лутфи юмшатади:

– Буни қаранглар, Сирожиддин тўплаган илмни кўтаришга
ипнинг ҳам кучи етмай қолди!..

Ишончли суянчиқ

Уруш ва меҳнат фаҳрийси Бектош Раҳимов (*Оллоҳ раҳмат
қилсин, кўп яхши инсон эди*) шўролар даврида турли вилоят-
ларнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган. Қаерда ишламасин,
ўзидан яхши ном қолдирган. Шўро замонида бундай шарафга
камдан-кам одам ноил бўлган.

Бектош ака илму маърифат, маънавият, ижод аҳлига
хайрихоҳ бўлган, кўлидан келганча одамларга яхшилик қилган.
Самарқанд вилоятини бошқараётганида бир куни ёзувчи Рус-
там Раҳмон билан журналист Анорбой Қуронбоев йўқлаб ке-
лишади. Бектош ака Андижонда раҳбар бўлганида улар билан
кадрдон бўлган.

Анорбой ака Самарқанд университетининг юридик фа-
культетига ўқишга кираётган ўғлига ёрдам беришни илтимос
қилади. Бектош ака ёрдам қилишга ваъда бериб, Рустам акага
юзланади:

– Сизнинг нима илтимосингиз бор?

– Менинг ҳеч қандай илтимосим йўқ, Бектош ака.

– Атай Андижондан шунча йўл юриб келибсизлар, илтимос бўлса тортинмай айтаверинг.

– Бектош ака! – дейди Рустам ака кулимсираб. – Мен мабодо Анорбой илтимоси ўтмай, ўзидан кетиб йиқилиб қолса, уни суяб қолиш учун келувдим.

“Қозоқ солдати”ни ағдарган

Таникли ёзувчи, ажойиб инсон Носир Фозилов қатта устозлар – Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмадлар даврасида кўп йиллар бирга юриб, уларнинг бетакрор суҳбатидан, меҳру мурувватидан баҳраманд бўлган, кўплаб ёш қаламкашларга яхшилик қилган. Абдулла Ориповнинг шеърларини илк бор матбуотда чоп эттирган. Ҳазилкашлиги, бетакрор лутфлари билан ўзи ҳам ўша устозларга ўхшаб кетади. Устозлар ҳаётидан қизиқ-қизиқ хангомалар ёзган.

Носир ака атокли қозоқ ёзувчиси Ғабиддин Мусреповнинг “Қозоқ солдати” деган машҳур романини таржима қилган кезлар эди. Бир куни бу ҳақда Абдулла Қаҳҳор сўраб қолади:

– Таржима китоб бўлиб чиқдими?

– Ҳа, босилиб чиқди, эртага сизга етказаман, – дейди ёзувчи.

Носир ака китобларига дастхат ёзишга ҳам уста эди. Ваъда қилинган ўша китобга шундай ғаройиб дастхат битиб, устозни хурсанд қилади:

“Ўзбек адабиётининг генерали Абдулла Қаҳҳорга “Қозоқ солдати”ни ағдариб ташлаган ўзбек адабиёти солдати Носир Фозиловдан”.

Ўзи эмиш

Дўстим Мирпўлат Мирзо кизини турмушга узатаётганда биргалашиб таклифнома тарқатдик. Йўлакай Чилонзорга – устоз Носир Фозиловнинг хонадонига йўл олдик. Аксига олиб кўнғирок тугмачасини боссак эшик очилмади. Ичкаридан эшитилган ваҳимали “ваф-ваф”дан чўчиб, шоша-пиша жуфтакни ростлаб қолдик.

Орадан бир неча кун ўтгач, тўйдаги ошда Носир акани кўриб, ўша ташрифимизни эслатдим:

– Устоз! Озиб-ёзиб бир уйингизга борсак йўқ экансиз, ичкаридан “вов-вов” деган хунук овоз эшитилувди, кўрқиб, орқага қайта қолдик.

– Ўша – ўзим эдим! – деди ҳазилкаш устоз жиддий алпозда.

Икки юз грамм соғлик

Носир ака фақат Ўзбекистондагина эмас, Қозоғистонда ҳам маълум ва машҳур адиб. Икки қардош халқ адабиёти равнақи йўлида кўп ва хўп хизматлар қилган заҳматкаш ёзувчи ҳар икки юртда катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Кунлардан бир кун Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасидан телефон қилиб, Носир акадан ҳол-аҳвол сўрашади:

– Соғлиқларингиз қалай, оға? Яхши юрибсизми? Биздан қандай ёрдам керак?

Табиатан ҳазилкаш бўлган Носир ака шундай жавоб қилади:

– Агар мумкин бўлса, икки юз грамм соғлик юбора қолинглар!

Тулпор ҳамёнга сиғмайди

Икки минг ўнинчи йилнинг наврўзида ижодкорларнинг Қозоғистонга қилган сафари ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик байрамига айланиб кетди. Таниқли адиб, моҳир таржимон Носир Фозиловнинг 80 ёшга тўлиши қадим Туркистон шаҳридаги театрда ўтди. Кенг жамоатчилик, қозоқ адиблари, ватандошлари устознинг ҳурмати жойига қўйишди.

Шаҳар ҳокими сўзининг охирида ташқаридаги қайрағочга боғланган эгар-жабдуқли тулпор Носир акага аталганини айтди. Юбиляр ўз навбатида шаҳар аҳлига миннатдорчилик билдириб, ҳокимга шундай қочирим қилди:

– Иним, иззат-ҳурмат учун куллуқ. Омадингни берсин. Саксон ёшга чиққан оғангни ташқаридаги ўша тулпор олиб қочса, табиб излашинга тўғри келади. Қолмишига тамож-ния деган идоралар ҳам бор. Гапнинг индаллоси, тулпоринг ҳамёнга сиғмайди.

Ҳоким ҳам анойилардан эмасди. Носир аканинг тагдор га-
пидан тўғри хулоса чиқарди...

Ибрат

Бобур номидаги халқаро жамғарма раҳбари, фидойи инсон Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган йирик анжуман ўтказилаётган эди. Тадбирни бошқараётган Давлат маслаҳатчиси, ёзувчи Хайридин Султонов маърузачиларга сўз беришдан олдин вақт зиклиги боис регламентга амал қилишни илтимос қилади.

Биринчи маърузачи, академик Азиз Қаюмов ўз нутқида шундай қизик тафсилотни ҳикоя қилади. Шўролар замонида Бобурга бағишланган бир тадбир анча узоқ давом этади, йиғилганлар чарчаб, мудраб қолишади. Шунда маърузачи Бобурнинг гўзал бир ғазалини негадир залга қараб эмас, президиумда ўтирган машхур халқ шоири Ғафур Ғуломга қараб ўқийди. Йиғилиш тугагач, мухлислардан бири шоирдан сўрайди:

– Ғафур ака, нега маърузачи шеърни айнан сизга қараб ўқиди?

Шоири замон бу саволга тантилик билан шундай жавоб берган экан:

– Менимча, у киши “Шеър ёзсанг Бобурдек, қойил қилиб ёз!” демоқчи бўлгандир...

Академик ушбу ҳикояси билан мажлис аҳлига андак завқ-шавқ улашиб, регламентга амал қилган ҳолда мухтасар маърузасини тугатади.

Мажлис раисининг лутфи эса ўша олдинги завқдан кам бўлмайди:

– Мен ҳам Азиз Пўлатовичга қараб туриб, маъруза қилсанглар мана шундай маъруза қилинглар, демоқчиман!

Ҳадик

Шўро замонида пахта йиғим-терими қизиган кунларнинг бирида беш-олти нафар ёзувчи Сирдарё вилоятига юборилди. Улар орасида обком вакили ҳам бор эди. Қалам аҳлига андак истехзо-ишончсизлик билан қаровчи бу одам ўта жиддий эди. Бир хўжаликка боришганда уларни камтарона меҳмон

килишади. Озрок қизишиб олишгач, ҳазил-ҳузул, аския бошла-
нади. Шохига урса туёғини зирқиратадиган сиёсий латифалар
айтилаётганда қаҳқаҳа авжига чиқади. Юқори идора вакили
эса гуруннга аралашмай, бир четда хўмрайиб ўтираверади. Бир
махал даврада ўтирган шоир Отаёр тепадаги ёнғинга қарши
ўрнатилган қурилмага ишора қилиб, “огоҳлантиради”:

– Ҳей ўртоқлар! Оғзим бор деб ҳамма нарсани валдирай-
верманглар. Ана бу нарса ҳамма гапларингни ёзиб оляпти!

Бу гапнинг шунчаки ҳазил эканини ҳамма билиб турса ҳам,
негадир орага ноқулай жимлик чўқади. Ногоҳ ҳалиги обком ва-
кили шартта ўрnidан туриб, тепага қараб хитоб қилиб қолади:

– Бу ерда айтилган гапларга менинг мутлақо алоқам йўқ!
Фамилиям – Ваҳобов!

Ўшанда бу гапга ҳеч ким кулмаган. Шўролар жамияти
одамларни ана шундай кўрқоқ, аянчли аҳволга солиб қўйган
эди.

Ходимлар нега семирмади?

“Муштум” журналининг олтмишинчи йиллардаги Бош
муҳаррири Мирмуҳсин бир куни ходимларни тўплаб мажлис
қилади. Гап орасида Ибн Сино айтган бир ривоятни сўзлаб бе-
ради. Унда нақл қилинишича, бўрининг ёнига боғлаб қўйилган
қўй таҳлика, кўркувда яшагани учун озиб-тўзиб, рамақижон
бўлиб қолади. Бўрини кўрмасдан, эмин-эркин, хотиржам яша-
ган иккинчи қўй эса тез кунда семириб, бўрдоқи бўлади.

Бош муҳаррир ҳали сўзининг индаллосини айтиб, хулоса
чиқаришга улгурмай туриб, гап келганда отасиниям аямайди-
ган журнал ходими Абдулла Исомиддинов шундай луқма таш-
лайди:

– Тўғри айтасиз, Мирмуҳсин ака! Мана, сиз бизга раҳбар
бўлиб келганингиздан буён бу ерда ҳеч ким семирмади.

Ярамаслар...

Раҳматли шоир Маъруф Жалил беозор, ҳокисор инсон
бўлган. Беҳаловат ўтган умрида бировга овозини кўтариброк
гапирмаган, ҳеч кимга озор бермаган. Яхшиликка ҳам, ёмон-
ликка ҳам муносабатини гоҳо биргина “ярамас” деган сўз би-
лан ифодалашни одат қилган.

У “Муштум” журналида ишлаб юрганида бир куни бош муҳаррир Фарғонага фельетон ёзиб келиш учун юборди. Маъруф ака умрида ҳеч қачон фельетон ёзмаган, фақат ишк-муҳаббат ҳақида шеърлар битиб юрган лирик шоир эди. Бошлиқнинг амри вожиб, ноилож сафарга жўнайди. Фарғонада ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасининг вилоят бўйича муҳбири Анвар Эшонов билан топишиб қолади. Иши юришганидан суюниб кетади. Меҳмондўст фарғоналиклар мухбир-шоирларнинг иззат-хурматини жойига қўйиб, роса сийлайдилар. Маъруф ака Тошкентга бир олам таассуротлар билан қайтади. Таҳририятда бош муҳаррир мажлис қилиб, ходимлардан топширилган ишни талаб қила бошлайди. Навбат Маъруф акага келади.

– Хўш, фельетон тайёрни, Маъруфжон? – деб сўрайди муҳаррир.

– Ёзмадим, аниқроғи – ёзолмадим, – дейди Маъруф ака кизариб.

– Ие, нега энди ёзолмадингсиз? – муҳаррир асабийлашади.

– Бу...фарғоналикларнинг ҳаммаси яхши одамлар бўларкан, ярамаслар...

Шоир қидирган шоир

Наврўз байрами куни Шукур Қурбоннинг эшик кўнғироғи жиринглаб қолади. Шоир эшикни очиб, остонада Маъруф Жалилни кўради.

– Э, келинг Маъруф ака, келинг. Қани ичкарига...

– Раҳмат, Шукуржон, шошиб турибман. Шу...бир-икки соатга вақтингиз борми?

– Нима гап ўзи? Тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик. Шу... маҳалламизда Наврўз тадбири бўляпти. Шунга... оксоқолимиз битта шоир топиб келинг деб илтимос қилувди.

Бу гапни эшитган Шукур Қурбон беихтиёр кулиб юборди.

– Ахир ўзингиз катта шоирсиз-ку, Маъруф ака?!

– Энди... у ярамасларнинг кўзига мен шоирга ўхшаб кўринмасам керак-да, Шукуржон. Майли, юрақолинг энди.

Раҳматли Маъруф Жалил шунақа содда, ҳокисор одам эди. Дарвоқе, Муҳаммад Юсуф “Маъруф Жалил” деган шеърда шундай ёзган эди:

*Ҳокисорлигим ҳам кўролмаслар бор,
Гоҳо раҳмим келар душманларимга.
Узун умрим узун гам бўлди, яна
Не азоб бор мендек кўнгли яримга?..*

*Гоҳо ўз-ўзимни койийман: Маъруф
Тагин айбларингдан айт бирон нарса...
Ўзим рақибимнинг уйига бориб,
Кечирим сўрагим келар, қийналса!*

Ораслий шимиб кўйган

Мумтоз адабиётимизнинг зукко билимдони ва тарғиботчиси, йирик матншунос олим Порсоҳон Шамсиев ҳаётда камтар, хушфешл инсон бўлган. Ғафур Ғулом билан яқин дўст, ҳаммаслак эди. Таниқли адабиётшунос олим Абдурашид Абдуғафуровнинг ҳикоя қилишича, кунлардан бир куни Порсоҳон домла хизмат қилаётган институт ходимларидан бири устоз бошчилигидаги беш-олти чоғли олимларни уйига чорлаб, зиёфат беради. Дастурхон атрофида шеърят, бадий санъатлар хусусидаги мароқли гурунги чиройли лутфлар, ҳазил-мутойибаларга уланиб кетади. Суҳбат асносида Порсоҳон домла ликопчадаги бодомлардан бирини олиб, чақмоқчи бўлади, аммо бодом чақилмайди. Домла астойдил унаб кўради, ҳатто оғзига солиб, тишлари орасига олади – барибир чақолмайди. Бу саъй-ҳаракатни кузатиб турган мезбон оҳиста гап қотади:

– Кўйинг, домла, ўзингизни ортиқча қийнаманг. Сизгача ҳам қанча меҳмонлар уриниб чақолмаган. Ҳатто академиклар ҳам удалай олмаган. Ҳамид Ораслий (Озарбайжон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, ўзбек олимларининг яқин дўсти, жаҳонга машҳур аллома – Ш.О.) домла ҳам ҳар гал келганларида биттадан оғизларига солиб, чақолмай қайта жойига кўйиб кўярдилар.

Хонадон соҳиби шундай дея ликопчани кўтариб чиқиб кетади ва бодомларни болғада чақиб келиб, дастурхонга кўяди.

Домла мағиздан бир-иккитасини еб кўриб, шундай ҳазил қиладилар:

– Ростдан ҳам Ораслий домла шимиб кўрган эканлар – шундоққина нефть мазаси (Каспий денгизи бўйидаги Ораслий яшаган Боку нефтчилар шахридир – Ш.О.) келиб турибди!..

Шоирлигини билади

Шоир Усмонхўжаев (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) матбаачилик, ноширлик касбининг барча сир-асрорини пухта биладиган ва ижодкорларни кадрлай оладиган мутахассис сифатида танилган эди. Раҳматли дўсти Машраб Бобоевнинг таърифича, ҳамма билан тил топиш санъатини ҳам мукамал эгаллаганди. У Эркин Воҳидовдан кейин узоқ йиллар ўз даврида анча нуфузли ҳисобланган Ғафур Ғулом номидаги нашриётни бошқарган. Кейинчалик, “Ёзувчи” нашриёти ташкил этилгач, тажрибали мутахассис сифатида у ерга юборилади.

Шоир ака бир вақтлар ишлаб чиқариш бўлимида хизмат қилиб юрганида, бир куни нашриётга ўз даврининг машҳур шоири келиб қолади. У Шоир акага дуч келиб, сўрайди:

– Отинг нима?

– Шоир.

– Шоирлигингни биламан, китобларингни ўқиганман, мен отингни сўраяпман.

Париларга таъзим

Шоир Охунжон Ҳакимовнинг жуда кўп шеърлари кўшиқ қилинган. Дуторчи кизлар ансамблининг раҳбари, атоқли бастакор Ғанижон Тошматов Охунжон ака ижодининг астойдил мухлиси эди, шу боис шоирнинг кўпгина шеърларига куй басталаган. Охунжон ака бир гал Тошкентга келганда Ғанижон ака билан учрашиб, миннатдорчилик билдиради. Бастакор шоирни ансамблдаги кизлар билан таништиради:

– Бу киши фарғоналик шоир акангиз Охунжон Ҳакимов бўладилар. Сизлар у кишининг жуда кўп шеърларини суйиб куйлагансиз. Қани энди бир саломлашиб кўяйлик-чи...

Шунда шоирнинг кўз ўнгида гўё бир мўъжиза рўй бергандек бўлади. Ярим доира ясаб турган, бири биридан гўзал,



дилбар кизлар дуторларини бир қўлларига олиб, иккинчи қўлларини ибо билан кўксига босганча бараварига таъзим бажо этадилар. Ҳар қандай гўзаллик ва назокатдан ҳаяжонланиб кетадиган шоир ҳовлиқиб, ўзини йўқотиб кўяди. Қайта-қайта раҳмат айтиб, мезбон кўрсатган оромкурси томон юраркан, ногоҳ гиламнинг қайрилган четига қоқилиб, мункиб кетади-ю энгашганча аранг мувозанатини тутиб қолади. Ҳарқалай, шоир эмасми, шу лаҳза хаёлига теша тегмаган бир гап келиб қолади. Қўлини кўксига қўйиб, таъзим қиларкан, хайратланиб, пик-пик кулишиб турган қирқ кизларга қараб шундай лутф қилади:

– Эй пари рухсорлар! Сизларнинг ажойиб, гўзал санъатингиз олдида таъзим қиламан!

Шунда қизлар гулдурос қарсақлар билан шоирнинг топ-қирлигини олқишлайдилар.

Азалий муаммо

Кунлардан бир кун таниқли шоир Абдулла Шер кўчада кетаётса, рўпарасидан ҳамюрт шогирди Носиржон Тошматов ва компьютер бўйича мутахассис Қудрат Холлиев чиқиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, Абдулла ака Қудратга қараб шундай дейди:

– Сени учратганим яхши бўлди. Менга тузукроқ бир компьютер керак бўлиб қолди. Қанақасидан олсам экан?

Қудрат бир неча хил компьютерларнинг номини айтади.

– Сен менга энг зўрини айт, нархи қиммат бўлса ҳам майли. Керак бўлса принтерини ҳам қўшиб олмоқчиман.

Абдулла ака гўё ҳозирок компьютер сотиб оладигандек, шашти баланд эди. Қудрат шоирга андак ажабсиниб қараб қўйгач, ўзича оқилона маслаҳат беради.

– Абдулла ака, сиз иложи бўлса бир оз шошмай турунг, уйимда компьютерларга оид журнал бор, эртага олиб келаман. Икковлашиб бемалол танлаймиз.

– Баракалло! Ана энди охирги саволимга жавоб берсанг муаммо ҳал бўлади.

– Хўш, нима демоқчисиз энди?

– Сен тавсия қилмоқчи бўлган ўша зўр компьютерни сотиб олиш учун пулни қаердан топаман?..

Репортёр... одам эмас

“Репортёр” сўзининг луғавий маъноси – мухбир дегани. Ҳозир буни ҳамма билади. Аммо негадир ўтган асрнинг 70-йиллари камина иш бошлаган республика радиосида овоз ёзиб оладиган магнитофон (ҳозирги ихчам диктофонларга киёслаганда анча бесўнақай матоҳ эди) репортёр деб аталар, чарм ғилофидаги ёрлиққа ҳам шу сўз битиб қўйилган, бунга ҳамма кўникиб кетган эди. Радиожурналист қаёққа борса, албатта ана ўша “тўрвахалта”сини кўтариб борар, бусиз иши битмас эди.

Кунлардан бир кун республика Ёшлар ташкилотидан Тўлқин Қозокбоев телефон қилиб қолади:

– Шодмонбек! Сенга бир хизмат чиқиб қолди. Москвадаги “Молодая гвардия” нашриётидан Никитина деган бир аёл хизмат сафари билан келган. Шу опа билан бирга Андижонга бориб, шоир Султон Жўрага ўлимидан кейин берилган Островский номидаги мукофотни шоирнинг бевасига топшириб келасизлар.

Раҳбарнинг амри вожиб, мен дарров хўп дедим. Аксига олиб ўша кунлари репортёримдан ишқал чиқиб, ишламаётган эди. Тузатиш учун устахонага топшириб қўйгандим. Эртаси куни Тўлқин ака яна телефон қилди.

– Хўш, сафарга тайёрмисан?

– Йўқ, бир-икки кун кутишга тўғри келяпти.

– Кутишга вақт йўқ, бугуноқ жўнашинглар керак.

– Бугун сира иложи йўқ.

– Нега?

– Репортёр тайёр эмас.

– Э, сен кетавер, репортёр орқангдан бораверади.

Шунда мен беихтиёр кулиб юбордим.

– Нега куласан? – раҳбар аччиғланди.

– Тўлқин ака, репортёр... одам эмас! – дедим кулгимни аранг босиб.

– Қизик, нималар деяпсан ўзи?– раҳбар ғалати гапимдан хайрон бўлди.

– Тўлқин ака, репортёр дегани... овоз ёзиб оладиган аппарат.

– Э-э, шундай демайсанми?

Ҳар гал Тўлқин ака билан ўша ҳангомани эслаганда мириқиб кулишамиз.

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам

Мумтоз адабиётнинг билимдони, кўплаб ғазаллари кўшиқ қилиб куйланган шоир Чустий домла собиқ шўролар даврида маълум муддат таъқибга учраган, асарлари матбуот юзидан кўрмаётган эди. Ана ўша маънавий тазйиқлар таъсирида домланинг саломатлиги ҳам анча заифлашади, юзлари тортилиб, оғзи сал қийшайиб қолади. Бир куни домла журъат қилиб янги ёзган ғазалларини тахририятлардан бирига олиб боради. Бўлим мудирини шоирнинг юзларига ажабсиниб қараркан, секин сўрайди:

– Домла, сизга нима бўлди? Оғзингиз...

– Оғзимиз тўғрилигида гапимиз ўтмади, – дейди шоир кулимсираб. – Мана энди “Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин”, деган мақолга амал қилиб, оғзимизни қийшайтириб келдик. Зора энди гапимиз инобатга олинса...

Коньяк экиб қўйган

Адиб, ажойиб инсон Иброҳим Раҳимнинг Дўрмондаги дала ҳовлиси жуда кўркам, файзли даргоҳ эди. Бу ерда ёзувчининг дилтортар дўстлари, мухлислари тез-тез йиғилишиб туришар, мароқли гурунглар, ҳазил-мутуйибалар гоҳо тонг отгунча давом этарди.

Кунлардан бир кун Иброҳим ака яқин дўстини боғига таклиф қилади.

– Боғингизда нима бор ўзи? – деб сўрайди дўсти.

– Ҳамма нарса бор: ўрик, олма, олча, гилос...

– Хўш, яна нима бор?

– Яна... коньяк ҳам бор, экиб қўйганман, ҳозир пишиб ҳам қолгандир.

– Йўғ-э? Ҳазиллашяпсизми?

– Ҳазил-пазили йўқ, келсангиз ўз қўлингиз билан узиб ейсиз, тойис... ичасиз!

Мехмон ҳам эринмайдиган одам экан. Экилган коньякка кизиқиб, дўстининг боғига келади. Иброҳим ака дўстига олдин фарқ пишган меваларни кўрсатади. Мехмон бунга қаноат қилмай, бетоқат бўлади:

– Э, менга тезроқ ўша мақтаган коньягингизни кўрсатинг!

– Ҳозир-да, мана ҳозир, – дейди Иброҳим ака кулимсираб. – Шошган одам... коньякка ёлчимайди.

Мезбон мехмонга томорка четида барқ уриб ўсиб ётган, хар боши ҳўкизнинг калласидек бўлиқ карамларни кўрсатади. Мехмон яна бетоқатланади:

– Э-э, карамингиз ўзингизга сийлов, одамнинг совуғини оширворади бу нарса. Менга ўша мақтаган коньякни кўрсатинг!

– Мана бу карамни узинг-чи! – Иброҳим ака каттакон бир карамга ишора қилади.

– Яна карам дейди-я, ахир...

– Узинг, узинг, кейин хурсанд бўласиз.

Мехмон бу ерда бир сир борлигига ишонгандек, ноилож карамга яқинлашади. Аммо уввало уринмасин, илдизи бакувват карамни ердан узиб ололмайди. Мезбон ичкаридан ўткир пичок олиб чиқиб, карамни тагидан қирқиб олади.

– Энди буни ўз кўлингиз билан сўйинг.

– Қизик, ахир бу тарвуз эмас-ку!..

– Сўйинг, сўйинг, кизиғи энди чиқади.

Мехмон пичок билан карамни коқ иккига бўлган эди, ичидан ўша даврда “чекушка” деб аталадиган кичкина коньяк ерга юмалаб тушади.

– Вах!! – мехмон худди канотли туя кўргандек, хайратдан дол қолади. Сўнг жилмайиб турган мезбонга қараб хохолаб кулиб юборади.

Маълум бўлишича, Иброҳим ака карам япроқлари энди туга бошлаганда орасига ўша кичкина коньякни жойлаб – экиб кўйган экан.

Гўшт тақчил бўлса

Шўролар замонида кўп нарсалар катори гўшт ҳам анча тақчил бўлган. Давлат нархида гўшт тополган одам омадли хисобланган. Ана шундай омадли одамлардан бири – “Муш-



тум” журнали ходими кунлардан бир кун жамоани уйига чорлаб, зиёфат беради. Меҳмондорчиликда долзарб мавзу – гўшт такчиллиги ҳақидаги гурунг авжига чиқади. Мезбон гўштни қаердан, қандай топганлиги, қанчадан олганлигини эринмай гапира бошлайди. Шунда журнал бош муҳаррири Иброҳим Раҳим ногоҳ шундай лутка ташлайди:

– Илтимос, овқатни еб бўлгунимизча гўштнинг нархини айтмай тулинг!

“Он со мной”

Москвада дунёнинг етти иқлимидан келган машҳур шоирлар, ёзувчилар иштирокида катта адабий анжуман ўтказилади. Ўзбекистондан ҳам нуфузли делегация ташриф буюради.

Анжуман бошланиши олдидан эшик оғаси тепакал, улкан гавдали бир хорижий меҳмонни ҳужжати йўқ эканми, ичкарига қўймайди. Меҳмон боёқиш жиғибийрон бўлиб, ўз тилида бир нималарни чуғурлайди. Можаро устига бизнинг делегация келиб қолади. Маълум бўлишича, ўша тепакал меҳмон Чилининг дунёга машҳур шоири, халқаро Нобель мукофоти совриндори Пабло Неруда экан. Улуғ шоирни таниб қолган ўзбекистонлик танқидчи Лазиз Қаюмов эшик оғасига жиддий, эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир оҳангда амр қилади:

– Пропустите его! Он со мной!

Эшик оғаси танқидчининг савлати, важоҳати ва айникса, товушидаги қатъиятдан бир зум талмовсираб қолади. Сўнг, иккиланмай, тавозе билан ичкарига ишора қилади:

– Хорошо, хорошо, так и сказали бы! Пожайлуста, проходите!

Пабло Неруда – шоири замон эса тушимми ўнгимми дея бир зум хангу манг бўлиб, тошкентлик халоскорига хайрон тикилиб қолади.

Илоннинг хавфлиси

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон водийга борганда ёзувчи Йўлдош Сулаймон билан машҳур Турсунали полвоннинг уйида меҳмон бўлишади. Тунда уйқуси қочган шоирнинг кулоғига ногоҳ ғалати бир шарпа эшитилгандек бўлади.

Бундоқ кулоқ солса, худди илоннинг вишиллашига ўхшайди. Шоир сергакланиб, аста ўрнидан туради. Сигаретини тутатиб, даҳлизга чиқади ва бир четдаги қафасда гажак бўлиб ётган баҳайбат, совуқ илонни кўриб қолади. Бутун вужуди худди ток ургандек жимирлаб кетади. Шошиб ўзини четга олади. Тўғри бориб полвонни туртиб уйғотади.

– Нима гап, Анвар ака?

– Полвон, полвон! Бу... илонингиз кечкурун овқат-повқат еганми ўзи?– дейди тагдор қилиб.

– Э-ха, тушунарли,– дейди Турсунали полвон қулимсираб.– Сиз хавотирланманг. Илоннинг заҳарлиси мен билан ётибди!– дейди ҳазиллашиб.

Орқага юролмайди

Кунлардан бир кун шоир Тўра Мирзони наманганлик каламкаш дўсти ва қудаси Темурбек Тўрабеков мошинасида уйига олиб бормоқчи бўлади. Аммо мошина негадир шоирнинг уйи томонга эмас, бутунлай тескари томон – қўшни Қирғизистонга юра бошлайди.

– Ие, қаёққа кетяпмиз ўзи? – Тўра Мирзо ҳайрон бўлиб сўрайди.

– Қаёққа бўларди – уйингизга-да.

– Ахир, уйим у ёқда эмас, бу ёқда-ку?

– Тўғри, тўғри, аммо мен мошинани орқага юргизолмайман-да. Шунинг учун, кенгрок бир майдон чиқиб қолса, орқага бурилиб олиш учун шу ёққа юряпман.

– Ие, – дейди куда ҳайрон бўлиб, – қайтишда нима қиласиз? Яна Қирғизистонга бориб келасизми?

Ҳазил асқатди

Андижонлик хассос шоира Турсуной Содикова ажойиб нотиклиги билан ҳам маълум ва машҳур. Опанинг турли анжуман ва учрашувлардаги чиқишларини мухлислар зўр ихлос ва ҳаяжон билан тинглайдилар. Кунлардан бир кун ана шундай тадбирда сахнага ёшгина йигит билан киз чиқиб, анжуманни очишади:

– Ҳурматли опажон! Сизнинг ташрифингизни раҳбаримиз Фалончи Фалончиев муборакбод қилмоқчилар! Марҳамат!

Шу маҳал кўлида бежиримгина, катта гулдаста кўтарган, истарали бир йигит саҳнага қараб юра бошлайди. Юзлари андак оловланган, ҳаяжони сезилиб турар эди. У гилам тўшалган зинадан кўтарилаётганда ногоҳ оёғи қоқилиб, юзтубан йиқилади. Кўлидаги гуллар саҳна бўйлаб сочилади. Жуда ноқулай, кўнгилсиз вазият юзага келади. Шунда опа зудлик билан қандайдир бир чора топмаса бўлмаслигини англайди. Уйлаб ҳам ўтирмай, шартта бориб микрофонга юзланади:

– Э, ўлибманми шунча йўлдан келиб битта раҳбарни ағанатиб кетмасам!

Гурр кулги кўтарилади. Опанинг топқирлигидан завқланган мухлислар қарсак чалиб ҳазилни олқишлайдилар. Ҳалиги раҳбар йигит ҳам шу асно ўзини ўнглаб олади, микрофонга яқинлашиб, шундай жавоб қилади:

– Мен ҳам шу опамнинг ҳурмати – оёқларига бир йиқилиб таъзим қилишни орзу қилардим.

Залда яна қарсаклар янграйди.

Қатик ичмаган

Болалар адиби Сафар Барно (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) одам-охун, оқибатли, серзавқ одам эди. У бир куни зиёфатга кетаётганда хотини астойдил тайинлайди:

– Хўжайин, илтимос, каттик ичманг! Хўпми?!

– Хўп, хўп!

Зиёфатдан ширингина бўлиб қайтган эрини кўрган боёқиш аёл зорланиб, нола қилади:

– Ахир, каттик ичманг дегандим-ку сизга, дадаси!

– Ҳалиям... ҳикк, катик ичмадим, хотин! Ароқ ичиб кўя қолдим!

Қофияли фикр

Шоир Уйғун Зоҳиджон Обидов билан жуда иноқ бўлган, сафарларда ҳамиша ўзига ҳамроҳ қилиб олган. Кунлардан бир кун Зоҳиджон ака хориж таассуротлари асосида ёзган туркум шеърларини устозга ўқиб беради. Уларда чет эл ҳаёти, буржуа ахлоқи, капиталистик тузум аёвсиз қораланади. Шоир ўша

шеърларини зўр иштиёқ билан ўқиб бергач, устоздан фикрини сўрайди. Шунда оқсокол фикрини қофияга солиб айтади:

Улар ёмон, биз яхши,
Деди Зоҳиджон бахши.

Толстой нега кўп ва хўп ёзган?

Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) юксак маданияти, камтар-камсуқумлиги, ёш ижодкорларга ғамхўрлиги, олийжаноблиги билан ҳам машхур эди. Ёзувчилар уюшмаси адибнинг 70 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида котибият қарорини чиқаради. Аммо ёзувчи “Халқ қийналаётган пайтда (мустақилликдан илгари) менинг тўй қилишим ярашмайди” дея тадбирни ўтказишга рози бўлмайди.

Заҳматқаш адиб вақтнинг кадрига етар, беҳуда ўтган лаҳзалардан изтиробга тушар эди. Иш тартиби ва интизом масаласида энг эркин таҳририят Асқад ака бош муҳаррир бўлган “Гулистон” журнали эди. Бу ерда иш вақти кундуз соат ўн бирда бошланиб, бешда яқунланарди. Айрим ходимлар эркалик қилиб ишга пешиндан кейин келса ҳам раҳбар қоймасди. Таҳририятдаги бу эркин муҳит айрим ғаламисларнинг ғашига теккан шекилли, катта идорага шу масалада шикоят тушади. Йўлига мажлис ўтказилади ва “Интизом масаласи муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди” дея жавоб ёзишга тўғри келади. Қизиғи, ўша мажлис охирида ходимлар Асқад акадан “Энди иш вақтимиз қандай бўлади?” деб сўрашганда раҳбар “Ўн бирдан бешгача-да!” дея кулимсираб жавоб қилади.

Асқад ака ҳар хил мажлислар, тадбирларга хуши йўқроқ эди. Ўша даврда қардошлар юртида адабиёт кунларини хафталаб ўтказиш урф бўлганди. Бир куни Асқад ака Ленинградда ўтказилган адабиёт кунларидан қайтганда ёзувчи Тохир Малик “Сафарлар яхши ўтдимми?” деб сўрайди. Шунда Асқад ака кулимсираб “Ҳа, бир ҳафта умримизни совуриб келдик” дейди, кейин яна кўшиб кўяди: “Эдуард Межелайтис (Литваллик машхур шоир) зўр гап айтди. “Асқад, биласанми Лев Толстой нима учун кўп ва хўп ёзган? СССР Ёзувчилар союзи Лев Толстойни шунака йиғинларга чақиравериб вақтини олмаган, эмин-эркин ижод қилишига халакит бермаган”

Буни нима қиламан?

Ўзкомпартиянинг уруш йилларидаги биринчи котиби Усмон Юсупов ишдан бўшагач, маълум муддат уйда ўтириб қолади. Тирикчилик оғир бўлган йиллар эди. Амалдорлигида мол-дунё тўпламаган, бориға қаноат қилиб яшаган собик раҳбар рўзгор тебратишға қийналиб қолади. Дардини шогирди Азизхон Қаюмовға (академик, машҳур навоийшунос олим – Ш.О.) айтади.

– Уйда сотишға яроқли бирон нарса борми? – деб сўрайди Азизхон ака.

– Дарвоқе, битта билирд бор, шуни сотиш мумкин бўлса...

– Бўлади, мен харидор топишға ҳаракат қиламан.

Тошкент атрофидаги “Қизил Ўзбекистон” колхозининг машҳур раиси Абдужамил Матқобилов “Бир дўстим сўраб юрувди” дея билирдни сотиб оладиган бўлади. Ниҳоят, билирднинг пули тўланиб, колхоз клубига туширилгач, раис Азизхон акаға юзланиб, шундай дермиш:

– Азиз, энди мен бу нарсани нима қиламан?..

Чиройли тулки экан

Кунлардан бир кун шоир Тилак Жўрани (*Оллоҳ раҳматиса олган бўлсин*) дўстлари овға олиб чиқишади. Елкада милтик, дала-даштларни обдан кезишади. Бир маҳал шоирнинг рўпарасидан тулки чиқиб қолади. Атрофдан дўстлари “Отинг! Отинг!” дея имо-ишора қилишади. Шоир эса тулкиға тикилганча қараб қолади. Ишоралар, қистовлар янада кучаяди. Шоир беихтиёр милтигини тулкиға тўғрилайди-ю, барибир отолмайди, қуролни қайта елкасига осади. Шарпанн сезган ҳуркак тулки қочиб кетади.

Дўстлар шоирни ўртаға олиб, иддао қилишади:

– Ахир нега отмадингиз?

– Зўр имкониятни кўлдан чиқардингиз-да.

– Жуда чиройли тулки экан, – дейди шоир, – тўвалликка ўк узолмадим.

Ҳолва

Бир хонадонда унаштириш маросими бўлаётган эди. Таомилга кўра нон ушатилади. Оқ холвани ушатаётган куда томон вакили шундай дейди:

– Юпқалигини қаранг, илгариги холвалар зўр бўларди.

Бейхтиёр оғиздан чикиб кетган ноўрин гапдан кейин ўртага ноқулай жимлик чўқади. Шунда даврада қатнашаётган ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад нозик лутф билан вазиятни юмшатади:

– Буниси ҳали ҳолва!

Бу гапдан ҳамма жонланиб, жилмайиб кўйишади.

Бурундош

Таникли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, Фарғона педуниверситети профессори Йўлдош Солижонов ташки кўринишдан машхур ёзувчи Саид Аҳмадга жуда ўхшарди. Бир куни учрашувда мухлислар ундан сўраб қолишади:

– Домла, мабодо Сиз Саид Аҳмад билан қариндош эмасмисиз?

Йўлдош ака кулимсираб шундай жавоб қилади:

– Йўқ, қариндош эмасман, мен Саид Аҳмад ака билан бурундошман!

“Э қойил-э!”

Кунлардан бир кун Ўзбекистон санъат арбоби, шоир ва адиб Олимжон Холдорнинг мошинасидаги радиони ўғирлаб кетишади. Чапдаст милиция ходимлари ўғрини қўлга туширишади. Жиноятчи – ёшгина йигит суд қилинади. Унга жазо белгиланаётганда шоирнинг ўғрига раҳми келади. Илтимос қилиб, уни озод қилиб юборади. Ташқарига чиқишганда ўғри шоирни маҳкам кучоклайди. “Энди сиз билан ота-бола тутиндик, раҳмат сизга. Бугундан бошлаб эски хунаримни ташлайман!” дейди.

Олимжон ака шу тарика ўғри билан хайрлашиб, бозорга боради. Керакли нарсаларни танлаб, пулини тўлаш учун кўлини чўнтакка сукса – пул йўқ, ўша ўғри бола отамлаб кучоклаганда бор пулини шилиб кетган экан.

– “Санъатинг”га қойил, ўғри бола! – дейди шоир бошини қашлаб.

Шоирнинг китоби

Шоир Абдухалил Қорабоевнинг шеърлари талабалик йилларидаёқ тилга тушганди. Университетни битиргач, маълум муддат пойтахтда яшаган шоир кейинчалик кадрдон қишлоғи Куллага кўчиб кетади. Мактабда нафис адабиётдан дарс беради, кейинчалик узоқ йиллар “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг мухбири вазифасида хизмат қилади. Ижодни ҳам ташлаб қўймайди. Табиатан содда, камтар-камсукум, самимий инсон бўлган шоир китоб чиқариш учун кўпам куйинавермайди. Абдухалил аканинг ҳамқишлоғи, мухлиси, адабиётга, ижод аҳлига алоҳида бир меҳр-ихлос қўйган инсон – Абдухалил Чақалов кутилмаганда адашининг китобини чиқаришга астойдил бел боғлайди. Вилоятдаги нашриётга тегишли маблағни ўтказлади. Шоир кўлёмани топширавермагач, уни ҳам ўзи олиб боради. Нашриётдаги мутасаддилар муаллифнинг ўзи бир келиб кетсин, дейишади. Томорқа, хўжалик ишларидан ортинолмаган шоир нашриётга боролмайди. Хуллас, жамики оворагарчилик ва чоп-чопларни ҳомий ўз зиммасига олади. Ниҳоят, китобнинг “сигнал” – синов нусхаси тайёр бўлади. Энди шоирнинг ўзи бир келиб кетмаса бўлмайди, дейишади таҳририятдагилар. Шоир шунда ҳам боришга вақт тополмайди.

Ахийри китобнинг мўлжалдаги ҳамма нусхаси чоп этилади. Ноширлар шоир келиб китобини олиб кетсин ҳеч бўлмаса, дейишади. Аммо ўша кунлари шоир томорқасидаги шолини ўт босиб кетгани учун нашриётга боролмайди. Шунда ҳомий – Чақаловнинг ўзи чоп этилган китобларнинг ҳамма нусхасини мошинасининг юкхонасига босиб, шоирнинг қишлоғига жўнайди. Борса, шоир ярим яланғоч бўлиб шолисини ўток қилаётган экан.

– Ҳой, Абдухалил ака, чиқинг бу ёққа!

Шоир оёқ-қўлларидаги лойларни чала-чулпа чайиб, чиқиб келади.

– Э, келинг Абдухалилжон, келинг, қани ичкарига...

– Вақтим йўқ. Китобингиз чикувди, ана, олиб келдим, қабул қилиб олинг.

– Йўғ-э, наҳотки... чикқан бўлса?!..

Чақалов мошина юкхонасини очиб, тахлам-тахлам қилиб боғланган китобларга ишора қилади:

– Мана, кўринг!

Шоир юкхонага энгашиб, бир уюм китобларни кўраркан, хайратдан лол қолади.

– Вой-бў намунча кўп?! Бунча китобни нима қиламан? Менга беш-олтитаси ҳам етарди.

– Вей, менга қаранг! – дейди Чақалов шоирнинг соддалигидан завқи тошиб. – Ҳозир менга шу китобдан биттасига дастхат ёзиб совға қиласиз, тамом-вассалом! Қолгани ўзингизга хавола – хоҳланг кутубхонага, хоҳланг носфурушга беринг.

Ҳомий дастхат ёзилган китобни олгач, мошина юкхонасини бўшатиб, жўнаб кетади. Шоир эса бир хирмон китоблар олдида бош қашлаганча ўйланиб қолади.

Олти улфат йўлга чиқди

Наманганда чиқадиган “Маърифат гулшани” газетасида (кейинчалик ёпилиб кетади – *Ш.О.*) исдеъдодли ёзувчи Ҳабиб Темировни ҳақоратловчи бир мақола босилади. Мақола анчамунча шов-шувларга сабаб бўлади. Газета саҳифаларида бахс-мунозаралар кизийди. Камина ноҳақ танқидни қоралаб, матбуотда каттагина мақола чоп эттирдим. Ҳ.Темиров ўз шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиб, газетани судга беради. Суд жараёни жуда узоқ давом этади. Ниҳоят, ҳақ жойида қарор топиб, ёзувчи судда ютиб чиқади. Етказилган маънавий зарар учун таҳририят кўзда тутилган маблағни ёзувчига тўлайди.

Биз Ҳабиб Темировни ноёб ғалаба билан (суд амалиётида бундай воқеа камдан-кам бўлади) табрикладик ва ютукни ювасиз дея писанда қилдик. Дўстимиз ўз ҳисобидан янги йўлга кўйилган тезювар “Афросиёб” поездида Самарқандга саёхат уюштирди. Олти улфат, устозлар – Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров ва Насриддин Муҳаммадиев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳабиб Темиров, камина йўлга чиқдик. Ҳаммамиз шахмат жиннисимиз. Қулай фурсат топилди дегунча шахматдан бош кўтармаймиз. Ҳатто поездда ҳам манзилга етгунча магнитли шахматда дона суриб бордик.

Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, меъморий обидаларини томоша қилгач, оқшомдан тонг отгунча Ҳабибнинг қайниси Фарҳоднинг Регистон ёнидаги хусусий меҳмонхонасида шахмат ўйнаб чиқдик. Дарвоқе, бу сафар таассуротларини ҳамроҳимиз, шоир Насриддин Муҳаммадиев ҳазил шеърида шундай ифодалаган эди.

*Олти улфат йўлга чиқдик, бари шахмат “жинниси”,
Битта қўлда чою қимрон, биттасида чинниси.*

*Устоз Эркин Воҳид эрди “жинниларга” раҳнамо,
Йўлга чорловчи Ҳабиб Темур бирла қайниси.*

*Тезюрар поездга миндик айни фасли навбаҳор,
Қир-адирлар лолазору чор тарафда гул иси.*

*Бизга ҳамроҳ бўлди йўлда неча сайёҳи фаранг,
Янгради ҳар дамда дўстларнинг ажойиб кулгуси.*

*Кун бўйи аҳбоб ила сайри Самарқанд айладик,
То саҳар шахматни сурдик чиққунича шинниси.*

6 май, 2012 йил

Суғурта

Андижонлик ҳажвчи ёзувчи Тўхташ Ашуров (*Оллоҳ раҳмат қилсин*) кўп аломат одам эди. Жўралар йиғилишиб қолса, тонг отгунча оҳори тўкилмаган, янги латифа айтиб чарчамасди. Кунлардан бир кун у Тўлан Низом билан кўчада бирга кетаётган эди. Ҳамроҳининг тез-тез машина йўлига чиқиб кетаётганини кўрган Тўлан ака огоҳлантиради:

– Эҳтиёт бўлинг, машина уриб юбормасин!

– Э парво қилманг, – дея жавоб қилади ҳажвчи, – мен ўзимни суғурта қилдирганман.

Гўшт тақчил бўлса...

Мустақилликдан илгари, гўшт тақчил бўлган замонлар эди. Тўхташ акадан “Гўшт масаласини қандай ҳал қилиясиз?” деб сўрашади.

– Э, ҳамма нарсанинг йўли бор, – дейди Тўхташ ака.

– Қандай йўл экан, бизга ҳам ўргатинг.

– Гўштни тирноқдай майдалаб, овқатга соламиз. Болаларимнинг ҳар бирига катталаштириб кўрсатадиган дурбин олиб берганман. Кичкина гўшт ҳам кўзига катта бўлиб кўринади.

“Пиёз уй”

Тўхташ ака андижонлик шоир Нусрат Абдусалом билан йўлда кетаётган эди. Ҳашаматли бир иморат олдида тўхтаб, ҳамроҳидан сўрайди:

– Мана шу уйнинг қурилишига нима кўп кетган, биласизми?

– Ҳмм, гишт кўпроқ кетган бўлса керак-да, – дейди шоир.

– Йўқ, тополмадингиз.

– Балки ёғоч кўп кетгандир.

– Яна тополмадингиз. Майли, ўзим айтиб қўя қолай. Бу иморатга пиёз кўп кетган. Чунки бу уйнинг эгаси эски шаҳардаги сомсахонанинг мудури!

“Олға, фақат...”

Шоир бир сатр шеъри билан ҳам адабиёт тарихида қолиши мумкин экан. Ҳозир номи унутилаётган, аммо ўз даврида яхшигина шеърлар ёзган шоир Мамарасул Бобоев номи тилга олинганда, унинг “Олға, фақат менинг ортимдан” деган ўша машҳур сатри тилга олинади. Дарҳақиқат, катта ҳаёт ҳақиқати акс этган бу соддагина мисра беихтиёр одамни ўйлантириб қўяди...

Чингиз Айтматовнинг мухлиси

Тошкентда ўтказилган адабий тадбирда катнашган машҳур адиблар – Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Одил Ёкубовлар Черняевкадан Чимкентга кетишаётган эди. Хайдовчи бир жойда қонидани бузади шекилли, ДАН ходими

хуштагини “чурр” эткизиб, четга ўтиб тўхташга ишора қилади. Чингиз оға ҳайдовчига тўхтамай юравер дея бош ирғайди. Эринмаган мелиса орқадан қувиб келиб, мошинани тўхтатади. Ичкарига қараб, дунёга машхур адибни таниб қолади.

– Чингиз оға, – дейди мелиса хижолатомуз оҳангда, – мен сизнинг бир мухлисингизман, ҳамма китобларингизни ўқиганман. Мана бу дафтаримга дастхат ёзиб берсангиз.

– Китоб ўқийдиган мелиса ёмон мелиса бўлмайди, – дейди Чингиз оға дастхатни узатаркан. – Ҳамиша яхшиликка хизмат қилгин, болам.

– Раҳмат оға, раҳмат. Сафаринглар беҳатар бўлсин.

Бош, қош ва тош

Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида ёзувчилар ўзаро гурунглашиб овқатланаётгандик. Гап айланиб келиб ким қаерда, кимлар билан ишлашганига тақалди.

– Мен “Шарқ юлдузи” журналида тўртта бош муҳаррир билан ишладим, – дейди бўстонликлик, сочлари оппоқ ёзувчи Асад Асиллов. – Лекин биронтаси косамни оқартирмади.

– “Зато” сочингизни оқартиришди, – дейди бароқ қошли шоир Искандар Раҳмон.

– Тўғри, – дея жавоб қилади Асад ака. – Икковимизни одамлар адашмай топиб олади. Мени бошдан, сизни қошдан.

Шунда Искандар ака тўладан келган, барваста, қорақалпоғистонлик ёзувчи Муродбой Низановга ишора қилиб кўшимча қилади:

– Мана бу укамизни тошдан (*вазндан демоқчи – Ш. О.*) таниб олишади!

Самимий кулишдик.

Ўзини чақиринг

Қорақалпоқ адабиётининг асосчиси Бердақнинг (Бердақ – тахаллуси, асл исми Бердимурод Қарғабой ўғли, 1827 йили туғилган, 1900 йили вафот этган. Қарақалпоқ адабиёти асосчиси – Ш.О.) таваллуди муносабати билан жойларда турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилаётган эди. Мутасаддилар бир туманга бориб, ҳоким муовинидан тадбир юзасидан маслаҳат сўрашади.

– Шунга ҳам бош қотириб юрасизларми? – дейди умрида китоб ўқимаган раҳбар беписанд оҳангда. – Юбилярнинг ўзини чақиринг, бозордан битта йилтироқ чопон олиб ёпинг. Кейин, ўзимизнинг маҳаллий шоирлардан беш-олтитасини қўшиб, ош берингда, тезда жўнатиб юборинг. Ҳозир пахта компанияси авжида, вақт зиқ, бу ёғини ўзинглар эплаштираветинглар, мен бандман!..

Яна нима керак?

Истеъдодли шоир Ўлмас Жамол дилкаш, самимий инсон. Бир замонлар у билан Пицундадаги ижод уйида бирга дам олганимизда бунга гувоҳ бўлганман. Ўлмас ака дунёнинг турли жойларидан келган адиблар билан тезда тил топишиб кетарди. Айниқса, Москвадан келган шоирлар билан кўпроқ мулоқотда бўларди. Ана ўша ижодий ҳамкорлик самарасимиди – кейинчалик шоирнинг китоби Москвада ҳам чоп этилади.

Шоир хурсанд бўлиб, китобни “ювиш” учун уйига сеvimли шогирди, таниқли шоир Жамшидни чорлайди. Улфатчилик бошланади. Негадир устознинг хаёли паришонроқ, нимадан-дир дилгир эди.

– Китобингиз марказда чиксаям хурсанд эмассиз, шаштингиз пастрок, тинчликми, устоз? – дейди Жамшид.

– Китобдан кўнглим тўлмаяпти, – дейди шоир тўғриси айтиб. – Таржима яхши чикмапти, худди бегонанинг шеърларига ўхшаб копти.

– Китобда имзонгиз турибди-ку, – устозга далда беради шогирд. – Яна нима керак сизга!

Ким билан гаплашдим?

Бир хонадондаги зиёфатда меҳмонлар кизгин гурунглашиб ўтиришганди. Ногоҳ бурчакдаги телефон жиринглаб қолади. Гўшакни олган мезбон шоир Жамшидга юзланади:

– Сизни сўрашяпти?

Шоир телефонда ҳамсухбатидан хол-аҳвол сўрагач, худди эски танишлардек жуда узоқ гаплашади. Кейин, телефонни жойига қўйгач, мезбондан сўрайди:

– Қизик, мен ҳозир ким билан гаплашдим ўзи?

Ким нима дейди?

Умрида кўча ҳаракати посбонлари – ДАН ходимига иши тушмаган, у билан бир тўқнашмаган одам бўлмаса керак. Қисталанг, мушкул вазиятдан ҳар ким ҳар хил усулда чиқади. Кимдир ялиниб-ёлборади, кимдир амалини пеш қилади, бошқаси пул қистиради... Ишқилиб, исканжадан қутулиб чиқса бўлди.

Ахмаджон Мелибоев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бош муҳаррир бўлган кунларнинг бирида ДАН ходими мошинасини тўхтатади. Ҳайдовчиси, кўли кўксига, нималардир дейди, посбон пинагини бузмайди. Чарм сумкасидан қоғоз чиқариб, ручкасини қўлга олади. Ахмаджон ноилож мошинадан тушади. Посбон билан саломлашгач, қўлини ҳайдовчисига бигиз қилиб, жиддий алпозда шундай дейди:

– Агар қоидани бузган бўлса, аяб ўтирманг! Мен раҳбар бўлсам – ишхонамда раҳбарман, аммо бу ерда сиз раҳбарсиз. Бу ерда сизнинг айтганингиз бўлади.

– Сиз... раҳбармисиз? – посбон андак шаштидан тушади. Ахмаджонга худди шу савол керак эди.

– Мен бир газетада бор-йўғи бош муҳаррирман, холос. Аслида сиз билан биз битта катта мақсад йўлида хизмат қилаётган одамлармиз.

– Мана, ака, ҳурматингиз бор, шўпирингиз энди қоидани бузмасин! – дея посбон ҳужжатларни қайтариб беради.

... Шоир Ҳамрокул Аскар оёқда туролмайдиган даражада ғирт кайф бўлиб мошина ҳайдаб кетаётганда ДАН ходими ҳуштак чалиб тўхтатади. Шоир мошинадан тушолмас эди. Қиёфасига жиддий тус бериб, ҳеч нима бўлмагандек ўтираверади. Посбон ёнига келиб, “чест” бергач, исму шарифини айтади. Гапириш учун оғиз жуфтлаганда шоир унинг гапини бўлади:

– Менга қара, уқа, мабодо сенга ишончли, садоқатли бир дўст керак эмасми?

Посбон кутилмаган саволдан ҳайрон бўлади. Ғалати ҳайдовчи яна саволини такрорлайди.

– Албатта керак! Бундай дўст ҳаммага керак!

– Ана ўша дўстинг мен бўламан! Қани энди ош ейдиган қўлингни бер! Бугундан бошлаб сен билан киёматли дўстмиз!

Посбон “қиёматли” дўстини кўлини кўксига кўйиб кузатиб қолади.

Мопассан ака

Ҳабиб Темиров ишқий-саргузашт асарлар ёзишнинг ҳадисини олган, таниқли ёзувчи. Асарлари хорижда ҳам тарқалган. Уни танқид қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо мухлислари кўпроқ.

Кунлардан бир кун зиёфатда Ҳабибнинг ҳамкасби қаршисидаги одамга уни “Бу киши – ўзбекнинг Мопассани” (ишқий асарлари билан машҳур бўлган француз адиби Мопассан – *Ш.О.*) деб таништиради. Адабиётдан йироқ, умрида китоб ўқимаган бу одам ҳазилни тўппа-тўғри тушунади. Хайрлашаётганда назокат билан кўлини кўксига кўйиб, ёзувчига илтифот қилади:

– Биз томонларга ҳам меҳмон бўлиб келинг, Мопассан ака!

Ишқал бўлмасин деб

Хоразмлик Ошиқ Эркин кўшиқчи шоир сифатида машҳур. Унинг беш юздан зиёд шеъри кўшиқ қилинган.

Кунлардан бир кун Эркин оға Урганч университети ректори хузурига киради.

– Бизга нима хизмат, ёшулли? – деб сўрайди раҳбар шоирдан.

– Шу... ўғилни Сизнинг университетингизда ўқитсак дегандик.

– Жуда яхши-да! Ўғилча неча ёшда ўзи?

– Э ҳали ёш, энди биринчи синфда ўқияпти.

– Э-ҳа, жуда ёш экан, ҳали эрта-ку бунақа гапларга, ёшулли?

– Кейинчалик, ишқали чиқиб қолса, олдинроқ айтиб қўймабсиз деб юрманг дедим-да!

Энг қисқа интервью

Ушбу ҳангомани суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳикоя қилган.

Рус тилида ижод қиладиган журналист, ҳажвчи ёзувчи Лутфулла Кабиров бир куни самолётда Москвага хизмат сафари билан жўнайди. Манзил яқин қолганда об-ҳаво шароити тўғри келмай қоладими ёки самолётда бирон ишқал чиқадими, ҳарқалай, учувчилар анча таҳликага тушиб қолишади. Самолёт ҳавода қайта-қайта айланиб, ахийри шаҳарга етмай, захирадаги бир аэропортга қўнади. Ҳамма енгил нафас олади. Шунда ҳажвчининг журналистлиги тутиб кетади. Диктофонни қўлига олиб, учувчилар ўтирган кабинага боради. Ўзини таништиргач, командирга диктофонни тутиб, юз берган фавқулудда ҳодиса ҳақида бир оғиз изоҳ беришини илтимос қилади. Шунда ўша лаҳза кўнглига ҳеч нарса сиғмай, тажанг ўтирган командирнинг энсаси котиб, “Бор йўқол!” (*аслида, ўрчисчасига “Иди на...” дейилади*) дея ўшқиради. Хуллас, ўша нордонгина бир оғиз лукма журналист хотирасида энг қисқа интервью сифатида муҳрланиб қолади.

Ҳирот қаерда?

Таниқли олим Бегали Қосимов (*раҳматли адабиёт илмида мактаб яратган, улуг аллома эди*) бир куни талаба қиздан Навоий ҳаётига доир имтиҳон олаётганди. Талаба Навоийнинг Ҳиротда туғилгани, Ҳусайн Бойқаро билан болалиқдан дўст бўлгани ҳақидаги маълумотларни тутилмай, бурро сўзлаб беради. Гап Ҳирот ҳақида айланавергач, домла талабанинг билимини дурустроқ синамоқчи бўлиб, чалғитувчи саволни беради:

– Тўғри, Ҳирот Алишер Навоий туғилган жой. Энди айтинг-чи, Ҳирот қаерда жойлашган? Тошкент билан Самарқанд орасидами ёки Тошкент билан Бекобод орасидами?

Талаба ўйланиб қолади. У Тошкент–Самарқанд оралигида Гулистон, Жиззах шаҳарлари борлигини яхши билган, Тошкент – Бекобод томонларга эса йўли тушмаган, география фанидан эса саводи ўзига яраша экан. Шу боис яна бир оз ўйлангач, домла қўйган тузоққа осонгина илинади:

– Хирот Тошкент билан Бекобод орасида жойлашган, домла.

– Ҳмм, шунақа денг? – домла ҳафсаласи пир бўлиб, талабанинг синов дафтарчасини қўлига тутказади. – Боринг, яхшироқ тайёрланиб келинг.

Тежамкор шоир

Таниқли шоир Икром Отамуродов яёв юришни ёқтирарди. “Кўпгина шеърларимни йўлда юриб ёзганман” дерди. Шоир пойтахтнинг Қорасув даҳасидаги уйдан шаҳар марказидаги ишхонасига ҳам эринмай пиёда келаварарди.

Бир куни “Муштум” журнали раҳбари Носиржон Тошматов шоирнинг радиожурналист ўғли Бобурни учратиб, шундай дейди:

– Отанг жуда ҳафсалали одам-да. Ишхонага шунча олис йўлни пиёда босиб келади. Бу йилларда қанча автобус пулини тежаб колди.

– Э-э, кўйинг, гапирманг, – дейди Бобур ҳафсаласи пир бўлиб. – Отам бу йиллар давомида ҳар ойда туфлисини янги-ларди.

Ким нима отади?

Кунлардан бир кун Хоразм вилоят Ёзувчилар уюшмаси раҳбари, худди Мавлон Икром каби овчилиги билан ҳам маълум ва машҳур бўлган ажойиб инсон Раҳим Бекниёз ҳамюрти Эркин Самандар билан пойтахтдан келган машҳур ижодкорлар – Шухрат ва Эркин Воҳидовни овга таклиф этади. Авжи киш мавсуми, атроф оппоқ қор. Эскироқ “виллис” мошинасида йўлга чиқадилар. Манзилга етгач, ўлжа кидиришга тушадилар. Аксига олиб биронта тирик жонлиғ учрамайди. Шунда Шухрат ака Раҳим акага ҳазил қилади:

– Ёғилиб кетди деганинг қор экан-да?

Эркин Самандар ҳам ҳазилга қўшимча қилади:

– Мабодо биздан нима отдинглар деб сўрашса, қорда одим отдик деймиз-да!

Меҳмонлар хохолаб кулишади.

“Думинг” қани?

Турли тахририятларда узоқ йиллар самарали хизмат қилган зукко муҳаррир Маҳмуд Саъдий жуда кўп ёш қаламкашларга устозлик қилган. Маҳмуд ака бирон тахририятда тўрт қаторгина нарсаи чоп этилса ҳам, мусахҳихларга ишонмай, шахсан ўзи бориб асарини ўқиб беради. Саводхонлик бобидаги талабчанлиги ибратли.

Кунлардан бир кун Маҳмуд ака кўчада шогирдларидан бирини учратиб қолади.

– Ҳа шоир, кўринмайсан? – Маҳмуд ака худди устоз Носир Фозиловдай, ижодкорларни “Шоир” деб атарди.

– Юрибман, устоз, тупроқдан ташқари, – дейди шогирд.

– Менга адресингни ёзиб бер, керак бўлиб қолсанг қидириб юрмай.

Шогирд шоша-пиша манзилини бир парча коғозга ёзади-ю бекатга келиб тўхтаган автобусга интилади. Устоз тезгина коғозга кўз югуртириб, пешонаси тиришади.

– Тўхта! – дейди “шоир”нинг орқасидан. – Думинг қани?

“Шоир” гап нимадалиги англолмай, талмовсирайди.

– Маҳоратинг ғовлаб кетибди! Исмингдаги “х”га дум кўймабсан-ку? Ўзинг тузат хатонгни!

“Шоир” хатосини тузатгачгина устознинг исканжасидан кутулади.

Пастмодернизм

Кунлардан бир кун постмодернизм усулидаги шеърлари билан танилган шоир Баҳром Рўзимухаммад шоир дўсти Муҳаммад Ғаффорга телефон қилади:

– Муҳаммад! Эшитдингми, биз пастмодернизм ҳақида китоб чиқаряпмиз.

– Жуда яхши! Дарвоқе, бу китобда мен ҳам борманми?

– Сен тушунмадинг, – дейди шоир масалага аниқлик киритиб. – Мен постмодернизм эмас, пастмодернизм деяпман.

– Э шундайми? Унда керак эмас, паст кетиш йўк!

“Чашма”

(Муҳаммад Очилов ҳикояси)

Ёзувчилар уюшмаси адабий маслаҳатчиси, шоир Гелди Бердиевнинг “Чашма” сериясида учинчи тўплами чоп этилган, кайфияти зўр эди. Шоир “Жигули” мошинасини бозор майдонидан хайдаб ўтаркан, савдо растаси рўпарасида тўхтатиб, орка ўриндикда кетаётган ёш шоир Вали Ниёздан илтимос қилади:

– Бугун энди биз учун байрам. Шоир учун китоб чиқариш янги фарзанд кўргандек гап. Ука, сенга хизмат бўлмаса, шундок ана бу дўконга бориб, “Чашма”дан уч-тўртта олиб кел. Китобни ювамиз. Мана пул...

Вали Ниёз “хўп бўлади” деганча мошинадан отилиб чиқиб кетади. Шу кетганча орадан икки соат ўтгачгина терлаб-пишиб келади. Бу орада Гелди Берди икки қути сигаретани чекиб, тажанг бўлиб ўтирарди. Шогирдни кўриши ҳамон тутоқиб кетади:

– Қаёққа гумдон бўлдинг? Толкон еб, сени сувга юбориш керак экан!

– Э-э! – Вали Ниёз хафсаласи пир бўлгандек қўл силтайди. – Бу дўконда ичимлик соат учдан кейин сотиларкан.

– Қизик, ичимликка китобнинг нима алоқаси бор? – шоирнинг авзойи бузилади. – Ана-ку китоб дўкони. Кеча ўзим келиб “Чашма”дан беш-олтитасини...

Вали Ниёз кулимсираб устознинг гапини бўлади:

– Э ака, мен ҳам курук қайтмадим. Мана, бир иложини қилдим.

Шогирд қўлтиғидаги қоғоз ўрамини очади. Унда икки дона “Чашма” виноси думалаб ётарди.

Тажрибаси етмайди

Бенедикт Сарновнинг “Ҳеч ажабланманг” (“Перестанте удивляться”) деган ғаройиб китобини таржима қилаётгандим. Шунда бир кизик хангомага дуч келдим. Шўролар замони, катагон сиёсати авж олган йиллар СССР Ёзувчилар уюшмасининг раиси Александр Фадеев ичкиликка берилган экан. Бир

куни уни Сталин йўқлаб қолади. Раисни қидириб ҳеч қаердан топишолмайди. Ниҳоят, орадан кунлар ўтгач, Фадеев Сталин билан учрашади.

– Қаёқларда гумдон бўлиб юрибсиз, ўртоқ Фадеев? – деб сўрайди Сталин.

– “Запой”да (ичкиликка мубтало бўлиш касали – *Ш.О.*) эдим, ўртоқ Сталин, – Фадеев тўғриси айтилади.

– Бу ...”запой” деганингиз неча кун давом этади?

– Ўн, ўн икки кун, ўртоқ Сталин.

– Коммунист сифатида бу муддатни сал қисқартириш мумкин эмасми? Масалан, икки, уч кунга...

Мен “запой” сўзини қандай таржима қилсам экан дея ўйланиб қолдим. Сўзнинг маъноси тушунарли, албатта. Сурункали, тўхтовсиз ичиш дея ўгириш ҳам мумкиндек. Аммо хаёлимдан бу тушунчани худди аслиятдагидек бир оғиз сўз билан, лўнда қилиб ифодалайдиган муқобили бордир деган фикр ўтди. Ичмайдиган одам сифатида мен буни билмаслигим мумкин. Хўш, кимдан сўраш керак? Албатта, кўпроқ ичадиган, айни чоғда саводлироқ одамдан сўраган маъқул. Ўйлай-ўйлай ён қўшним, адабиётшунос олим ва таржимон, гоҳо дилтортар дўстлари билан улфатчилик қилиб турадиган Ортиқбой Абдуллаевдан сўрай қолдим. Масалага ойдинлик киритиш учун ўша Фадеев воқеасини ҳам айтиб бердим. Шунда Ортиқ ака ўзига хос камтарлик билан жавоб қилди:

– Шодмонбек, узр, менинг бу борадаги тажрибам ҳали Фадеев даражасига етмаган!

Авариябон жой

Кунлардан бир кун шоир Турсун Али бир гуруҳ ижодкорларни мошинасида каминанинг Хумсондаги дала ховлимга олиб кетаётганди. Йўлакай меҳмонларга атрофдаги гўзал манзараларни таърифлаб боради. Ажойиб бир масканга етишганда шоир шундай дейди:

– Мана шу ерда бир вақтлар автохалокатга учраб, ўлишимга бир баҳя қолган.

Ҳангомага шу бир оғиз луқма туртки бўлди.

– Жуда гўзал жой экан, – деди фарғоналик профессор Йўлдош Солижонов.

– Киройи авария бўлсанг арзийдиган жой экан, – Азим Суюн дўстига тегажоқлик қилади. – Ўтган-кетганлар бир тўхтаб дуо қилиб кетишади...

Бир маҳал мошина ўйдим-чукур, нотекисроқ йўлга чиқади.

– Йўқ, боя адашган эканман, мана шу ерда авария бўлудим, – дейди шоир.

– Э неча марта авария бўлгансиз ўзи? – Азим Суюн хангомани давом эттиради. – “Бир бошга бир ўлим” деган нақлни ҳам расво қилдингиз.

Шунда ҳажвчи Ҳаким Зокирнинг ҳазили хангомага яқун ясайди:

– Турсун Али ака, қўйинг бунақа жойларни, ўша – олдин кўрсатган жойингиз яхши эди, неча марта авария бўлсангиз ҳам ўша ерда бўлгани маъқул.

Ҳамроҳлар мириқиб кулишади.

Навоий киноя қилганми?

Ўтган асрнинг 80–90-йиллари Матбуот қўмитасида бир назоратчи (аслида цензурачи деган ваҳимали ном билан аталарди) ишлаганди. (Тушунарли сабабларга кўра исму шарифини айтолмайман, аммо гап ким ҳақида экани ҳаммага, айниқса, матбуот ходимларига яхши маълум). Ҳамма ундан безор бўлганди. Арзимаган нарсага эътироз билдириб, саҳифадаги тайёр нарсани олдириб ташларди. Гарчи жасоратли ижодкор Карим Баҳриев цензурага қарши бир қанча китоблар, рисола-лар ёзган бўлса-да, амалда ҳеч нарса ўзгармай келар, боёкиш жарналистлар дардини кимга айтишни билмас эди. Ўша кезлар мен алоқачиларнинг “Хабар” газетасида бош муҳаррир эдим. Ахийри бир куни мен ҳам ўша назоратчи билан тўқнашдим. Ҳар гал газетамизнинг биринчи саҳифаси ҳазрат Навоийнинг “Эрурсен шох, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шохсен сен” деган пурҳикмат байти билан бошланарди. Ҳамкасб дўстлар бу хикмат жуда топиб қўйилганини, газетамизнинг мазмун-ўйналишига жуда мос эканини таъкидлашар эди. Энди карангки, кунлардан бир кун назоратчи ҳазратнинг ўша сўзларини олиб ташлайсан деб оёқ тираб туриб олди.

– Нега энди? – дедим ҳайрон бўлиб. – Бу ахир Навоийнинг сўзлари-ку?!

– Гапни кўпайтирмай, менинг айтганимни қилинг! Бошимни қотирманг!

– Ахир мундоқ тушунтиринг, наҳотки ҳазратнинг сўзларида бирон-бир... хатолик бўлса? – дедим хит бўлиб.

– Сизлар юқорининг ҳеч нарсадан хабари йўқ демокчимисизлар? – деди назоратчи кўзойнагининг остидан кўзларини лўқ қилиб. – Навоийнинг сўзлари орқали киноя қилмоқчимисизлар?

“Ё алҳазар!” дея ёқа ушлаб қолдим...

Хайриятки, орадан йиллар ўтгач, цензура йўқ қилинди. Ҳазратнинг муштарийлар ўрганиб қолган ўша ҳикмати яна тиклаб қўйилди.

Ўхшаш қиёфалар

Шифокор ва шоир Искандар Раҳмоннинг қиёфаси машҳур кинорежиссёр Латиф Файзиевга жуда ҳам ўхшарди. Ана ўша ўхшашлик туфайли кулгили ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Мухлислардан бири унга “Қутлуғ қон” фильмини бўшроқ ишлагансиз дея иддао қилади. Учрашувлардан бирида хайрлашув чоғи тадбирни бошқарган раҳбар “Тез-тез келиб туринг, ўртоқ Латиф Файзиев!” дея беихтиёр қовун туширади.

Кунлардан бир кун таникли артист Эркин Комилов Искандар акани ўзи ҳам роль ижро этган, Латиф Файзиев режиссёрлик қилган, Ҳиндистон билан ҳамкорликда ишланган “Алиф ва Лайло ёки Маккора” фильмининг кўригига таклиф этади. Шоир белгиланган вақтда санъат саройига боради. Тумонат одамни кўриб боши қотади. Чунки ёнида таклифнома йўқ эди. Ишонгани – Эркин Комилов негадир кўринмасди. Шоир иккиланиброк эшик олдида бориб, назоратчиларга юзланади.

– Кечирасизлар...

– Келинг, келинг, марҳамат!

– Таклифномам...

– Э, таклифномани нима қиласиз, тақсир? Ўзингизнинг уйингиз-ку, бемалол кираверинг! Ҳамма сизни кўргани келса-ю, Сиз бўлса...

Назоратчи кимнидир чақириб, тайинлади:

– Латиф акани ичкарига олиб кириб, яхшироқ жойга ўтказинг.

Эътиборли одамлар учун ажратилган махсус жойда ўтирган шоир хижолатдан томоша кўргандек ҳам бўлмайди.

Тузукроқ жой

Кунлардан бир кун самарқандлик шоир Олқор Дамин Андижонга келиб, уч кун меҳмон бўлади. Мезбон – шоир Нусрат Абдусалом меҳмонни шаҳар айлантириб, томоша қилдиради. Кейин уйига олиб боради.

– Агар хоҳласангиз, яқин қариндошларимнинг уйига ҳам олиб бораман, дам олиб қайтасиз, – дейди мезбон.

– Қариндошларингиз қаерда яшайди? – деб сўрайди Олқор Дамин.

– Узоқда эмас, шу шаҳар атрофида туришади. Бири Чувалачи деган жойда, яна бири Бақақуриллоқ деган жойда, қолганлари Айрончи, Чем деган жойда. Шунақа серуруғмиз.

– Ие, жойларнинг номи жуда кизик экан-ку! Тузукроқ жойда турадиганлари йўқми?

– Бор, битта қариндошимиз пиво заводига яқин жойда туради.

– Жуда яхши! Ўша ёққа бора қолайлик, баҳонада пиво ичиб келамиз! – дейди меҳмон жонланиб.

ДУНЁНИ КУЛГУ ҲАМ ҚУТҚАРАДИ

(Сўнгсўз)

Кулиш осон, кулдириш қийин. Айникса, янги латифа ёки қизик гапни ўйлаб топиш, ижод қилиш жуда мушкул иш. Аммо турмушда баъзан шундай ажиб ҳангомалар, ғаройиб воқеалар, чиройли лутфлар учрайдики, улар ростлиги-ҳаётийлиги, қизиқарли экани билан кўнгилга завқ-шавқ улашади. Башарти улар маълум ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ бўлса, кишида ўзгача кайфият уйғотади.

Ёзувчиларнинг Тошкент яқинидаги Дўрмон ижод уйи не-не табаррук зотларнинг мароқли, дилкаш суҳбатларига гувоҳ бўлган мўътабар, фойзли даргоҳ. Ажабо, умрнинг оқар сувдай ўтишини қарангки, ана ўшандай қувноқ гурунглари ҳам эндиликда тарих бўлиб қолаётир. Бозор иқтисодиётининг аёвсиз синовларидан, турмуш ташвишларидан ортиниб, ижодга вақт ажратиш мушкуллашиб бораётгани боисми ёки бошқа сабабданми, ҳарқалай энди Дўрмонга ёзувчиларнинг камроқ боришаётгани таассуфли ҳол. Ушбу китобнинг ёзилишига, аввало, ана ўша ерда ижодкорлар даврасида бўлиб ўтган ажойиб гурунглари, беғубор ҳазил-мутойибалар, турфа хил ҳангомалар, бетакрор лутфлар туртки бўлди. Дўрмонга ижод қилиш учун борган ёзувчи эртадан-кечгача хонанишин бўлиб ёзавермайди. Бу ердаги муҳит шундай ажойибки, ёзувчи кўнгил чигалини ёзиб, ҳамкасби билан чин юракдан, самимий гурунглашиши, шу асно енгил тортгиси келади. Шундай бетакрор гурунглари кўп марта гувоҳ бўлганман. Гоҳо армон қиламан, қанийди шундай гурунглари видеотасвирга туширилса... Авлодларга беқиёс мерос бўлиб қоларди. Мен шундай гурунглари ҳеч бўлмаса қоғозга тушириб қолишга ҳаракат қилдим. Тўғри, ҳангома қандай туғилса, қандай айтилса, шундай қоғозга тушмайди, албатта. “Ижод қозони”да қайта “пиширилади,” кулгининг “доза”си меъёрига келтирилади. Айрим ўринларда ўзбекона андишага бориб, ҳангомалар бир оз силликланади, баъзи исм-шарифлар айтилмайди. Ўзбекона менталитетни, ҳазил, юмор туйғуси ва маданияти ҳаммада ҳам бир хил эмаслигини ҳисобга олмай илож йўқ...

Матбуотда, “Табассум” студиясида, телекўрсатувларда “Дўрмон хангомалари” эълон қилинган, кўнглимда бу самимий ҳазил-мутойибалар жамоатчилиқда қандай фикр уйғотаркин, айниқса, хангома қаҳрамонлари ҳазилни тўғри тушунишармикин, деган андиша ҳам йўқ эмасди. Кўпчилик хайрли иш бошлабсиз, буни яна давом эттиринг, дейишди. Айниқса, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов каби устозларнинг қўллаб-қувватлаши яхши далда бўлди.

Баъзи ижодкор оғайнилари ҳазиллашиб, “Сенинг олдинда бир гапни айтиб бўлмас экан, дарров хангомага қўшвораркансан”, дейишса, бошқаси “Э, менда бундан ҳам зўрроғи бор эди, бир эрисанг эшитасан”, дея кўнглимга чўғ ташлаб қўйишарди. Дарвоқе, китобдаги аксарият хангомаларга шахсан ўзим гувоҳ бўлганман, ижодкорлар даврасидаги кувнок, дилкаш гурунларда эшитганман. Тўғри, кейинчалик хангомалар китобхонлар, мухлислар ўртасида озми-кўпми тилга туша бошлагач, айрим ижодкор дўстлар ўзлари эшитган билган хангомаларни менга айтиб турадиган бўлишди. Ҳозирча қўлга қоғоз-қалам олиб, биронта ижодкор ҳузурига хангома айтиб беринг деб бормаганман. Энди бундоқ ўйлаб кўрсам, шу ишни ҳам қилиш керак экан. Инсон умри куз шамолида тебраниб турган япроқдек омонат. Китобнинг олдинги нашрларидаги хангома қаҳрамонлари – Саид Аҳмад, Толиб Йўлдош, Азиз Абдураззоқ, Озод Шарафиддинов, Бўрибой Аҳмедов, Неъмат Аминов, Шукур Холмирзаев, Машраб Бобоев, Рауф Парфи каби халқимизнинг фахри-ғурури бўлган сиймолар бугун орамизда йўқ. Ҳа, Эркин Воҳидов сўзбошида таъкидлаганидек, “умр ўткинчи, хотира боқийдир”.

Хангома ёзишимга “рашки” келган айрим ўртоқлар мен ҳақимда ҳам хангома-латифа тўкишади. Эмишки, Дўрмонда тўпланиб, гурунглашаётган адиблар “Жим! Орқамиздан одам қўйилган – Шодмон Отабек шу яқин атрофда юрганмиш!” дея ўзаро бир-бирларининг қулоғига шивирлашармиш... Кейинчалик улар каминанинг хангоманависликка астойдил бел боғлаганимга тан беришиб, давраларда ҳазил-мутойиба бўлиб қолса, дарҳол мени эслашадиган, “Эҳ, орамизда Шодмон Отабек бўлганда эди...” дейдиган бўлишди.

“Дўрмон хангомалари”ни ўқиган айрим номдорроқ адиблар “Қаҳрамонларни майдалаштириб юборяпсиз”, дея эътироз билдиришди. Мен бу фикрга қўшилмадим. Ахир аксарият таниқли адиблар ҳам бир вақтлар “майда” бўлишган, оддий бир журналист, ҳаваскор қаламкаш сифатида ижод қила бошлаганлар. Китобхон аслида қаҳрамоннинг “майда” ёки “йирик” лигига аҳамият бериб ўтирмайди. Мароқли хангома, маъноли кулги, бетакрор, ажойиб лутфлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қолаверса, камина фақат машҳур кишилар ҳаётидан хангомалар ёзишни даъво қилаётганим йўқ!..

Айрим хангомалар китобхонга танишдай, уни қаердадир ўқигандай ёки эшитгандай туюлиши мумкин. Гап шундаки, адабий муҳитда худди латифа каби оғиздан-оғизга қўчиб юрадиган хангомалар бўлади. Тўғри, уларни ҳар ким ҳар хил талқин қилса-да, хангоманавислар томонидан қоғозга туширилганда моҳият эътибори билан бир-бирига ўхшаброк қолиши ҳам мумкин. Бунини тўғри тушуниш керак. Қолаверса, хангомалар аслида оний бир лаҳзада яратиладиган оғзаки ижоднинг бир тури, у йиғилиб, тўпланиши ёки тўқилиши ҳам мумкин. Китобнинг ушбу нашрида айрим ёзма манбалардан ҳам қисман фойдаланилди.

Кулгининг маъноси ҳақида гап кетганда кулгининг тури, хили ҳақида ҳам тўхталиш жоизга ўхшайди. Устоз Абдулла Қаҳҳор кулгининг ўн битта хилини санаган: кулди, қаҳқаҳа урди, илжайди, жилмайди, тиржайди, бурни билан кулди, оғзининг таноби қочди, кулимсиради, табассум қилди, заҳарханда қилди, хандон ташлаб кулди. Халқимиз орасида кулгининг бошқа турлари ҳам кенг тарқалган: ўзининг устидан кулиш, бировнинг устидан кулиш, ўз фойдасига кулиш, билмасдан туриб ўзининг устидан кулиб қўйиш, қатра хандалар, бирор шеърга пародия ёзиб кулдириш, монолог билан кулдириш, диалог билан кулдириш, интермедия орқали кулдириш, аския айтиб кулдириш ва ҳоказолар.

“Дўрмон хангомалари”да кулгининг ана ўша турфа хилларини учратасиз. Мақсад – йўқ жойдан кулги қидириш, айрим ижодкорларни улуғлаш, макташ ёки қаҳ-қаҳ уриб кулдириш эмас, балки юқорида таъкидланган турфа кулгилардан китобхонни баҳоли қудрат баҳраманд қилиш, унинг руҳини поклаш

ва шу кулги воситасида номлари тилга олинган ижодкорларнинг жонли сиймосини китобхон қалбига яқин қилиш ва шу асно адабий муҳитнинг бетакрор тарихини яратишдир.

Ҳаётда гоҳо шундай ҳолатлар бўладики, биргина сўзнинг озгина бўлакча оҳангда, бўлакча маънода айтилиши ҳам кишида беихтиёр кулги ёки шунга мойил бир кайфият, ички бир завқ-шавқ уйғотиши мумкин. Айрим ҳангомалар, ибратли воқеалар эса даврнинг, адабий жараён ва ижодкор характерининг маълум бир қирраси, хусусиятини яққол ифодалагани учунгина қаламга олинди.

Ичкичилик билан боғлиқ айрим ҳангомаларни ёзишда китобхон тўғри тушунармикин дея бир оз иккиландим. Зукко муҳаррир Аҳмадjon Мелибоев уларни ёзишда эҳтиёт бўлиш лозимлигини таъкидлади. Сир эмас, айрим адибларнинг ичкиликка берилгани, афсуски, аччиқ ҳақиқат, уларнинг ҳаёт тарзини бусиз тасаввур этиш қийин. Ичкилик билан боғлиқ ҳангомаларда уларнинг характери, дунёкарашига доир муҳим жихатлар ҳам яққол очилади. Шу боис бу тафсилотлардан бутунлай воз кечолмадим.

Ҳангома фақат кулги воситасигина эмас. Гоҳо жиддий тарзда баён қилиш, тушунтириш қийин бўлган гапни бетакрор лутф – хангома орқали қойилмақом қилиб айтиш мумкин. Шунда фақат хангома айтувчининг ўзига хос характеригина эмас, балки бутун бир даврнинг муҳим хусусиятлари ҳам ёрқин, ғаройиб тарзда намоён бўлади. Ҳазил-мутойиба одамларнинг, жамиятнинг моҳиятини очадиган нозик воситадир. Одамларнинг хулқ-атворини улар ниманинг устидан кулишаётганига қараб ҳам билиб олиш мумкин.

Донишмандлардан бири “Сўзингни эшитишларини истасанг қаттиқ гапир, уни тушунишларини истасанг содда гапир, кулоқ солишларини истасанг ишдан гапир, хурмат қилишларини истасанг ақлли гапир, шуларнинг ҳаммасига бир гапда эришмоқчи бўлсанг кулдириб гапир” деган экан. Ушбу ибратли ҳикмат бевосита хангомаларга ҳам дахлдордир.

“Мабодо биров, фалончи дунёдан кулмай ўтиб кетди, деса, кулоғимга уйланмай ўтиб кетди, деб эшитилади. Кулмаслик ўзини ўзи роҳатдан, ҳузур-ҳаловатдан тийиш демакдир. Кулги

одамнинг ичидан чиқади, демак, ичи тоза одам кулади. Ичида ғубори бор одам кулолмайди” деган эди атоқли адиб, бетакрор кулги дарғаси Саид Аҳмад.

“Одамнинг хулқ-атвори қайси нарсага кулгили деб қарашида ҳам тўла намоён бўлади” деган эди буюк немис мутафаккири Гёте.

“Дўрмон хангомалари” биринчи галда ҳазил-мутойибани, кулгини нозик, теран ҳис этадиганларга мўлжалланган. Мавриди келганда яна бир ҳолатга китобхон эътиборини жалб қилмоқчиман. Айрим хангомаларнинг “сири” – маъноси ўтмиш ёки ҳозирги даврдаги адабий муҳит ҳамда номлари тилга олинган шоир, ёзувчилар ижоди билан яхши таниш бўлганларгагина аён бўлади. Шу боис, бундай хангомаларни адабий-маданий меросимиздан яхшироқ хабардор бўлган китобхонлар теранроқ англайди. Демак, хангомалар аввало ТУШУНГАННИКИ, ТУШУНИБ КУЛА БИЛГАННИКИДИР.

Китобдаги хангомаларда номлари тилга олинган адиблар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорларни мен ниҳоятда ҳурмат қиламан, уларга ихлосим баланд. Азбаройи суйганимдан, ҳаддим сиққанидан улар ҳақидаги хангомаларни қаламга олганман. Бу беғараз ҳазил-мутойибалардан кулгисевар халқимиз ҳам баҳраманд бўлишини, мухлисларнинг ўзлари севган ижодкорлар ҳақидаги тасаввури янада бойишини истайман. Айни чоғда бу хангомалар адабиётимизнинг, маданий-маънавий ҳаётимизнинг, адабий муҳитнинг ҳазил-мутойибаларга йўғрилган, ўзига хос бир тарихидир. Шу маънода уларни беқиёс, бетакрор кадриятлар десак хато бўлмайди. Бу хангомаларда даврнинг, авлодларнинг ўзига хос белгилари нақшланган, умумий бадий жараёнга, адабий муҳитга дахлдор хусусиятлари акс этган. Дарҳақиқат, адиблар ҳаётидаги ҳазил-мутойибалар, ичакузди хангомалар бир қарашда шахсий, оний ҳолатлардай туюлади, аммо уларнинг миллий адабиётимизга, маънавиятимиз ва умум маданиятимизга бевосита дахлдорлиги аллақачон исботланган. Шу боисдан ҳам уларни эринмай йиғмоқ, сайқалламоқ ва келгуси авлодларга қолдирмоқ зарур.

Беғубор хангомалар завқ-шавқ улашиб, кайфиятни кўтаради, турмуш машаққатларидан толиққан асабларни андак юмшатади, юракнинг чигилини ёзади. Латифаларда

ҳар бир халқнинг табиати, феъл-атвори намоён бўлганидек, хангомаларда ҳам халқнинг ахлоқий, маънавий қадриятлари акс этади.

Айрим хангома қаҳрамонлари менга ҳазил ила: “Майли, ёзаверинг, мабодо ўз асарларимиз билан тарихда қолмасак, лоақал сизнинг хангомаларингиз орқали номимиз қолар”, дейишади. Қайдам, “камтарлик” билан айтганда, балки бу гапларда жон бордир. Ахир Марк Твен, Бернард Шоу, Михаил Светлов, ўзимизнинг Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Адҳам Ҳамдам, Азиз Абдураззоқ, Рауф Парфи, Тоҳир Малик, Мирпўлат Мирзо ҳақидаги латифа, хангома-ҳазиллар оғиздан-оғизга ўтиб, ҳали-ҳамон яшаб келяпти-ку! Шу ўринда устоз Озод Шарафиддиновнинг куйидаги мулоҳазаси эсга тушади:

“Истеъдодли одам юмор туйғусидан бенасиб бўлиши мумкин эмас ва аксинча, юмор туйғусига эга бўлмаган одам истеъдодли бўлолмайди”.

Улуғ француз адиби Бальзак эса бу борада янада кескинрок фикр билдирган:

“Табиатида юмор бўлмаган кишининг ақлу фаросати жойида эканлигига, унинг тузук одамлигига шубҳа билан қараш керак”.

“Дўрмон хангомалари”да номлари зикр қилинган адибларнинг аксарияти юксак истеъдод соҳибларидир. Улар табиатидаги нозик, теран юмор – ҳазил туйғуси, ўткир ақлу заковат ушбу китобнинг яратилишига замин бўлди.

Кулги, авваламбор, самимийликни тақозо этади.”Маза килиб куладиган одам – яхши одам” деб ёзади Ф.Достоевский. Беғубор кулги рухий баркамолликдан далолатдир. Зеро, чин дилдан кула олиш қувноқ, руҳан соғлом одамларгагина хосдир. Бахил ва тубан кимсалар ҳеч қачон самимий ва қувноқ бўлолмайдилар. Одамнинг кимлиги, айниқса, унинг кулгисида, кулгига муносабатида ҳам намоён бўлади.

Ҳеч нарса одамларни бир-бирига чинакам, беозор кулгидек яқинлаштиролмайди.

Охун қизиқ лутф қилганидек, ҳаммом одамнинг танасини созласа, кулги руҳини поклайди. Улкан кулгу дарғаси Юсуф-жон қизиқ “Кулинглар, умрингиз узок бўлади”, дея бежиз ва-

сият қилмаган. Ўзи ҳам бир умр кулиб, одамларни кулдириб яшагани учун узок умр кўрган, хатто фоний дунёни тарк этаётганда ҳам атрофдагиларни кулдириб кетган. Шогирдларнинг “Устоз, бизни шунақа куйдириб, доғда қолдириб кетаркансиз, нима қилардингиз бу дунёга келиб?” деган ҳазилига “Келмас эдим-у ота-онам қўймади-да. Ҳай майли, Сизларни шунча йил кулдирдим, энди нариги дунёдагиларни ҳам кулдирай-да!” дея жавоб қилган экан.

Ҳа дўстлар, кулгуда ҳикмат кўп. Зеро, дунёни фақат гўзалликкина эмас, кулгу ҳам кутқариши мумкин.

Муаллиф

МУНДАРИЖА

Латифасиз яшаб бўлмаиди	3
Кулгуга йўғрилган мерос	4
Садриддин Айний бир куни	6
Ғафур Ғулом бир куни	10
Ойбек бир куни	31
Абдулла Каххор бир куни	36
Миртемир бир куни	52
Максуд Шайхзода бир куни	66
Чархий бир куни	73
Саид Аҳмад бир куни	76
Ақром Қодирий бир куни	95
Адхам Ҳамдам бир куни	98
Мавлон Иқром бир куни	110
Восит Саъдулла бир куни	114
Толиб Йўлдош бир куни	117
Эркин Воҳидов бир куни	123
Абдулла Орипов бир куни	158
Муҳаммад Али бир куни	164
Ўткир Ҳошимов бир куни	169
Неъмат Аминов бир куни	174
Ҳабиб Саъдулла бир куни	181
Муҳаммад Юсуф бир куни	185
Иқбол Мирзо бир куни	190
Тўра Сулаймон бир куни	196
Тоҳир Малик бир куни	201
Рауф Парфи бир куни	215
Турсунбой Адашбоев бир куни	239
Анвар Обиджон бир куни	244
Ваҳоб Рўзиматов бир куни	253
Бўрибой Аҳмедов бир куни	260
Озод Шарафиддинов бир куни	264
Азиз Абдураззок бир куни	274
Худойберди Тўхтабоев бир куни	281
Анвар Эшонов бир куни	285

Шукур Холмирзаев бир куни	290
Жамол Камол бир куни	297
Мухтор Худойкулов бир куни	300
Маҳкам Маҳмудов бир куни	309
Машраб Бобоев бир куни	317
Мурод Муҳаммад Дўст бир куни	321
Эркин Сиддиқов бир куни	326
Аҳмаджон Мелибоев бир куни	331
Шароф Бошбеков бир куни	344
Мирпўлат Мирзо бир куни	349
Азим Суюн бир куни	371
Шукур Курбон бир куни	376
Йўлдош Эшбек бир куни	381
Ёқубжон Хўжамбердиев бир куни	384
Муҳаммадали Қўшмоқов бир куни	388
Ашурали Жўраев бир куни	391
Ориф Одилхонов бир куни	398
Носиржон Тошматов бир куни	405
Кунлардан бир куни камина	410
Кунлардан бир кун	430
Дунёни кулгу ҳам куткаради	517

ШОДМОН ОТАБЕК

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

С. Маҳкамов ва И. Раҳмонов
фотосуратларидан фойдаланилди.

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти

Тошкент – 2016

Мухаррирлар: *Рустам Бойтўра, Расулжон Нафасов*

Бадиий муҳаррир *Феруза Башарова*

Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*

Саҳифаловчилар: *Мастура Атхамова, Ёзоза Йўлдошева*

Мусаҳҳиҳлар: *Шарофат Хуррамова, Саида Аллаева*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 й.

Теришга берилди 3.11.2015. Босишга рухсат этилди
4.01.2016 й. Бичими 60x90^{1/16}. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 33,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 22,0 Адади 3000 дона.
Буюртма № 4102.

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп
этилган янги китоблар:**

1. Мухтарама Улугова. Баҳор келди сени сўроқлаб *(хотира-эссе)*
2. Исажон Султон. Боғи Эрам *(қисса ва ҳикоялар)*
3. Алишер Ибодинов. Шафқатсиз тоғлар *(роман ва қиссалар)*
4. Франц Кафка. Жараён. Отамга хат *(роман, эссе)*
5. Акмал Саид. Ҳазрат Занги ота *(илмий-адабий рисола)*

ДЎРМОН

ДАДА ОМАЛАРИ

ШОДМОН
ОТАБЕК



«Давирни Мирзо Отабек номидаги Миллий университетнинг филология факультетини битирган. Республика радиосида, Ўзбекистон Миллий кинотеатрида, Тошкент давлат маданият институтида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Хабар» газеталарида хизмат килган. «Шухрат» медали сохиби. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Ёзувчининг турли йилларда «Мирзакалон Исмоилий», «Япроқдаги нур», «Одамийлик синовлари», «Энг бахтли кун», «Қорбўрон», «Шахмат абади ёдир», «Ширмонбулоқ окшомлари», «Тўкилмаган латифалар», «Дўрмон хангомалари» (тўрт марта нашр этилган) «Кунлардан бир кун...», «Эркин Воҳидов бир куни...», «Тоҳир Малик бир куни...», «Мирпўлат Мирзо бир куни...», «Ғалати гаплар», «Муҳаббат – бу...», «Мирзакалон Исмоилий сабоқлари», «Санъаткорлар ҳақида хангомалар», «Энг кизик латифалар», «Шахмат ханогомалари», «Ғаройиб хангомалар» каби китоблари, «Яхши кунларда кўришайлик», «Бир кам дунё» номли киссалари нашр этилган.

2013 йили «Кетманг, отажон» номли пьесаси чоп этилган ва сахналаштирилган.

2014 йили «Кўнгил чироғи» (Сайланма) китоби босилиб чиқди.

2014 йили «Адабиёт қисматдир» (мақолалар, эсселар, хотиралар, суҳбатлар) китоби чоп этилди.

Шодмон Отабекнинг асарлари рус, украин, турк, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган. У Л.Толстой, В.Шукшин, М.Зошченко, А.Несин асарларини ўзбек тилига ўгирган.

ISBN 978-9943-26-400-7



9 789943 264007